

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**
(Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихи)

II қисм

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
томонидан ҳуқуқ йўналиши ва тарих йўналиши бўйича Олий
ўкув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия етилган

Тошкент-2003

**67.3
М 96**

**УДК 340(09) (100)
ББК 67. Зя73**

Масъул мухаррир: А.Х.Саидов, хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: **Ш.З.Ўразаев**, хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги.

Ҳ.Б.Бобоев, хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор,
О.Т.Хусанов, хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор,

Мухамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва хуқуқи тарихи:(Ўрта асрлар давлати ва хуқуқи тарихи): Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик/Масъул мухаррир: А.Х.Саидов. Қисм 2. - Т.: Тошкент Давлат юридик институти нашриёти, 2003. - 480 бет.

Сарлавхада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Дарслик «Хорижий мамлакатлар давлати ва хуқуқи тарихи» фани дастури асосида хуқуқий ва тарихий фанларнинг енг сўнгги ютуқларини хисобга олган холда ёзилди. Унда ўрта асрларда Фарбий, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари: Франклар давлати, Франсия, Германия, Англия, Византия, Россия хамда Шарқ мамлакатларидан Араб халифалиги, Хитой, Япония ва Ҳиндистонда давлат ва хуқуқнинг ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари хронологик изчилликда ёритилди. Дарслик олий ўқув юртларининг хуқуқ, тарих йўналишлари талабалари, магистрлари, ўқитувчилари ва жаҳон мамлакатлари давлатчилиги ва хуқуқи тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

© Ҳайдарали Мухамедов.
© Тошкент Давлат юридик институти, 2003 й.

СҮЗ БОШИ

Маълумки, тарихшунослик илмида ўрта асрлар тарихи узок даврни - милоднинг V-XVII асрларини ўз ичига олиб, уни дунё халқларининг деярли хаммаси ўз бошидан кечирган. Қадимги дунё давлати ва хуқуқи тарихида кўриб чиқилганидек, қадимги дунё қулдорлик жамияти Шарқ дунёсида вужудга келиб, Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларида ўзининг юксак тараққиётига еришган. Унинг сўнгги даврида юксак ривожланиш маркази астасекин Farb дунёсига кўчди.

Феодализм жамияти еса худди шу инсоният маданияти тарихида муҳим ўрин тутган Европа мамлакатларида айниқса тез ривожланиб, катта муваффақиятларга еришди. Биз қулдорлик жамияти Фояларининг юкса-лишини, унда пайдо бўлган қарама-қаршиликларни, унинг таназзулини милоднинг В асридан бошлаб, асосан, Рим қулдорлик империяси мисолида ўрганамиз. Ўрта асрлар тарихидаги енг муҳим воқеалар қаторида христиан ва ислом динларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Farb мамлакатлари феодал жамияти, давлатчилиги хамда хуқуқшу-нослигида христиан динининг хукмрон динга айланиши қанчалик ахамият касб етган бўлса, ислом динининг яратилиши ва тарқалиши хам Шарқ дунёсидаги юксак маданиятнинг вужудга келишида шунчалик хисса қўшди. Ўрта асрлар Ренесанси, Уйғониш даврининг жаҳон халқлари мада-ниятига қўшган хиссаси бенихоя катта.

Ўрта асрларда дунёнинг турли қисмларида қўпдан-қўп ва турли ижтимоий-иктисодий, давлат-хуқуқий жараёнлар содир бўлган. Бу даврда феодализмнинг бутун дунё миқёсида ўрнатилиши қулдорлик ва айниқса, ибтидоий-жамоа тузумига нисбатан прогрессив ходиса бўлди.

Феодализмнинг келиб чиқиши дунёнинг турли мintaқаларида мазму-ни, шакли ва пайдо бўлиш вақти бўйича турлича юз берган. Дастреб қадимги сивилизатсия марказлари ва тегишлича давлатлар: Хитойдаги Хан подшолигида, Ҳиндистондаги Гупталар давлатида, Ўрта Осиёдаги Кушон подшолигида, Ерондаги Сосонийлар подшолигида ва Месопатамияда аста-секин янги ишлаб чиқариш усули ривожланди. Европада еса аввало кечки Рим империясида

қулчилик муносабатлари емирилди ва илк феодал елементлар туғилди.

Баъзи халқлар феодализмга ва феодал давлатга бевосита ибтидоий-жамоа тузумидан қулдорликни четлаб ўтган. Бу жараён келт, герман, славян, турк, мўғул ва кўпгина бошқа қабилаларда юз берган. Мазкур халқлар мамлакатларининг табии шароитлари қадимги сивилизатсия минтақалариникига қараганда анча ноқулай еди. Бу халқларда ишлаб чиқарувчи кучлар ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишини таъминлаш даражасига еришган пайтда уларда ахолининг ўсиши бошланган, синфий жамият ва давлатнинг туғилиши сезилиб қолган.

Феодализм асосларининг шаклланиши қулдорлик ва уруғдошлиқ жами-яtlари негизларида вужудга келган “илк феодал” элементларни синтез қилиш йўли билан хам амалга ошган. Бу холат собиқ Рим империясининг қўшни қабилалар томонидан босиб олинган провинсияларида юз берган еди. Бу ерларда, бир томондан, қулдорлик муносабатларининг, иккинчи томон-дан, босқинчи қабилаларда уруғчилик муносабатларининг емирилиши натижасида илк феодал елементларнинг шаклланиши юз берди.

Босқинчи қабилалар Римдаги дастлабки феодал муносабатларга дуч келиб унга мослашиб кетган еди. Феодализмнинг вужудга келиши инсоният тараққиётининг дастлабки даврларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг умумий тараққиётида ижобий рол ўйнади. Лекин жараённинг салбий томони босқинчи қабилалар томонидан ишлаб чиқарувчи кучларнинг анча издан чиқарилганлигига, натурал хўжаликка қайтишда, ахолининг катта қисми уму-мий маданий-маърифий даражасининг анча пасайганлигига намоён бўлди. Бунинг оқибатлари узоқ вақт мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатди ва факат бир неча асрлар мобайнидагина тугатилди.

Шунинг учун XV-XVII асрлардаги Европанинг гуманист олимлари бу вақтни Европа тарихининг ”тонготари“ деб хисоблаб, уни Антик ва Уйғониш даврлари оралиғидаги ”ўрта“ давр деб атайдилар. Оқибатда, ”ўрта асрлар“ деган ибора келиб чиқиб, у тарих фанида В-XVII асрларга нисбатан қўлланиладиган бўлиб қолди.

Тарих фанида ўрта асрларни феодализм¹ даври деб аташ ҳам қабул қилинган.

¹ «Feodalizm» iborasi birinchi marta 1789 yilgi Fransiya burjua inqilobi davrida fransuz adabiyotlarida qo'llanilgan va eski german termini «fedum»dan kelib chiqib, yer mulki ma'nosini anglatadi.

Ушбу дарслик муаллиф томонидан 1999 йилда еълон қилинган Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи (Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи) II қисм дарслигининг мантиқий давоми хисобланади. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, у 2000 йилнинг енг яхши дарсликларидан бири сифатида республика танловида совринга сазовор бўлган еди.

Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихига бағишланган мазкур дарслик-да Фарбий, марказий ва шарқий Европа мамлакатларидан Франклар давлати, Франсия, Германия, Англия, Византия ҳамда Россияда, Шарқ мамлакатларидан Араб халифалиги, Хитой, Япония ва Ҳиндистонда ўрта асрлардаги давлатчилик тарихи, ҳуқуқнинг ривожланиши масалалари батафсил ва изчил, хронологик тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида баён қилинади. Бун-да ҳар бир мамлакатнинг давлат ва ҳуқуқи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, туркум мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи ривожланишининг умумий қонуниятларини ёритишига ҳаракат қилинади.

Дарсликни ёзишда фаннинг енг сўнгги ютуқларидан, жуда кўп ҳуқуқшунос олимларнинг асарларидан, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, тари-хий-ҳуқуқий ёдгорликлардан фойдаланилди. Ушбу дарслик ўзбек тилида биринчи ишлардан бўлганлиги сабабли айrim камчиликлардан холи бўлмас-лиги мумкин. Умид қиласизки, китобхонлар бу ҳақдаги ўзларининг холисона фикр ва мулоҳазаларини муаллиф билан самимий баҳамлашадилар.

БИРИНШИ БҮЛІМ

ЎРТА АСРЛАРДА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

И БОБ. ЕВРОПАДА ЎРТА АСРЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида феодал ер мулкчилигини құлдорлик давридаги мулкчиликдан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, Ғарб мамлакатларида ернинг олий егаси монарх (қирол, княз, император) ҳисобланиб, бошқа феодаллар ундан хизмат евазига ёки бошқа шартлар билан ер олғанлар. Улар еса бу ерни учинчи шахсга маълум шартлар евазига берганлар. Ер берган феодал сюзерен, олгани еса вассал деб аталған. Шундай қилиб, Ғарбий Европа мамлакатларида ерга егалик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари унинг иерархик (поҒонама-поҒона) характеристида бўлиб, бу ҳодиса маҳсус шарт-номалар (инвеститура)да ифодаланадиган сюзеренитет-вассалитет муносабат-ларини туғдирған.

Шарқ мамлакатларида бундай егалик бўлмай, ер давлат мулки ҳисобланарди. Йирик ер егалари давлатга бўйсунардилар, дехқонлар ва ҳу-нармандлар еса бевосита давлатга рента-солиқ тўлардилар.

Ерга нисбатан давлат мулкчилигининг мавжудлиги ўрта аср Шарқида давлатнинг нисбатан марказлашишида муҳим омил ҳисобланган, лекин XVI-XVIII асрларга келиб капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривож-ланишига тўсиқ бўлиб қолган.

Жамиятнинг базисида феодал муносабатлар ўрин олгач, унинг сиёсий устқурмасида ҳам базиснинг характеристини ифодалайдиган ўзгаришлар рўй берди.

Феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий етиши билан давлатчилик ҳам ривожланди. Европада бу жараён асосан қуйидаги тўртта: илк феодал монархияси, сенорлик монархияси (феодал тарқоқлик), табақа-вакиллик монархияси ва мутлак монархия босқичларидан ўтди. Бироқ бу босқичларни ҳамма Европа мамлакатлари бир вақтда ва тўлиқ босиб ўтмади. Ҳар бир мамлакат миллий тарихининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ана шундан келиб чиқади.

Шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, Шарқ мамлакатлари ўз тараққиётида бундай даврларни тўлиқ босиб ўтмади. Кўпчилик олимлар кўрсатишича, Шарқ феодал давлатлари ташкил топган вақтидан бошлабоқ мутлақ монархия шаклида бўлиб, бу давр узоқ давом етди.

Феодал жамиятида ва унинг сиёсий ташкилотларида черков мафкураси катта рол ўйнаб, диндорлар имтиёзли табақа ҳисобланган. Шарқий ва Фар-бий Европада христианлик, Осиёнинг бир қанча мамлакатларида ислом, Хитой, Японияда конфутсийлик ва буддизм ҳукмрон диний мафкура ҳи-собланган.

Христианлик Европада ягона дин бўлиб, у кишиларнинг бутун ҳаётини ўзига бўйсундирган, кишилар туғилганидан то вафот етганларига қадар черков назорати остида бўлганлар. Христианлик, гарчи камбабал ва қулларнинг дини сифатида вужудга келган бўлса ҳам, кейинчалик у бутун Фарбий Европага ёйилди. 325 йилда христиан черковнинг биринчи собори (йиғилиши) чақирилди. 1054 йилда Рим ва Константинопол черковлари ўрта-сидаги асрий низолар тугаб, христианликда узил-кесил иккита черков, иккита мазҳаб-православие ва католитсизм қарор топди. 1232 йилда Рим папаси даҳрийларга оид ишларнинг барчасини доминикан-монахлар жамоаси ҳал етиши тўғрисида фармойиш чиқарди.

1252 йилда ендигина шаклланаётган инквизитсия - черков судига тергов қилишда қийнаш усулини қўллашга рухсат берилди. Ана шу тариқа ўрта аср черков инквизитсияси (суди) ташкил топди ва у даҳрийлик, фолбин-лик, диндан қайтиш, яқин қонқариндошларнинг никоҳга киришлари, бевафо-лик, ёлғон гувоҳлик, тухмат, ҳужжатларни қалбакилаштириш, оғирлик ва узунлик ўлчовларини сохталаштириш, судхўрлик, шунингдек, никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган барча ишларни ўз судловига олди. Инквизитсия суди, айниқса, ўрта аср Испаниясида кўплаб одамларни ёқиб юборишга ҳукм етди².

1481 йилда Испанияда ”илоҳий трибунал“ тузилди. Бош инквизитор Чорквемада фаолият кўрсатган 15 йил ичida 8220 киши даҳрийликда айбланиб, ёқиб юборилди, 89326 киши бошқа жазоларга ҳукм қилинди. Вол-тернинг маълумотларига қараганда, Фарбий Европада 100 мингдан ортиқ киши фолбинлик, худосизлиқда айбланиб ёқиб юборилди. Буларнинг ичida Франсиянинг миллий

² **Qarang:** Хрестоматия памятников феодального государства и права.-М.:Госюриздат, 1961.-505- bet.

қаҳрамони Жанна ДъАрк, Уйғониш даврининг буюк олими Жордано Бруно, чех гуманисти Ян Гус ва бошқалар бор³.

Ғарбий Европа шаҳарлари X-XII асрларда савдо ва хунармандчилик марказларига айланади. Шаҳарлар дастлабки вақтларда диний ва дунёвий феодаллар ерларида ташкил топганлиги учун уларга қарам еди. Кўп вақт ўтмай улар ўз еркинликларининг сиқиб қўйилишига қарши кураш натижасида мустақилликни қўлга киритади ва айримлари ҳатто республика шаклидаги шаҳар давлатларга айланади (Италияда). Айримлари ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади (Англияда), айримлари еса империя еркин шаҳарлари мақомини олади (Германияда). Шаҳарларнинг енг муҳим ю-туғи барча фуқаролар еркинлигининг тан олиниши еди.

«Агар крепостной, - дейилади шаҳар ёрлиқларида, - шаҳарда бир йилу бир кун яшаса, шу вақт унинг хўжайини унга бўлган егалик ҳуқуқини даъво қилмаса, у озод ҳисобланади».

Дворянлардан ўзини ҳимоя қилиш ҳамда шаҳар солиқларини тенгроқ тақсимлаш мақсадида шаҳар аҳолиси иттифоқларга бирлаша бошлайди. Ҳунармандлар ўзларининг сехларини, савдогарлар еса ўз гилдияларини тузадилар. Ўрта аср сехлари бир касбдаги Ҳунармандлар иттифоқидир. Ҳар бир сех, гилдия ўз устави ва оқсоқолига, шунингдек, судига ега еди. Сехларнинг тузилиши феодализмнинг қонуний натижасидир. Шунинг учун ҳам сехлар факат Ғарбий Европа мамлакатларидагина емас, Япония, Хитой, Ўрта Осиёда ҳам ўзига хос кўринишларда учрайди.

Европада XVI асрга келиб феодализмнинг инқирози белгилари на-моён бўла бошлайди. Антифеодал инқилобларнинг яқинлашиши билан давлат ва ҳуқуқ тизимининг янги демократик тамойилларини асословчи ва бун-да кўпинча антик демократия тажрибасини мисол тариқасида кўрсатувчи сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривожланди.

Ғарбий Европа мамлакатлари давлатларининг ривожланиши билан бирга уларнинг ҳуқуқий тизимлари ҳам ривожланиб борди. Феодал тарқоқлик даврида бу жараённинг муҳим белгиси ҳуқуқ «партикуляризми»⁴, яъни бутун мамлакат учун ягона ҳуқуқнинг йўқлиги еди. Ҳуқуқ ”партикул-яризми”нинг бартараф етилиши, айниқса, табақа-вакиллик монархияси даври-дан бошлаб

³ **Qarang:** Анашкин Г.С. Смертная казнь в капиталистических государствах. Историко-правовой очерк.- М.:Госюриздан, 1971.-25-bet.

⁴ **Partikulyarizm** – lotincha “bo’lak”, “qism” so’zlaridan olingan bo’lib, bu yerda bir mamlakat ichidagi provinsiyalar, knazliklar va shaharlar huquqining turli-tumanligi va xilma-xilligi ma’nosida ishlatilmoqda.

жадаллашди. Ғарбий Европанинг қитъа қисми мамлакатларида ҳуқуқ шакларининг ўзаро яқинлашуви юз беради. Англия феодал ҳукуки алоҳида, мустақил ҳолда ривожланиб борди. Шу тариқа, тез орада Ғарбий Европа ҳуқуқи иккига: инглиз-саксон ҳуқуқи ва қитъа ҳуқуқига ажралиши белгилари намоён бўла бошлади.

Шарқда ўрта асрлардаги йирик мамлакатларнинг феодал давлати ва ҳуқуқи тарихи бошқачароқ бўлган. Бу ерда асосан кучли бюрократик давлат аппаратига асосланган деспотик бошқарув шакли сақланиб қолди. Монарх ҳокимиятини амалга оширишдаги баъзи миллий фарқлар асосан унинг мазмуни ва моҳиятини ўзгартирмасди. Бу ерда давлат бошлиғи умуман ҳар доим мамлакатдаги бутун ерларнинг олий егаси сифатида майдонга чиқди. Унинг бу ҳуқуқи авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб туради. Бундан ташқари, Шарқда ер егалиги муносабатларида жамоа ер егалиги-нинг узоқ вақт сақланиб қолганлиги ва турғун характерга ега бўлганлигини кузатиш мумкин. Експлуататсиянинг асосий шакллари, биринчи навбатда полизчи-дехқонлардан ҳукмрон синф фойдасига рента солиғи олиш тенг даражада сақланиб қолганди.

Шаҳарларда кустар ишлаб чиқариш ва савдо ривожланди. Ўша вақт учун такомиллашган буюмлар, йирик архитектура иншоотлари ва бошқа шоҳ санъат асарлари яратилди, кўп ихтиrolар қилинди. Ҳатто бу соҳада ўз давридан одимлаб кетиш ҳолларини кўрамиз. Лекин шаҳар маҳсулоти асосан ҳукмрон синф еҳтиёжларини қондириш ва ташқи савдо учун кетган. Қиши-лоқ жамоалари асосан натурал, турғун хўжалик юритиб, фақат ички бозорни ривожлантирган, товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига мослашмаган ва оқибатда янги ижтимоий муносабатларнинг шакланишига тўсқинлик қилган. Бу, албатта, мутлақ турғунликни англатмайди, жамият аста-секин бўлса-да ривожланишда давом етди.

Табийки, феодализм тараққиёти даври фақат ижобий воқеалардан ташкил топмади. Инсоният тарихидаги ҳеч қандай жамиятда ҳукмрон синф вакил-ларининг шахсий еркинликлари ва ҳуқуқлари феодал жамиятдаги каби чексиз худбинлик даражасига кўтарилимаган. Ўз навбатида, ҳеч қачон оддий фуқароларнинг аҳволи ҳам феодализмдаги каби оғир ва таҳқирли бўлмаган. Инсоният тарихидаги ҳеч бир даврда мавжуд қонунлар ва тартиблар феодализмдаги каби фақат заифлар томонидан бажарилиши талаб қилинган жамиятни учратмаймиз. Ўрта асрларда жаҳон халқлари ўз бошларидан кўплаб кулфатларни: очарчилик, ўлатлар, урушлар ва

талончиликларни кечирди. Улар ўзларининг таҳқири, оғир ҳаётларини ўзгартириш учун кўзғолонлар уюштирилар. Буларнинг оқибати ўлароқ ўрта асрларга ва ўз навбатида, абсолют монархия тузумига чек қўйган инглиз ва франсуз инқилоблари сингари инқилоблар натижасида инсоният янги даврга қадам қўйди.

II БОБ. ФРАНКЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (V аср - IX асрнинг биринчи ярми)

- *Франклар давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари.*
- *Франклар давлатининг ижтимоий тузуми.*
- *Франкларнинг давлат тузуми.*
- *Франклар давлатида ҳуқуқнинг асосий белгилари.*

1. Франклар давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари

Маълумки, варварларнинг Рим империясига бўлган муносабати IV аср охирларига келиб жуда кескинлашиб кетган еди. Империянинг заифлашуви варвар қабилаларига империя чегарасидан деярли бемалол ўтиб, унинг худудини егаллаб олиш учун имкон берди. Империя варварларнинг сиқувини яна бир оз вақт тўхтатиб тура олар еди, лекин у иттифоқчилар тарзида хизмат қилаётган варварларнинг ўзини ёрдамига таянган чоғдагина шундай қила олар еди. Аммо иттифоқчиларнинг душманга айланиши осон еди: бу-нинг олдини олиш учун империя уларга тобора кўпроқ ён беришга мажбур бўлмоқда еди.

Герман қабилалари II-IV аср ўрталарида ўзларининг ишлаб чиқариш кучларини анча ривожлантирилар. Улар ўз ерларини Сезар ва Татсит замо-нидагидан яхшироқ ишлай бошладилар. Уларда ҳайвонларнинг насли (жум-ладан, отларнинг насли) яхшиланди. Ҳунармандчилик тараққий етди. Че-гара вилоятида яшовчи германлар римлик савдогарлар билан савдо-сотиқ қила бошладилар. Варварларнинг аҳолиси тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли ер масаласи жуда кескин масала бўлиб қолди. Варварлар аҳолининг ошиб-тошиб кетаётганлигини сезмоқда еди. Улар империянинг серҳосил ва қисман бутунлай ишлов берилмаган ерларини ишғол қилишга интилдилар. Бутун бир варвар қабилаларининг Рим империясига қарши кескин кураш олиб боришига олиб келган енг муҳим ва асосий сабаб ер танқислиги еди.

Бу вақтга келиб герман қабилаларининг ичида катта ўзгаришлар содир бўлди. Герман жамиятининг тобора кўпроқ табақаланиб бориши – зода-гонларнинг ажralиб чиқиши, уларга қарам бўлган кишилар сонининг кўпайиши ва ҳоказолар билан бир қаторда,

қабилаларнинг катта-катта иттифоқ-ларга бирлашуви жараёни ҳам юз бермоқда еди. Қуи Рейнда ҳам бирлашув жараёни вужудга келаётган еди. Қуи Рейнда ҳамда Ютлан-дия ярим оролида инглиз-сакс қабилалари бирлашмаси; Ўрта Рейнда франк қабилалари иттифоқи; Юқори Рейнда аллеманлар иттифоқи; Елбада ва Елбанинг нариги томонида лангобардлар, вандаллар, бургундларнинг иттифоқлари ташкил топди. Бундан илгарироқ готларнинг иккита иттифоқи - вестготлар иттифоқи ва остготлар иттифоқи вужудга келиб, буларнинг ҳар бири Дунай ва Қора денгиз бўйи худудида кўп қабилали давлат ташкил қилган еди.

ИВ асрнинг охирларидан бошлаб ва, айниқса, В асрда варварлар ёппасига Рим империяси ҳудудига қараб йўл олиб, уни аста-секин истило қила бошладилар. Тўғри, бу истило қилиш қарийб бутун бир асрга чўзилди. Фарбий Рим империяси тобора қулаб бораётган еди. Чунки варварлар империяни истило етиш билан бир вақтда империя ҳудудига ўзларининг бу-тун оиласари, уй анжомлари, сигирбузоқлари ва ҳоказолари билан кўчиб келиб, ўрнашаётган еди. Шунинг учун ИВ асрнинг охири ва В асрнинг ҳамма-сини ўз ичига олган бу даврни тарихчилар одатда Халқларнинг буюк кў-чиши даври деб атайдилар.

В аср охирига келиб германлар Фарбий Рим империяси ҳудудига: вандаллар Шимолий Африкага, вестготлар (Фарбий готлар) Испанияга, ост-готлар (шарқий готлар) Италияга, франклар Галлияга, инглизлар билан сакслар Британияга жойлашдилар. Германлар шу жойларда ўз давлатларини барпо қилдилар.

Рим империяси ҳудудида тузилган варвар қиролликлари ичida енг каттаси ва кучлиси франклар қироллиги еди. Франклар бора-бора бургундларни бўйсундирдилар. Галлиядан вестготларни суриб чиқардилар. Италияда ланго-бардларни забт етдилар ва Рейннинг нариги томонидаги герман қабилалари-нинг деярли ҳаммасини ўзларига итоат еттирдилар.

Франкларнинг ўзлари ҳам дастлаб Рейннинг нариги томонида яшар едилар. Уларнинг ота-боболари Татситнинг асарида ҳар хил номлар билан, чунончи, ҳамавлар, сукабрлар, батавлар ва бошқа номлар билан аталган. "Франк" деган ном (бу сўзни "жасур", "еркин" деб таржима қилишади) II асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, қандайдир битта қабила емас, балки Рейннинг ўрта ва қуи оқимларида яшаган бутун бир груп герман қаби-лаларига тааллукли умумий бир ном еди, бу қабилалар дастлаб Рейн дарёсининг ўнг

қирғида яшардилар. Дастралб улар римликларга нисбатан душманлик муносабатида бўлдилар, кейин бу муносабат анча дўстона муносабатга айланди. 451 йилдаги Каталаун жангидаги иттифоқчилар федератлар сифатида римликлар тарафида туриб гуннларга қарши урушдилар. Ўша вақтда-ёқ улар катта-катта икки гурухга бўлинган бўлиб, бир гурухи (улар Рейн-нинг қуви оқимида яшардилар) денгиз бўйи франклари ёки сали франклари деб (лотинча "салум" - денгиз сўзидан), иккинчи гурухи Рейннинг ўрта оқимида (ҳар икки қирғоқда) яшаган франклар - қирғоқ франклари ёки рипуар франклари деб (лотинча "рипа"- қирғоқ сўзидан) аталар еди. Булардан енг кучлиси сали франклари бўлиб, улар Галлияниг Гъарбига қараб бордилар.

Франклар милоднинг IV асрларида Рим империясининг Галлия вилоятига қўчиб кела бошлаган. В асрда Фарбий Рим империясининг ағдари-лиши билан франклар унинг ҳудудида ўз қиролликларини барпо етиб, ўз ҳудудларини кенгайтириб борадилар. Рим ерларини босиб олиш натижасида франкларда давлатнинг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етади. Бироқ бу ерда уруғдошлиқ тузуми бирданига йўқолиб кетмади.

Франклар босиб олган ерларни бошқариш учун бошқарув органлари ташкил етишлари зарур бўлиб қолди. Ендиликда ески уруғдошлиқ органлари - оқсоқоллар кенгаши, халқ лашкарбошилари Рим империяси ерларини бош-қаришга тўғри келмай қолган еди. Лашкарбошининг ҳокимиятини ку-чайтириш зарурияти келиб чиқади. Оддий лашкарбоши енди ҳақиқий якка ҳокимга - қиролга айлана боради. Қирол уруғдошлиқ тузуми шароитидаги уруғ жамоаларига тегишли мол-мулкларни ўзиники қилиб ола бошлайди. Халқ мулкини тортиб олиб, ҳадя ва мукофот сифатида ўз яқинларига, аскарларига ва хизматкорларига улашиб беради.

Сали франкларининг Меровинглар сулоласига мансуб қироли Хлодвигнинг подшолик тарихи (481-511йиллар) франклар ҳаётида рўй берган катта-катта ўзгаришлар билан боғлиқ. Хлодвиг барча франк қабилаларини бирлаштириб, 486 йилда Галлияни истило қиласди. Римнинг бу вилояти ҳали варварлар томони-дан забт етилмаган бўлиб, Рим империяси қулагандан кейин Шимолий Галлияниг амалда қироли бўлиб қолган Сиагрий деган римлик маҳаллий магнат томонидан идора қилинарди, бу вилоятнинг маркази Париж еди. Сиаг-рий франкларга сал бўлса-да, жиддий бир қаршилик

күрсата олмади. Суассон шаҳрига яқин жойда шиддатли жанг бўлди. Рим қўшинлари франклар томонидан тор-мор етилди.

Хлодвиг катта ва муҳим ҳудудни - Сена ва Луара дарёлари ҳавзасини забт етиб, франкларга мўл-қўл ерни тақсимлаш имконига ега бўлди. Дарёлари жуда кўп, ери серҳосил, дехқончилик учун қулай ва қайинзор ўрмонларга бой бўлган кенг, лекин римликлар вақтида ҳувуллаб қолган бу ҳудудга бошдан-оёқ франклар кўчиб келди.

90-йилларнинг ўртасида Хлодвиг ва унинг дружинаси томонидан, кейинроқ еса оддий франклар ва уларнинг оила аъзолари томонидан христианлик-нинг қабул қилиниши Франклар қироллигининг янада ривожланиши учун катта аҳамиятга ега бўлди. Галлия ва Римдаги ёътиборли маҳаллий руҳонийлар Хлодвигни ва бошқа Франк қиролларини зўр бериб қўллаб-қувватладилар. Бу нарса франкларнинг Галлия жанубидаги қолган ерларни - Вестготия ва Бургундияни бўйсундиришини анча осонлаштириб, франкларнинг ўз ораси-дан ҳам қирол ҳокимиюти таъсирининг ортишига ёрдам берди. Хлодвиг қол-ган барча сали ва рипуар қиролларини секин-аста қира бориб, жуда катта янги қиролликнинг яккаю ягона қироли бўлиб олди, у (Рейннинг нариги томонидаги ерлардан ташқари) Галлияning тўртдан уч қисмини ўз ичига олар еди.

Хлодвигнинг ўғил ва неваралари қиролликни тез-тез тақсимлаб ва қайта тақсимлаб туришларига, доимо ўзаро урушлар олиб боришларига қарамай, қиролликнинг чегараларини кенгайтиришни давом еттирадилар. 534 йилда улар Бургундияни забт етдилар, 542 йилда вестготларнинг Галлиядаги охирги ер-лари ҳам босиб олинди, Рейннинг нариги томонида еса Алемания, Тюрин-гия, Бавария ҳамда сакс қабилаларининг баъзилари франкларга бўйсунди. ВИ асрнинг иккинчи ярмида Франклар қироллиги барча варвар қиролликлари ичида енг катта қироллик еди. Илгари Теодорих даврида остготлар қўлида бўл-ган гегемонлик енди франклар қўлига ўтди.

Меровинглар сулоласи деб ном чиқарган Хлодвиг сулоласи ўзаро урушлар натижасида заифлашиб борди. Айниқса бу Хлодвигнинг невара ва еваралари ўртасидаги қирқ йиллик урушда жуда билиниб қолди. Қирол Дагоберг (629-639-йиллар) мамлакатни қисқа вақт бирлаштириб туришига қарамай, франклар монархияси инқирозга юз тута бошлади. Қирол давлат ерларининг тобора таркана қилиши, ўз аскарларига тақсимлайвериши натижасида унинг ҳокимиюти кучизланиб, ер егаларининг (ер магнатларининг) ҳокимиюти кучайиб кетди. Дагоберг ўлганидан кейин шундай бир

давр бошландики, 639-751 йиллар ўртасидаги бутун бир даврни ўша вактдаги кишиларнинг ўзлари ҳам “ялқов қироллар” даври деб атагандилар.

VII-VIII асрларда Меровинглар фақат номигагина қирол бўлиб, улар-нинг ҳақиқий ҳокимияти йўқ еди. Уларнинг қўлида қирол ерларининг озгина қисмигина қолганди. Бутун маъмурий, суд ва ҳарбий ҳокимиятни маҳаллий магнатлар тортиб олди. Нейстрия, Бургундия ва Австрацияда енг йирик зодагон хонадонлар етишиб чиқиб, улар ўз юртларида қирол маёрдамлари сифатида бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Бир вақтлар, яъни дастлаб-ки Меровинглар даврида қирол саройида ешик оғаси лавозимида ишлаган киши маёрдам (луғавий маъноси: ”хонадон оғаси”), яъни сарой бош-лиғи деб аталарди. Енди еса маёрдамлик ҳақиқатда парчаланиб кетган Франк давлатининг айрим бўлакларида жорий етилган енг юқори маъмурий мансаб бўлиб қолганди.

Давлатни бошқаришда маёрдамлар - сарой бошқарувчилари ҳал қилувчи рол ўйнай бошладилар. Мамлакатни чукур инқироздан сақлаб қолишда Австрация маёрдамлари - Пипинидлар катта рол ўйнади. Айниқса, мамлакатни сиёсий жиҳатдан қайта бирлаштиришда маёрдам Карл Мартелл (“Тўқмоқ”) ҳал қилувчи ўрин тутди. У 715 йилдан 741 йилгача мамлакатни идора етиб, қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида жуда катта ишлар қилган, бир қанча ислоҳотлар ўтказганди. Натижада қирол ҳокимияти анча кучайди ва мамлакатнинг қуролли кучлари мустаҳкамланди.

Карл Мартеллнинг таҳт вориси Пипин III Пакана (741-768 йиллар) ҳам аввал фақат маёрдам унвони билан юрди. Меровинг қироллари одатдаги тар-тиб билан бири ўрнига иккинчиси келиб турди, лекин улар давлатни идора қилиш-да ҳеч бир қатнашмас едилар. Ниҳоят, Пипин давлат ўзгариши ясад, ҳар қандай ҳокимиятдан маҳрум бўлган ески сулолани таҳтдан туширди. Бу ўзгариш Рим папасининг фаол ёрдами билан амалга оширилди.

751 йилда Суассон шаҳрида франк зодагонлари йиғилишида Пипин франк қироли деб еълон қилинди. Шу вақтдан бошлаб янги сулола - Королинглар сулоласига асос солинди. Пипин ўз сиёсати билан франк қироллигининг равнақи учун замин тайёрлади. Унинг ўғли Буюк Карл даврида Франклар давлати империяга айланди.

Буюк Карл Каролинглар сулоласининг енг атоқли намояндаси еди (сулола ҳам унинг номи билан аталган). У 46 йил (768-814 йиллар) ҳукм-ронлик қилди. Буюк Карл катта саркарда ва истилочи

еди. Таркиб топаётган Франклар давлати Буюк Карл даврида жуда катта агрессив сиёсат юргизилди. Жуда кўп жойларни истило қилиб, Буюк Карл улкан ва қудратли давлатга бош-лиқ бўлди. Рим империяси қулагандан кейин Фарбий Европада Буюк Карл давлатидек катта давлат дунёга келмаган еди: бу давлат франклардан ташқари ўнлаб бошқа қабила ва халқларни ўз ичига олганди.

Франк қироли қўли остидаги ерларнинг жуда кенгайиб кетиши, табдиди, Буюк Карл ва унинг маслаҳатчиларини қирол унвонини (титулини) ўзгартириш тўғрисида ўйлашга мажбур қилди. 800 йилда Буюк Карл Римда бўлган вақтида папа унга ”римликлар императори” тожини кийдирди ва шу тариқа Бу-юк Карл император деб еълон қилинди. Аммо бу унча мустаҳкам импери-я емас еди. 814 йилда Буюк Карл 72 ёшида вафот етганидан сўнг унинг империяси узок умр қўрмади. Бу илк ўрта аср ҳарбий-феодал монархияси бўлиб, унда чинакам марказлашув учун етарли даражада иқтисодий база йўқ еди. Натурал хўжалик ҳукмронлиги, айрим вилоят ва туманларнинг ва ҳатто, айрим поместеларнинг ҳам биқиқлиги, шаҳарлар ва савдонинг кам ривожланганлиги империянинг муқаррар тарзда парчаланиб кетишига сабаб бўлди.

843 йилги Верден шартномасига қўра Франклар давлати бўлиниб кетди ва Галлия (Франсия), Бовария ва бошқа ерлар империядан ажралиб чиқ-ди. Оқибатда бу ерлар Германия ва ниҳоят Италия давлатлари таркибига кирди. Франклар давлати шу тариқа ўз умрини ўтаб бўлди.

Шундай қилиб, франкларнинг босқинчилик урушлари уларда давлатнинг ташкил топиш жараёнини тезлаштириди. Франкларда давлат ташкил топишининг асосий сабаблари еркин жамоанинг емирилиши, унинг синфий табақаланиши бўлди. Уларда бу жараён янги еранинг биринчи асрларидаёқ бошланиб кетган еди.

Франклар давлати бошқариш шакли бўйича илк феодал монархияси еди. У ибтидоий жамоа тузумидан қулчиликни четлаб, феодал жамиятга ўтиш йўли билан вужудга келди. Шу сабабли франклар жамияти кўп уклад-лилиги (қулдорлик, уруғдошлиқ, жамоачилик, феодал муносабатларнинг қў-шилиб кетганлиги), феодал жамият асосий синфларининг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етмай қолганлиги билан тавсифланади. Шу тариқа илк феодал давлатда ески жамоа ташкилотларининг муҳим қолдиқлари, қабилавий демок-ратия муассасалари сақланиб қолган еди.

Франклар давлати ўз ривожланишида иккита асосий босқични босиб ўтди. Биринчи босқич В асрнинг охиридан VII асрнинг охиригача бўлган даврни, иккинчи босқич еса VII асрдан IX асрнинг ўртасигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу икки давр фақат икки ҳукмрон сулоланинг алмашиши (Меровинглар ўрнига Королингларнинг келиши) билангина ажралиб турмайди. Иккинчи босқич франк жамиятининг чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қайта қурилишини бошлаб берган янги босқич бўлганлиги билан тавсиф-ланади. Бунинг натижасида аста-секин сенорлик монархияси шаклидаги феодал давлати шаклланди.

Иккинчи даврда асосан йирик феодал ер егалигининг, феодал жамият-нинг икки асосий синфлари: феодаллар ва уларга қарам дехқонларнинг ташкил топиши ниҳоясига етади.

2. Франклар давлатининг ижтимоий тузуми

Франкларнинг В аср охири - VI аср бошларидаги ижтимоий тузуми ҳақида ўша даврнинг муҳим ҳуқуқий ёдгорлиги - "Сали ҳақиқати"- "Лех Салиа" (500-йил атрофида ёзилган) анчагина маълумотлар беради. "Сали ҳақи-қати"га асосланиб, франкларнинг асосий машғулоти дехқончилик бўлган, деган хulosага келиш мумкин. Чунки ундаги бир қанча моддалар еркин франкларнинг екин ерлари, турли хилдаги дехқончилик қуроллари, иш ҳайвон-лари бўлганлигидан, бошоқли ўсимликлар етиштирганлигидан далолат беради.

Франклар хўжалигига чорвачилик (айниқса, чўчқа боқиши) ҳам катта рол ўйнаган. "Сали ҳақиқати"да яна балиқчилик, асаларичилик, боғ-дорчилик ва дехқончиликка оид бўлган асосий хунарлар тўғрисида ҳам гапирилади. Унда дехқоннинг ҳовлиси ва бу ҳовлидаги ҳар турли хўжалик бино-лари, асбоб-ускуналар тўла тасвирлаб берилган. Жамоа аъзоси бўлган франк дехқонлари шахсий мулк тарзида томорқа ерга ега бўлганлар, жамоага қарашли бўлган далада маълум ер участкаларини ишлаганлар, жамоага қарашли кенг ўрмон ва яйловлардан биргаликда фойдаланганлар. "Сали ҳақиқати"да ерни сотиш ва сотиб олиш тўғрисида, уни бирорга инъом қилиш ёки васият йўли билан бошқа кишига топшириш тўғриси да ҳеч нарса дейилмайди. Дарҳақиқат, франкларда ер ўша вақтда хусусий мулк емас еди. Ер жамоа ташкилотининг мулки бўлиб, айрим франк ўз ер участка-сидан маълум шартлар асосида

фойдаланарди, холос. Ҳосил йиғиб олингандан кейин далаларда ҳамма биргаликда мол боқарди.

”Сали ҳақиқати”да ўрмон ва яйловдан, сувдан биргаликда фойда-ланиш ҳақида гапирилган моддалар бор. Қишлоқ жамоаси (марка) ушбу қонунномага кўра, ўз ҳаётининг илк босқичида ҳали мутлақо уруғч-илик тузумига хос белгиларга ега еди. ”Сали ҳақиқати”га кўра, уруғ жамоа-га қарашли ерларнинг асосий егаси бўлиш билан бирга, яна сиёсий ташки-лот ҳам еди. Уруғ аъзоларининг ҳаммаси кафилликда қатнашарди, яъни судда айбор қариндоши учун кафолат берарди. Қотиллик учун тўланадиган хуннинг (вергелднинг) фақат бир қисминигина қотилнинг оиласи тўларди. Буни уруғ аъзолари ҳам тўлаши лозим еди. Шунингдек, вергелд ҳам ўлди-рилган одамнинг оиласи билан уруғ ўртасида тақсимланарди. Ер уруғдан ташқарига чиқиб кетмасин учун ерни аёлларга бериш ёки мерос қилиб қолдириш тақиқланган еди. Фарзандсиз франк ўлса, унинг ери ака-укаларига ва ўзининг уруғидаги бошқа еркак қариндошларига ўтар еди.

Бироқ ”Сали ҳақиқати“ уруғчилик тузумининг емирила бошлаганли-гидан ҳам далолат беради. Ворислик ва кафолат ҳуқуқидан воз кечиб, уруғ-дан чиқиш мумкин еди. Франкларда ижтимоий ва мулкий бўлиниш (табақа-ланиш) очик кўриниб туарди. Биринчи ўринда қирол дружиначилари туарди, буларнинг вергелди (хуни) 600 солид⁵ белгиланган еди. Оддий еркин франк-нинг жони учун фақат 200 солид вергелд тўланарди. Ярим еркин кишининг - литнинг вергелди еса 100 солид еди. Кулни ўлдирғанлик учун қулдорга 30 солид, яъни урушда миниладиган отни ўғирлаганлик учун қанча тўланса, қул учун ҳам ўшанча тўланарди. Шуниси характерлики, римликни ўлдир-ғанлик учун тўланадиган вергелд франкнидан кам еди.

Йирик поместелар бўлган-бўлмаганлиги ”Сали ҳақиқати“ да очик айтилмаган. Лекин, баъзи бир аломатларга (хонаки ҳунармандлар сонининг рўйхатига, қуллар сонининг жуда қўплигига ва бошқаларга) қараб фикр юритганда, В-ВИ асрларда ёқ еркин франк қишлоғи билан бир қаторда йирик ер егаларининг поместелари ҳам бўлган. Катта ер егалари қиролнинг ўзи, унинг дружиначилари, юқори табақа руҳонийлари ва қисман ерларни сақлаб қолган ҳамда сарой ахлига яқин бўлган (”Сали ҳақиқати“да айтилишича,

⁵ Solid – Rim-Vizantiyada chiqqan oltin tanga bo`lib, IV-VI asrlarda franklar o`rtasida ham yurgan.

”қиролнинг ҳамтовоқлари” бўлган) римлик ер егалари еди. Шундай бўлиши-га қарамай, бу даврдаги франк жамиятида асосий фигура еркин франк еди, у қишлоқ жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзоси, жамоа ерининг егаси, йирик ер егасига қарам бўлмаган мустақил, еркин дехқон еди.

Франкларда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши феодал жамиятининг илдизлари пайдо бўлиши билан бирга кечди. Жамиятнинг феодаллашиш жараёни Васрнинг охирларидан бошланиб, тараққий ета борди. Аста-секин ер егалари пайдо бўлди ва маҳаллий аҳолига нисбатан сиёсий ҳокимиятга ега бўлиб борди. Еркин франклар қарам дехқонларга айланди.

ВИ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб франклар жамиятида кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Қироллар юришларда қўлга киритилган ер-ларни ўз дружиначиларига, яқинларига ва сарой амалдорларига тақсимлаб турган.

Бу вақтда ер бемалол қўлдан-қўлга ўтиши мумкин бўлган хусусий мулкка айланади, яъни мулкдор уни ўз хоҳиши билан сотар, алиш-тирас, сотиб олар, бошқа бировга тақдим қилас, ёки васият қилиб қолдиради. Бундай ерларнинг егалари қирол фойдасига мажбуриятлар ўташдан озод қилинган ва ҳеч қандай хизмат ҳам ўтаб бермас едилар. Бундай тартибдаги ер егалиги шакли аллод деб юритилган.

Ана шундай шароитда дехқонларнинг бир қисми тезлик билан ўз еридан ажрала борди. Очарчилик, молларнинг қирилиши ва бошқа хил стихияли оғатлар, Хлодвигнинг ўғиллари, невара ва еваралари ўртасида узоқ вақт давом етган урушлар натижасида мамлакатнинг ҳароб бўлиши, уруғ-чилик алоқаларининг емирилиши туфайли айрим оиласлар бўйнига туша бошлаган суд жарималари - мустақил франк дехқонини хонавайрон қилди. Дехқон-ларнинг майда ер егалиги емирилиб, тушкунликка учраган бир вақтда, йирик дунёвий ва черков ер егалиги авж олди.

Хлодвигнинг ворислари қирол ерларини бенефитсий (айнан таржимаси: ”хайр”, ”саҳоват”) тарзида ўз дружиначиларига бўлиб бердилар, булар аста-секин вотчиначи - катта ер егаларига айланиб борар ва ерларини мерос та-риқасида ўз болаларига қолдирадилар. Черков ҳам қирол хазинасидан (қирол ер фондидан) инъом (донатио) тариқасида кўп ер олди. Дунёвий зодагон-лар ҳам, черков зодагонлари ҳам ўз ерларини, қиролдан ташқари, биринчи навбатда дехқонлар ҳисобига кенгайтирилар. Дехқонлар қўшни дунёвий катта

ер егалари ҳомийлигига (патронат ёки коммендатсиясига) ўтдилар. Шунингдек, дехқонлар черковдан мадад олиш мақсадида ерларини шу шаклда бўлар едиларки, черков дехқонларга бир участка ерни маълум миқдорда оброк тўлаб туриш ёки барщина ўташ шарти билан умрбод фойдаланишга берарди, бу ер участкаси прекарий деб аталарди.

Фойдаланиш учун черковдан ”прекарий“ (соф маъноси: ”илтимосга мувофиқ берилган участка“) олган дехқонларнинг аҳволи ерга ўрнаш-тирилган ва хўжайинига бирор хил мажбуриятни адо етиб турадиган колонлар, литлар ва қулларнинг аҳволига ўхшаб кетарди. Прекарий олган дехқоннинг ўз ери ҳам прекарийга айланиб, аста-секин черков ер егалигининг мулки-га қўшилиб кетарди. Прекарий олган дехқоннинг ўғли ёки невараси бутун-лай крепостнойга айланиб кетарди. ”Сали ҳақиқати“га илова қилинган қўшим-чаларда камбағаллашган франклар тўғрисида, қисман, ҳатто, бутунлай хонавайрон бўлган кишилар тўғрисида жуда очиқ гапирилади, булар жарима-ларни тўлашга қурблари етмай, ўрмонларда дайдиб, қароқчилик қилиб ю-рардилар. Баъзи камбағаллар еса овқат учун ўзини қул қилиб сотиб, асоратга тушарди ва шундай қилиб, шахсий еркинликдан маҳрум бўларди.

Еркин ва мустақил дехқонларнинг аста-секин йўқолиб, крепостной кишилар синфига айланишида ифодаланган феодаллашув жараёни собиқ Рим империясига қўчиб келиб жойлашган варварларнинг ҳаммасида содир бў-лди. Франкларда еса бу жараён ҳали жуда мустаҳкам бўлган бақувват еркин дехқонларнинг (”Сали ҳақиқати“да кўрсатилган дехқонларнинг) қарамлик-крепостнойлик ҳолатига очиқ, кескин тусда ўтишида намоён бўлди, хо-лос. Бунда дехқонлар юридик жиҳатдан бошқа кишиники бўлган ерда ўтириб, шу ер егасининг фойдасига бирон хил ”тутқинлик“ мажбуриятини ўтар еди.

Лекин шу нарсани айтиб ўтиш керакки, еркин дехқонларнинг йўқолиб бориш жараёни ВИ ва ВП асрларда Франклар давлатининг ҳамма вилоят-ларида бир хил бўлган емас. Янги тартиблар қиролликнинг Гарбий қисмида - Нейстрияда, қисман жануби-шарқий Бургундияда жуда тез тарқалди; ши-моли-шарқий округларда - Австразияда еса бу жараён у қадар кучли бўл-мади. Бу округларда Рим таъсири (ернинг хусусий мулкка айланиши соҳаси-даги таъсири) бошқа жойлардагидек кучли емас еди, бу ерда уруғчилик-жамоачилик муносабатлари узокроқ сақланиб қолди. Австразияда

дехқонлар сиёсий жиҳатдан ҳам, хусусан умумхалқ лашкарининг қатнашчиси сифатида ВИ асрдагина емас, балки ВШИ асрда ҳам катта рол ўйнади.

Ҳарбий хизматларнинг асосий оғирлиги, кўпдан-кўп солиқ ва ииғимлар еркин франкларни тобора хонавайрон қилган. Улар ер егалариға иқтисодий қарам бўлиб қолгандилар. Йирик ер егалари дехқонларнинг хў-жайинларига, бошлиқларига ва сенорларига айланада бошлаган едилар.

Давлат ҳокимияти йирик ер егалари қўлига ўтиб борган. Йирик ер егалари дастлаб қирол ҳисобига солиқ йиғиб, унинг номидан суд қилган бўлсалар, кейинчалик ўзлари номидан суд қилиб, ўз фойдаларига солиқ йиға бошлаганлар. Бу ҳуқуқни қирол баъзан иммунитет ёрлиғи билан мустаҳ-камлаб берарди. Иммунитет ёрлиғи олган маҳаллий ер егалари (дунёвий ер егалари ҳам, черков ер егалари ҳам) ўз ҳудудларига қирол амалдор-лари, судъялари сингари кишиларнинг текшириш учун киришидан ҳоли едилар. Бундан ташқари, маҳаллий ер егаларига яна шундай иммунитет ёрликлари ҳам берилдики, уларга мувофиқ ўзларига қарам бўлган аҳолинигина емас, ҳатто еркин аҳолини ҳам суд қилиш ва ундан ўз фойдаларига ҳукумат солиқлари ва мажбуриятлари ундириш ҳукуқини олдилар. Иммунитетлар магнатлар-нинг⁶ - ер егаларининг еркин аҳоли орасидан ожизларини топиб, ўз асоратларига туширишларига жуда катта ёрдам берди. Барча давлат мажбуриятлари аҳоли зиммасида еди.

Ендиликда давлат мажбуриятлари қирол фойдасига емас, иммунитет ёрликларининг егалари фойдасига туша бошлади. ВИ асрдан бошлаб иммуни-тет ёрликларини бериш жуда кенг тарқалади. Ҳатто черковлар ҳам иммунитет ёрликлари ола бошлайдилар. Юқорида айтганимиздек, иммунитет ёрлиғи сифатида олинган ерларга, ҳатто, қирол амалдорлари ҳам кира олмас еди. Бу еса қирол ҳокимиятининг заифлашувига олиб келган. Чунки ҳар қандай мажбуриятлардан озод бўлган ва ўз ерларида кенг ҳокимиятга ега бўлган ер магнатлари қирол ҳокимияти билан ҳисоблашмай қўйганлар, маълум даражада ундан мустақил бўлганлар.

Заифлашиб қолган қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг ҳарбий ва молиявий қудратини кучайтириш мақсадида маёрдам Карл

⁶ Magnat – lotincha “magnatus” – boy kishi, katta amaldor; katta yer egasi, feodal.

Мартелл ер (аграп) ислоҳоти ўтказган. Бу ислоҳот унинг ўғли Пипин Пакана ва невараси Буюк Карл томонидан ниҳоясига етказилган.

Бунга кўра, ерларни ер магнатларига тўла мулк қилиб бериш, ҳадя қилиш тўхтатилди. Енди ер маълум хизмат евазига мукофот тариқасида бери-ла бошланди. Карл Мартелл давлат фондига қарашли ерлардан (бу фонд янги истилолар ва исён кўтарган зодагонларнинг ерларини мусодара қилиш нати-жасида кенгайиб кетган еди) ҳарбий бенифитсиялар деб аталган ер участка-лари беришни кенг суратда қўллади. Агар бундай бенифитсия олган киши қиролга маълум хизмат ўтаб турмаса, ер қайтариб олинган. Шундай қилиб, ер магнатлари қиролга хизмат қилишга мажбур бўлиб, унга боғлиқ еди. Илгари қирол амалдорлари бошқарадиган айрим ишлар уларнинг зиммасига тушади.

Бенифитсия умрбод муддатга, яъни уни олган киши ўлгунича берилган. Бенифитсия егаси ўлгандан сўнг ер унинг меросхўрига ўтган. Меросхўр ҳам маълум хизмат ўтаб туриши лозим еди. Лекин вақт ўтиши билан умрбод бенифитсия аста-секин авлоддан-авлодга ўтадиган феодга айланади. Катта-катта ерларни хизмат евазига олганлар ўзларини тобора мустақил ҳис қила бошлайдилар.

Ҳарбий бенифитсиялар ҳарбий хизмат ўташ шарти билан умрбод фойда-ланиш учун бериладиган ўртача ва майда поместелар еди. Бу билан кейинроқ пайдо бўлган майда поместели ритсарларнинг⁷ вужудга келиши учун асос солинди, ритсарлар ташкил топаётган феодаллар синфининг жуда кўпчилигини ташкил етган қуи табақаси еди. Бу поместелардаги еркисиз дехқонлар еса меҳнат қилиб, ўз хўжайнларини”- урушувчи одамлар”ни - ритсарларни боқишига мажбур едилар.

Ҳарбий хизмат ўтовчиларга давлат фондига қарашли ерлардан участкалар бериш билангина чекланмай, Карл Мартелл шу мақсад учун черков ерларидан ҳам қисман фойдаланди. У ўзига қарши кўтарилигандан қўзғолонларда дунёвий зодагонлар билан бирга қатнашган епископ ва аббатларнинг⁸ поместеларини мусодара қилди. Нейстрияда ва Аквитанияда бундай руҳоний ер егалари кўп еди. Руҳонийлардан мусодара қилиб олин-ган ерлар ҳам бенифитсияларга айлантирилди. Ғарбий Европа тарихида бу нарса биринчи марта ўтказилган катта секуляризатсия, яъни черков мул-кини тортиб олиб,

⁷ Nemischa Ritter – “suvoriy”, “otliq askar”.

⁸ Abbat – monastir noziri.

дунёвий кишилар қўлига топшириш еди. Лекин Карл Мартелл томонидан қилинган секуляризатсия тўла секуляризатсия емас еди. У черков ерларининг фақат бир қисмига нисбатан қўлланилганди. Кейинчалик Карл Мартеллнинг ўғли Пипин Пакана мусодара қилинган ерларни ҳам черковга қайтариб беришга мажбур бўлди, лекин шу шарт билан қайтариб бердики, бу ерлар ҳақиқатда фойдаланувчилар, яъни ритсалар қўлида бўлиб, ритсалар бунинг евазига ҳосилнинг ўндан бир қисмини черковга алоҳида, қўшимча равишда тўлаб туриши керак еди.

Буюк Карл ва унинг ворислари замонида феодаллашув жараёнининг жуда тезлашиб кетаётганлиги империянинг парчаланиб кетишида жуда катта аҳамиятга ега бўлди. Бироқ Буюк Карл империяси ”қабила ва халқлар-нинг қурамасидан иборат” бўлиши билан бир вақтда, феодаллашаётган жамият ҳам еди. Меровинглар замонида бўлган ҳодиса, яъни катта ер егалигининг ўсиши, унинг майда еркин дехқон хўжалигини ”ютиб юбориш жараёни” Каролинглар замонида давом етди ва зўр бериб авж олди. Прекар муносабатларининг (кўпроқ черков ерларида) ривож олиши, патронат-комендатсияларнинг (кўпроқ дунёвий ерларда) кенг ёйилиши, еркин кишиларнинг қарамликка тушиш ҳолларининг кўпаяётганлиги - буларнинг ҳаммаси Буюк Карл подшолиги замонида одат тусига кирганлиги император қонунларида - капитулярийларда⁹ ўзининг ёрқин ифодасини топди. Карл маг-натлар ва бошқа ”нуфузли одамлар” томонидан дехқонлар ерларининг тортиб олинишини чеклашга бир неча марта уринди, бироқ ердор зодагонлар унинг фармойишларига қаршилик кўрсатганлари учун бу фармойишлар амалда бажарилмай қолаверар еди. Франклар жамиятининг феодаллашув жара-ёни, табПийки, сиёсий тузумга ҳам таъсир етди.

Феодаллашув империяни сиёсий тарқоқликка ва пировардида, сиёсий жиҳатдан майда қисмларга бўлинниб кетишига олиб келди. Ўзининг ҳарбий қудратига ва енг катта истилочилик шухратига қарамай, Буюк Карлнинг ўзи ҳам ердор зодагонларга қарам еди. Карл замонида ҳарбий бенифит-сиялар тизими ҳам авж олаверди.

Буюк Карлнинг асосий даромадлари унинг поместеларидан келадиган даромадлар еди. Қиролнинг ер фонди бутун давлатнинг ҳамма жойига тарқал-ган бўлиб, юзларча катта ва бир қадар кичик

⁹ **Kapitulyariy** – lotincha “caput” degan so’zdan olingen bo’lib, bob demakdir, farmon alohida paragraflarga bo’linganligi uchun shunday deb atalardi. Umuman imperatorning yozma farmoyishi kapitulyariy degan nom bilan yuritilgan.

ерлардан иборат еди. Буюк Карл замонидаги енг катта ер егалари монастирлар еди. Париж монастирлари-дан бири - авлиё Герман (ёки Сен-Жермен) монастирининг IX аср бошлари-да 100 мингдан ортиқ крепостнойи бор еди. Дунёвий зодагонлар қўлида ҳам, шубҳасиз, жуда кўп катта-катта поместелар бўлган, бироқ улардаги ерларнинг рўйхати бизгача етиб келмаган.

Каролинглар поместесини ўрганишда Буюк Карлнинг "Поместелар тўғрисидаги капитулярий"си ва "Аббат ирминон полиптиги" деб аталган ҳуж-жат (Париж атрофидаги Сен-Жермен монастирига қарашли ерлар ва бу ерларда ўтирган крепостнойлар рўйхати) муҳим манбалар ҳисобланади. Ана шу манбаларга қараб, биз Фарбий Европада илк ўрта асрлардаги феодал поместесининг манзарасини кўз олдимизга келтира оламиз. Дастрас биз бу поместеда ўрта асрларга хос бир хусусиятни - ернинг икки қисмга: ҳўжа-йин - домененинал (домен) ерига ва дехқонлар ерига - чек ерга бўлин-ганини кўрамиз. Чек ерларга дехқонлар егалик қиласади. Бу чек ерлар манслар деб аталарди. Дехқонлар ўз меҳнатлари билан, ўзларининг от-улов ва қурол-асбоблари билан хўжайинларининг ерини ишлаб берардилар.

Королинглар поместеси аниқ натурал хўжалик хусусиятларига ега еди. Бу ҳақда "Поместелар тўғрисидаги капитулярий"да жуда очик далиллар келтирилган, унда поместеларда етиширилган маҳсулотларнинг қирол оиласи ва қирол сарой аҳллари еҳтиёжларини қоплашга сарфланганлиги бир неча марта таъкидлаб ўтилган.

Бироқ Королингларнинг поместе тўғрисидаги хужжатларида учрайдиган енг қизиқ нарса ўша вақтдаги крепостнойларнинг таркиби ҳақидаги маълу-мотлардир. Бу материал Сен-Жермен монастири полиптигига жуда очик кўрса-тилган. Унда крепостной дехқонлар турлича номлар: колонлар, литлар, қуллар деган номлар билан аталади. Литлар ва қулларга нисбатан колонлар, ҳатто, "еркин" кишилар дейилади. Лекин уларнинг "еркинлиги" жуда нисбий бўлиб, ҳақи-қатда уларнинг "тутқунлар"дан ҳеч қандай фарқи йўқ еди. Улар ҳам ўзла-рининг чек ерларига биркитиб қўйилган, меъёrlаштирилган баршина, натурал оброк ва бир оз миқдорда рента пули тўлаш шаклида "тутқунлик" мажбуриятларини бажаришарди. Озод франклар ҳам борган сари бой ва марта-бали кишиларга иқтисодий қарамликка тушган. Жамоа сақланиб, астасекин қўшничилик жамоасига - маркага айланган ва унга

келгиндилар, бего-налар жалб қилинган. Еркин жамоачилар ер магнатларига, ўз сенорларига қарам кишиларга айланниб борган.

Куллар ашё ҳисобланган. Уларни ўлдириш жиноят саналмаган. Еркин киши қул билан никоҳга кирса, қулга айланган. Еркин аёл қул еркакка ерга тегса, Ғайриқонуний деб еълон қилинган. Еркин аёлга уйланган қул ўлим жазосига маҳкум етилган. Фақат кейинроқ бундай никоҳлар, агар қулларнинг хўжайинлари томонидан розилик билдирилса, тан олинадиган бўлган.

Кулларни еркинликка чиқаришга йўл қўйилган. Еркинликка чиқарилганлар, ярим еркин кишилар - литлар егаллаган мавқега ега бўлиб, ўз хўжайинларига қарам едилар. Литлар - асосан собиқ еркин жамоачилар бўлиб, ўз еркинликларини йўқотиб, ер егаларига иқтисодий қарамликка тушиб қолган кишилар еди.

Каролинглар даврида ҳақиқатда франкларда крепостной деҳқонлар таба-қаси ташкил топиб, бу табақада енди еркин кишилар, ярим еркин кишилар (литлар) ёки тутқун кишилар (қуллар) ўртасидаги илгариғи фарқлар чиндан ҳам йўқолиб кетган еди.

3. Франкларнинг давлат тузуми

Франкларда давлат аппаратининг ташкил топиши ва ривожланиши жараён-ларида учта асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи йўна-лиш, айниқса, бошланғич босқичга (В-ВII асрларга) хос бўлиб, бу вақт-да франклардаги қабилавий демократия органларининг янги давлат органла-рига ўсиб чиқиши содир бўлган. Иккинчи йўналиш вотчина бошқарув органларининг ривожланиши билан белгиланади. Учинчи йўналиш франк монархлари давлат ҳокимиятининг аста-секин сенор-ҳукмдорларнинг ”хусу-сий” ҳокимиятига айланиши билан боғлиқ. Сўнгги йўналиш ВІІ-ІХ аср-ларга тўғри келиб, франклар жамиятининг охирги босқичи - сенорлик монархиясининг шаклланиши даври ҳисобланади.

Қирол ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Галлиянинг истило қилиниши франкларда янги давлат аппаратининг ташкил етилиши учун кучли туртки бўлди. Чунки бу ҳолат ана шу босиб олинган вилоятларда бошқа-ришни ташкил етишни, уларни ҳимоя қилишни талаб қиласди. Хлодвиг ўзининг қатъий якка ҳокимлигини ўрнатган франкларнинг биринчи қироли еди. У од-дий ҳарбий бошлиқдан монархга айланди. Хлодвиг бундай мавқега барча воситалар: мунофиқлик, айёрлик, қариндош-урӯғларини, бошқа

қабила бош-лиқларини йўқ қилиш орқали еришган еди. Хлодвигнинг муҳим сиёсий ишла-ридан бири христианликни тўҒридан-тўҒри галлия-рим католик руҳонийларидан қабул қилиши еди. Бу нарса Франклар қироллигининг янада ривожланиши учун катта аҳамиятга ега бўлди.

Хлодвиг томонидан христианликнинг қабул қилиниши билан черков қирол ҳокимиятини мустаҳкамлашда қудратли омил бўлиб қолган.

Франклар давлати феодал якка ҳокимлиги (монархия) шаклида идора етилувчи давлат бўлиб, унинг тепасида қирол турган. Қироллик наслдан-наслга мерос бўлиб ўтган. Дастлабки франк қироллари анча кенг ҳокимиятга егалик қилганлар. Улар одатларга амал қилиб, халқ лашкарларини чақирганлар ва уруш вақтида уларга қўмондонлик қилганлар. Қироллар ҳамма бажариши шарт бўлган фармойишлар (бонни - бонни) чиқариб, давлатда олий суд ҳокимиятини амалга оширганлар ва солиқлар йиҒланлар.

Қирол давлатдаги барча асосий мансабдор шахсларни шахсан ўзи тайинлаган ва ўз хизматчилариiga давлат бошқарувининг алоҳида соҳаларини бериб қўйган. Қирол ҳокимиятининг бевосита таянчи қиролнинг ҳарбий дружинаси ҳисобланган. Дружина саройда яшаб, хазина ҳисобидан ушлаб турилган.

Феодаллашаётган зодагонлар дастлабки вақтларда қирол ва унинг маъмуриятини қўллаб-қувватлаган. Чунки кучли марказий ҳокимиятсиз дехқон жамоалари ерларини тортиб олиш, уларда ҳукмрон бўлган ўзини-ўзи бошқаришни тугатиш, еркин аҳолини мамлакатнинг феодал қонунларига бўйсундириш мумкин емас еди. Шуни назарда тутмок лозимки, еркин франк ўша вақтда ҳарбий қўшин иштирокчиси сифатида ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган, шунингдек, ески тартиб-қоидаларга муқаддас нарса сифатида муносабатда бўлган маълум даражада кучли сиймо еди.

Хлодвиг ва унинг авлодлари (Меровинглар) иккита асосий мақсадни қўзлаганлар. Булардан бири қабилавий сепаратизмни (ажралиб чиқишига интилишни) тугатиш ва мамлакатнинг ҳамма қисмларини бирлаштириш еди. Иккинчиси - дастлаб сайланадиган дехқонларнинг маъмуриятини сиқиб қў-йиб, сўнгра ески бошқарув шаклларини - қишлоқларнинг анъанавий йиғи-лишларини, юзликларни (қишлоқ бирлашмаларини) ва бошқаларни тугатиш ва мамлакатни ҳудудий округларга ажратиб, қирол чиновниклари ва судяларига бўйсундиришдан иборат еди.

Хлодвигдан кейин 200 йил ўтгач, бу иккала мақсад асосан рўёбга чиқарилган еди. Мамлакатни бирлаштириш учун курашда Хлодвиг авлод-лари ниҳоят даражада мунофиқлик ва шафқатсизлик кўрсатган. Хлодвигнинг ўғли Хлотар ўлган акасининг болаларини шахсан қатл етган. Чунки улар тахтга даъвогар едилар. Хлотар бу билан чекланиб қолмай, юқоридагилар-нинг ўлими учун қасос олиши мумкин бўлган барча кишиларни қириб ташлашга буйруқ берган еди.

Хлодвигнинг еваси Хлотар II отаси ва амакиси ҳамда бошқа шаҳзодалар ўлдирилгандан кейин 613 йилда франкларнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолган. Хлотар II 614 йилда фармон чиқариб, ердор аристократия-нинг ўзаро урушлар вақтида олган поместеларини ўша аристократия ихтиёрида қолдириш мажбуриятини ўз зиммасига олди ва графларни (округ ҳокимларини) фақат маҳаллий ер егалари орасидан тайинлашга ваъда берди. Шундай қилиб, ердор аристократия Меровинглар хонадонига мансуб бўлган қиролларнинг ўзаро урушларидан ўз манфаатлари учун тўла фойдаланади.

Хлотар II нинг ҳокимияти кучли ҳокимият бўлмади. Қирол ҳокими-ятининг еътибори Хлотар II нинг ўғли Дагобер замонида (629-639 йиллар) бирмунча ошди. Лекин ундан кейинги давр (639-751 йиллар) - ”ялқов қиролликлар” даврида Меровинглар фақат номигагина қирол бўлиб, улар қўлида ҳақиқий ҳокимият йўқ еди. Бутун маъмурий, суд ва ҳарбий ҳокимиятни маҳаллий магнатлар тортиб олган еди. Қироллар ерларни тақсимлаб боришлари натижасида йирик ер егаларининг ҳокимияти ўсиб, қирол ҳокимияти заифла-шиб борган ва вақт ўтиши билан ҳокимият қирол қўлидан чиқиб кетган еди. Хусусан, Нейстрия, Бургундия ва Австралияда жуда катта зодагон хонадонлар етишиб чиқиб, ўз юртларида қирол маёрдамлари сифатида бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олган едилар.

Дастлаб уч маёрдамдан енг кучлиси Нейстрия маёрдами еди. У Бургундия маёрдамини ҳам ўзига бўйсундирди, лекин Нейстрия маёрдами тез вақт ичида кучлироқ бўлган бошқа бир маёрдамнинг - Австралия маёрдамининг қаршилигига учради. Шарқий франк маёрда-мининг аҳволи қулайроқ еди. Австралия маёрдамлари кўп сонли ҳарбий кучга таяниш имконига ега бўлдилар, бу ҳарбий кучнинг бир қисми бу ерда ҳам сақланиб турган еркин дехқонлардан иборат еди. Шу билан бирга Австралияда зодагонлар бирмунча кучсиз бўлиб, улар ўз герсогининг - маёрдамининг бошчилигига бўйсунишга мажбур едилар. Нейстрияда еса, аксинча, кўргина йирик феодал хонадонлари бир-бири билан рақобат қил-моқда еди. Охири,

Австразиянинг Пипинлар хонадонидан чикқан маёрда-ми герсог Пипин III Геристалский 687 йилда ўзаро жангда рақиби Нейстрия маёрдамини тор-мор қилиб, шу вактдан бошлаб бутун қиролликни бир ўзи идора қила бошлади. Аммо, шу билан бирга, у Меровинг қиролларининг номигина қолган ҳокимиятини сақлаб келди. Ҳақиқатда еса Пипин Геристал-ский янги сулолани бошлаб берган еди, бу сулола кейинча унинг енг машҳур намояндаси бўлган Карл Буюк номи билан Каролинглар сулоласи деб аталди.

III асрнинг охири - IV асрнинг бошларида Франклар давлати бутунлай парчаланиб кетди. Пипин Геристалскийнинг Галаба қозонган бўлишига қарамай, Нейстрия ва Бургундия магнатлари ҳали ҳам ўзларини марказий ҳокимиятга у қадар қарам емас, деб ҳис қилар едилар. Аквитания қироллиги-дан тамоман ажралиб чикқан Австразия герсоги Аквитаниянинг ҳокими-ятини тан олмаган еди. Рейннинг нариги томонидаги қабилалар - аллеманлар, фризлар, сакслар ва баварлар ҳам қиролликдан ажралиб чиқади. Жануби-Ғарбда араблар хавф туғдира бошлайдилар, ҳатто IV асрнинг 20-ва 30-йилларида бутун Франклар давлати араблар томонидан тўғридан-тўғри босиб олиниш хавфи остида қолганди.

Лекин янги сулола ана шундай оғир бир шароитда қиролликнинг ҳарбий кучларини қайтадан ташкил етиб, ташки душманга зарба беришга муваффақ бўлди. Бу сулола янада феодаллашган зодагонларнинг таъсирини чеклаш ҳамда ўрта ва майда ҳарбий хизматчиларга суюниб, қиролликни бир қадар марказлаштиришга ҳаракат қилди. Бунда айниқса Карл Мартелл томонидан амалга оширилган ислоҳотлар катта аҳамиятга ега бўлди. Карл Мартелл Франклар давлатида қирол ҳокимиятини жуда кучайтириди. Унинг таҳт вориси Пипин III Пакана (741-768 йиллар) ҳам дастлаб фақат маёрдам унвони билан юрган бўлса-да, лекин давлатни бошқаришда ҳал қилувчи рол ўйнар еди.

Унинг даврида ҳам қироллар одатда давлатни идора етишда қатнашмасдилар. Ниҳоят, Пипин давлат ўзгариши ясаб, ҳар қандай ҳоки-миятдан маҳрум бўлган ески сулолани таҳтдан тушириб, 751 йилда франк-ларнинг қироли деб еълон қилинди (Каролинглар сулоласи шу тариқа расмийлаш-ган еди). Орадан кўп вакт ўтмай, Ғарбий Германиядаги франк миссио-нерларининг ишига бошчилик қилиб турган Майнц архиепископи Бонифатсий папанинг буйруғига қўра Пипинни қирол деб таниш маросимини ўтказди. Шундай қилиб, янги сулола черковдан ўзига керакли санксия олишга мұяссар бўлди.

Пипиннинг ўғли Буюк Карл император унвонини олиб, жуда катта ҳокимиятни қўлга киритишга еришди. Буюк Карл амалдорлар орқали, императорнинг маҳсус фармонларини чиқариш, маҳаллий ҳокимиятни бир қадар муентазам назорат қилиб туриш йўли билан идора етувчи марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилди.

Қирол ҳокимияти енг кучайган ва монархиянинг енг гуллаб-яшнаган даври айнан Буюк Карл ҳукмронлиги даврига (ВИИ асрнинг иккинчи ярми - IX асрнинг бошига) тўғри келади. Бу вақтда катта истило-чилик юришлари натижасида Франклар давлати таркибига ҳозирги Фарбий Германия, Шимолий Италия, Шимолий Испания худудлари, шунингдек, кўпгина бошқа ерлар қўшиб олинди.

Бироқ шуни еътиборда тутиш лозимки, Буюк Карл император деб еълон қилинган ва ўз қўлига жуда катта ҳокимиятни киритиб олган бўлишига қара-май, у мутлақ монарх емас еди. Давлат бошлиғи расман бўлмаса-да, амалда ўз ҳокимиятини зодагонлар билан биргаликда амалга ошириши, уларнинг розилиги билан қарорлар қабул қилиши лозим еди.

Markaziy boshqaruvning tashkil etilishi

Қироллар одатда ўзларининг поместеларида – виллаларида яшаганлар. Виллалар қўпинча ўрмон-ларнинг ўртасида жойлашган. Қирол саройи - палатсий мамлакат сиёсий ҳаётининг маркази ҳисобланган. Қирол атрофини унинг соқчилари - антрустионлар ўраб турган. Улар қиролнинг яқин кишилари бўлиб, уларга алоҳида муҳим топшириқлар юкланган. Антрустионни ўлдирғанлик учун уч баравар кўп микдорда вергелд (қон баҳоси) тўланган.

Қирол ўз яқинларидан иборат сарой амалдорлари ва руҳонийлар билан маслаҳатлашиб иш юритарди. Улар билан кенгашлар ўтказиб турарди. Бу **қироллик кенгаши** гарчанд доимий орган бўлмаса-да, маълум муддат-ларда чақирилиб турмаса-да, ёки ўзининг аниқ таркибига ега бўлмаса ҳам, мамлакат сиёсий ҳаётида жуда катта ўрин тутарди. Қирол ўз қонун-ларини ана шу кенгаш билан бирга қабул қиласади. Бу қонунлар ҳар йили март ойида ва қўшинлар кўриги вақтида майдонда еълон қилинарди.

Бундан ташқари, император томонидан деярли ҳар йили кузда **феодалларнинг сездлари** ҳам чақирилар еди. Унда енг муҳим капитуля-рийларнинг ҳаммаси муҳокама қилинарди. Зодагонларнинг ҳақиқий сиёсий аҳамиятга ега бўлган ана шу кузги сездларига қарама-қарши ўлароқ, май далалари деб аталмиш ески ҳарбий

йиғилишлар - аскарларнинг йиғилиш-лари (бу йиғилишлар қадимги герман халқ йиғилишларининг қолдиғи еди) Каролинглар замонида оддий бир ҳарбий күрик бўлиб қолган еди. Бу күрик-да енди император томонидан тасдиқланган фармонлар маълумот учунгина еълон қилинарди.

Қирол ҳузурида давлатни бошқарувчи маъмурий аппарат бўлиб, уларда министрлар ишлаган. Қирол маъмурияти қуйидаги жиҳатлари билан тавсифланади. Биринчидан, марказий бошқарувда давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, министрларнинг аниқ вазифа ва функсиялари ўрна-тилмаганди. Бир давлат органи айни вақтда ҳам маъмурий, ҳам суд, ҳам ҳарбий, ҳам хўжалик ишларини бир неча киши иштирокида олиб бораверарди. Қиролнинг шахсий хизматчилари бир вақтда министрлик лавозимига ега бў-лиши мумкин еди. Министрлар ичиде баъзида еркин бўлмаган қироллик қуллари ҳам учраб турарди. Иккинчидан, қирол хизматчилари - мансабдор шахслар доимий белгилаб қўйиладиган маош олмай, ўз фойдаларига йиғиладиган солиқлар ва ерлар билан мукофотланишарди.

Давлатда қиролдан кейин биринчи мансабдор шахс юқорида қўриб ўтганимиздек, **маёрдам** ёки бошқача сўз билан айтганда, сарой мери еди. Дастреб у фақат қирол саройининг бошқарувчиси ҳисобланиб, кейинчалик унинг ҳокимияти кучайган ва давлатда олий мансабдор шахс лавозимига - биринчи министр даражасига еришган еди. Мазкур мансабдор шахс аввал қирол томонидан тайинланарди, кейинчалик ер магнатлари томонидан сайлаб қўйиладиган бўлди.

Маёрдамнинг қудрати тобора ўсиб, аста-секин марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилларини тайинлашда маёрдам қиролни сиқиб чиқара бошлайди. Маёрдам саройга тегишли барча ишлар бўйича фармойишлар берарди. Сарой амалдорлари устидан суд ҳокимиятини амалга оширади. Қирол йўқлигига қирол судига раислик қиласарди. Армияга қўмондонлик қилиш ҳам унинг зиммасида еди. У қироллик доменларини бошқариб, улардан солиқлар келиб тушишини кузатган. Бутун маҳаллий ҳокимият унга тегишли еди. Амалда маёрдам қирол номидан граф ва герсогларни тайинлаган, алмаштирган ва уларга фармойишлар берган. Қирол ёш бўлса, маёрдам унинг тарбияси билан шуғулланиб, ҳақиқатда давлат бошлиғи мавқеига ега еди.

Юқори мансабдаги амалдорларнинг бутун иши қирол саройи – палатсий-да марказлаштирилган еди. Меровинглар ва дастлабки Каролингларнинг дружи-на ва хизматкорлари - министрлари бўлиб,

улар қиролнинг топшириғи билан енг оддий маъмурий-молиявий ва суд функцияларини бажаар өдилар. Булар: **се-нешал** - қиролнинг шахсий ишларини юритувчи ва айни вақтда бутун сарой хизматчиларини бошқарувчи мансабдор шахс; **маршал** - отлиқ аскарлар бошлиғи; **камерарий**-қирол хазинасининг бошлиғи; сарой графи – қиролнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси (у асосан суд функцияларини бажарган, қироллик суди томонидан суд ҳукмларининг чиқарилишида иштирок етган, суд тортишувларига раҳбарлик қилган, ҳукмларнинг бажарилишини назо-рат қилган); **референдарий** (архиканслер) - император девонхонасининг бошлиғи (у қирол хужжатларини - едиктлар, дипломлар, капитулярий ва бошқаларни таҳрир қилган, расмийлаштирган, уларга муҳр қўйиб, архивда сақлаган, унга котиблар ва девонхона бўйсунган) ва бошқалардан иборат еди.

Каролинглар сулоласи даврида маёрдам мансаби тугатилади. Натижада сарой графининг роли ошади. Бу даврда диний ишлар билан шуғулланувчи **архикапеллана** деган мансаб вужудга келади. Бу одатда диндор шахс бў-либ, унга кейинчалик девонхона ҳам бўйсундирилган. Енди у фармонлар тайёрлаш, уларни сақлаш ишлари билан шуғулланган, унинг енг биринчи ёрдамчиси **канслер** еди.

Буюк Карл замонида марказий ва маҳаллий идора қилиш аппарати анча бюрократлашган еди. Карл империясида Меровинглар ва дастлабки Каролинглар давридаги бирмунча ибтидоий идора аппарати ўрнига амалдор-ларнинг доимий чиновниклик аппарати таркиб топади. Буюк Карл бюрокра-тиясининг ташкил топишига Рим анъанаси шубҳасиз таъсир қиласи. Қироллик - императорлик девонхоналарида давлат тили - лотин тили, яъни римликлар тили еди. Каролинглар давлат муассасалари ва лавозимларининг номлари (император, палатсий, комитлар - графлар, нотарийлар - котиблар ва ҳоказолар)дан Рим терминологияси шундайгина сезилиб туради. Буюк Карлнинг енг яқин маслаҳатчилари ва олий мансабдорлари Рим тарихини яхши билган ҳамда императорга жамиятдаги мутлақ олий ҳокимият деб қарайдиган, римча анъанани ўзлаштириб олган кишилар еди.

Шунга қарамай, Буюк Карл империяси қатъий марказлашган давлат емас еди. Буюк Карл давридаги бошқарув ҳам, умуман олганда, ибтидоий бўлган. Империяда расмийлаштирилган ва ихтисослаштирилган суд ва молия идоралари - палаталари, бошқарувнинг доимий солиқ тизими каби муҳим звено (жумладан,

доимий олиб туриладиган ер солиғи) йўқ еди. Карл давлатида марказ билан жойлар ўртасида муттасил алоқалар ўрнатилмаганди, қирол миссиялари, яъни тафтишчилари жойларни номигагина назорат қиласди, амалда еса, айниқса, чекка ҳудудларнинг графлари ўзларини марказдан мустақил деб ҳис қилишарди.

Иккинчи томондан, Буюк Карл давлати ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам хилма-хил уруғларнинг бекарор сиёсий бирлашмасидан иборат еди. Франклар империяси омади юришган бир истилочи томонидан шошиб-пи-шиб, кўп қабила ва халқлардан иборат тузилган алоҳида бир тарздаги монархия бўлиб, унда на умумий иқтисодий база, на умумий миллий тил, на умумий маданият мавжуд еди. Чунончи, Буюк Карл империясига кирган қабилаларнинг ҳар бири ўзининг одатдаги қонун-қоидаларига амал қилиб келганини қўрсатиб ўтиш кифоя. “Варварлар ҳақиқатлари” - Сали, Ри-пуар, Бургундия, Бавария, Саксония ҳақиқатлари Буюк Карл замонида ҳам айrim қабилалар учун суд қонунлари бўлиб қолаверди; улар қунт билан кўчирилиб, ўзгартишлар киритилди, шундай қилиб, улар империянинг айrim вилоятлари учун амалдаги қонун бўлиб қолаверди.

Mahalliy boshqaruvning tashkil etilishi

Франклар давлати округ (паг)ларга, яъни граф-ликларга бўлинниб, ҳар бир пагнинг тепасида граф (сомите) турган. **Граф** одатда иирик ер егалари ичи-дан қирол томонидан тайинланган. У ўз ҳудудида суд, маъмурий, молиявий, ҳарбий ваколатларни амалга оширган.

Паглар, яъни графликлар юзликларга бўлинган. Юзликлар тепасида **юзбошилар** турган. Графликларда молиявий органлар сифатида графлар билан бирга **сатсебаронлар** ҳам ҳаракат қилганлар. Улар кейинроқ граф мансаби-нинг ривожланиши билан тутатилган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, жойларда **тунгинлар** ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан суд функциясини бажарганлар. Булар илгари уруғ-қабила-лар бошлиқларининг авлодлари ҳисобланиб, кейинчалик уларнинг ҳам вазифаси графларга ўтган.

Графлар ўзларига ўринбосарлар ва ёрдамчилар тайинлаганлар. Улар **викарийлар** ёки витсе-графлар деб юритилиб, Каролинглар даврида викарийларга ўзларининг ҳудудий округлари ажратиб берилган еди. Шу тариқа улар юзбо-шилардан кам фарқ қилиб, кейинчалик буларнинг мавқеи билан tenglashтирилган. Баъзи жойларга (одатда чегара туманларга) қирол **герсоглар** тайинларди.

Герсогнинг ваколати бир неча (2-12) графиккача ёйилган. Унинг асосий вазифаси мудофаани ташкил етиш ва мамлакатни ҳимоя қилиш еди.

Каролинглар сулоласи даврида маҳаллий идора органларининг ишини текшириш учун ҳар йили икки кишидан иборат **елчилар** тайинланарди. Улар-нинг бири дунёвий, иккинчиси диний кишилардан иборат еди. Бу қирол тафтиш-чилари (мисси доминиси) деб аталмиш текширувчилар одатда икки киши - икки киши бўлиб юриб, графликлардаги ахволни текширас, аҳолининг граф, епископ ва бошқа амалдорлар устидан берадиган шикоятларини қабул қилишарди.

**Sud
hokimiyati**

Франклар давлатида олий суд ҳокимияти монархга - қиролга - императорга тегишли еди. У бу ҳокимиятни зодагонлар вакиллари билан бирга амалга оширади. Қироллик кенгаши енг хавфли ҳуқуқбузарликларни кўриб ҳал қиласарди.

Мамлакатда енг кўп ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб ҳал қиласиган суд муассасаси - юзликлар суди еди. Меровинглар даврида бу суд органи - юзликлар суди - "малберг" - юзликнинг еркин ахолиси йиғини деб аталиб, унда суд ишлари йирик феодаллардан сайланган еттига рахинбург иштирокида (рахинбурглар судида) кўрилган. Уларнинг ичидан бош судя сайлаб қўйиларди. У тунгин деб аталган. Бу суд мажлисига юзликнинг ҳам-ма катта ёшли ва тўла ҳуқуқли озод ахолиси (еркаклар) иштирок етиши лозим еди. Бунда қиролнинг вакиллари факат суд ишлари юритилишининг тўғрилигини кузатиб туришган.

Буюк Карл муҳим суд ислохоти ўтказиб, озод аҳолининг барча суд мажлисларида иштирок етиш мажбуриятини бекор қилиб, сайлаб қўйиладиган рахинбурглар ўрнига скабинлар тайинланадиган бўлди. Скабинларни қирол ел-чилари (тафтишчилари) маҳаллий ер егалари ичидан тайинланарди. Улар қирол хизматида туриб, граф раислигига суд қилишарди. Бу жамиятнинг феодал-лашуви оқибати бўлиб, ески уруғ-қабилачилик қолдиқларига зарба берди.

Буюк Карл замонида черков судлари ҳам пайдо бўлди. Бундан ташқари, аралаш таркибдаги судлар ҳам вужудга келди.

Armiya

Франкларда қадимдан мавжуд бўлган ҳалқ лашкар-ларини деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши туфайли чақириш тобора қийинлашиб борди. Бундан ташқари, у ендиликда ўзининг илгариги жанговарлик аҳамиятини йўқотган еди.

Кўшиннинг ҳал қилувчи қисми отлиқ аскарлар бўлиб қолганди. Карл Мартелл ислоҳоти натижасида бенифитсия олганлар ҳарбий хизмат ўташлари, кўшинни отлиқ аскарлар билан таъминлаб туришлари лозим еди. Франкларнинг Карл Мартелл замонидан такомиллаштирилган янги қўшини (яхши қуролланган, қисман малакали отлиқ аскарлар ташкил қилинган, пиёда аскарлар ҳам ўз аҳамиятини қисман сақлаб қол-ганди) араблар билан бўлган тўқнашувда жуда яхши иш кўрсатган. Пуате ёнидаги жангнинг енг биринчи сиёсий оқибати шу бўлдики, Карл Мартелл ҳарбий ислоҳот ўтказди. Ҳарбий ишда отлиқ қўшин узил-кесил ра-вишда асосий ўрин тутадиган бўлиб қолди (илгари еса, қадимги германларнинг ҳаммасида бўлгани каби, франкларда ҳам асосий куч пиёда аскарлар еди). Яхши қуролланган ва от устида узоқ юришлар қилишга қобил отлиқ аскарлар франклар қўшинининг асосий кучига айланди.

ТабПийки, енди бундай қўшиннинг хонавайрон бўлган ва илгариги мустақиллигидан маҳрум қилинган дехқонлардан тузилиши мумкин емас еди. Шундай қилиб, Карл Мартеллнинг ислоҳоти натижасида дехқонларнинг кўп-чилиги ҳарбий хизматдан четлаштирилди. Бу янги малакали отлиқ қўшин ёки кейинчалик атала бошлаганидек, ритсарлар қўшини катта ер егалари ва ҳали еркинликдан маҳрум қилинмаган дехқонларнинг енг бадавлат қисмидан тузиладиган бўлди.

Буюк Карл давлатнинг ҳамма фуқароларидан жон бошига ҳарбий хизмат талаб етишни бекор қилиб, фақат ер егаларинигина ҳарбий хизматга жалб етди. Майда ер егалари 3-4 дехқон участкаларидан биттадан қуролли ки-ши тақдим қилишлари лозим еди. Шу тариқа халқ лашкарлари бутунлай малакали жангчилар билан алмаштирилди.

Буюк Карл замонида ҳарбий бенифитсиялар тизимининг авж олиши, еркин дехқонларнинг заифлашуви ва тушкунликка учраши оқибатида дех-қонлар ҳарбий хизматни ўташга тобора камроқ чақириладиган бўлди. Лекин бенифитсияларнинг ҳам фақат бир қисми императорга, кўпчилиги еса катта ер егаларига - магнатларга қарам еди, бу магнатлар ҳарбий юриш-ларга одатда ”ўз содик кишилари”дан бутун-бутун отрядлар олиб келардилар. Шундай қилиб, Буюк Карл қўшини ҳақиқатда унинг ўзиники бўлмай, балки тобора аниқроқ ташкил топган катта феодаллар қўшини еди, бу феодал-ларнинг еса жуда кўп поместелари бўлиб, улар жойларда кенг

сиёсий ҳуқуқларга ега еди, уларнинг қарамоғида кўплаб майда ритсарлар (суворийлар) бор еди.

4. Франклар давлатида ҳуқуқнинг асосий белгилари

**Нициқ
manbalari** Франк қабилаларида давлатчиликнинг шакланиши ҳуқуқнинг яратилиши билан бирга кечди. Бу қадимги герман урф-одатларини ёзиш йўли билан амалга оширилди. Шу тариқа Франклар давлатида ҳуқуқнинг муҳим манбалари сифатида «варварлар ҳақиқатлари» пайдо бўлган. Булар варвар қабилаларининг одат ҳуқуқи ёзувларидир. Ёзма «ҳақиқатлар» Рим империяси ҳудудида жойлашган кўпгина қабилаларда В-ВИ асрларда вужудга келган. В аср охирида вестготлар ёзма ҳуқуқи (қирол Еврик Судебниги) вужудга келган. ВИ-ВII асрларда ”Вестгот ҳақиқати”нинг биринчи тўлиқ нашри пайдо бўлган. Бунинг асосига Рим императорларидан мустақилликни олган ва ўз егалигини кенгайтириб борган вестготлар қироли Еврикнинг (466-489 йиллар) қонунлар тўплами қўйилган. Вестготлардан сўнг бургундлар ўзларининг хусусий судебнигини яратишга киришганлар. Бургундлар судебник яратишар екан, бунда амалий мақсадлар билан бирга сиёсий-рамзий мақсад - Рим ҳокимиядан озод етилган ҳудудда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлагандилар.

Готлар сингари бургундлар ҳам узоқ вақт римликлар орасида яшаганликлари учун уларнинг судебникларида маълум даражада кечки рим империяси тартибларининг таъсири ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

”Варварлар ҳақиқатлари” орасида енг қадимгиларидан бири - ”Сали ҳақиқати” В асрнинг охири - ВИ асрнинг бошларида Хлодвиг ҳукмронлиги даврида тузилган. Бошқа франк қабилаларининг судебниги - ”Рипуар ҳақиқати”нинг асосий қисми ВИ асрда вужудга келди, лекин унинг тўлиқ нашри ВII асрга тааллуклидир. Аллеман ва Бавар ҳақиқатлари ВII асрда пайдо бўлган. Сак-сон ва Тюринг ҳақиқатлари esa ВII асрнинг охири - IX асрнинг бошларида вужудга келган. ”Варварлар ҳақиқатлари”, ”Аллеман ҳақиқати”да ёзиб қўйилганидек, қироллар томонидан ”енг аслзодалар” (епископлар, герсоглар, графлар) ва ”йиғилган халқ” билан бирга ёки, ”Бавар ҳақиқати”да кўрсатилганидек, ”князлар ва бутун христиан халқи билан бирга” яратилган.

“Сали ҳақиқати”дан уч ва ундан кўпроқ аср кейин ёзилган барча судебниклар ўзларида анча ескирган, қадимий ҳукуқ меъёрларини сақлаб қолиш билан бирга, феодал муносабатлар ривожланишининг янги босқичини ҳам акс еттирган. Агар ”Сали ҳақиқати”да франклар жамиятининг ўша давр-даги ривожланиши, уруғ-қабила алоқаларининг емирилиши жараёни ҳали бата-мом ниҳоясига етмаганлиги, ерга нисбатан феодал хусусий мулкчилик ҳали тўлиқ ўрнатилмаганлиги ўз аксини топган бўлса, анча кейинги ”ҳақиқатлар”да авлоднинг бошқа бирорга ўтказилиши мумкин бўлган ер мулки сифатида пайдо бўлиши мустаҳкамланган ҳамда ижтимоий даражаланиш, еркин кишилар орасидаги қарамлик муносабатлари ва бошқалар анча аниқ ифодаланган. Шунингдек, уларнинг ҳаммаси рим ва черков ҳукуқининг муҳим таъсири остида ёзилган еди.

”Варварлар ҳақиқатлари” мазмунан инглиз-сакслар одат ҳукуқлари ёзувларига, хусусан, Етелберт ҳақиқатига (ВИ асрдаги), Ине ҳақиқатига (690 йилги), шунингдек, XII-XIV асрларда тузилган скандинав провинсияларининг судебникларига яқин еди.

Судебниклар орасида В асрда остготларнинг қироли Теодорих томонидан ёзилган қонун (едикт)лар тўплами алоҳида ўрин тутади. Мазкур қонунларни ўрганар еканмиз, унинг қатор моддалари мазмунан кўп жиҳатдан ўз давридан бир қадар олға кетганлигини кузатишимиш мумкин. Масалан, едикт ”варварлар ҳақиқатлари”дан фарқ қилиб, қироллик ҳудудида яшовчи барча шахсларга тенг даражада тарқатилган. Яъни унга остготлар ҳам, римликлар ҳам бир хил даражада амал қилишган. Едиктнинг диққат марказида асосан хусусий шахсларнинг ер мулкини расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш турган (10-12, 27, 75 ва бошқа моддалар).

Теодорих ўз қонунлари тўпламини тузишда ”идрок талаблари”ни ҳуку-қий асос қилиб олганлигини кўрсатади. Бундай асослаш истило қилинган рим-ликлардан ўзлаштириб олинган еди. Тўпламнинг 155-моддасида ”ески ҳукуқ”ка, яъни рим ҳукуки меъёрларига ҳавола қилиш учрайди. Бунда рим ҳукуки меъёрларининг ҳурмат қилиниши ва бу ҳақида остготларнинг қироли доимо Ғамхўрлик қилиб туриши лозимлиги кўрсатилади.

Қирол Римга нисбатан ўз содиклигини, бутун аҳоли тўғрисида Ғам-хўрлик қилишини таъкидлаб, едиктнинг судда ”таниқли ва бой кишилар”, шу-нингдек, ”бирор ҳарбий ва фуқаролик мансабини егаллаб турган” қудратли ки-шилар томонидан раҳбарий асос қилиб олиниши ҳақида буйруқ берган. Еҳти-мол, едиктни тузишда фақат

остгот зодагонлари вакилларигина емас, рим зодагонлари ҳам иштирок етган бўлсалар керак. Едикт бир вақтлар XII жадвал қонунларига ўхшаб, бронздан ясалган доскаларга ёзилган ва ҳамма кўриши учун майдонларга осиб қўйилган еди.

Герман халқларида одат ҳуқуқи меъёрлари ёзилишининг бунчалик узоққа чўзилиши Фарбий Европанинг жанубида ҳам, шимолида ҳам феодал муносабатларнинг аста-секин тарқалиши билан боғлиқ. ”Варварлар ҳақиқатлари” турли даврлардаги тажрибани, ўзлари пайдо бўлган муайян ички ва ташқи шароитларни акс еттирган.

Шу билан бирга ўша вақтдаги ижтимоий муҳитнинг бир типдалилиги, хрестиан мафкураси ва черковининг ўсиб бораётган таъсири, алоҳида қабила гуруҳларининг жойлашиш чегаралари аниқ емаслиги, ниҳоясиз урушлар давомида аралашиб кетган елиталарнинг қўшилиб кетиши ”варварлар ҳақиқатлари”нинг ва бошқа Фарбий Евropa мамлакатлари ҳуқуқ манбалари-нинг мазмунан бир-бирига ўхшашлигини, яқинлигини белгилайди. Масалан, инглиз-сакслар қироли Етелберт ўз қонунларини чиқаришда кўп жиҳатдан ”Сали ҳақиқати”га тақлид қилган еди. Жумладан, Етелберт қонунларининг 90 та моддасидан 19 таси тўғридан-тўғри ”Сали ҳақиқати” ва бошқа ҳақиқат-лардаги моддалар билан бир хил мазмунга ега еди.

”Варварлар ҳақиқатлари” судялар учун қўлланма вазифасини бажарув-чи судебниклардир. Шу билан бирга улар илк синфий жамиятнинг барча томонларига тааллуқли ҳуқуқий меъёрлаларни батартиб баён қилувчи тўплам-лар ҳисобланмайди. Уларнинг тўлиқ емаслиги, алоҳида парчалардан иборатлиги (узук-юлуқлиги), тизимга солинмаганлиги - буларнинг ҳаммаси уларнинг ўша даврга хос одат ҳуқуқи асосида вужудга келганлиги натижасидир. Албатта, ”варварлар ҳақиқатлари” жамиятдаги барча хилма-хил урф-одатларни ўзида тўлиқ акс еттира олмаган еди.

”Варварлар ҳақиқатлари” учун, шунингдек, турли тартиботлар ва маро-симларнинг батафсил баён қилиниши ҳам характерлидир. Бу уларнинг илк феодал ҳуқуқида катта аҳамиятга ега бўлганлигидан далолат беради.

”Варварлар ҳақиқатлари” ески уруғдошлиқ тузуми қолдиқларини ўзида сақлаб қолган еди. Ушбу ҳуқуқ ёдгорликларида шахс жамоадан ажратилма-ган, инсоннинг ҳуқуқий лаёқати уруғга, жамоага, катта оиласга тааллуқлилиги билан белгиланган еди. Бу жамоалардан ташқарида инсон ҳеч қандай ҳуқуқларга ега бўлмасди.

Жамоадан, уруғдан, оиладан ҳайдаб юбориш “Сали ҳақиқати”да назарда тутилган енг оғир жазолардан бири еди. Бир шахс томонидан содир етилган у ёки бу ҳуқуқбузарлик учун фақат ўша шахснинг ўзигина емас, у тааллуқли бўлган ижтимоий гурух - жамоа, уруғ, оила ҳам жавобгар ҳисобланарди.

”Варварлар ҳақиқатлари” илк феодал ҳуқуқининг ягона манбаи емас еди. Қирол ҳокимиятининг мустаҳкамланиши билан қироллик буйруқлари, фар-мойишлари пайдо бўлди. Улар дастлаб ”ҳақиқатлар”ни тўлдириб, сўнгра алоҳида расмийлаштириладиган бўлди. Бундай манбаларга аввало франк қиролларининг капитулярийлари киради. Биринчи капитулярий қирол Хлодвиг даврида ёзилган. Капитулярийлар, айниқса, Каролинглар даврида тез-тез чи-қариларди. Каролинглар қонунчилиги, шунингдек, католик черковнинг таъсири ВІІ-ІХ асрларда германларнинг илк феодал ҳуқуқи янги ҳудудий тамо-йилининг ўрнатилишига олиб келган.

Илк феодал ҳуқуқи манбаларига, шунингдек, қироллар томонидан йирик феодалларга берилган иммунитет - ёрлиқлари ва бошқа қоидалар – ёрлиқ-ларини ҳам киритиш мумкин. Қоидалар - ёрлиқларида ҳужжатлар намуналари ўрнатилиб, уларнинг ёрдамида ҳадя, олди-сотди сингари битимлар расмий-лаштириларди.

Юқоридагилар билан бир қаторда илк феодал ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири одат ҳуқуқи ҳисобланади. **Одат ҳуқуқи** ҳалқ (жамоа)нинг ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули бўлиб, шон-шараф, қасам, қасос олиш, муро-сага келиш (ва унинг баҳоси), жамоавий жавобгарлик ва бошқаларга асосланган.

Черков ҳуқуқи германларда ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан ҳисобланади.

Германлар ҳуқуқининг ривожланишида қадимдан бошлаб черков му-ҳим ўрин тутган. Дастлабки асрлардан бошлаб кўп сонли черков қонунлари (канонлари), черков саборлари ва синодларнинг қарорлари, алоҳида епис-копларнинг декретлари ва қарорлари ийғилиб борган.

Черков, шунингдек, кўп сонли ”жазолар ҳақидаги тузуклар” ҳам чиқариб, уларда гуноҳлар рўйхати ва булар учун белгиланган жазолар батафсил баён қилинарди. Христианлик тақиқлари дунёвий судномаларда ҳам мустаҳкамланган. Черковга қарши жиноятлар учун бериладиган жазо-ларни асослашда қўпинча муқаддас диний китобга мурожаат қилинарди. Масалан, Бавар ҳақиқатида монах аёлни

ўФирлаганлик учун ”ўзингиз-дан ёвузынни йўқотинг” деган тамойил бўйича жамоадан ҳайдаб юбориш жазоси назарда тутилган еди.

Агар дастлаб жазолар ҳақидаги тузук фақат руҳонийларга тадбиқ етилган бўлса, у тез орада у ёки бу минтақадаги барча диндорларга ҳам қўл-ланиларди. Зеро, черков ва дунёвий юрисдиксия чамбарчас чатишиб кетганди. Гуноҳлар ва жиноятларнинг табиатида ҳам аниқ фарқлар йўқ еди. Ҳар қандай жиноят гуноҳ ҳисобланарди. Одам ўлдириш, қасамни бузиш, ўФирилик енг оҒир гуноҳлар сифатида кўрилган. Бундай хатти-ҳаракатлар учун ВИ-Х асрларда деярли бутун Фарбий Европада нисбатан бир хил меъёрлар ўрнатилганди.

Ўша вақтда жиноятларга нисбатан муносабат бундан бошқача бўлиши мумкин емасди. Чунки руҳонийлар дунёвий суд ишларини юри-тишда асосий рол ўйнардилар, қироллар еса ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиятга ега еди.

”Халқ ҳуқуқи” ва черков ҳуқуқининг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсири унисини ҳам, бунисини ҳам муҳим ўзгаришларни бошидан кечиришига сабаб бўлди. Библия ёрдамида черков германларнинг одат ҳуқуқига христианларнинг ”ўнта қатъий қоидлари”ни ва бошқа диний панд-насиҳат нуфузига ега бўлган тамойилларини тадбиқ етган. Масалан, черков жазолар ҳақидаги қонунномада қамчи, калтак билан савалаш сингари жазолар билан бир қаторда, гуноҳлар учун омма олдида қилмишига пушаймон қилдиришни ҳам назарда тутган. XI асрда, фақат черковнинг дунёвий ҳокимиятдан нисбатан мустақиллиги ўрнатилгандан сўнгина черков гуноҳларни афв етишни қонунлаштириди. Черков, германлар ишона-диган сеҳргарликни инкор етиб, сеҳргарликни, фолбинликни черковнинг муқад-даслигига шак келтириш сифатида гуноҳ деб ҳисоблаган. Черков одатлар-нинг диний характеристерини ҳам, уруғ, табиат, сув ва оловнинг олий муқаддас-лигини ҳам шубҳа остига олиб, қонли қасос олишга, ордалияларга тўғри-дан-тўғри қарши чиқмаган, лекин улар кишиларни қутқариб қололмайди, деб ўргатган.

Христианлик қасам ичишни судда исботлашнинг енг муҳим воситала-ридан бири сифатида тан олган. Қасам ичиш черковда ҳам қўллана бош-ланган. 1215 йилга қадар черков низоларни ҳал қилишда якка-якка олишувга ҳам рухсат етарди. Фақат шу йили дин хизматчиларининг якка-якка олишувларда иштирок етиши тақиқланган еди.

Бирок, диний меъёрларнинг ески одатларга кириб келиши жуда қийин-чилик билан кечган. ВПИ асрда Суасонда чақирилган черков соборларида бутларга сиғинишни тақиқлаш ҳақидаги масала қайта-қайта қўйилган еди. Соборларнинг меъёрий хужжатлари еса шундан дарак берадики, соборларда варварларнинг урф-одатларини янги диний еътиқод ва қоидаларга мослаш-тиришга қаттиқ туриб ҳаракат қилинарди. Ески одатларни бартараф етишнинг қийинлиги ҳақида, масалан, Аллеман ҳақиқатининг ”ялмоғизларни ёқиши ва ейиш”ни тақиқловчи меъёрлари ҳам гувоҳлик беради.

Черков германларнинг ҳуқуқига рим ҳуқуки меъёрларини ҳам киритган. Германлар черковни рим ҳуқуқини кўтариб турувчи деб ҳисоб-лаганлар. Рипуар ҳақиқатида черков рим ҳуқуқи асосида яшайди, деган қоида бежиз мустаҳкамланмаган еди.

Герман қироллари ”варварлар ҳақиқатлари”ни маҳсус қўллаш тамойилини рим ҳуқуқига ҳам тарқатганлар. Масалан, 506 йилда вестготлар қироли Аларик II ўз фуқаролари учун ”Рим вестготлари қонуни” (Лех Романа Висиготҳо-рум) номи билан машҳур бўлган суднома чиқарган. Худди шунингдек, бургундлар қироли Гундобад ҳам 437 йилда қисқартирилган ва соддалашти-рилган Феодосия кодексини амалга киритган еди. Бу ”Бургундларнинг рим судномаси” деган ном билан юритилган. Хлодвиг ўз подшолигининг охири-да уни бутун Галлия ҳудудида амалга киритмоқчи бўлади, лекин улгурмайди.

Черков ва қироллик қонунчилиги ёрдамида рим ҳуқуқининг сохта-лаштирилган меъёрлари ”варварлар ҳақиқатлари” га киритилган. Бунга уларнинг лотин тилида ёзилганлиги ҳам ёрдам берган. ”Варварлар ҳақиқатлари”га асосан янги тарихий шароитларга зид бўлмаган рим фуқаролик ҳуқуки меъёрлари киритилган. Бунда нафақат ҳуқукий меъёрларнинг шаклланиш усуллари ва методлари, балки рим ҳуқуки фуқаролик ва протессуал ҳуқуқ институтларининг аниқ тизими, ривожланган юридик техникаси ва бошқа фазилатлари йўқолиб кетган.

Mulkiy
munosabatlarning
tartibga solinishi

”Варварлар ҳақиқатлари” пайдо бўлиш вақ-тига қараб, ерга нисбатан феодал мулкчилик институтининг, шу билан бирга шартнома ва мерос ҳуқуқининг аста-секин шаклланиш жараёнини акс еттирган.

”Сали ҳақиқати”да синфий жамият, давлат ва ҳуқуқ ташкил топишининг анча қадимги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий

жараёнлари ўз аксини топиб, ҳали мулк тушунчаси ҳақида ягона қоида ўрнатилмаган еди. Алоҳида шахслар ёки оиласалар егалиги остидаги ҳаракатдаги ашёларга нисбатан "ўзиники" (суус), "бировники" (алиенус) деган иборалар қўлланган. Франк-ларда ҳаракатдаги ашё ҳеч қандай қаршиликсиз бегоналаштирилиши, мерос бўйича ўтказилиши мумкин еди. "Сали ҳақиқати"нинг кўпгина меъёрлари турли ҳаракатдаги ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқининг қўриқ-ланишига бағишланган. Унда йирик шохли чорвани, шунингдек, қўй, ечки, ит, каптар, асалари, чўчқа ва бошқаларни ўғирлаш ҳолатлари юзасидан келиб чиқадиган жавобгарликлар атрофлича ва батафсил кўрсатиб берилган.

Чорвачилик германларнинг хўжалигида ҳукмрон мавқени егалларди. Чорва германларда бойлик тимсоли ҳисобланиб, оилани боқиши таъминлаган. Франклар бошқа жойларга кўчиб ўтганларида, қочиб кетганларида чорва-ларини ҳам бирга олиб кетишарди. Айирбошлиш воситаси сифатида чорвадан фойдаланилган. Франкларда "соғлом, кўрадиган ва шохли" сигир 2,3 солид туради.

"Сали ҳақиқати" оила егаллаб турган ерга нисбатан егалик ҳуқуқини бошқача тарзда мустаҳкамлайди. Бунда томорқа участкаси, ҳайдала-диган ер ва яйлов, ўрмон бир-биридан фарқ қилинган. Конунномада атрофи ўралган участка ҳақида кўп марта еслатиб ўтилади. Унга кўра, атрофи ўралган участкага ўт қўйиш ва бузиш учун катта жарима назарда тутилган (XV боб, 5-модда). "Сали ҳақиқати"да турар жой, ҳовли ҳудуди, томорқа участкасига оила мулки сифатида алоҳида аҳамият берилган. Кредитор қарздордан қарзни тўлашни талаб қилиш, жавобгарни судга чақи-риш учун айнан шу ерга келарди. Нафакат уй ёки ҳовлига кириб ўғирлик содир етганлик учун (45-63 солид), балки қуёш ботгандан сўнг вилла ҳудудига оддий кирганлик учун ҳам юқори жарима жазоси назарда тутилган. Агар кимдир бироннинг вилласига ешикни бузиб кириб, қўриқчи итни ўлдирса ва одамларга жароҳат етказса ҳамда у ердан ниманидир аравада олиб кетса, бу босқинчилик йўли билан ўғирлик содир етиш ҳисобланиб, бунинг учун 200 солид жарима жазоси назарда тутилган. Бу еса озод кишини ўлдир-ганлик учун тўланадиган вергелд билан teng еди.

"Сали ҳақиқати" ҳайдаладиган ер участкасининг (аллоднинг) хусусий егаликка ўтказилиши ҳақида ҳам турлича маълумотлар беради. Шунингдек, унда яйловлар, ўтлоқлар, ўрмонлар ҳали умумий фойдаланишда қолганлиги қайд етилади. "Сали ҳақиқати"

ҳайдаладиган майдон чегарасини хўжайин-нинг рухсатисиз бузганлик фактининг ўзиниёқ жазолайди. Масалан, унда хўжайиннинг розилигисиз биронинг майдонига кирганлик учун 3 солид (XXVII боб, 7-модда), биронинг майдонини ҳайдаганлик учун 15 солид (XXVII боб, 24-модда), унга екин екканлик учун 45 солид (XXVII боб, 25-модда) жарима белгиланган. Агар бегона одам жамоат даласидан бирон-га ажратилган участкага кирса, бу жиноят ҳисобланмаган. Агар у бундай участкадан хашак ўрса, унда фақат ўрган хашаги яйлов егаси фойда-сига тортиб олинган.

“Сали ҳақиқати”да ерни олиш-сотиш ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ерни мерос қилиб қолдириш институти ендигина туғила бошлаган еди. Ер ўлган кишининг еркак авлодларига мерос тариқасида ўтказиларди (IX боб, 5-модда). ”Аллодлар ҳақида”ги титулда¹⁰, ҳатто ўлган кишининг ўғли бўл-маса, ҳайдаладиган ер участкаси кимга ўтказилиши масаласи қўйилма-ган ҳам еди. Афтидан, бундай ерлар егасиз қолган мулк ҳисобланган ёки уруғга ўтган. ВИ асрда бу масала бошқача ҳал қилинган. Қирол Хилперик (561-584 йиллар) едиктига асосан ер мерос тариқасида фақат ўғилларгагина емас, балки ўлган кишининг қизларига, aka-укаларига, опа-сингиллари синга-риларга ҳам ўтиши мумкин еди. Бу вақтда, шунингдек, алоҳида ўтзор ва ўрмон участкалари айrim шахсларнинг авлод егалигига ҳам ўтказиларди. “Аллеман ҳақиқати” бўйича хотин ҳам, агар унинг болалари бўлса ва калонга емас, озод кишига ерга тегса, ўлган ерининг ерини мерос тариқасида олиши мумкин еди.

“Сали ҳақиқати”нинг бир қатор титуллари, жумладан, ”Кўчиб келганлар ҳақида”ги титули франкларда ерга нисбатан жамоа егалиги сақланиб қолган-лигидан дарак беради. Жамоа ҳудудига ”бегона” кишининг кўчиб кели-шига фақат бутун жамоа аъзолари розилиги билан рухсат етилган. Агар жамоа аъзоларидан, ҳатто биттаси бунга қаршилик кўрсатса, кўчиб келган ”бего-на” киши дарҳол жамоани тарқ етиши лозим еди. Шу нарса характерлики, жамоа судининг ”бегона” шахсни кўчириш ҳақидаги қарорини ижро етувчи граф кўчиб келган кишининг уйига емас, у ишлайдиган жамоа ер участкасига келиши лозим еди.

Бироқ “Сали ҳақиқати” бундай умумий қоида ўрнатиш билан бирга унга истисно қилинадиган ҳолатни ҳам белгилайди. Агар ”бегона” киши жамоа ҳудудига кўчиб келиб, бу ерда ҳеч қандай қаршиликсиз бир йилу бир кун яшаб ултурган бўлса, унда ҳолда

¹⁰ Titul – kitobning nomi, muallifi, nashr etilgan yili va shu kabilar yozilgan varag`i yoki beti.

унинг ерга егалик ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилина бошлаган. “Сали ҳақиқати” асосан жамоа ерларини қиролнинг яқинлари томонидан егаллаб олинишини тасдиқлайди. Унга кўра, маҳсус қирол ёрликлари асосида кўчиб келган кишиларга қарши жамоа аъзоларининг еътиroz билдириши тақиқланган. Қирол фармойишларига нисбатан еътиroz билдирганлик учун “Сали ҳақиқати” 200 солид жаримани назарда тутади.

“Сали ҳақиқати” пайдо бўлганидан сўнг бир неча аср ўтгач, хусу-сий ер егалиги кенг ривожлана бошлайди. Аллеман ва Бавар ҳақиқатларининг биринчи ва иккинчи титуллари мазмунан бир-бирига айнан ўхшаш бўлиб, улар черков ва черков ер егалигига бағишиланади. Бу титуллар шундан гувоҳлик берадики, черков ҳайдаладиган катта ер участкаларига, ўрмон-ларга, қулларга егалик қиларди. Иккала ҳақиқатнинг биринчи моддаларида айтилганидек, “на қирол, на герсог, на бошқа киши инсоннинг ўз жонини саклаб қолиш ниятида черковга худо йўлида уйлар, ерлар, қуллар ёки пуллар инъом қилишини тақиқлаб қўя олмайди” (И титул, 1-модда). Черковга инъом қилинган ер унинг ихтиёрида доимий равишда мустаҳкам сақла-ниб қолади. “Бавар ҳақиқати”да қатъий таъкидланишича, кимнингдир черковга ҳадя қилган ўз мулкларини қайтариб олиш ҳуқуқи мавжуд емас.

“Аллеман ҳақиқати”да ҳам, “Бавар ҳақиқати”да ҳам черковга ҳадя қилувчи кишининг меросхўрлари томонидан ҳадяга қаршилик қўр-сатишга қаратилган ҳар қандай уринишларининг олди олинади (II титул, 2-модда). Бундан ташқари, кишиларнинг мулкни қайтариб олишга қаратилган уриниши, бир томондан, ”Худо суди ва муқаддас черковдан четлаштирили-ши”га олиб келган, иккинчи томондан, бундай кишиларга жарима солинган ва мулк черковга қайтарилган (И титул, 2-модда). Ҳадя қилинган ер фақат умрбод егалик қилиш шарти билан ва ҳадя қилувчи фойдасига ”тантанали ваъда” қилинган ҳамма нарсаларни ундириш орқали қайтарилиши мумкин еди.

Хусусий ер егалигини фақат майдонлар емас, балки яйловлар, ўрмонлар ҳам қамраб ола бошлайди. “Бавар ҳақиқати”да, масалан, бўли-шиб олинган ўрмон - силва алтерус деган тушунча пайдо бўлди. Бунда ўрмонларнинг алоҳида оиласаларга ажратиб берила бошланганлиги еътироф етилганди. Ўрмонларнинг феодал хусусий мулкчиликка ўтказилиши ҳақида бировнинг ўрмонидан дараҳтларни кесиш тақиқланганлиги ва бунинг учун жарима ўрнатилганлиги ҳам далолат беради (XII титул, 11-модда). “Бавар ҳақиқати”да “Сали

ҳақиқати”дан фарқли ўлароқ, яйлов участка, худди ер майдони сингари, бундан буён еркин равишда бегоналаштирилиши мумкин еди. Бунда факат яйловни сотишининг қонуний еканлиги ”хужжат ёки гувоҳлар” ёрдамида тасдиқланиши талаб қилинарди (XVII титул, 2-модда).

Германларда бирорнинг ер егалиги чегараларини бузиш қатъий тақиқ-лаб қўйилган еди. Бу барча ”варварлар ҳақиқатлари”га хос хусусият бў-либ, германларнинг егаллаб олинган ҳудудларда куч билан мустаҳкамланиб олишга қаттиқ уринишларини акс еттирган. Германларнинг ерга оид низоларни, агар бошқа далиллар етарли бўлмаса, кўп вақтлар давомида якка-якка олишув йўли билан ҳал қилиб келганлиги ҳам юқоридаги фикрни яққол тасдиқ-лайди. “Бавар ҳақиқати”нинг бутун бир титули (XII титули) бирорнинг ер егали-ги чегарасини бузганлик учун жазоларга бағишиланган. Чегарани, майдон ёки яйловнинг фарқига бормай, оддий бузганлик учун еркин кишига 6 солид жарима солинган, қулга esa 50 қамчи урилган. Ҳатто ер участкаси-га ”тасодифан”, билмай, ”бошқа томонларнинг ва қараб турувчининг рози-лигисиз” янги чегаралар ўрнатиш учун жарима назарда тутилган. Бундай ҳаракат, агар еркин киши томонидан содир етилса, - жарима, агар қул томони-дан содир етилса, - 200 қамчи уриш жазоси белгиланган (XII титул, 6-7-моддалар).

**Majburiyat
huquqi** Мажбурият муносабатлари франкларда унча батафсил тартибга солинмаган еди. Бу франкларда ўша вақтда ҳали товар-пул муносабатлари, хусусий мулк-чилик ривожланмаганлигидан, шунингдек, майда деҳқон натурал хўжалиги ҳукмонлигидан дарак берарди.

“Сали ҳақиқати” мажбуриятларнинг келиб чиқиши асослари бўйича ик-кала турини ҳам назарда тутади. Заарар етказишдан келиб чиқадиган мажбу-риятлар кўпинча жиноят содир етиш натижасида вужудга келган. Масалан, ўғрилик ешикни, бинони бузиб ёки бошқа заарлар етказиб содир етилса, жарима жазоси билан бирга етказилган заарни ундириш ҳам назарда тутилган.

“Сали ҳақиқати”да шартномаларнинг баъзи турлари ҳакида еслаб ўтилади. Лекин унда шартномаларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги умумий шартлар кўрсатилмайди. Шундай бўлса ҳам, олди-сотди, айирбошлиш, юқ ташиш, гаров, қарз, ссуда, ҳадя каби шартномаларни тузишда томонларнинг еркин хоҳиш билдиришлари назарда тутилган. Хоҳиш билдириш бошқа шахсга қаратада ”ерга

шохча” ташлаш йўли билан амалга оширилган ёки, бошқа манбалардан маълум бўлишича, уйни сотишда хоҳиш билдириш ешик қулфини ўтказиш орқали билдирилган ва ҳоказо. Ҳаракатдаги ашёнинг ҳақиқий егаси уни сотиб олганлигини ёки айирбошлаганлигини исботлаши ло-зим еди. Акс ҳолда, у ўғри деб еълон қилиниши мумкин еди.

Шартномани бузганлиги учун жавобгар нафакат мулкий, балки шахсий жавобгарликка ҳам тортиларди. Мажбуриятни бажармаган қарздор, қоида бўйича, кредиторнинг қули бўлиб қоларди. Баъзи ”ҳақиқатлар” бўйича, масалан “Бовар ҳақиқати”га кўра, қарздор билан бир қаторда унинг хотини ва болалари ҳам қулга айлантирилар еди.

“Сали ҳақиқати”да қарз шартномаси батафсил кўриб чиқилган. Кредитор суд мажлисини четлаб ўтиб, бевосита ўзи қарзни ундириш ҳуқуқига ега еди. Кредитор гувоҳлар билан қарздорнинг уйига бориб, қарзни тўлашни талаб қилган. Агар қарздор ”мажбурият бўйича қарзни тўлашни хоҳламаса, кредитор уни судга чақирган. Агар қарздор судга ҳам келмаса, кредитор бир ҳафтадан сўнг иккинчи марта чақирган, шунда ҳам келмаса, яна бир ҳафта ўтгач, учинчи марта чақирган. Қарздордан ҳар бир чақирилганда судга келмаганлиги учун жарима ундирилган. Қарз граф ва рахинбурглар ёрдамида қарздор мулкининг тегишлича қисмини мусодара қилиш йўли билан ҳам ундирилиши мумкин еди. Бундай ҳолда ундирилган қарзнинг учдан бир қисми графга келиб тушган.

“Бавар ҳақиқати”да шартномалар ҳақида кўпроқ қўшимча боблар-да гапирилади. “Бавар ҳақиқати”га 722 йилги декрет билан қўшимча боблар киритилган еди. Уларда шартнома ҳуқуқининг баъзи умумий тамойиллари: шартномаларнинг қонунийлиги шартлари, уларнинг бекор қилинмаслиги ҳақида, ”хоҳишининг камлиги” тўғрисида маълумотлар учрайди.

Шартнома ёки битим, “Бавар ҳақиқати”да айтилишича, уч ёки ундан ортиқ гувоҳ иштирокида ёзма тузилган бўлса, зинҳор ўзгартирилиши мумкин емас, чунки уларнинг амал қилиш куни ва йили аниқ кўрсатиб қўйилган (XVI титул, 16-модда). Агар ашёни сотиш ўлдириш ёки турмага қамаш билан қўрқитиб ёки бошқача зўрлик ишлатиб амалга оширилган бўлса, ҳақиқий емас деб ҳисобланган.

“Бавар ҳақиқати”да, шунингдек, суд қарорига мувофиқ гаров, сақлаш, ссуда шартномаси ҳақида ҳам меъёрлар мавжуд. Агар ашё

сақлашга топширилиб, бунда сақловчининг ”фойда олиши” назарда тутилмаган бўлса ва ашё ”баҳтсиз ҳодиса туфайли нобуд бўлса”, ашёни сақловчи жавобгар бўлмайди. Сақлашга топширилган ашёнинг ўҒриланишидан келиб чиқсан зарап тенг тақсимланарди (XV титул, 5-модда). Олди-сотди шартномаси нархнинг пасайғанлиги оқибатида бекор қилиниши мумкин емас еди. Агар сотилган ашёнинг нуқсони яширилган бўлса, у ҳолда бундай шартномани бекор қилишга йўл қўйиларди (XV титул, 9-модда). Олди-сотди шартномасини таъминлаш учун закалат берилган ва келишув бузилган тақдирда, яъни бирор ашёни сотиб оламан деб, бунинг учун закалат бериб, кейин уни сотиб олмаса, закалат қайтариб берилмасди.

Nikoh va oila Германларда оила патриархал характерга ега бўл-ган. Ота бошчилик қиласидан оила таркибига туҒиш-ган қариндош-урӯҒлар: болалар, неваралар, еваралар, ота-она ва бошқалар билан бир қаторда ён шажара (бир туҒишмаган) қариндошлар: туҒишган ва ўгай ака-укалар, уларнинг хотинлари ҳам кирган. Оилалар қуллар билан, баъзи ҳолларда еса, қуролланган мулоғимлар билан бир уйда яшаганлар.

Бироқ, “Сали ҳақиқати” бўйича ота ҳокимияти унча катта емас еди. Ота ҳокимияти кўпроқ хотин, қиз ёки ўҒил устидан қатъий умрбод ҳомийликни еслатади. ЎҒил 12 ёшга тўлгунга қадар ота ҳомийлигида бўларди.

“Сали ҳақиқати” никоҳга ҳам худди оилага ўхшаб жуда кам модда-лар ажратган. Никоҳ келиннинг куёв томонидан сотиб олиниши шаклида тузиларди. Қизларни никоҳлаб олиш мақсадида ўҒирлаш жарима билан жазо-ланарди. Никоҳ тузишга: қонуний никоҳнинг мавжудлиги, шахснинг қонун-дан ташқари деб еълон қилиниши, яқин қариндошлиқ алоқасининг мавжудлиги, кишининг еркин емаслик ҳолатлар тўсқинлик қиласиди.

Никоҳ амалда куёв ва келиннинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро кели-шув асосида тузиладиган битим еди. Никоҳ тузишда ота-она розилиги талаб қилинарди. “Сали ҳақиқати”га мувофиқ бирорнинг келинини олиб қочганлик учун айбдор шахс куёвга 15 солид жарима тўлаши белгиланган. Агар кимдир бирорнинг хотинини ўҒирласа, унга 200 солид жарима солинган (XV титул, 1-модда). Агар уч киши еркин қизни ўҒирласа, уларнинг ҳар бири 30 солиддан жарима тўлаган (ХII титул, 1-модда). Агар ўҒирланган қиз қирол ҳомийлиги остида бўлса, унда қиз ўҒриларининг ҳар бири 62,5 солиддан жарима тўлаши лозим еди (ХII титул, 2-модда). Қироллик қули ёки лити

еркин аёлни ўҒирласа, ўлимга маҳкум етилган (ХІІІ титул, 7-модда). Теодорих едикти бўйича, умуман бироннинг хотинини ўҒирлаган киши ўлимга маҳкум етилган (11-модда). “Аллеман ҳақиқати”да патриархал оила элементлари янада яққолроқ намоён бўлади. Унда ота розилигисиз никоҳ тузиш учун жарима белгиланганди. Мазкур тўпламга биноан амалда ер хотинини сотиши мумкин еди.

Германларнинг одат ҳуқуқи алоҳида ижтимоий табақаларнинг вакиллари ўртасидаги, айниқса, қуллар ва еркин кишилар ўртасидаги никоҳни тақиқлайди. Қуллар билан никоҳга кириш еркинликнинг йўқолишига олиб келган. “Сали ҳақиқати” бўйича, агар еркин киши қул аёл билан никоҳга кирса, у ҳам қул бўлиб қолган (XXV титул, 5-модда). Агар еркин аёл қул билан никоҳга кирса, у ҳам қулга айланган (XXV титул, 6-модда). “Сали ҳақиқати”га қў-шимча қилинган биринчи Капитулярий бўйича, қул билан еркин аёлнинг никоҳга кириши қонундан ташқари деб ҳисобланган ва еркин аёлнинг мол-мулки давлат хазинаси фойдасига мусодара қилинган, қариндошлари еса уни судсиз ўлдиришлари мумкин еди. Еркин аёлга уйланган қул чархпалакка тортиб ўлдирилган.

“Бавар ҳақиқати” бундай никоҳларга унча шафқатсиз муносабатда бўлмаган. Еркин аёл ерга теккан одам қул еканлигини ”билмаганлиги”ни кўрсатиб, ундан осонгина кетаверган (ХІІ титул, 17-модда). Франкларда қатор қариндошлар ва қуда томондан қариндошлар билан никоҳга кириш тақиқланган еди. “Сали ҳақиқати” бўйича, бундай никоҳлар ҳақиқий емас деб, бундай никоҳлардан туғилган болалар еса қонунсиз туғилганлар деб ҳисобланарди (ХІІІ титул, 9-модда).

Франкларда ерга чиқмаган аёл баъзи мустақилликдан фойдаланарди. Манбаларда, масалан, бева хотинга нисбатан ерининг уруғидагилар томони-дан ҳомийлик қилиниши ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Шундай бўлса ҳам, “Сали ҳақиқати”да бева хотиннинг ҳуқуқлари маълум даражада поймол қили-нади. Масалан, бева хотин суднинг рухсатисиз ва ўлган ерининг қариндош-ларига маълум сумма (реипус) тўламай туриб иккинчи марта ерга тега олмасди. Акс ҳолда унинг еридан 62,5 солид жарима ундириларди (ХХІВ титул).

Франклар одат ҳуқуқининг муҳим хусусиятларидан бири шунда едики, аёл ўз мулкига, сеп-сиидирғасига ега бўлган. Бундай мол-мулкларни унга отаси емас, балки ери ”никоҳ совғаси” сифатида тақдим қиласди. «Сали ҳақида»ги қўшимча қилинган биринчи Капитулярий сеп-сиидирғанинг маҳсус ҳуқуқий режимини

мустаҳкамлайди. Аёл ўзининг сеп-сидирғасини ҳадя қилиши, сотиши мумкин емас еди. У ўлгандан сўнг сеп-сидирға унинг болаларига ўтган. Агар аёл иккинчи марта никоҳга кирган бўлса, сеп-сидирғанинг бир қисми ерининг яқин қариндошларига ўтказилган, улар бўлмаса хазинага келиб тушган. “Бавар ҳақиқати” ҳам беваларнинг никоҳга киришини унчалик қўллаб-қувватламайди. Унга кўра, агар бева аёл ерга тегса, биринчи еридан олган мулклардан фойдаланиш хуқуқидан маҳрум етилган (XV титул, 8-модда).

“Сали ҳақиқати”да никоҳни бекор қилиш ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Лекин франкларнинг одат хуқуқи ажралиш еркинлигини ўрнатган еди. Бунда қариндошларнинг розилиги ҳам, бошқа расмий асослар ҳам талаб қилинмасди. Бу соҳада Теодорих едикти анча талабчан еди. Унда ”сабабсиз ажралиш” тақиқлаб қўйилганди (49-модда), лекин фоҳишабозликка ижозат бериларди (52-модда). Христиан черковининг таъсири остида ВІІ-ІХ асрларда франкларнинг никоҳ-оила хуқуқида муҳим ўзгаришлар юз берди. Буюк Карл томонидан (789 йилда) тасдиқланган 744 йилги Капитулярийда христианлик қонун-қоидалари билан муқаддас деб еълон қилинган никоҳнинг бекор қилинмаслиги қоидаси ўрнатилди.

ВІІ-ІХ асрлар мобайнида никоҳнинг черковда расмийлаштирилиши мажбурийлигини ўрнатувчи, бева аёлларнинг қайта никоҳга киришини тақиқловчи ва бошқа шу каби дастлабки қонун ҳужжатлари чиқарилган еди.

Мероснинг қонун бўйича ва васият бўйича **Meros huquq** турлари маълум. Қонун бўйича мерос кўчадиган ва кўчмас мулкларга нисбатан турлича амалга оширилган. Кўчади-ган мулклар: биринчи навбатда болалар, сўнгра она, ака-укалар ва опа-син-гиллар, онанинг опа-сингиллари, отанинг опа-сингиллари, яқин қариндошларига тартибида мерос қилиб қолдириларди. Меросни тақсимлашда она уруғига нис-батан бундай имтиёзларнинг ўрнатилганлиги матриархат қолдиқларининг сақланиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Шуниси характерлики, аёллар кўчмас мулкка нисбатан мерос хуқуқига ега бўлмаганлар. Ер фақат ота шажараси бўйича мерос бўлиб ўтган.

Франклар хуқуқи васият бўйича мерос ҳақида аниқ меъёрлар ўрнатмаган еди. Франкларда ўлган кишининг мол-мулки оиласа, уруғга, яшаб турган қариндошларига тегишли деб ҳисобланарди. Васият бўйича мерос ҳадя (аффотамия) йўли билан қолдирилиши мумкин еди. Аффотамия ошкора суратда юзлик мажлисида, тунгин

раислигига, қатъий ўрнатилган шаклда амалга ошириларди. Бунда мулк вақтингча учинчи шахсга ўтка-зилган, у еса ҳадя қилувчи ўлгандан сўнг бир йил ўтгач ва бундан кечиктирмай мулкни кўрсатилган шахсга ўтказиши лозим еди.

Умумий қоидага хилоф равишда, рим ҳуқуки таъсири остида васият бўйича мерос институти Теодорих едиктида мустаҳкамланди. Бунда ҳам, ҳадяга ўхшаш, қатъий расмиятчиликларга амал қилиш талаб қилинган. Яъни васиятни қонуний деб тан олиш учун бу ҳақда гувоҳлар иштирокида расмий ҳужжат тузилиши ва у чиновник томонидан рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт еди (53-модда). Васият хоҳлаган жойда, лекин ”ўлаётган кишининг иродасини сўзсиз ҳурмат қилиш” остида тузилиши белгиланган еди (30-модда).

Христианлик жорий қилиниши билан ўлган кишининг молмулки черковга ҳадя тариқасида ўтказила бошланган. Бу ўлгандан кейинги ҳадя франк-ларда ва инглиз-сакларда кенг тарқалган бўлиб, тўла маънодаги васият емас еди.

Jinoyat va jazo ”Варварлар ҳақиқатлари”нинг асосий қисми жиноят ва жазо масалаларига бағишиланган. Албатта, жиноят ва жазо тушунчалари ҳозирги маънода ифодаланмасди. ”Варварлар ҳақиқатлари”да деликт - жиноят деганда, аввало, озор етказиш, бирорнинг шахсига ёки мулкига зарар етказиш, ”қироллик тинчлигини” бузиш тушуниларди. Шунга монанд, жазо, деганда ушбу озор ёки зарар етказганлик учун бадал тўлаш, ўрнини тўлдириш тушунилган.

Шу тариқа, ”варварлар ҳақиқатлари” кечки жиноят ҳуқуки меъёrlарини қабул қилмаган еди. Уларда рим жиноят ҳуқукида бўлгани каби ўлим жазоси кенг қўлланилмаганди. Франкларда жазонинг мақсади ва вазифалари рим-ликларга қараганда бошқача бўлган.

Франкларда жарима жазосининг асосий мақсади кўп бўлиб турадиган ҳарбий ҳаракатлар, қонли қасос олиш, ўзаро урушлар, хонадонлар, уруғлар, жамоа ва бошқалар ўртасидаги душманликларнинг олдини олишга қаратилган еди.

”Сали ҳақиқати”да жиноят тушунчасини англатадиган қатор ҳуқуқбу-зарликлар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Умуман, ”Сали ҳақиқати”га маълум бўлган барча жиноятлар тўрт турга: 1) шахсга қарши жиноятлар (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, тухмат, ҳақорат, номусга тегиш ва бош-қалар); 2) мулкка қарши жиноятлар (ўғрилик, ўт қўйиш, босқинчилик); 3) суд қилиш тартибига қарши

жиноятлар (судга келмаслик, ёлғон гувоҳлик бериш); 4) қирол фармойишларини бажармасликка (бунга ”Кўчиб келган кишилар ҳақида”ги ХЛВ титул мисол бўла олади) бўлинади. Бироқ “Сали ҳақиқати”нинг мазмунидан юқоридагилар билан бирга мансабдорлик жиноят-лари, ҳарбий жиноятлар тўғрисида ҳам тасаввур қилиш мумкин. Унга кўра, агар граф қарз ундиришда ”қонундан ташқари ортиқча бирор нарса олса” ёки ”ҳақиқат ва одил суд”ни тиклашни рад етса, ўз айбини сотиб олиши лозим еди. Акс ҳолда ўлимга маҳкум етиларди (Л-ЛИ титуллар). Шунингдек, бирорни жанг майдонида ўз қалқонини ташлаган ”қочоқ” деб ҳақорат қилганлик учун (XXX титул, 6-модда) жарима (3 солид) тўлаш жазоси назарда тутилганди. Демак, жанг майдонини ташлаб ”қочиш” ҳарбий жиноят туркумига кирган деб ҳисоблаш мумкин. “Аллеман ҳақиқати”да худди шундай тарзда жанг майдонини ташлаб ”қочиш” жиноят еканлиги тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган.

”Варварлар ҳақиқатлари”да ”черковни таҳқирлаш” туркумига кирувчи жиноятлар ҳам ажратиб кўрсатилади. Христиан черкови жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзгаришига катта таъсири ўтказган. ”Черковни таҳқир-лаш ёки унга нисбатан ҳурматсизлик қилиш” каби тушунчалар ”варварлар ҳақиқатлари”га бевосита христианлик черкови таъсири остида кирганлиги шубҳасиз, албатта. Масалан, Аллеман ва Бавар ҳақиқатларида бир қатор жиноятларнинг, жумладан, одам ўлдириш жиноятининг черковда ёки черков ҳовлисида содир етилганлигига қараб квалификатсия қилиниши фикримизнинг далилидир. Бундай жиноятлар юқорида айтиб ўтилган ”черковни таҳқирлаш” жиноятлари туркумига кириб, булар учун жабрланувчи ва унинг қариндошлари фойдасига емас, балки, аввало, черковнинг фойдасига катта жарима олинар еди. ”Бавар ҳақиқати” айнан черковнинг таъсири остида ”давомий компенсатсия” жазосини жорий қилган еди. Бунга кўра, масалан, бирор киши ҳомиладор аёлни уриб, ҳомиласини тушуриб қўйса, яъни ҳали туғилмаган боланинг ўлимига сабабчи бўлса, у дастлаб 12 солид, сўнгра бояги аёлнинг еттинчи туғишига қадар ҳар сафар 1 солиддан жарима тўлаши лозим еди. (ВПИ титул, 21-модда).

”Сали ҳақиқати”да жазолар ҳақида сўз кетар екан, шу нарса кўзга яққол ташланадики, франкларда ески уруғдошлиқ тузуми давридаги барча жазоларни тўлиқ равишида жарималарга алмаштиришга мойиллик кучли бўлган. Жарима судсиз жазоларнинг, узокқа чўзиладиган қийноқларнинг олдини олиши

керак еди. “Сали ҳақиқати”нинг баъзи моддалари судсиз жазолашни тўҒридан-тўҒри йўққа чиқарган. Масалан, екин майдонини пайҳон қил-ғанлиги учун бирорнинг чорвасини ўз ҳолича олиб кетиш тақиқланган (ИХ титул, 5-модда), шунингдек, ”ўҒрининг изидан тушиб” ўз чорвасини ун-дан судсиз тортиб олиш ҳам мумкин емас еди (XXVII титул, 1-модда) ва ҳоказо. “Сали ҳақиқати” жиноятчани жамоадан ҳайдаш ёки қонундан ташқари деб еълон қилиш деб номланадиган жазо турини ҳам ўз ичига ол-ган (В титул, 2-модда). Бундай одамга овқат ва бошпана бериш тақиқ-ланган еди, ҳатто унга хотини ва болалари ёрдам берсалар, уларга жарима солинарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, франкларда судсиз жазолаш бирданига йўқолиб кетмаган. ”Варварлар ҳақиқатлари”да судсиз жазолашга ҳам узоқ вақт рух-сат етиб келинган. Масалан, “Бавар ҳақиқати”да ”кечаси жиноят устида уш-лаб олинган” ўҒрини ўлдиришга рухсат етилганди (ИХ титул, 4-модда). Бу, афтидан, XII жавдал қонунларидан сўзма-сўз кўчириб олинган бўлса ке-рак. “Сали ҳақиқати”да белгиланган ўлим жазосининг осиб ўлдириш, чархпакка тортиб ўлдириш каби турлари асосан қулларга нисбатан қўлланилган. Ўлим жазоси еркин кишиларга нисбатан жуда кам ҳолларда тўҒридан-тўҒри берилган. “Сали ҳақиқати”да кўрсатилишича, еркин кишилар ўт қўйишида айбланиб, судга узрли сабабсиз келмасалар, ўлимга маҳкум етилишлари мумкин (XVI титул, 1-модда).

”Варварлар ҳақиқатлари”да ески уруғдошлиқ тузумининг қолдиғи сифа-тида жамоа жавобгарлиги тамойили сақланиб қолган. Буни аввало И Капитуля-рийда назарда тутилган ”Қадимий одатга” ҳавола қилиш ҳолларидан кўриш мумкин. Шунингдек, “Саксон ҳақиқати”нинг XVII титулида одам ўлдир-ган литнинг ўз етти қариндоши билан биргаликда жавобгарликка тортилиши ҳам франкларда сақланиб қолган жамоа жавобгарлигидан дарак беради.

Франкларда содир етилган барча мулкий жиноятлар учун жарима жазоси билан бирга ўҒриланган мулкнинг ва бошқа етказилган заарнинг қийма-тини ундириш талаб қилинган. “Сали ҳақиқати”да ўрнатилганидек, ”Агар ким-дир бирорнинг яйловидан ўтларини ўриб олса, меҳнати зое кетган”. ”Ва, агар ушбу хашакни ўз уйига олиб бориб қўйса, ўҒриланган хашакнинг нархидан қатъи назар, ундан 45 солид жарима ҳамда етказилган заарар унди-рилган” (XXVII титул, 10-11-моддалар). Худди шунингдек, ”Агар қул билан еркин киши тил бириктириб ўҒрилик содир етишса, улардан

етказилган заарар-нинг қийматини ундириш билан бирга, қулдан ўГриланган мулк қийматининг икки баравар, еркин кишидан тўрт баравар нархи миқдорида жарима олинган (ХЛ титул, 1-қўшимча).

Франкларда жарима озор етказилганлик учун тўлов тариқасидаги асо-сий жазо сифатида узоқ вақт қўлланиб келган. Лекин бу жазо оқибатда аста-секин етказилган заарни оддийгина ундиришга айланиб борди, шунингдек, кўпроқ ўлим жазоси, калтаклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, сургун қилиш каби жазолар билан алмаштирила бошланди. Масалан, агар турли хилдаги ўҒирликлар учун “Сали ҳақиқати”да асосан жарима ва етказилган заарни ундириш жазолари назарда тутилган (II, III, IX, XI, XII, XIII, XIV ва бошқа титуллар) бўлса, “Саксон ҳақиқати”да кўпроқ ўлим жазоси белгиланган еди (XXIX, XXX, XXXII-XXXV титуллар ва ҳоказо).

”Варварлар ҳақиқатлари“ анча мураккаб ва чалкаш тузилганлиги сабабли уларнинг барча жиноий хатти-ҳаракатларга тааллуқли умумий қоида-ларини аниқ ажратиб олиш қийин. Лекин алоҳида жиноятлар таркибларини таҳлил қи-лиш шундан дарак берадики, ”Варварлар ҳақиқатлари“да айб шакллари: қасд ва еҳтиётсизлик, жиноятга суиқасд қилиш, иштирокчилик, жиноятни енгил-лаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар тушунчалари назарда тутилган. Масалан, ”Сали ҳақиқати“ бўйича, еркин киши бировнинг чорвасига ”еҳти-ётсизлик“ орқасида заарар етказса, ундан фақат келтирилган заарар ундирилган (IX титул, 3-модда). Агар кимдир ўз даласида бировнинг чорвасини кўриб қолса, уни уриб майиб қилиши мумкин емас еди. Агар у шундай қилиб, айбига иқрор бўлса, майиб қилган чорвани ўзи олиб, қийматини чорва ега-сига тўлаши лозим, агар айбига иқрор бўлмай, у фош қилинса, келтирилган заарни ундан ундириш билан бирга 15 солид жарима ҳам олинган (IX титул, 1-модда).

Бу ерда етказилган заарни тан олиш - қилмишига иқрор бўлиш айб-ни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланган. Ёмон ният учун, ”душманлик ёки макр-хийла йўли билан“ заарар етказганлик учун бир мунча юқори жарима кўзда тутилган. ”Сали ҳақиқати“нинг ”Ғаламислик ҳақида“ги XXVII титулида жиноят қилишга ундаш, жиноятда иштирокчилик тўҒрисида анча аниқ меъёрлар ўрнатилган. Бунда ”кимдир бировни ўҒрилик содир етиш учун сотиб олса ва фош қилинса, 62,5 солид жарима тўлаши (1-модда) ҳам-да ўҒриликка ундовчи, унда иштирок етувчи ва уни бажарувчи шахслар алоҳида-

алоҳида равишда 60 солиддан жарима тўлашга тортилишлари (3-модда) белгиланган.

Юқоридагилар билан бир қаторда франклар хукуки, жумладан, “Сали ҳа-қиқати” айбиз жавобгарликни ҳам билади. Агар бир тўда кишилар еркин аёл-га ҳужум қилиб, зўрлик билан номусига тегса, уларнинг ҳар бири 200 солиддан жарима тўлаган. Бироқ шу тўдада бўлиб, зўрлик ишлатилганлигини билмай, унда иштирок етган кишилар ҳам 45 солиддан жарима тўлашлари лозим еди (ХIII титул, 10-модда, 5-қўшимча). Жиноят қилишга суиқасд қилган ишти-рокчи қоида бўйича жиноятни бажарувчисига қараганда енгилроқ жазоланган. Шу билан бирга ўҒрилик ёки одам ўлдиришга пул бериб одам ёллаган шахс жиноятни бажарувчи шахсга нисбатан оғирроқ жазоланган (XXVIII титул, 1-3-моддалар).

Умумий тан олинган билан қатор қадриятларни бузиш, жумладан, ухлаб ётган одамга, аёл кишига, ёш болага ҳужум қилиш, ўликни ҳақоратлаш кабилар айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар саналади. Масалан, агар қабрни очиб, ундан бирор нарса ўҒирлаганлик учун 200 солид жарима ўрнатилган бўлса, айни вақтда еркин франкни талаш мақсадида унга ҳужум қилишлик учун - 62,5 солид жарима белгиланган еди.

”Варварлар ҳақиқатлари“нинг ҳаммаси жазо тайинлашда жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий аҳволини ҳисобга олган. Жиноятчи ва жабрланув-чининг еркин кишими ёки қулми, таниқли одамми ёки унча таниқли одам емасми, бойми ёки камбағалми - ана шуларга қараб жазолар енгилроқ ёки оғирроқ берилган. “Сали ҳақиқати”га биноан, агар римлик франкнинг мулкини ўҒирласа, 62,5 солид, ва аксинча, агар франк римликнинг мулкини ўҒирласа, 35 солид жарима тўлаши лозим еди (ХIV титул, 1-3-моддалар). Худди шунингдек, Теодорих едиктининг 59-моддасида ўрнатилганидек, таниқли уруғга мансуб бўлган бадавлат киши еркин қизни ”йўлдан урса“, уни хотинликка олиши лозим еди. Агар қизни ”йўлдан урган“ одам бадавлат ҳам, таниқли ҳам бўлмаса, у ”еркин қизнинг шаънини поймол қилган одам сифатида ўлимга маҳкум етилган“.

Франклар жамиятида давлатга қарши жиноятлар ҳақида ҳали унча аниқ тасаввурлар бўлмаса ҳам, ”Варварлар ҳақиқатлари“да шундай мазмунга ега бўлган хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида еътироф етилганлиги кўзга ташланади. Тўғри, “Сали ҳақиқати”да бундай жиноятлар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Бироқ, унинг баъзи моддаларида қиролга, унинг мол-мулкига, иродасига қарши

қаратилган хатти-харакатлар алоҳида еътиборга олинади. Теодорих едикти еса бу соҳада рим ҳуқуқидан ўзлаштириб олган меъёрлари билан ажралиб туради. Масалан, унда ”жаноби олийларини ҳақорат қилганлик” учун (49-моддада), шунингдек, ”халқни ва қўшинларни исёнга ундаш-лик” учун (107-модда) ўлим жазоси назарда тутилган. Умумий қоидага қарамай, бундай жиноятлар бўйича қул, колон ёки хизматчиларнинг ўз хўжайинига хабар беришига йўл қўйилган.

Аллеман ва Бавар ҳақиқатларида нафақат қирол, герсог, уларнинг елчи-лари ва бошқалар, балки халқ, давлат ҳам жиноий хатти-харакат субъекти сифа-тида кўрила бошлаган. ”Бавар ҳақиқати”да талончилик учун ўзга халқни таклиф қилиш ёки ”давлатнинг душман томонидан босиб олинишига кў-маклашиш” оғир жиноят ҳисобланиб, бунинг учун мол-мулкни мусодара қилиш ва ўлим жазоси назарда тутилган (II титул, 1-модда). Бундан ташқари, ”Бавар ҳақиқати”да герсогга қарши фитна уюштириш, қўшинда исён қў-тариш (II титул, 3-модда), ”провинсияга душманни чақириш” ва бошқа жиноятлар тўғрисида ҳам сўз юритилади. ”Аллеман ҳақиқати” бўйича еса, ҳатто фақат ”шовқин-суронли тўда”да иштирок етишнинг ўзиёқ давлат хазинаси фойдасига 60 солид жарима жазоси берилишига асос бўлган.

”Варварлар ҳақиқатлари”да жиноятларнинг маълум қисми шахсга тажо-вуз қилишга тааллуқлидир. Бунда аввало одам ўлдириш жинояти ”ҳақиқат-лар”нинг диққат марказида туради. Одам ўлдирганлик учун ундириладиган вергелднинг миқдори фақат ўлган шахснинг ижтимоий аҳволига емас, балки унинг ёши, жинсига ҳам қараб белгиланган. ”Сали ҳақиқати” бўйича, еркин франкни ўлдирганлик учун анча юқори вергелд - 200 солид (ХЛИ титул, 1-модда), римликни ўлдирганлик учун еса 62,5 солид вергелд (ХЛИ титул, 7-модда) кўзда тутилган. Қироллик хизматида турган франкни ўлдирганлик учун уч баравар кўп вергелд ундирилган. Масалан, графни, қироллик ман-сабдорини ўлдирганлик учун 600 солид миқдорида вергелд ўрнатилган еди. Агар ўлдирилган граф яrim еркин лит ёки қиролнинг қули бўлса, у ҳолда вергелднинг миқдори 300 солидни ташкил қилган (ХЛИ титул, 5-модда). Ҳар-бий юришлар вақтида қироллик дружиначисини ўлдирганлик учун, шунингдек, руҳонийлар вакилларининг ҳаёти учун анча юқори вергелд назарда тутилган. Руҳонийни ўлдирганлик учун - 600 солид, епископ учун - 900 солид вергелд тўланган.

Маълумки, В-ВИ асрларда франкларда христиан черковининг таъсири ва нуфузи ниҳоятда кучайиши ва буни ”варварлар ҳақиқатлари”да ўз аксини топиши кўзга яққол ташланади. Бу вақтда қироллар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш ва янада кучайтириш мақсадида черковнинг, рим папа-сининг асосий ҳимоячилари сифатида майдонга чиқардилар. Буюк Карл доимо ”менинг вазифам - черковни ҳимоя қилиш, черковнинг вазифаси еса - мен учун ибодат қилиш” деб таъкидлар еди.

Ана шундан келиб чиқиб черковга қарши қаратилган жиноятлар учун анча оғир жазолар ўрнатилган еди. Рухонийга, черков мулкига нисбатан тажовузлар ва бошқа шу каби хатти-ҳаракатлар учун бериладиган жазолар кучайтирилганди. Масалан, “Бавар ҳақиқати”га кўра, епископни ўлдирганлик учун ”ўлган епископ бўйига мослаб қўрғошиндан тайёрланадиган кийимнинг оғирлиги” миқдорида олтин тўлашдан иборат бўлган рамзий характердаги жазо белгиланган еди. Агар бундай қилишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда жиноятчига унинг ерларини, қулларини, уйларини черков фойдасига мусодара қилиб, ўзини, хотини ва болаларини қулга айлантириш жазоси қўлланган (И титул, 10-модда).

“Аллеман ҳақиқати”да мавҳумий шаклда шундай қоида ёзиб қўйилган еди: ”черковга қарши ҳар қандай Ғайриқонуний хатти-ҳаракат учун уч баравар тўлаш лозим” (XXI титул). Унга биноан факат христиан черковининг юқори мансабдорларига қарши қаратилган жиноятлар учун-гина емас, балки оддий дяконлар, монахлар, уларнинг қариндошларига ва ҳатто черков қулларига қарши жиноятлар учун ҳам жазолар қаттиқ белгиланган еди (“Аллеман ҳақиқати”, XI-XV титуллар). Жиноят ва жазо масалаларида “Сали ҳақиқати” бўйича қул ёки литнинг ҳуқуқий ҳолатида жиддий фарқлар бўлмаган. Агар қул ёки лит еркин кишини ўлдирса, ўлган кишининг қариндошларига вергелдинг ярмини берган, вергелдинг иккинчи ярмини унинг хўжайини тўлаган (“Сали ҳақиқати”, XXXV титул, 5-модда).

“Варварлар ҳақиқатлари”нинг барчасида еркин аёлнинг ҳаёти, соғли-ғи ва қадр-қиммати алоҳида ҳимоя қилиниши кўрсатилган. “Сали ҳақиқати”-га кўра, бола туғиши мумкин бўлган аёлни ўлдирганлик уч баравар кўп миқдорда, яъни 600 солид вергелд назарда тутилган (XXIV титул, 6-модда). Агар ўлдирилган еркин аёл ўлимидан илгари бола туғиш қобилия-тига ега бўлмаган бўлса, у ҳолда уни ўлдирган кишидан 200 солид жарима ундирилган (XXIV

титул, 7-модда). Агар кимдир ҳомиладор еркин аёлни уриб ўлдирса, бунда вергелдинг миқдори 700 солидни ташкил етган (ХХИВ титул, 3-модда). “Аллеман ҳақиқати”да аёл кишини ўлдириш умуман айбни оғирлаштирувчи ҳолат хисобланган. Унда қўрсатилишича, аёл кишини ўлдирганлик учун ”еркин кишини ўлдирганга нисбатан икки баравар қўп вергелд” тўланган (ХЛИХ титул, 2-модда). “Бавар ҳақиқати”да ҳали ”аёл қўлида қурол билан ўзини ҳимоя қила олмаслиги” кўрсатилиб (ИВ титул, 29-модда), унга нисбатан содир етилган жиноятлар учун оғирроқ жазолар ўрнатилган еди.

“Сали ҳақиқати”га биноан, қирол хизматида турган шахсни унинг уйига бир тўда бўлиб бостириб кириб ўлдирганлик учун айбдор шахсга нисбатан тўққиз баравар қўп миқдорда вергелд - 1800 солид жарима солинган (ХЛII титул, 1-модда). Агар бундай ҳолда ўлдирилган одам қироллик хизматида турмаган шахс бўлса, вергелдинг миқдори 600 солидни ташкил етарди (ХЛII титул, 2-модда). “Сали ҳақиқати”да тўда ва унинг одам ўлдиришдаги жавобгарлиги тушунчасига ҳам изоҳ бериб ўтилган. Унга кўра, 5-7 киши тўпланиб турган вақтда уларнинг ҳаммаси жавоб берган (ХЛIIИ титул, 1-модда). Агар бунда тўпланиб турган кишилар 7 тадан ортиқ бўлса, у ҳолда одам ўлдириш жинояти учун уларнинг ҳаммаси емас, балки фақат айби исботланган шахслар жавоб берган ва вергелд тўлаган (ХЛIIИ титул, 2-модда).

”Варварлар ҳақиқатлари”да нафақат шахснинг ҳаётига қарши қаратил-ган жиноятлар учун, балки унинг соғлиғи, қадр-қиммати ва шаънига қар-ши қаратилган жиноятлар учун ҳам қаттиқ жавобгарликлар ўрнатилган. Жум-ладан, “Сали ҳақиқати”да тан жароҳатлари етказиш, уриш-дўппослаш, сўз ёки ҳаракат билан ҳақорат қилиш каби жиноятларнинг турли кўринишлари батафсил санаб ўтилган. Тан жароҳатлари етказганлик учун жарималарнинг миқдори 9 солиддан 200 солидгача белгиланган. ”Агар кимдир еркин кишини ахталаса, 200 солид жарима тўлаган” (ХХИХ титул, 9-модда). ”Агар кимдир бировнинг қўли ёки оёғини майиб қилса, кўзи ёки бурнидан маҳрум етса, ундан 100 солид жарима ундирилган” (ХХИХ титул, 1-модда). ”Агар майиб қилинган қул жойида осилиб турган бўлса, айбдордан олинадиган жари-манинг миқдори 62,5 солидни ташкил етган” (ХХИХ титул, 2-модда). Қўл ёки оёқнинг катта бармоғини узиб олганлик учун -50 солид, ”иккинчи пиёз

юладиган бармоқни” узиб олганлик учун - 35 солид, тишини уриб син-дирғанлик учун - 15 солид жарима белгиланган (ХХИХ титул, 3-5-моддалар). ”Агар кимдир бироннинг тилига зарар етказганлиги натижасида, у гапира олмайдиган бўлиб қолса, айборга нисбатан 100 солид жарима солинган. Бироннинг тўртинчи бармоғини узиб олган шахс 9 солид жарима тўлаши лозим еди.

“Аллеман ҳақиқати”да юқоридаги жиноятлар янада кўпроқ аниқлаштирилган. Уларнинг рўйхатига ҳақоратомуз равишда ”соҳёки соқолини олиб ташлаш” жинояти (бунинг учун 12 солид жарима назарда тутилган) ва бошқалар ҳам киритилган еди.

“Бавар ҳақиқати” ҳам жиноятлар рўйхатини беришда ўзига хослиги билан ажралиб турмайди.

”Варварлар ҳақиқатлари”да сўз ёки ҳаракат билан ҳақорат қилганлик учун жарима тайинлашда томонларнинг ижтимоий аҳволига, ҳақоратнинг оғирлигига еътибор берилган. “Сали ҳақиқати” бўйича еркин франкни оддий ҳақорат қилиш - ”бадбашара, қуён, бўри, ёлғончи” каби хафа қиласидиган иборалар билан камситиш учун 3 солид, ҳаракат билан ҳақорат қилиш учун еса - 15 солид жарима белгиланган. Унда, айниқса, аёл кишини ҳақорат қи-лиш, асоссиз равишда ”фоҳиша” деб аташ қаттиқ жазоланган. Бундай ҳолда жариманинг миқдори 45 солидни ташкил етган (ХХХ титул, 1-б-моддалар). Худди шунингдек, еркак ва аёлларни ”жодугарнинг шериги” деб ҳақорат қилганлик учун алоҳида жазога тортилган.

Франкларда мулк ҳуқуқи жуда кескин чоралар билан ҳимоя қилинган. Шу сабабли ”варварлар ҳақиқатлари”да ҳам, аввало, мулкка қарши қаратил-ган жиноятлар тўғрисида кўпгина меъёрлар ўрнатилган еди. “Сали ҳақи-қати” нинг дастлабки титуллари ёқ айнан шундай жиноятлар учун жавобгар-ликлар белгилайди. Унинг II титули ”чўчқаларни ўғирлаш ҳақида”ги, III титули ”шоҳли ҳайвонларни ўғирлаш ҳақида”ги, X титули ”қулларни ўғирлаш ҳақида”ги ва бошқа қатор титуллари турли ўғриликлар ва талончиликлар ҳақи-даги жиноятларга бағишланганлиги ҳам бежиз емас. Ўғрилик жинояти учун жазо тайинлашда, аввало, уни содир етган шахснинг ижтимоий аҳволи, сўнгра ўғриликнинг қандай усуlda қилинганлиги, қанча миқдорда бўл-ганлиги кабилар ҳисобга олинган. Албатта, ўғриланган мулк кимга тегишли еканлиги жазо тайинлашда муҳим еди. “Сали ҳақиқати”нинг ўғрилик жиноятлари ҳақида қуйида белгиланган қатор меъёрлари фикримизга далил бўлиши мумкин. Бироннинг чўчқасини ўғирлаганлик учун - 3 солид

(II титул, 1- 4-моддалар), емадиган бузоқчани ўҒирлаганлик учун ҳам - 3 солид, бир ёки икки ёшли қорамолни ўҒирлаганга - 15 солид (III титул, 1-2-модда-лар), қулини ўҒирласа - 30 солид жарима назарда тутилган. (X титул, 1-модда). ”Агар кимдир еркин кишига тўсатдан ҳужум қилиб, унинг мол-мулкини талончилик йўли билан тортиб олса ва бу фош қилинса, унга 62,5 солид жарима солинган” (ХИВ титул, 1-модда). Бирорнинг уйига, омборига, қўрасига ўт қўйганлик учун ҳам 62,5 солид жарима кўзда тутилган.

Умуман ўҒирланган мулкнинг қийматига ва ўҒриликнинг оддий ёки малакали содир етилишига қараб, уни уч турга: 1) суммаси 2 динардан¹¹ 40 динаргача бўлган ўҒрилик; 2) суммаси 40 динардан юқори бўлган ўҒрилик; 3) бинони бузиб ёки калит ясаш йўли билан қилинган ўҒриликка ажратиш мумкин. Еркин кишилар томонидан содир етилган барча ҳоллардаги ўҒрилик учун тегишли 15, 35 ва 45 солид жарима ўрнатилган еди. Агар шундай ўҒриликни қул содир етса, биринчи ҳолда етказилган зарар ундирилган, яъни ўҒирланган нарса егасига қайтарилиган ва қулга 120 қамчи урилган, иккинчи ҳолда ахталаш ёки жарима жазоси қўлланган, учинчи ҳолда еса - ўҒри қул ўлимга маҳкум етилган.

“Бавар ҳақиқати”да умуман барча турдаги ўҒриликлар учун ўҒирланган мулк қийматининг 9 баравари миқдорида жарима ўрнатилган еди (IX титул, 1-модда). “Сали ҳақиқати”да еркин кишиларни ўҒирлаш (XX титул, 10-модда) каби жиноятлар билан бирорнинг отини ёки ўргатилган ҳайвонини ўҒирлаш, уйига, омборига, бостирмасига ўт қўйиш, уйини бузиш, панжа-расини синдириш, бегона ашёдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш каби жиноятлар учун ҳам жавобгарликлар ўрнатилади.

”Варварлар ҳақиқатлари”да назарда тутилган жиноятларнинг алоҳида гуруҳини ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар ташкил етган. Хусусан, “Сали ҳақиқати” бўйича бундай жиноятлар туркумига ”еркин қизни зўрлаш”, томонларнинг ўзаро розилиги асосида Гайриқонуний жинсий алоқа қилиши каби жиноятлар киритилган. ”Агар кимдир еркин қизни зўрлаб номусига тегса, ун-га 62,5 солид жарима солинган” (XXV титул, 1-модда). ”Агар кимдир еркин қиз билан унинг розилиги ва ўзаро келишув асосида жинсий алоқа қилса, унга 45 солид жарима жазоси” берилган (XXV титул, 2-модда). ”Агар қандайдир еркин киши бирорнинг чўриси билан жинсий алоқада бўлса ва бу фош етилса, у ҳолда чўрининг хўжайинига 15 солид

¹¹ Dinar – solidning 1/40 qismi.

жарима” тўланган (XXV титул, 3-модда). ”Агар еркин киши бегона чўри билан очиқдан-очиқ никоҳга кирса, у ҳам чўри билан бирга қул бўлиб қолган” (XXV титул, 5-модда). Худди шунингдек, еркин аёл қул билан никоҳга кирса, чўрига айланган (XXV титул, 6-модда). Шуниси характерлики, “Аллеман ҳақиқати” бўйича, еркин кишининг бегона қиз билан жинсий алоқа қилганлиги учун 40 солид жарима белгиланган бўлса, унинг ерга теккан аёл билан жинсий алоқа қилганлиги учун икки баравар кўп - 80 солид жарима назарда тутилган еди.

*Sud
jarayoni*

Франкларда суд жараёни айлов-тортишув характе-рига ега бўлган. Жиноят ва фуқаролик суд ишларини юри-тиш бир хил шаклларда амалга оширилган. Иш фақат даъво-гарнинг ташаббуси билан қўзғатилган. Томонлар суд жараёнида тенг ху-куқларга ега еди. Суд жараёни оғзаки, ошкора бўлган ва ўта расмийлиги билан ажралиб турган. Ўғирланган мулкни қидириб топиш, судга жавобгарни, гувоҳларни чақириш жабрланувчининг мажбурияти ҳисобланган. Суд жараёнида нафақат томонлар, балки иш бўйича гувоҳлар ҳам муҳим ўрин тутган. “Сали ҳақиқати” жавобгар ва гувоҳнинг судга узрли сабабларсиз келмаганлиги учун 15 солид жарима белгилайди (И титул, 1-модда).

Жавобгар ёки гувоҳнинг қирол хизматида бўлиши, касал бўлиб қолиши, қариндошларидан бирининг ўлими, уйига ўт кетиши туфайли судга келмаслиги узрли сабаб саналган. “Сали ҳақиқати”да кўрсатилишича, ”Агар кимdir бировни судга чақирмоқчи бўлса, гувоҳлар билан биргалиқда унинг уйига келиши ва бу ҳақда уни хабардор қилиши лозим бўлган. Агар судга чақирилувчи жавобгар ёки гувоҳ уйда бўлмаса, у ҳолда жабрланувчи унинг хотини ёки уйидагилардан бирини чақириб, уни судга чақирилаёт-ганлигини айтиб қўйишларини тайинлаган” (И титул, 3-модда).

“Сали ҳақиқати” суд жараёнида қўлланиладиган далилларнинг уч турини кўрсатади. Булар: гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасамхўрлар кўрсатмалари ва ордалия бўлиб, уларнинг ичida гувоҳларнинг кўрсатмалари катта аҳамиятга ега еди.

Судда гувоҳларнинг ёлғон кўрсатма бериши, иш бўйича билгандарини айтишдан бош тортиши қаттиқ жазоланган. Бундай гувоҳлар қонун-дан ташқари деб еълон қилинган ва уларга жарима солинган. Гувоҳга қатор талаблар қўйилган. Чунончи, қул еркин кишига қарши гувоҳлик бера ол-маган. Шунингдек, илгари ёлғон кўрсатма берганлиги учун фош қилин-ган шахслар ҳам гувоҳликка ўта олмаган

(“Аллеман ҳақиқати”, ХЛII ти-тул, 2-модда). “Бавар ҳақиқати” бўйича гувоҳ кимга қарши гувоҳлик бе-раётган бўлса, у билан тенг мавқеда бўлиши лозим еди. Агар ерга оид низо кетаётган бўлса, гувоҳнинг ўша жамоадан бўлиши ва ҳеч бўл-магандада маълум бойликка (6 солидга) ега бўлиши талаб қилинган (XVII титул, 2-модда).

Суд ишларининг амалга оширилишида гувоҳларнинг муҳим ўрин тутиши суд жараёнида уларга нисбатан талабчанликнинг бир мунча юкори қилиб белгиланишига сабаб бўлган. Чунончи, “Сали ҳақиқати”нинг маҳсус ХЛИХ титули ”гувоҳлар тўғрисида” алоҳида меъёрлар белгилайди. ”Агар гувоҳ, бирор қонуний тўсиқ уни ушлаб қолмаган бўлса-ю, судга чақирил-ганда келмаса, 15 солид жарима тўлаши лозим бўлган” (ХЛИХ титул, 2-модда). Худди шунингдек, ёлғон гувоҳлик бериш учун ҳам 15 солид жарима назарда тутилган еди (ХЛВИИ титул, 1-модда). Гувоҳлар ўз қўрсат-маларининг тўғрилигини қасам ичиш йўли билан тасдиқлардилар.

Бу ҳақда “Бавар ҳақиқати”нинг XVII титули 6-моддасида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ушбу моддада кўрсатилишича, агар бирор иш юзасидан гувоҳлар кўп бўлса, бундай ҳолда уларнинг орасидан суд мажлисида иштирок етиб, кўрсатмалар бериши лозим бўлган гувоҳлар қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинарди. Жавобгарнинг гувоҳ кўрсатмаларидан норозилиги улар ўртасидаги яккама-якка олишув (дуел)га сабаб бўлиши мумкин еди. Томонлар яккама-якка олишувда ўз ўрниларига қулларини қўйишга ҳақли едилар. (“Бавар ҳақиқати”, XVIII титул, 1-2-моддалар). Агар иш бўйича гувоҳлар, ”ишончли далиллар” йўқ бўлса ва жиноятни ”лозим даражада исботлаш” мумкин бўлмаса, судга қасамхўрлар жалб қилинган (“Сали ҳақиқати”, XVII титул, 5-модда).

Қасамхўрлик институтининг илдизлари франкларнинг узок уруғдошлиқ ўтмишига бориб тақалади. Қасамхўрлар - қариндошлар, қўшнилар, дўстлар бўлиб, улар судда томонлардан бирининг ҳақлигига гувоҳлик бериш йўли билан уни ҳимоя қилишлари, қўллаб-қувватлашлари лозим еди. Бунда қасамхўрлар иш ҳолатларини билганликлари учун емас, балки гўёки жавобгар, айбланувчи ва бошқаларнинг ”ҳалол-поклиги, хушфеъллиги ҳамда мўмин-қобил еканлиги учун ҳимоя қилиб чиқсанлар. Қасамхўрлар, ўғрилик жинояти рад етилган ҳолларда, ўғирланган нарсанинг қийматини ҳам белгилаганлар. “Бавар ҳақи-қати” бўйича, қасамхўрлар ”маҳсус қурбонлик қилинадиган жойда, Инжилни очиб қўйган ҳолда, черковнинг ноиби иштироқида қасам” ичганлар.

“Сали ҳақиқати” жиноят қилишда айбланувчи шахсларни ”худо суди”да синаш хисобланган ордалияни ҳам белгилайди. Бунга кўра, айбланувчи шахснинг қўли қозонда қайнаб турган сувга тиқилган ва куйиб яраланган қўл боғлаб қўйилган, маълум муддат ўтгач, яра ечиб қўрилганда яхши битмаган бўлса, унинг айбдор еканлиги тасдиқланган. Қайноқ сувда синашдан уни сотиб олиш йўли билан қутулиш мумкин еди. Бундай ҳолда тўловнинг қиймати айбдордан ундирилиши лозим бўлган жариманинг қийматига боғлик бўлган, лекин жариманинг ўзидан анча кам еди. Масалан, содир етил-ган жиноят учун 15 солид жарима назарда тутилган бўлса, шундай жиноятни содир етган ёки етмаганлигини аниқлаш мақсадидаги синов (ордалия)дан қу-тулиш евазига 3 солид, 35 солидли жарима учун еса - 6 солид тўлов ҳақи белги-ланган еди (“Сали ҳақиқати”, ЛПИ титул, 1-3-моддалар). Албатта, синовдан қуту-либ қолиш имкониятига фақат мулқдор ва бадавлат кишиларгина ега бўлишган.

Франкларда синааб кўриш усулининг бошқача турлари ҳам қўлланилган. Масалан, капитулярийлар бўйича ”қуръа ташлаш” йўли билан ҳам айбни исбот-лаш мумкинлиги ўрнатилган еди. Қулларга нисбатан қўпинча қийнаш усувлари қўлланилган. Қул айбига иқрор бўлгунича қийноққа солинган. ”Адолатли қий-ноққа солиш” учун ўз қулини тақдим етиш хўжайиннинг мажбурияти хисоблан-ган. Агар хўжайин уч марта ”панд-насиҳат” йўли билан сўралгандан кейин ҳам ўз қулини ”адолатли қийноққа солиш”га бермаса, ундан жарима ундирилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳамма франкларда ”синаш”, ”қийнаш” усувлари тенг даражада қўлланилмаган. Масалан, готларда сув, олов билан синаш, шунингдек, яккама-якка олишув тақиқланган еди. Бирок, Теодорих едиктига асосан ”қа-сам” йўли билан синаш сақланиб қолганди (74-модда). Томонлар суд қарорини ихтиёрий равишда бажаришдан бош тортган ҳолларда, уни графикнинг ўзи ижро етган. Агар кимдир графикнинг суд қарорини бажаришига тўсқинлик қилса, қаттиқ жа-золанганди. Суднинг вергелд ундириш тўғрисидаги қарори кафиллар ёрдамида кечиктирилиши мумкин еди. Кафиллик алоҳида ишончли бўлиши учун суд мажлисида қаторасига тўрт марта тасдиқланарди (“Сали ҳақиқати”, ВПИ титул, 1-модда).

ИИ БОБ. ФРАНСИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (IX асрнинг ўртаси - XVIII аср охири)

- *Франсия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.*
- *Сенорлик монархияси (IX-XII асрлар).*
- *Табақа-вакиллик монархияси (XIV-XV асрлар).*
- *Мутлақ монархия даври (XVI-XVII асрлар)да ижтимоий ва давлат тузуми хусусиятлари.*
- *Франсияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.*

1. Франсия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари

Франсия феодал муносабатлар енг ривожланган, классик шаклга ега бўл-ган давлат еди. У 843 йилда Верден шаҳрида Карл Буюкнинг уч невараси йиғилишида франклар империясининг уч қисмга бўлиниб кетиши натижасида ташкил топган. Верден аҳдига мувофиқ марҳум Лудовик Художўйнинг катта ўғли Лотар императорлик унвонини сақлаб қолди, лекин укалари Лудовик Немис ва Карл Ялтироқбошга нисбатан ҳеч қандай маҳсус ҳуқуққа ега емас еди. Укаларининг ҳар қайсиси ўз ҳолиҷа мустақил қирол бўлиб қолди, Лотарга Италия, Шарқда Рейн билан Фарбда Масс, Шелда, Сена ва Рона дарёлари ўртасидаги ерлар (бунга Бургундия ҳам киради), Рейннинг шарқидаги ерлар Лудовик Немисга тегди. Лотарга қарашли ерларнинг Фарбидаги ерлар Карл Ялтироқбошга тегди. Кейинроқ, Лотар ўлгандан сўнг ерлар қайтадан бўлинади. Лотарнинг авлодлари Италиядаги ерларнигина ўз қўлида сақлаб қо-лади, Рейн бўйидаги ерларнинг ҳаммасини Лудовик билан Карл ўзаро бўлишиб олди. Бургундия мустақил қироллик бўлиб ажралиб чиқди. Императорлик ун-вони кейинроқ бориб Каролинглар хонадонининг бошқа авлодлари вакилларига ўтди. Масалан, 875-877 йилларда Карл Ялтироқбош император бўлди, 880-887 йилларда императорлик тожи Лудовик Немиснинг ўғли Карл Семизга ўтди. X асрнинг бошларига келиб еса императорлик унвонининг ҳеч кимга ҳеч қандай реал аҳамияти қолмади.

Шу тариқа, Верденда бўлган тақсимот Европада кейинчалик вужудга келган учта катта давлат - Франсия, Германия ва Италиянинг ташкил топишини умумий бир тарзда белгилаб берди. IX асрнинг ўртасида мазкур давлат-ларнинг ичида енг яхлити "Фарбий франклар"нинг давлати еди, у кейинчалик вужудга келган Франсиянинг куртаги бўлди. Бу ердаги аҳолининг асосий ом-маси енди ташкил

топаётган франсуз халқидан иборат бўлиб, у алоҳида бир ши-молий роман тилида, илк франсуз тилида гапиришар еди. Бу давлатнинг пойтхати Париж бўлиб, у Луара дарёси яқинидаги Сена дарёси бўйида жойлашган. "Фарбий франклар қироллиги"да ёки, оддий қилиб айтганда, Франсияда (уни X-XI асрларда Франсия деб атай бошлайдилар) Королинглар X асрнинг охиригача ҳокимиятни ўз кўлларида сақлаб келди.

Германия ва Италияда еса Королинглар анча илгари X асрнинг бошла-ридаёқ ҳокимиятдан маҳрум бўлди. Лекин Франсияда ҳам феодал тарқоқлик тезлик билан авж олиб борди. "Биринчи франсуз қироли" Карл Ялтироқ-бош ўз зодагонларига узлуксиз ён беришга мажбур бўлди. 847 йилда у Мерсен капи-тулярийсини чиқариб, унда ҳар бир еркин кишига сенор топиб олишни таклиф қил-ди; қирол ўз фуқаролари устидан шундай ҳокимиятга ега бўлди. 887 йилдаги Керсин капитулярийси ер бенифитсийларининг, шунингдек, графлик лавозимининг ҳам наслдан-наслга мерос бўлиб қолишини қонунлаштируди. Шу вақтдан бош-лаб бенифитсийлар наслдан-наслга мерос бўлиб қоладиган ерларга - феодларга, ленларга; графлик витсе-графлик (виконтлик), маркграфлик (ёки маркизлик) ва герсоглик унвонлари наслдан-наслга қоладиган князлик унвонларига айланди. Жойларда ҳудудий ҳукмдорларга хос барча ҳуқуқларга, яъни қироллик ҳуқуқ-ларига ўхшаш ҳуқуқларга ега бўлган князлик сулолалари вужудга кела бошлади.

Шундай қилиб, Франсия давлати ташкил топган вақтда номигагина ягона давлат бўлиб, аслида у кўпгина (аникроғи ўн мингга яқин) хилма-хил сенорликларнинг йиғиндисидан иборат еди. Буларнинг баъзилари қирол ҳокимиятини расман тан олган, лекин амалда деярли мустақил еди. Бошқа сенорлар еса факат қиролга содиқлик ҳақида қасамёд қиласар, бироқ ҳатто расман бўлсада унга бўйсунмаганди. Улар қиролга бўйсунишни - вассал бўлишни таҳқирланиш, деб ҳисоблардилар.

Бу вақтда Франсияда миллий бирлик ҳам, ягона тил ҳам бўлмаган еди. Франсуз миллати анча кейинроқ - XVI асрда галлар, бритлар, римликлар, франклар ва бошқа халқларнинг авлодларидан шаклланганди.

Ўрта асрлардаги Франсия давлати ва ҳуқуқи тарихини қўйидаги давларга бўлиш мумкин:

1. Сенорлик монархияси даври - IX-XII асрлар.
2. Табақа-вакиллик монархияси даври - XII-XV асрлар.
3. Мутлақ монархия даври - XVI-XVIII асрлар.

Бутун феодал тузумнинг чуқур инқирози 1789 йилги револутсияга олиб келди. Ушбу револутсия натижасида Франсияда абсолютизм ва у билан бирга бутун ески сиёсий тартиб батамом барҳам топди.

2. Сенорлик монархияси (ИХ-ХІІІ асрлар)

Ijtimoiy tuzumi ИХ-ХІ асрларда феодал муносабатлар ривожланиб, ҳамма ерда ҳукмрон бўлиб қолди. ХІ-ХІІІ асрларда фео-даллар томонидан ерларнинг тўлиқ егаллаб олиниши натижа-сида еркин дехқонлар ер егалиги тугатилди. Натурал хўжалик ҳукмронлик қи-либ, феодал сенорликлар парокандалиги давом етади ва янги-янги помес-телар вужудга келиб, мамлакатнинг ягоналигига путур етади. Оқибатда мамлакат ҳудуди парчаланиб, катта-кичик бўлакларга бўлинниб кетади ва сиёсий тарқоқлик ҳукм суради.

Сиёсий тарқоқлик даврида Франсияда қарама-қарши синфлар феодаллар ва уларга қарам дехқонлар бўлиб қолган.

Феодаллар ўзлари егаллаган ерлар - сенорийларнинг ҳажмига қараб турли табақаларга ажралган. Катта сенорий егалари: герсоглар, графлар, йирик монастирларнинг аббатлари, епископлар дастлаб ўзларини қирол билан тенг перлар деб юритганлар. Уларнинг вассаллари: баронлар, виконтлар, витсеграфлар иккинчи гуруҳ ер егалари ҳисобланган. Учинчи гуруҳдаги ер егаларини ритсарлар ташкил етганди. Ана шу учта тоифа феодаллар ўртасида **сюзерент-тет-вассалитет муносабатлари** мавжуд еди. Буни олий ҳукмронлик-қарамлик муносабатлари деса бўлади. Бундай муносабатлар фақат Франсияда ўзи-нинг тўлиқ шаклига ега бўлди. Сузерент-вассалитет муносабатлари мах-сус шартнома асосида расмийлаштириларди. Бунда вассал сенорга содиқлик ҳақида қасам ичиб, унинг олдида тиз чўқади. Бу **оммаж** деб аталарди. Сенор еса вассалга ер (феод) бериб, шу билан бирга рамзий таёқча ёки ўз қўлқопини ёки найзасини ҳам узатарди. Бу **инвеститура** деб аталарди.

Вассаллик шартномалари томонларнинг мажбуриятларини аниқ ўрнатиб қўйганди. Сенор вассалга феодни бериш билан бирга вассални ва унга берилган ерни ҳимоя қилиши лозим еди. Вассал еса аввало сенорга ҳарбий хизмат ўтаб бериш мажбуриятига ега еди. ХІ асрдан бундай хизмат муддати бир йилда 40 кун қилиб белгиланади. Вассал, шунингдек, феодал-ларнинг суд ва бошқа йиғинларида сенорнинг раислигига иштирок этиши лозим еди. Вассал

юқоридагилардан ташқари, сенорни асирикдан сотиб олиш, сенорнинг салб юришларини молиявий таъминлаш, сенорнинг катта ўғлига ритсарлик унвони берилаётганда, катта қизи ерга тегаётганда совға-саломлар билан келиш кабиларга ҳам мажбур еди.

Вассаллик шартномалари дастлаб томонларнинг ҳаётлиги даврида ту-зиладиган шартномалар ҳисобланиб, персонал характерга ега еди. Кейин еса у билан боғлиқ мажбуриятлар мерос тариқасида ўтадиган бўлди. XI асрга келиб феод, яъни наслий уруғчилик поместеси асосий феодал мулкчилик шакли сифатида ўрнатилди.

Агар вассал сенорга содиқлик тўғрисидаги қасамини бузса ва ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, феодни қайтариши лозим еди. Лекин сенорлар ва вассаллар ўртасидаги низоларни ҳал етишнинг юридик механизми жуда самарасиз бўлди. Йирик феодаллар мустақил ҳарбий куч-ларга ега бўлиб, сенорларга итоат етмай, сенор суди қарорларига бўй-сунишни истамай қўйганди. Бу феодаллар ўртасидаги қўп сонли тартиб-сизликлар ва урушларни келтириб чиқаради. XII асрга келиб вассалларнинг баъзи ҳуқуqlари кенгайтирилиб, уларнинг хизмат муддатлари қисқартирилади.

XI асрда жамиятнинг феодаллашиб жараёни кучайиб, вассалларнинг вассаллари пайдо бўлади. Юқорида айтилганидек, енг қуий звенодаги вас-саллар - **ритсарлар** (майда феодаллар) еди. Асосий феодаллар оммаси қиролга бўйсунмай, ўз сенорлари - герсоглар ва графларга бўйсунарди. "Васса-лимнинг вассали менинг вассалим емас" деган тамойил мавжуд еди.

XII аср ўрталарида шаҳарлар ўсиб, қиролнинг аҳамияти кучаяди. Қироллар мамлакатда барча феодаллардан содиқлик ҳақида қасам олишга ва вассал қарамликдаги егаликларини тан олдиришга еришадилар. Бу жараён вассалларнинг вассаллари (арер-вассаллар)нинг бевосита қирол вассалларига айланишига олиб келади ва бу **иммедиатизация** деган ном олади.

XII асрда феодал егаликларга бўлиниш жараёни амалда тугайди. Феодал поместелар тамоман уруғчилик характерига ега бўлади. Феодаллар синfiga янги шахсларнинг кириб келиши чекланиб, фақат қирол бўйсун-маган феодаллар билан урушлар натижасида кўлга киритилган ер участка-ларини тақсимлаб туради.

Феодал титуллар ва унвонлар мерос тариқасида ўтади. Шу тариқа, XIII асрдан дворянлик табақаси ўзгалар учун ёпилади.

Феодалларга қарам кишилар сервлар ва вилланларга бўлинган.

Сервларнинг хуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилмаганди. Уларни ер билан бирга ва ерсиз сотиш мумкин еди. Улар бирор нарсаларини сотмоқчи бўлса, албатта бунинг учун ўз хўжайинларининг розилигини олишлари лозим еди. Сервлар қуллардан ҳамда мажбур бўлиб серв ҳолатига тушган озод кишилардан келиб чиқсан қарам дехқонлар еди. Сервга еғалик ерга еғалик билан бир хилда кўрилган. Сервлар **жон соғлиги - шеваж**, ҳар йиллик оброк тўлаш, баршчина ишларини бажариш, яъни ҳафтада уч кун ишлаб бериш мажбуриятларига ега едилар. Серв хўжайиннинг розилигисиз турмуш қуриш, дин хизматига ўтиш, судда гувоҳликка ўтиш ёки суд тўқнашувларида иштирок етиш хуқуқига ега емасди. Чунки унинг ҳаёти хўжайинга - сенорга тегишли бўлиб, уни хавф-хатарга солишга йўл қўйилмасди.

Бироқ сервнинг шахсий қарамлиги уни крепостной кишиларга айлантирилмаганди. Сервларнинг мажбуриятлари, одатда, феодал хуқуқий одатлар билан тартибга солинган. Серв ўз ерини сотиши ва сенордан кетиши мумкин еди. Франсияда қочоқ дехқонларни умумдавлат миқёсида қидириб топиш ва егасига қайтариш мавжуд емасди.

Вилланлар феодалга тегишли ерларни еркин ушлаб турувчилар ҳисобланганлар. Вилланлар сенорга **оброк - тал** тўлаганлар. Бу ҳам одат ҳуқуқи билан белгиланарди. Лекин бу сервларга қараганда енгилроқ еди. XII асрга қадар вилланлар сенорга ҳурмат тариқасида шеваж ҳам тўлаб туришган. Бу шахсий қарамлик сифатида емасди. Виллан ҳам барча қишлоқ аҳолиси каби сенордан уйланиш учун рухсат олиши лозим еди.

Вилланлар пул билан ижара ҳақига ўхшаш ер рентаси - **чинш** ҳамда барча ҳосилдан бир қисмини тўлаб турганлар. "Сервнинг мажбурияти унинг шахсида, вилланники еса унинг ерида ётади" деган ибора мавжуд еди.

Дехқонлар бажарадиган барча мажбуриятларига яна сенорнинг **муҳофазаланган хуқуқи** ёки **баналитетлар** ҳам қўшилган. Бунга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: дехқонлар фақат сенорнинг печкасида нон ёпишлари, тузни фақат сенордан сотиб олишлари лозим еди ва ҳоказо. Дехқонлар булардан фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмини бериш билан қутула олишган. Юқоридагилар билан бир қаторда сенор ўз ихтиёридаги янги турмуш қурган ер-хотин дехқонларига нисбатан "биринчи кечака хуқуқи"дан ҳам фойдаланган.

ХI-ХII асрларда шаҳарлар тез ўсиб, **шаҳар аҳолиси** алоҳида ҳуқуқий ҳолатга ега бўла борди. ХII асрдан шаҳарларнинг алоҳида феодаллардан мустақиллиги учун, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураши бошланиб кетади. Натижада қироллар қўмагида шаҳарлар махсус еркинлик хартияларини қўлга киритадилар.

Шаҳарликларнинг ҳуқуқий ҳолати универсал сифатида майдонга чиқ-май, балки муайян шаҳар ассотсиатсияси билан боғлиқ еди. Шу сабабли дворянлар, руҳонийлар, сервлар бундай ҳуқуқий ҳолатни амалда ололмасди-лар. Бироқ серв шаҳарда доимий яшаб қолиш орқали шахсий еркинлик олади. Агар, ҳатто, шаҳар бевосита қиролнинг ёки алоҳида феодалнинг юрисдикси-яси остида қолса ҳам шаҳарликларнинг сенорга нисбатан мажбуриятлари чекланган ва қатъий ўрнатиб қўйилган еди. Мажбурий ишлар ва баналитетлар бекор қилиниб, суд пошлиналари, жарималари ва бошқаларнинг аниқ миқдорлари ўрнатилади. Лекин шаҳарлар аҳолиси феодал тизим билан бир бутун ҳолга келти-рилган еди. Шаҳар ҳаёти анча барвақт табақа-корпоратив характер касб етиб, сехлар ва гилдиялар ташкил этишга кўмаклаша бошлайди.

IX-XIII асрларда Франсиянинг давлат тузуми

Davlat tuzumi сенорлик монархиясининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ еди.

IX-XII асрларда мамлакатдаги чуқур сиёсий тарқоқлик натижасида қирол ҳокимияти ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотади. Қирол феодаллар томонидан "тengлар орасида биринчи" (примус интер парес) сифатида кўрилади. У ернинг ўзидаям қирол бўйсунмаган вассаллар билан доимо қаттиқ курашлар олиб боришига тўғри келарди. Қироллик доменларидан бошқа жой-ларда ҳокимият йирик феодалларга (Бургундия ва Нормандия герсоглари-га, Фландрия, Тулуз, Шампан ва бошқа ерларнинг графларига) тегишли еди. Сузеренитет-вассалитет муносабатларига асосланган бундай феодал давлати шаклини **сенорлик монархияси** дейиш мумкин. Унда сиёсий ҳокимият қирол ва турли даражадаги феодаллар ўртасида тақсимланган. Улар бир-бирига сузеренитет-вассалитет муносабатлари билан боғлиқ еди.

IX-XII асрларда сенорлик монархиясининг ташкил топиши марказий ҳокимиятнинг заифлашишини, мамлакат ички бирлигининг бузилишини, ташқи сиёсий аҳволининг кучлизланишини англатарди. Франсияда ўрта асрлар жамияти ривожланишининг мазкур босқичида

сенорлик монархияси ўзида мавжуд ижтимоий-сиёсий реалликни анча аник ифода етган еди. Иқтисодий ва сиёсий марказлаштирилмаган шароитларда феодаллар қирол ҳокимиятига қараганда анча самарали тарзда давлат функцияларини амалга оширадилар.

Сенорлик монархиясига фақат сиёсий инқирознинг намоён бўлиши сифатида қарап керак емас. У бевосита натурал хўжалик ва ерга феодал мулкчилик билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқкан. Сиёсий тарқоқлик Франсия жамиятининг олға ҳаракатини асло тўхтатиб қўя олмасди. XII-XIII асрларда феодализм ривожланиб, унинг заминида янги иқтисодий муносабатлар туғилади. Шаҳарлар ўсиб, товар-пул хўжалиги тараққий ета бошлайди. Сиёсий тарқоқлик аста-секин тўхтаб, қирол ҳокимияти кучая боради. Айниқса, XIII асрда қирол Лудовик IX ислоҳотлари натижасида қирол ҳокимияти анча кучайиб, қирол Франсиядаги барча феодалларнинг сузеренига айланади.

IX-X асрларда қирол ҳокимияти кучсиз еди. Қирол дунёвий ва руҳоний феодалларнинг юқори қисми томонидан сулола тамойилига риоя қилинган ҳолда сайланарди. 987 йилда Франсия тахтига Гуго Капетнинг сайланиши билан янги сулола - Капетинглар сулоласига асос солиниб, Каролинглар сулоласи тугатилади. Даствабки Капетинглар даврида қиролни сайлаш тартиби сақланиб қолган, лекин XII асрдан тахт мерос тариқасида ўтарди.

Дастлаб қиролнинг функцияси ниҳоятда чегараланганди. Унда фақат баъзи анъанавий имтиёзлар сақланиб қолган еди. У франсуз қўшинларига бошчилик қилиб, қонунлар чиқарган, суд ҳокимиятини амалга оширган. Лекин биринчи Капетинглар даврида қиролнинг қонунлар (капитулярийлар) чиқариши амалда тугатилади. Қиролнинг бошқа ваколатлари ҳам фақат наза-рий жиҳатдан сақланиб қолган, ҳақиқатда қирол бу ваколатларни амалга ошира олмасди. Қиролга "қиролликни ва черковни ҳимоя қилиш", шунингдек, мамлакатда "тинчликни сақлаш" мажбурияти юкланган. Лекин у буларни амалга ошириш учун реал ҳокимиятга емас, фақат ўз домени доирасида суд ҳокимиятига ега еди.

XII асрдан қиролнинг мавқеи аста-секин яхшиланиб, баъзи функциялари анча фаолроқ амалга оширила бошланади. Масалан, қирол томонидан қонун ҳужжатлари - низомлар (етаблиссмент) чиқариш амалиёти тикланади. Бироқ бунда йирик феодаллар (Катта кенгаш) розилиги талаб қилинарди. XII асрда қирол ҳужжатлари

қасамёд қилган барча феодаллар учун мажбурий бўлиб қолади. Қирол юрисдиксиясининг доираси ҳам кенгаяди.

Markaziy boshqaruvning tashkil etilishi

аник ўрнатилмаган еди. Сарой-вотчина тизими вассаллик муносабатларига асосланган бошқарув билан қўшилиб кетганди.

Королинглар давридан қирол саройи сақланиб қолганди. У феодаллар ва сарой хизматчилари (министрлар)дан иборат еди. XII асрнинг охиригача қирол маъмуриятида **сенешал** асосий рол ўйнаган. У қирол саройининг бошлиғи ҳисобланиб, армияга қўмондонлик қилар, давлат ҳужжатларини имзоларди. Сенешал мансаби Франсиядаги енг таниқли оиласардан бирининг қўлида еди. Вақт ўтиши билан бу мансаб шунчалик кучаядики, ҳатто Филип II Август (1191 йилда) уни алмаштиридиган қилади. Кейинчалик бу мансаб тугатилиб, ҳарбий ишларда сенешалдан кейин **коннетабл** - қирол отлиқ аскар-ларининг бошлиғи турган. Унинг ёрдамчиси **маршал**, XII асрдан бошлаб **қироллик адмирали** ҳисобланган. Қирол **хазиначиси** давлат архиви ва хази-нага бошчилик қилган. Унга **камергер** ёрдам берган. Хазиначининг функцияси XII асрда қисқартирилган еди.

Қироллик девонхонасига **канслер** раҳбарлик қилиб, у қирол ҳужжатларини таҳрирдан ўтказиб, қиролга имзо учун тақдим етган, уларга муҳр қўйган. Канслернинг давлат ишларига таъсири жуда катта еди. Шу сабабли XII асрда қирол ҳокимиятининг кучайиши билан бу мансаб узоқ вақтгача (Людвик IX давридан то 1315 йилгача) алмаштирилмаганди.

Министрлар дастлаб қироллик доменидаги дунёвий феодаллар ва рухо-нийлардан чиққан. XII асрда марказий бошқарув органларига шаҳарлар-нинг вакиллари, майда ва ўрта феодаллар (қиролнинг ритсалари), шунингдек, юристлар (легистлар) тез-тез жалб етилган.

Феодал муносабатларнинг ривожланиши қирол вассаллари йиғини - **қирол қурияси** (сурин регис)да ўз ифодасини топади. Бу орган Королинглар даврида вужудга келганди. Илк Капетинглар даврида Курия деярли аҳамиятга ега бўлмади, чунки перлар ва бошқа қудратли вассаллар унинг мажлисларига келишмайди. Дастлаб унда фақат қиролнинг вассаллари иштирок етишади. Курияда сиёсий,

Марказий бошқарув органлари мамлакат-нинг сиёсий тарқоқлиги ва қирол ҳокимиятининг кучизлиги шароитларида таркибий жиҳатдан расмий-лаштирилмаган ва

аник ўрнатилмаган еди. Сарой-вотчина тизими вассаллик муносабатларига асосланган бошқарув билан қўшилиб кетганди.

молиявий, суд характерига ега бўлган масалалар муҳокама қилинган. Қироллар Куриядан уруш ва тинчлик, салб юришлари, рим папаси билан муносабатлар тўғрисидаги ва бошқа масалаларни ҳал етишда маслаҳатлар сўраганлар. Курия тасдиғига қиролнинг ҳужжатлари қўйилган. XII асрдан мураккаб хуқуқий масалаларни ҳал етиш учун Курия мажлислариға кўпинча легистлар таклиф қилина бошлаган.

Mahalliy boshqaruв

Бу ҳам мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан тарқоқ-лигига монанд ташкил етилган еди. Қироллик бошқа-рувининг маҳаллий органлари

фақат қирол доменларида ташкил етилган. Йирик сенорликларда ўзларининг маҳаллий бошқарув тизими мавжуд еди. Қирол чиновниклари жойларда жуда хилма-хил функсияларни амалга оширишган. Уларнинг қўлида маъмурий, ҳарбий, суд, молиявий функсиялар тўпланган еди. Маҳаллий давлат бошқарувининг ҳаракат доираси қироллик доменларининг кўпайиши ва йирик феодал егаликларнинг қўшилиши даражасига қараб кенгайиб борганди.

XII асрнинг ўрталаридан қирол ўз доменида **прево** мансабини жорий етади. Преволар махсус округлар - превотликларга тайинланиб, ушбу округ-ларнинг бошликлари, қишлоқларда уларнинг ёрдамчилари - **сержантлар**, ша-ҳарларда - **маёрлар** еди. Прево асосан қирол хазинасиға соликлар йиғиш, феодал қўшинларини тузиш, бошқарув масалаларини ҳал етиш ва суд ишларини кўриш билан шуғулланарди (XII асрнинг охиридан йирик ишлар прево юрисдиксиясидан олинган еди).

Филип II Август ҳукмронлиги даврида (1180-1223 йиллар) қирол доменига кўп миқдорда ерлар қўшиб олиниши муносабати билан муҳим маъмурий ислоҳот ўтказилди. Қиролликка қарашли барча мулклар **баляж** деб аталувчи тенг маъмурий округларга бўлиниб, уларга қироллик губернаторлари - **балялар** бошлиқ қилиб қўйилди. Баляжлар анча йирик худудий бирликлар бўлиб, уларнинг сони қироллик доменларининг ўсишига қараб кўпаярди. Балялар ўз функсиялари жиҳатидан Буюк Карлнинг графларини еслатардилар. Баля прево устидан назорат қилган, қирол қонунлари ва буйруқлари бажарили-шини текширган ва ҳоказо. Балялар қарамоғида суд, соликлар йиғиш, лашкарлар чақириш ишлари бўларди. Балялар вақти-вақти билан қиролга ёзма ҳисобот бериб туришлари лозим еди. Балялар одатда қисқа муддатга ва саройга яқин турган кишилардан тайинланиб, улар маҳаллий провинсиал задагонларга қавм-қариндош бўлмаслиги ёки бирор масалада улар билан яқин муносабат

боғламаслиги шарт еди. Филип II даврида жами бўлиб 20 та баляж ташкил қилинганди. Жанубда, Лангедокда¹², асосан чегара раёнларида, балялар ўрнига **сенешаллар** тайинланарди. Сенешалларнинг балялар-дан фарқи, сенешаллар маҳаллий дворянлар орасидан чиқсан амалдорлар еканлигига еди. Қирол ҳокимиятининг жанубдаги таъсири, табий, шимол, Farb ва хусусан қироллик марказидагига қараганда заифроқ еди.

Балялар ва сенешаллар XIII асрда қирол номидан "одил судлов"ни амалга ошириб, муҳим жиноят ишларини кўрардилар, прево судлари устидан апеллатсия ҳисобланардилар.

Прево, баля ва сенешаллар соликлар, пошлиналар, жарималар йиғилишини назорат қилишар ва уларни қирол хазинасига ўз вақтида келиб тушишини кузатиб туришарди. Шу тариқа улар қирол ҳокимиятининг молиявий базасини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнаганлар.

Хазинанинг муҳим даромад манбалари қироллик танга-чақаларини чиқариш, қироллик соликларини (қироллик таляларини) йиғиш, савдо пошлиналари ва суд жарималари ундиришдан иборат еди. Қирол фавқулодда ҳолатларни баҳона қилиб кўпинча сенешаллар ва балялар орқали деҳқонлар, руҳонийлар ва нотабллар (задоганлар)дан маҳсус пул бадаллари ёки хайр-садақалар талаб қилиб турган.

Sud Франсияда "тенглар суди" мавжуд бўлиб, бунга кўра, ҳар бир озод киши "ўзига тенг киши" томонидан суд қилиниши лозим еди. Масалан, қиролнинг вассаллари ўзларига тенг вассаллар томонидан суд қилиниши мумкин бўлган. Бундан факат сервлар мустасно еди, холос. Улар ўз сенорлари томонидан суд қилинганлар. Суд ҳокимияти маъмуриятдан ажратилмаганди.

XIII аср охирига келиб феодал сиёсий тарқоқликка қарши шаҳар аҳолисининг ўзини ўзи бошқариш органлари - коммунал жамоалар тузиш учун кураши вужудга келади. Чунки савдо ва саноатнинг ривожланишига феодал сиёсий тарқоқлик тўсқинлик қиласди. Бу қирол билан шаҳарлар ўртасидаги иттифоқни вужудга келтириб, қирол ҳокимиятининг кучайишига олиб келганди.

XIII асрнинг бошларида қироллик наслдан-наслга мерос тариқасида ўта бошлайди. Қирол ҳокимиятини кучайтиришда ва

¹² Langedok – tor ma'noda Tuluza grafligiga qarashli yer-mulklar demakdir; keng ma'noda Fransiyaning butun janubini o'z ichiga olib, bunda yashovchilar shimoliy parijliklar lajhasidan farq qilib, alohida janubiy provansal lajhasida so`zlashardi.

марказий бошқарувни мустаҳкамлашда қирол **Лудовик IX Авлиё (1226-1270 йилар)** томонидан ўтказилган ислоҳотлар катта рол ўйнаган. Ислоҳотлар ичида ҳарбий ислоҳот муҳим ўрин тутади. Бунга кўра, шаҳар милитсияси ҳамда ёлланма қўшин тузилган. Натижада қирол феодалларнинг қўшинига унча боғлиқ бўлмай қолди ва бўйсунмаган феодалларга қарши қуролли кучлар қўллай оладиган бўлди.

Лудовик IX томонидан ўтказилган **маъмурий - суд ва молия ислоҳотлари** ҳам жуда катта аҳамиятга ега еди. Лудовик IX даврида Франсияни идора етuvчи марказий бошқарма ташкил топади. Қироллик кенгаши ёки қироллик курияси ХII асрда феодаллар съездидан марказий бюрократик муассасага айланиб, сўнг у бир қанча бошқармаларга бўлинib кетади. Кичик қироллик кенгаши ёки "тор доирадаги кенгаш" ажралиб чиқиб, қирол ва унинг енг яқин амалдорларининг - канслер, коннетабел ва марказлаштириш сиёсатига тортилган, қиролга яқин турган оз сонли феодалларнинг доимиий иш кўрувчи кенгашига айланади. Суд ишларини юргизувчи қироллик куриясининг бошқа қисми алоҳида муассасага айланади. Бу сўнгги муассаса **Парламент** (айнан "суд маҳмадоналари" кенгаши) деган маҳсус ном олади. Ниҳоят, солиқлар йиғиш ва уларни харажат қилиш ҳамда бошқа қироллик даромадлари устидан қарайдиган алоҳида хисоблаш палатаси куриядан ажралиб чиқади.

Қирол амалдорларининг, айниқса, суд бошқармасидаги амалдорларнинг катта бир қисми, университетларда "Рим ҳукуки"дан таълим олган шахслар бўлиб, улар кўпинча пастки табақадан чиқсан, лекин баланд мартабага еришганликлари учун буткул қиролга хизмат қилишга тайёр турган ва унга содик кишилар еди. Одатда, уларни **легистлар** (лотинча Лех-“қонун” сўзидан келиб чиқсан) деб атардилар. Легистлар асосан шаҳарликлар орасидан чиқар еди. Қирол ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқи ана шу вақтда яна бир марта исботланди.

Қирол жанжалли масалалар вужудга келган пайтда уларни ҳал етиш учун фақат қироллик судига мурожаат етишга феодалларни мажбур қилиб, ўз доменида яккана-якка олишувларни ман етади. Жанжал чиқсан кун билан уруш бошланиши ўртасида 40 кунлик муҳлат белгиланиб, шу орада кучсиз томон қиролни бу жанжалга аралаштира олсин деган муддаода хусусий уруш қилиш ҳукуки анча чеклаб қўйилди. Лудовик IX нинг суд ислоҳоти ҳам муҳим аҳамиятга ега еди. Қироллик суди бутун қироллик учун олий шикоят

суди деб еълон қилинди, унга, ҳатто, қироллик доменига қўшиб олинмаган ҳудудларнинг фуқароси ҳам шикоят билан мурожаат қила оларди. Баъзи суд ишлари (ўт қўйиш, сохта танга-чақа чиқариш, хотин-қизларни ўғирлаш ва ҳоказолар) албатта қирол судида кўрилиши керак еди.

Шундай қилиб, суд ислоҳоти натижасида, биринчидан, қирол хазинаси га суд жарималари, пошлиналари сифатида тушадиган йиғимларнинг миқдори ошди; иккинчидан, суд органларида касбий судялар (легистлар)нинг ишлаши кенгайди.

Qirollik moliyasi Лудовик IX танга-чақа зарб етишда феодаллар билан рақобат қилди. У бошқа герсог ва графларнинг танга-чақа пул чиқариш ва уни амалда юргизишини бекор қилмаса ҳам қироллик танга-чақа пулининг шу герсог ва графлар-нинг мулкларида ўзлариники билан баб-баравар юргизилишига монелик қил-маслика ўз вассалларини мажбур етди. Натижада енг салмоқли қироллик танга-чақа пули одатда феодалларнинг ёмон сифатли пулларини сиқиб чиқаарди. ХІІІ аср ўрталарида қирол бюджети жуда ўсди. Савдо-сотикдан, саноат ва қироллик ер-мулкларидан (савдо-сотик иқтисодий жиҳатидан ривожланган раён-лардаги) келадиган даромадларнинг тобора кўпайиб боришидан ташқари, Лудовик IX хазинани бойитиш мақсадида феодалларнинг танҳо ерларидан усталик билан фойдаланди. Лудовик IX замонида йирик феодаллардан ундириладиган вассаллик тўлови юқори даражада ошди. Қирол ўз вассалларидан кўп даромад олгани сингари шаҳар-коммуналардан ҳам ўшанчалик кўп даромад оларди. Франсуз черкови "инъом" сифатида қиролга катта-катта акча тўларди. Лудовик IX даврида бевосита қирол хазинаси га келиб туша-диган салб солиғи давлатнинг доимо олиб турадиган солиғи ролини ўйнади. Умуман Лудовик IX даврида қироллик даромадларининг ўсиши ўша за-монда Франсиянинг хўжалик жиҳатдан юксала борганлигини очиқдан-очиқ кўрсатар еди. Пул хўжалигининг ривожлана бошлиши, шаҳарлар, саноат ва савдо-сотикнинг ўсиши оқибатида мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан марказ-лашуви халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққий қилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, ХІІІ асрда Франсиянинг ижтимоий ва давлат тузумида юз берган ўзгаришлар табақа-вакиллик монархиясининг келиб чиқиши учун замин ҳозирлади.

3. Табақа-вакиллик монархияси (ХИВ - XV асрлар)

XIV-XV asrlarda tabaqalar huquqiy holatidagi o`zgarishlar

нуктаи назаридан ўсди. Бу феодалларнинг анъанавий хўжаликларини, дехқонларни експлуататсия қилиш шаклларининг қайта ташкил этилишига олиб келди. Товар-пул муносабатларининг таъсирида дехқонларнинг хуқуқий ҳолатида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. ХИВ-ХV асрларга келиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан феодаллар дехқонларнинг натурал мажбуриятларини пул-оброк маж-буриятлари билан алмаштира бошладилар. Ривожланган иқтисодий худудларда еса шахсан озод меросий ерлар - **сензивалар егалари** - дехқонлар мавжуд еди. Бундай ер егаси бўлган дехқон - **сензитарий** ўз хўжайинига ер учун ҳар йили мустақил белгилаб қўйилган бадал тўлаб, айрим мажбурият-ларни бажаарди. Сензива аста-секин сервларнинг йўқолишига сабаб бўлиб, дехқонларнинг ердан фойдаланиши асосий шаклига айлана борди. Аммо Франсия дехқонларининг қарамликтан қутулишининг асосий сабаби уларнинг феодалларга қарши кураши (масалан, ХИВ асрдаги Жакерия бошчилигидаги дехқонлар уруши)дир. Сервларнинг кўпчилиги озодликни сотиб олиш йўли би-лан қарамликтан қутулдилар. Юз йиллик уруш вақтида қиролга хиёнат қилган кўп йирик феодалларнинг ерлари мусодара қилинди. Бу ерлар қирол ҳокимијатини фаол қўллаб-қувватлаган майда ва ўрта дворянларга тақсимланди.

ХИВ-ХV асрларда Франсияда табақа тузумининг қайта ташкил этилиши ниҳоясига етиб, натижада Франсия ахолиси руҳонийлар, дворянлар ва барча озод кишилар (шахарликлар)дан иборат учта табақага бўлинади.

Франсияда **руҳонийлар биринчи табақа** ҳисобланарди. Қирол ҳокими-яти ХИВ асрда папалик билан курашда жуда муҳим Галабани қўлга киритди. Натижада мамлакатдаги барча диндорлар ягона табақага бирлаштирилиб, франсуз диндорлари бундан буён қироллик қонунлари асосида яшашлари ло-зимлиги тан олинди ва франсуз миллатининг таркибий қисми сифатида кўрилади-ган бўлди. Черковнинг мамлакатни сиёсий бирлаштирилишига ва олий қирол ҳокимијатининг тан олинишига ҳалакит қиласиган баъзи

имкониятлари чек-ланиб, черков юрисдиксиясига тушадиган шахслар доираси қисқартирилади.

Бирок руҳонийларнинг ягона ҳуқуқий мақоми ўрнатилиши билан унинг муҳим табақа имтиёзлари сақланиб қолди. Руҳонийлар илгаригидек десятина (ер участкаси), турли хайр-еҳсонлар олиш ҳуқуқига ега бўлиб, солиқ ва суд иммунитетини сақлаб қолдилар. Улар ҳар қандай давлат хизмат-лари ва мажбуриятларидан озод қилиндилар. Лекин, албатта, алоҳида руҳонийлар қирол томонидан муҳим сиёсий масалаларни ҳал етишга жалб етилиб, қирол-нинг яқин маслаҳатчилари сифатида чиқардилар ва давлатда юқори мавқени егаллардилар.

Давлатда **иккинчи табақа дворянлар** еди. Гарчанд, дворянлар ХИВ-ХV асрларда Франсиянинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнасалар ҳам, иккинчи табақа ҳисобланган. Бу табақа барча дунёвий феодалларни бирлаштириб, унга қиролнинг вассаллари дебгина емас, унинг хизматчилари деб ҳам қараларди. Дворянлик руҳонийликдан фарқ қилиб, берқ (ёпиқ) ва меросий ҳисобланарди. Дастлаб дворянлик табақасига кириш шаҳарликларнинг юқори қисми ва бойиб кетган дехқонлар учун очиқ еди. Лекин кейинчалик ески дворянлар паст табақаларнинг поместе сотиб олишлари уларнинг дворянларга айлантирмаслигига, буларга дворянлик унвони берилмаслигига еришдилар.

Дворянликнинг енг муҳим имтиёзи уларнинг ерга нисбатан қатъий егалик ҳуқуқи еди. Улар ўз ерларини барча ҳаракатсиз мулклари билан мерос қилиб қолдиришлари мумкин еди. Дворянлар дворянлик даражасидаги унвонлар, тамғалар ва бошқа белгиларга егалик ҳуқуқларидан фойдалан-ганлар. Улар давлат соликлари тўлашдан озод едилар. Уларнинг ягона мажбурияти илгаригидек хусусий сенорга емас, қиролга ҳарбий хизмат ўташ ҳисобланган.

Дворянлик ҳанузгача бир хил емас еди. Унвонли зодагонлар - герсоглар, маркизлар, графлар, виконтлар ва бошқалар армияда ва давлат аппаратида юқори лавозимларга даъвогарлик қиласдилар. Дворянларнинг асосий оммаси, айниқса, қуий қисми бундай юқори мартабаларга унчалик ҳаракат қиласди. Майда ва ўрта дворянлар анча қуий лавозимларни олишлари мумкин еди. Енг қуида турган дворянлар дехқонларни эксплу-ататсия қилиш ва бунинг евазига кун кўриш билан кифояланган. Майда ва ўрта дворянлар қирол ҳокимиятининг асосий таянчи еди. Зоро, ўз навба-тида дехқонларни тутқинликда ушлаб туриш ва уларнинг қаршиликларини бости-ришда

қирол ҳокимияти майда ва ўрта дворянларнинг енг ишончли қуроли еди. Шу боис майда ва ўрта дворянлар қирол ҳокимиятини фаол равища қўллаб-қувватларди.

ХИВ-ХV асрларда учинчи табақанинг шаклланиши асосан ниҳоясига етди. Бу табақа шаҳар аҳолисининг жуда тез ўсиши ва сензитарий дехқонлар сонининг кўпайиши ҳисобига тўлдирилган. Учинчи табақа ўз таркиби бўйича жуда зич еди ва амалда бутун меҳнаткашлар оммаси ҳамда шакл-ланаетган буржуазиясини ўзида бирлаштириб турди. Бу табақа аъзоларига "пасткаш, ярамас кишилар" сифатида қаралган. Улар қандайдир маҳсус шахсий ёки мулкий ҳуқуқларга ега бўлмай, қирол маъмурияти ва, ҳатто алоҳида феодаллар томонидан қилинадиган ўзбошимчаликлардан ҳимоя қилинмаганлар. Учинчи табақа Франсияда ягона солиқ тўловчи табақа еди. Унинг зиммасига давлат солиқларининг барча оғирликлари юкланганди.

Учинчи табақа ташкил етилишининг ўзи феодал-корпоратив характерга ега еди. У аввало шаҳар ассотсиатсиялари йиғиндиси сифатида чиқади. Бу вактда ҳали учинчи табақа аъзолари манфаатларининг тенглиги ва умумий-лиги Ғояси вужудга келмаганди. Учинчи табақа ҳали ўзини ягона умумиллий қуч деб билмасди.

Табақа-vakillik monarxiyasining tashkil topishi

ХИВ асрнинг бошида Франсияда сенорлик монархиясининг ўрнига феодал давлатнинг янги шакли табақа-вакиллик монархияси кела-ди. Табақа-вакиллик монархиясининг ташкил топиши бу ерда мазкур давр учун прогрессив жараён бўлган сиёсий марказлаштириш (ХИВ асрнинг бошига келиб мамлакат ҳудудининг тўрт-дан уч қисми бирлаштирилган еди), қирол ҳокимиятининг ўсиши, алоҳида феодаллар якка ҳокимиятчилигининг тугатилиши билан бөғлиқ еди.

Феодалларнинг сенорлик ҳокимияти мазмунан ўз сиёсий характерини йўқотган. Қироллар сенорларни сиёсий мақсадларда солиқлар йиғиш ҳуқуқ-ларидан маҳрум етган. ХИВ асрда шундай тартиб ўрнатилган едики, бунга кўра, сенорлик ўлпонларини (таляларни) йиғиш учун қирол ҳокимиятининг розилигини олиш зарур еди. XV асрда Карл ВІІ алоҳида йирик феодаллар томо-нидан талялар йиғиши умуман бекор қиласди. Қирол феодалларнинг бевосита янги солиқлар ўрнатишини ҳам тақиқлаган. Натижада бу ҳолат бундай солиқлар йиғишнинг аста-секин йўқолиб кетишига

олиб келади. Лудовик IX феодаллардан монеталар чиқариш хукуқини тортиб олди. XV асрда бутун Франсияда ягона қироллик монетаси (танга-чақаси) муомилада еди.

Қироллар феодалларнинг анъанавий имтиёзларидан - хусусий урушлар олиб бориш хукуқидан ҳам маҳрум етишган. Фақат баъзи йирик феодал-ларгина XV асрда ўз мустақил армияларини сақлаб қолган еди (масалан, Бургундия, Бретен, Арманяк).

Сенорлик қонунлари аста-секин йўқолиб борган, шунингдек, "қироллик ҳолати"ни ташкил етувчи ишлар доираси кенгайиб, сенорлик юрисдиксияси анча чекланади. ХИВ асрда алоҳида феодалларнинг ҳар қандай қарорлари устидан Париж парламентига апеллятсия тартибида шикоят қилиш мумкин-лиги ўрнатилади. Бу билан сенорлик адлиясининг суверенлигини ўрнатувчи тамойил батамом бузиб ташланади.

Мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга ва шахсий ҳокимиятини кучайтиришга ҳаракат қилган франсуз қиролларининг йўлига кўп асрлардан буён битта жиддий сиёсий тўсиқ - рим-католик черкови тўсқинлик қилиб кел-моқда еди. Франсуз таҳти папаликнинг дунёга ҳукмронликни даъво қилиши-га ҳеч қачон рози бўлмаган, лекин зарур сиёсий таянч ҳис етмай, у билан очиқдан-очиқ қарама-қаршиликка бормаган. Бу ҳолат чексиз сақ-ланиб қолиши мумкин емасди. ХII асрнинг охири - ХИВ асрнинг бошига ке-либ анча мустаҳкамланган қирол ҳокимияти борган сари Рим папаси ҳокимиятининг марказий органлари билан сиғиша олмай қолади. Қирол Филип ИВ Чиройли (1285-1314 йиллар) Фландрия билан урушлар олиб бориш учун франсуз руҳонийларидан мунтазам солиқлар тўлаб туришни талаб қилади. Бун-гача улар қиролга солиқ емас, балки ўзига хос "инъом" ёки "ёрдам" тари-қасида пул тўлаб келардилар. Қиролнинг руҳонийлардан мунтазам солиқлар та-лаб қилиши ва шу билан бирга қироллик юрисдиксиясининг руҳонийларга ҳам тарқатилиши католик черкови манфаатларига жиддий путур етказади. Қиролга папа Бонифатий ВII (1294-1303 йиллар) кескин қарши чиқди ва юқорида-гига жавобан 1301 йилда булла чиқариб қиролни черковдан маҳрум етишга пўписа қилиб, папага тўла-тўқис бўйсунишини талаб қилади, шунингдек, руҳонийларнинг қиролга бирон-бир солиқ тўлашини ман етади. Бундан ташқа-ри, папа қиролдан Фландрияга қарши урушни тўхтатишини талаб қилади. Папа-нинг аралашувига жавобан, Филип ИВ 1302 йилда уч тоифа - руҳонийлар, дворянлар ва шаҳарликлар вакилларининг йиғинини

чақириб, уларга қирол билан папа ўртасидаги жанжални муҳокама қилишни таклиф етади. Генерал штатлар (ялпи, бош тоифалар дегани) папанинг Франсия ички ишларига аралашиш ҳақидаги даъвосини қоралаб чиқади. Жамоатчилик кўмагига таянган Филип ИВ папаликка қарши зўравонлик тадбирларини қўллашга ўтади. Папанинг Франсияга юборган легати (вакили) қирол буйруғига мувофиқ қамоққа олинади. Қирол Италияга ўз елчиси Ногарени юборади, у папага қарши Рим феодалларини қўзғайди. Қирол елчиси - Ногаре қуролли ёлланма аскарлар билан Бонифатсий ВИИ нинг қасрига бостириб кириб, папани қаттиқ ҳақорат қиласди. Ҳақиқатда папа бир қанча вақт қамоққа тушиб қолади. Бу воқеалардан кейин, орадан сал ўтмай, таҳқирланишни кўтарол-маган ва кексайиб қолган папа вафот етади. Унинг ўрнига Филипп ИВ томо-нидан таклиф етилган номзод - бордолик (франсуз) архиепископ - Климент В папаликка сайланади. Климент В ўз қароргоҳини Франсияга - дастлаб Лионга, сўнгра Авинон шаҳрига кўчиради. Бу ерда папалар деярли 70 йил давомида (1309-1378 йилларда) истиқомат қилишади.

Шундай қилиб, илгариги вақтларда қироллар ва императорларни осонлик-ча енгиб келган папалар бу сафар миллий елементларга таянган ва миллий сиёsatни ўтказган франсуз қироли билан қурашда тамомила муваф-фақиятсизликка учрайдилар.

Франсуз қиролининг Рим папаси устидан Ғалабаси, феодаллар мустақил ҳуқуқларининг аста-секин йўқотилиши ХІІІ-ХV асрларда қирол ҳокимиятининг обрў-еътибори ва сиёсий нуфузи қатъий ўсиб бориши билан бирга кечган. Бу жараённи юридик асослашда легистлар катта рол ўйнайди. Легистлар паст таба-қадан чиқсан, лекин юқори мартабага еришганликлари учун қиролга хизмат қилишга тайёр турган, "рим ҳуқуқи"дан таълим олган кишилар еди. Улар дунё-вий ҳокимиятни диний ҳокимиятдан устунлигини ҳимоя қилиб, Франсияда қирол ҳокимиятининг илоҳий келиб чиқсанлигини инкор етиб, "Қирол қиролликни ўзидан ва ўз найзасидан бошқа ҳеч кимдан олмаган" деб ҳисоблардилар.

1303 йилда: "Қирол ўз қироллигига император ҳисобланади" деган қоида илгари сурилади. Бу қиролнинг халқаро муносабатларда, шу жумладан, герман-рим императорлари билан бўлган муносабатларда тўла мустақилли-гини англатарди. Франсуз қироли, легистларнинг тасдиқлашича, Рим императори ега бўлган барча имтиёзларга ега еди.

Легистлар Рим ҳуқуқининг маълум тамойилига ҳавола қилиб шуни тасдиқлайдиларки, қиролнинг ўзи олий қонун, демак у ўз хоҳишича қонун-лар яратиши мумкин. Қонунлар қабул қилиш учун қиролга ендиликда вас-салларни чақириш ёки қироллик куриясининг розилигини олиш талаб қилинмай-диган бўлди. Шунингдек, "ҳар қандай одил судлов қиролдан келиб чиқади" деган тезис илгари сурилди. Бунга кўра, қирол ҳар қандай суд ишларини бевосита кўриб ҳал қилиш ёки бунинг учун ўз хизматчисини вакил етиб тайинлаш ҳуқуқини олади.

Табақа-вакиллик монархияси ҳали феодал сенорликларнинг, католик черковнинг, шаҳар корпоратсиялари ва бошқаларнинг автоном ҳуқуқлари батамом тугатилмаган бир пайтда, мамлакат марказлашувининг маълум босқичида ўрнатилган. Қирол ҳокимияти муҳим умуммиллий вазифаларни ҳал етиб ва ўзига қатор янги давлат функцияларини олиб, аста-секин сенорлик монархиясига хос сиёсий структурани синдиради. Лекин бунда у феодаллар олигархиясининг кучли муҳолифиятига дуч келади ва уларнинг қарши-ликларини ўз кучи ва маблағлари билан бартараф ета олмай қолади. Шунинг учун қиролнинг сиёсий куч-қудрати маълум даражада уни қўллаб-куватлаган табақаларнинг мададидан келиб чиқсан.

Айнан ХИВ асрнинг бошига келиб сиёсий келишувчиликка асосланган, шу сабабли ҳам доимо мустаҳкам бўлиб қолмаган иттифоқ - қирол ва турли табақалар, жумладан, учинчи табақалар иттифоқи батамом расмийлашган еди. Бу иттифоқнинг сиёсий ифодаси маҳсус табақа-вакиллик муассасалари - Генерал штатлар ва провинсияларнинг штатлари бўлиб қолади. Бу иттифоқда унинг иштирокчилари ўзига хос алоҳида манфаатлар билан майдонга чиқадилар.

General shtatlar Генерал штатларнинг вужудга келиши Франсияда давлат шаклининг ўзгаришини бошлаб беради. Франсия табақа-вакиллик монархияси шаклида идора етиладиган давлатга айланиб боради.

Қирол Филип ИВ Чиройли томонидан 1302 йилда Генерал штатларнинг¹³ чақирилишини бир қатор аниқ тарихий шартшароитлар тақоза етган еди. Булар: Фландрія билан бўлган муваффақиятсиз уруш, жиддий иқтисодий қийин-чиликлар ва ниҳоят, қирол билан рим папаси ўртасида келиб чиқсан низо еди. Бироқ

¹³ General shtatlar degan nom – “yalpi toifalar” Etats Generaux deb nomlanishi keyinchalik 1484 yildan boshlab qo’llana boshlangan.

умуммиллий табақа-вакиллик муассасасининг таъсис етилиши Франсияда монархия давлати ривожланишининг объектив қонуниятининг намо-ён бўлиши ҳам еди.

Генерал штатларнинг чақирилиш муддати ўрнатилмаган еди. Бу масала-ни шахсан қиролнинг ўзи шароитга қараб ва сиёсий идроки асосида ҳал қиласади. Штатларнинг ҳар бир чақириғи ўзига хос бўлиб, қатъий равишда қиролнинг хохиши бўйича белгиланаради. Олий руҳонийлар (архиепископлар, епископлар, аббатлар), шунингдек, йирик дунёвий феодаллар шахсан қирол томонидан так-лиф етилардилар. Генерал штатларнинг дастлабки чақириқлари дворянлардан сай-ланган вакилларга ега бўлмаган. Кейинчалик майда ва ўрта дворянлардан вакиллар сайлаш амалиёти ўрнатилган. Сайловлар, шунингдек, черковларда, монастирларда ва шаҳарларнинг конвентларида (2-3 депутатлар бўйича) ўтка-зилган. Бироқ шаҳарликлар ва айниқса легистлар баъзан руҳонийлар ва дворян-лар табақаларидан сайланганлар. Генерал штатларнинг тахминан еттидан бир қисмини юристлар ташкил етган. Шаҳарлардан депутатларни патритсий – бюргер-ларнинг юқори қисми тақдим қилган. Шундай қилиб, Генерал штатлар ҳар доим франсуз жамиятининг мулкдор табақалари органи бўлиб қолган еди.

Генерал штатларнинг кўриб чиқишига киритиладиган масалалар ва уларнинг мажлисларининг қачонгача давом етиши ҳам қирол томонидан белгиланган. Қирол турли масалалар: тамплиерлар ордени билан кураш (1308 йилда), Англия билан шартнома тузиш (1359 йилда), диний урушлар (1560, 1576, 1588 йилларда) ва бошқа масалалар бўйича табақалар ёрдамини олиш учун Генерал штатларни чақирган. Қиролнинг, гарчи, қонунлар қабул қилишида Генерал штатлар розилигини олиши расман талаб қилинмаган бўлса ҳам, аммо қирол қатор қонун лойихалари бўйича унинг фикрини сўраган. Бироқ кўпинча Генерал штатларнинг чақирилишига асосий сабаб қиролнинг пулга муҳтожлигига еди. Бундай пайтларда қирол табақаларга му-рожаат қилиб, улардан молиявий ёрдам сўрар ёки фақат бир йил давомида йиғилиши мумкин бўлган навбатдаги солиқни жорий етишини илтимос қиласади. Фақат 1439 йилдагина қирол Карл ВІI томонидан Генерал штатлардан доимий қироллик таляларини олишга розилик олинган еди. Бироқ, агар қандайдир қўшимча солиқлар ундириш ҳақида сўз кетса, албатта, илгаригидек Генерал штатларнинг розилиги талаб қилинган.

Генерал штатлар қиролга илтимосномалар, шикоятлар, протестлар билан мурожаат етганлар. Улар таклифлар киритиш,

қироллик маъмурияти фаолиятини танқид қилиш ҳуқуқига ега едилар. Қиролнинг баъзан Генерал штатлар билан ҳисоблашишига ва уларнинг илтимослари бўйича тегишли ордонанслар чиқа-ришига тўғри келарди.

Генерал штатлар, гарчанд давлатда қирол ҳокимиятининг кучайиши-га ва мустаҳкамланишига объектив ёрдам берган бўлса ҳам, умуман қирол зодагонларининг ишончли органи бўлмаган. Улар қатор ҳолларда қи-ролга қарши турганлар ва унга маъқул қарорлар қабул қилишдан бош торт-ганлар. Табакалар ён беришни истамаган ҳолатларда қироллар узоқ вақтга-ча уларни тўпламаганлар (масалан, 1468 йилдан 1484 йилгача). 1484 йилдан кейин (1560 йилгача) Генерал штатлар умуман йиғилмай қўйган.

Генерал штатларнинг қирол ҳокимияти билан кучли ихтилофи 1357 йилда Париждаги шаҳарликларнинг қўзғолони ва франсуз қироли Иоаннинг инглизлар томонидан асир олиниши вақтида содир бўлган еди. Бунинг оқибатида таркиби 800 кишидан иборат бўлган ва унинг ярмидан кўпини учинчи табақа вакиллари ташкил етган Генерал штатлар "**Буюк март ордонанси**" деб ном олган ислоҳотлар дастурини илгари суради. Қирол ҳокимиятига субсидиялар (пул ундириш ҳуқуқи) тақдим етиш евазига Генерал штатлар кўп олий амалдорларни алмаштиришни, сарой харажатларини қисқартиришни ва Генерал штатларга соликлар тайинлаш ҳуқуқинигина емас, балки уларни йиғиш ва харажат қилиш ҳуқуқи ҳам берилишини, сўнгра бундан кейин мунтазам суратда (йилда уч марта) Генерал штатларни чақириб туришни талаб қиласи. Уруш масалаласида Генерал штатлар уни давом етириш тарафдори бўлиб, фақат штатларнинг розилигини олгандан кейингина душман билан сулҳ шартномаси тузишни талаб етган. Булар юқорида кўрсатилган 1357 йилги "**Буюк март ордонанси**"да қонунлаштирилган. Бу вақтда "бош ислоҳот-чилар" сайланиб, уларга қирол маъмурияти фаолиятини назорат қилиш, алоҳида чиновникларни ишдан бўшатиш ва уларни ўлимга маҳкум етишгача бўлган жазолар билан жазолаш ваколатлари берилган. Бироқ Генерал штат-ларнинг ўзларида доимий молиявий, назоратчилик ва ҳатто қонунчилик ваколатларини мустаҳкамлаб олишга бўлган уринишлари муваффақиятга еришмаган. 1358 йилда Париж ва Жакерия қўзғолонлари бостирилгандан кейин "**Буюк март ордонанси**"да илгари сурилган талаблар қирол ҳокимияти томонидан рад етилган.

Генерал штатларда ҳар бир табақа алоҳида-алоҳида йиғилган ва масалаларни алоҳида равишда муҳокама қилган. Фақат 1468 ва 1484 йилларда уччала табақа ўз мажлислирини биргаликда ўтказган. Овоз бериш одатда баяжлар ва сенешалликлар бўйича ўтказиларди. Депутатлар ҳам шулар бўйича сайланарди. Агар табақалар мавқеида тафовутлар келиб чиқса, овоз бериш алоҳида табақалар бўйича ўтказиларди. Бундай ҳолда ҳар бир табақа бир овозга ега бўлган ва ҳар доим феодаллар умуман учинчи табақа устидан Голиб чиққан. Генерал штатларга сайланган депутатлар императив мандат (буйруқ тарзидаги гувоҳнома) билан таъминланардилар. Муҳокамага киритиладиган масалалар бўйича, жумладан, овоз беришда депутатларнинг мавқеи сайловчиларнинг кўрсатмалари ва йўл-йўриклари билан боғлиқ еди. Мажлислардан қайтгандан сўнг депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисбот беришлари лозим еди.

XII асрнинг охиридан бошлаб Франсиянинг қатор минтақаларида (Провансда, Фландрияда) маҳаллий табақа-вакиллик муассасалари вужудга келган. Улар дастлаб "консилиум" "парламент" ёки соддагина қилиб "уч табақа кишилари" деб аталган. XV аср ўртасидан бошлаб "Бургундия штатлари", "Дофин штатлари" ва бошқа шу каби иборалар ишлатила бошланган. Фақат XVI асрдагина "провинсиал штатлар" деган ном мустаҳкамланган. Агар XIX асрнинг охирига келганда 20 та маҳаллий штатлар бўлган бўлса, XV асрга келиб еса улар амалда ҳар бир провинсиядаги мавжуд еди. Провинсиал штатларга худди Генерал штатларга ўхшаб, дехконлар кириш ҳуқуқига ега бўлмаганлар. Қироллар кўпинча сепаратизм сиёсатини олиб борганлар ва баъзи провинсиал штатларнинг ажралиб чиқишига қарши курашганлар, чунки улар маҳаллий феодалларнинг (Нормандияда, Лангедокда) кучли таъсири остида едилар.

**Markaziy
va mahalliy
boshqaruв**

келмади.

Табақа-вакиллик монархиясининг вужудга келиши ва сиёсий ҳокимиятнинг қирол қўлида аста-секин тўплана бориши бирданига янги давлат бошқарув аппаратининг ташкил етилишига олиб

Бошқарувнинг марказий органлари жиддий қайтадан ташкил етилмади. Бу вактда қирол ўзининг маслаҳатчилари фикрига боғлиқ емас, балки, аксинча, барча маъмурий ва бошқа давлат чиновникларининг ҳокимиятчилик ваколатлари қиролдан келиб чиқади, деган муҳим тамойил ўрнатилганди. Ендиликда сарой увонларига айлантирилган илгариги мансаблардан қиролнинг яқин

ёрдамчиси бўлиб қолган канслер лавозими сақланиб қолганди. **Канслер**, илгаригидек қироллик конселяриясининг бошлиғи бўлиб, енди кўп сони қирол ҳужжатларини тузар, суд мансабларига тайинлар, қироллик қуриясида ва қирол йўқлигига қирол кенгашида раислик қиласди.

Марказлаштириш жараёнининг янада ривожланиши бу вақтда қироллик қурияси базасида ташкил етилган **Катта кенгаш** (1314 йилдан 1497 йилгача)нинг марказий бошқарув тизимида муҳим ўрин тутганлигига ўз ифодасини топган еди. Мазкур кенгашга легистлар, шунингдек, олий дунёвий ва диний зодагонлар (шаҳзодалар, Франсия перлари, архиепис-коплар ва бошқалар) нинг 24 вакили киарди. Кенгаш ҳар ойда бир марта чақирилар, лекин унинг ваколатлари қатъий маслаҳатчилик характерига ега еди. Қирол ҳокимиятининг мустаҳкамланиб бориши билан Кенгашнинг аҳамияти пасайиб борган, қирол кўпроқ тор доирадаги яширин кенгаш чақирадиган бўлган. **Яширин кенгашга** қирол фақат ўзи хоҳлаган кишиларни таклиф етарди.

Марказий қироллик аппаратида легистлардан танлаб олинган ва қиролга содик бўлган, унча таниқли бўлмаган дворянлардан - клерклар, котиблар, нотариус ва ҳоказолардан иборат янги мансаблар ҳам пайдо бўлган. Бу мансаблар ҳар доим ҳам аниқ белгиланган функцияларга ега бўлавермаган.

Прево ва балялар илгари маҳаллий маъмуриятнинг асосий органлари бўлган бўлса, ХИВ асрда улар ўзларининг қатор функцияларини, жумладан ҳарбий функцияларини йўқотган еди. Бу феодаллар томонидан тузиладиган халқ лашкарларининг аҳамияти пасайиши билан боғлиқ бўлганди. Илгари балялар томонидан кўриладиган кўпгина суд ишлари енди улар томонидан тайинланадиган лейтенантларга ўтган. XV асрнинг охиридан бошлаб қироллар баляжлардаги **лейтенантларни** бевосита ўзлари тайинлайдиган бўлганлар, балялар еса оралиқдаги ва кучсиз маъмурий звенога айлантирилган.

Қироллар маҳаллий бошқарувни марказлаштиришга ҳаракат қилиб, янги - **губернаторлар** мансабини жорий етганлар. Баъзи ҳолларда губернаторлар қироллик лейтенанти унвонини қўлга киритиб, соғ ҳарбий функцияларга ега бўлганлар. Бошқа ҳолларда улар баляжларга тайинланиб, баляларни алмаштирганлар ва кенг ваколатлар, жумладан, янги қалъалар қуришни тақиқ-лаш, хусусий урушларга йўл қўймаслик сингари хукуқларга ега бўлиб олганлар.

ХИВ асрда одатда қондош шаҳзодалардан ва таниқли дворянлардан тайинланадиган **генерал-лейтенант** деган номдаги мансабдор шахслар пайдо бўлади. Дастлаб бу мансаб қисқа муддатга ва тор ваколатлар билан таъсис етилган. Жумладан, улар баъзи солиқларни тўлашдан халос едилар, афв етиш ва бошқа ваколатлардан фойдаланардилар.

XV асрда генерал-лейтенантлар сони ошган ва уларнинг фаолият кўрсатиш муддати ўсган. Одатда улар бир неча **баляжларни** ёки XV аср охиридан **провинсия** деб атала бошланган маъмурий округни идора етганлар.

Жойлардаги марказлаштириш **шаҳар хаётига** ҳам тегиб ўтган. Қироллар кўпинча шаҳарларни коммуналар мақомидан маҳрум етар, илга-ри чиқарилган хартияларни ўзгартирас, шаҳарликларнинг ҳуқуқларини чеклар едилар. Қироллик маъмурияти шаҳар маъмуриятига бўладиган сайловларни назорат қилиб, унга ўзига керакли номзодларни танлаб қўярди. Шаҳарлар устидан маъмурий ҳомийлик тизими ўрнатилган еди. Гарчанд, XV асрда баъзи шаҳарларда коммуналар қайта тикланган бўлсада, улар қирол маъмурияти билан бир бутун ҳолга келтирилган еди. Шаҳар аристократияси илгари-гидек чекланган шаклда ўзини-ўзи бошқаришдан фойдаланарди, бироқ шаҳар кенгашларининг барча муҳим мажлислирида, қоида бўйича, қиролнинг чиновниги раислик қиласди.

Moliyaviy boshqaruuning tashkil etilishi

Давлатнинг барқарор молиявий асосининг йўқлиги қирол ҳокимиятининг умумий аҳволига узоқ вақт салбий таъсир етган. Айниқса, юз йиллик уруш вақтида бу жуда билинган еди. Дастлабки вақтларда давлат хазинасини тўлдиришнинг муҳим манбаи доменлардан олинадиган даромадлар ва монеталар зарб қилиш бўлиб турарди. Бунинг устига қироллар ўз молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, тез-тез қадрсиз пуллар чиқарардилар. Бироқ аста-секин хазинани тўлдиришнинг асосий манбаи қироллик солиқларини йиғиш бўлиб қолган. 1369 йилда доимий бож пошлиналарини ва туз солиғини йиғиш қонунлаштирилган, 1439 йилдан бошлаб Генерал штатлар доимий қироллик таляларини йиғишга рухсат бер-ган, қиролнинг молиявий аҳволи анча мустаҳкамланган. Таля миқдори тобора ўсиб борган (масалан, Лудовик XI даврида (1461-1483 йилларда) у уч баравар ўсган).

Бу даврда молиявий бошқарувнинг ихтисослашган органлари вужудга келади. ХИВ аср бошида қиролликнинг молия муассасаси таъсис етилган, сўнгра еса қироллик куриясидан маҳсус **ҳисоб палатаси** ажralиб чиқкан. Ҳисоб палатаси қиролга молия масалалари бўйича маслаҳатлар берган, балялардан келиб тушадиган даромадларни текширган ва ҳоказо. Карл ВІІ даврида Франсия хазинага оид мақсадларда **генералликлар** (женералите)га бўлинган. Уларнинг тепасига қўйилган генераллар қатор маъмурий, аммо ҳаммадан аввал, солиқлар йиғиш функцияларига ега едилар.

Qurolli kuchlarning tashkil qilinishi

Бошқарувнинг умумий қайта қурилиши армияга ҳам тааллуқли еди. Феодаллардан тузиладиган қўнгилли қўшинлар бу вақтда сақланиб қолган. Бироқ ХИВ асрдан қирол барча дворянлардан бевосита ҳарбий хизмат ўташни талаб қила бошлаган. 1314 йилдан йирик сенорлар бу тартибга еътиroz билдирганлар, лекин юз йиллик уруш йилларида бу тартиб батамом ўрнатилган.

Қирол ҳокимиятининг асосий мақсади - марказлашган давлат сиёса-тининг ишончли қуроли ҳисобланган мустақил қуролли кучларни ташкил етиш-га аста-секин еришиб борилган. Қирол ҳокимияти молиявий асосининг мус-таҳкамланиши унга зарба берувчи отрядлар сифатида тузилган ёлланма кучлар (немислардан, шотландлардан ва бошқалардан иборат) ташкил етиш имконини берган. 1445 йилда Карл ВІІ доимий солиқ йиғиш имкониятини қўлга киритиб, қиролликнинг марказий бошқарувга ва аниқ тизимга ега бўл-ган доимий армиясини тузган. Шунингдек, бутун қироллик худуди бўйича доимий гарнизонлар жойлаштирилган. Улар феодалларнинг исёнларига йўл қўймасликка қаратилган.

Sud tizimi

Қирол маъмурияти черков юрисдиксиясини чек-лаб ва сенорлик юрисдиксиясини анча сиқиб қўйиб, суд ишларини бир хиллаштириш сиёсатини ўтказган. Суд тизими ҳалиям жуда чалкаш бўлиб, суд маъмуриятдан ажратилмаганди.

Майдо суд ишларини прево ҳал қиласди, жиддий жиноятлар ҳақидаги (қи-роллик ҳолатидаги деб номланувчи) ишлар баля судида, XV асрдан бошлаб еса лейтенант раислигидаги судда кўриб ҳал етиларди. Баля судида маҳаллий дворянлар, қироллик прокурори иштирок етарди. Модомики, прево, баля, ке-йинчалик еса лейтенантлар қиролнинг хоҳиши бўйича тайинланган ва бў-шатилган екан, бутун суд фаолияти тўлиқ қирол ва унинг маъмурияти томо-

нидан назорат остига олинган еди. Париж парламентининг роли ўсган, унинг аъзолари илгариgidек бир йилга емас, балки 1467 йилдан бошлаб умрбод муддатга тайинланарди. Парламент феодал зодагонларнинг ишлари бўйича олий судга айланиб, барча суд ишлари бўйича муҳим апелатсион инстан-тсия бўлиб қолган.

Парламент суд функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда, ХИВ асрнинг биринчи ярмида қирол ордонанслари ва қиролликнинг бошқа хужжат-ларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритган. 1350 йилдан бошлаб қонун хужжатларини Париж парламентидан рўйхатдан ўтказиш мажбурий бў-либ қолган. Қуйи судлар ва бошқа шаҳарларнинг парламентлари ўз қарорла-рини чиқаришда фақат рўйхатдан ўтган қирол ордонансларидан фойдаланиш-лари мумкин еди. Агар Париж парламенти рўйхатдан ўтказилаётган хужжатда ноаниқликни ёки "Қироллик қонунлари"дан четга чиқиши топса, у **ремон-стратсия (еътиroz)** билдириши ва бундай хужжатни рўйхатдан ўтказишни рад етиши, ремонстратсия фақат қиролнинг парламент мажлисида шахсан иштирок етиши воситаси билан бартараф етилиши мумкин еди. XV аср охирида парламент ўзининг ремонстратсия ҳуқуқидан бир неча марта фойдаланган. Бу еса унинг бошқа давлат органлари орасидаги обрўйини оширган, лекин охир оқибатда қирол ҳокимияти билан ихтилоф чиқишига олиб келган.

4. Мутлақ монархия даври (XVII-XVIII асрлар) да ижтимоий ва давлат тузуми хусусиятлари

Tabaqalarning huquqiy holatidagi

Франсияда абсолютизмнинг вужудга келиши мамлакатнинг ижтимоий-ҳуқуқий тузилишида чуқур ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар, ав-вало, капиталистик муносабатларнинг туғилиши билан келиб чиқкан еди. Капитализмнинг таркиб топиши саноатда ва савдода тезроқ кечган, қишлоқ хўжалигида унинг учун ерга нисбатан феодал мулкчилик катта тўсиқ бўлиб қолганди. Мамлакатнинг табақавий тузуми ижтимоий тараққиётга жиддий тўсқинлик қилмоқда ва капитализм ривожланиши еҳтиёжларига қарама-қарши чиқмоқда еди. ХИВ асрга келиб франсуз мо-нархияси ўзининг илгари мавжуд бўлган вакиллик муассасаларини тугатган, лекин ўзининг табақавий табиатини сақлаб қолганди.

Давлатда илгаригидек биринчи табақа **руҳонийлар** бўлган. Бу вақтда Франсиянинг 15 миллион аҳолисидан 130 мингги руҳонийлардан иборат еди. Улар барча ерларнинг 1/5 қисмини ўз қўлларида ушлаб турарди. Руҳоний-лар ўзларининг анъанавий иерархиясини тўлиқ сақлаб қолиб, жуда хилма-хилликлари билан ажralиб турарди. Черковнинг юқори қисми ва қавмдош руҳонийлар ўртасида зиддиятлар кучаяди. Руҳонийлар фақат табақавий ҳамда феодал имтиёzlарни қўлда сақлаб қолиш учунгина нисбатан бирлашиб турарди, холос.

Мутлақ монархия даврида руҳонийларнинг қирол ҳокимияти ва дво-рянлар билан алоқаси анча мустаҳкам бўлиб қолди. 1516 йилда Франсиск И (Франсуз И) билан (1515-1547) папа Лев X ўртасида Болоняда тузилган конкордатга қўра, франсуз қироли барча франсуз епископларини черков лавозимларига ўзи тайинлайдиган бўлди. Катта бойлик ва ҳурмат-еҳтиромлар билан боғлиқ бўлган барча юқори черков лавозимлари дворян аслзода-ларга тақдим қилинарди. Дворянларнинг кўпгина кичик ўғиллари у ёки бу диний мартабани олишга ҳаракат қиласи еди. Руҳонийларнинг вакиллари (Рише-ле, Мазарини ва бошқалар) ҳам ўз навбатида давлат бошқарувида муҳим ва баъзан еса ҳал қилувчи мансабларни егалладилар. Шундай қилиб, илгари чуқур зиддиятлар мавжуд бўлган биринчи ва иккинчи табақа ўртасида ендиликда анча мустаҳкам сиёсий ва шахсий алоқалар вужудга келади.

Франсуз жамиятининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳукмрон мавқени дворянлар егаллайди. Дворянлар бу вақтда таҳминан 400 минг кишини ташкил етарди. Давлатда фақат дворянларгина феодал поместеларга егалик қилиши мумкин еди. Шунинг учун уларнинг қўлида ерларнинг катта қисми (3/5 қисми) тўпланганди. Умуман Франсияда дунёвий феодаллар (қирол ва унинг оила аъзолари билан бирга) давлатдаги бутун ерларнинг 4/5 қисмини ушлаб турарди. Дворянлик асосан туғилиш бўйича ега бўлинадиган соф шахсий ҳуқуқий мақомга айланади. Дворянлар ўзларининг дворянлик келиб чиқишини уч-тўрт авлодгача исботлашлари лозим еди. XII асрда дворянлик ҳужжатларини қалбакилаштириш ҳоллари аниклангандан сўнг двор-янлик келиб чиқишини назорат қилувчи маҳсус маъмурият таъсис етилади.

Дворянлик, шунингдек, маҳсус, қироллик ҳужжати билан ҳам бериларди. Бу, қоида бўйича, бой буржуалар томонидан давлат аппаратида мансаблар-нинг сотиб олиниши билан боғлиқ еди.

Бундан айниқса доимо пулга муҳтож бўлиб турган қирол ҳокимияти жуда манфаатдор еди. Бундай шахслар одатда наслий дворянлардан фарқ қилиб, **мантия дворянлари**, деб аталарди. Ески уруғ - дворянлари (сарой дворянлари ва унвонли дворянлар, провин-сия дворянларининг юқори қисми) "қўлидан келмайдиган мансабга миниб олган" бундай мантия дворянларига нафрат билан қарап едилар.

Мантия дворянларининг сони XVIII асрнинг ўрталарида келганда таҳминан 4 мингни ташкил етарди. Уларнинг болалари ҳарбий хизмат ўташлари лозим еди, лекин кейинчалик тегишли хизматни ўтаганларидан сўнг (25 йилдан кейин) найзадор дворян (наслий дворян)га айланганди.

Дворянлар, ўзларининг аслзодалик ва мансабдорлик фарқларига қарамай, қатор умумтабақавий имтиёзларга: унвон олиш, маълум кийим кийиб юриш ва қурол тақиб юриш, жумладан, қирол саройида қурол тақиб юриш ва ҳоказо ҳукуқларга ега едилар. Дворянлар солиқлар тўлашдан ва ҳар қандай шахсий мажбуриятлардан озод етилгандилар. Улар сарой, давлат ва черков мансабларига тайинланишда имтиёзли ҳукуқлардан фойдалан-ардилар. Баъзи юқори маош бериладиган ва қандайдир хизмат мажбуриятлари билан юқлатилмаган сарой лавозимлари (масалан, синекурлар) дворянлар учун захирада ушлаб туриларди. Дворянлар университетларда, қироллик ҳарбий мактабларида таълим олишда имтиёзли ҳукуқлардан фойдаланаардилар. Шулар билан бирга дворянлар абсолютизм даврида ўзларининг баъзи ески феодал имтиёзлари: мустақил бошқариш, яккама-якка олишув ҳукуқлари ва бошқаларни йўқотган едилар.

XVI-XVIII асрларда Франсия аҳолисининг енг кўп қисмини **учинчи табақа** ташкил етарди. Унинг таркиби тобора хилма-хил бўлиб борган. Унда ижтимоий ва мулкий даражаланиш (табақалашув) кучаяди. Учинчи табақанинг енг қуий қисмida дехқонлар, ҳунармандлар, қора ишчилар, ишсизлар, унинг юқори қисмida esa молиячилар, савдогарлар, сех усталари, нотариуслар, адвокатлар турарди. Ана шулардан буржуазия синфи шаклланган.

Бу вақтда шаҳар аҳолисининг сони ниҳоятда ўсиши ва унинг Фран-сия ижтимоий ҳаётидаги ўрни қўпайишига қарамай, учинчи табақанинг асосий қисмини дехқонлар ташкил етиб қолаверган. Капиталистик муносабат-ларнинг ривожланиши билан дехқонларнинг ҳукуқий аҳволида ўзгаришлар юз беради. Бу вақтда

серваж, формаряж, "биринчи кеча ҳуқуқи" амалда йў-қолади. Менморт илгаригидек ҳуқуқий одатларда назарда тутилган, лекин жуда кам қўлланилган. Қишлоқса товар-пул муносабатларининг кириб келиши билан дехқонлар орасидан бойиган фермерлар, капиталистик арендаторлар, қишлоқ хўжалик ишчилари ажралиб чиқди. Бироқ дехқонларнинг кўпчилик қисмини **сензива** егалари, яъни сенорлик ерларини ушлаб туриб, турли феодал мажбуриятлар ўтовчилар ташкил етарди. Бу вақтга келиб **сензитарийлар** баршина ишларидан тўлиқ озод етилганлар, лекин дворянлар доимо сензларни ва бошقا ер солиқларини ошириб боришга ҳаракат қилганлар, шунингдек, сенорнинг дехқонлар ерларида ов қилиш ҳуқуқи дехқонлар учун қўшимча юқ бўлиб тушган еди.

Дехқонлар учун жуда оғир бўлган ва хонавайрон қиладиган кўп-дан-кўп тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар тизими жорий қилинганди. Қиролнинг солиқ йиғувчилари бундай солиқларни кўпинча куч ва зўрлик йўли билан йиғар едилар. Қирол ҳокимияти солиқлар йиғиш ҳуқуқини банкир-ларга ва судхўрларга тез-тез сотиб турарди. Бундай ҳуқуқни сотиб олганлар қонуний ва ноқонуний солиқлар йиғишни шунчалик кучайтирас едиларки, оқибатда кўп дехқонлар ўз уй жойлари ва мол-мулкларини сотиб, шаҳар-ларга иш излаб кетишга мажбур бўлар едилар ва шу тариқа ишсиз ҳамда қашшоқлар сафини тўлдириб турар едилар.

ва **Absolutizmning
vujudga kelishi
va rivojlanishi**

XVI-XVII асрларда франсуз жамиятининг енг кенг табакалари манфаатдор еди. Абсолутизм дворянларга ва руҳонийларга ҳам зарур еди. Чунки улар учун иқтисодий қийинчилик-ларнинг ва учинчи табақа томонидан сиёсий сиқувнинг ўсиши кучайиб бораётган бир шароитда фақат марказлашган ва кучли давлат ҳокимияти кенг табақа имтиёзларининг сақланиб қолишини таъминлай оларди.

Абсолутизмдан мустаҳкамланиб бораётган буржуазия ҳам манфаатдор еди. Буржуазия ҳали сиёсий ҳокимиятга даъво қила олмас, лекин у феодалларнинг ўзбошимчаликларидан ва XVI асрдаги Реформатсия муно-сабати билан қўзғалган диний урушлардан қирол ҳимоясига муҳтож еди. Тинчлик, адолат ва ижтимоий тартиб ўрнатилиши франсуз дехқонларининг енг асосий орзу-умиди еди. Бу

Капиталистик уклад ривожланишининг фео-дализм емирилиши бошланишининг муқаррар нати-жаси абсолютизмнинг қарор топиши бўлади. Абсо-лутизмга ўтишдан

франсуз жамиятининг енг кенг табакалари

манфаатдор еди. Абсолутизм дворянларга ва руҳонийларга ҳам зарур еди. Чунки улар учун иқтисодий қийинчилик-ларнинг ва учинчи табақа томонидан сиёсий сиқувнинг ўсиши кучайиб бораётган бир шароитда фақат марказлашган ва кучли давлат ҳокимияти кенг табақа имтиёзларининг сақланиб қолишини таъминлай оларди.

дехқонларнинг кўз ўнгидаги факат кучли ва раҳмдил қирол ҳокимияти томонидангина амалга оширилиши мумкин бўлиб кўринарди.

Қиролнинг ички ва ташқи муҳолифлари тугатилгач, ягона маънавий ва миллий ўзликни англаш кенг франсузлар оммасини тожтахт атрофида жипслаш-тиргач, қирол ҳокимияти жамиятда ва давлатда ўз мавқенини жуда мустаҳ-камлаб олишга сазовор бўлган. Қирол ҳокимияти кенг жамоатчилик ом-масига таяниб абсолютизмга ўтиш даврида катта сиёсий кучга ва ҳатто ўзини туғдирган жамиятда нисбатан мустақилликка ега бўлиб олган.

XVI асрда абсолютизмнинг вужудга келиши прогрессив характерга ега еди, негаки ягона ва кучли қирол ҳокимияти Франсиянинг ҳудудий бирлашишини, ягона франсуз миллатининг шаклланишини ниҳоясига етказ-ган, саноат ва савдонинг жуда тез ривожланишига қўмаклашган, маъмурий бошқарув тизимининг оқилона ташкил етилиши имконини берган. Бироқ XVI-XVII асрларда феодал тузумнинг емирилиши кучайиб бориши билан абсолют монархия, жумладан, унинг ўз-ўзидан ривожланиб борган ҳокимият органлари тобора жамият устида юксала бориб, ундан ажралган ва у билан ҳал етиб бўлмайдиган қарама-қаршиликларга учраган.

Шундай қилиб, абсолютизм сиёсатида реаксион ва авторитар¹⁴ белгилар муқаррар пайдо бўлиб, муҳим аҳамият касб ета бошлади. Гарчанд, қирол ҳокимияти ўзининг туб мақсадлари йўлида меркантилизм¹⁵ ва протексионизм¹⁶ сиёсатидан фойдаланган, капитализмнинг ривожланишини муқаррар тезлаштирган бўлса ҳам, аммо абсолютизм ҳеч қачон буржуа-зия манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, аксинча у феодал давлатнинг бутун қудратидан ҳалокати муқаррар бўлган феодал тузумни, шунингдек дворянлар ва руҳонийларнинг синфий ва табака имтиёзларини сақлаб қолишда фойдаланганди.

XVII аср ўрталарига келганда феодал тузумнинг чуқур инқирози феодал давлатнинг барча жабҳалари тушкунликка учрашига ва емирилишига олиб келди. Абсолютизмнинг ҳалокати муқаррар бўлиб қолди. Суд-маъмурий ўзбошимчаликар енг чекка

¹⁴ **Avtoritar** – hokimiyat, diktatura, obro` va shu kabilarga ko`r-ko`rona va so`zsiz bo`ysunishga asoslangan degani.

¹⁵ **Merkantilizm** – XVI – XVII asrlarda savdo burjuaziyasi manfaatlarini aks ettirgan, mamlakat farovonligi ishlab chiqarish tufayli emas, tashqi savdo tufayli yuzaga keladi deb da'vo qilgan iqtisodiy ta'lif; faqat foydani ko`zlash, manfaatparastlik.

¹⁶ **Proteksionizm** – lotin tilidan olinib, davlatning milliy iqtisodiyotni chet el raqobatidan ximoya qilishga qaratilgan iqtisodiy siyosati. Mamlakat sanoatini moliyaviy rag`batlantirish, eksportni rag`batlantirish, importni kamaytirish vositasida amalga oshiriladi

нуқтасига еришди. Қирол саройининг ўзи бехуда ва беъмани исрофгарчиликлар ва вақт ўтказишлар (ниҳоясиз байрамлар, маскарадлар, ҳар хил ўйин-кулги кечалари, овлар ва бошқа кўнгил очар ўйинлар) рамзи бўлиб қолган еди. Қирол саройини "миллат қабристони" деб бежиз атамаган едилар.

**Qirol
hokimiyatining
у kuchayishi**

Абсолут монархия даврида олий сиёсий ҳокимият бутунлай ва тўлиқ қиролга ўтган ва ҳеч қандай давлат органи билан тақсимланмаганди. Мутлақ ҳокимиятга ега бўлиш учун қиролга феодаллар олигархияси ва католик черковнинг сиёсий оппозитсия-сини бартараф етиши, табака-вакиллик муассасаларини тугатиши, марказлашган бюрократик аппарат, доимий армия, политсия таъсис етиши зарур еди.

XVI асрда ендиликда Генерал штатлар чақирилмай қўяди. 1614 йилда Генерал штатлар охирги марта чақирилиб, тезда тарқатиб юборилади ва 1789 йилгача ҳеч қачон чақирилмайди. Баъзи вақтларда қирол муҳим ислоҳот-ларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиши ва молия масалаларини ҳал қилиш учун нотабллар (феодал аслзодалар)ни йиғиб турарди. XVI асрда (1516 йилги Болоня конкордати бўйича ва 1598 йилги Нант едикти асосида) қирол Франсия католик черковини тўлиқ ўзига бўйсундирганди.

XVI-XVII асрларда Париж парламенти қирол ҳокимиятининг ўзига хос сиёсий муҳолифи сифатида майдонга чиқади. Бу вақтга келиб, у феодал зодагонларнинг таянчига айланиб, бир неча марта ўзининг ремонстрат-сия ҳуқуқидан фойдаланган ҳамда қирол ҳужжатларини рад қилган (қайтарган) еди. 1667 йилги қирол ордонанси билан шундай қоида ўрнатиладики, бунга қўра, қирол ордонанси чиққандан сўнг фақат маълум муддат ичидан ремонстратсия қилиниши мумкин еди ва иккинчи марта (қайта) ремонстрат-сияга йўл қўйилмасди. 1668 йилда қирол Лудовик ХИВ Париж парламентига келиб, унинг архивидан Фронда давридаги, яъни XVII аср ўрталарида абсо-лутизмга қарши чиқишиларга тааллуқли барча протоколларни ўз қўли билан олиб ташлаган. 1673 йилда Лудовик ХИВ томонидан шундай қоида ўрнатил-дики, парламент енди қирол ҳужжатларини рўйхатдан ўтказишни рад етиш ҳуқуқига ега емас, ремонстратсия esa фақат алоҳида баён қилиниши мум-кин еди. Бу амалда парламентни муҳим имтиёзларидан - қирол қонунларига протест келтириш ва уларни рад етиш ҳуқуқларидан маҳрум қилди.

Қирол ҳокимияти ва унинг муайян ваколатлари характери ҳақидаги умумий тасаввурлар ҳам ўзгарди. Генерал штатларнинг таклифи бўйича франсуз монархияси илоҳий деб еълон қилиниб, қирол ҳокимиятига еса му-қаддас деб қараладиган бўлди. Қиролнинг янги: "қирол худонинг саҳовати" деган расмий унвони жорий етилди. Қирол ҳокимиятининг суверенитети ва чекланмаганлиги ҳақидаги тасаввурлар батамом ўрнатилди. XVII асрнинг иккинчи ярмида Франсияда чекланмаган ёки абсолют монархия узил-кесил қарор топган, мамлакатни бошқариш иши бутунлай ва тўлиқ қирол қўлига ўтган. Айниқса, Лудовик ХИВ қироллик қилган (1643-1715) йиллар абсолют монархиянинг енг кучайган даври бўлди. Бу ҳолат Лудовик ХИВ нинг: "Давлат менинг ўзим" деган сўzlари билан ҳам тасдиқланади.

Абсолутизм илоҳий ҳукукка таянади деган қарашлар қиролнинг шахсий ҳокимиятчиликка ва деспотизмга асосланади дегани емас еди. Қиролнинг имтиёзлари қонуний тартиб доирасидан четга чиқмаслиги лозим еди ва "қирол Давлат учун хизмат қилади" деб ҳисобланарди.

Умуман франсуз абсолютизми қирол ва давлатнинг чамбарчас алоқа-да еканлиги, бирининг иккинчисини ўзига олиши консепсиясига асосланади. Қиролнинг ўзи, унинг мол-мулки, оиласи франсуз давлати ва миллатига тегиши-лидир, деб ҳисобланарди. Юридик жиҳатдан қирол ҳар қандай ҳокимиятнинг манбай деб тан олинади. Унинг ҳокимияти ҳеч қандай назорат қилинmas еди. Бу, жумладан, қиролнинг қонун чиқариш соҳасида тўла еркинлигининг мустаҳкамланишига олиб келди. Абсолутизм даврида қонун чиқариш ҳо-кимияти фақат танҳо қиролга тегишли бўлиб, "битта қирол, битта қонун" деган тамойил расмийлаштирилди. Қирол ҳар қандай давлат ёки черковга оид ман-сабдор шахсларни тайинлаш ҳукуқига ега еди. Қирол давлат бошқарувининг барча масалалари бўйича охирги, енг сўнгги инстансия еди. Қирол енг муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилган, давлатнинг иқтисодий сиё-сатини белгилаган, солиқлар ўрнатган, давлат маблағларини олий тақсимловчи сифатида майдонга чиқсан. Унинг номидан суд ҳокимияти амалга ошириларди.

**Markaziy
boshqaruv
apparatining** Абсолутизм даврида марказий давлат органлари ўсган ва мураккаблашган. Бироқ бошқарувнинг феодал усувларининг ўзи ҳам барқарор ва аниқ давлат маъмуриятини ташкил этишга тўсқинлик қилган. Қирол ҳокимияти тез-тез ўз хоҳишича янги

давлат органлари тузиб турган, лекин улар кейин уни қаноатлантирилганда қайта ташкил етилган ёки тугатилган.

XVI асрда **давлат котиблари** деган мансабдор шахслар пайдо бўлади. Улардан бири, айниқса, қирол ёш, вояга етмаган ҳолларда амалда биринчи министр функцияларини бажаарди. Бу мансаб расман бўлмаган, лекин, масалан, Ришеле бир шахсда 32 та давлат лавозими ва унвонларини бирлаштириб турган. Бироқ Генрих IV, Лудовик ХІВ, шунингдек, Лудовик XV даврида (1743 йилдан кейин) қирол давлат бошқарувига раҳбарликни ўзи амалга оширган, атрофидаги унга катта сиёсий таъсир ўтказган шахсларни олиб ташлаган.

Ески давлат мансаблари (масалан, 1627 йилда коннетабл мансаби) ту-гатилган ёки ҳар қандай аҳамиятини йўқотган ва оддий сердаромад ен-гил ишларга айлантирилган. Фақат **канслер** ўзининг илгариги қудратини сақлаб қолган ва давлат бошқарувида қиролдан кейинги иккинчи шахс бўлиб олган еди.

Давлатда ихтисослашган марказий маъмуриятга еҳтиёжнинг ўсиши натижасида ХІВ асрнинг охирида **давлат котибларининг** роли оширилади. Уларга бошқарувнинг алоҳида соҳалари (ташқи ишлар, ҳарбий ишлар, денгиз ишлари ва мустамлакалар, ички ишлар) топширилади. Давлат котиблари дастлаб (ай-ниқса Ришеле даврида) соғ ёрдамчилар ролини ўйнаган бўлса, Лудовик ХІВ даврида қирол шахсига яқинлашиб, унинг шахсий чиновниклари ролини бажарган.

Давлат секретарлари функциялари доирасининг кенгайиши марказий аппаратнинг тезда ўсишига, унинг бюрократлашувига олиб келади. XVII асрда давлат секретарларининг ўринбосарлари лавозими жорий етилиб, уларнинг ҳузурида катта бюро ташкил қилинади ва у ўз навбатида сексияларга бўли-нади. Бунда чиновниклар қатъий ихтисослаштирилган ва иерархияга (босқич-мабосқич бўйсуниш тизимига) асосланган еди.

Марказий бошқарувида дастлаб **молия суперинтенданти** (Лудовик ХІВ даврида у молия ишлари бўйича Кенгаш билан алмаштирилган), сўнгра **Бош молия назоратчиси** катта рол ўйнайди. Бу мансаб Колбер-дан (1665 йилдан) бошлаб жуда катта аҳамият касб етади. У фақат давлат бюджетини тузиш ва Франсиянинг бутун иқтисодий сиёсатига раҳбарлик қилиш билан шуғулланмай, амалда маъмурият фаолиятини назорат ҳам қилган, қироллик қонунларини тузиш соҳасидаги ишларни ҳам ташкил етган еди. Вақт ўтиши билан

бош молия назоратчисининг ҳузурида 29 та турли-туман хизматлар ва кўп сонли бюролардан иборат катта аппарат пайдо бўлади.

Қирол ҳузуридаги маслаҳатчилик функсияларини бажарувчи қироллик кенгашлари тизими ҳам бир неча марта ислоҳ қилинган. Лудовик ХИВ 1661 йилда **Катта кенгаш** тузади. Унга герсоглар ва Франсиянинг бошқа перлари, министрлар, давлат котиблари, канслер, шунингдек, маҳсус тайинлан-ган давлат маслаҳатчилари (булар асосан мантия дворянлардан тайинлан-ган) киритилади. Катта кенгашга қиролнинг ўзи, у йўқлигидаги канслер раислик қиласиди. Мазкур кенгаш енг муҳим давлат масалалари (черков билан муносабат ва ҳоказолар)ни кўриб чиқар, қонун лойиҳаларини муҳокама қиласиди, баъзи ҳолларда маъмурий ҳужжатлар қабул қиласиди. Енг муҳим суд ишларини ҳал етарди. Ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун ўз таркиби бўйича анча тор доирадаги кишилардан иборат **Юқори кенгаш ҳам чақириларди**. Унга одатда ташқи ишлар ва ҳарбий ишлар бўйича давлат котиблари, бир қанча давлат маслаҳатчилари таклиф етиларди. **Депеш кенгаши** ички бошқарув масалаларини муҳокамадан ўтказиб, маъму-рият фаолиятига тааллуқли қарорлар қабул қиласиди. **Молия масалалари бўйича кенгаш** давлатнинг молия сиёсатини ишлаб чиқиб, давлат хазинасига келиб тушадиган янги маблағларни изларди.

Mahalliy boshqaruв Жойлардаги бошқарув ўта мураккаблиги ва чал-кашлиги билан ажралиб турарди. Баъзи мансаблар (маса-лан, баля) бу даврда сақланиб қолган, лекин уларнинг роли тобора пасайган. Жойларда жуда кўп сонли ихтисослашган хизматлар: суд бошқармаси, молия бошқармаси, йўлларни назорат қилувчи бошқар-ма ва ҳоказолар пайдо бўлади. Бу хизматларнинг худудий чегаралари ва функсиялари аниқ ўрнатилмаган еди. Бу жуда кўп шикоятларни ва низоларни келтириб чиқаради. Маҳаллий маъмуриятнинг хусусиятлари кўпинча қиролликнинг баъзи қисмларида ески феодал қурилмалар (собиқ сенорийларнинг чегаралари)нинг, черков ер егалигининг сақланиб қолганлигидан келиб чиқсан. Шу сабабли қирол ҳокимияти томонидан ўтказилган марказ-лаштириш сиёсати Франсиянинг бутун ҳудудига тенг даражада тегмади.

XVI асрнинг бошида марказнинг сиёсатини жойларда ўтказадиган орган сифатида губернаторлар мавжуд еди. Улар қирол томонидан тайинланган ва алмаштирилган, лекин вақти-вақти билан бу мансаб таниқли дворянларнинг оилалари қўлига ўтиб турган. XVI

асрнинг охирига келиб губернаторлар қатор ҳолларда марказий бошқарувдан мустақил бўлиб олган. Бу, албатта, қирол сиёсатининг умумий йўналишига зид еди. Шунинг учун қирол аста-секин губернаторларнинг ваколатларини соф ҳарбий бошқарув соҳасигагина тегишли қилиб қўйган.

Бу даврда франсуз қироллари жойларда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун 1535 йилдан провинсияларга турли вақтинчалик топшириқлар билан **комиссарлар** жўнатиб турганлар. Бироқ улар тез орада судни, шаҳар маъму-риятини, молияни текшириб турадиган доимий мансабдор шахс бўлиб қолганлар. XVI асрнинг иккинчи яримида уларга **интендантлик** унвони берилган. Улар ендиликда фақат назоратчилар сифатида емас, балки ҳақиқий маъмурлар сифатида ҳаракат қила бошлаганлар. Уларнинг ҳокимияти авторитар тусга кирди. 1614 йилги Генерал штатлар, сўнгра еса нотабларнинг мажлиси интендантларнинг хатти-ҳаракатларига норозилик билдирганлар. XVII асрнинг биринчи яримида интендантларнинг ваколатлари бироз чекланди, Фронда даврида еса бу мансаб умуман тугатилади. 1653 йилда интендантлар тизими яна тикланиб, улар маҳсус молиявий округларга тайинлана бошлайди. Интендантлар марказий ҳукумат билан, аввало Бош молия назоратчиси билан тўғридан-тўғри алоқада бўлганлар. Интендантларнинг функциялари фавқулодда кенг бўлиб, молиявий фаолият билан чегараланиб қолмаган. Улар фабрикаларни, банкларни, йўлларни, кемасозлик ва бошқаларни назорат қилишни амалга оширганлар, саноат ва қишлоқ хўжалигига тааллуқли турли статистик маълумотларни тўплаганлар. Уларга жамоат тартибини сақлаш, қаш-шоқлар ва дайдиларни кузатиб туриш, умумий тартиб-қоидаларга, қарашларга хилоф иш, ҳаракатлар, фикрларга қарши кураш олиб бориш мажбурияти юкланган. Интендантлар армияга рекрут йиғимлари, қўшинларнинг жой-лаштирилиши устидан, уларнинг озиқ-овқат билан таъминланиши ва бошқаларни кузатиб турганлар. Ниҳоят, улар ҳар қандай суд ишларига аралаша олганлар, қирол номи билан тергов олиб бора олганлар, баляж ва сенешалликлар судларида раислик қила олганлар.

Марказлаштириш шаҳар бошқарувига ҳам тегишли бўлган. Муни-тсипал маслаҳатчилар (ешвенлар) ва мерлар сайланмайдиган бўлди, улар-нинг ўрнига одатда маълум ҳақ евазига қиролнинг маъмурлари тайинланарди. Қишлоқларда доимий қироллик маъмурияти бўлмай, енг қуи звенода маъмурий ва суд функциялари

дехқонларнинг жамоалари ва жамоа кенгашлари томонидан амалга ошириларди. Бироқ интендантларнинг чексиз қудрати туфайли XVII асрнинг охирига келиб қишлоқларнинг ўзини ўзи бошқаруви тушкунликка учрайди.

Davlat moliysi Хазинага келиб тушадиган пул маблағларининг асосий манбаи солиқлар еди. Солиқлардан таля енг асосийси ҳисобланган. Шунингдек, **капитатсия** - жон солиғи ҳам катта аҳамиятга ега еди. Бу солиқ дастлаб Лудовик ХИВ томонидан ҳарбий харажатларни қоплаш учун жорий етилганди.

Олий табақалар жуда катта даромадга ега бўлсалар ҳам, солиқлардан тўла озод етилганди.

Қироллик хазинасини тўлдириб турининг муҳим манбаларидан бири қўшимча солиқлар еди. Уларнинг сони доимо ошиб борган. Аҳоли учун айниқса туз солиғи жуда оғир еди. Хазинага, шунингдек, савдо пошлина-ларидан, қироллик монополиялари (почта, тамаки ва бошқалар)дан кела-диган даромадлар ҳам келиб тушарди. Давлатнинг қарзлар бериши кенг тарқалганди.

Даромадлар ўсишига қарамай давлат бюджети жуда тақчилликка келтириб қўйилган. Бу доимий армияга ва ҳаддан зиёд кенгайиб бораётган бюрократик аппаратга кетадиган ҳаражат ҳисобига юз берган. Қиролни ва унинг оиласини боқиш, қирол овини ташкил этиш, дабдабали қабул маросимлари, маскарадлар ва бошқа кўнгил очишлар учун жуда катта маблағлар сарфланарди.

Sud tizimi Суд тизимининг марказлашуви қучайиб боришига қарамай, у архаик ва мураккаб бўлиб қола-верди. Франсиянинг баъзи қисмларида то XVIII асргача сенорлик адлияси сақланиб қолган. Қироллик ордонанслари фақат уларни амалга оширишни тартибга солган. Баъзан қироллар сенорларнинг суд хуқуқини сотиб олардилар. Масалан, 1674 йилда Парижга туташ сенорликлардаги суд хуқуқини сотиб олгандилар. Черков судлари мустақил суд тизими ҳисобланган, лекин уларнинг юрисдиксияси енди асосан черковнинг ички масалалари билан чекланган. Махсус ихтисослашган трибуналлар: коммерсия, банк, адмираллик ва бошқа трибуналлар ҳам мавжуд еди.

Қироллик судлари тизими жуда чалкаш бўлган. XVIII аср ўртасида превотликлардаги қўйи судлар тугатилади. Баляжлардаги судлар сақланиб қолади, лекин уларнинг таркиби ва компетенсияси доимо ўзгариб туарди. Париж парламенти ва бошқа шаҳарлардаги

суд парламентлари илгариgidек муҳим рол ўйнарди. Бу вақтда апелятсион шикоятларнинг жуда ошиб кетиши муносабати билан парламентларнинг ишини енгиллаштириш мақсади-да 1552 йилда чиқарилган едикт билан анча йирик баляжларда жиноят ва фуқаролик ишларини кўриш бўйича апелатсион суд ташкил этиш назарда тутилган еди.

Armiya Абсолутизм даврида мунтазам армияни ташкил этиш ишлари ниҳоясига етади. Бу ўша вақтда Европадаги енг йирик марказлаштирилган асосдаги армиялардан бири еди. Бу вақтда, шунингдек, доимий қироллик флоти ҳам тузилганди.

Лудовик ХИВ даврида муҳим ҳарбий ислоҳот ўтказилади. Бунга кўра, чет елликларни армияга ёллашдан воз кечилган ва маҳаллий аҳоли орасидан кўнгиллиларни рекрутликка олишга ўтилган, соҳилга яқин провин-сиялардан матрослар олинган еди. Аскарлар учинчи табақанинг қуи қисмидан, "ортиқча кишилар" дан олинган еди. Аскарлик хизмати шароитлари жуда оғир еди. Ёлловчилар кўпинча алдаш ва айёрик йўлини тутишарди. Армияда қамчи (калтак) интизоми ҳукм сурарди.

Армияда юқори қўмондонлик лавозимлари қатъий унвонли зодагон-ларнинг вакиллариiga берилган. Зобитлик лавозимларини егаллашда қўпинча наслий ва хизматчи дворянлар ўртасида кескин қарама-қаршиликлар келиб чиқкан. 1781 йилда наслий дворянлар зобитлик лавозимини егаллашга бўлган ҳуқуқни ўзларида мустаҳкамлаб олишга еришганлар. Зобитликни ушлаб туришнинг бундай тартиби армиянинг жанговар тайёргарлигига салбий таъсир етган.

Politsiya Абсолутизм даврида кенг тармоқли политсия ташкил етилди. Провинсияларда, шаҳарларда, йирик йўлларда ва бошқа жойларда политсия органлари тузилди. 1667 йилда **политсия генерал-лейтенанти** лавозими таъсис етилиб, унга бутун қироллик миқёсида тартибни сақлаб туриш мажбурияти юкланди. Унинг ихтиёрида **ихтисослашган полит-сия бўлимлари, отлиқ политсия гвардияси**, дастлабки терговни олиб боради-ган суд политсияси мавжуд еди.

Айниқса, Парижда политсиячилик хизматини мустаҳкамлашга алоҳида еътибор берилган. Пойтахт кварталларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирида политсия комиссарлари ва сержантлари бошчилигидаги маҳсус политсия гурухлари ҳара-кат қиласарди. Политсиянинг

функциясига тартибни сақлаш ва жиноятчиларни қидириб топиш билан бир қаторда, ахлоқни назорат қилиш, жумладан, диний намойишлар устидан кузатиб туриш, ярмаркалар, театрлар, кафе-ресторанлар, кабарелар, фоҳишахоналар ва бошқаларни назорат қилиш кабилар ҳам киради. Генерал-лейтенант умумий политсия (хавфсизлик политсияси) билан бир қатор-да, шунингдек, **сиёсий политсияга** ҳам бошчилик қиласди. Сиёсий полит-сия яширин қидиувнинг кенг тармоқли тизимидан иборат еди. Қиролнинг душманлари ва католик черков устидан, еркин фикр билдирувчи барча шахслар устидан яширин назорат ўрнатилганди.

5. Франсияда хуқуқнинг асосий белгилари

**Ниғуқ
manbalari** **Франсуз** хуқуқи тарихида Ғарбий Европа ўрта асрлар хуқуқининг типик белгилари ўзининг анча тўлиқ ифодасини топганди. Ўрта асрларнинг барча босқич-ларида феодал жамиятнинг ажралиб қолганлигини ўзида акс еттирган хуқуқ манбаларининг кўплиги ва партикуляризми¹⁷ Франсияда ягона миллий хуқуқ тизимининг ташкил етилишига тўсқинлик қиласди. Мамлакатнинг сиёсий бирлашувига, диний-маънавий умумийликка ва абсолютизм ўрнатилишига қарамай, франсуз хуқуқи 1789 йилги инқилобга қадар кўп сонли хуқуқий тизимларнинг йиғиндисидан иборат еди. Бундай хуқуқий тизимлар ё маълум доирадаги шахсларга (руҳонийлар, савдогарлар ва бошқаларга), ёки муай-ян, унча катта бўлмаган худудларга тарқатилган. Волтернинг заҳархан-далиқ билан таъкидлашича, "почта отларини алмаштириб, хуқуқни ҳам алмаштирганлар".

Хуқуқнинг муҳим манбаи **одатлар** ҳисобланган. X асрга келиб Франсияда Сали ҳақиқати ва бошқа варвар қабилаларининг одатлари харакат қилмай қўйганди. Уларнинг ўрнига феодал тарқоқлик шароитларида алоҳида минтақаларнинг, сенорларнинг ва ҳатто жамоаларнинг **худудий хуқуқий одатлари (кутюмлар)** келади. Йирик феодал егаликлар (Нормандия, Анжу, Бретан ва бошқалар) доирасида улар жуда хилма-хиллиги билан ажралиб турарди. Айниқса шимолий Франсияда кутюмларнинг аҳамияти катта еди. Шимолий Франсиянинг "одат хуқуқи" мамлакати деб аталиши ҳам бежиз емас еди.

¹⁷ **Partukulyarizm** – ayrim o`lkalarning umumdavlat manfaatlari bilan hisoblashmay, ajralib chiqib, mustaqil bo`lishga intilishi.

Одатлар оғзаки шаклда юзага келади. Шу сабабли Франсиянинг шимоли "ёзилмаган ҳуқук мамлакати" деган ном билан юритилади. Одат ҳуқуқи маҳаллий ёки минтақавий миқёсдаги муайян ҳудудда авлоддан-авлодга ўтиб келган одатларнинг тан олиниши асосида шаклланганди. Одат ҳуқуқининг кучи ва нуфузи шу билан белгиланган еди, у феодал жамият ҳудудий жамоаларининг ҳақиқий еҳтиёжларини акс еттириб, қоида бўйича, келишув асосида келиб чиқкан ва давлат ҳокимиятининг зўравонлигига бутунлай алоқаси бўлмаганди. Шунинг учун кутюмлар гарчи мажбурий кучга ега бўлса ҳам, кўп ҳолларда уларга риоя қилиш еркин еди.

Одатларни судларда тан олиш учун улар "қадим замонлардан буён", яъни ҳеч бўлмаганда 40 йилдан бери маълум бўлиши зарур еди. XII асрдан бошлаб алоҳида кутюмлар ёзила бошланиб, XIII аср ўртасига келиб еса Нормандияда одат ҳуқуқининг нисбатан тўла тўплами – **Норман-диянинг катта кутюми** (1255 йилда) тузилган ва суд амалиётида фойда-ланилган. Шу вақтдан бошлаб қироллик судялари ва легистлар томонидан ёзилган маҳаллий одат ҳуқуқининг қатор хусусий ёзувлари пайдо бўлади. Шундай илк ёзувлардан бири Пер де Фонтен томонидан ёзилган "Дўстга маслаҳат" (1253 йилда) ҳисобланади. Бироқ ўрта асрда Франсияда машҳур ва кенг тарқалган одат ҳуқуқи тўплами - **Бовези кутюмлари** (1283 йил атрофида ёзилган) бўлганди. Унинг муаллифи қироллик баляси Филипп де Бомануар ҳисобланади. Бовези кутюмлари гарчи, аввало, Клермонт графлиги (Франсиянинг шимоли-Ғарби) суд округларидан бирининг ёзувига таянган бўлса ҳам, Филипп де Бомануар ўз асарларида бошқа суд округларининг кутюмларига ҳавола қилиб ҳамда каноник ва рим ҳуқуқининг қатор қоидаларини қўшиб, одат ҳуқуқининг анча кенг тафсилини берди. Тўплам муқаддима ва 70 та бобдан иборат бўлиб, гарчи унда ҳуқуқий материал тизимга солинмаган ва бир бутун, яхлит тарзда баён қилинмаган бўлса ҳам, ҳуқуқнинг турли масалалари (суд ва суд жараёнининг ташкил этилиши, турли тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ер егаликларининг ҳуқуқий режими ва бошқалар) бўйича катта миқдордаги кутюмлар мужассамлаштирилган еди. Бовези кутюмлари ҳуқуқий одатларни нафақат маҳаллий аҳоли учун, балки давлат ҳокимияти учун ҳам қатъийлиги тамойилини - "Қиролнинг ўзи одатларга амал қилиши ва бошқаларни бу одатларга риоя этишга мажбурлаши лозим" лигини мустаҳкамлади.

Бовези кутюмларидан кейин шу каби бошқа бир қанча тўпламлар пайдо бўлади. Булар: **Тулузга кутюмлари** (1296 йилда),

Бретанининг қа-димги кутюми (1330 йилда) кабилар еди. Айниқса, 1389 йилда тузилган **Франсиянинг катта кутюмлар тўплами** судларда жуда юқори нуфузда фойдаланилган. 1454 йилда Карл ВІІ махсус ордонанс чиқариб, барча баляларга ўз баляжларидаги кутюмларнинг ягона тўпламларини ишлаб чиқиш ва уларни умумлаштириш учун Париж парламентига жўнатиш ҳақида буйруқ беради. Бу буйруқ асосида XVI асрда 60 та "катта" кутюмлар тўпламлари ва 200 тага яқин "кичик" кутюмлар тўпламлари тузилган ва таҳрир қилинган еди.

Кутюмлар тўпламларининг тузилиши одат ҳуқуқининг хилмахиллигини тугатмай, уни тўхтатиб қўйишига ёрдам берди. Таҳрир қилинган кутюмлар қонун ега бўлган бир қатор сифатларни: қатъийлик, барқарорлик, ўзгармаслик, доимиийлик кабиларни ўз ичига оларди. Бироқ, гарчи, уларни таҳрир қилиш қи-рол ҳокимияти буйруғи билан амалга оширилганлиги уларнинг давлат томони-дан санкцияланишини англатса ҳам, уларга қонун сифатида қаралмаган.

Қайта ишланган кўринишдаги кутюмлар қироат билан баён етишда ҳам анча қулай еди. Шунинг учун XVII-XVIII асрларда кутюмларни ва алоҳида ҳуқуқий институтлар бўйича суд қарорларини бир хиллаштиришга ва шу тариқа ягона умумфрансуз ҳуқуқи ташкил етиш Ғоясини асослашга ҳаракат қилувчи қатор йирик асарлар пайдо бўлади. Буларга Лвуазелнинг, Домнинг, Потенинг асарларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Франсиянинг жанубида рим ҳуқуқи аста-секин ҳуқуқининг енг муҳим манбаи бўлиб қолган. Галлияга рим ҳуқуқининг таъсири Юлий Сезарнинг босқинчи-лик юришлари вақтидаёқ келиб чиқсан еди. У ўз мавқеини асрлар даво-мида сақлаб қолган, бироқ аста-секин ўзига хос **галло-рим ҳуқуқига** ай-ланган еди. Галло-рим ҳуқуқи Юстинианнинг Византия кодификатсиясига емас, Феодосия қонунчилигининг соддалаштирилган нақллари (ривоятлари) га ва вестгот қироли Алларик томонидан тузилган рим ҳуқуқининг варварлаш-ган тўпламига таянади. Франсуз юристлари бунда қадимги матнлардаги сўз ёки иборалар шарҳини, изоҳини бериш методларидан фойдаланиб, рим ҳу-қуқининг ушбу ёдгорликларини шарҳлаган ва ўз фаолиятларини глоссатор-ларнинг машҳур италян мактабини ташкил етишгача кенгайтириб юборган едилар. Бироқ рим ҳуқуқининг Франсияда ҳақиқий қайта тикланиши XІІІ асрдан мамлакатнинг жанубида бошланганди. Бу, аввало, Юстинианнинг рим ҳуқуқи учун

йўл очувчи глоссаторлар¹⁸ мактабининг фаол фаолияти билан боғлиқ еди. Бу мактабнинг таниқли вакилларидан бири - Платсетин ХИИ аср бошида Монтпеле университетида Рим ҳуқуқини (ҳаммадан аввал Юстиниан Дигесталарини) ўқитишни ташкил қилган. Сўнгра Франсиянинг бошқа университетларида ҳам юридик факултетлар очила бошланган.

Франсуз профессор-глоссаторлари томонидан фойдаланилган метод худди шу мактабнинг италиялик асосчилари томонидан қўлланилган метод-нинг ўзи еди. Франсуз профессор-глоссаторлари Юстиниан Дигесталарини шарҳлаб, уларнинг матнига шарҳ ва тушунтириш (глосса) лар киритишган. Булар ҳам ўз навбатида ўрганилиб, умумлаштирилган ва шарҳланган. Шу тариқа вужудга келган ва глоссаторлар томонидан тушунтирилган рим ҳуқуқи Франсияга "олимлар ҳуқуқи" сифатида киритилган, у қироллик судлари амалиётидан узоқда бўлиб қолган.

Франсияда қирол ҳокимиятининг рим ҳуқуқига муносабати "икки юзлама" характерга ега еди. Бир томондан, қироллар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун рим оммавий ҳуқуқининг кўпгина формуласига¹⁹ ҳавола етиб, легистлардан давлат аппаратида фойдаланишган. Бироқ, бошқа томондан, рим ҳуқуқининг қонунлаштирилишини рим-герман императорлари-нинг олийлигини тан олиш деб тушуниш мумкин еди. Шунинг учун қирол Филипп Август, ҳатто Париж университетида рим ҳуқуқини (гарчи у қироллик доменларининг бошқа университетларида ўрганилишида давом етган бўлса ҳам) ўқитишни тақиқлаган. Париж университетида рим ҳуқуқини ўқитишга расман 1679 йилда қирол Лудовик ХИВ даврида рухсат берилган еди.

Франсуз қироллари рим ҳуқуқининг ақидапарастлик аҳамиятини тан олиб, уни амалиётда қўллашни чеклаган едилар. Лудовик Муқаддас (ХИИ аср-да) уни франсуз қироллигига мажбурий емас деб қарор чиқаради. Филипп Жасур одат ҳуқуқи мамлакатида амалиётдаги юристлар томонидан рим ҳуқуқидан фойдаланишни тақиқлади. Жанубда еса рим ҳуқуқи қирол ҳокимияти томони-дан (Филипп Чиройли даврида 1312 йилдан бошлаб) "ёзилган одатларнинг" ўзига хос тури сифатида тан олинган. Шундан Франсиянинг жануби дастлаб одат ҳуқуқи мамлакати ҳисобланиб,

¹⁸ Glossatorlar - qadimgi matnlardagi so`z yoki iboralar izohini, sharhini ishlab chiquvchilar.

¹⁹ Formula – lotincha so`zdan olingan bo`lib, biror fikr yoki qoidaning qisqa va aniq ta'rif, ifodasi

фақат ХИВ асрдан бошлаб уни "ёзма ҳуқуқ мамлакати" деб аташ мустаҳкамланади. Шундай бўлса ҳам Фран-сиянинг бу икки худудий ҳуқуқий массивлари ўртасидаги чегара чизиқлари ҳеч қачон мутлақ аниқ ва шартсиз бўлмаган.

Жанубда аста-секин маҳаллий ҳуқуқий одатлар тушкунликка учраб, рим ҳуқуқи умумий ҳуқуқ сифатида тан олинади ва суд амалиётига кириб келади. ХИВ-ХV асрларда бу жараён ёзилмаган ҳуқуқ мамлакатига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Гарчанд бу ерда рим ҳуқуқи фақат ёзма идрок ва ҳуқуқнинг қўшимча манбаи сифатида қўрилган бўлса ҳам, кутюмларга уларни тахир қилиш ва ёзиш давомида муҳим таъсир ўтказган. Бунга парламентнинг фаолияти қўмаклашган. Парламентларда бу вақтда пост-глоссаторлар (бартолистлар) катта нуфуздан фойдаланганлар. Схоластика²⁰ усулидан фойдаланишда ва рим ҳуқуқининг умумий тамойилларини шаклланти-ришда таниқли италян постглоссатори Бартолнинг издошлари Орлеан универси-тетининг профессорлари де Ревини ва де Белпарш алоҳида рол ўйнаганлар. Франсуз бартолистлари рим ҳуқуқини ўрта аср жамияти шароитларига, яъни суд амалиёти (тажрибаси) еҳтиёжларига мослаштирганлар. Рим ҳуқуқи матнларидан ҳуқуқнинг умумий тамойилларини олиб чиқсан бартолистларнинг таъсири кейинги асрларда ҳам акс етган. Масалан, бундан хусусан 1748 йилда таниқли юрист Поте томонидан чиқарилган Пандектлар ҳам далолат беради.

XVI асрда Франсияда гуманистлар мактаби деб ном олган рим ҳу-қуқи мактаби ташкил топади. Бу мактабнинг вакиллари Уйғониш даври Фо-яларини акс еттириб постглоссаторларга хос бўлган схоластика ва дедук-сия²¹ усулларини рад етганлар. Агар бартолистлар рим ҳуқуқини амалий еҳти-ёжлар учун ўрганган бўлсалар, юрист-гуманистлар esa уни шундайлиги-ча, ўз ҳолиша олиб, бунда тарихийлик усулидан фойдаланган ҳолда ўргана бошлайдилар. Бу усул Франсияга дастлаб Авинонда, сўнгра (1529-1550 йилларда) Буже университетида ўқитувчилик қилган италян профессори Алсиат томонидан киритилган еди. У рим ҳуқуқининг асл матнини, ҳақиқий моҳиятини ўрнатиш ва уларнинг ўзини вужудга келтирган тарихий шароитга боғлаш зарур деб ҳисоблаган. Юрист-гуманистлар Бужеда антик фалсафа, тарих нафис санъат бўйича мутахассисларни жалб қилган ҳолда маънавий марказ ташкил етишган. Улар Юстиниан

²⁰ Sxolastika – cherkovning diniy aqidalarini nazariy asoslashsga qaratilgan quruq safsatadan iborat o`rta asrlar falsafasi.

²¹ Deduksiya – umumiy holatdan xususiy xulosalarga kelish, xususiy hulosalar chiqarish.

кодификатсияси, XII жадвал қонунлари ва бошқа қадимги рим ҳуқуқшунослигини ўрганишни анча юқори илмий даражага қўйишганди. Бу мактабда "романистлар князи" деб тан олинган Жак Кул-ятсий (1522-1590 йиллар) анча машхур еди. Унинг асарлари асосан Юсти-ниан кодификатсиясида берилган рим юристлари ишларидан парчаларга шарҳ-лардан иборат бўлган. Жак Кулятсий қўшимча ва қайта топилган ҳужжат-ларни (Улпиандан, Феодосия кодексидан ва бошқалардан) жалб қилиб, аслида бўлмаган ва нотўғи айтилган матнларни йўқотган ва ҳақиқий рим матн-ларини тиклаганди. Бу йўналишда гуманистлар мактабининг бошқа таниқли вакили Жак Годефрей катта ишларни амалга оширганди. У тарихий методдан фойдаланиб, интерполятсияларни²² аниқлаб ва бекор қилиб, император Феодо-сия кодексини илгариги ҳолатига келтиради. Рим ҳуқуқини илмий ўрганишга йўналтирилган юрист-гуманистлар суд амалиётига таъсир ўtkazmagانлар, шунинг учун XVII-XVIII асрларда яна бартолистлар мавқеига ўрин бў-шатиб беришган. Лекин уларнинг асарлари инқилобдан кейинги Франсия қо-нунчилигига рим ҳуқуқи тузилмаларидан янада фойдаланиш учун негиз бўлиб хизмат қиласди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ўрта асрларда рим ҳуқуқи фақат ҳаракатдаги ҳуқуқнинг енг муҳим манбаи сифатидагина емас, балки шаклланаётган миллий ҳуқуқий маданиятнинг таркибий елементи сифатида ҳам майдонга чиққанди.

Ҳуқуқнинг муҳим манбалари қаторига мамлакатнинг бутун ҳудудида тенг даражада ҳаракатда бўлган **каноник ҳуқуқ меъёрлари** ҳам кирган. Черковнинг ўз ичидаги фойдаланиши учун хусусий юридик тизимини ташкил этиш ҳуқуқи Рим империясида ва франклар монархиясида ҳам тан олинган-ди. Ана шу ердан Франсияга каноник ҳуқуқ ўтиб келган. Каноник ҳу-қуқ ўзининг енг юксак чўққисига XII-XIII асрларда чиққанди. Бу вақт-да черков трибуналарининг компетенсиялари кенгайиб, улар ҳам диний, ҳам дунёвий аҳоли устидан ўз юрисдикцияларини кенгайтирганлар. Кейинги аср-ларда қирол ҳокимиятининг ўз суд ваколатларини мустаҳкамлаш учун олиб борган кучли кураши давомида Франсияда каноник ҳуқуқнинг ҳаракат доираси қисқара бошлаган. 1539 йилги қироллик ордонанси черков судлари-нинг клириклар (бутхона ходимлари, руҳонийлар)га емас, дунёвий шахслар-га тегишли ишларни қўришини тақиқлаган. Бу вақтга келиб қирол қиролликда танҳо ҳокимиятни амалга оширади, деган қоида ўрнатилган, шунинг учун рим папаларининг

²² Interpolyatsiya – ko`chiruvchi va tarjimon tomonidan kiritilgan, o`zgartirilgan so`z va qo`shimcha.

декретлари ва черков йиғинларининг қарорлари фран-сузлар учун мажбурий бўлмаган. Абсолутизмнинг ташкил топиши даврида қиролнинг ваколатлари доирасига каноник ҳуқуқ меъёрларига мажбурийлик (қонун) кучини бериш ҳуқуқи ҳам киритилган. Охир оқибатда Франсияда каноник ҳуқуқ ҳаракати асосига қўйидаги тамойиллар қўйилган.

Ўрта асрларда ишлаб чиқилган ва каноник ҳуқуқ тўпламига киритилган ески каноник ҳуқуқка нисбатан презумпсия²³ ҳаракатда бўлган. Бунга кўра, ески каноник ҳуқуқ қирол ҳокимияти томонидан еътиrozсиз тан олинган. Фақат Бонифатий ВІІ ва Филипп Чиройли ўртасидаги жанжал кескинлашган даврда еълон қилинган "Олтинчи китоб"нинг юридик кучи тортишувли бўлиб қолганди.

Черков томонидан қабул қилинган каноник ҳуқуқ меъёрлари кано-ник қонунлар тўпламида тасдиқлангандан сўнг (1582 йилда) енди маҳсус қироллик санксиясини (розилигини) талаб қилган. Амалда қирол судлари фақат қирол ёрликлари билан расман промулгатсия²⁴ қилинган черков тўпламлари-нинг ва рим папаларининг ҳужжатларини еътиборга ола бошлаган едилар. Бундан ташқари, бундай ёрликлар парламентларда рўйхатдан ўтказилиши лозим еди. Масалан, 1516 йилги папа булласи²⁵ кўринишида еълон қилинган Боло-ния конкордати фақат унинг матнига маҳсус қироллик ёрлиғи киритилгандан ва Париж парламентида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг Франсияда мажбу-рий кучга ега бўлиб қолганди. Ана шундай юридик тартибот шарофати туфайли баъзи черков қарорлари (масалан, Третен собори қарорлари) тўлиқ ҳажмда ҳаракатга киритилмаган. Каноник ҳуқуқ меъёрларини қўллашга қирол ҳокимиятининг аралашуви шунга олиб келган едики, алоҳида черков канонлари²⁶ (айниқса оила-никоҳ муносабатларига бағишланган XXIV канон) кўпгина миллий хусусиятлари билан ҳаракатда бўлганди.

Ўрта асрларда **шахар ҳуқуқи** ҳам катта аҳамиятга ега еди. Унга ўзига хос одат ҳуқуқи сифатида қаралган. Шахар ҳуқуқи ўзининг хилма-хиллиги билан ажralиб турган, лекин унинг умумий белгилари ҳам бўлганди. Шахар ҳуқуқининг асосий манбай шахар хартиялари ҳисобланган. Шахар хартиялари меъёрий ҳарактерга ега

²³ Prezumpsiya – ehtimol tutish, faraz qilish.

²⁴ Promulgatsiya - qonunlar va xalqaro shartnomalarni belgilangan tartibda davlat ichida e'lon qilish.

²⁵ Bulla – o`rta asrlarda Rim papalari tomonidan yuboriladigan noma yoki farmoyish. Ba'zan imperator yorlig'i ham bulla deb ataladi.

²⁶ Kanon – xristianlarda diniy qonun-qoidalalar. Kanonik huquq deb ham shunga nisbatan ishlataladi.

бўлиб, шаҳар аҳолисининг қирол билан ёки алоҳида сенорлар билан келишувини акс еттирган. Хартияларда ва уларга асосланган шаҳарларнинг ички регламентларида тинчликни ва тартибни сақлаш назарда тутилган, феодал одат ҳуқуқи билан ҳимоя қилинмаган фуқаро-ларнинг муҳим ҳуқуқи ва еркинликлари (шаҳарликларнинг яшаш ва мулк ҳуқуқи, турар-жой дахлсизлиги ва бошқалар) тан олинган, савдо, ҳунар-мандчилик фаолияти тартибга солинган.

Ички ва, айниқса, халқаро савдонинг аста-секин ривожланиши маҳаллий партикуляр²⁷ характерга ега бўлган шаҳар ҳуқуқининг аниқ камчилик-ларини ошкор етган. Шунинг учун XII асрдан бошлаб савдогарлар ўртаси-даги муносабатларда италян ва испан шаҳарлари (Пиза, Барселона ва бош-қалар)дан ёзиб олинган, денгиз ва савдо одатлари тўпламларидан ўзлашти-риб олинган халқаро денгиз ва савдо ҳуқуқи меъёрларидан фойдаланила бошланган. Вакт ўтиши билан бундай тўпламлар Франсияда ҳам тузила бошланади. Уларнинг ичида XIII асрда тузилган савдо ва денгиз одатлари Реестри (рўйхати, рўйхатлар дафтари) анча машҳур еди. У Олеронда тузи-либ, Франсия ва Англияning кўп порт шаҳарларида қўлланилган. Қирол ҳо-кимиятининг мустаҳкамланиб бориши билан бошқа ҳуқуқ манбалари ичида **қиролларнинг қонун ҳужжатлари:** низомлар, ордонанслар, едиктлар, буйруқлар, декларатсиялар ва бошқалар жуда муҳим ўрин егаллаган. Филипп Чиройли-дан бошлаб (XIII аср охири - XIX аср) қирол ҳужжатлари кўпроқ ордонанслар деб атала бошланди. XVII асрнинг иккинчи ярмигача қирол қонунчилиги тизимга солинганлиги ва ундағи материалнинг гуруҳлаштирилмаганлиги билан ажралиб турмади. Ордонанс кўпинча бир неча соҳани ўз ичига олган. Масалан, 1566 йилги Мулен ордонанси ипотекаларга²⁸, суд далилларига, про-вансиялар губернаторларининг ваколатларига тааллуқли меъёрларни ўз ичига олган еди. Қироллик қонунчилиги кўпинча декларативлиги (тантаналилиги) би-лан ажралиб турган. Бу еса уларни судларида қўллашда доимо қийинчи-ликларни туғдиради.

XVI асрнинг ўртасига келиб қиролларнинг ордонанслари шунчалик кўпайиб кетган еди, Генерал штатлар қиролдан қонунчиликдаги англашил-мовчиликларни ва қарама-қаршиликларни

²⁷ **Partikulyarizm** – lotincha particule so'zidan olinib, “bo'lak”, “kichraymoq” degani. O'rta asrlarda bir davlat doirasidagi provinsiyalar, knazliklar va shaharlar huquqiy tizimining zinchligi va xilma-xilligiga nisbatan partikulyarizm deyilgan.

²⁸ **Ipoteka** - qo`zg`almas mulkni garovga olib beriladigan qarz yoki shunday qarz olish uchun garovga qo`yilgan mulk.

бартараф етиш мақсадида кодифи-катсия қилишни бир неча марта талаб қилған. Шу муносабат билан таниқли юрист Бриссон томонидан ҳаракатдаги қироллик қонунларидан тузилған кенг компилятсия²⁹ (қурама асар) тайёрланған. У Генрих III кодекси номи билан маълум бўлиб, 1587 йилда ҳуқуқий асар сифатида еълон қилинган ва судларда катта нуфузга ега бўлган. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда, айниқса, қирол Лудовик ХІВ даврида кодификатсия ишлари анча юқори даражага кўтарилади. Колбер раҳбарлиги остида қонунларни ислоҳ қилиш бўйича маҳсус Кенгаш тузилған. Бу вақтда катта ордонанслар деб аталувчи кўпгина қироллик қонунлари чиқарилади. Улар мазмунан жиноят ҳуқуқи ва жараёни, савдо ва денгиз ҳуқуқи, васиятлар ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида ҳуқуқий меъёрларни кодификатсия қилған. Бироқ нисбатан унча катта бўлмаган ижтимоий муносабатларга дахлдор бўлган, асосан оммавий тартиб билан боғлиқ қироллик қонунлари франсуз ҳуқуқини тизимга sola олмас еди.

Ўрта асрларда франсуз ҳуқуқининг қўшимча ва нисбатан унча аҳамиятга ега бўлмаган манбаи сифатида **парламентларнинг**, айниқса, **Париж парламентининг суд тажрибаси** майдонга чиқади. Кўпгина маса-лалар, хусусан, кутюмларни қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича, ало-ҳида ишлар юзасидан чиқарилган парламент қарорлари меъёрий-мажбурий кучга ега еди.

Feodallarning yerga egalik huquqi

Келиб еркин дехқонлар ер егалиги ва бошқа шакллардаги аллод егаликлар тўлиқ йўқолиб кетганди. Феод асосий ва ягона ер мулкчилиги сифатида ўрнатилганди.

Франсияда ҳуқуқнинг феодал асоси шунда яққол қўринадики, ҳуқуқ дворянлар ва руҳоний-ларнинг ерга нисбатан қатъий имтиёзларини мустаҳкамлайди. XII асрга

деган тамойил қарор топган еди. Қирол ҳокимиятининг кучайиши билан легистлар ва қирол судялари мамлакатдаги бутун ерлар қирол номидан ушлаб турилади деган тамойилдан келиб чиқдилар.

Франсияда ерга егалик ҳуқуқининг бошқа соф феодал белгиси унинг бўлинниб кетганлигига еди. Коида бўйича, ер бир шахснинг чекланмаган мулки бўлмаган, балки турли даражаларда турувчи икки ёки ундан ортиқ феодаллар мулки сифатида майдонга чиқсан.

²⁹ Kompilyatsiya – o‘z fikr-mulohazalari bo`lmay, boshqa asarlardan qurama qilib yozilgan asar. Qonunlarning juz’iy yoki maxsus to`plami.

Мулк ҳуқуқининг бўлиниб кетганлигини айниқса глоссаторлар юридик жиҳатдан асослаб берганлар. Дастрлаб улар вассалларнинг ерга егалик ҳуқуқини ер участкасидан фойдаланиш ва ҳосил олиш ҳуқуқи сифатида классик рим қоидаси (формуласи) (жус утенди ас фруенди) ёрдамида белгилаганлар. Лекин кейинроқ улар рим ҳуқуқининг классик тамойилларидан воз кечиб, бир ашёning ўзига бир вақтда бир неча мулк ҳуқуқининг мавжудлиги ҳақидаги янги қоидани тузадилар. Сенорнинг "тўҒридан-тўҒри мулк ҳуқуқи" тан олинган (доминиум дирестум), вассалнинг еса "фойдали мулк ҳуқуқи" (доминиум утиле) тан олинган.

Бу шуни англатардики, вассалнинг дехқонларни турли йиҒимлар олиш йўли билан експлуататсия қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланади. Сенор ернинг олий егаси сифатида чиқиб, маълум маъмурӣ-суд ҳуқуқларини ва ўтказил-ган ер участкасидан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Сенордан ер олган вассал бу ерни арер вассалга ўтказиш учун XII асргача сенорнинг розилиги олиниши лозимлиги талаб қилинар еди. Кейин-чалик у мустақил амалга оширилиши мумкин бўлди, лекин бунда одат ҳуқуқида назарда тутилган тақиқларга риоя етиш лозим еди. Қоида бўйича, кутюмлар арер-вассалларга сенордан олинган феоднинг 1/3 қисмидан 1/2 қисмигача миқдорини ўтказишга рухсат беради. Бироқ XIII асрдан сенорнинг, сўнгра еса қиролнинг розилигисиз черковларнинг ер егалигини ўтказиш тақиқланган, зеро, бунда "леннинг³⁰ жонсизлантирилиши" содир бўл-ган еди. Шу тариқа мулкнинг олий егаси бундай ерларини йўқотиб борган. Черков ҳарбий хизмат ўташ мажбуриятига ега бўлмай, ерни тобора ўз қўлида мустаҳкамлар еди.

Ер егасининг кўчмас мулкка оид ҳуқуқлари хусусий емас, балки оила-уруғ ҳуқуқи сифатида қўрилган. Шунинг учун уруғ ерларига егалик қилиш қариндош-уруғлар томонидан назоратга олинар еди. XIII асрга қадар ер егасининг ерни сотиши учун қариндош-уруғларининг розилиги талаб қилинарди. Кейинчалик бу талаб бироз юмшатилган, лекин қариндошлар оила мулкини бир йил-у бир кун ичида қайта сотиб олиш (ретрак) ҳуқуқини сақлаб қолганлар. Агар оила бошлиғи вафот етса ва унинг болалари бўлмаса, оила мулки оиласа қайси шажара бўйича келиб тушган бўлса, ўша шажарага қайтарилган.

³⁰ Len – o`rta asrlarda feodal tomonidan o`z vassallariga berilgan yer-suv; mulk va undan olinadigan soliq, o`lpon.

Одат ҳуқуқи мамлакатида ерга егалик ҳуқуқининг ўзига хос кўри-ниши (конструксияси) ишлаб чиқилган. Бу ердаги кутюмлар бошқача, махсус егалик ҳуқуқи (сезина)ни тан олган. Сезина - сенорга қарашли ерга егалик қилишни билдиради. Бироқ сезина анъанавий ҳуқуқ деб тан олинар ва мулк сифатида суд орқали муҳофаза қилинарди. Амалда сезина феод шаклини олиши ва вассалга инвеститура йўли билан ўтказилиши мумкин еди. Ерга егалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига егалик муддатининг ўрнатилиши муносабати билан турғун характер касб етган. Дастрраб одат ҳуқуқи бунинг учун қисқа муддат (бир йил ва бир кун) назарда тутган. Кейинчалик еса бу муддат 10 йилдан 30 йилгача узайтирилди. Феодал ер егалиги ҳуқуқининг ўзига хослиги, шунингдек, дехқонларнинг егалик қилиш ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқлиги билан ҳам характерланади. Бу ҳуқуқлар чеклан-ган, лекин доимий еди. Даставвал дехқон ўз чек ерини сенорнинг розили-гисиз бегоналаштира олмасди. Бироқ сенор ҳам, ҳатто, шахсий қарам сервни ўзбошимчалик билан ердан ҳайдаб юбора олмасди.

ХИИ асрдан бошлаб **сензива** дехқонларнинг ерга егалик қилишининг асосий шакли бўлиб қолади. Сензива егаси шахсий мажбуриятлардан озод етилиб, ерни тасарруф етишда катта еркинлик олди. Бироқ дехқонларнинг ерга нисбатан ҳуқуқи илгаригидек сенорнинг ер егалиги ҳуқуқининг ҳосиласи сифа-тида кўриларди. Шунинг учун ҳам дехқон хўжалиги турли феодал йиғим-ларни елкасида оғир юқ сифатида кўтариб туришга мажбур етилган еди.

Ўз дехқонларидан кун сайин ўсиб бораётган рентани олишга интила-ётган сенорлар ҳам, шунингдек, дехқон хўжаликларидан соликлар ундириб турган қирол ҳокимияти ҳам сензитарийларнинг егалик ҳуқуқлари кенгайтири-лишидан манфаатдор еилар. Шу сабабли дехқон (айниқса, мутлақ якка ҳокимлик даврида) ўз сензивасини сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш ёки бошқа йўл билан бирорга ўтказиш ҳуқуқларини олган. Бироқ, бунда дехқон ер егаси билан тегишлича ҳисоб-китоб қилиши ва ўрнатилган тсензни ўз вақтида тўлаши лозим еди. Қироллик юристлари, хазина манфаатларидан келиб чиқиб, сензивани деярли тўлиқ мулк деб ҳисобланиши лозимлиги ҳақидаги тезисни асослаб чиқдилар. Зоро, уларнинг тасдиқлашларича, расман фақат мулқдан қироллик соликлари - талялар олиниши мумкин еди. Бунда улар сенор мулки билан сензива ўртасидаги фарқни, хусусан, сенорнинг сенз ва бошқа йиғимлар, яъни феодал рента олишдан иборат азалий ва абадий ҳуку-

қини таъкидлашни ҳам унутмадилар. 1789 йилги инқилобга қадар ерга нисба-тан феодал мулкчилик ҳуқуқи дәхқонларнинг жамоа ерларидан фойдаланиш ҳуқуқлари билан ҳам уйғунлашиб (қўшилиб) кетган еди. Чунончи, чор-ва боқиш, ўтин тайёрлаш учун жамоа мулки (ўрмонлар, ўтлоқлар ва бошқалар)дан фойдаланиш, шунингдек, жамоа аъзоларининг бирорнинг ер участкасидан ҳосил йиғишириб олингандан сўнг қолган бошоқ, сомон ва ҳоказоларни йиғишириб олиш ҳуқуқлари назарда тутилган.

XVI асрдан бошлаб дастлабки капитал жамғариш жараёни жамоа ерлари тақдирига сезиларли равища таъсир қила бошлади. Франсуз дворянлари товар-пул муносабатларига муқаррар тарзда тортилдилар, лекин Англияда бўлганидек тсензитарийларни ер мулкларидан ҳайдаб юбора олмадилар. Шу туфайли франсуз дворянлари жамоа ер-мулкларини талон-тарож қилиш сиё-сатини жуда фаол юритдилар. Қирол ҳокимияти хазина манфаатларидан келиб чиқиб, даставвал жамоа ерларининг егаллаб олинишига тўсқинлик қилди. Бироқ Лудовик ХИВ даврида маҳсус фармон чиқарилиб, унга кўра, дворянлар хазинага маълум микдорда ҳак тўлаш шарти билан дәхқонлар жамоасига қарашли ерларнинг учдан бир қисмини олиб қўйишлари мумкин еди. Ҳақиқатда еса жамоа ерларининг учдан икки қисми, баъзан ундан ҳам кўпроғи олиб қўйиларди. Фақат шаҳарларда ер мулкчилиги асосан патритсий-бюргерларнинг юқори қисми қўлида тўпланиб, рим ҳуқуқи таъсирида ўз ҳуқуқий режими бўйича баъзи муносабатларда чекланмаган хусу-сий мулкчиликка яқинлашди.

Феодал хўжаликнинг маҳдудлилик
характери ва мамлакатнинг ҳудудий тарқоқлиги

Majburiyat huquqi узоқ вақтгача товар-пул муносабатларининг ва демак, шартнома ҳукуқининг ривожига тўсқинлик қиласиди. Бироқ ўрта асрнинг сўнгги босқичи даврида ва капитализм вужудга келиши арафасида ҳам, гарчи шартнома муносабатлари кенг тарқалган бўлишига қарамай, у ўзида феодализм қолдиқларини сақлаб қолган еди.

Ҳукуқнинг феодал характери, ҳатто, олди-сотди шартномасида ҳам намоён бўлган. Илк даврларда ашёларни, айниқса кўчмас мулкни сотиш тантанали шаклда амалга ошириларди. Бу шартноманинг қатъийлигини таъминлаши лозим еди. XIX асрдан бошлаб, айниқса Рим ҳуқуқи таъсири ендиликда тобора сезилиб бораётган мамлакатнинг жанубида муҳим олди-сотди битимлари ёзма шаклда

тузила бошланди, кейинроқ еса нотариуслар томонидан тасдиқланадиган ҳам бўлди. Бундай битимларнинг матни кўпин-ча ягона шакллардаги кўринишда майдонга чиқсан. Чунончи, со-тувчи "ҳалол ва қора ниятсиз" еканини, сотилаётган ашё унга мерос бўйича қолганлигини ёхуд 30 йиллик ҳалол егалик қилиш натижасида (ёки егалик қилиб туришнинг бошқача муддати орқали) ўтганлигини, сотилган ашё харидордан бегонаштирилган бўлса (евиксия қилинса - қонунга му-вофиқ олиб қўйилса), жавобгарликни ўз зиммасига олишини ва ҳоказоларни маҳсус кўрсатиб ўтарди. Дастреб нафақат сотиб олинган ашёнинг нархини тўлаш, балки сотилган ашёни ўтказиш ҳам лозим еди. ХІІІ асрдан еса, савдо муносабатлари ривожлана боргани сари бундай шартнома томонлар уни тузган пайтдан бошлаб вужудга келган ҳисобланарди ва ҳали тайёрланмаган ашёлар ҳам шартнома обьекти бўлиши мумкин еди.

Одат ҳуқуқида ернинг олди-сотди шартномаси айниқса, батафсил тарти-бга солинганди. Сенор вассал томонидан сотилаётган феодни сотиб олишда доимо устувор ҳуқуққа, шунингдек, сотувчининг қариндошлари сингари сотилган ерни кутюмларда белгиланганд муддат мобайнида қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига ега еди. Вақт ўтиши билан келгусидаги оилавий можаролар-нинг олдини олиш мақсадида нотариуслар кўчмас мулкни сотиш шарт-номасини расмийлаштиришда сотувчининг оила аъзоларининг, жумладан, 14 ёшга тўлган болаларнинг ҳам иштирок етишларини талаб қила бошлаган.

Капиталистик муносабатларнинг туғилиши ва феодал хўжаликнинг инқирозга юз тутиши натижасида дворянларнинг сенорийларини ва дехқонлар-нинг ерларини (сензиваларни) сотиш одатий ҳолга айланган еди. XVII асрдан еътиборан буржуазия, аввало, шаҳарлар атрофидаги дворянларнинг ерларини бажонидил сотиб ола бошлаганлар. Улар бундай ерларда янги хўжалик методларини жорий қилиш мақсадини емас, балки дехқонлардан феодал рента олиш имкониятига ега бўлишни кўзлар едилар. Кўпинча олди-сотди шартномасининг обьекти ернинг ўзи емас, балки айнан ер билан бўғлиқ рента ҳуқуқлари бўлиб қоларди.

Х-ХІ асрларда ҳали мулк олиш-сотиш нисбатан кам учрайдиган ҳо-диса бўлиб, феодалларнинг обрў-еътиборига тўғри келмайди деб ҳисобланган бир пайтда, ҳадя шартномаси кенг тарқалган еди. Кўпинча бу шарт-нома олди-сотди битимини никоблаган, амалда икки томонлама ва тўловга асосланган бўлиб қолган. Мулкни ҳадя

тариқасида олувчи ҳадя қилувчи-га миннатдорлик белгиси сифатида маълум мулк (от, қурол-яроғ ва бошқа-лар)ни бериш мажбуриятини оларди. Ҳадя шартномасидан, шунингдек, кўпгина кутюмларда назарда тутилган чеклашларни четлаб ўтиш учун ҳам фойдаланилган. Ўз навбатида одат ҳуқуқида ҳадя қилувчи учун, жумладан, уруғ мулкини ҳадя қилиш билан боғлиқ чеклашлар ўрнатилган еди. 1731 йилда ҳадялар ҳақидаги маҳсус қироллик ордонанси чиқарилиб, унга биноан одат ҳуқуқи тартибга солинди ва кодификатсия қилинди. Бунга кўра, агар никоҳ шартномаси билан маҳсус кўрсатилмаган бўлса, бирор кишининг ўлимидан кейинги ҳадялар (ниқобланган васият) тақиқланди.

Мутлақ якка ҳокимлик даврида Франсияда ерларни ижарага бериш (аренда) шартномаси кенг тарқалган. Бундай шартнома қишлоққа капи-талистик муносабатларнинг кириб келишига кўмаклашди. XVI-XVII асрларда кўп дворянлар ўз хўжаликларини ташлаб қўйганлар, ҳайдаладиган ерларидан воз кечганлар, уларни қисмларга бўлиб, маълум тўлов ёки ҳосилнинг бир қисми евазига ижара тариқасида тақсимлаганлар. Бундай шарт-номалар дастлаб бир йилга тузилган, бироқ аста-секин уларнинг амал қилиш муддати бир, икки, уч ва ҳоказо йилларга узайтириб борилган ва, ҳатто, баъзан ижарачининг бутун ҳаёти давомида кучини сақлаб қолган. Дехқонларни бундай шаклда эксплуататсия қилиш дворянларга катта фойда келтирган. Чунки ижара тўловининг миқдори (сенздан фарқли ўлароқ) одатлар билан белгиланмаган ва вақти-вақти билан ошиб бориши мумкин еди. Бундан ташқари, ижарага берилган ерлар, сензива ерлардан фарқ қилиб, шартнома муддати тугагандан сўнг сенорнинг ихтиёрига қайтариларди. Инқилоб арафасидаги даврда буржуазия дворянларнинг ерларини сотиб олиб, тез-тез қисқа муддатли (5-10 йилга) ижарага бериб турди. Ижара муносабатлари борган сари мулкнинг кенг доирасини қамраб ола бошлаган. Кўпинча бойиган дехқонлар ва буржуазия сенорлардан ерларни бир йилга маълум тўловлар евазига ёки бир неча йилга баналитетлар ҳуқуқи билан ёки феодал рентанинг бошқа турлари билан ижарага олардилар.

Ishlab chiqarish va savdoning davlat tomonidan tartibga solinishi

Ўрта асрларда Франсия ҳуқуқида қарз шартномаси муҳим ўринни егаллаган. XII-XIII асрлардаги бир қатор қарз ҳужжатларида қарз шарт-номасининг римча формуласи (митуум) дан фойдаланилган,

лекин у кенг тарқалмаган еди. Каноник ҳукуқ қарз учун фойизлар олишни тақиқларди. Бироқ Франсияда бу вактда енг йирик қарз берувчи черков бўлганлиги сабабли, унинг ўзи бундай тақиқни четлаб ўтиш йўлини топган. Баъзи ҳолларда қарздор кредиторга олдиндан маълум суммани (қарзга олган суммасининг 25 фоизигача) тўлар ва бу фоиз ҳисобланмасди. Бошқа ҳолларда қарздор ўз зиммасига кредиторга даромаднинг маълум қисми кўринишида белгилана-диган рента тўлаш мажбуриятини оларди. Вакт ўтиши билан қарз шартнома-сида ерларни гаровга қўйиш тез-тез қўлланила бошланади. Бунга кўра, қарздор ер участкасини гаровга қўяр, бундай ер участкасидан олин-ган даромад кредиторга келиб тушар ва бу еса қарзни тўлашда ҳеч қандай ҳисобга олинмас еди.

ХІВ-ХV асрлардан бошлаб Франсияда енди шаҳар аъёнлари, суд-хўрлар қарз берувчилар сифатида чиқа бошладилар. Улар гаровга қўйилган ер ёки рента олиш ҳукуқи евазига йирик феодалларга ва ҳатто қиролнинг ўзига ҳам пул қарз берар едилар. Абсолутизм даврида судхўрлик оператсиялари шунчалик кенг тарқалди, натижада бу дворянларнинг умумий норозилигига сабаб бўлди. XVIII асрда маҳсус қироллик ордонанси билан гаровга қўйилган ернинг кредиторга ўтишига олиб келадиган мулкнинг гаровга қўйилиши тақиқланди. Бироқ, ҳали XII асрдан буён, айниқса черковнинг судхўрлик оператсияларида, қарз шартномаси бўйи-ча кафолат учун ипотека (кўчмас мулкни гаровга олиб бериладиган қарз)дан фойдаланиб келинарди. Бунда гаровга қўйилган ер қарздорнинг ўзида қоларди, лекин у ўрнатилган рентани тўлаб туриши лозим еди.

Савдо ва судхўрлик капиталининг ривожланиши, банк опертсияларининг ўсиши савдогарлар, банкирлар, даллол ва бошқаларнинг фаолиятини маҳсус тартибга солишни талаб қилган. Халқаро савдо амалиётини ҳисобга олган ҳолда, 1673 йилда савдо ҳақидаги қироллик ордонанси чиқарилган ва у маз-кур хужжатнинг муаллифи номи билан Савари кодекси деб аталди. 1681 йилда еса денгиз савдоси ҳақида ордонанс чиқарилади. Бу хужжатларда савдогар-ларнинг ҳукукий ҳолати ва савдо ширкатлари ташкил этиш тартиби белгиланган, шунингдек, халқаро ва денгиз савдоси амалиётида ишлаб чиқилган мах-сус институтларга оид меъёрлар, жумладан, вексел, банкротлик, страхование ва бошқалар белгиланган. Шу тариқа Франсияда мулкий муносабатларни тартибга солувчи умумий меъёрлар (фуқаролик ҳукуқи) билан бир қаторда савдо

хуқуқининг алоҳида меъёрлари вужудга кела бошлайди ва оқибатда бу мамлакатда хусусий хуқуқнинг дуализмiga олиб келади.

Ўрта асрларда Франсия ҳуқуқининг феодал характери, шунингдек, савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар томонлама сиқиб, чеклаб қўйилишида ҳам намоён бўлди. Бу қирол хартиялари ва шаҳар ҳуқуқи меъёрларида шаҳар ҳаётининг табақавий корпоратив тузилишининг мустаҳ-камланиши билан тарихан бөғлиқ еди. Ҳунармандчилик сехлари ва савдо-гарлар гилдиялари учун имтиёзлар назарда тутувчи ўрта асрлар ҳуқуқи хусусий тадбиркорлик йўлига ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйиб, шартнома муносабатларидаги еркинликни чеклаб қўярди. Франсиядаги ҳуқуқий тарти-ботлар сехлар ва савдогарларнинг савдо фаолиятигагина емас, балки ишлаб чиқаришнинг ички тизими ва унинг технологиясига ҳам тааллуқли бўлди. Бу хом ашё турлари ва уни қайта ишлаш усулларини, ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот турлари ва тайёр маҳсулотлар сифати ва ҳоказоларнинг батафсил белгиланишида ўз ифодасини топди.

Дастлабки вақтларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, айниқса феодал ўзбошимчаликлар шароитида, ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти учун аниқ ҳуқуқий чегараларнинг ўрнатилиши уларнинг тартибга солинишига ва ҳатто ҳимоя қилинишига кўмаклашди. Бироқ, вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш ва савдо монополиясининг чакана тартиби анча илғор капиталистик муносабатларнинг ривожланиши йўлига тўсиқ бўла бошлади. Айнан шу сабабли XVII асрдан бошлаб Франсияда айрим сехларга қирол қонун ҳужжатлари билан баъзи қўшимча имтиёзлар берилишига қара-май, сех тизими ўз ўрнини монофактура ишлаб чиқаришига бўшатиб, таназзулга юз тутади.

Франсияда монофактураларнинг тез ўсишига абсолютизм даврида ўтказилган ва давлатнинг хўжалик ҳаётга фаол аралашувини назарда тутган меркантилизм ва протексионизм сиёсати ёрдам берди. Протексионизм сиё-сати айниқса XVII асрнинг иккинчи ярмида Ж.Колбер даврида кенг қўлла-нилди. Давлат даромадларини оширишга уриниб, Колбер четдан келадиган маҳсулотларнинг мамлакатга киритилишини чеклади, хом ашёning четга чиқарилишини тақиқлади, тайёр маҳсулотларнинг четга чиқарилишини еса рағбатлантириди ва бу билан Франсияда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун анча қулай шарт-шароитлар яратди. Колбер мануфактура ташкилот-чиларига монопол имкониятлар ўрнатувчи қиролликнинг имтиёзли патентла-рини

берди, уларга давлат субсидияси (ёрдамга бериладиган пул, маблағ-лар)ни тақдим қилди. Ташкил етилган қироллик монофактуралари (инқилоб арафа-сида улар 514 та бўлган) кўпинча заарар келтирадиган бўлиб чиқди. Бироқ, улар Франсияда капиталистик саноатнинг вужудга келишига кўмаклашди.

Халқаро савдо билан шуғулланувчи баъзи савдо компаниялари (Ост-Индия, Вест-Индия, Левантия ва бошқалар) ҳам давлат капитали иштирокида ташкил етилиб, улар хазинага фойдадан ҳисса ажратиб турган. Бу даврда ҳукумат давлат заёмлари тизимидан ҳам фойдаланди ва вақти-вақти билан фоизли давлат облигатсияларини чиқариб туради. Бундай қимматли қоғозларни олувчилар ҳаммадан аввал судхўр буржуазия бўлди. У қиролдан қарз олиб, ўзи учун муҳим имтиёзларни қўлга киритган еди.

Савдо ва саноатнинг соф феодал усуллар билан тартибга солиниши абсолютизмнинг солиқ сиёсатида, жумладан, қўшимча солиқларнинг, масалан, туз, вино сотиш учун солиқларнинг анча оширилганлигида ҳам ўз ифодасини топди. Солиқ зулми деҳқон хўжаликларининг елкасидаги оғир юк еди. У Франсияда савдо-саноат капиталини шакллантириш учун ва айни вақтда буржуазиянинг судхўр ва савдогар доиралари фаолияти учун тўсқинлик қилмоқда еди. Судхўр ва банкирлардан иборат ижаракиларнинг маҳсус компанияси Қирол хазинасига катта миқдорда пул ўтказиб, маълум ҳудудда давлат солиқларини олиш ҳуқуқини қўлга киритардилар. Бу компаниялар ўзларининг хусусий солиқ йиғувчиларига ега едилар. Улар давлатнинг мажбурлов аппаратидан фойдаланиб, аҳолидан ўрнатилган миқдор-дан ортиқча йиғимлар (гарчанд бу амалда расман Ғайриқонуний ҳисоб-ланса ҳам) олар едилар. Откуп³¹ тизими деҳқонларни хонавайрон қилган, ўсиб келаётган буржуазия учун еса оғир юк бўлган. Қирол ҳокимияти алоҳида жанжалли ҳолатларда ҳаддан ошган откупчиклар ("зулуклар") устидан суд жараёнлари ўтказди, вақти-вақти билан (XVI асрнинг охири - XVII аср-нинг бошларида) откуп тажрибасини қўлламай қўйди. Бироқ, умуман откуп тизими 1789 йилги инқилобга қадар гуллаб-яшнади.

Франсияда ишлаб чиқариш ва савдонинг давлат томонидан тартибга солиниши охир-оқибатда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун очик-дан-очик тўсқинлик қила бошлайди, жамиятдаги синфий зиддиятларни кес-кинлаштиради ва ниҳоят, буржуа инқилобини яқинлаштирган омиллардан бири бўлиб қолади.

³¹ Aholidan biror turdag'i yig'im yoki soliq undirish huquqini hukumatdan sotib olish va sotib olingan shunday huquq.

Oila va meros huquqi

Франсияда никоҳ ва оила муносабатлари асо-сан каноник (диний) ҳуқуқ билан тартибга солинарди. XVII-XVII асрларда қирол ҳокимияти никоҳ-оила муносабатлариға давлат таъсирини кучайтириш мақсадида бир қатор фармон-лар (ордонанслар) чиқариб, никоҳ тузишга оид черков меъёрларидан че-кинди. Никоҳ, гарчанд, илгаригидек черков дафтарларида қайд етилса ҳам, енди фақат диний маросим емас, балки фуқаролик ҳолати далолатномаси сифатида ҳам кўрила бошланди. Никоҳ тузишда ота-онанинг розилиги талаб қилинмайдиган ески диний қоида қайта кўриб чиқилди. Ендиликда ота-она хоҳиш-иродасини бузган фарзандлар мерос ҳуқуқидан маҳрум етилиши мумкин еди. Бундан ташқари, XVII асрда ота-оналар уларнинг розилигисиз никоҳ тузган **кюре** (католик руҳонийси) ҳаракати устидан Париж парламентига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини олдилар. Бундай ҳолда каноник ҳуқуқ бўйича никоҳни бузиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, парламент уни ноқонуний тузилган деб еълон қилиши мумкин еди, холос. (Зеро, парла-мент никоҳни ҳақиқий емас деб топа олмасди). Натижада никоҳ юридик оқибатлар чиқармаган.

Ер-хотиннинг шахсий муносабатлари (ернинг ҳукмронлиги, хотиннинг унга сўзсиз итоат етиши, биргалиқда яшаш ва ҳоказолар) ҳам каноник ҳуқуқ билан белгиланган еди. Бироқ оиласда болаларнинг аҳволи ва ер-хотин-нинг мулкий муносабатлари мамлакатнинг шимолий ва жанубий қисмларида турлича бўлган.

Одат ҳуқуқи мамлакатида ота-она ҳокимияти ўзига хос ҳомийлик сифатида кўрилган ва бу асосан болаларнинг вояга етгунига қадар сақла-ниб қолган. Бу ерда, шунингдек, ер-хотин мулкининг умумийлиги ва унинг ер томонидан бошқарилиши тартиби узоқ вақтгача ҳаракатда бўлган. Жанубда рим ҳуқуқи таъсири остида болалар устидан кучли ота ҳокимияти ўрнатилган, лекин ер ва хотин мулкининг алоҳидалилиги тартиби мавжуд еди. Ўрта асрларнинг сўнгги даврида рим ҳуқуқи таъсирида хотиннинг мулк ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқлари қисқарган. Жанубда хотиннинг ер розилигисиз тузган барча битимлари аҳамиятсиз деб тан олинган. Шимолда еса, аксинча, мулкнинг умумийлиги режими мажбурий бўлмай қолди ва ер-хотинга мулкий муносабатларни ўзаро келишув асосида ҳал етишда катта еркинлик берилган.

Бу вақтга келиб, Франсиянинг ҳамма жойида ота-оналарнинг (аввало отанинг) фарзандлар устидан ҳокимияти кучайди.

Фарзандлар рим ҳуқуқида ўрнатилганидек, ота-оналар розилигисиз юридик хатти-ҳаракатларни амалга ошира олмасдилар. Ота қирол маъмуриятига бўйсунмайдиган болаларни турмада саклашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Ўрта асрларда Франсия мерос ҳуқуқида айникса, маёрат институти, яъни ўлган кишининг ер мулки мерос бўйича катта ўғилга ўтказилиши тартиби ҳарактерли еди. Бундай тартиб феодал сенорийларнинг, шунингдек, дехқон хўжаликларининг бўлинниб кетишидан сақлар еди. Меросхўрга ўзи-нинг вояга етмаган укаларига ёрдам бериш, опа-сингилларини ерга бериш мажбурияти юкланган. Франсиянинг жанубида рим ҳуқуқи таъсирида васиятлар кенг тарқалган еди. Бундан айникса руҳонийлар манфаатдор бўларди. Чунки, васият қилган шахснинг васияти (хоҳиш-иродаси)ни ижро етувчиси руҳоний ҳисобланиб, васият қилинган мулкнинг бир қисми черков ихтиёрига ўтарди. Гарчи, шимолда васият еркинлиги қонуний меросхўрлар фойдасига анча чекланган бўлса ҳам, черков таъсири остида васият бор-ган сари одат ҳуқуқига ҳам кириб кела бошлайди. Бироқ, қонуний мерос-хўрларни қандайдир махсус асослар бўлмаса, васият йўли билан меросдан маҳрум қилиш мумкин емас еди.

Jinoyat huquqi

IX-XII асрларда Франсияда асосан илк ўрта асрлардаги жиноятлар ва жазолар тизими ҳаракатда давом етган. Жиноят алоҳида шахсларнинг манфаатларига дахл-дор хатти-ҳаракат (хусусий озор етказиш) сифатида кўрилган. Жазо еса, аввало, хусусий шахсларга етказилган зиённи қоплашга қаратилган бў-либ, ҳали унча қаттиқ ва шафқатсиз кўриниш олмаган еди.

Бироқ, XI-XII асрларга келиб, жиноят ҳуқуқининг феодал белгилари анча тўлиқ намоён бўла бошлади. Жиноят хусусий иш бўлмай қолди. Ендиликда феодал тартиб билан ўрнатилган "тинчликни бузиш"га жиноят деб қарала бошланди. Жиноят ҳуқуқининг айбиз жиноий жавобгарлик, жазоларнинг қаттиқлиги, жиноятлар таркибларининг белгиланмаганлиги каби жиҳатлари ривож-ланди. Агар ҳали, бир томондан, феодаллар ўртасидаги жиноятлар ва жазолар ҳақидаги масала ҳуқуқий одатлар ва феодал шон-шарафлар ҳақидаги тасав-вурлардан келиб чиқиб, "тенглар суди"да кўрилган бўлса, иккинчи томон-дан, сенор ўз ҳокимияти остидаги дехқонлар учун жиноят ишларида бир вақтда ҳам қонун чиқарувчи, ҳам судя еди. У бўйсунмаган дехқон-ларга қарши жиноий

репрессия қўллай оларди. Сенор ўз мажбуриятларини бажармаган дехқонларни ҳам жазолаши мумкин еди.

Давлатнинг аста-секин марказлашуви ва қирол ҳокимиятининг кучайиши билан XIII-XV асрларда сенорлик юрисдиксияси заифлашади ва жиноят ҳуқуқининг ривожланишида қирол қонунларининг роли ошиб боради. Жиноят ҳуқуқи тобора фақат жазо учун қўлланиладиган (репрессив) характер касб ета бошлайди. Оғир жиноятлар сифатида кўриладиган ишлар доираси кенгаяди ва "қироллик ҳолатлари" (қалбаки пул ясаш, одам ўлдириш, номусга тегиш, ўт қўйиш ва ҳ.к.) деб номланадиган туркумга киритилади. Қироллар ўз қонунлари билан каноник ҳуқук меъёrlарини тўлдириб, диний соҳага ҳам фаол аралаша бошлаганлар. Масалан, 1268 йилда ёқ Лудовик IX динни, худони таҳқирлаганлик учун маҳсус жазони назарда тутувчи ордонанс чиқарган. "Ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш" тушунчаси билан боғлиқ қатор янги жиноятлар пайдо бўлган. 1357 йилги Буюк март ордонанси жиноятга "хусусий иш" сифатида қарашга батамом чек қўйили-шига ёрдамлашган. Бунга кўра, жазоларнинг пул тўлаш (жарима) билан алмаштирилиши тақиқланди. Табақалар талаби билан қирол оғир жиноятлар содир етган шахсларни афв етиш ҳуқуқидан маҳрум етилган еди.

1789 йилги инқилобга қадар у ёки бу шахснинг жиноий жавобгарлиги унинг қайси табақага мансублиги билан бевосита боғлиқ еди. Дворянларга фақат алоҳида ҳоллардагина тан жазолари қўлланиларди, бошқа ҳолларда esa бундай жазолар кўпинча жарималар ва мол-мулкни мусодара қилиш билан алмаштириларди. Уларни дорга осиш йўли билан ўлимга маҳкум етишга йўл қўйилмасди. Руҳонийлар учун жиноий жавобгарликнинг алоҳида тизими мавжуд еди. Шу билан бирга шаҳарликлар ва дехқонлар қўзғолонларини бостиришда қонунийлик ҳақидаги ҳар қандай тушунчалар улоқтириб ташла-нар, судда жазо бериш билан суддан ташқари жазо бериш ўртасидаги чегаралар тамомила йўқолиб кетар еди. Чунончи, Жакерия қўзғолонини бостиришда фақат икки ҳафта мобайнида 20 минг киши қатл етилганди.

Ўрта асрларда Франсия жиноят ҳуқуқида объектив айловга, яъни айбизз жиноий жавобгарликка йўл қўйиларди. Чунончи, қироллик қонун-ларида баъзи сиёсий жиноятлар учун шаҳар корпоратсиялари аъзоларининг, шунингдек, жиноятчи оила аъзоларининг, жумладан, унинг болаларининг бир-галиқдаги жавобгарлиги назарда тутиларди. Қонунлар ва кутюмлар умуман

олганда ўз қилмишига жавоб берә олмаслик (ақли норасолик) тушунчасини, яъни кишининг руҳий қасаллиги туфайли ўз хатти-ҳаракати аҳамиятини тушу-нишга қодир емаслигини еътиборга олади. Лекин қатор жиноятлар бўйича, жумладан, "аъло ҳазратларини ҳақорат қилиш" учун ақли норасолар ва вояга етмаганлар ҳам жиноий жавобгарликка тортиларди. Ҳатто жиноятчиларнинг мурдалари, шунингдек, одам ўлдиришга сабаб бўлган ҳайвонлар ва жонсиз нарсалар ҳам жиноий таъқиб остига олинарди.

Абсолутизм даврида қонунлар қиролга, давлатга ва католик черковга қарши қаратилган жиноятлар таркибини алоҳида батафсил ишлаб чиқкан. Шу муносабат билан "ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш" тушунчасига мос келадиган хатти-ҳаракатлар доираси анча кенгайди. Қиролга ёки унинг оила аъзоларига суиқасд қилиш ва давлатга қарши фитна уюштириш енг оғир жиноят ҳисобланган. XVII асрда Ришеле даврида "ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш" сифатида кўриладиган жиноятларнинг "иккинчи поғонаси" яратилди. Бунга қирол министрларига, қироллик қўшинларига қўмондонлик қилувчи-ларга, провинсияларнинг губернаторларига ва бошқа олий қироллик чинов-никларига қарши фитна уюштириш, уруш вақтида хиёнат қилиш, қочоқлик, жосуслик қилиш, қиролликнинг рухсатисиз қалъалар қуриш ва бошқалар кирган.

Диний жиноятлар ҳам турлича еди. Булар худони (динни) таҳқирлаш, муқаддас жойларни ва нарсаларни оёқ ости қилиш, куфрлик, жодугарлик, бидъат (дин ақидаларига хилоф иш, ҳаракат ёки таълимот) билан шуғулланиш ва бошқаларни ўз ичига олган. Бидъат тушунчаси бошқа диний жиноятлар тушунчаси сингари жуда ноаниклиги билан ажralиб турган ва франсуз давлати ривожланишининг турли босқичларида ўзгариб турган. Бидъатчиларни омма-вий суратда таъқиб қилиш Реформатсия даврида, айниқса, Генрих II нинг 1547 йилда барча протестантларни ўтда куйдиришга буюрганидан кейин авжига чиқкан еди. Калвинистлар (гугенотлар)ни қувғин қилиш бу вақтда оммавий судсиз жазолар (1572 йил Варфоломей кечаси 2 минг киши ўлдирилган) да, XVII-XVIII асрлардаги қонли диний урушларда намоён бўлди.

Дастлабки капитал жамғарилиши ва дехқонларнинг оммавий хонавай-рон бўлиши жараёни муносабати билан қирол ордонансларида дайдиларга, ишсизларга қарши маҳсус жиноий репрессия (таъқиб) чоралари назарда тутилади. Бунда албатта аввало

ёлланма меҳнат тизимини яратиш асосий мақсад қилиб олинган еди. Кейинроқ, 1764 йилдаги махсус қироллик ор-донанси билан яшаш учун маблағи бўлмаган шахслар кўп ешкакли кемаларда оғир ишларга жўнатилган.

Жазолар ҳам худди жиноятлар сингари қироллик қонунлари билан аниқ белгиланмаганди. Уларни қўллаш кўп ҳолларда судларнинг хоҳишига, айбланувчининг табақавий аҳволига боғлиқ еди. Ҳукмлар халқ олдида ошкора ижро етиларди. Бунда маҳкумнинг азоб-уқубатлари барча иштирок-чиларда қўрқув туғдириши мақсади қўзланарди. Ўлим жазоси турли шакл-ларда: отга боғлаб бўлакларга бўлиб ташлаш, тўртга бўлиш, ёқиб юбориш ва бошқа шаклларда қўлланган. Жазоларнинг ичида енг кўп қўлланиладигани тана аъзоларига шикаст етказиш ва тан жазолари (тилини кесиш, бармоқларини кесиш, қиздирилган қисқичлар билан қийнаш ва бошқалар) еди. Турмага қамаш жазоси ҳам кенг қўллана бошланган. Бу жазо илк даврларда асосан черков судларида назарда тутилган. Асосий ва қўшимча жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш ҳам қўлланилган. Бу кўпинча, айниқса, буржуазиянинг катта бойлигига тааллуқли бўлса, қирол хазинасига катта фойда келтириб турган.

Франсия жиноят ҳуқуқида ўрта асрларга хос бўлган белги - жазонинг оғирлиги жиноятнинг характеристига тамомила мос келмаслиги яққол намо-ён бўлган. Айниқса, бу қироллик судлари томонидан мол-мулкни мусодара қилишдаги ўзбошимчаликларида янада кўпроқ қўзга ташланар еди. Бу еса ўз навбатида франсуз буржуазиясининг кучли норозилигини туғдириб, XVIII асрда илғор идеологлар томонидан инқилобдан илгариги бутун жиноят ҳуқуки тизимининг танқид қилинишига сабаб бўлди.

Sud jarayoni

XII асрнинг охиригача суд жараёни илгари франкларда бўлгани каби асосан айблов характеристини сақлаб қолган. Суд тўқнашуви кенг тарқалган еди. Бу иккала томоннинг ўзаро розилиги билан ёки томонлардан бири иккинчисини ёлғончиликда айлаган ҳолларда амалга ошириларди. Ҳуқуқий одатларда суд дуелини³² ўтказиш тартиби батафсил ишлаб чиқилган еди.

Сенорлик судларида дехқонлар ишларини кўриб ҳал қилишда XI асрда ёқ анъанавий далиллар билан бир қаторда қийнаш усули ҳам қўлланила бошланди ва суд жараёни ўзининг илгариги тортишувчилик характеристини йўқотган еди. Бу вақтга келиб черков

³² Dvoryanlarning qilichbozlik yoki to`pponchabozlik bilan o`zaro yakkama-yakka olishuvি.

судларида ҳали «рим-католик» деб номланган жараённинг қидиув (инквизитсияга³³ оид) шакли ўрнатилганди. Қидиув жараёни XII асрдан бошлаб аста-секин қиролларнинг ва йирик феодалларнинг судларида ҳам жорий етилганди. XV асргача қидиув ва айблов жараёнлари параллел равища амал қиласарди. Лекин айблов жараёни аста-секин орданиялар ва суд тўқнашувларининг бекор қилиниши билан йўқолиб борди.

Қидиув жараёнининг батамом мустахкамланиши абсолютизмнинг ўрнатилиши натижасида қатор қироллик хужжатлари: 1498 йилги ордонанс, 1539 йилги едикт ва 1670 йилги Катта жиноят ордонансининг чиқарилиши йўли билан содир бўлди. Тўғри, дастлаб бу жараён екстраординар (фавқулодда, Гайриодатий) деб номланган, бироқ айнан ушбу жараён кўп муҳим жиноий ишларда қўлланган. Айнан мазкур даврда кишини турмага қамаш учун фақат қамоқقا олиш ҳақидаги қирол буйруғининг бўм бўш бланкига унинг исми ёзиб қўйилиши (лэттерс де сачет) кифоя қиласарди.

Қидиув жараёнининг биринчи босқичи суриштирув, яъни жиноят ва жиноятчи ҳақидаги дастлабки ва яширин маълумотларни йиғиш еди. Суд иши қироллик прокурорининг айблови, шунингдек, айбланувчи учун маз-муни номаълум бўлиб қолган чақувлар ва шикоятлар асосида қўзғатил-ган. Сўнгра суд терговчиси ёзма далиллар тўплаган, гувоҳлар ва айбланувчини сўроқ қилган, юзлаштириш ўтказган. Қидиув жараёнида айбланувчининг айборлиги назарда тутиларди, шунинг учун қийноқлар қўллаш учун битта гувоҳнинг кўрсатмалари кифоя қиласарди. Қийноқлар усулини қўллашдан асосий мақсад "далиллар сараси"ни, яъни айбланувчидан айбига иқрорликни олишга еришиш еди.

Суд ишлари ёпиқ суд мажлисларида кўриб чиқиласарди. Бундан ташқари, судларда ишни кўришда тергов давомида йиғилган материаллар ҳал қилувчи аҳамиятга ега еди. Шахсан айбга иқрор бўлишдан ташқари, иккита "ишончга сазовор" гувоҳларнинг кўрсатмалари, айбланувчининг ўз хат-лари, жиноят содир етилган жойда тузилган баённомалар ва бошқалар ҳам айбланувчининг айбини исботловчи тўлақонли далиллар бўлиб ҳисобланган. Гарчанд 1670 йилги ордонанс далилларни оқловчи ва айбловчи далилларга

³³ **Inkvizitsiya** – katolik cherkovning asoratiga qarshi kishilarni ta'qib va sud qilish uchun XIII-XIX asrlarda ta'sis etilgan sud-politsiya tashkiloti; qiynoq, azoblash degan so`zlardan olingan.

бўлишни назарда тутган бўлса-да, суд асосий еътиборни айнан кейингилариға қаратарди. Агар айбловчи далиллар етарлича бўлмаса, судя қўшимча қийновлар ўтказишга қўрсатма бериши мумкин еди. ХПИ асртагача ҳукмлар қатъий ҳисобланган ва улар устидан шикоят қилиш мумкин емас еди. Судяларнинг қароридан норози бўлган шахс уларни суд тўқнашувларига чақириши ва навбатма-навбат уларнинг ҳар бири билан урушиши мумкин бўлган. Юқори турувчи сюзерен судига фақат "ҳуқуқ-да хато бўлган" ҳолда шикоят қилиш мумкин еди.

ХПИ асрдан бошлаб аста-секин сенорлик судининг ҳар қандай қарори устидан қироллик судига шикоят қилиш ҳуқуқи тан олинади. Ўз навбатида қироллик судларида анча юқорироқ турган инстантсияга апеллятсия билан мурожаат қилишга йўл қўйилади. Вакт ўтиши билан Париж парламенти фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий апеллятсион суд бўлиб қолган. Франсияда, айниқса, инқилоб арафасида кўп сонли апеллятсион инстантсия-ларнинг мавжудлиги суд жараёнларининг узоққа чўзилишига ва жуда қимматга тушишига сабаб бўларди.

ИВ БОБ. ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (ИХ асрнинг ўртаси - XVIII аср)

- *Германия давлатининг ташкил топиши, ривожланиш хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари.*
- *Илк феодал монархияси. «Герман миллатининг муқаддас Рим империяси» (Х-XIII асрлар).*
- *Германияда курф-юристлар олигархияси ва табақавакиллик монархияси даври (XIII-XVII асрлар)да ижтимоий-сиёсий тузумда юз берган ўзгаришлар.*
- *«Князлик абсолютизми» даврида (XVII-XVIII асрларда) Германия.*
- *Ўрта асрларда Германияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.*

1. Германия давлатининг ташкил топиши, ривожланиш хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари

843 йилда Верден шаҳрида бўлган тақсимотга мувофиқ «Шарқий Франк ерлари» - бўлғуси Германия худуди Лудовик Немисга ўтди. Аслида бу ерлар бир неча қабилавий князликларнинг ерлари еди. Бу вактда мамлакатнинг миллий бирлиги тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин емас еди. Герсогликлар шимолдан жанубга қараб қуидагича тартибда жойлашган еди: Саксония, Франкония, Швабия (илгариgi Аллемания), Бовария. Бирмунча кейинроқ бориб Ғарбда жойлашган бешинчи бир герсоглик - Лотарингия Франсиядан тортиб олинди ва Германия таркибиغا киритилди. Шунингдек, қатор франсуз, италян ва славян ерлари - Бургундия, Шимо-лий Италия, Богемия, Австрия ва бошқалар ҳам тез орада Германияга қўшиб олинди. Шу тариқа вақтинча нисбатан ягона Германия қироллиги ташкил топди. Дастлаб бу қироллик «Шарқий франклар қироллиги», X аср ўрталарида еса Тевтонлар давлати деб аталган. Бу давлат кейинроқ - XI асрдан Германия деб юритила бошланди.

Ўрта асрларда Германия давлати ва ҳуқуқнинг ташкил топиши ва ривожланишида, шунингдек, герман феодализмининг ўзига хос бир қанча хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин³⁴:

1. Германия давлати уруғдошлиқ тузумининг емирилиши натижасида пайдо бўлмасдан, балки ўрта асрларда феодализмни ўз

³⁴ **Bu haqda qarang:** Muqimov Z. Chet mamlakatlar davlati va huquqi tarixi. Qadimgi dunyo hamda o`rta asrlar davlati va huquqi tarixi.I qism. O`quv qo`llanmasi.– Samarqand SamDU nashri, 1992.-99-100-betlar.

бошидан кечи-раётган давлат - франклар давлатининг инқирози (бўлиниб кетиши) натижасида, унинг бир қисмида ташкил топди.

2. Германияда жамоа - марка славянлар ва франклардагига нисбатан анча турғун бўлиб, дехқонларни қарамликка ташлаш жараёни анча узоқ вактга чўзилган.

3. Германияда товар-пул муносабатларининг барвақт ривожланиши ишлаб чиқаришнинг натуранал характерини бирданига бузиб ташламади. Герман князликларининг нотекис иқтисодий ривожланиши сезилиб турди. Лекин бу ерда феодализм суст ривожланган бўлса-да, XI-XII асрларда жамиятнинг феодаллашиш жараёни ниҳоясига етиб, асосий синфлар - ер егалари ва улар-га қарам дехқонлар шаклланган еди.

4. Ижтимоий тузуми бўйича Германия аҳолиси жуда табақалашиб кетган еди. Масалан, ҳукмрон табақа - ритсарларнинг³⁵ ўзи 7 та даражада туради.

5. ХІВ асрга келиб, агарда Англия ва Франсия давлатларида сиёсий тарқоқлик тугатилиб, марказлашув рўй бераётган бўлса, Германияда бунинг тескари жараёни - сиёсий тарқоқлик кучаяётган еди. Бунинг асосий сабаби Германияда ўзига хос табақа-вакиллик ҳокимлигининг вужудга келганлигида еди. Ўрта асрларда Германия давлатининг ташкил топиши ва ривожланишида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

6. Илк феодал монархияси даври (Х-ХІІІ асрлар).

7. Курфюрстлар олигархияси ҳамда табақа-вакиллик монархияси даври (ХІВ-ХVІІІ асрлар).

8. Герман қироллеклари абсолютизм даври (ХVІІІ-ХVІІІІ асрлар).

Бироқ, давлат ва ҳуқуқ тарихи фанида баъзи олимлар ўрта асрларда Германия давлати тарихини бошқачароқ тарзда ҳам даврларга бўлиб ўрганадилар. Жумладан, москвалик ҳуқуқшунос олим С.В.Чиркин уни қуйидагича иккита катта даврга бўлиб ўрганишни тавсия етади:

1. Германия империяси доирасида нисбатан марказлашган ilk феодал монархияси давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши даври (Х-ХІІ асрлар).

³⁵ Ritsar – nemis tilidan olingen so`z bo`lib, o`rta asrlar Yevropasida harbiy-dvoyanlar tabaqasiga mansub bo`lgan feodal, og`ir qurollangan jangchi. Ritsarlar dubulg`a va sovut kiyganlar, ularning otlariga ham sovut kiydirilgan. Jang vaqtida ikki tomonlama tig`li qilich va nayzadan foydalanganlar.

2. Германияда ҳудудий тарқоқлик ва герман князликлари - давлатларининг ривожланиши даври (ХII аср-ХIX асрнинг боши)³⁶.

Бизнингча, ўрта асрларда Европа давлатлари ривожланишининг уму-мий қонуниятларини, хусусан уларда монархиянинг ривожланиш босқич-ларини ҳисобга олганда Германия давлати тарихини юқоридагида уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Илк феодал монархияси. «Герман миллатининг муқаддас Рим империяси» (Х-ХII асрлар)

Германия давлати ХI-ХII асрларда нисбатан ягона давлат бўлиб турган. ХII асрдан еътиборан бу ерда ҳам сиёсий тарқоқлик жараёни бошланди. Бироқ бу жараён бошқа мамлакатлардан, жумладан, Франсиядан фарқли ўлароқ, орқага қайтмас характер касб етган. Бунинг еса қатор тарихий-сиёсий шарт-шароитлари мавжуд еди. Уларнинг ичида ташқи сиёсий омиллар муҳим ўрин тутган. Герман феодалларининг асосий йўна-лишда - шарқда славянлар ва венгерларга қарши, жанубда Италияга қарши олиб борган босқинчилик юришлари герман герсогликларининг сунъий (но-мига) бирлашишларига олиб келган.

**“German millatining
muqaddas Rim
imperiyasi” ning
tashkil topishi**

Маълумки, Германияда X асрларда худди Франсиядаги сингари бир неча муста-қил давлатлар (вилоятлар) ташкил топиб, улар фақат расмий жиҳатдангина қирол ҳокимиятини тан олар еди. Зоро, қироллар бу вақтда ҳали уруғдошлиқ тузуми давридан бери одат ҳуқуқи асосида сайланиб қўйилар еди. Фақат Оттон I даври (936-973 йиллар)дан бошлаб бу тартиб ўзгарган. Оттон I отаси Генрих I нинг қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш сиёсатини давом еттириди. У, даставвал бошқа герсоглар устидан назоратни кучайтириди, бунинг учун никоҳ ва бошқа қариндошлиқ алоқаларидан фойдаланди. Қирол таъсирини бутун мамлакатга ёйишнинг иккинчи бир усули епископлик тизими бўлди. Оттон черков билан дўстона алоқа боғлади. У епископларга кенг миқёсда иммунитет ҳуқуқлар берди ва уларга жуда кўплаб ерлар улашди. Шу билан бирга, у епископларни ҳам ўзи тайинларди. Черков ерларидан келадиган даромадлардан қирол хазинасига кўпдан-кўп ҳиссалар ажратилди. Шундай қилиб,

³⁶ **Qarang:** История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.-М.:Издательство НОРМА, 1996.-240-bet.

Германияда черков манфаатлари билан давлат манфаатлари бирбирига чатишиб кетди. Германиянинг турли вилоятларидаги епископлар маҳаллий князларга-герсогларга еътибор бермай, бевосита қиролга бўйсун-дилар. Шу билан бир вақтда епископларнинг қиролга тобелиги уларнинг Рим папасига деярли бўйсунмай қўйишига олиб келди.

Оттон И ҳам отаси каби агрессив ташқи сиёsat юритиб, славянлар ва венгерларни ўз таъсирига олди, уларни христианлаштира бошлади. Лекин у асо-сий еътиборни Италияга қаратган еди, чунки Италия герман императорлари-нинг «дунёга ҳоким бўлиш» режаларида асосий ўрин тутар еди. Оттон И дастлаб 951 йилда Италиянинг Павия шахрини босиб олди, шимолий Италия княzlаридан бир нечтасини тор-мор қилиб,Provанс билан Италия қироли Ло-тарнинг бева қолган хотини қиролича Аделгейдага уйланди. Германиянинг шимолий Италияга таъсири ва герман қиролининг Италия сиёsatи ҳам шундан бошланди.

961 йилда Оттон Италияга яна юриш қилди. Бу сафар Оттонни папа Иоанн XIIning ўзи ёрдамга чақирган еди, чунки папага унинг вас-саллари - рим баронлари хавф solaётган еди. Карл Буюк ўлгандан кейин қу-чайган ва IX асрнинг ўрталарида диний ҳокимиятни дунёвий ҳокимият-дан устун туради³⁷ деган назарияни кўтариб чиқсан папаликнинг ўзи енди Италияда феодаллашув жараёнининг янада кучайиши муносабати билан қаттиқ инқирозга учраб, қирол ҳокимиятининг ёрдамига муҳтоҷ бўлиб қолган еди. Оттон И Рим феодалларини бостириб, папани тахтга ўтказди. Бун-га миннатдорчилик билдириб папа 962 йилнинг бошида Оттонга императорлик тожини кийгизди. Шундай қилиб, янги «империя тикланди». Шу нарса харак-терлики, илгари Карл Буюк бўлгани сингари, бу сафар Оттон ҳам Рим импера-тори деб еълон қилинди. Янги империяга «Муқаддас Рим империяси» деб ном берилди. Шундан кейин герман императорлари ўзларини рим сезарлари (императорлари)нинг ворислари деб хисоблай бошладилар. Фақат кейинроқ бо-риб, XII асрдагина бу иборага икки сўз қўшилиб, «Герман миллатининг му-қаддас Рим империяси»³⁸ деб аталадиган бўлди ва бу ном 1806 йилгача сақланиб қолди. «Муқаддас» деб аталишининг асосий сабаби шунда едики, давлатнинг тепасида

³⁷ Bu nazariyaning ifodachisi papa Nikolay I (858-867 yillard) bo`lgan edi.

³⁸ Rasmiy hujjatlarda va yozishmalarda german imperatori «Rim qiroli» deb ham atalar edi.

расман император ва папа турган. Амалда еса бутун ҳокимият император қўлида тўпланган еди.

Герман императорлари аслида ана шу вақтдан еътиборан дунёга ҳукмронликни даъво қила бошлаганлар. Ҳатто айрим ҳуқуқшунослар гер-ман императорларини «жаҳон ҳукмронлари» деб атаб, бундай даъвони наза-рий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Болония ҳуқуқ мак-табидан Фридрих Барбаросса Германиядан бошқа Европа мамлакатлари-нинг қироллари салтанатнинг бўлакларигагина ҳукмронлик қилишлари мумкин деб даъво қилган. Бу тарихий анъанадан кейинчалик, иккинчи жаҳон уруши арафасида фашистлар ўзларининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳақидаги режаларида фойдаландилар.

Ijtimoiy tuzumi

X-XII асрларда Германия иқтисодий жиҳатдан Европа мамлакатлари ичида қолоқ давлатлардан бири еди. Бу ерда феодал муносабатлар Франсияга нисбатан анча кеч - XI асрдан ривожлана бошлади. Феодализмнинг ривожланиши турли герман герсоглик-ларида жуда нотекис суратда кечди. Айни пайтда уруғдошлиқ тузумининг қол-диқлари мустаҳкам сақланиб қолди. Масалан, Саксонияда аҳоли ески қабила-чилик одатларига қаттиқ амал қиласарди. Германияда жамоаларга-маркаларга уюшган еркин дехқонлар узоқ вақтгача ўз мустақил-ликларини сақлаб кел-дилар. Крепостнойлаштириш йўлидаги уринишларга дех-қонлар катта қўзғолонлар кўтариш билан жавоб бердилар. Шундай катта қўзғолонлардан бири, масалан, 841-842 йилларда ёқ Саксонияда бўлиб, у «Стеллинг» деган ном билан машҳур бўлган еди. Бу қўзғолон дехқон жамоаларининг иттифоқ бў-либ, ески мажусийлик байроғи остида иш кўрган еди. Бу иттифоқ ҳам келгинди франк зодогонларига, ҳам маҳаллий сакс зодогонларига қаратилган еди.

Рим таъсирини ўтказишнинг, жумладан, хусусий мулкчиликнинг ва ерга биркитиб қўйиб шахсий қарам қилишнинг янги шаклларини киритиш Рейннинг нариги томонида анча секин амалга оширилмоқда еди. Бироқ, XI асрларга келиб бу ерда ҳам феодаллашув жараёни анча муваффақият қо-зонди. Марка, яъни жамоа тушкунликка юз тутди. Катта дунёвий ва чер-ков ер егалари тобора кўп ерларни ўз қўлига ола борди. Хусусий мулк-чиликнинг ривожланиши натижасида ер қўлдан-қўлга ўта бошлади. Дехқонларнинг бир қисми ўз еридан ажралиб, феодал ер егаларига қарам бўлиб қол-ди. Коммендатсия, яъни ўзини кудратли қўшнисининг, йирик ер егасининг ҳомийлигига топшириши, иммунитет, яъни ер егасининг давлат функцияла-рини олиб бориши ва биринчи навбатда

теварак-атрофдаги ахолини суд қилиши, Рейн бўйидаги черков ерларида (асосан Франконияда) жуда ҳам авж олиб кетган прекарийлик муносабатлари X-XI асрларда Рейннинг нариги томонида тобора тез-тез учрайдиган бўлди. Бу жараёнларнинг ҳаммаси шуни қўрсатадики, юз-икки юз йил илгари Ғарбий Франк давлатида феодал муно-сабатлар қандай авж олган бўлса, Германияда ҳам, гарчи кечикиб бўлса-да, шундай авж олди. Германияда катта ер егалигининг авж олишида қирол хазинасига қарашли ерларнинг талонтарож қилиниши катта рол ўйнайди. Кароли-нгларнинг кейинги кучсиз қироллари бу ерларни ўз қўлида сақлаб қололмади.

XI-XII асрларда Германияда жамиятнинг асосий табақалари шакл-ланган. Жамият иккита асосий табақа: ҳарбий-ритсалар ҳамда ўлпон ва солиқлар тўлайдиган дехқонларга ажралган.

Германиянинг кўп сонли урушлар олиб бориши ҳарбийлар - ритсалар табақасининг жипслашувига кўмаклашган. Ритсаларнинг юқори қисмини турли хил наслий ва хизматчи аристократик элементлар ташкил етган. Улардан биринчиси **герсоглар** - қабилавий князлар бўлиб, йирик ер егаларига айлан-ган едилар. Иккинчи туркумдаги йирик ер егалари асосан мансабдор аристо-кратлар - **графлар** даражасидаги шахслар бўлиб, улар маъмурий округларда (графликларда) муҳим дунёвий ва черков мансабларини ўз қўлида тўп-лаган едилар. Шунингдек, қирол чиновниклари - **фогтлар** ҳам йирик ер егала-ри бўлиб, улар черков вотчинарида ҳарбий ва суд функцияларини амалга оширадилар. Германия жамиятининг феодаллаша бориши билан XI-XII аср-лар бўсағасида бу юқори табақаларнинг жипслашуви юз берди. Улар енди-ликда кучли марказий ҳокимиётдан манфаатдор бўлмаган ва ажралиб чи-қишига интилаётган кучларнинг қудратли иттифоқини ташкил ета бордилар. Уларнинг ҳудудий князлар табақасига қўшилиб кетиши содир бўлди. Унга йирик черков магнатлари - «черковларнинг князлари» ҳам киради. Рухо-ний ва дунёвий князларнинг маҳсус табақаси XII асрнинг ўртасига келиб батамом расмийлашди.

Ўрта ва майда ритсалар табақаси майда ер егалари - дворянлардан ва еркин дехқонларнинг юқори қисмидан шаклланди. Германияда табақа-ларнинг ташкил топишида Генрих I Қушбоз (919-936 йиллар)нинг ислоҳотлари муҳим ўрин тутади. Генрих I славянларга ва венгерларга қарши муваффа-қиятли кураш олиб бориш мақсадида еркин дехқонларнинг юқори табақала-ридан, қисман министрлардан олинадиган ритсалар сонини кўпайтиришга

ҳаракат қилди. Унинг ҳарбий ислоҳотига кўра, от миниб уруша оладиган ҳар қандай еркин киши ҳарбийлар (ритсарлар - чавандозлар) табақасига киритилди, бошқа кишилар еса ўлпон тўлайдиганлар табақасига киритилган.

Давлатдаги барча бошқарув ва ҳарбий ишлар ритсарлар қўлида тўпла-ниб борди, ХІІІ асрга келиб ритсарлик ёпиқ табақага айланди ва наслдан-наслга мерос тариқасида ўта бошлади. Ритсарлар ўзларининг мол-мулки, мансабига қараб ранг (мартаба, даражада)ларга бўлинди. Масалан, Саксония вилояти шарқий қисмининг одат ҳуқуқи тўплами - «Саксон зертсалоси»да (ХІІІ асрнинг 20-йилларида тузилган) худди шундай еттига ҳарбий даражалар (ранглар) ажратиб кўрсатилган. Унга кўра, биринчи даражада қирол (импера-тор) турган, иккинчи даражага императорнинг вассаллари - олий мартабали руҳонийлар (епископлар, аббатлар), учинчи даражага императорнинг бево-сита дунёвий вассаллари - князлар, графлар, герсоглар, маркграфлар, ланд-графлар, тўртинчи даражага князларнинг вассаллари, бешинчи даражага «озод жаноблар» - графларнинг вассаллари, олтинчи даражага «озод жаноб-лар»нинг вассаллари ва ниҳоят, еттинчи даражага олтинчи даражадаги ритсарларнинг вассаллари кирган (3-модда, 2-банд).³⁹ Охирги даражадаги ритсарлар ўз вассалларига ега бўлмаган.

Бу вақтда Германияда ўлпон тўлайдиганлар табақасини асосан дехқонлар ташкил етиб, улар ХІІІ асрда икки тоифага: озод дехқонлар ва қарам дехқонларга бўлинган.

«Саксон зертсалоси»да кўрсатилишича, «озод дехқонлар учтурда бўлишган: шеффен кишилар, чинш тўловчилар ва кўчманчилар». Бу-ларнинг барчаси дунёвий судларда тенг даражада иштирок етишлари лозим еди. Шеффен кишилар Франклар давлатидаги скабинларнинг авлодлари бўлиб, қирол буйруғи билан ҳар 18 хафтада граф судида қатнашишлари шарт еди. Чинш тўловчилар ҳукмдорлар ерларини ушлаб туриб, маълум пул мажбуриятлари (чинш) тўлардилар. Улар ҳам иккига бўлинган: улардан баъ-зилари ерларни мерос қилиб қолдириш, сотиш ҳуқуқларига ега бўлса, бош-қалари еса бундай ҳуқуқлардан фойдалана олмаганлар. Кўчманчилар асо-сан ижараги дехқонлар бўлиб, улар ўз ерларига ега бўлмаганлар ва ер егаларидан ерларни вақтинча ишлаб туриш учун ижарага олганлар.

³⁹ **Qarang:** Хрестоматия по Всеобщей истории государства и права. Т.1./ Под ред. К.И. Батыра и Е.В. Поликарповой.-М.:Юристъ , 1996.-285-bet.

Қарам дехқонларга ярим озод литлар, батраклар ва шахсан қарам крепостной дехқонлар кирган.

Германияда салб юришлари бошланиши билан Европанинг бошқа мамлакатларидаги сингари, феодал крепостнойлик қарамлигининг заифлашиши юз берди. Дехқонларнинг бир қисми муайян йиллик чинш тўлаш евазига шахсий мажбуриятлар ўташдан тамомила озод бўлди. Бошқа дехқонлар қарам дехқонлар бўлиб қолаверди, лекин улар ўтайдиган баршиналар камайтирилди, енг оғир оброклар («ўлим» солиғи ва бошқалар) ҳақ тўлаб қутилишга ёки белгиланган маълум бадалларга алмаштирилди. Узоқ-узоқ жойларга юришлар қилиш билан банд бўлган герман феодаллари, одатда, хўжалик билан ўзлари шуғулланмай, доменларини ижарага (арендага) берардилар. Доменларнинг кўпчилик қисми йирик бўлакларга бўлинниб, сўнг ижарага бериларди. Ўрта аср Германиясида бундай йирик ижара меер ижараси деб аталарди, чунки ҳаммадан аввал собиқ крепостной оқсоқоллар - меерлар ижарачи бўлардилар. Шимолий-Ғарбий Германияда (Вестфалия-да) енг кўп тарқалган меер ижараси бадавлат, қисман қолоқ дехқонлар табақасининг ташкил топишига имкон берди. Аммо қишлоқнинг бошқа томонида кам ерли дехқонлар майдонга келиб, улар бой ҳамқишлоқлари учун ишлайдиган батракларга айландилар.

XI-XII асрларда шаҳарлар ривожланиб, озод кишиларнинг маҳсус таба-қаси - шаҳарликлар пайдо бўлди. Улар алоҳида ҳуқуқлардан ва автономия-дан фойдаланишган. Масалан, улар солиқларни жамоа бўлиб тўлашган.

Davlat tuzumi X-XII асрларда Германия нисбатан ягона давлат ҳисобланган. Феодализмнинг кучсиз ривожланиши, ташқи хавф ва дастлабки герман қиролларининг фаол марказлаш-тириш сиёсати натижасида қирол ҳокимияти вақтинча мустаҳкам бўлиб турди, илк феодал монархияси ташкил топди. Дастрраб қирол сайлаб қўйилса ҳам, лекин кейинчалик (Оттон И давридан) у император унвонини қўлга киритди ва бутун олий ҳокимият танҳо унинг қўлида тўпланди.

Мамлакатда олий давлат ҳокимиятининг маркази қирол саройи бўлган. Бу даврда давлат аппарати сарой-вотчина бошқарув тизимидан иборат еди. Қирол саройида қиролнинг оила аъзолари, уларнинг хизматчилари, министрлари ва еркин хизматчилар бўлиб, улар ҳукумат аппаратини ташкил етарди. Бу хизматчилар ва

қиролнинг шахсий хизматкорлари ўртасида аниқ фарқлар йўқ еди. Уларнинг вазифалари, функциялари қисман кўшилиб кетган еди.

Қирол саройида черков ва дунёвий феодалларнинг каттагина қисми доимий хизматда турарди. Уларнинг орасида айниқса **сарой дастурхончиси, камерарий, маршал, капеллан, саройбон, канслер** ва бошқалар ажралиб турарди. **Канслер** - асосий мансабдор шахс бўлиб, у деярли барча бош-қарув ишларини юритган. **Саройбон** (маёрдам) ҳам муҳим аҳамиятга ега бўлиб, сарой ишларини юритарди.

Мамлакатда хизматчилар табақаси министрлардан иборат таркибда бўлиб, уларнинг функциялари факат сарой хизматлари билан чекланмас еди. Мадомики, давлатда бошқа ижроия ҳокимият органлари бўлмаган екан, министрлар ҳукумат ишларини юритишган. Аста-секин улар чиновникларни иккинчи ўринга сиқиб чиқара борган.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида **феодалларнинг съездлари** жуда катта рол ўйнаган. Феодалларнинг съездларида енг муҳим ички ва ташқи сиёсий масалалар ҳал қилинарди. Улар мустақил орган сифатида баъзан қиролларни ҳокимиятдан четлаштирадилар. Уларда қиролнинг ваколатлари белгиланган, қонунлар чиқарилган, папа билан музокаралар олиб борилган, олий давлат мансабдорлари тайинланган, ленлар тақдим қилинган ва ҳоказо. Айнан ана шундай феодалларнинг съездларидан оқибатда рейхстаг келиб чиқсан еди. Бундай съездларда ҳал қилувчи куч енг йирик феодаллар - князлар еди.

XI асрнинг бошида қирол хузурида йирик задогонлар вакилидан иборат кенгаш - **гофтаг** (қироллик кенгаши) ташкил этилган. У император билан биргаликда анча муҳим давлат ишларини ҳал қиласарди.

Германия **маҳаллий бошқаруви** тизимидағи ўзига хос ҳусусиятлардан бири шундай едики, бу ерда узоқ вақт давомида алоҳида қабилавий герсоглар мавжуд бўлиб туради. X-XI асрларда феодал ер егалигининг ўсиши ва мамлакат аҳолисининг етник жипслашуви натижасида илк феодал ташкилотлар тизими емирилди. Герсогликлар ёпиқ сиёсий ташкилотлар бўлмиш худудий князликларга айланди. Князлар деярли тўла сувере-нитетга ега еди ва факат номигагина қиролга итоат етардилар. Феодалларнинг князларга айланиши уларнинг ўз худудлари доирасида бутун ерларга нисбатан олий

хуқуқларининг ўрнатилиши ва иммунитет ва имтиёзларни қўлга киритиши йўли билан амалга оширилди.

XI аср охирига келиб монархиянинг сайлов тамойиллари тантана қилди. Қироллар князлар томонидан сайлаб қўйиладиган бўлди. Кимда-ким қиролни сайлашда иштирок етмаса, у ўзини қирол ҳокимиятидан мустақил деб ҳисоблаган.

Империя қуролли кучлари иккига: империя армияси ва князликлар қўшинлари ажралган. Қироллик (императорлик) қўшини унинг вассаллари томо-нидан тақдим қилинадиган жангчилардан иборат еди. Дунёвий ва диний князлар томонидан тақдим қилинадиган жангчилар сонини император ўрнатган. Шу билан бирга ҳарбий юришларда иштирок етиш шартлари феодал одатлар ва феодаллар съездларининг қарорлари билан ҳам белгиланган.

Армиянинг олий бош қўмондони император бўлган. Феодаллар, шунингдек, империя шаҳарлари қиролга ҳарбий хизмат ўташ мажбурия-тига ега едилар. Қўшинлар феодал егаликлар бўйича жойлаштирилган ва феодаллар қўмондонлиги остида бўлган. Бу асосан графлар ва юзбошилар орқали амалга ошириларди. Оғир қуролланган кавалерия (ритсарлар) армияда ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлган.

XII асрга қадар мамлакатга ташқаридан хужум бўлган пайтларда деҳқонлар ҳам армияга ҳалқ лашкарлари сифатида чақирилиб туриларди. Бироқ, умуман, Германия армияси герман императорларининг «дунёга ҳоким бўлиш» режаларини амалга оширишлари учун хизмат қилган.

Германиянинг **суд тизими** королинглар монархиясидан мерос қилиб олинганди. Император олий судя ҳисобланган. Лекин унинг суд ҳокимияти қисқариб борган. Князлик бошқарувининг шакллана бориши билан импера-торнинг суд ҳокимияти қисқариб, дунёвий ва диний князларнинг суд ҳоки-мияти кенгайиб борган, суд тизими тобора мураккаблашган ва кўп бос-қичли характер касб ета бошлаган. Феодаллар дастлаб ўз крепостной деҳ-қонлари устидан суд қилиш ҳуқуқига ега едилар. Енди еса уларнинг юрисдик-сияси (суд қилиш ҳуқуқи) уларга қарашли ерларда яшовчи барча аҳолига тарқалди. Германияда «тенглар суди» тамойили асосида ҳаракат қилувчи табақа судлари: князлик, графлик, шеффен судлари ва бошқалар мавжуд еди. Феодалларнинг судлари олий ва қуий поғонага бўлинган. Шу-нингдек, черков судлари ҳам мавжуд еди. Шаҳарлар ҳам ўз юрисдик-сиясига ега бўлган. Феодалларга қарам

бўлган шаҳарларда суд сенорлар-нинг вакиллари қўлида еди. Еркинлик хартияларини қўлга киритган шаҳарларда еса шаҳар ҳуқуқи нормалари асосида ҳаракат қилувчи шаҳар судлари айни вақтда шаҳар ҳуқуқининг янада ривожланишига катта хисса қўшганлар. Германияда жойларда ўзини ўзи суд қилиш ва муштумзўрлар суди кенг тарқалган еди. Вассаллар ўз низоларини қурол йўли билан ҳал қилишлари мумкин еди. 1285 йилда Фридрих II ўзини ўзи суд қилишни фақат суд қароридан қаноатланмаган тақдирдагина қонуний еканлигини ўрнатди.

3. Германияда курфюристлар олигархияси ва табақа-вакиллик монархияси даври (ХIII-XVII асрлар)да ижтимоий-сиёсий тузумда юз берган ўзгаришлар

**Ijtimoiy
tuzumdagি
o`zgarishlar**

ХIII-ХIV асрлардан Германия иқтисодий юкса-ла бошлади. Ишлаб чиқарувчи кучлар кўзга кўри-нарли даражада ўсади. Айни замонда, Германияда шаҳарларнинг ривожланиши бу асрларда жуда авж олди. Савдо-саноат тарақкий ета бошлади. Бироқ, мамлакатда товар хўжалиги ривожлана бошланишига қарамай, Германия ҳар қалай тарқоқ ва қолоқ феодал мамлакат бўлиб қолмоқда еди. Герсогликларда ҳам бошқа дунё-вий ва руҳоний князликлар сони кўпаймоқда еди. Император бошқа йирик феодаллар орасида сюзерен, яъни олий сенор бўлиб қолмоқда еди. Йирик феодаллар бу вақтда узил-кесил ворис ҳудудий князларга айланиб бормоқда еди. Маҳаллий товар алоқаларининг ривожланиши уларнинг маҳаллий ҳоким сифатидаги ролини кучайтиарди. Марказий қироллик-императорлик ҳокимияти еса шаҳарлар билан заиф боғланган еди. Маълумки, Франсия ва Англияда шаҳарларнинг қирол ҳокимияти билан сиёсий иттифоқи мавжуд бўлган. Германияда еса шаҳарларнинг қирол ҳокимияти билан бундай сиёсий иттифоқи юзага келмади. Германия қироллари, жумладан, шаҳарларнинг маҳаллий феодалларга қарши олиб борган курашида шаҳарларга бирор-бир жид-дий кўмак берганлари йўқ. Қисман бунга сабаб шуки, немис шаҳарлари сиёсий саҳнага кейинроқ чиқди. Бир қанча ҳолларда ички савдога нисбатан ташқи, қисман транзит савдо-сотиқнинг устунлиги ҳам бу ерда маълум рол ўйнайди. Бироқ Германияда қирол ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқининг йўқлигига асосий сабаб - герман императорларининг агрессив ташқи

сиёсат олиб боришилари еди. Италиядаги урушлар, бой италян шаҳарларининг експлуататсия қилиниши, «дунёга ҳоким бўлиш» режалари, Шарқий Европадаги ва Яқин Шарқдаги босқинчиликлар - мана буларнинг ҳаммаси қироллар - императорларни Германиядаги ички сиёсат вазифалари-дан четга чалғитиб, уларни немис шаҳарлари тақдирига бефарқ қарайдиган қилиб қўйганди. Айни вақтда тугалмас урушлар императорларни йирик ва майда феодалларга (князлар ва ритсарларга) тамомила қарам қилиб қўйди. Чунки императорнинг ҳарбий ресурслари ана шу йирик ва майда феодал-ларнинг ўз зиммаларидағи вассаллик мажбуриятларини бажаришларига буткул боғлиқ еди.

Германияда крепостной ҳуқуқнинг заифлашиши муваққат ҳодиса бўлди. ХИВ асрнинг иккинчи ярмидан еътиборан феодаллар реактсияси майдонга кела бошлаб, у помешчикларнинг барщинани қайтадан тиклаш ҳамда ҳар қандай натурал ва пул йиғимларини кучайтириш йўлидаги урунишларда ифодаланди. Айни вақтда феодаллар жамоа ерлари (алменда)ни босиб олавердилар ва шу тарзда дехқон хўжалиги ресурсларига қаттиқ путур етказдилар.

Елба дарёсининг шарқ томонидаги колонизатсия қилинган славян ерларида истиқомат қилувчи немис дехқонларининг аҳволи анча қулай еди. Дехқон - колонистларнинг катта чек ерларига ега бўлиши ва маҳаллий худудий князларга белгилаб қўйилган тўловларнигина тўлаши Елба дарёсининг бу томонидаги дехқонларга иқтисодий мустақилликни ва шахсий еркинликни узоқ вақтгача сақлаб қолиш имкониятини берди. Бироқ дехқон-лар билан бир қаторда уларнинг қўшниси - помешчик (ритсар ёки дворян-лик унвонини олган шултс⁴⁰) яшар ва хўжалик билан шуғулланарди. Шулс қишлоққа аста-секин ўз таъсирини кучайтира борди.

Помешчиклар дехқонлардан солиқлар ундириш ҳуқуқини князлардан сотиб олардилар, кам қувват дехқонларнинг хўжалик (рўзғор) қийинчилик-ларидан фойдаланар ва турли йўллар билан ўз ер-мулкларини қўпайтирадилар. Дастлабки пайтда 4-6 дехқон гуфига тенг келадиган ритсарлик чек ери XV асрга келганда ўрта ҳисобда 20 гуфгача еди. Шу тариқа Елба дарёсининг бу томонида ҳам крепостной ҳуқуқнинг авж олиши учун шарт-шароит яратилди.

Германияда табака-вакиллик монархияси даврида жойларда князлар-нинг мавқеи жуда ошиб кетди ва улар императордан деярли

⁴⁰ Shuls – Elba daryosining bu tomonida mayda sud huquqlariga ega bo`lgan qishloq oqsoqoli bo`lib, ko`rsatgan xizmati badaliga odatda ikki va uch hissa ortiq chek yer olardi.

мустақил бўлиб қолдилар. Ўрта ҳол дворянлар камайиб кетди. Уларнинг бир қисми князлар-нинг мавқеигача кўтарилиди, бир қисми хонавайрон бўлди, бошқа бир қисми князларга ёки императорга феодал қарамликка тушиб қолди.

Ўқ отиш қуролининг пайдо бўлиши ва ҳарбий ишларнинг такомиллашиб бориши натижасида ритсарлар (чавандозлар)нинг илгариги аҳамияти йўқолди. Феодаллар табақасининг ўзгалар учун бекиқлигига чек қўйилди.

Руҳонийлар ҳолатида ҳам катта ўзгаришлар рўй берган. Шаҳар аҳолиси анча табақалашиб кетди. Дехқонларнинг аҳволи жуда ёмонлашди.

Феодализмнинг ривожланиши жамиятнинг табақа-синфий тузилишида ўзгаришлар ясади. Юқори табақалар - аристократлар ва қуида турувчи дворянлар ўртасида жуда катта фарқ мавжуд еди. Кам сонли дунёвий ва руҳоний феодаллар - курфюрстлар жамиятнинг юқори табақасини ташкил етиб, ўз қўлида жуда катта ер-мулкларни ва бойликларни ушлаб турарди. Ўрта ҳол дворянлар деярли йўқолиб кетганди. ХИВ асрдан бошлаб қуи дворян-ларнинг асосий қисмини министрлар ташкил етган. Улар ҳукмдорларнинг хиз-матчилари сифатида ритсарликка кириш ҳуқуқига ега едилар. Шу тариқа улар еркин бўлиб қолар ва дворянлик унвонини олардилар. Бу жараён ритсарлик-нинг ривожланишига мос келган. Бу вақтда фақат дворянлардан келиб чиқ-қан шахслар ритсар бўлиши мумкин деган қараш батамом расмийлашди. Кейинчалик, капиталистик муносабатларнинг ривожланиши билан ритсарлар ўз аҳамиятини йўқотган, кўпгина ритсарлар хонавайрон бўлган.

Бу даврда немис шаҳарлари уч турга: 1) илгари бевосита қиролнинг вассаллари бўлган империя шаҳарлари; 2) солиқлар тўламайдиган ва тўла ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига ега бўлган шаҳарлар; 3) князликлардаги ва статуси князлар томонидан белгиланадиган шаҳарларга бўлинган. Шаҳарларнинг аҳолиси ўз ижтимоий таркиби бўйича бир хил емасди. Шаҳар аҳолисининг юқори қатламлари - патритсиатни савдогарлар ва ер егалари таш-кил етган. Улардан кейинги поғонада ҳунармандлар турган. Енг қуи звонада еса плебейлар оммаси: шогирдлар, мардикорлар, ёлланиб ишлайдиган кишилар бўлган.

Қишлоқ хўжалигига товар-пул муносабатларининг кириб келиши нати-жасида Германиянинг ижтимоий тузумида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало, дехқонларнинг крепостной

қарамлиги кучсизланганлигига ўз ифодасини топди. Кўпгина дехқонлар шахсий қарамликдан озод бўла бошлади. Анча бойиган дехқонлар феодаллардан йирик ерларни ижарачига олиш ва бунинг учун ижара ҳақини тўлаш имкониятига ега бўлишган еди. Ижрачилар бундай ерларнинг бир қисмини ўзларида хусусий хўжалик юритиш учун қолдирган бўлсалар, бошқа қисмини камбағал дехқонларга ижарага берганлар. Йирик ижарачилар вақт ўтиши билан майда помешчиклар бўлиб қолишли. Шулар билан бир қаторда дехқонларнинг бир қисми еркин емас еди. Улар ер бўйича қарам ва шахсий қарам дехқонларга бўлинганди. Ер бўйича қарам дехқонлар ерга бириктириб қўйилган бўлиб, ердан фойдаланганликлари учун қатъий ўрнатиб қўйилган турли мажбуриятларни ўтаб туришарди. Шахсий қарам дехқонлар зиммасидаги мажбуриятларнинг миқдори еса аниқ ўрнатиб қўйилмаган еди. Бу хўжайнинларининг ўзбошимчалиги ва «иштаҳаси»га боғлиқ еди.

Davlat tuzumi

XIII-XV асрларда Германиянинг сиёсий тузуми Франсия ва Англиянидан фарқли ўлароқ, тарқоқлиги ва император ҳокимиятининг заифлиги билан характерланади. Бу вақтда Германия сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлиб, қўпгина мустақил феадал князликларга бўлинниб кетган еди.

Штауфенлар ҳалокатидан кейин (1268 йилда франсуазлар бу сулоланинг сўнгги вакили Конрадинни асирга олиб, унинг бошини танасидан жудо қилган едилар) Германиядаги императорлик ҳокимияти тамомила орқага кетди. Узоқ фурсат давомида (1254-1273 йилларда) Германияда ҳақиқатда бутун-лай император бўлмади. Германияда марказий ҳокимиятнинг бўлмаслиги мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини буткул тўхтатиб қўйди. Феодалларнинг урушлари мамлакатни хароб қилди.

Шу тариқа бу даврда князларнинг ҳокимияти кучайиб, император ҳокимияти заифлашиб кетди. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик келиб чиқди.

XII аср охириларида Германия амалда еттита енг йирик князлар: учта руҳоний княз - Майнц, Кёльн ва Трир архиепископлари ва тўртта дунёвий княз - Богемия қироли (Чехия қироли), Рейн пфалтсграфи, Саксония герсоги ва Бранденбург маркграфи томонидан идора қилинарди. Улар «Шваб зертсалоси»да айтилганидек, курфюрстлар (сайловчилар) деб аталиб, императорни сайлаб қўярдилар. Курфюрстлар императорни сайлаш ҳуқуқигагина емас, балки уни таҳтдан ағдариб ташлаш ҳуқуқига ҳам едилар.

Бу, кейинчалик, **1356 йилги «Олтин булла»**да ҳам янада мустахкамланди. «Олтин булла» курфюрстларни ўз князлик мулкларида тамомила суверен ҳокимлик ҳуқуқларига егадирлар, деб тан олган еди.

Курфюрстлар, тез орада империя тож-тахтини тассарруф қилиш ҳуқуқ-ларидан батамом фойдаландилар. Карл ИВ нинг ўғли император Ватслав феодалларга қарши курашаётган шаҳарларга кўмак беришга ҳаракат қилганлиги учун князлар 1450 йилда уни таҳтдан ағдардилар⁴¹. Бу сулоланинг иккинчи императори, яъни Карл ИВ нинг бошқа ўғли - Сигзмунд (1410-1437 йиллар) курфюристлар қўлида енди итоатгўй қурол бўлиб қолди.

«Олтин булла»да курфюрстларнинг сони, таркиби ўрнатилиб, ҳар йили курфюристлар съезди чақирилиши кўрсатилган. Унга юқоридаги еттига курфюрстлар кирган. Курфюрстлар ўз молмулкларини, тоғ-кон бойликларига егалик қилиш каби ҳуқуқларини ўзларида сақлаб қолдилар. Курфюрстларга кенг судлов ҳуқуқи ҳам берилиб, улар умумимперия судида қатнашганлар ҳамда дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланганлар. Курфюрстлар аста-секин императорни сайлашда унинг олдига маҳсус шартлар қўя бошлаганлар. Бу шартлар XVI асрдан бошлаб «сайлов капитулятсияси»⁴² деган ном олган. Бунда император курфюрстларнинг шартига кўниб, уларнинг талабларига жавоб берадиган бўлди.

Бу даврда императордан ташқари яна иккита империя муассасаси - **рейхстаг ва империя суди** мавжуд еди.

Вақти-вақти билан йиғилиб турадиган император рейхстагларида ҳам курфюрстлар катта рол ўйнар едилар. Герман шаҳарлари (империя шаҳарлари деб аталадиган шаҳарлар) ҳам ана шу империя тоифа вакилларининг съезд-ларида қатнашардилар. Аммо уларнинг иштироки тўлиқ бўлмасди. Шаҳарлар вакилларининг қарамоғига одатда умумдавлат масалалари топширилмай, балки шаҳарларнинг ўзларига бевосита тааллуқли масалаларгина топшириларди. Йирик феодал-князларга нисбатан майда ритсарларнинг рейхстаглардаги таъсири ҳам жуда оз еди. Майда дворянлар ва дехқонлар рейхстагдаги ўзларининг маҳсус вакилларига ега емас едилар.

⁴¹ Imperatorlik taxtidan ag`darilgan Vatslav Chexiya qiroli bo`lib qolaverdi (1419 yilda vafot etdi).

⁴² **Kapitulatsiya** – lotincha capitulatio, capitulo-shartlashaman, kelishaman degan so`zdan olinib, taslim bo`lish, tiz cho`kish, tengsiz, bir tomonlama imtiyozli shartnoma, tan berish, ma'nolarini anglatadi.

Шу тариқа рейхстаг ХИВ асрдан доимий тузиладиган орган бўлиб қолди. У империя сейми деб ҳам юритилган ва қуидаги учта коллегия: курфюристлар коллегияси; князлар, графлар ва озод ҳукмдорлар коллегияси; шаҳар вакиллари коллегиясидан иборат бўлган. Бу коллегиялар одатда алоҳида-алоҳида йиғилишарди. Фақат тантанали ва фавқулодда ҳолларда бирга-ликда мажлислар ўтказишган (XVII асрдан бошлаб коллегия империя табақалари ёки чинлари деган ном олган еди).

Рейхстаг одатда император томонидан бир йилда икки марта, баъзан еса бир неча йилда бир марта чақириларди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, XI асрнинг бошиданоқ курфюрстлар коллегияси рейхстагни ўз вақтида (ҳар олти ойда) чақирилишини кузатиб туриш ҳуқуқини қўлга киритиб олган еди. Масалалар куриялар бўйича алоҳида-алоҳида муҳокама қилиниб, сўнгра барча курияларнинг умумий йиғилишида охирги қарор чиқариларди.

Рейхстагнинг компетенсияси анча кенг бўлган. У князлар ўртасида тинчлик ўрнатиш, умумимперия қуролли кучларини ташкил этиш, уруш ва тинчлик, бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, умумимперия солиқ ва мажбуриятларини белгилаш, империя ва князликлар доирасида ҳудудий ўзгартишлар қилиш, империя ҳудудини ўзгартириш ва бошқа шу каби масалаларни ҳал қилган. Рейхстаг қарорлари империя таркибига киравчи ўлкаларнинг идоралари томонидан ижрога киритилган. Шу сабабли рейхстаг қарорларининг бажарилиши етарлича қаттиқ бўлмаган. Рейхстаг мажлислари орасидаги даврда император ўз кенгаши аъзолари иштирокида фармонлар чиқариши мумкин еди, лекин улар рейхстаг томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киритиларди.

Император ҳокимияти жуда кучсиз еди. Император доимий умум-империя маблағ ва воситаларига ега емасди. Унда ҳеч қандай реал ҳоки-мият: на умумимперия қўшини, на умумимперия солиқлари, на марка-зий суд ва маъмурий аппарат бор еди. Илк феодал қиролликларда бўлганидек, император ўзига teng бошқа йирик феодаллар ўртасида аввалгича биринчи феодал, қиролни сайлаш ва йиқитиш ҳуқуқига ега бўлган князлар конфедератсиясининг бошлиғи бўлиб қолаверди.

Мамлакат ичida бўлиб турадиган доимий низо ва Ғалаёнлар князлар ва империя шаҳарларини император Максимилиан даврида (1493-1519 йиллар) Германияда император ҳокимиятини мустаҳкамлаш чора-ларини кўришга мажбур етди. Хусусан,

Максимилиан бутун Германия устидан марказий ҳокимиятни кучайтиromoқчи бўлди. У Германияда ҳам марказий муассасалар тузиб, ҳамма табақаларни, шу жумладан йирик феодалларни ҳам бу муассасалар ҳокимияти остига олишга уринди.

1495 йилда Вормусда чақирилган рейхстагда учта муҳим қарорлар қабул қилинган еди. Уларга биноан ерликлар ўртасида абадий тинчлик ўрна-тилган, яъни хусусий урушлар ман етилган; армия ва маъмуриятни ушлаб туриш мақсадида империя еҳтиёжлари учун солик жорий қилинган (бу импе-рия пфенниги деб аталарди); рейхскамергериҳт - империя суди таъсис етилган. Лекин бу қарорлар ўз мақсадига ериша олмаган. Императорнинг доимий солик («империя пули») жорий қилиш ва империянинг доимий армиясини тузиш йўлидаги уринишлари натижа бермади. 1495 йилда тўпланган рейхстаг умумимперия судини тузиш лозим деб топди. Бу суд таркибида князлар кўпчиликни ташкил қилиши керак еди. Князлар ҳарбий ишлар соҳасидаги ислоҳотни ҳам шундай ўтказмоқчи бўлдиларки, мўлжалланган доимий умумимперия қўшини ислоҳот натижасида княз-ларга тобе бўлиб қолиши керак еди. Пул етишмаслигидан Максимилиан Италияда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбора олмади, шу туфайли франсузларнинг XV асрнинг 90-йиллари охиридаги ҳарбий юришлари муваффақиятли бўлиб чиқди.

Император Максимилиан И нинг набираси Карл В (1519-1555 йиллар) ҳам, гарчанд айни вақтда бир йўла бир неча мамлакат (Испания, Германия, Италия, Нидерландия ва бошқаларнинг) қироли бўлса ҳам, император ҳокимиятини кучайтира олмаган. Чунки бундай шароитда Германияда марказлашган сиёсий ҳокимият ўрнатиш қийин еди. Карл В кўпроқ жаҳон давлати тузиш режаси ҳамда Франсия қироли Франсиск И га қарши курашиш масаласи билан банд бўлганлиги туфайли Германиянинг ички ишларига кўп еътибор беролмас еди, шунинг учун у империя ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлай олмади, аксинча, император-лигининг сўнгги йилларида ўз обрўсини анча пасайтириб қўйди.

Хуллас, бу даврда Германияда рейхстаг ва рейхскамергериҳт (империя суди) каби умумимперия органларининг мавжудлиги империя-нинг бирлигини таъминлай олмади. Империянинг доимий армияси йўқ еди.

Маълумки, Германия кўп давлатлардан (князликлардан) иборат еди. Ҳар бир алоҳида давлатда ҳам бир қанча табақалар (диндорлар, ритсарлар ва шаҳарликлар) ҳамда табақа-вакиллик органлари -

лантаглар вужудга келган еди. Лантаглар князликларда князларнинг ҳокимиятини бироз чеклаб турган. Баъзи князликларда мазкур табақалар мажлислариға (лантагларга) еркин дехқонларнинг вакиллари ҳам кирад еди. Лантагларда одатда табақалар учта палатани ташкил етганлар, лекин баъзи ерларда палаталар иккита бўлган - руҳонийлар ва дворянлар биргаликда мажлислар ўтказишган. Вакиллар ўз сайловчиларидан мажбурий мандатлар характерига ега бўлган йўл-йўриқлар (инструксиялар) олишарди. Агар вакиллар бундай инструксиялардан у ёки бу масалани ҳал етиш учун кўрсатмалар топа олмасалар, у ҳолда яна ўз сайловчилариға тегишилича кўрсатмалар олиш учун мурожаат қиласидилар.

Лантагларнинг компетенсияси турли даврларда турлича бўлган. Лан-таг князликда маҳсус судларнинг ташкил етилгунига қадар олий суд ҳисоб-ланган. Кейинроқ, маҳсус судлар тузилганидан сўнг лантагларнинг юрис-диксияси ушбу судларнинг ихтиёрига ўтган ва лантаглар қатор князликлар-да бундай судларга нисбатан аппелятсион инстансия бўлиб қолган. Лан-таг, шунингдек, судларнинг компетенсиясига кирмайдиган масалаларни (масалан, сиёсий масалаларни) ҳам ҳал қиласидилар. Лантаглар князликлар кенгашлари таркибини тузишга ва юқори чиновникларни тайинлашга таъсир кўрсатиб, давлатни бошқариш ишларига ҳам аралашганлар.

Лантагларнинг компетенсиясига хукмрон сулолаларда узилиш бўлиб қолган ҳолларда давлат бошлиғини сайлаш, ташқи сиёсат соҳасида баъзи функцияларни амалга ошириш (масалан, қатор герман князликларида уруш ёълон қилиш учун лантагларнинг розилиги талаб қилинарди), баъзи диний ишлар, политсиячилик вазифалари (танга-чака пуллар чиқаришининг сифатлилигини кузатиб туриш, ўрмонларни қўриқлаш ва х.к.), ҳарбий ишлар кирган. Солиқ-ларни овоз бериб тасдиқлаш лантагларнинг енг муҳим ҳуқуқи бўлган. Давлат еҳтиёжларининг ўсиши ва князлар доменларининг камайиши даражасига қараб князларнинг лантагларга тобора тез-тез субсидия⁴³ сўраб мурожаат қилишларига тўғри келган. Лантаг қўшинни ушлаб туриш учун пул маблағлари ажратарди. Бу унга армияни бошқаришда, қалъалар қуришда ва бошқаларда иштирок етишига имконият яратарди.

Шундай қилиб, лантаглар маълум даражада князларнинг ҳокимиятини чеклаб турган ва ўз моҳияти бўйича рейхстагга қараганда кўпроқ та-бақа-вакиллик органи бўлган. Демак,

⁴³ Subsidiya – yordamga beriladigan pul, mablag`; pul bilan beriladigan yordam; pul bilan ta'minlash.

Германияда табақа-вакиллик монархияси бутун империя миқёсида емас, алоҳида князликлар доирасида ривожланган.

Германияда **шахарлар** катта рол ўйнаган. Шаҳарни бошқариш унинг ҳуқуқий ҳолати билан белгиланган. Империя шаҳарлари анча катта мустақилликдан фойдаланганлар. Еркин шаҳарлар империя шаҳарларига яқин ҳуқуқий ҳолатга ега еди. Князликларнинг шаҳарлари кам ҳуқуқ-лардан фойдаланган. ХІІІ-ХІВ асрларда бир қанча шаҳарлар сиёсий еркин-ликларни қўлга киритган ва ўзини ўзи бошқарадиган бўлган. Шаҳарларда қонун чиқариш ҳокимияти шаҳар хўжалигининг алоҳида тармоқлари бўйича комиссиялардан иборат таркибдаги кенгаш томонидан амалга ошириларди. Ижроия ҳокимият бир ёки бир неча бургомистрлар бошчилигидаги магистратга тегишли еди. Кенгаш аъзолари ва бургомистрлар хизматлари евазига давлатдан (бюджетдан) маош олмасдилар. Дастреб бутун шаҳар бошқаруви патритсиат⁴⁴ қўлида тўпланган. ХІВ асрда бир қанча шаҳарларда патритсийларга қарши ҳунармандларнинг чиқишилари («сех инқилоблари») бўлиб ўтган. Баъзи шаҳарларнинг Ғолиб чиқсан ҳунармандлари шаҳар тузумида у ёки бу ўзгаришни амалга оширишга еришганлар. Ҳунармандлар шаҳар кенгашлари таркибиға кирганлар ёки илгариги кенгашнинг таркибида маҳсус коллегия тузганлар. Баъзи шаҳарларда шаҳар қурилиши асосига сех тузуми қўйилган.

ХІВ асрнинг иккинчи ярмида шаҳарларнинг майда ритсалар ва князлар томонидан сиқиб қўйилишига қарши курашиш заруриятидан шаҳарларнинг иттифоқлари вужудга кела бошлаган.

Франклар империясининг емирилиши ва
Sud tuzilishi феодализмнинг ривожланиши ер егаларининг поместеларида **феодал судларнинг** тузилишига олиб келди. Дастреб ер егаси фақат ўз крепостной деҳқони устидан суд қилиш ҳуқуқига ега еди. Бироқ кейинчалик унинг юрисдиксияси ўз ерида яшовчи барча аҳолига тарқатилган. Феодал судлар XVII асрга қадар ташкил топган.

Феодал судлар билан бир қаторда **чеков судлари** ҳам мавжуд еди. Бундай судларнинг юрисдиксияси маълум доирадаги кишиларга (руҳонийлар ва баъзи даражадаги дунёвий кишиларга) ҳамда маълум

⁴⁴ **Patritsiat** – о`рта асрлarda german imperiyasi erkin shaharlarida badavlat byurgerlar aristokratiyasiga mansub bo`lgan, shahar boshqarmasida ustunlik rolini o`ynovchi kishilar, aslzodalar, oqsuyaklar, zodagonlar.

даражадаги ишларга (никоҳлар, диний васиятлар ва бошқалар ҳақидаги ишларга) тадбиқ қилинган.

Учинчи хил кўринишдаги судларни **шаҳар судлари** ташкил етган. Шаҳар судларининг тузилиши алоҳида шаҳарларда турлича бўлган. Баъзи шаҳарларда суд судялар ва маслаҳатчи-шеффенлар томонидан, бошқа шаҳарларда еса шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилган. Кўпчи-лик шаҳарларда судяларни шаҳар жамоаси сайларди.

Князлик ҳокимиятининг мустаҳкамланиши билан князлика **олий суд** ташкил етилган. Округ бошқарувчилари -атаманлар ҳам суд функсия-ларига ега бўлишган. Бундан ташқари, округларда турли-туман компетенсияларга ега бўлган **қуийи судлар** ҳам мавжуд еди.

Вестфалияда **фемлар суди** деб номланадиган маҳсус судловлилик кенг тарқалган еди. Бу ерда еркин аҳолининг кенг қатламлари сақланиб қолган бўлиб, оқибатда суд ишлари «еркин графлар» ва «еркин шеффенлар» томонидан амалга ошириларди. Улар бундай ваколатни феодал князлардан емас, бевосита императордан олар едилар.

Суд ишлари асосан очик мажлисларда ўтказилган. Лекин маҳсус ҳолларда унинг мажлислари ёпиқ бўлган. Баъзи суд ишлари бўйича тергов ҳаракатлари ҳам олиб борилар еди. Ҳукм одатда айбланувчини судга ча-қирмай чиқариларди. Фемлар судларида кўпинча ўлим жазоси тайинланарди. Ҳукм суд аъзоларидан биттаси томонидан ижро етилган. Бундай судлар Вестфалия билан бирга бошқа герман давлатларида ҳам пайдо бўлган еди.

4. «Князлик абсолютизми» даврида (XVII-XVIII асрларда) Германия

ХИБ ва XV асрларда немис саноати бир қанча **Prussiy** муваффақиятларга еришди. Бу вақтда саноатда ҳали асосан сех тузуми устунлик қиласиди. Аммо кон саноатида анча чуқур шахталар ишга солиниши муносабати билан манфактура усули тобора кенгроқ ёйилиб борди. Тўқимачилик саноатида шаҳар атрофидаги ва қишлоқ жойларидаги сехлар билан бир қаторда корчалон капиталистча ишлайдиган хонаки «тарқоқ» мафактура тизими ривожланиб борди. Баъзи жойларда марказлашган мафактура ҳам учраб турарди. XV асрда ва XVI аср бошларида Германия халқаро савдо-сотиқ ишларида катта рол ўйнади. XVI аср бошларида

Германияда жуда катта банк-судхўрлик фирмалари бор еди; бу фирмаларнинг бир қисм маблағлари ишлаб чиқаришда (кўпроқ кон саноатида) банд бўлса, бир қисмини улар императорга ва катта князларга қарзга берардилар.

Умуман, XV асрнинг охири - XVI асрнинг биринчи ярми Германия-нинг иқтисодий юксалиш даври бўлди. Бироқ, бу ердаги иқтисодий юксалиш Англия ва Франсияга қараганда бошқачароқ бўлган. Германиянинг биронта ҳам шаҳари, масалан, Англиядаги Лондонга ўхшаб, мамла-катнинг хўжалик марказига айланмади. Германия иқтисодий жиҳатдан жуда нотекис тараққий қилмоқда еди. Жуда яхши тараққий қилган вилоятлар ва округлар билан бир қаторда мамлакатнинг марказида майда товар сех тузуми ҳукм сурарди. Бу ерда жуда тор доирада савдо олиб борадиган, чет ел савдосида иштирок етиш у ёқда турсин, ҳатто Германиянинг бошқа раёнлари билан мол айирбошлишдан мутлақо четда турган қолоқ вилоят-лар ҳам бор еди. Бу вақтда Англия ва Франсияда савдо ва саноатнинг ривожланиши мамлакатнинг марказлашувига олиб келди. Германияда еса бу жараён алоҳида князлик доирасида юз берди ва сиёсий тарқоқликнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Германия абсолютизмининг ўзига хос хусусияти ҳам ана шу билан тавсифланади. Германияда абсолютизм умумимперия миқёсида емас, XVII асрда ҳар бир герман давлатида ўрнатилган еди. Бу «князлик абсолютизми» деган ном олган.

Германияда абсолют монархиянинг келиб чиқишига XVI-XVII асрларда бўлиб ўтган йирик воқеалар: кенг антикатоликчилик ҳаракати, 1524-1525 йиллардаги дехқонлар уруши ва 1618-1648 йиллардаги 30 йиллик уруш шарт-шароитлар яратган еди. XVI асрнинг иккинчи ярмидаги рефор-матсия⁴⁵ Германияни ҳар жиҳатдан ажратиб ташлаш билан бирга яна бир мазҳабга асос солди. Германия протестант (шимол) ва католик (жануб) қисмларга бўлиниб кетди.

Реформатсия қатор ижтимоий ҳаракатлар билан бирга кечди. Уларнинг ичида айниқса 1524-1525 йиллардаги дехқонлар уруши муҳим аҳамиятга ега бўлди. Бу уруш натижасида руҳонийлар ва дворянларнинг бир қисми ҳамда урушда қатнашган князлик шаҳарларининг аҳолиси хонавайрон бўлди, ўз имтиёзларидан маҳрум етилди ва князларга батамом қарамлик-ка тушди. Кўзғолончилар олдида объектив равишда иккита вазифа: феодал експлуататсияни

⁴⁵ Reformatsiya – XVI asrda G`arbiy Yevropada katolik cherkovi va papa hokimiyatiga qarshi olib borgan diniy shakldagi ijtimoiy siyosiy harakat.

тугатиш ва мамлакатни сиёсий бирлаштириш вазифалари туради. Бу вазифаларнинг ижобий ҳал етилиши Германиянинг буржуа йўлидан ривожланишига ёрдам бериши мумкин еди. Шунинг учун бунда немис бюргерларининг мавқеи ҳал қилувчи аҳамият касб етди. Лекин бюргерлар антифеодал урушга раҳбарлик қилишга қодир емас еди. Дехқонларнинг уруши фақат князлар учун фойда келтирди. Шаҳарларнинг кучсизланиши, дехқон-лар уруши давомида дворянларнинг камайиб кетиши ва бир қисмини княз-лар ҳокимиятидан мадад исташга мажбур бўлиши ҳисобига князлик ҳокимияти кучайиб кетди. Князлар янги протестант руҳонийларни ҳам ўзларига бўйсундирдилар.

Диний шиорлар билан олиб борилган 1618-1648 йиллардаги ўттиз йиллик уруш бир қатор сиёсий вазифаларни ҳал қилди. Шимолий герман князлари император ҳокимиятининг кучайишига ва ягона миллий давлат барпо қилишга қарши курашганлар. Бу курашда князларнинг қўли баланд келган, уларнинг ҳокимияти янада кучайган. Улар император ҳокимияти-дан деярли мустақил бўлиб қолганлар. Вестфалия сулҳида Германиядаги князларнинг олий ҳуқуқлари тан олинди. Улар нафақат ўзаро, шунингдек, бошқа хорижий давлатлар билан ҳам иттифоқлар ва шартномалар тузиш ҳуқуқларига ега бўлдилар. Вестфалия сулҳи Германия давлат тузумидаги партикуляризмнинг тўла тантана қилишига олиб келди. Князликлар ичida князларнинг ҳокимияти кучайишда давом етди.

Шуниси характерлики, Германияда абсолютизм Англия ва Франсия-дагидан фарқ қилиб, сиёсий тарқоқликни мустаҳкамлади. Шу тариқа Герма-нияда абсолютизмнинг прогрессив роли - ижобий даври бўлмади. Князлик абсолютизми мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тарқоқлигини мустаҳ-камлади.

XVII-XVIII асрларда Германия империясининг давлат тузуми деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Император лавозими бор-йўғи фахрий унвон бўлиб қолган еди. Князлар ҳарбий мажбуриятлардан озод бўлиб, императорга ҳеч қандай ўлпонлар тўламас едилар.

Вестфалия сулҳидан кейин рейхстаг деярли ҳеч қандай аҳамиятга ега бўлмай қолди. Империя суди жуда кучсиз бўлиб қолди. Князлар унинг юрисдиксиясидан чиқсан еди. Герман князлари ўз ерларида империядан мутлақо мустақил бўлиб қолдилар. Диндорлар ҳам князлар ҳокимияти остига тушиб қолдилар. Лантаглар деярли чақирилмай қўйди.

Шундай қилиб, XVII асрда герман князликларида абсолютизм ўрнатилган ва у ўзининг қатор хусусиятлари билан бошқа Ғарбий Европа давлатлари, жумладан, Англия ва Франсиядаги абсолют монархиялардан фарқ қилган. Биринчидан, Германияда абсолютизм табақа-вакиллик монархияси сингари бутун империя миқёсида емас, алоҳида князликлар доираси-да вужудга келди. Иккинчидан, Германиядаги князлик абсолютизми феодал реаксиянинг тўла тантана қилиши, унинг буржуа ҳаракати устидан Галабаси ва кучсиз немис буржуазиясининг князлар томонидан бўйсундирилиши ифодаси бўлди. Бу вақтда бошқа мамлакатларда абсолютизмнинг ўрнати-лиши дворянлар ва буржазиянинг кучлари вақтинча баробар бўлиб туриши натижаси бўлган еди.

Кўпдан-кўп герман давлатлари орасида улардан иккита енг иириги - Пруссия ва Австрия XVII-XVIII асрлардаёқ Европа тарихида анча катта рол ўйнади.

XVIII асрга келганда герман давлатлари орасида енг кучайгани Бранденбург маркграфлиги еди. У 1701 йилда Пруссия қироллигига айланди. Шу йили Бранденбург курфюристи Фридрих III (1688-1713 йиллар) империя-нинг халқаро муносабатлардаги қийинчиликларидан фойдаланиб, Испания мероси учун олиб борилган урушда ўзининг иштирок етиши евазига дастлабки шартлардан бири сифатида Пруссия қироли унвонини олган еди. Бранденбург - Пруссия давлати славян ерларини босиб олиш йўли билан ҳамда бошқа немис князликлари ҳисобига ўсиб борди, унинг сиёсий соҳадаги ютуқлари еса император ҳокимиятининг заифлашуви билан бевосита боғланган еди.

Пруссия монархияси XVIII асрда батамом прусс юнкерларининг ҳарбий-политсия давлатига, дворян-крепостникларнинг, прусс юнкерлари-нинг синфий манфаатларига хизмат қиласиган монархия - ҳарбий деспотияга айланди. Айнан шу вақтдан бошлаб «юнкерлар» деган сўз феодал-крепостниклик тузумида буржуазия талабларига ён бериш томон ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши ўзининг феодал ҳукуқлари ва имтиёзларига маҳкам ёпишиб олган енг реаксион дворянлар деган тушунчанинг синоними бўлиб қолган еди.

Пруссия XVIII асрдан абсолют монархия шаклидаги давлатга айланди. Абсолют монархия кучли бошқарув аппаратини, кўп сонли бюрократия ва армияни вужудга келтирди. Пруссияда бошқарувнинг политсия-миршаблик тизими жорий қилинди. Бу ерда фуқароларнинг

хар қандай шахсий ҳуқуқлари тўла инкор етиларди. Прусс қироллари, айниқса, Фридрих II (1740-1786 йиллар) ўз давлат тузумини «маърифатли абсолютизм» ниқоби билан пардалашга ҳаракат қилди.

Пруссия монархиясининг ички сиёсати деярли армия тўғрисида Ғамхўрлик қилишдангина иборат бўлди. Бюрократик идора аппарати шу армиянинг зарур бир қўшимчаси бўлиб, бу аппарат фаолияти тўғри йўл-га қўйилмаса, солиқларнинг муентазам суратда келиб тушишини таъминлаб бўлмас еди. Немис тарихчиларидан бирининг берган баҳосига қараганда, Пруссия амалдорлари аксизлар ундириш, яъни шаҳарликлардан ҳарбий солиқ йиғиш жараёнида ўсиб етишди. Бюрократик аппаратни ақлли ва итоатгўй ижро чилар билан тўлдириш вақтида Фридрих-Вилгелм И индигенат деб аталган қоида билан, яъни маҳаллий дворянларнинг провинсиялардаги лавозимини егаллашга бўлган фавқулодда ҳуқуқи билан ҳисоблашиб ўтирмади. Аксин-ча, бунга қарама-қарши тизим қоида бўлиб қолди, яъни айрим провинсиялардаги амалдорлар давлатнинг бошқа вилоятларидағи дворянлардан, баъзан еса бюргерлардан ҳам олинадиган бўлди. Саройда ва юқори идоралар тепасида одатда дворянлардан бўлган оғитсерлар турар еди.

Пруссияда марказлаштирилган бошқарув ташкил етилган еди. Давлат тепасида қирол турарди. У империянинг курфюристлар коллегияси таркибиға киради. Фридрих-Вилгелм, ҳатто «буюк курфюрист» деган ном олган еди, у кучли ҳарбий-бюрократик монархиянинг асосчиси ҳисобланди.

Қирол хузурида **Яширин кенгаш** мавжуд бўлиб, у давлат бошқарувининг олий органи еди. Бироқ, кейинчалик, Яширин кенгаш учта мустақил: ташқи ишлар, адлия ва ички ишлар департаментлариға бўлиниб кетганидан сўнг олий давлат бошқарув органи бўлмай қолди. Марказий бошқарма 1723 йилдан бошлаб «молия, қўшин ва ер-мулклар олий бош бошқармаси» шаклида ташкил қилинган бўлиб, бевосита қиролга бўйсундирилган еди. Пруссияда ички ишлар департаменти ана шундай номланар еди. Унга алоҳида провинсиялардаги ҳарбий ишларни ва домен хўжалигини юритишни кузатиб турувчи ҳарбий ишлар ва домен палаталари бўйсундирилганди. Мамлакатдаги кенг тармоқли политсия аппарати ҳам ана шу департамент қарамоғида еди. Политсиянинг ўзбошимчалиги шунчалик даражада авж олган еди, қиролнинг буйруғи билан ҳатто Берлин кўчаларида аёлларни, агар уларнинг кўйлаги чет елдан келтирилган газламадан тикилган бўлса,

ечинтирадилар. Қиролнинг шахсан ўзи ҳар қандай фуқарони, агар у бекорчи, дайдиб юрган бўлса, калтак билан савалай берар еди. Фуқаролар фақат қирол омборхоналаридан кофе сотиб олишга (албатта анча юқори нархларда) мажбур етилганди. Ана шундай ишлар билан шуғулланувчи маҳсус амалдорлар мавжуд еди.

Армия ва чиновниклар қирол ҳокимиятининг таянчи ҳисобланарди. Прусс маъмурияти чиновниклари «немисча содиқлик» анъаналари руҳида тарбияланган едилар. Чиновникларнинг хизматга ўтиши мартабалар ҳақидаги жадвал билан тартибга солинарди. Хизмат мансабини сустеъмол қилиш, тартибга риоя етмаслик ва буйрукни бажармаслик қаттиқ жазоланаарди. Чиновниклик аппарати аниқ, уюшқоқлик билан ҳаракат қиласарди. Унинг бошқа немис давлатлари учун намунали ҳисоблангани ҳам бежиз емас еди.

Пруссияда **маҳаллий бошқарув** тўлиқ марказий ҳокимиятга бўйсундирилган еди, вилоятларда лантаглар сақланиб қолганди, лекин улар қирол чиновниклари - ландатлар назорати остига олинганди. Ландатлар - земство кенгашлари дворянлар йиғинларида тавсия қилинган номзодлар орасидан қирол томонидан тайинланадиган дворянлардан иборат таркибда еди.

Ландатларнинг аъзолари дворянларнинг мажлислариiga раислик қиласардилар. Ландатлар дворянлар комитетлари билан биргаликда ўз табақа ишларини юритардилар, яъни улар тоифавий муассаса бўлишган. Шу билан бирга лан-датлар зиммасига умумдавлат функциялари ҳам юклатилган еди: улар мар-казий ҳокимият органлари ҳисобланганлар ва солиқлар ундириш, политсияга бошчилик қилиш, рекрут йиғимларини уюштириш ишлари билан шуғул-ланганлар. Шаҳарларни бошқариш ишлари шаҳар кенгашлари (магистрат-лар)нинг аъзолари томонидан амалга оширилган. Ер егаларига вотчина политсияси ва суд ишларини юритиш, шунингдек, черков ва мактаблар устидан ҳомийлик қилиш ҳукуқлари тегишли еди. Еркин дәҳқонларнинг жамоаларида бошқарувни оқсоқоллар амалга оширади. Оқсоқоллар баъзан қишлоқ аҳолисининг умумий йиғинида сайланган, кўпинча мулкий сенз асосида ёки мерос тариқасида ўз мансабини егаллаган.

Пруссияда **суд маҳкамасига** жуда кам еътибор берилди. Қиролнинг сўзларига қараганда, дворян арзандаларидан армияга ҳам, солиқлар йиғишга ҳам ярамайдиган «калтафаҳм малъунлар» шу маҳкамага юборилар еди. Фридрих-Вилгельм И нинг ўзи суд идораларида «билимдонлик ўрнига калтак» ишлатиш учун кўп

мехнат сарф қилди, чунки бу тадбир помешчикларнинг крепостнойлар устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ёрдам берар еди.

Пруссия армияси ўша вақтда Европадаги енг кўп сонли ва интизомли еди. Фридрих II (1740-1786 йиллар) даврида Пруссия армияси (186 минг солдат) Европада биринчи ўринни олишга даъво қилди, бу армияни боқиш учун 13 миллион талер⁴⁶, яъни бутун давлат даромадларидан учдан икки қисми кетиб турди.

Кўнгилдагидек дворянлар давлатида, - деб таъкидлаган еди Фридрих II ўзининг «сиёсий васияти»да, - ҳукумат шундай сиёсий тузумни тутмо-ғи керакки, унда ҳамма тадбирлар олдиндан яхши ўйланган бўлиши ҳамда молия, сиёсат ва ҳарбий иш ўша битта мақсадга - давлатни мус-таҳкамлаш ва унинг куч-қудратини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Avstriya XVIII асрда Ғарбий Европада Волтер, Руссо, Дидро, Монтеске ва бошқаларнинг асарларида асослаб берилган маърифатпарвар-файласуфлар ески ижтимоий ва давлат тузумларини синдириб ташлаш зарурлигини асослаб берган едилар. Маърифатпарварлик руҳи-даги адабиётлар таъсири остида қатор давлатларнинг ҳукмдорлари ўз ижтимоий ва давлат тузумларини қисман янгилаш мақсадларида баъзи ислоҳотлар ўтказдилар. Маърифатпарварлик Фояларининг ёйилиши абсолютизм даврига тўғри келган еди. Монархларнинг чекланмаган ҳокимияти билан маърифат-парвар-файласуфлар томонидан тавсия қилинган баъзи ислоҳотларни амалга оширишга интилишларининг қўшилиб кетиши «маърифатли абсолютизм» сиёсати номини олган еди. Австрия монархлари томонидан олиб борилган сиёсат ана шундай «маърифатли абсолютизм» сиёсатининг ёрқин намунаси бўлди.

Княз Вентсел Антон Каунитс 1753 йилдан бошлаб канслерлик лавозимида ишлаб, Австрияning атоқли дипломати, деган ном билан шухрат қозонди ва «маърифатли абсолютизм» руҳида ўтказиладиган ислоҳотлар тарафдори бўлди.

Маърифатли абсолютизм деб аталмиш идора усули XVIII асрда Европадаги, айниқса Европанинг шарқидаги қолоқ давлатлар учун хос бир нарса еди. Бу ном шундан келиб чиқсан едики, бу монархияларнинг подшолари ўз ислоҳотчилик фаолиятида франсуз буржуа «маърифатчилари» томонидан илгари сурилган баъзи Фоялардан фойдаланган едилар. Бироқ бу монархияларда мазкур

⁴⁶ Taler – eski nemis kumush tangasi.

Фоялар хизмат қилган мақсадлар франсуз маъри-фатли мафкурасининг прогрессив томонларига мутлақо қарама-қарши еди. Ҳақиқатда феодал монархлар «маърифатчилар» мафкурасининг консерватив томонидангина мўътадил буржуазиянинг (дехқон-плебейлар револуцияси-сидан қўрқиб) «маърифатли» қиролларга ишонишидангина фойдаландилар. Шарқий Европадаги қолоқ давлатларда «маърифатчилик» мафкураси абсолют монархияни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилди, хусусан келиб чиқиши жуда мураккаб ва ўзи кўп миллатли бўлган Австрия каби монархия ўлкалари ва вилоятларининг партикуляризмига асос бўлган маҳаллий, тоифавий ва корпоратив имтиёзларга қарши кураш воситаси бўлиб хизмат қилди.

Абсолут монархлар ўрта асрларда вужудга келган католиклар черкови каби муассасани ҳам давлатга бўйсундирди. Динни давлатнинг қуролига айлантиришга қаратилган бу интилишни абсолют монархлар «маърифатчилар»дан олинган диний скептицизм билан ва ҳатто динни тўғридан-тўғри мазах қилиш билан хаспўшлади. XVIII асрда ўтган юқори мартабали «еркин фикр юритувчилар» динни авом халқдаги нодонлик ва хурофотнинг намоён бўлиши деб билар еди. Аммо, улар маърифатчилик билан ҳар қанча «еркин фикр юритишлари»га қарамай, динга халқни итоатгўйликда сақлаш ишига наф етказадиган нарса сифатида қарар едилар.

Шу билан бир вақтда «маърифатли» монархлар капиталистик хўжалик ривожини рағбатлантириш, сехларнинг ўрта асрлардан қолган баъзи имтиёзларини бекор қилиш йўли билан буржуа оппозитсиясининг кучини қирқиб қўйган едилар. Ўз-ўзидан маълумки, улар бандай қилиш билан ўз даромадларини қўпайтиришга интилган едилар. Улар Австрияда савдо-сотик ишларининг ва мануфактуранинг ривожини рағбатлантирдилар, ҳатто баъзан дехқонларни шахсий қарамлиқдан озод қилдилар (капиталистик саноат учун еркин ишчилар керак еди), мактаб ва университетлар очиб, ўзларини фан билан санъат ҳомийлари деб еълон қилдилар. Иккинчи томондан, «маърифатли абсолютизм» ислоҳотларининг ўтказилишига баъзан дехқонлар ҳаракатининг юксалиб, даҳшат солиши сабаб бўлди.

Австрияда айниқса Иосиф II фаолияти «маърифатли абсолютизм»нинг яққол намунасиdir.

Австрия кўп миллатли давлат еди. Бу ерда XVIII асрда кучайиб бораётган Пруссиядан фарқли ўлароқ, мураккаб вазият вужудга келганди. Бу асосан тож-тахт учун кураш билан боғлиқ бўлди. Карл ВИ ўлумидан сўнг тахтга ягона ворис Мария-Терезия еди. Лекин герман қонунларига биноан аёл киши тахт вориси бўлолмасди. Шу сабабли Мария-Терезия Австрия ҳукмдори бўлиб олгач, ўз ислоҳотларини аввало ҳарбий соҳага қаратди. Рекрут олиш усуллари кескин суратда ўзгарди, оқибатда армиядаги оддий аскарлар таркиби ҳам ўзгарди. Илгариги вақтларда кенг расм бўлган рекрут олиш тизими ўрнига ҳарбий округлар бўйича алоҳида («конскрипцион») рўйхатлар асосида қуи даражали рекрутлар олиш жорий етилди. Дворянлар, руҳонийлар, амалдорлар, ҳатто бадавлат бюргерлар ҳам рекрутлик мажбуриятидан озод қилинди. Ҳарбий хизматнинг бутун оғирлиги камбағал дехқонлар, мануфактура ишчилари, ҳунармандлар устига тушди. Рекрутларнинг аксар қисми, элементар ҳарбий таълим олганидан кейин ҳукуматга ортиқча ташвиш туғдирмасин деб, муддатсиз таътил берилиб, уйига жўнатилар еди; улар чақирилиши биланоқ ҳарбий қисмга етиб боришлари керак еди. «Муддатсиз таътилдагилар»нинг бутун умри ҳарбий хизматга чақирилиш хавфи остида ўтар еди.

Бу конскрипцион тизимдан ҳамма норози еди: ундан помешчиклар ҳам (улар хизматкорларидан айрилиб қолмоқда ва ҳовли-жойларига зўрлик билан аскарлар жойлаштирилиши натижасида мусибат тортмоқда еди), шаҳар магистратлари ҳам (армия тузиш ва унинг таъминоти учун қилинадиган харажатлар шу магистратлар устига тушаётган еди) норози еди.

Австрия ҳукумати, шу йўсинда Пруссияга қарши курашни давом еттиришга тайёргарлик кўраётиб, 1749 йилда армияни Пруссия армияси тахлитида қайта ташкил қилишга киришди; аскарлар сони қўпайтирилиб, аввал 108 мингга етказилди, 80-йилларда esa 278 мингга етказилди. Офитсерларни ишга тайинлашда уларнинг ижтимоий келиб чиқишига кам еътибор бериб, кўрсатган хизматига кўп еътибор бериладиган бўлди. Дворян ва бюргер-лардан қўплаб генераллар етишиб чиқди. Офитсерлардан полк ишларига доимий қўз-қулоқ бўлиб туриш, рекрутлар билан кундалик машғулотлар ўтказиш ва ҳоказолар талаб қилинди. Офитсер кадрлар тайёрлаш учун ҳарбий академия ташкил етилди.

Дехқонлар қўзғолонининг кучайиб боришидан чўчиған Австрия ҳукумати XVIII асрнинг бошларида бир неча фармон чиқариб, бу

фармонларда помешчикларнинг дехқонларга нисбатан қилиб келаётган бебошлигини чеклашга уринди, бироқ бу фармонлар қоғоздагина қолиб, мутлақо амалга ошмади. Лекин Етти йиллик урушдан кейин яна катта қўзғолонлар кўтарилиди. Натижада 1771 йил 6 июлда ва 1775 йил 13 августда дехқонлар томонидан ўталадиган барщина ва тўланадиган оброкларнинг аниқ меъёрини белгиловчи фармонлар чиқарилди. Барщина иш куни 10 соат бўлиши шарти билан ҳафтада уч кун ўталадиган бўлди, от-аравада юк ташиб бериш мажбурияти камайтирилди, помешчикларнинг вотчина суди ҳамда уларнинг дехқонларга қарашли ер-сувларига егалик қилиш ҳуқуqlари чеклаб қўйилди, императорнинг ер-мулкларидағи крепост-ной ҳуқук бекор қилинди.

Мария-Терезия чиқарган қонунлар қишлоқ хўжалигидаги мавжуд тартиблар негизини ўзгартирмади. Ерга егалик қилиш шаклларига, крепост-нойликка, бутун аграр муносабатлар тузумига ислоҳотлар оқибат-натижада унча дахл қилмади; дехқонлар ерга бириктирилганича қолаверди, барщи-на ҳамда дехқонлар ўтайдиган бошқа кўпдан-кўп мажбуриятлар сақланиб қолди, ниҳоят, помешчикларнинг мавқеи, уларнинг дехқонларга ҳукмронлик қилиши дахлсиз қолди.

Мария-Терезиянинг ўғли Иосиф II Германия императори етиб сайлангач, дехқонлар масаласини юмшатиш тадбирларини кўришда анча илгари кетди. 1781 йил 1 ноябрда Чехияда, Моравияда ва Австрия монархиясининг бошқа ўлкаларида крепостной тутқунликни йўқотиш тўғрисида машҳур ёрлик чиқарилди. Бу ёрликда дехқонларнинг крепост-ной тутқунлиги бекор қилиниб, бу тутқунлик ўрнига енгил фуқаролик муноса-батлари ўрнатилди, бундай муносабатлар Австриянинг ўз ўлкаларининг бир қисмида қадимдан ҳукм суриб келар еди. Фуқаролар шундан кейин ҳам помешчикларга итоат қилиши керак бўлса-да, лекин шахсий еркинликка чи-қдилар. Дехқонлар енди ўз хоҳишича уйлана олар едилар, улар помешчикларнинг ер-сувларини ўз ихтиёрлари билан ташлаб кетиш ҳуқуқига ега бўлиб, ўзлари хоҳлаган касб ва ҳунарни ўрганишлари мумкин еди.

Фуқаролар хўжайнининг ховли ишини бажариш мажбуриятидан озод қилинган едилар. Бироқ дехқонлар ўз чек ерлари учун ер егалари фойдасига барщина ва бошқа мажбуриятларни ўташда давом етишлари лозим еди. Дехқонларнинг участкалари учун «помешчиклар билан фуқаро-ларнинг (дехқонларнинг) ихтиёрий

келишуви» асосида ҳақ тўланадиган бўлди, шу сабабли дехқонларнинг участкалари учун ҳақ олиш кенг ёйилади. 1783-1789 йилларда ҳукумат дехқонлар ўтайдиган мажбурият-ларни бирлашган ер солиғи жорий қилиш ва янгидан ер рўйхати тузиш йўли билан тартибга солишга уринди.

Ҳамма мажбуриятлар пулга чақиб ундириладиган бўлди, кейин бу пул шундай бир ҳисоб билан олинар едики, ялпи даромаднинг 70 фоизи дехқоннинг ўзида қолдирилиб, 12 фоизчаси давлат солиғи учун, қолган 18 фоизи еса ер егасига - помешчикка тўланарди. Иосиф II қўшимча маҳсулотни, яъни ер рентасини бундай қайта тақсимлаш йўли билан давлат даромадини кўпайтиromoқчи ва ҳукмон синфиагарар револутсия хавфидан сақлаб қолмоқчи бўлган еди. Шу тариқа, Иосиф II қрепостной ҳукуқни бекор қилди.

Австрия империяси сиёсий тараққиёт соҳасида Европадаги бошқа давлатлардан жуда ҳам орқада қолган еди. Габсбурглар қўл остидаги ўлкалар Иосиф II ислоҳотларига қадар хийла даражада вилоятлар ёки «ерлар» йиғиндисилигича қолиб кетмоқда еди.

Мамлакат ичидан кўпдан-кўп бож чегаралари ва божхона бўлиши сиёсий тарқоқликни кучайтириб юборган еди, бу бож чегаралари ва божхоналар ички бозорнинг ташкил топишини жуда ҳам қийинлаштириб қўй-ган еди. Ўрта аср сехчилик тузуми, айrim вилоят, шаҳар ва тоифаларнинг имтиёзлари ҳам давлатнинг иқтисодий тараққиётига ва бирлашувига тўға-ноқ бўлиб келмоқда еди. Шу сабабли давлат қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш чораларини қўрди, кўпдан-кўп ички савдо пошлиналари тугатилди, ташқаридан келтириладиган товарларга нисбатан пошлиналарнинг миқдори оширилди, янги саноат корхоналари 10 йил муддатга солиқлардан озод етилди.

Давлатни идора қилиш ишининг бир қадар бўш марказлаштирилиши катта ер магнатларидан иборат ҳукмон тўдаларнинг манфаатларига мос тушар еди, бу магнатлар ўрта асрлардаги феодалларнинг сиёсий анъаналарини давом еттираса давлатни мудофаа қилиш манфаатлари ёки дехқонларнинг қўзғолонларини бостириш зарурати талаб қилган вақтдан бошқа маҳалда қирол ҳокимиятининг ҳаддан ташқари кучайтирилишига қарши еди.

Табақа-вакиллик монархиясининг қолдиқлари асосан маҳаллий ваколатли муассасалар - лантагларда ёки сеймларда сақланиб келмоқда еди, бу муассасаларда тўртта тоифанинг («даражанинг»): 1)

католиклар черковининг прелотларидан иборат руҳонийларнинг; 2) «хўжайинлар», яъни оқсуяк феодал аристократиянинг; 3) «ритсарлар», яъни асосий феодаллар оммасининг ва 4) «қирол шаҳарлари», яъни давлат бошлиғига бевосита феодал қарам бўлган шаҳар жамоаларининг вакиллари бор еди. Бу шаҳарларга биринчи икки тоифа (руҳонийлар ва «хўжайинлар») намоёндалари қўл остидаги шаҳарлар ҳам кирап еди. Крепостной деҳқонлар юқорида қўрсатилган тоифалардан бирортасига ҳам кирмай, мутлақо ҳуқуқиз бер аҳволда едилар. Қиролнинг шахсан еркин деҳқонлари бундан мустасно бўлиб, улар маҳаллий тўртинчи тоифа - шаҳарликлар таркибиغا кирап едилар. Вилоятларнинг бошлиқлари - ноиблар бўлиб, улар тоифалар томонидан маҳаллий ер егаларидан сайланар ва қирол томонидан тасдиқланар еди. Кўпинча бу ноиблар ҳақиқатда марказий ҳокимиятнинг маҳаллий вакили бўлишдан кўра, қўпроқ вилоят партикуляризмини умумдавлат муассасаларидан ҳимоя қиласар едилар. Марказлаштириш кучая борган сари, айниқса XVIII асрда, улар марказий ҳокимиятга тобора қўпроқ тобе бўла бордилар.

Жуда катта харажатларга олиб келган ва деҳқонларга ҳаддан ташқари оғир солиқлар солинишига сабаб бўлган ҳарбий ислоҳот молия ишларининг тартибга солинишини талаб етар еди. Шу мақсад билан 1749 йилда ички ишларни ва молия ишларини идора етувчи марказий орган сифатида Дирек-тория ташкил қилинди. 1760-1761 йилларда юқори давлат муассасалари яна қайта ташкил етилди. Олтида аъзодан иборат Давлат кенгashi тузилди. Бу Кенгаш аъзолари «дин, тартиб ва кредитни ҳимоя қилишлари» керак еди. Бутун давлат идораси шу олтида аъзо қўлида еди. Бюрократик марказ-лаштиришни кучайтириш тадбирлари амалга оширилди.

Австрияда суд тизими тартибга солинмаган еди. Сон-саноқиз судлар (шаҳар суди ва земство суди, Вена шаҳар магистрати, гофмаршал суди) бўлиб, уларнинг иш доираси қатъий белгиланмаган еди; судда қўриладиган битта иш кўпинча бир суддан иккинчи судга юборилаверарди. Биргина шу нарса қатъий едики, у ҳам бўлса, судларнинг пастдан туриб то юқоригача тоифалигидир. Дворянларни дворянлар суд қиласар еди, шаҳарликлар шаҳар магистратида суд қилинар еди; суд соҳасида фақат деҳқонгина ҳеч қандай ҳуқуқقا ега бўлмай, уларни помешчик ўз вотчина-политсиачилик ҳокимияти билан езар еди. Суд ишларини юритиш соҳасида Иосиф II маърифатчиларнинг талабларидан келиб чиқиб бир қатор қонунлар

тўпламларини тузди. Судда қийнаш тартиби бекор қилинди, ўлим жазосини кўллаш чекланди.

Мактабдаги таълимга дунёвий йўналиш берилди. Черков ислоҳотлари католик черков имтиёзларини чеклади, дин еркинлиги ҳақида едикт чиқарилди. Амалдорлар тўғри солиқларни қийинчилик билан аранг йиғиб олар еди, бир қанча ўлкаларда егри солиқлар хусусий кишиларга сотилар еди. Бу сотиш тизими давлат даромадларини камайтириб юбориш билан бир вақтда ахолини хонавайрон қиласди.

5. Ўрта асрларда Германияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

Нициқ manbalariga imtumiy tavsif

В асрдан XI асргача бўлган даврда шарқий франкларнинг архаик «халқ» ҳуқуқи қабилавий характерга ега еди ва унинг асосида қўйидаги қатор принциплар: урф-одатларнинг муқаддаслиги, қарин-дош-уруғларнинг умумий «диёнати» ва биргаликдаги жавобгарлиги, қонли қасос олиш (бу аста-секин пул жаримаси билан алмаштирилиб борган), «худо суди»ни кўллаш орқали колектив одил судловнинг амалга оширилиши, яъни ордалияниянг қўлланиши, қасамхўрлик ва бошқа рамзий одатларнинг сақланиб қолиши каби принциплар ётарди.

Германияда қирол ҳокимиятининг вужудга келиши ва сўнгра унинг тамомила заифлашиб кетиши бу ерда бутун ўрта асрлар мобайнида ҳуқуқий партикуляризмнинг мавжуд бўлиб туришига шарт-шароит яратган еди. Расмий нуқтаи назардан Германияда XII-XIII асрлардан бошлаб, агар алоҳида масалалар бўйича император қонунларини ҳисобга олмагандан, «умумгерман ҳуқуқи» мавжуд бўлмаган, турли ҳудудий бирликлар ва шаҳарларнинг ҳуқуқи бўлган.

Бундан ташқари, Германиянинг ўрта асрлардаги ҳуқуқий тизими лен ҳуқуқи деб номланувчи олий феодал табақага тааллукли ҳуқуқий нормалар комплексининг яққол ажратилиши билан тавсифланади. Агар Англия ва маълум даражада Франсияда XIII асрдан бошлаб вассалликленлик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бошқа ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкам алоқада ҳаракат қилган бўлса, Германияда еса ҳуқуқнинг земствога оид ҳуқуқقا (ерлар, ҳудудлар ҳуқуқи) ва лен ҳуқуқига бўлиниши анъанавий бўлиб қолган еди. Германияда лен ҳуқуқи, земство ҳуқуқи, шаҳар ҳуқуқи, каноник ҳуқуқ айни пайтда бир хил муно-сабатларни (ерга оид,

мулкий, никоҳ-оила, мерос муносабатларини) турлича тартибга соглан. Бунда ҳуқуқ субъектларининг қайси табақага ёки ҳудуд-га тааллуқлилигига қараларди. Бу кўпинча суд томонидан аниқланарди.

Умуман ўрта асрлар ҳуқуқида, хусусан герман ҳуқуқида суд тартиботига ўта содикликни яққол кўриш мумкин еди. Суд ишларини юритиш чоғида инсон «ўз ҳуқуқини излаши» мумкин.

Германияда шундай умумий ҳуқуқий принциплар ва институтлар ишлаб чиқилган еди, келажакда улар Германиянинг «умумий ҳуқуқи» асосини ташкил етган. Бундай принциплар германларнинг одат ҳуқуқи универ-сал нормалари базасида ва XII-XIII асрлардаги герман императорларининг қонунчилик фаолиятида шаклланган еди. XII-XIII асрларда императорлар ва рейхстаг томонидан вақти-вақти билан чиқарилиб турган «тинчлик статутлари»да шахс мулкини ва ҳаётини қўриқлашга ва ўғриларни, ўт қўюв-чиларни, одам ўлдирувчиларни ва бошқа «тинчликни бузувчиларни» турли жазолар билан қўрқитишга қаратилган меъёрлар мавжуд еди. 1103 йилдан 1235 йилгача бўлган давр оралиғида ана шундай «тинчлик статутлари»дан 20 таси чиқарилган еди. Уларнинг орасида 1235 йилги Майнц статути анча машҳур бўлган. Унда бутун Германия аҳолиси учун «ўрнатилган ҳуқуқ»нинг баъзи умумий принциплари еълон қилинган еди. Масалан, унга биноан Германияда судсиз жазолаш одати бекор қилиниб, мажбурий суд тартиби жорий қилинган еди.

Герман ҳуқуқининг ривожланишида одат ҳуқуқининг маҳаллий тизимлаштирилиши ҳам муҳим рол ўйнаган. Бунда империя қонунлари ва суд амалиёти қоидалари ҳам ҳисобга олинган, албатта. Буларга мисол тари-қасида «Саксон зертсалоси», «Шваб зертсалоси», «Франкон зертсалоси» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу тўпламларнинг нормалари ва принциплари кўпинча ўз ҳуқуқий доирасидан анча четга чиқиб, ҳуқуқнинг бирхиллаштирилишига кўмаклашган.

“Sakson zersalosi” 1220 йилда шеффен Ейке фон Репгау томонидан ёзилган ушбу қонунномада одат ҳуқуқининг анча кенг тарқалган нормалари ва Германиянинг шимо-лий-шарқий қисмида қўлланиб келган суд амалиёти ўз аксини топган. Қонуннома икки қисмга бўлинган. Биринчи қисм земский (умумдавлат) ҳуқуқига, иккинчи қисм esa лен ҳуқуқига бағишиланган. Биринчи қисмда одат ҳуқуқи нормалари билан бир қаторда умумдавлат судларида «разил, қабих, паст» еркин

кишиларга нисбатан қўлланиладиган император қонун-чилиги ҳам мустаҳкамланган. Лен ҳуқуқи⁴⁷ «олижаноб, аслзода» еркин кишилар ўртасидаги ленга оид вассаллик муносабатларининг тор доирасини тартибга солган. Қонунномада рим ҳуқуқига, шаҳар ёки савдо ҳуқуқига мутлақо мурожаат қилинмайди ва, шунингдек, унда ҳуқуқ ва бошқа ерликларнинг ҳуқуқи нормалари камдан-кам ҳолларда еслаб ўтилади. «Сак-сон зертсалоси»да фуқаролик, жиноят, протессуал ва қисман давлат ҳуқуқи нормалари белгиланган.

Shahar huquqi «Саксон зертсалоси» қўпгина герман ўлкалари ва шаҳарларида тан олинган ва 1900 йилга қадар ўз кучини йўқотмаган.

Юқори даражадаги бир хиллик германларнинг шаҳар ҳуқуқида вужудга келган. Бу ерда ҳуқуқ бир қанча етук шаҳарларнинг ҳуқуқидан ўзлаш-тириб олинган еди. Масалан, Магдебург қонунлари 80 дан ортиқ шаҳарларда, Франкфурт қонунлари 49 та, Лубек қонунлари 43 та, Мюнхен қонунлари 13 та шаҳарларда амалда бўлган. Германияда шаҳар ҳуқуқининг икки асосий «Оиласи» - любек ҳуқуқи ва магдебург ҳуқуқи ташкил топган. Лубек ҳуқуқи Шимолий шаҳарларга ва Болтиқ бўйи минтақаларига, жумладан Новгород ва Таллинга тарқатилган ва Тамза иттифоқи доирасида ҳал қилувчи, белгиловчи аҳамиятга ега бўлган. Магдебург шаҳар ҳуқуқи анча кенг ҳудудларда - шарқий ўлкаларда, шунингдек, Шарқий Саксонияда, Бранденбургда, Полшанинг алоҳида вилоятларида ҳаракатда бўлган.

Магдебург шаҳар ҳуқуқининг 1261 йилда Бреслауга жўнатилган 63 та моддаси ва Герлитсга 1304 йилда юборилган 140 та моддаси анча машҳур еди. ХИВ асрда муайян тизимга солинган магдебург-бреслау ҳуқуқининг 500 та моддадан иборат 5 та китоби нашр қилинган. Биринчи китоб шаҳар судяларига бағишланниб, унда судяларнинг мансабга ўтириш тартиби, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Иккинчи китоб суд ишларини юритиш масалаларини ўз ичига олган. Учинчи китоб турли даъваларга тааллуқли бўлган, тўртинчи китоб оила ва мерос ҳуқуқига, бешинчиси - бошқа китобларда назарда тутилмаган турли масалаларни ҳал етишга бағишланган.

Шаҳар ҳуқуқи доирасидан аста-секин ҳуқуқининг янада умумийроқ тизими - **савдо ҳуқуқи**, ёки «савдогарлар ҳуқуқи» ажралиб чиқиб, дастлабки вақтларданоқ миллий характер касб етган.

⁴⁷ Len huquqi – len oлган vassal bilan feodal o`rtasidagi munosabatlarni belgilovchi ҳукуqlar. Len-feod feodal tomonidan o`z vassaliga berilgan yer-suv, mulk va undan olinadigan soliq, o`lpon.

ХИИ асрдаги Лубек, Бригга шаҳарларининг, Ганза иттифоқи иштирокчилари бўлган бошқа бир қатор герман шаҳарларининг статутларида савдо ҳуқуқининг бир қанча нормалари мавжуд еди. Болтиқ бўйининг барча мамлакатларида ХИВ асрнинг ўрта-ларига мансуб Висби қонунлари жуда катта нуфузга ега бўлган. Унда дengизда юк ташиш ва дengиз савdosи масалалари тартибга солинган. Бу порт шаҳарда герман, швед, латвиялик ва новгородлик савdogарлар ўз ассоциацияларига ега бўлишган, бироқ Висби ҳуқуқининг ривожланишига ҳаммадан аввал Гамбург ва Лубек шаҳар статутлари кўпроқ таъсир ўтказган.

Герман империясининг шимолий-италян ўлкаларида ҳам шаҳар ҳуқуқи анча ривожланган. Бу ерда Ломбард лигаси деб аталган уюшмага бирлашган шаҳар коммуналари ташкил топган еди. Унга Верона, Венетсия, Бергамо, Милси, Парма, Болоня ва бошқалар киради. Айнан шу ерда биринчи марта савдо одатлари муайян бир тизимга солинган (1216 йилги Миланнинг «Одатлар китоби») ва турли хил (dengiz, ярмаркага оид ва x.k.) дengиз судларининг қарорларини ёзиш амалга оширилган.

Германия савдо ҳуқуқининг муҳим манбаларидан бири халқаро шартномалардир. Бундай шартномалар бошқа шаҳарлар билан, уларнинг иттифоқлари билан ва ҳатто хорижий монархлар билан ҳам тузилиши мумкин еди. Уларда савдо ишларини юритиш учун қулай шарт-шароитлар таъминланиши ҳақида келишиб олинарди. Масалан, Кёльн шаҳарлари билан инглиз қироли Генрих II ўртасида худди шундай шартнома тузилганлиги маълум. Унга биноан, қирол Кёльн савdogарларига Англияда савдо ишлари билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни ваъда қилган еди.

ХИВ-ХVII асрларда Германияда маълум даражада ҳуқуқий бирликнинг ўрнатилишига рим ҳуқуқининг ўзлаштириб олиниши қўмаклаша бошлаган. XV асрнинг охирида давр талаби билан қайта ишланган Юстиниан Дигесталари 1495 йилда тавсия етилган Олий империя суди учун асосий ҳуқуқий манба сифатида тан олинган. ХVII асрда рим пандект ҳуқуқи бутун империя доирасида асосий ҳуқуқ манбай бўлиб қолган ва 1900 йилги Германия фуқаролик қонунномасининг қабул қилинишига қадар Германиянинг «умумий ҳуқуқи» сифатида ҳаракатда бўлган.

1532 йилда Карл В нинг жиноий ва жиноий-
“Karolina” протессуал қонунлари тўплами - «Каролина»нинг
нашр қилиниши жиноят ҳуқуқининг умумгерман принсипини

яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Умум империя қонуни сифатида чиқарилган «Каролина» империя ҳуқуқини барча ўлкалар ҳуқуқидан устунлигини, «жойлардаги ва ўлкалардаги» жиноий суд ишларини юритишда «ўйламасдан қилинган ва ёмон» одатларини бекор қилинишини еълон қилган. Шу билан бирга у курфюрстлар, князлар ва табақалар учун уларнинг «азалий ва адолатли одатлари»нинг сақланиб қолишига йўл қўйган. Бироқ қонуннома князликнинг юқори табақалари сиёсий манфаатларига тўла мос келганлиги, шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва протсессининг ўз даври талабларига жавоб берганлиги сабабли барча ўлкаларда ҳуқуқ манбаи сифатида умумий тан олинган. «Каролина» асосида умумгерман жиноят ҳуқуқи ташкил топган.

Герман ҳуқуқининг бундай бирхиллаштирилиши жараёнига қарамай, «умумгерман ҳуқуқи» нормалари асосан тавсия етuvчи (маслаҳат берув-чи) характерга ега бўлган ва уларнинг герман ўлкаларида «тан олиниши» даражасига боғлиқ бўлган. Ҳуқуқий тизимлар кўпроқ алоҳида ҳудудлар - Германия давлатлари бўйича шаклланган.

XII асрдан Германия давлатларида князлик қонунчилиги жадал ривожлана бошлади, одат ҳуқуқидан фойдаланиш чекланиб борди. Князлик-ларнинг қонунларида жиноят ҳуқуқи, мерос ва савдо ҳуқуқига оид янги нормалар белгиланди. Бундай ҳуқуқий нормалар барча еркин кишиларга қўлланиладиган бўлди. Князликлар хусусий ҳуқуқий тизимларининг расмий-лашиши жараёни XVII-XVIII асрларда, яъни «князлик абсолютизми»нинг ўрнатилиши даврида маҳаллий ҳуқуқнинг кодификатсия қилиниши билан боғлиқ бўлган. Масалан, XVIII асрнинг ўртасида Боварияда Фуқаролик кодекси ва жиноят қонунномаси қабул қилинган. Австрияда 1768 йилда жиноят қонунномаси - «Терезиана» чиқарилган, 1787 йилда еса шу ерда янги жиноят қонунномаси қабул қилинган.

Айниқса, 1784 йилда чиқарилган Пруссия умумдавлат қонунномаси жуда машҳур бўлган. Унинг манбаларини «Саксон зертсоласи», рим ҳуқуқи, Магдебург ва Лубек ҳуқуқи, Берлин олий судининг амалиёти ташкил етган. Қонуннома икки қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисм фуқаролик ҳуқуқи-га бағишиланган. Иккинчи қисмда асосан давлат ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқи нормалари, шунингдек табақаларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги, мактаб ва черковлар ҳақидаги нормалар белгиланган. Ушбу «кодекс» «маърифатли абсолютизм» нинг ҳурматини бажо келтириш сифатида

мулқиликнинг ҳозирги замон нуқтаи назаридан талқин қилишнинг баъзи елементларини ва инсон «таббий ҳуқук» ларининг айрим кўринишларини ўзида акс еттирган. Бироқ прусс ҳуқуқида амалда бошқача принциплар, жумладан, прусс қиролининг чекланмаган ҳокимияти, ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини ҳеч заруриятсиз тартибга солиш, крепостной дехқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва дворянларнинг имтиёзли ҳолати каби принциплар устун турган. Кодекс ахлоқий қоидаларининг сероблиги, юридик талқинларининг ноаниклиги ва калтак билан уруш сингари ескириб қолган жазо чоралари билан ажралиб турган.

Umumimperiya qonunchiligi

сақлаб туриш функсиясини бажарган. Шунга мувофиқ, умумимперия ҳуқуқи анъанавий тарзда асосан жиноий-ҳуқуқий нормаларни белгилаган.

Дастлаб тинчликни сақлаб туриш механизми шундан иборат бўлганки, уларга зўравонликлар қилмасликлари ҳақида мажбурият (қасам орқали) юкла-тилган еди. Кейинчалик қабул қилинган статутларда фуқароларнинг ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормалар қасамёдлардан мустақил, императив характер касб етган ва анча кенг даражадаги муносабатларни қамраб ола бошлаган. Масалан, Майнц статутида черков юрисдиксиясига бўйсунмаслик, ноқонуний тарзда йўл ҳақи ва бошқа йиғимлар ундириш, фуқаролар ва чет елликларнинг бехатар еркин кўчиб юришига тўсқинлик қилувчи Файриқонуний солиқ ва ўлпонлар олиш, фуқароларнинг турли ҳуқуқ-ларини поймол қилувчи асоссиз даъво (ҳомийлик ҳуқуқида ва х.к.) аризаларни бериш кабилар тинчликни бузиш ҳисобланган ва булар учун жазолар белги-ланган. Унда, шунингдек, қалбаки пуллар ясаш, гаровга олинган шахсни егаллаб олиш, одам ўлдириш (айниқса ўз отасини ўлдириш), давлатга хиёнат қилиш каби жиноятлар учун ҳам оғир жазолар назарда тутилган.

Тинчлик статутларига мувофиқ, жабрланувчилар ўзбошимчалик билан, ўз ҳолларича суд қилмасликлари лозим еди ва бунда «ўлкаларнинг оқилона одатларига асосан адолат бўйича» ишларни ҳал қилиш учун судга муро-жаат қилишлари керак еди. Бу принцип жабрланувчи ёки судя томонидан бузилса, уларга камида жарима солинган, чунки «қаерда ҳуқуқнинг ҳокимияти тугаса, ўша ерда шафқатсиз ўзбошимчалик ҳукм суради». Судга мурожаат қилмай,

Юқорида таъкидланганидек, XII-XIII асрларда империя марказий органларининг қарорлари асосан «умумдавлат тинчлиги»ни

Юқорида таъкидланганидек, XII-XIII

асрларда империя марказий органларининг

қарорлари асосан «умумдавлат тинчлиги»ни

Ғайриқонуний қасос олиш, суд олдида тузилган ярашиш аҳдини бузиш, қарзни ундириш мақсадида судяларнинг рухсатисиз бирорнинг мулкини егаллаб олиш қонунга хилоф ҳисобланган. Бундай хатти-ҳаракатларни содир етган шахслар - айборлар «қонундан ташқари» деб еълон қилиниши мумкин еди. Лекин, шу билан бирга баъзан, агар томонлар суд қароридан қаноат ҳосил қилмасалар, маълум қоидаларга риоя етган ҳолда судсиз жазолаш, уриш-калтаклашга йўл қўйилган.

Статутларда судларнинг ташкил етилиши ва фаолияти принциплариға алоҳида еътибор берилган. Судялик мансабини фақат адолатли кишилар егал-лаши зарурлиги еълон қилинган, мавқеи бўйича юқори ёки тенг гувоҳлар иштирокидаги тенглар суди принсиби ўрнатилган. Император йўқлигига суд ишларига бошлилик қилувчи юститсиарий ўз шахсий сифатлари билан ман-сабига лойиқ бўлиши, еркин кишилар табақасига мансуб бўлиши ва ман-сабида «ўзини яхши тутса», камида бир йил ишлаб бериши лозим еди. Фуқароларнинг «ҳуқуқлари ва мулклари»га тааллукли суд мажлислари якшан-ба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни ўтказилар еди. Тўғри, князлар ва бошқа юқори мартабали шахсларнинг ҳуқуқлари ёки мулкий манфаатлари билан боғлиқ суд мажлислари бундан мустасно еди. Жуда муҳим ишлар бевосита император томонидан қўриб ҳал қилинарди. Йиститсиарийнинг ҳузури-да дунёвий кишилардан танлаб олинган маҳсус нотариус мансабдорларининг бўлиши назарда тутилган еди. Нотариус ариза ва шикоятларни қабул қилиб олиш ва сақлаш, императорлик судида баённомаларни юритиш ва қарорларни ёзиш билан шуғулланиши лозим еди. Айниқса, низоли масалаларни одат ҳукуқига асосан ҳал қилиниши мумкин бўлган жойини кўрсатган ҳолда ёзиб қўйилиши тавсия қилинган.

Шундай қилиб, ишларни «умумий» герман ҳукуки асосида ҳал қилиш имконини берувчи шароитлар яратила бошланди. Шу мақсадда суд қарорларини сақлаш, тизимга солиш ва ўрганиш учун доимий девонхона тузишга ҳаракат қилинган.

Жазо принциплари жиноят ва жиноятчининг характеристи билан белгиланган. Жиноятнинг «қўполлиги», шунингдек, ретсидивлиги (қайта содир етилганлиги) ҳисобга олинган. Мулкий ҳукуқбузарликлар учун асосан етказилган заарни ундириш кўзда тутилган. Жиноят иштирокчилари тенг даражада жазолангандар.

«Подшонинг Ғазабига учраш» - император томонидан кишининг «қонундан ташқари» деб еълон қилиниши алоҳида таъкидланган. Бундай шахслар обрў-еътибори ва барча ҳуқуқларидан маҳрум етилган. «Қонун-дан ташқари» деб еълон қилинган кишини била туриб яширган кишиларга ҳам у билан teng жазо берилган. Агар шундай жиноятчини шаҳарда яширган бўлсалар, шаҳар ҳам жиноий таъқиб остига олинган ва деворлари бузилган.

Тинчлик статутлари императорлик ҳуқуқининг бир қисми бўлиб, империянинг шахсан герман ҳудудлари учун мўлжалланган еди. Италия учун еса анча кенг ва чукур ишлаб чиқилган қонунлар тўплами чиқарилган еди.

Император қонунчилигининг турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга жазо бериш ҳақидаги анъанаси XVI асрда «Каролина» номли ҳуқуқий ҳужжат чиқарилиши билан қайта тикланди. «Каролина»да жиноят ҳуқуқининг баъзи умумий принциплари, шунингдек, жиноятлар ва жазоларнинг катта рўйхати берилган. Бу қонун шеффенлар учун суд ишларини юритиш бўйича амалий қўлланма бўлиб ҳисобланган. Унда жиноят ва жиноят-протессуал ҳуқуқи нормалари аниқ тизимга солинмаган ва бир-биридан ажратилган тарзда жойлаштирилмаган еди.

«Каролина»да жиноят ҳуқуқига оид қасд ва еҳтиётсизлик, жавоб-гарликни истисно қилувчи, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, иштирокчилик каби умумий тушунчалар ўз аксини топган. Бироқ, бу тушунчалар ҳамма ҳолатлар бўйича аниқ ифода етилмаган еди ва факат алоҳида турдаги жиноятлар ва жазоларга нисбатан баён қилинганди.

«Каролина» бўйича, жиноят содир етганлик учун жавобгарлик, одатда айб - қасд ёки еҳтиётсизлик мавжуд бўлганда келиб чиқсан. Лекин, ўрта асрлардаги Германия ҳуқуқи кўпинча айбсизлик ҳолатида, бошқа шахсларнинг айби учун («объектив айблаш») ҳам жавобгарлик ўрнатган. Бундан ташқари, айбни ўрнатиш усулларининг қўлланилиши кўпинча айбсиз кишини жавобгарликка тортилишига олиб келган.

«Каролина»да жазони истисно қилувчи ҳолатлар одам ўлдириш жинояти мисолида батафсил баён қилинган. Масалан, зарурий мудофаа ҳолатида, яъни «учинчи шахснинг ҳаёти, танаси ва мулкини ҳимоя қилиш» ҳолларида, хизмат бурчи бўйича жиноятчини қўлга олаётганда ва бошқа баъзи ҳолатларда одам ўлдириш учун жавобгарлик келиб чиқмасди. Агар бир киши бошқа бир кишига

ўлдирадиган қурол билан ҳужум қилса ва жабрланиши мумкин бўлган шахс бошқача тарзда ҳимояланиши мумкин бўлмай, ҳужум қилган шахсни ўлдирса, бу - зарурий мудофаа ҳисобланиб, жиноий жавобгарлик келтириб чиқармаган. Жиноятчини қўлга олиш учун қилинганд қонуний ҳужум» натижасида у ўлдириб қўйилса, бу - зарурий мудофаа емас, қонуний чора сифатида жиноий жавобгарлик учун асос бўлмаган. Бироқ, ҳужум қилишни тўхтатиб, ниятидан қайтган шахсни таъкиб қилиб ўлдириш ҳам зарурий мудофаа ҳисобланмаган ва бундай ҳолатда одам ўлдирган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин еди. «Каролина»да зарурий мудофаанинг ҳар бир ҳолатини чуқур ва атрофлича қунт билан текшириб чиқиш зарурлиги кўрсатилган. Бунда зарурий мудофаанинг қонуний еканлигини одам ўлдирган шахснинг ўзи исботлаши лозим еди. Агар у буни исботлай олмаса, жазоланганд.

«Каролина»да айбни енгиллаштирадиган баъзи ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Буларга қасднинг йўқлиги («қўполлик», «мулоҳазасизлик», «ен-гилтаклик» ва «калтабинлик» оқибатида одам ўлдириш), жиноятни «Ғазаб ва нафрат» натижасида содир етиш кабилар кирган. Ўғрилик жинояти 14 ёшга тўлмаган шахслар томонидан ёки «бевосита очлик, етишмовчилик» натижасида содир етилган бўлса, булар айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланган. Қонунномада кўпроқ айбни оғирлаштирувчи ҳолатларга еътибор берилади. Жиноятни очиқдан-очиқ (ошкора), қўпол тарзда, «бузук ниятда», «таҳқирловчи» характерда, шунингдек, қайта содир етилиши, етказилган зарарнинг катта микдорда бўлиши, жиноятчининг «ёмон ном чиқарган»лиги, жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан қилинганди, ўз хўжайинига нисбатан содир етилганлиги ва бошқалар айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилган.

«Каролина» жиноят содир етишнинг алоҳида босқичларини бирбиридан ажратиб кўрсатади. Жиноятга суиқасд қилиш жиноятчининг истак-иродасига қарши амалга ошмай қолган ва қасдан қилинганд ҳатти-ҳаракат сифатида кўрилган. Жиноятга суиқасд учун бериладиган жазолар одатда тугалланган жиноятлар учун бериладиган жазолар билан тенг даражада бўлган. Қонун-номада иштирокчилик масаласида кўпроқ шериклик тўғрисида еслатилади. Бунда асосан уч турдаги шерикчилик ажратиб кўрсатилади. Булар: жиноят содир етилгунга қадар ёрдам бериш, жиноят содир етилаётган жойда ёрдам бериш ва жиноят содир етилгандан сўнг ёрдам

беришдир. Охирги ҳолатда жиноятга «Ғараз мақсадда ҳамкорлик» қилиш ва жиноятни «раҳм-диллик билан яшириш» бир-биридан фарқланган, яъни кейинги ҳолда ен-гилроқ жазо назарда тутилган.

«Каролина»да жиноят таркиблари таснифлаштирилмаган, лекин ҳар қалай уларнинг баъзи кўпроқ ёки кенгроқ гурӯҳлари алоҳида-алоҳида жойлаш-тирилган ҳолда санаб ўтилган. Унда аввало динга қарши жиноятлар - динни, худони таҳқирлаш, муқаддас жойларни таҳқирлаш, жодугарлик билан шуғул-ланиш, қасамни бузиш, шунингдек, христиан ахлоқи билан сиғиша олмайди-ган жиноятлар - тухмат қилиб ёзилган хатларни тарқатиш, монеталар, ҳуж-жатлар, оғирлик ўлчовлари, савдо обьектларини қалбакилаштириш кабилар қўрсатилган. Уларга ахлоққа қарши жиноятлар: ер ёки хотиннинг бир-бирига нисбатан хиёнат қилиши, икки никоҳлилик, яқин қариндошлар билан жинсий алоқа қилиш, қўшмачилик, номусга тегиш, хотин ва қизларни ўғирлаш жиноятлари ҳам қўшилган.

Давлатга қарши жиноятлар таркибига давлатга хиёнат, ҳокимиятга қарши исён кўтариш, «ўлка тинчлиги»ни бузишнинг турли-туман кўри-нишлари: душманлик ва қасос, босқинчилик, ўт қўйиш, бузук ниятда дарбадарлик қилиш ва бошқалар кирган. Қонунномада император ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш учун жавобгарлик ҳақида ҳам қисман еслаб ўтилади.

Шахсга қарши қаратилган жиноятлар гурухида турли кўринишлардаги одам ўлдириш жиноятлари, шунингдек, жиноятчининг ўзини ўзи ўлдириши алоҳида ажратиб қўрсатилади. Агар жиноят содир етган шахс ўз жонига суиқасд қилса, яъни ўзини ўзи ўлдирса унинг меросхўрлари меросдан маҳрум қилиниши мумкин еди.

Мулкка қарши қаратилган жиноятларга турли кўринишлардаги бир қанча ўғирликлар, ишониб топширилган мулкни ноинсофлик билан бошқа-риш кабилар кирган. Қонунномада черковдаги ўғирлик, шунингдек, асосан аҳолининг кам мулкли табақаси томонидан содир етиладиган ўғир-ликлар, яъни бирорнинг мева ва ҳосилини, балиқларини, ўрмонини кесиб, дарахтларини ўғирлаш ҳақида маҳсус қўрсатиб ўтилган. Нихоят, судловга қарши баъзи жиноятлар ҳам еслаб ўтилади. Масалан, ёлғон гувоҳлик бериш, қўриқчи томонидан маҳкумнинг Ғайриқонуний суратда озод қилиниши, қийнаш асосида ноҳақ сўроқ қилиш кабилар Қонунномага биноан жиноий жавобгарлик келтириб чиқарган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Каролина»нинг преамбуласида гарчанд «камбағал ва бойлар»нинг суд олдидаги тенглиги ҳақида гапирилган бўлса ҳам, аммо унинг кўп моддаларида бунинг тескарисини кузатиш мумкин. Хусусан, Қонунноманинг бир қанча моддаларида жазо тайинлашда жиноятчи ва жабрланувчи шахснинг қайси табақага мансуб-лиги ҳисобга олиниши зарурлиги таъкидланган. Масалан, 160-моддада кўрса-тилишича, судя ўғирлик учун жазо тайинлаётганда ўғирланган ашёнинг қийматини ва бошқа ҳолатларини, айниқса «ўғирлик содир етган шахснинг унвони ва мавқеини ҳисобга олиши лозим». Шунингдек, 158-моддада аслзода шахс ўғирлик учун жиноий жавобгарликка емас, балки «фуқаролик-хуқуқий жазога» тортилиши мумкинлиги назарда тутилган. «Умумдавлат тинчлиги»ни бузишлик қонунга биноан қаттиқ жазоланган. Лекин етказилган озор учун ёки ўз хўжайинининг душманидан қасос олишга императордан рухсат олган шахсларнинг «умумдавлат тинчлиги»ни бузиши бутунлай қонуний ҳисобланган. Аслзода бўлмаган, камбағал кишилар жиноят содир етганда уларга нисбатан бошқача жазолар берилган. Тўғри, Қонунномада кундуз куни унча катта бўлмаган миқдорда ёки «бевосита очлик-ночорлик еҳтиёжи»дан ўғирлик содир етиш жинояти учун фақат мулкий жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ камбағал кишиларнинг мулкий зарарни тўлаши ниҳоятда оғир бўлган. Бундан ташқари, камбағал кишилар бирорнинг ҳосилини, балиқларини, ўрмонидан дарахтларини кечаси ўғирласа, уларга нисбатан жазолар ёки судяларнинг хоҳишига қараб ва маҳаллий одатлар бўйича бошқача жазолар ҳам берилиши мумкин еди. Қонунномада, айниқса, шубҳали бўлиб кўринган дайди ва гадойлар «мамлакат учун хавфли зулмкорлар» сифатида зудлик билан ва шафқатсиз жазоланиши лозимлиги кўрсатилган(39-, 128-моддалар).

Судялар суд ишларини юритишда ва жазолар тайинлашда кенг имко-ниятларга ега бўлганлар. Уларнинг бундай имкониятлари фақат битта кўр-сатма билан чекланган еди, холос. Қонунга биноан, енг олий жазо белги-лаш хуқуқи расман императорга тегишли еди. Судлар ўз хоҳишлири бўйи-ча тавсия етилган жазолардан биттасини ёки бир нечтасини тайинлашлари, маҳаллий одатларни қўллашлари, мушкул ҳолларда еса қонуншунослярнинг тушунтиришларига мурожаат қилишлари мумкин бўлган.

Жазолар тизимиининг асосий мақсади - қўрқитиш еди. «Каролина»да жазоларнинг қуйидаги асосий турлари назарда

тутилган: ўлим жазоси, тана аъзоларидан маҳрум етиш (тилини, қулоқларини ва тананинг бошқа аъзоларини кесиш) жазолари, тан жазолари (хипчин билан савалаш), шарманда қилувчи жазолар (хуқуқидан маҳрум етиш, темир бўйинбоғ қўйиш, тамға босиш), ҳайдаб юбориш, турмага қамаш, етказилган заарни ундириш ва жарима. Қонунномада ўлим жазосини анчагина жиноят учун қўлланилиши мумкинлиги тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган еди. У кўп ҳолларда мураккаб шаклда - ёкиб юбориш, тўрт бўлакка бўлиб ташлаш, чарх-палакка тортиб ўлдириш, сувга чўктириш, аёлларга нисбатан - тириклайнин кўмиш каби кўринишларда амалга оширилган. Тан жазолари ва тана аъзо-ларидан маҳрум қилиш жазолари фирибгарлик ва ўғирлик учун тайинланиши мумкин еди. Турмага қамаш, ҳайдаб юбориш ва шарманда қилиш жазолари қўпроқ қўшимча жазо сифатида қўлланилган. Шунингдек, мол-мулкни мусодара қилиш, қатл етишдан олдин қизиган омбур билан сиқиб қийнаш ва қатл етиш жойига судраб бориш кабилар ҳам худди шундай қўшимча жазолар еди. Шу билан бирга Қонунномада «нияти бузук» ва «келажакда жиноят қилишга қодир» шахслар номаълум муддатга турмага қамалиши кўрсатилганди.

«Каролина» жиноят жараёнининг янги тури ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Германияда илк феодализм даврида суд ишлари юритиш-нинг айблов (тортишувчанлик) жараёни қўлланилган. Фуқаролик жараёни жиноят жараёнидан ажратилмаган еди.

ХПИ-ХИВ асрларда таъқиб қилишнинг хусусий хуқуқий принсиби оммавий ҳокимият номидан айблаш ва жазо бериш билан тўлдирила бошланди. Далиллар тизими ўзгарган. ХПИ аср охирида суд дуели қонунан бекор қилинди. Бироқ, Германияда янги, тергов-қидирув (инквизитсион⁴⁸) жиноят жараёнининг бутунлай ўрнатилиши рим хуқуқининг андоза (ретсепсия) қилиниши билан боғлиқ бўлган.

«Каролина» айблов жараёнининг баъзи белгиларини сақлаб қолган еди. Жабрланувчи ёки бошқа даъвогар жиноий даъво қилиши, айбланувчи еса - ушбу даъвога еътиroz билдириши ва уни асоссиз еканлигини исботлаши мум-кин бўлган. Томонларга ҳужжатлар ва гувоҳлар тақдим қилиш, юристларнинг хизматидан фойдаланиш хуқуқи берилган. Агар айблов тасдиқланмаса, даъвогар «етказилган заарнинг, шармандаликнинг ўрнини тўлдириши ва суд

⁴⁸ **Inkvizitsiya** – katolik cherkovining asoratiga qarshi kishilarni ta'qib va sud qilish uchun XIII-XIX asrlarda ta'sis etilgan sud-politsiya tashkiloti; qiyash, azoblash, iskanjaga olish.

ҳаражатларини тұлаши» лозим еди (13-модда). Бироқ томонларнинг бу ҳуқуқлари күпдан-күп расмий чекловлар билан бөлгілік бўлган, айбланувчи еса жуда камситилган ахволда еди.

«Каролина»да кўрсатилишича, жиноий ишларни кўришнинг асосий шакли - инквизитсион жараён (зулмга, қийнашга асосланган қидиув-тергов жараёни) бўлган. Айлов «хизмат вазифаси бўйича» давлат кишиси томонидан судяга тақдим қилинган. Тергов суд ташаббуси билан олиб борилган ва маълум муддатлар билан чегараланмаган. Гумондор шахсга нисбатан жисмоний таъсир етиш воситалари кенг қўлланилган. Бу вақтга келиб суд ишларининг тўғридан-тўғри, ошкора юритилиши ўрнига яширин ва асосан ёзма тарзда олиб борилиши жорий қилинган.

Инквизитсион жараённинг асосий босқичлари: суриштирув, умумий текширув ва маҳсус тергов бўлган суриштирувнинг вазифаси жиноят содир етилганлик фактини ва бунда гумон қилинувчи шахсни ўрнатиш ҳисоб-ланган. Бунинг учун судя жиноят ва жиноятчи ҳақидаги дастлабки маҳфий маълумотларни йиғиш билан шуғулланган. Агар судя кимнидир «умумий овоз билан (кўпчилик фикрига кўра-Ҳ.М.) ёки бошқа ишонарли далиллар, гумонлар ва исботлар билан айбдор деб ҳисоблаган» бўлса, у қамоқقا олинган. Умумий текширувда қамоқقا олинган шахс иш ҳолат-лари ҳақида, жиноят ҳақидаги баъзи маълумотларни аниқлаш мақсадида дастлабки қисқача сўров қилинган. Бунда гумонланувчи шахснинг «айбсизлик презумпсияси» принципи ҳаракатда бўлган. Ниҳоят, юқоридаги текширув ишлари амалга оширилиб бўлингач, маҳсус тергов ўтказилган. Бунда жиноятчи ва унинг шерикларини батамом фош етиш ва маҳкум қилиш учун айбланувчи ва гувоҳлар батафсил сўрок қилинган, далиллар йиғилган.

Маҳсус тергов инквизитсион жараённинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланган ва ҳукм чиқариш билан тугаган. Бу тергов расмий далиллар назариясига асосланган. Далил қонун билан муфассал ва бир хил маънода тартибга солинган. Ҳар бир жиноят учун «тўлиқ ва асил далиллар, исботлар ва гумонлар» турлари санаб кўрсатилган. Шу билан бирга умумий қоида бўйича, барча далиллар, исботлар ва гумонлар тўла ва охирги ҳукм чиқарилишига олиб келиши мумкин емас еди. Ҳукм фақат айбланувчининг шахсан тан олиши ва гувоҳлантирилиши асосида чиқарилиши мумкин еди (22-модда). Модомики, айбланувчилар айбини ҳар доим ҳам ихтиёрий равишда тан олавермаганлиги сабабли улар кўпинча қийнаш-азоблаш йўли

билан сўроқ қилинардилар. Инквизитсион жараённинг моҳияти ҳам ана шунда еди. Шундай қилиб, бутун далиллар йиғишнинг мақсади ҳақиқатда қийноқ қўллаш учун сабаблар қидириш бўлиб қолган еди.

Қийноқлар қўллаш расман бир қатор шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган. Масалан, агар иш бўйича етарлича далиллар топилмаган бўлса, шунингдек, жиноят у ёки бу шахс томонидан содир қилинганлиги «гумон» қилинаётган бўлса, қийноқлар қўлланилиши мумкин емас еди. Қийнаш асосида сўроқ қилиш учун етарлича далиллар тўпланган бўлиши лозим еди. Масалан, иккита асл гувоҳларнинг кўрсатмалари қийноқ-азоблаш йўли билан сўроқ қилишга етарли далил бўлган. Агар бунда факат битта гувоҳ бўлса, бу яримта далил ва «гумон» ҳисобланган. Факат бир нечта «гумонлар»нинг мавжудлиги судянинг хоҳиши бўйича қийноқлар қўллашга олиб келиши мумкин еди. Шу нарса характерлики, «гумонлар» орасида, шунингдек, инсоннинг «оқибатини ўйламай иш тутиши ва ёмон от чиқар-ганлиги», жиноят содир етишга «лаёқатлиги» кўрсатилган (25-модда). Қийнаш остида тан олишлиқ, шунингдек, маълум шартлар мавжуд бўлган-да ҳам ҳақиқий ҳисобланарди. Масалан, қийнаш вақтида емас, ундан кейин, камида бир қун ўтгач камерадан ташқарида қайтадан қийнаш пайтида олинган ва ёзилган ҳамда иш бўйича тегишли бошқа маълумотларнинг тан олиниши ҳақиқий деб топилган. «Каролина»да қийнаш остида сўроқ қилишнинг барча шартларига риоя қилиш талаб қилинади. Агар судя бу шартларга риоя қилмаса ва Ғайриқонуний сўроқ қилса, жазоланиши ва етказилган заарни тўлаши лозим еди.

Бироқ, бу юқорида кўрсатилган чеклашлар унча муҳим аҳамиятга ега бўлмаган. Биринчидан, қийноқни ўлим жазоси назарда тутилган жиноят содир етилиш факти аниқлангандан кейин дарҳол қўллаш лозимлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, давлатга хиёнат қилишда ҳатто озгинагина гумон қилинган шахсни қийноқ йўли билан сўроқ қилиш мумкин еди (42-модда). Иккинчидан, агар айбланувчи ўз айбига аввалига иқор бўлиб, сўнгра уни инкор қилса ёки бу «икор»лик бошқа маълумотлар билан тасдиқланмаса, судя қийноқ асосида сўроқ қилишни қайта тиклаши мумкин бўлган. Натижада судяларнинг қийноқни «Ғайриқонуний» равища қўллаганлигини амалда исбот қилиб бўлмас еди. Шунингдек, «Каролина»да кўрсатилишича, агар айб тасдиқланмаса, судя ва даъвогар қийноқ қўлланганлиги натижасида етказилган заарни тўлаш мажбуриятига ега бўлмаганлар.

«Каролина»да қийноқ қўллаш тартиби ва усуллари ҳақида ҳеч қандай нормалар белгиланмаган еди. Унда фақат қийноқ остида сўрок қилиш судя, иккита суд маслаҳатчилари ва суд котибининг иштирокида амалга оширилиши кўрсатилган. Қийноқнинг муайян усуллари ҳақидаги қўрсатмалар қонун-шуносаларнинг шарҳларида берилган. Шу нарса маълумки, Германияда XVI асрда қийноқларнинг 50 дан ортиқ тури қўлланилган.

Суд мажлиси суд жараёнининг якунловчи босқичи бўлган. Лекин у ҳақиқатда суд жараёнининг мустақил босқичи ҳисобланмаган. Мадомики, суднинг ўзи тергов олиб бориш, ҳам айловчи, ҳам оқловчи далилларни йиғиш ишлари билан шуғулланар екан, охирги ҳукм тергов давомидаёқ аниқлаб қўйилган. Судя ва суд маслаҳатчилари маҳсус тайинланган «суд куни» олдидан тергов баённомаларини кўриб чиққанлар ва маълум шаклдаги ҳукмни тузганлар. Шундай қилиб, «суд куни»да асосан ҳукм еълон қилинган ва ижро етилган. Ҳукм омма олдида қўнғироқ чалиб еълон қилинган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад қўрқитиш еди. Ҳукмлар айловчи, гумон остида қолдирувчи ва оқловчи бўлган.

Umumdavlat huquqi XPII асрдан еътиборан князликларда умумдавлат ҳуқуқи - бутун еркин аҳоли учун умумий бўлган ҳуқуқ нормалари фаол ривожлана бошлади. Унинг манбаларини асосан князликлар «давлат» органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, XII-XPII асрлардаги умумдавлат тинчлиги ҳақидаги маҳаллий қарорлар, шунингдек, графлик судларининг қарорлари ташкил етган. Айнан умумдавлат ҳуқуқида фуқаролик, оила ва бошқа «нооммавий» ҳуқуқ соҳалари ривожланган.

XPII асрга оид «Зертсалолар»да умумдавлат ҳуқуқи анча батафсил ёритилган. Уларда умумдавлат ҳуқуқига бағишиланган маҳсус бўлимлар мавжуд бўлган. Масалан, «Саксон зертсало»сининг умумдавлат ҳуқуқига бағишиланган биринчи қисмида «империя конститутсияси», табақаларнинг ҳуқуқий ҳолати, қариндошлиқ, оила ва мерос ҳуқуқий муносабатлари, жиноят ҳуқуқи ва жараёни масалаларига тааллуқли нормалар белгиланган.

Империя ташкил етилишининг «конститутсиявий» принсипи, «Саксон зертсалоси»дан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқнинг устунлиги (олийлиги) ва «иккита қилич» доктринаси бўлган. Ҳуқуқнинг устунлиги унинг илоҳий келиб чиққанлиги («Худонинг ўзи ҳуқуқ») натижаси еди. Бу оқибатда ҳар қандай қонунсиз ва

адолатсиз ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш принсипининг еълон қилинишига олиб келган. XII асрда черков мафкурачилари томонидан еълон қилинган «иккита қилич» доктринасига биноан, диний «қилич» (ҳоки-мият) папага, дунёвий «қилич» еса - императорларга тегишли бўлган. Диний ва дунёвий ҳокимият бир-бирига ёрдам берарди ва бир-бирини қўллаб қувватларди. Агар кимdir «папага қаршилик кўрсатса», дунёвий суд ёрдамида итоат етишга мажбур қилиниши лозим еди.

Феодалларнинг хизмат зинапоясидаги «биринчи даража» императорга тегишли еди. Император «Зертсало» муаллифларининг фикрича, ер ости бойлик-ларига егалик қилиш, «ҳамма ерда» олий суд қилиш, монеталар чиқариш, солиқлар ундириш ҳуқуқига ега еди. Бироқ, таббик, император ҳар доим «ҳамма ерда бўла олмас ва ҳар вақт барча жиноятларни суд қила олмас еди». Шу сабабли у ўзининг графликлардаги ваколатларини князларга ўтказганди.

Император князлар томонидан сайланиши лозим еди. У маҳаллий епископлар тақдимидан кейин қироллик ҳокимияти ва унвонини, папанинг тақдимидан кейин императорлик ҳуқуқларини олган. Император қўйидаги учта ҳолат: ҳақиқий еътиқодига «шубҳа»нинг мавжудлиги, қонуний хотинини таш-лаб кетиши ва ибодатхонани бузиши, вайрон қилишидан ташқари черковдан ажратилиши мумкин емас еди.

Инсон ҳуқуқий ҳолати унинг табақавий мансублигига қараб белгилан-ган. «Саксон зертсалоси»да ёзилишича, «ҳеч ким туғилиши бўйича хос бўлган ҳуқуқлардан ташқари, бошқа ҳуқуқларга ега бўлиши мумкин емас». Шу билан бирга унда крепостной ҳуқуқ қораланади, унингча, «кимdir бошқа бироннинг мулки бўлиши керак емас». Крепостнойлик ҳолати, унинг фикрича, адолатсиз ҳамда никоҳ одатларидан келиб чиқсан ва ҳуқуққа киритилган.

Умумдавлат ҳуқуқида **оила ва мерос ҳуқуқий муносабатлари** ма-салалари мухим ўрин тутади. Герман ҳуқуқи оилада ва мулкни мерос қилиб қолдиришда аёлларнинг камситилган ҳолатини ўрнатувчи ески анъаналарни давом еттириди. Никоҳ тузишда аёллар еркаклар билан teng ҳуқуқларга ега емас едилар. Бунда ернинг бойликлари ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлган. Болалар ҳуқуқий ҳолати паст даражадаги ота-онасининг мулкини мерос қилиб олганлар. «Саксон зертсалоси» ер ва хотин мулкининг уму-мийлиги принсипини тасдиқлади. Бироқ, бу мулк тўлиқ ернинг ихтиёри ва бошқарувида еди. Ернинг розилигисиз хотин ҳеч қандай мулкни

бошқара олмасди. Ер хотинининг қонуний ҳомийси ҳисобланган. Шу билан бирга оила мулкидан маълум қисми ажратилиши ва бундай мулкнинг хотин томонидан алоҳида мерос қилиб қолдирилиши ҳам ҳисобга олинган. Буларга хотиннинг шахсий фойдаланишига оид мулклар, уй жиҳози ва пардоз-андоз буюмлари («аёллар ҳиссаси»), ажралиш ёки ерининг ўлими ҳолларида аёлларни умрбод боқиш учун ажратиладиган мол-мулк, аёлларнинг сеп-сидирғаси, шунингдек, ернинг хотинига тухфа сифатида берган тўй совғалари кабилар кирган. Никоҳ бекор қилинганда хотин унга ери томонидан тақдим қилинган мол-мулк, «хотиннинг ҳиссаси» ва сеп-сидирғадан умрбод фойдаланиши мумкин бўлган. Ери ўлган хотин еса тўй совғалари, «хотиннинг ҳиссаси» ва умрбод боқиш учун тақдим қилинган мулкини ўзида сақлаб қолган, зеро «хотиннинг ҳиссаси» фақат аёллар линияси бўйича мерос қилиб қолдирилган. Болалар мулкка егалик қилиш ҳуқуқига фақат отасининг розилиги билан ва оиладан ажралиб чиқиб кетгандан кейин ега бўлганлар.

Принциплари ерларни еркак кишиларнинг қўлида сақланиб қолиши вазифа-сига бўйсундирилган ва, шунингдек, табақавий характерга ега бўлган.

Мерос олиш учун меросхўр мерос қолдрувчи **Meros huquqi** билан teng (ёки юқори) ҳуқуқий ҳолатга ега бўлиши лозим еди. Агар лен ҳуқуқи бўйича лен фақат ўғиллардан биттасига ўтказилган бўлса, умумдавлат ҳуқуқи бўйича еса меросни барча ўғиллар ёки бошқа қариндошлар teng ҳиссада олишган. Мерос олишга қариндошлиқнинг еттинчи даражасига-ча бўлган қондош қариндошлар чақирилган. Бунда ака-укалар опасингиллари олдида устунлик ҳуқуқига ега бўлишган. Асосий меросхўрлардан ташқари «ҳисса олувчилар» ҳам бўлиб, улар маълум мулқдан биринчи навбатда ўз ҳиссаларини олардилар. Буларга бева ёки тул қолган хотин, яқин қариндош, ҳарбий аслаҳа-анжомлар олган шахс кабилар кирган.

Германиянинг ўрта асрлардаги умумдавлат ҳуқуқи фақат қонун бўйича меросни ҳақиқий деб ҳисоблаган. Бироқ, никоҳ-оила муносабатларига каноник ҳуқуқнинг таъсири кучайиши оқибатида ҳадя кўринишида никобланган васият шакли ўрнатилган. Бундан ташқари, мулкни черков фойдасига тақсимлашда «ўлган кишининг ҳиссаси» ажратила бошланган. Герман ҳуқуқида қонуний меросхўрларнинг мажбурий ҳиссаси сақланган ҳолда васият бўйича

мерос институти рим ҳуқуқининг андоза қилиниши муносабати билан пайдо бўлган.

«Саксон зертсалоси» кўп сонли битимлар - олди-сотди, ссуда, шахсий ижара, сақлаш ва ҳоказоларга оид нормаларни белгилайди. Лекин умуман шартнома мажбуриятлари савдо-сотик унча ривожланмаганлиги сабабли бўш даражада ишлаб чиқилган еди. Мулкни ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимлар одатда суд томонидан гувоҳлантирилган. Қонунларда заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар анча батафсил тартибга солинган еди. Бу соҳадаги нормалар асосан ер егалигининг ҳимоя қилинишига, унга етказиладиган заарларни, екинларнинг пайхон қилинишини, чегаралар бузилишини олдини олишга ва бошқаларга қаратилган еди. Заар етказилганлик учун заарни қоплаш ва жарима тўлаш назарда тутилган.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши аста-секин янги фуқаролик-хуқуқий нормаларининг, институтларининг қарор топишига, андоза қилиб олинган рим ҳуқуки нормаларидан фойдаланишга олиб келган. Ер участкаларини «мажбуриятлар билан» мулк қилиб ўтказишнинг янги шакли пайдо бўлган. Ер участкасининг бундай тартибда сотилиши натижасида сотиб оловчи ва мулкни ундан кейин егаллаб олиши мумкин бўлган кишилар мулкнинг дастлабки егасига ер участкасидан олинган даромаднинг бир қисмини тўлаши лозим еди. Ҳаракатдаги ашёларнинг олди-сотди битимида ҳалол егаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутила бошланди. Бунда рим ҳуқуқига нисбатан ашё егасининг ҳуқуки анча чегараланди. Агар мулкдор ўз ашёсини бировга ишониб топширса, у бу мулкни учинчи шахсга сотса, мулкдор сотиб оловчига нисбатан даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Мулкдор фақат ундан ўғирланган ашёни талаб қилиши мумкин еди. Бу принсип герман ҳуқуқида «қўл қўлни асрashi (таниши) лозим» деган қоидада ифодаланганди.

Умумдавлат ҳуқуки тинчлик статутларидан анча оғир жиноятлар таркибларини қабул қилиб олган. Бироқ, бу жиноятлар маълум тизимга солинмаган еди ҳамда қасд ва «шафқатсизлик» билан содир етилганда, асосан мураккаб шаклдаги ўлимга маҳкум етиш билан жазоланганди. Еҳтиётсизлик натижасида содир етилган жиноятлар учун ўлимга маҳкум етиш ва тан жазолари берилиши мумкин емас еди. Бунинг учун вергелд тўлаш талаб қилинган.

Вақт ўтиши билан алоҳида герман ўлкаларида жиноий жазога лойик ҳуқуқбузарликлар турларининг янада кўпайиши содир бўлди. Қисман бу фуқаролик ҳуқуқбузарликлар билан жиноятлар ўртасидаги фарқларнинг анча аниқ ажратила бориши билан боғлиқ еди. Жиноятларни «ҳақиқий» ва «ноҳақ» жиноятларга янгича бўлиш жорий қилинди. Масалан, оддий одам ўлдириш ёки оғир тан жароҳати етказиш «ҳақиқий» жиноятлар деб, ўғирлик, давлатга хиёнат, фирибгарлик еса - «ноҳақ» жиноятлар деб ҳисобланган. Шунга қараб «ноҳақ» жиноятларда айборд бўлган шахслар анча оғир жазо - қийнаб ўлдириш жазосига маҳкум етилган; «ҳақиқий» жиноятчилар еса заарни қоплаш ёки сургун билан жазодан қутилиши мумкин еди.

XVI асрдан бошлаб жиноят ҳуқуки ва умуман юридик таълимот ҳам Германиянинг турли князликларида «Каролина»нинг принципларига асос-ланган. Унинг янада тараққий етиши жазоларга кўпроқ жиноятчини тузатиш воситаси, жумладан, мажбурий меҳнатга жалб қилиш ёрдамида тузатиш воситаси сифатидаги қарашларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Шу муносабат билан жазоларнинг мажбурий ишларга жалб қилиш, шарманда қилиш ва ахлоқ-тузатиш уйларига қамаш қаби турларини қўллаш ўсган.

«Саксон зертсалоси» давридаги умумдавлат ҳуқуки фуқаролик ишлари бўйича ҳам, жиноий ишлар бўйича ҳам тортишувчилик жараёнини назарда тутган. Ҳар ким бузилган ҳуқуқининг тикланиши ҳақида даъво қўзғалинига ва жавобгарни судга чақириши мумкин еди. Даъвогар ва жавобгар суд жараёнида одатда ўз вакиллари («гапиравчилари») орқали қатнашардилар. Вакиллар судда протессуал формулаларни баён қилганлар. Агар улар сўзларидан янгишсалар ишда ютқазганлар. Томонлар судга қонуний асосиз келмасалар ҳам ишда ютқазган ҳисобланганлар. Судга келмаслик учун фақат қуйидаги тўртта ҳолат: қамоқقا олинганлик, касаллик, империя хизматида бўлиш ва салиб юришда иштирок етиш қонуний сабаб бўлган.

Судда гувоҳларнинг кўрсатмалари ва қасам асосий далиллар бўлиб ҳисобланган. Жиноий ишлар бўйича шеффенларнинг розилиги билан судда яккана-якка олишув кўринишидаги «худо суди»га йўл қўйилган. Судда яккана-якка олишувнинг тайинланиши табақа тенглиги принсиби, шунингдек, «Саксон зертсалоси»да батафсил баён қилинган маълум протессуал қоидалар билан чекланган. Яккана-якка олишув натижасига қараб мағлуб бўлган жавобгар

одатдаги судда жиноят учун айбдор сифатида жавобгарликка тортилган, Голиб чиққан жавобгар еса айдан, жарима тўлашдан ва даъвогар ҳамда судга келтирилган заарни қоплаш мажбуриятидан озод етилган.

Агар яккама-якка олишувда томонлардан бири уч марта чақирилганда (таклиф қилинганда) «майдон»га чиқмаса, ишда ютказган деб топилган ва иши судга ўтказилган. «Саксон зертсалоси» суд жараёнида томонларнинг далилларига катта еътибор берган, айбдорнинг тегишли даражада фош қилиниши лозимлигини талаб қилган. Акс ҳолда суднинг жазо бериш ҳақида қарор чиқариши тақиқланган.

Умумдавлат ҳуқуқида «қарорга еътиroz билдириш»нинг ўзига хос қизиқ институти мавжуд еди. Қарорга еътиroz билдирувчи киши буни ўрнидан туриб, табақавий teng маслаҳатчилар билан юзма-юз ҳолда амалга ошириши лозим еди. Еътиroz билдирувчидан томонлар учун бирмунча адолатли кўринадиган бошқа қарор чиқариш учун таклиф бериш сўралган. Лекин агар еътиroz билдирувчи шахс ўз талабларини қаноатлантирилишига ериша олмаса, у кимнинг қарорига еътиroz билдирган бўлса, ўшанга бадал тўлаши, шунингдек, жарима ва суд ҳаражатларини ҳам тўлаши лозим еди.

XV-XVI асрларда тортишувчилик жараёнининг ўрнига инквизитсион жараённинг келиши мутлақо янги шакл ва қоидаларнинг ўрнатилишига олиб келди. (Бу ҳақда юқорироқда «Каролина» мисолида айтиб ўтган едик). Шундай бўлса-да, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан еътиборан судларда қийноқларнинг қўлланилиши чеклана бошлади. 1768 йилги «Терезиана»да қийноқ анжомлари кўрсатилган. Уларни факат ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар бўйича олий жиноий судларнинг розилиги билан, айбланувчи айбини тан олмаса ва бошқа далиллар бўлмаса, қўллаш мумкин еди. Қийноқлардан касаллар, ногиронлар, кексалар ва ёш болалар, шунингдек, агар содир етган жиноятлари унча оғир бўлмаса, олий табақага мансуб шахслар озод етилганлар. Суд жараёнида қийноқларнинг қўлланиши 1764 йил Пруссияда, XVIII асрнинг 20-йилларида бошқа бир қатор майда герман князликларида батамом бекор қилинган еди.

Маълумки, руҳонийлар табақаси ўз ҳуқуқ нормаларига **-чёрков ҳуқуқига** амал қилганлар. Чёрков ҳуқуқи шунингдек барча табақаларнинг оила ва мерос ҳуқуқий муносабатларини ҳам тартибга солган. «Саксон зертсалоси» бўйича ҳар бир христиан бир йилда уч

марта черков судида ва, шунингдек, йилига уч марта дунёвий судда иштирок етиши лозим еди. Германиянинг бир қанча князликларида кўпгина герман зодагонларининг вакиллари ҳам дунёвий, ҳам черков юрисдиксиясини ўз қўлларига олган едилар. Лекин шунга қарамай, черков ҳуқуқи Германияда анча тор доирада қўлланилган ва умумдавлат ҳуқуқининг ривожланишига унча таъсир кўрсатмаган.

**Len
huquqi**

Ўрта асрларда Германиядаги ерга оид муносабатлар бошқа Farb «феодал давлатлари»даги каби принциплар асосида қурилган еди. Бироқ, Германиянинг лен ҳукуқида маълум ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Германияда монарх империя ленларини еркин тасарруф қилиш ҳуқуқига ега емас еди. Анча фахрий империя ленларини князларга «мажбурий ҳадя қилиш» принсиби императорнинг бўшаган ленларни тақдим қилиш ва уларни ўз доменига қўшиб олиш ҳукуқидан маҳрум қиласарди. Шунингдек, маълум округ аҳолисининг устидан суд қилиш ҳуқуқига ега бўлган ленларнинг маҳсус тури ҳам мавжуд еди. Император томонидан берилган «суд лени»ни олган лен егалари, князлар ва графлар қирол буйруғи билан, яъни қирол номидан суд қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритардилар.

Германиядаги лен ҳуқуқининг хусусиятларидан бири шунда едики, унда лен олишни «кутиш» ҳукуқи мустаҳкамланган. Бир киши ленга егалик қилиш ҳуқуқини олган, бошқа киши (ёки бир неча кишилар) esa хўжайндан ушбу леннинг қонуний егаси вафот етганда ва унинг қонуний меросхўри бўлмаганда ўша ленга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини олишлари мумкин еди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Германияда вассал томонидан олинган леннинг бегоналаштирилишини тақиқловчи қоида анча узок вақт ҳаракатда бўлган. Ленни сотиш, гаровга қўйиш фақат хўжайнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин еди.

Германия лен ҳукуқида егалик институти катта аҳамиятга ега бўлган. «Егалик қилиш ҳукуқи» маҳсус ҳукуқ ҳисобланган. У ерни ҳақиқатда ушлаб туришдан фарқ қилган ва худди Англия ва Франсиядаги сезина сингари маҳсус даъволар билан ҳимоя қилинган. Бу ҳукуқ одатда егалик қилишга киришишнинг рамзий маросими (инвеститура) натижасида қўлга киритилган, лекин баъзан ленга ҳақиқий егалик қилиб туриш муддати (бир йилу бир кун

хўжайиннинг ёътиrozисиз егалик қилиб туриши) бўйича ҳам вужудга келиши мумкин еди.

Лен хукуки бўйича мажбуриятлар асосан вассаллик муносабатларини тартибга соладиган ва деярли бутун Европа мамлакатлари учун умумий бўлган феодал одатлар билан белгиланган. Лен егаси хўжайинга содиқлик ҳақида қасам ичиб, «унинг одами» сифатида маълум «мажбурият»ларни зиммасига олган. У аввало хўжайинга ҳарбий хизмат ўтаб бериши лозим еди. Хўжайин «Германия ўлкалари» доирасида ҳарбий юриш уюштироқчи бўлса, бу ҳақда вассалига олти ҳафта олдин иккита гувоҳ иштирокида маълум қилган. Бундан ташқари, лен егаси ўз сенорининг суд мажлисида иштирок етиши шарт еди. Ўз навбатида, сенор вассал қарамликни қабул қилишни рад етиши ва лен егасини ўз егалигидан маҳрум қилиши мумкин бўлмаган. Чунки «Саксон зертсалоси»га биноан, «агар суд томонидан тортиб олинмаган бўлса, ҳеч ким ер егалигидан маҳрум қилиниши мумкин емас» еди. Агар хўжайин вассалидан ерни асоссиз равишда тортиб олса ва лен ажратишниadolatsizlik билан рад етса, лен оловчи юқори турувчи (катта) сенорга шикоят қилиши мумкин бўлган. Катта сенор кичик сенордан бу масалани тегишличаadolatli ҳал етишни талаб қилган. Акс ҳолда бундай ер егалиги ва вассаллик суд орқали юқори турувчи сенор ихтиёрига ўтказилиши мумкин еди.

Shahar huquqi Ўрта асрлар хукуки шаҳарга «корпоратсия» - фуқароларнинг ягона, бир бутун йиғиндиси статусини ва шу тариқа юридик шахс хукуқини берган. Германиянинг шаҳар хукуки тўпламларида унинг нуфузли еканлиги ва қиролликдан келиб чиққанлиги таъкидланади, чунки қирол «савдогарларга хукуқ берган, бундай хукуқقا қиролнинг ўзи доимо ўз саройида ега бўлган». Шу сабабли савдо майдонидаги крест (хоч) ва осиб қўйилган қирол қўлқопи шаҳарнинг рамзи бўлиб қолган, зотан «бу жойда қироллик тинчлиги ва қирол хоҳиш-иродаси ҳаракатда еканлиги кўриниб туриши» лозим еди.

Германиянинг шаҳар хукуки дастлаб умумдавлат ва лен хукуқларининг принциплари ва институтларига асосланган. Бу айниқса никоҳ-оила ва мерос муносабатлари соҳасида кўзга яққол ташланади. Бироқ, герман шаҳарлари мустақиллигининг кучайиб бориши жараёнида шаҳар хукуқининг ўз хусусий принциплари ва нормалари борган сари кўпайиб, мазмунан бойиб борди. Бозорлар ва ярмаркаларни тартибга солиш, мулкни тасарруф қилиш ва қарзларни

ундириш масалалариға алохидә еътибор берила бошланди. Германия шаҳарларида ярмаркаларга оид қонунлар ва вексел уставлари жуда ерта қабул қилинган еди. Уларда олди-сотди, қарз, гаров, ссуда, топшириқ каби шартномалар жуда батафсил ҳуқуқий тартибга солинган еди. Шаҳар ҳуқуқидан аста-секин ажралиб чиқа бошлаган савдо ҳуқуқида вексел ва савдо ширкати институтлари янада ривожланди.

Шаҳарлик ўз хусусий маблағига сотиб олган мол-мулкни тасарруф етишда тўла еркин еди. У уч шиллингдан ортиқ мулкни фақат битта шарт - «соғлом ҳолатда бўлишлик» шарти билан еркин равишда васият қилиб қолдириши мумкин еди.

Германиянинг ўрта асрлардаги ҳуқуқи, жумладан, шаҳар ҳуқуқи ҳам қарздорларга нисбатан жуда шафқатсиз бўлган. Агар жавобгар суд қарори асосида даъвогарга қарзини ва судга жаримани тўлай олмаса, унинг мол-мулки мусодара қилинган ёки унинг қарзини тўлаш истагини билди-рувчи шахс топилгунига қадар қамоққа олинган. Бундан ташқари, қарз берувчи ўзининг таъсир кўрсатиш усулларидан фойдаланиши, масалан, қарздорни озгина овқат билан кишандада сақлаши мумкин бўлган. Лекин бунда қарздорга «азоб бериш керак емас» деб қўшимча шарт қўйилган еди. Германиянинг шаҳар ҳуқуқи қарз масалаларида лен ҳуқуқи ҳамда черков ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, бошқа ўзига хос принсипни ҳам мустаҳкамлаган. Бунга кўра, ўғил ўлган отасининг қарзини тўлашдан озод етилган. Албатта, бунда «қонун бўйича талаб қилинадиган қарз ҳақида хабар қилинмаган бўлиши» керак еди.

Шаҳар жиноят ҳуқуқи «шаҳар тинчлиги»ни муҳофаза қилиб, жазоларнинг жуда оддий турларини белгилаган. Одам ўлдириш ёки ўлимга сабаб бўлувчи тан жароҳати етказиш, зўрлаб номусга тегиши, бирорнинг уйига бостириб кириш каби жиноятларни содир қилган шахсларнинг боши кесилган. Бирорга бошқача тан жароҳати етказганлик учун қўлни кесиш жазоси тайинланган. Оғирлаштирувчи ҳолатларсиз оддий ўғирлик учун, шунингдек, савдо қоидаларини бузишлик учун шарманда қилувчи жазолар (сочини қирқиб ташлаш ва қамчи билан савалаш) назарда тутилган. Бундан ташқари, савдо соҳасидаги қоидаларни бузган шахслар ратман-ларнинг⁴⁹ маҳсус розилигисиз савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум етилган. Шаҳар ҳаётига хос бўлган бошқа жиноятлар - бирорнинг мулкини егаллаб олиш, ер егалигини бузиш, шеффенни ҳақорат

⁴⁹ O`rta asrlarda shahar magistratlariga saylab qo`yilgan shaxslar.

қилиш, топшириқни бузиш кабилар учун жарима назарда тутилган. Биронинг мулкига атайлаб «инсофсизлик» билан тажовуз қилиш - кечаси ўғирлик қилиш, ухлаб ётган кишига нисбатан ўғирлик қилиш пайтида қўлга тушиб қолган жиноятчига нисбатан осиб ўлдириш ва уйини бузиб ташлаш каби жазолар тайинланган.

Германия шаҳар ҳуқуқида суд ишлари юритишни ташкил қилиш, исботлаш ва жараён қоидаларини белгилаш масалалари ўзига хос пухта ва атрофлича ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Шаҳар судига шаҳарнинг сенори томонидан тайинланадиган **бургграф** ва унинг ўринбосари (шултгейс) бошчилик қилардилар. Улар қирол ёки княз буйруғи билан суд ишларини юритишган. Бургграф суд ишларини бир йилда уч марта кўриши лозим еди. Унинг йўқлигига бу ишларни **шултгейс** бажарган. Бундан ташқари, бургграфнинг юрисдиксиясига, агар айбдор жиноят устида ушлаб олинган бўлса, зўрлик, таъқиб қилиш, уйига бостириб кириш ҳақидаги барча ишлар, шунингдек, бургграфнинг расмий суд ишлари бошланишига қадар «14 кеча олдин» вужудга келган барча ишлар тааллуқли бўлган. Тайинлаб қўйиладиган суд амалдорларидан ташқари иккита тоифадаги судялар - **шаҳар шеффенлари** (умрбод муддатга) ва **ратманлар** - **маслаҳатчилар** (бир йилга) сайлаб қўйилган. Ратманлар асосан «дониш-мандлар маслаҳати бўйича» шаҳар савдosi қоидаларининг бузилиши ҳақи-даги ишларни кўриб ҳал қилиш учун чақирилган. Шундай қилиб, енг кўп ишлар шаҳарнинг **шеффенлар** ҳайъати томонидан кўриб ҳал етилган. Ушбу **шеффенлар** ҳайъати шаҳарликлар ва чет елликларга нисбатан умумий юрис-диксияга (суд қилиш ҳуқуқига) ега бўлган. Бунда шаҳарликларнинг факат шаҳар суди судловлигига тааллуқли еканлиги қайд қилинган. Улар шаҳардан ташқарида судга мурожаат қилишлари мумкин емас еди.

Ҳар қандай даражадаги судяларнинг, ратманлардан тортиб шултгейс-ларгача суд мажлисини тўхтатиб (узиб) қўйиши, судга келмаслиги ишда қатнашувчи томонлар сингари жарима тўлашига олиб келган. Шаҳар судига фақат қўйидаги учта қонуний сабаблар бўлганда: касал бўлса, асирга тушиб қолса ва мамлакат ташқарисида давлат хизматида бўлса келмаслиги мумкин еди.

Шаҳар протессуал ҳуқуқи айбланувчи ҳуқуқларининг кафолатларига, жумладан, ишларнинг қисқа муддатда ҳал қилиниши, далилларнинг объектив-лиги, судсиз жазолашга йўл қўйилмаслиги кабиларга алоҳида урғу беради. Жавобгар ёки айбланувчи, агар

шеффенлар ёки ратманлар ҳайъати ишни кўриб чиқмаган бўлса, бургграф ёки шултгейс судида, агар бургграф ёки шултгейс бўлмаса, жойлардаги шаҳарликлар томонидан сайланган ҳар қандай судя томонидан ишни зудлик билан кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига ега бўлган. Шаҳарлик ва бегона ерлик кишилар ўртасидаги суд ишлари кечиктирилмасдан зудлик билан кўриб чиқилиши ва улар бўйича ўша куннинг ўзидаёқ қарор чиқарилиши лозим еди.

Жиноят содир етилган жойда қўлга олинган шахснинг айбини ёки ўзини айбдор емас деб еълон қилган шахснинг айбсизлигини олтита гувоҳ ёрдамида ва «ўзим еттинчи» тамойили асосида бир овоздан тасдиқловчи кўрсатмалар асосида исбот қилиш талаб қилинган.

Жиноят содир етилганлигини кўп ҳолларда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан бир қаторда бошқа далиллар асосида ҳам исботлаш талаб етилган. Агар шундай далиллар мавжуд бўлса, уларни қасам билан инкор қилиш мумкин бўлмаган. Агар бундай далиллар бўлмаса, шаҳар ҳуқуқи, ҳатто гувоҳлар бўлса ҳам, айбланувчини оқлаш зарур деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, жиноятчини жиноят содир етган жойда қўлга олинса ҳам, уни судсиз жазолаш мумкин емас еди. Шунингдек, аёлларга нисбатан айбни исботлашнинг анча енгил қоидалари жорий қилинганди. Агар аёл киши жиноят устида қўлга тушмаса, у ўзининг айбсизлиги ҳакида қасам ичиб жавобгарликдан қутилиб кетиши мумкин еди.

В БОБ. АНГЛИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (В аср-XVII асрнинг ўртаси)

- *Англия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.*
- *Инглиз-саксларнинг ilk феодал монархияси (IX-XII асрлар).*
- *Англияда марказлашган сенорлик монархияси (XI-XII асрлар).*
- *Табақа-вакиллик монархияси (XIII асрнинг II ярми-XV аср).*
- *Абсолут монархия даврида Англиянинг ижтимоий-сиёсий тузуми (XVасрнинг охири-XVII асрнинг ўртаси).*
- *Ҳуқуқнинг асосий белгилари.*

1. Англия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари

Англия феодал давлатининг ташкил топиши Британия оролларига герман ва скандинав қабилаларнинг кўп сонли босқинчилик юришлари билан боғлиқ бўлган. Маълумки, Рим легионлари Британиядан В асрнинг бошла-ридаёқ чиқиб кетган еди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, бир қанча май-да қиролликларга бўлинган "британия мустақиллиги" барҳам топди. В асрнинг ўрталаридан бошлаб (449 йил атрофида) бу оролга турли хил шимоли-Фарбий герман қабилалари - инглизлар, сакслар, юtlар бостириб кира бошлайди. Бу исти-ло қарийб бир асрга - VI асрнинг иккинчи ярмигача чўзилиб, орол оз-оз-дан истило қилиниб борди. Инглиз-сакслар истилоси натижасида илгариги Британия ҳудудида ўндан ортиқ майда варвар қиролликлари вужудга келди. Бу варвар қиролликлари чекка Уелс, Корнуел ва Шотландиядан ташқари, оролнинг бу-тун ҳудудини егаллаб олди. VII асрга келиб инглиз-сакслар христианликни қабул қилиб, ўзларининг бир қадар йирикроқ еттига (гептархия деб аталадиган) қиролликларини барпо етдилар. Булар: жанубда саксларнинг учта қироллиги – Уессекс, Сессекс, Ессекс (Фарбий, жанубий ва шарқий сакс) қиролликлари, марказда ва шимоли-шарқда асосан англларнинг учта - Мерсия, Нортум-бривия ва Шарқий Англия қиролликлари ҳамда чекка жануби-Фарбда юtlарнинг Кент қироллиги еди. 827 йилда Уессекс қироли Екберт (802-839

йиллар) бу қиролликларни ўз хукмронлиги остида бирлаштириб, ягона инглиз-сакслар қи-роллигига асос солади. X асрдан бошлаб бу ягона давлат Англия деб атала бошлайди. XI асрнинг бошида инглиз тахти данияликлар томонидан егаллаб олинади. Данияликлар Англияни Едуард Исповедник (1042-1066 йиллар) то-монидан инглиз-сакслар сулоласи қайта тиклангунга қадар бошқардилар. 1066 йилда Англияни Нормандия герсоги Вилгелм истило қилиб, шу тариқа Фотих (истилочи) номи билан Англия қироли бўлиб олади. Бунда унга, бир томо-ндан, Рим папаси хайрихоҳлик қилган бўлса, иккинчи томондан, франсуз қи-роли бевосита кўп сонли ҳарбий қўшинлари билан ёрдам берган еди. Нор-мандлар ҳокимияти кучайиб, марказлашган давлат барпо қилишга асос солинган.

Ўрта асрларда Англия феодал давлатининг ривожланиш босқичларини қуидаги давларга бўлиш мумкин: 1) инглиз-саксларнинг ilk феодал монархияси даври (IX-XI асрлар); 2) марказлашган сенорлик монархияси ва қирол ҳокимиятини чеклаш учун фуқаролар уруши (XII аср) даври; 3) табақа-вакиллик монархияси даври (XIII асрнинг иккинчи ярми -XV аср); 4) абсолют монархия даври (XV асрнинг охири - XVII асрнинг ўртаси).

2. Инглиз-саксларнинг ilk феодал монархияси (IX-XI асрлар)

**Ingliz-sakslarning
ijtimoiy tuzumi**

Герман қабилаларининг Британиядаги фео-дал жамиятларининг шаклланиши жуда секинлик билан юз берган. Бу маълум даражада инглиз-саксларнинг қабилавий урф-одатлари оролда дарҳол бузилмаганлиги ва сканди-нав анъаналарининг турғунлик таъсири билан боғлиқ еди. VI-VII асрлардаги қўпгина "ҳақиқат"ларда, яъни турли инглиз-сакс қиролларининг қонунлар тўп-ламларида инглиз-саксларнинг ўша даврга оид ижтимоий тузуми ҳақида ан-чагина маълумотлар берилади. Уларнинг ижтимоий тузуми кўп жиҳатдан франкларнинг "Сали ҳақиқати"да тасвиrlанган ижтимоий тузумига ўхшар еди. Инглизлар, сакслар ва ютлардан иборат герман қабилалари ўзлари босиб олган мамлакат халқларига нисбатан ижтимоий ва маданий ривожланишнинг анча қуи даражасида турар еди. Улар босиб олган мамлакатда нисбатан ривожланган қишлоқ хўжалигига дуч келганлар. Шу сабабли истилодан кейин тез ора-да уларнинг асосий машғулоти дәжончилик бўлиб қолган. Инглиз-

сакслар давлати аҳолиси, манбаларнинг дарак беришича, қадимги даврлардаёқ ерк-ин, яrim еркин кишиларга ва қулларга бўлинган еди. Франклардаги сингари, инглиз-саксларда ҳам аҳолининг асосий оммаси, инглиз-сакслар "ҳақиқатлари" да ишлатилган ибора билан айтганда, **кёрллардан** - еркин кишилардан иборат еди. Булар мустақил хўжалик юритувчи жамоачи деҳқонлар бўлиб, **гайда** деб аталган катта-катта ер участкаларига ега едилар (баъзи қиролликларда ҳар бир кёрл оиласига тегишли чек ернинг микдори 120 акр, бизнинг ҳисоби-мизча 50 гектарга тўғри келарди). Кёрлнинг вергелди 200 шиллинг еди. Уруғ-қабила зодагонлари - **ерллар** бўлиб, улар жамиятнинг ҳукмрон таба-қасини ташкил етган. Ерлнинг вергелди дастлаб фақат 400 шиллинг бўлган бўлса, кейинчалик 600 шиллингга, ундан кейин янада ошиб 1200 шил-лингга етган. Ерллар ва кёрллар жамиятда еркин кишилар еди. "Ҳақиқат-лар"да юқоридагилардан ташқари, яна **летлар ёки уиллар** тилга олинади. Булар ўз аҳволи жиҳатидан франк литларига ўхшаган яrim еркин кишилар еди. Уларнинг ўз ери бўлмай, маълум мажбурият евазига ерлларнинг ери-ни ишлаб берар едилар. Уларнинг вергелди 80 шиллинг атрофига еди. Летлар Бри-таниянинг бўйсундирилган маҳаллий аҳолисидан (уил сўзи Британиянинг Фарбий қисми - Уелсдан) келиб чиқсан деб тахмин қилинади. Зодагон инг-лиз-саксларнинг, ерлларнинг (ва ҳатто баъзи бир енг бой кёрлларнинг) қуллари ҳам бўлиб, уларнинг бир қисми ҳовлида хизмат қиладиган, бир қисми оброкчи қуллар бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланарди. Қуллар жамиятнинг енг қуи по-Ғонасида турган. Инглиз-саксларда асирга олиш, қуллардан туғилиш ва оғир жиноятлар учун қулликка сотиш қулликнинг асосий манбалари еди. Қулни ўлдириш қул егасининг мулкига етказилган заарар сифатида кўрилган ва айбордга фақат етказилган заарни тўлаш мажбурияти юқлатилган хо-лос. Шуни таъкидлаш жоизки, черков қулларга нисбатан ўзбошимчаликни ва шафқат-сизликни қораларди. Хўжайиннинг буйруғи билан якшанба куни ишлаган қул еркинликка чиқариларди.

Ҳуқуқий ёдгорликларда, шунингдек, руҳонийлар ва қирол ҳам еслати-лади. Уларда епископнинг вергелди ҳатто қиролнинг вергелдидан юқори белгиланган.

ВПИ асрда шахсий патронат тажрибаси тарқала бошлади. Бунда ҳар бир одам ўзига ҳомий (глафорд) излаши лозим еди ва ҳомийсининг розилигисиз ундан кетиш ҳуқуқига ега емасди.

ВII-IX асрлардаги ёдгорликларда **дружинник-танлар** алоҳида тилга олинади. Дружинник-танлар қаторига ерллар ҳам, кёрллар ҳам кириб, улар қирол фойдасига ҳарбий хизмат ўташлари лозим еди. Бу тоифага киришнинг ягона мезони маълум миқдордаги (5 гайд) ер участкасига егалик қилиш бўлган. Шундай қилиб, еркин кишиларнинг турли ижтиомий групчалари ўртасидаги чегаралар ёпиқ бўлмаган ва қатъий чеклаб қўйилмаган еди. Инглиз дехқони ва ҳатто, еркинликка чиқарилган кишининг авлодлари хўжайин ёки қиролдан ер участкаси олиб, тан бўлиб қолиши мумкин еди. Тарихчиларнинг дарак беришича, ўша даврда инглиз танларининг деярли тўртдан бир кисми дехқонлар ва ҳунармандлардан келиб чиқсан.

Бу даврда юқоридаги жараёнлар билан бир вақтда ҳукмронлик ва бўйсуниш муносабатлари ҳам ривожланишда давом етган. X асрда ўзи учун судда жавоб бера олмайдиганларнинг ҳаммасига ўзига глафорд топиш буюрилган, яъни мажбурий коммендатсия жорий етилган. Англияда коммендатсия ВII-VII асрларга оид есадаликлардаёқ учрайди, лекин бу нарса IX-X асрда айниқса кўпайди.

Англия қироли Етелстан (Буюк Алфреднинг невараси) 930 йилда ҳар бир еркин кишига ўзи учун бир хўжайин (инглиз-саксча "лорд", франсузча "сенор" деган иборага тўғри келади) топиб олишни буюрган. Етелстан қонунларига биноан, агар дехқон маълум муддат мобайнида қандайдир феодалнинг ҳимоясида бўлмаса, у қочоқ деб топилган ва ҳар ким уни жазо бермай ўғри сифатида ўлдириши мумкин еди. Дехқоннинг ўз ёнидаги катта ер егасига бўлган қарамлигини давлат ҳокимияти иммунитет тарзида расмийлаштирган. Қирол катта ер егаларига ўз атрофидаги аҳолини суд қилиш ва ундан тегишли суд божлари олиш ҳуқуқини берган. Бундай хусусий суд қилиш ҳуқуқи **сока** деб, хусусий суд қилинган дехқонлар еса **сокменлар** деб аталарди. Ҳар қандай одам қирол судига мурожаат қилишдан аввал ўзининг глафордига мурожаат қилиши лозим еди. Хўжайнинг ҳаёти ерллар учун ҳам, кёрллар учун ҳам дахлсиз деб еълон қилинган. Юқоридагилар билан бир вақтда кафиллик институти ҳар қандай кишига унинг глафорди ва маълум (12 тадан ортиқ бўлмаган) миқдордаги еркин кишиларнинг кафолат бериши мустаҳкамланган.

XI асрга келиб, танларнинг ҳам, қарам дехқонларнинг ҳам ерга оид хизматлари белгиланган. Танлар қироллик ҳужжатига асосланган ерларга егалик қилиш ҳуқуқига ега бўлганлар ва учта асосий

мажбуриятларни бажаришлари лозим еди. Булар: юришларда, истеҳкомлар қуришда ва кўпприклар тузатишида иштирок етиш мажбуриятлари еди. Бундан ташқари, кўпчилик дехқон учун қирол буйруғи билан бошқа хизматлар: қўриқланадиган қироллик боғларини яратиш, кемаларни жиҳозлаш, қирғоқларни қўриқлаш, черков ерларига қараб туриш ва бошқалар ҳам жорий етилиши мумкин еди. Танлар аста-секин ҳарбий табакани ташкил етганлар.

Камбағаллашган кёрллардан кўп сонли қарам дехқонлар ташкил топган. Бундай дехқонларнинг мажбуриятлари баъзан аниқ ўрнатилган, баъзан еса аниқ белгиланмаган еди. Мажбуриятлар жойлардаги урф-одатлар билан белгиланаарди. Дехқон ўлгандан кейин унинг барча мол-мулки глафордда қоларди.

Ердор лордлар **манорлар** (бу сўз ҳам инглиз-сакслар вақтида пайдо бўлган) деб аталган ўз поместеларида қисман қуллар меҳнатини, қисман еса крепостнойлар меҳнатини эксплуататсия қиласидилар. 1000 йилга оид бир манбада⁵⁰ дехқонларнинг турли гуруҳлари тасвиранади, лекин илгари кёрл деган ном ўрнига мазкур ҳужжатда генитлар ва гебурлар деган янги номлар ишлатилади; **генитлар** хусусий ер егалари бўлиб, қисман қиролга, қисман ёнидаги лордларга солиқлар тўлаб турувчи еркин дехқонлар еди, **гебурлар** еса ўз ери бўлмай, помешчикларнинг ерида дехқончилик қилиб, унга йил бўйи ҳар ҳафтада уч-тўрт кун жуда оғир баршина ўтаб берувчи ва бундан ташқари, лордга мол, Ғалла, пул шаклида турли солиқлар тўлаб турувчи дехқонлар еди. Кам ерли дехқонларнинг яна бир гурухи бўлмиш **касситлар** (коттерлар) ҳам тилга олинади, буларнинг кичик бир парча ерлари ва кулбалари бўлиб, улар евазига унча катта бўлмаган баршина мажбуриятини ўтар едилар.

ВИИ-ИХ асрларда, айниқса, X асрда инглиз-саксларнинг патриархал жамоа тартиблари тобора тушкунлик сари юз тутди. Ҳали кучли бўлган қишлоқ жамоаси билан бир қаторда катта аристократик ер егалиги авж олди. Қирол маҳсус ёрликлар бериб, ерни дунёвий зодагонларга ва черковга хусусий мулк қилиб бера бошлади. Одатдаги қонун-қоидаларга асосланган ер мулкига, яъни жамоаларнинг, дехқонларнинг ер мулкига (фолклендга) қарама-қарши ўлароқ, мамлакатда помешчиклар мулки (бокленд), яъни ерга қирол ёрлиғи - бос ёки боок асосида егалик қилиш тобора кучайиб борди, қирол ер феодалларнинг хусусий мулки бўлишини тан олиш билан бирга, бокленд егаларига кўпинча яна бир қанча имтиёз ва

⁵⁰ Bu manba «Ayrim shaxslarning burchlari» (“Rectitudinrs singularum personrum”) deb atalar edi.

иммунитетлар (маҳаллий дехқон аҳолисини суд қилиш ва улардан солиқ олиш хукуки)ни ҳам берди.

Дехқонларнинг чек ери борган сари майдаланиб борди. Катта дехқон оиласининг илгариги ўртача чек ери - гайда⁵¹ ўрнига IX-Х асрларда ҳамма жойда дехқонларнинг миқдор жиҳатидан анча оз бўлган янги чек ери - виргата⁵² учрайди.

Данияликларнинг ҳужуми дехқонларнинг аҳволига жуда ёмон таъсир қиласди. Данияликлар ўз ҳужумлари вақтида дехқонларнинг хўжалигини бутунлай вайрон қиласдилар. Дехқонлар бурглар, қўприклар ва йўллар қуриш, лашкарлар сафида туриб қўриқчилик қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ учун жуда кўп вақт сарфлашга мажбур едилар. Ҳар бир чек ерга солинадиган ва тобора ортиб борган "данияликлар пули", яъни данияликларга қарши курашиш учун йиғиладиган солиқ ҳам дехқонлар зиммасидаги оғир юк еди.

Бироқ инглиз-саксларда жамиятнинг феодаллашуви жараёни норманлар истилоси вақтида тугалланмаган еди. Дехқонларнинг лоақал ярми ҳали еркин жамоа аъзоси бўлиб, уларнинг лордлар билан бўлган муносабати ҳали бутун-лай крепостнойлик муносабатлари тусини олмай, балки ҳомийлик муноса-батларигина еди. Ҳатто крепостнойлаштирилган гебурларнинг аҳволи ҳам турлича бўлиб, ҳар қайси манор ҳар хил еди. Бир қанча жойларда гебурлар қарам кишиларга ўхшарди, лекин улар чинакам крепостнойлик ҳолатида емасдилар. Шимоли-шарқий Англияда, данияликлар ўрнашган минтақада еркин дехқонлар ("еркин кишилар") ҳали жуда кўп еди. Скандинавлар жамиятининг анча кейин тараққий етиши, шарқий Англиядаги даниялик-скандинавиялик аҳоли орасида уруғчилик тузуми елементларининг сақланиб қолиши натижасида шундай ҳол юз бердики, ҳатто жануби-шарқдаги инглиз-сакс дехқонлари илгариги еркинлиги ва мустақиллигидан бутунлай маҳрум бўлган бир вақтда ҳам "данияликлар минтақаси"даги дехқонлар ўз мустақиллигини бирмунча сақлаб қолган еди.

Англия руҳонийлари архиепископ Кентерберийский бошчилигига папа ҳокимияти билан бўлган муносабатда, қитъадаги черковга қараганда, анча мустақил мавқедан фойдаланганлар. Ибодат қилиш маҳаллий тилда олиб борилган. Руҳонийларнинг вакиллари маҳаллий ва қироллик мажлисларида дунё-вий ишларни ҳал қилишда иштирок етганлар.

⁵¹ Gayda - taxminan 120 akrga teng. Akr - 0,4047 getktarga teng yer o`lchovi.

⁵² Virgata – gaydaning to`rtadan bir qismi.

Англия черкови катта ер егаси еди. Унга мамлакатдаги бутун ерларнинг учдан бир қисмигача тегишли бўлган. Шу билан бирга диндор шахслар умумдавлат соликлари ва мажбуриятларидан озод қилинмаган едилар.

Умуман олганда, нормандлар истилоси арафасида инглиз-сакслар жамиятининг феодаллашуви, феодал ер егалигининг, васаллик-ленлик иерар-хиясининг расмийлашиши ҳали ниҳоясига етмаганди. Мамлакатда, айниқ-са, унинг шарқий қисмида ҳали еркин дехқонларнинг анчагина қатламлари мавжуд еди. Лекин шунга қарамай, XI асрга келиб, бутун Англия ҳудудида жамоа муносабатлари ўз ўрнини аллақачон феодал муно-сабатларга бўшатиб берган еди.

Ingliz-sakslarning davlat tuzumi

Инглиз-сакслар давлатида давлат ҳоки-миятининг ташкил етилиши улар вужудга кел-ган ва расмийлашган шароитлар билан белги-ланади. Давлат тузумида уруғ-қабила ташкилотларининг анчагина қолдиқлари сақланиб қолган еди.

Келтларга қарши кураш давомида герман қабилаларида мулкий табақаланиш ва синфларнинг ташкил топиш жараёни тезлашди. Бу еса ўз навбатида уларда уруғчилик тузумининг емирилиши ва давлатнинг ташкил топишини тезлаштириди. Дастлаб герман қабилалари Британиядаги босиб олган ерларида кўп сонли майда давлатлар ташкил етдилар. ВІІ асрга келиб Британия ҳудудида еттига нисбатан йирик давлатлар (Гептархия) вужудга келди.

Ягона инглиз-сакслар давлатининг ташкил топиши данияликларнинг икки маротаба босқинига қарши шиддатли кураш шароитида содир бўлди ва инглиз қироли Едуард Исповедник даври (1042-1066 йиллар)да ниҳоясига етди.

Мамлакатнинг бирлаштирилишига қадар ягона давлатда ҳар бир кичик қиролликнинг ўз қироли бўлган. Бу давлатларнинг кўпчилигига қироллар сайлаб қўйиларди. Бу худди илгариги қабила бошлиқлари (доҳийлар)ни сайлаш тартибига ўхшаш еди.

Давлат ташкил топгандан сўнг дастлабки босқичда инглиз-сакслар қиролларининг ҳокимияти кучсиз бўлган. Ҳатто қирол мулкини ўғирлашда айбланганлар оддий диндорнинг мулкини ўғирлаганлар билан тенг миқдорда жарима - ўғирланган мулкнинг тўқиз баравар миқдорини тўлардилар. Қирол шахси архиепископ шахси билан тенг даражада ҳимоя қилинган. Бироқ, қирол олий ҳокимият егаси бўла борган сари унинг мавқеи анча

мустаҳкамланган. Қирол шахсига нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз жиноят ҳисобланган, унинг ҳаётига суиқасд учун еса айбдор ўлимга маҳкум етилган.

Қирол ҳарбий ҳокимият егаси сифатида давлатдаги "тинчлик ва хавф-сизлик"ни қўриқлаб турган. Қироллик тинчлигини бузиш енг оғир жиноят ҳисобланган. Қирол олий судя бўлган. Ҳукмрон табақалар учун анча хавфли жиноий ишлар бевосита қирол судида қўриб, ҳал етилган. Бундай ҳолларда қирол ишларни витанлар (донишмандлар) иштирокида ҳал қиласарди. Витанлар янги қонунлар ишлаб чиқишида ҳам бевосита қатнашардилар. Инглиз-сакслар даврида қирол ҳокимияти анча ўсган ва мустаҳкамланган бўлишига қарамай, қиролга ҳарбий саркарда сифатида қараш ва тахтни алмаштиришда сайловлар тамоилии сақланиб қолган еди. Бироқ, монарх аста-секин ўзининг ерга олий егалик қилиш, монеталарни танҳо ўзи чиқариш, бутун еркин аҳолидан солиқ ва божлар олиш, ҳарбий хизматлар талаб қилиш каби ҳуқуқларини ўрнатган. Инглиз-саксларда қирол фойдасига тўғридан-тўғри солиқ олиш мавжуд еди. Ҳар бир чек ерга солинадиган ва тобора ортиб борган "данияликлар пули" айнан шундай солиқ еди. Бундан ташқари, ҳарбий юришларда иштирок етишдан воз кечганлардан ҳам қирол фойдасига жарима олинарди.

Юқоридагилар билан бирга, IX-XI асрлардаги ҳуқуқий ёдгорликлар қирол ҳокимияти ҳуқуқ ва ваколатларининг, хусусан, ўз худудида одамларни суд қилиш, жарималар ва йиғимлар ундириш, қўшин тўплаш каби ҳуқуқларининг йирик ер егаларига ўтказилиши тенденсияси бўлганлиги ҳақида ҳам хабар беради. Кудратли танлар кўпинча қироллик вакиллари маъмурий округларнинг бошқарувчилари етиб тайинланарди.

Инглиз-сакслар даврида олий давлат органи - **витанагемот** - витанлар, яъни "донишмандлар" кенгаши бўлган. Бу муносиб, "кўп мулкли" еркаклар йиғинида қирол, олий руҳонийлар, дунёвий зодагонлар, шунингдек, қирол томонидан шахсан таклиф етилган қироллик танлари иштирок етган. Унинг таркиби 30 тадан 100 тагача етган. Едуард Исповедник даврида витана-гемотда қиролдан ер ва сарой мансабларини олган қўпгина нормандлар ҳам иштирок етган. Бундан ташқари, витанагемот мажлисларига Шотландия ва Уелс қироллари ҳамда Лондондан сайланганлар ҳам таклиф етиларди.

Барча муҳим давлат ишлари мазкур йиғиннинг "маслаҳати ва розилиги билан" ҳал етиларди. Унинг асосий функсиялари -

қиролларни сайлаш ва олий судни амалга ошириш еди. Қирол ҳокимияти IX-X асрларда витанагемот-нинг ижтимоий сиёсатнинг анча муҳим масалаларига, жумладан, ерларни тақсимлашга аралашувини чеклашга еришди.

Витанагемот компетенсияси турли даврларда ва турли инглиз-сакслар давлатларида турлича бўлган. У қирол ҳокимиятининг қанчалик кучли ёки кучсиз бўлганлигига боғлиқ еди. Кўпинча қиролнинг функцияларини витанагемотнинг функцияларидан ажратиш қийин бўлган. Барча муҳим ишларни ҳал етиш, қонунларни муҳокама қилиш, янги солиқлар ўрнатиш витанлар йиғинининг ваколатига киради. Витанагемот қиролни сайлаган, уруш ва тинчлик масаласини ҳал етган, епископларни сайлаган ва қироллик судида суд ишларини кўришда қатнашган, қирол инъомларини тасдиқлаган, агар уларни тасдиқламаса, амалга ошмас еди.

Қирол саройи мамлакатни бошқариш марказига, қиролнинг яқинлари еса давлатдаги юқори мансабдор шахсларга айланиб, оқибатда витанаге-мотнинг аҳамияти тобора пасайиб борди.

Қирол саройининг асосий бошқарувчилари ичida камерарий, маршал, қироллик капеланлари катта аҳамиятга ега еди. **Камерарий** қироллик мол-мулки ва молияси ахволига жавоб берган. **Маршал** еса қироллик отлик аскарларининг қўмондони ҳисобланган. **Қироллик капеланлари** давлатнинг девонхона ишларини юритганлар.

Armiya Инглиз-сакслар қиролларининг армияси дружиначилар ва ҳалқ лашкарлари (фирд) дан тузилган. Қиролларнинг дружиналари кам сонли, лекин яхши қуролланган еди. Дружиначилар армиянинг ядроси ҳисобланган. Армиянинг асосий қисмини ҳар бир графликдан тўпланувчи қўнгиллилар отрядлари (ҳалқ лашкарлари) ташкил етган. Ҳалқ лашкарлари қурол кўтаришга қодир барча еркин фуқаролардан тўпланган.

Буюк Алfred армияда ислоҳотлар ўтказган. У данияликларга қарши курашишда қисман ески умумий ҳалқ лашкарларига таянди, қисман ҳарбий-феодал турдаги катта, ўртача ва майда ер егаларидан иборат феодал қўшиннинг кучайтирилишини қувватлади. Шу тариқа, Англияда ритсалар вужудга кела бошлади. Бундан ташқари, Алfred данияликларга қарши курашда жуда кўп бурглар - қалъалар қуриб, уларга қўриқчи отрядлар қўйди ва денгизнинг қирғоқ бўйларини данияликлар ҳужумидан қўриқлаш учун денгиз флоти қура бошлади.

У доимий солиқ олишни жорий етди, айнан шу солиқ "данияликлар пули" деб аталди.

Буюк Алфреднинг армияда ўтказган ислоҳоти оғир қуролланган жанг-чилар сонини ошириш мақсадини кўзлаган еди. Беш гайдадан ортиқ ерга ега бўлган ҳар бир ер егаси ўз қиролига ҳарбий хизмат ўташи ва унинг юришларида оти билан тўлиқ қуролланган ҳолда иштирок етиши лозим еди.

Hokimiyat va boshqaruvning mahalliy organlari

Инглиз-саксларда асосий маъмурий-худу-дий бирлик **графлик (шире)** бўлган. Тахминан ўша вактда мамлакат ҳудуди, асосан ҳарбий мақсадларда 32 та катта графлика (округга) бўлинган еди. Графликнинг маркази, одатда, мустаҳкамланган шаҳар бўл-ган. Баъзи графликлар илгариги кичик қиролликларнинг ҳудудини тўлиқ қамраб олган бўлса, бошқалари анча йирик қиролликларнинг бир қанча графликларга бўлиниши натижасида ташкил топган еди. Графликлар тепасида **елдорменлар** турган. Елдорменлар қирол томонидан витанлар билан келишиб, маҳаллий фео-даллар орасидан тайинланарди. Елдормен ва унинг уйи қироллик ҳимояси ости-да еди. Елдормен асосан графлик йиғинига ва унинг қуролли кучларига раҳ-барлик қиласди. Графликлардаги суд жарималарининг бир қисми елдорменларга хизмат вазифаларини адо етганлиги учун мукофот тариқасида келиб тушарди. Елдорменлар факат қирол ва графликлар манфаатларининг расман ифода етувчи вакиллари бўлишган. Амалда улар маҳаллий ер егаларининг манфаатларини ҳимоя қиласдилар. Шу сабабли инглиз-сакслар қироллари графликларга ўзлари-нинг шахсий вакиллари - **шерифларини**⁵³ тайинлаб кўя бошладилар. Шерифлар дастлаб факат қирол хазинаси фойдасига пул йиғиш билан шуғулланардилар. Х асрдан бошлаб, қирол ҳокимиятининг кучайиши билан шерифлар елдормен-ларнинг биринчи ёрдамчиларига айлантирилганлар ва графликни бошқариш-нинг асосий иларини ўз қўлларига олганлар. Шундай қилиб, маҳаллий бош-қарувда шерифларнинг роли худди франклар давлатидаги графларнинг ролига ўх-шаш еди. Бир қанча графликлар тепасида битта елдормен турган жойларда шерифларнинг ваколатлари ва бошқарувдаги ўрни катта аҳамиятга ега еди. Шерифнинг мажбуриятига графликда қирол имтиёзларига риоя етилиши устидан назоратни амалга ошириш ва қирол фойдасига

⁵³ «Sherif» so'zi ikki so'z: gerefa («oqsoqol») va shir (ingliz – sakcha graflik nomi) – «shayt» - «gerefa» so`zlarining qo`shilishidan kelib chiqqan.

ўталиши лозим бўлган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан кузатиб туриш кабилар кирарди. Шериф барча молия масалаларида ва судда қирол ҳокимиятининг вакили сифатида чиққан. Унга политсиячилик функциялари ҳам юкланди.

Графликдаги муҳим орган **графлик йиғини - фолкмот** бўлган. У X аср охиридан бошлаб шериф томонидан бир йилда икки марта чақирилиб турган. Фолкмот таркибига елдормен, шериф, графликнинг епископи, барча ер егалари ва ҳар бир қишлоқ жамоасидан оқсоқол, руҳоний ва тўрттадан аҳолининг ҳурматга лойик кишиси кирган. Графликлар йиғинларида асосан муҳим маҳаллий ишлар, жиноий ва фуқаролик суд ишлари кўриб ҳал қилинган. Бундан ташқари, уларда қиролга солиқлар тўлаш, графликлардан дружиналар тузиш ва графлика хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинарди.

Инглиз-сакслар давлатларидағи графликлар юзликларга бўлинган. Юзлик тепасида **юзбоши** турган. Юзбоши юзлик йиғинида сайлаб қўйилган. Юзлик йиғинлари (юзбошилар мажлислари) ойда бир марта тўпланган. Улар-да оқсоқол, руҳоний, ҳар бир қишлоқ жамоасидан тўрттадан енг ҳурматли деҳқонлар ва округнинг барча ер егалари иштирок етган. Юзликлар йиғинларида жиноий ва фуқаролик масалалари бўйича суд ишлари кўриб ҳал қилинган. Бундай йиғинларнинг компетенсиясига округ доирасида ерга егалик ҳуқуқининг бир шахсдан бошқасига ўтказилишини гувоҳлантириш ва жамоалар ўртасида солиқларни тақсимлаш кабилар тааллуқли еди.

Инглиз-сакслар давлатининг енг қўйи звенодаги маъмурий-худудий бирлиги **қишлоқ (тун) жамоаси** бўлган. **Жамоа йиғини - галимот** қишлоқ-нинг юқори органи еди. Унда жамоанинг барча катта ёшли еркаклари иштирок етиб, хўжалик масалалари (екин екиш, чорва боқиши ва ҳоказолар) ҳал қилинган, жамоа таркибига кирувчи қишлоқ аҳолиси ўртасидаги майда жиноий ва фуқаролик ишлари кўриб ҳал қилинган. Жамоа тепасида сайлаб қўйиладиган **қишлоқ оқсоқоли (тунгерефа)** турган.

Политсиялик мақсадларида жамоа ўнта **томорқага** - оиласа бўлинган. Жиноят содир етилган ҳолларда ана шу ўнта томорқа аъзоларига жиноятчини ушлаб, ҳокимиятга топшириш мажбурияти юкланди. Акс ҳолда, улар жамоавий жавобгарликка тортилганлар. Юзликларнинг ҳалқ йиғинларида йилига икки марта ўнта томорқанинг фаолияти текширувдан ўтказиб турилган. Бунда ўнта томорқаликларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги, барча

хуқуқбузарликларнинг аниқланганлиги ва айбор шахсларнинг тегишлича ҳокимиятга топширилганлиги текширувдан ўтказиларди. Шуниси харак-терлики, ўнта томорқа таркибига йирик ер участкасига егалик қилиб турган жамоа аъзолари кирмаган. Йирик ер егалари имтиёзли табақа сифатида юқоридаги мажбуриятлардан озод едилар.

Инглиз-сакслар давлатлари яшаган даврда **шахарлар** вужудга келди. Шахарлар асосан қироллик ерларида жойлашган еди. Шахарларни бошқариш ё графликларнинг шерифлари томонидан ёки бунинг учун маҳсус тайинланган қирол чиновниклари томонидан амалга оширилган.

Шахарлар ва портлар ўзларининг халқ йиғинларига ега бўлганлар. Улар кейинчалик шахар ва савдо судларига айлантирилган еди.

Ўнликлар, юзликлар ва графликлар аниқ ўрнатилган иерархия (босқич-ма-босқич бўйсуниш) тизими асосида ташкил етилмаган еди. Улар маълум даражада бир-биридан мустақил, автоном тарзда идора етиларди.

Бирок, графликларда шериф лавозимининг таъсис етилиши шуни кўрсатадики, инглиз-сакслар даврида ёк жойларда марказлаштирилган бюрократик бошқарув, қиролга ҳисоб берадиган ва қирол буйруқлари асосида ҳаракат қиласиган маъ-мурий округларнинг мансабдор шахслар томонидан бош-қарилиши жорий қилина бошлаган.

Sud hokimiyati Инглиз-сакслар даврида кўп жиноий ва фуқаролик ишлари графликлар ва юзликларнинг йиғинларидаги кўриб, ҳал қилинган. Графликларнинг йиғинларидаги жиноий, фуқаро-лик ва диний ишлар кўрилган. XI асрга келиб графликлар йиғинларининг юрис-диксияси (суд қилиш ҳуқуқи) янада кенгайди. Кўп ишларни кўриб ҳал қилиш уларнинг қатъий ҳуқуқи бўлиб қолди.

Инглиз-сакслар қироллари томонидан ўз феодалларига берилган иммунитет ёрликлари ер егаларига қарам дехқонлар устидан кенг суд ҳокимиятини берар еди. Вотчина судида дехқонлар жиноятини кўришда ўлим жазоси тайинлаш мумкин емас еди. Бу юзликлар йиғини юрисдиксиясининг маълум даражада чекланишига олиб келган.

Давлатда олий суд қирол суди бўлган. У давлатга хиёнат, қирол вассаллари ўртасидаги низолар ва ерга егалик бўйича келиб чиқадиган низолар ҳақидаги ишларни кўриб, ҳал қилган. XI асрга келиб қирол судининг ҳамда график ва юзликлар йиғинларидаги ишларни кўришда қирол чиновниклари ролининг кучайиши содир бўлди. Бу вақтга келиб, еркин аҳоли суд ишларини ҳал қилишда иштирок етишдан бутунлай четлаштирила борди.

Суд ҳокимиятининг ер егалари ва қирол чиновниклари қўлида тўпланиши натижасида судлар крепостнойлаштирилган дехқонлар оммасига қарши кураш қуролига айлантирилган еди.

3. Англияда марказлашган сенорлик монархияси (ХI-ХII асрлар)

Ijtimoiy tuzum Англиянинг Вилгелм бошлигигида нормандлар томонидан истило қилиниши (1066 йил) инглиз жамияти феодаллашувининг чуқурлашишига олиб келган.

Норманд истилосидан кейин Англия феодал хўжалигининг асосини манор ташкил етган. **Манор** - алоҳида феодалнинг ер егаликлари йиғиндиси бўлган. Манордаги дехқон ўз лорди томонидан суд қилиниб, унинг аҳволи манордаги урф-одатлар билан белгиланган. Юзликлар судининг ярмидан кўпи манор судларига - феодалларнинг хусусий курияларига айлантирилган. Шулар билан бир қаторда, Вилгелм Фотих ўз мавқеи ва инглиз сиёсий анъаналаридан фойдаланиб, давлатни марказлаштириш ва қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш сиёsatини олиб борган.

Инглиз-сакслар зодагонларидан мусодара қилинган ерларнинг кўп қисми қироллик домени таркибига кирган, қолганлари esa норманд ва инглиз-сакс феодаллари ўртасида тақсимланган. Босқинчилар ўzlари билан бирга шиддатли "ўрмон ҳуқуқи"ни ҳам олиб келганлар. Бунга қўра, кўп ўрмон массивлари қироллик қўриқхонаси деб еълон қилиниб, унинг чегараларини буз-ганлик учун қаттиқ жазо ўрнатилган. Бундан ташқари қирол ўзини барча ерларнинг олий егаси деб еълон қилган ва барча еркин дехқонлардан ўзига содиклик ҳамда қасамёд талаб қилган. Бундай қасамёд ҳамма даражадаги феодалларни қиролнинг вассалига айланишига олиб келган. Феодаллар аввало қирол учун ҳарбий хизмат ўташга мажбур едилар. Қитъа учун хос бўлган "вассалимнинг вассали - менинг вассалим емас" деган тамойил Англияда ўрнатилмаган. Барча феодаллар иккита асосий туркумга: қирол-нинг бевосита вассаллари - иирик ер егалари (графлар, баронлар); иккинчи поғонадаги вассаллар (вассалларнинг вассаллари) - ўрта ва майда ер егаларига бўлинган. Рухонийларнинг ҳам асосий қисми, худди дунёвий вассаллар сингари қирол фойдасига хизмат ўтаганлар.

Шундай қилиб, Англия феодаллари қитъа феодаллари фойдаланган муста-қиллик ва иммунитетларни олмаган едилар.

Қиролнинг барча ерларга олий егалик қилиш ҳуқуки унга ер участкаларини қайта тақсимлаб туриш ва ер егалари ўртасидаги муносабатларга аралашиш имконини бериб, қироллик адли-ясининг (суд қилиш ишларининг) барча даражадаги феодаллар судига нисбатан устунлиги (юқори туришлиги) тамойилининг ўрнатилишига хизмат қилган.

Солик сиёсатини муваффақиятли олиб бориш ва мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркибини аниқлаш мақсадида 1086 йилда мамлакатдаги барча ер-лар ва аҳоли рўйхатга олинган. Рўйхатга олиш натижасида тузилган варақа-лар халқ орасида "**Даҳшатли суд китоби**" деб аталган. Қирол хазинаси ер егалигининг ҳажми тўғрисида енди аниқ маълумотларга ега екан, аҳоли рўй-хати ҳукуматга "Дания пули" деб аталган ески ер солиғини кўпайтирилган миқёсда ундириш имконини берди. Янги норманд-франсуз лордларининг инглиз қишлоғидаги крепостной аҳволни расмийлаштиришга интилиши ана шу рўйхатда равшан акс етди. 1086 йилги рўйхатда дехқонлар турли номлар: озод кишилар (келажакда улар фриголдерлар ёки ерни еркин тасарруф қилувчилар деб аталдилар), сокменлар, вилланлар, бордари⁵⁴лар, коттарилар, шунингдек, кўпгина миқдорда қуллар номи остида гавдаландилар. Аммо вилланлар рўйхатда тез-тез учраб туради. XI-XII асрлар шароитида крепост-ной табақа хусусиятларига ега бўлган дехқонларнинг бу тоифаси (феодал ер-мулкида қўйилган) инглиз қишлоғининг феодал-крепостнойлик қиёфа-сини ҳаммадан кўра очикроқ характерлаб беради. Аммо Англияning шимоли-шарқий қисмида, ҳатто 1086 йилги рўйхатда ҳам дехқонларнинг салкам ярми "еркин кишилар", қисман сокменлар ҳолатида қолаверди. Уларга фақат манордаги лорднинг суд ҳокимияти тарқатилган еди.

XI-XII асрларда еркин дехқонлар оммаси зиддиятли омиллар таъсири остида бўлган. Бир томондан, қирол ҳокимияти еркин дехқонларнинг қуи тоифасини крепостнойлаштиришга, уларни вилланларга айлантиришга имконият яратган. Бошқа томондан, XII асрнинг охирида бозорнинг ривожланиши анча бойиган дехқон егаликларининг пайдо бўлишига ва буларга қирол ҳокимиятининг йирик феодаллар сепаратизми билан курашда сиёсий иттифоқчи сифатида қарашига олиб келган. Қироллик судлари қўпинча бундай

⁵⁴ **Bordari va kottarilar** – о`рта асрлар Angliyasiдagi kam yerli dehqonlarning nomlari. Bordarilarning bir qismida villanlarga qarashli to`liq chek yerning qariyib yarmigacha keladigan yer bo`lardi, kottarilarda juda ozgina chek yer bo`lib, u asosan tomorqa yer uchaskalari edi.

бойиган дәхқонларни лордларнинг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилиб турган. Қироллик "умумий ҳукуқи" томонидан ҳар қандай еркин ер егаликлари (фрееҳолд)нинг (ритсарларга, шаҳарларга, дәхқонларга қарашли бўлган ерлар) расман, бир хил ҳимоя қилиниши XII аср охирида еркин дәхқонларнинг юқори қисми, шаҳарликлар ва майда ритсарлар ўртасидаги ҳукуқий ва ижтимоий фарқларнинг йўқолишига имкон туғдирган. Бу табақалар иқтисодий манфаатларининг маълум даражада умумийлиги ҳам уларни яқинлаштирган.

Давлатнинг нисбатан ягоналиги, Нормандия билан йўнатилган алоқалар савдонинг ривожланишига кўмаклашди. Инглиз савдо-гарлари қирол ҳокимиятининг кучайишидан тез орада фойда кўрадиган бўлдилар. Мамлакатда савдо-сотиқ жонлана бошлади. Вилгелмнинг қуруқлик билан алоқаси ҳам бунга ёрдам берди. Инглиз савдогарларига Нормандия ва Фландрия билан савдо-сотиқ қилиш имконияти берилди. Чунки Вилгелм ҳамон норманд герсоги бўлиб ҳисобланар, инглиз қироличаси еса фланд-риялик еди.

Англияда марказий ҳокимиятнинг кучайиши шароитида шаҳарлар, қитъанинг жанубидаги ёки Германиядаги сингари, муҳторият олмаганлар ва тобора тез-тез қироллик хартияларини сотиб олишга мажбур бўлганлар. Хартияларда еса факат баъзи савдо имтиёзларигина бериларди.

Шундай қилиб, норманд босқини Англия учун катта аҳамиятга ега бўлди. Бунинг натижасида жамиятнинг феодаллашиш жараёни ниҳоясига етди, қирол ҳокимияти кучайди, мамлакатнинг сиёсий бирлиги мустаҳ-камланди, Англиянинг қитъа билан алоқалари кучайди.

Норманд босқинидан кейин Англияда кучли қирол ҳокимиятига асосланган марказлашган давлат ташкил топди. Бу вақтда қирол ҳокимияти қуидагилар билан тавсифланади: биринчидан, мамлакатнинг барча ерларига қиролнинг олий ҳукуқи йўнатилиб, бу қиролнинг ҳамма феодаллар устидан ҳокимиятини таъминларди; иккинчидан, давлатда қонун чиқариш ва олий суд ҳокимияти қирол қўлида тўпланган еди; учинчидан, олий ҳарбий ҳокимият ҳам қирол қўлида еди.

Davlat tuzumi Норманд қиролларининг тадбирлари жамиятнинг феодал-лашуви жараёнининг чуқурлашишига қарамай, давлатнинг марказлашувини ва давлат бирлигининг сақланишини таъмин-лади. Бироқ, XII аср охиригача давлатнинг

марказлашуви асосан инглиз-норманд қиролларининг сенорлик хусусий ҳуқуқлари ҳисобига таъминланган ва уларнинг феодалиерархия тизими ва маҳаллий черковнинг обрў-еътиборли бошлиғи бўла олиши қобилиятига боғлиқ еди. Қиролликнинг ўз фуқароларига нисбатан суд ва хазинага оид ҳуқуқлари фақат олий сенорнинг ўз вассалларига нисбатан ҳуқуқлари бўлиб, содиқлик ҳақидаги қасамёдга асос-ланган. Улар маълум даражада феодал одатлардан келиб чиқсан (гарчанд ендиликда унинг доирасидан ўсиб чиқа бошлаган бўлса ҳам).

Бу вақтда қиролликнинг суд ва молия ҳуқуқлари ҳар дақиқа норози вассаллар томонидан инкор қилиниши мумкин еди. Бундан XI-XII асрлардаги ўз сенорлик ҳуқуқларини сұйъстеъмол қилишликда тож-тахтни айблаб уюштирил-ган баронларнинг туганмас исёнлари ҳам далолат беради. Норманд истилоси-дан бошлаб, бутун XII аср мобайнида қироллар инглиз-саксларнинг азалий урф-одатларига ва еркинликларига ўзларининг содиқликларини доимо тасдиқлаб туришга, баронлар ва черковга еса "еркинликлар хартиялари" инъом етиб туришга мажбур едилар. Мазкур хартиялар тинчлик, азалий, "адолатли" урф-одатларни қўллаб-қувватлаш ва "ярамаслари"ни тугатиш, тож-тахтнинг феодал, черков ва шаҳарларнинг имтиёзлари ва еркинликларига риоя етиш мажбуриятлари тўғрисидаги меъёрларни ўз ичига олган еди. Бироқ, XII асрнинг ўртасидан бошлаб қирол ҳокимиятини феодал урф-одатлар ва хусусий қасамёдлар доирасида ушлаб туришга қаратилган ҳаракатга қараганда марказий ҳокимиятни кучайтиришга бўлган ҳаракат кучая бошлади.

XII асрнинг иккинчи ярмигача Англияда профессионал маъмурий-суд органлари бўлмаган. Бошқарув маркази - қирол саройи доимо кўчиб турган ва Англияда узоқ вақт бўлмаган. Чунки қирол кўпинча Нормандияда яшарди.

Англияда қонун чиқариш ҳокимияти қиролга тегишли бўлса ҳам, кўпинча у **қироллик курияси** (суриа регис) билан биргаликда амалга оши-рилган. Лекин қироллик курияси қирол ҳузуридаги маслаҳатчи орган еди. Курия бошқарувнинг у ёки бу соҳаларини юритадиган қиролнинг бевосита вассаллари ва яқинларидан иборат йиғин бўлиб, унинг таркиби аниқ белги-ланмаган еди. У давлат бошқарувининг олий органи, олий суд органи ва мамлакат молиясини юритувчи орган ҳисобланган. Давлатнинг муҳим масалаларини ҳал етишда куриянинг мажлисларига олий дунёвий ва диний зодагонлар

ҳам таклиф етилганлар. Бундай ҳолларда у инглиз-сакс қиролларининг витанагемотини еслатади.

Қироллик курияси олий суд органи сифатида тож-тахт манфаатлариiga дахлдор бўлган ишларни, қирол вассаллари ўртасидаги низоларни, маҳаллий судлар қарорлари устидан тушган шикоятларни (апелляцион тартибда) кўриб ҳал қилган.

Генрих И даврида (1100-1135 йиллар) марказий давлат аппарати анча такомиллаштирилган. Қироллик курияси **катта кенгаш** ва **доимий ҳукумат органи (кичик курия)**га ажралган. **Катта кенгаш** бир йилда уч марта (рождество, пасха ва троитсада) чақирилган. Унинг таркибиغا қирол чинов-никлари, асосий хизматчилари ва мамлакатнинг енг йирик зодагон вакиллари кирган. Унинг компетенсиясига муҳокамага киритилган барча масалалар бўйича ва қироллик қонунлари бўйича маслаҳатлар бериш кирган. Кенгаш тавсиялари мажбурий кучга ега бўлмаган. Бироқ қирол бундай муасасанинг мавжудлигидан манфаатдор еди, чунки шу йўл билан таъсирли феодаллар томонидан ўзининг сиёсий ҳаракатлари тан олинишига еришарди. **Кичик курия** олий суд, маъмурий ва молиявий ҳокимиятни амалга оширади. Унинг таркибиغا қирол чиновниклари: лорд-канслер, лорд-хазиначи, камергер, сарой стюарди, қиролнинг шахсий муҳрини сақловчи ва сарой хизматчилари, шунингдек, маҳсус таклиф етилган юқори мансабли руҳоний-лар ва баронлар кирган. Генрих И даврида кичик курия олий суд ҳамда маъмурий орган функцияларини бажарувчи хусусий қироллик куриясига ва қиролнинг молиявий ишларини юритувчи ҳисоб палатаси ("шахмат тахтаси" палатаси)га ажралиб кетди. Куриянинг мажлисига қирол раислик қилган, у йўқлигига бу вазифани бош юститсиар амалга оширган.

Генрих И даврида қироллик суди кучайиб, мутахассис-судялари бўлган ва мунтазам иш олиб борувчи суд палатасига айланди. Қирол судялари вақти-вақти билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқиб, айrim графикларда суд ишларини олиб бора дилар (шунинг учун улар сайёр судялар деб аталарди). Суд палатаси қирол курсиси суди деган ном олган еди. Генрих И даврида молия бошқармаси ҳам ташкил топди. Олий молия палатаси «шахмат тахтаси палатаси» деб аталарди, чунки бунда устига катакли мовут ёпилган (шахмат тахтасини еслатадиган) стол туради. Бу столларда пул саналарди. Шахмат тахтаси палатаси олий ҳисоб палатаси ва жойлардаги молиявий идоралар чиновниклари томонидан содир етилган

жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича суд органи еди. Шахмат тахтаси палатасида, шунингдек, томон-лардан бири тож-тахт бўлса, мулкий низолар ҳам кўриб ҳал қилинарди.

Бу даврда давлатнинг олий мансабдор шахсларидан, айниқса, бош юститсиар, канслер, маршал, камерарий ва бошқаларни алоҳида ажратиб кўр-сатиш мумкин. **Бош юститсиар** қирол Англияда йўқлигига амалда давлатни идора етиб турувчи руҳоний шахс, каноник ва рим хукукининг била-Гони ҳисобланган. Унинг ёрдамчиси канслер бўлган. **Канслер** дастлаб франклардаги каби қиролнинг шахсий котиби ҳисобланган, кейинчалик еса давлат девонхонасининг бошлиғи бўлиб қолган, давлат котиби ролини бажар-ган. **Маршал** - қўшинлар қўмондони, **камерарий** - хазинаён, қироллик мол-мулки, хазинаси ва ер егаликларининг бошқарувчиси, ҳисоб палатаси бошлиғи еди.

Генрих И томонидан ташкил етилган давлат аппарати Генрих II (1154-1189 йиллар) хукмронлиги даврида янада ривожлантирилди. Қироллик имтиёзла-рининг мустаҳкамланиши, давлат аппаратининг бюрократлаштирилиши ва про-фессионаллаштирилиши, оқибат натижада давлат ҳокимиятининг қатъий марказ-лаштирилиши асосан Генрих Пнинг тадбирлари билан боғлиқ бўлган. Бош-қарув ва суднинг умумдавлат бюрократик тизимини ташкил етган Генрих II ислоҳотлари асосан: 1) қироллик адлиясини ягона тизимга солиш ва аниқ тузилишга ега қилиш (жараён шаклларини такомиллаштириш, анъанавий ва ўрта асрлар судлари билан рақобат қиласиган қироллик сайёр судлари ва доимий ҳаракатдаги марказий судлар тизимини ташкил етиш); 2) ҳалқ қўшинлари ва ёлланма аскар йиғиш тамойилларининг қўшилиши асосида армияни ислоҳ қилиш; 3) ахоли тўлайдиган солиқларнинг янги турларини ўрнатиш каби йўналишларда амалга оширилган.

Монарх ҳокимиятининг суд, ҳарбий ва молиявий ваколатлари бир қанча қироллик фармонлари билан расмийлаштирилган. Булардан, айниқса, 1166 йилги Буюк Клерендон, 1176 йилги Нортгемптон ассизалари, 1181 йилги "Қуролланиш ҳақида"ги ассиза ва бошқалар дикқатга сазовор.

Генрих II томонидан суд-маъмурий тизимининг қайта қурилишида амалда баъзан инглиз-сакслар, нормандлар ва черков маҳкамаларидан ҳам фойдаланилган. Илк ўрта асрлар учун типик бўлган сайёр бошқарув ама-лиёти Англияда анча доимий ва тартибга солинган ҳарактер касб етган. Шу вақтдан бошлаб Англияда сайёр

судлар фаолияти - қироллик судлари-нинг сайёр сессиялари мустаҳкам ўрнатилган. Агар 1166 йилда графлик-ларни айланиб чиқиш учун фақат иккита судя тайинланган бўлса, 1176 йилда олтига сайёр округлар ташкил етилган ва сайёр судяларнинг сони 20-30 тагача қўпайтирилган еди. Ушбу буйруқ билан судяларга фавқулодда ваколатлар (фақат суд қилиш емас, балки маъмурий, молиявий ваколатлар ҳам) берилган, сайёр судларда қирол судловлигига тегишли барча даъволар кўриб ҳал қилинган, жиноятчилар қамоқقا олинган, маҳаллий чиновник-ларнинг суПстеъмолликлари текширилган.

Айни замонда қироллик идоралари тизими тартибга солинган ва ерга оид низо ва ҳукуқбузарлик ишларини текшириш учун маҳсус тартибот қонун-лаштирилган. Бундай тартибот фақат қироллик судларида қўлланиладиган "имти-ёз" ва "муруват" сифатида барча еркин кишиларга инъом қилинган. Дастреб бундай тартибот учун қироллик девонхонасининг маҳсус фармойишини - ҳукуқ ҳақидаги буйруғини (writ of right) сотиб олиш лозим еди. Бусиз қирол-лик судларида фуқаролик ёки жиноий даъво қўзғатиш мумкин бўлмаган. Шундан сўнг сайёр судялар ёки шерифлар ўз айтганларининг тўғрили-гини онт (қасам) ичиб тасдиқлайдиган 12 та тўла ҳукуқли фуқаролар – қа-самхўрлар ёрдамида тергов ишларини ўтказишлари лозим еди. Қасамхўр-лар одатда гувоҳлар ёки қораловчилар, айбловчилар сифатида чиққанлар. Терговнинг бундай тартиби орданиялар ва феодал судлардаги суд тўқнашув-ларига нисбатан ишларни анча объектив ҳал қилиш имконини берди. Аста-се-кин ривожланиб борган қироллик идоралари тизими ерга егалик ҳукуки ҳақидаги даъволар бўйича манориал куриялар юрисдиксиясининг чекланишига олиб келди. Ендиликда, ҳатто, виллан ҳам жиноий даъво билан қироллик судига мурожаат қила оларди. Шерифлар, феодалларнинг ҳукуқлари билан ҳисоблашмай, жиноятчиларни қўлга тушириш ва ўзаро кафилликка риоя етилаётганлигини текшириш мақсадларида уларнинг ер егаликлариға киришлари мумкин еди.

Шундай қилиб, XII асрнинг иккинчи ярмида Генрих II томонидан фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича қироллик судининг маҳсус механизми ташкил етилган. Бу механизм қироллик судларининг обрўсини оширган ва юрисдиксиясини кенгайтирган.

Такомиллашган суд тартиботнинг жорий қилиниши муносабати билан XII аср ўртасидан бошлаб марказий бошқарувнинг олий органи - қироллик курия-сининг тузилиши ва ваколатлари мураккаблашди ва

ўсди. Функцияларнинг ихтисослаштирилиши ва қурия таркибидан қатор алоҳида идораларнинг ажратилиши жараённида канслер бошчилигидаги девонхона, қиролнинг марказий ("шах-сий") суди ва молия муассасаси батамом шаклланди. Қиролликнинг "шахсий" суди таркибига 1175 йилдан еътиборан руҳоний ва дунёвий шахслардан доимий судялар сайланга борди. Мазкур суд Вестминстерда ўзининг доимий қарорго-ҳига ега бўла бориб, ундан аста-секин **Умумий тортишувли** суд ажралиб чиқ-ди. Бу суд қирол иштирокисиз ҳам йиғилиши ва қирол бошқа ерга кўчиб ўт-ганда унинг кетидан ергашиб юрмаслиги лозим еди. Умумий тортишувли суд фаолияти Англияда "умумий хуқуқ"ни яратишда ҳал қилувчи рол ўйнаган.

Қирол ҳокимияти билан инглиз черкови, дунёвий суд билан черков суди ўртасидаги муносабатлар анча мураккаб еди. Норманд истилосидан кейин черков ва дунёвий судлар бир-биридан ажратилган, шу билан бирга, черков судлари барча диний ва қисман дунёвий (никоҳ, васият ва бош-қа) ишларни кўра бошлаган. Норманд қироллари епископларни ўзлари тайин-лай бошлаганлар, Англия ва Нормандия учун черков қарорларини чи-қара бошлаганлар, вакант епископлардан даромадлар олганлар. Бироқ, папа ҳокимиятининг ва Римдаги католик марказнинг кучайиб бориши билан инглиз тахти тез-тез черковнинг қаршилигига дуч кела бошлаган ва "еркин черков" ҳақидаги масала Англияда келажакда черков ва дунёвий ҳокимият ўртасидаги низолар учун сабаб бўлиб қолган.

Генрих И даврида Нормандияда папа билан конкордат⁵⁵ тузилди. Унга кўра, кейинчалик Германияда бўлганидек, каноникларнинг диний тартиб-қоидаларини белгилаш папага, дунёвий ҳокимият еса қиролга ўтди.

Генрих II маҳаллий черков устидан қирол таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилиб, **1164 йилда Кларендон конститутсияларини** чиқарди. Уларга кўра, қирол черков судларида кўриладиган ишлар бўйича олий судя деб тан олинди. Черков ишларига оид барча низолар қироллик судида ҳал қилиниши лозим еди. Қирол юрисдиксияси черков мулкчилиги ҳақидаги текширувларга, қарзлар ҳақидаги даъволарни кўришга, оғир жиноятларда айбланаётган клеркларга нисбатан ҳукмлар чиқариш ва ижро этишга ҳам ёйилади. Қирол-нинг руҳсатисиз унинг вассалларидан ва чиновникларидан бирортаси черков-дан четлашиши мумкин емасди.

⁵⁵ Konkordat – hukumat bilan Rim papasi o`rtasida tuziladigan shartnoma.

Қиролнинг дунёвий тартиб-қоидалар ўрнатиши тамойиллари ва унинг олий черков мансаблари сайловларига аралашиш имконияти ўрнатилди.

Генрих II "епископлар ва аббатларнинг сайлови менинг иштирокимда ўтказилиши керак" деб талаб қилди. Руҳонийлар жиной ишлар бўйича бошқа ҳамма фуқаролар сингари қироллик суди томонидан суд қилиниши лозим еди. Архиепископлар қиролнинг розилигини олгандан кейингина папа билан муносабатда бўла олардилар. Бироқ, папа ва маҳаллий руҳонийларнинг тазиёки остида қирол Кларендон конститутсияларининг қатор қоидаларидан воз кечишига мажбур бўлган.

Генрих II нинг XII асрнинг иккинчи ярмида ўтказган ҳарбий ислоҳоти ҳарбий мажбуриятларнинг барча еркин кишиларга - феодалларга, дехқонларга, шаҳар аҳолисига тарқатилишидан иборат еди. **1181 йилда** чиқарилган "**Қиролланиш ҳақида**"ги ассизага биноан еркин кишиларнинг ҳар бири мулкий аҳволига қараб ўз қирол-яроғига ега бўлиши лозим еди. Қўшин ўз қирол-яроғига ега бўлса-да, давлат хазинаси ҳисобидан ушлаб турил-ган. Бу вақтда хазинага келиб тушадиган тушумлар анча ўсган еди.

Генрих II доимий қўшин тузмоқчи бўлди. Чунки вассалларнинг ритсарлик хизмати бир йилда маълум кунлар билан чекланган бўларди, бу еса қуруқлиқда узоқ урушлар олиб боришда ўнғайсизлик туғдиради. Шу сабабли Генрих II ритсарларнинг бир қисмини ҳарбий хизматдан бўшата бошлади. Бундай ритсарлар шахсий хизмат қилиш ўрнига ҳарбий ёки қалқон солиғи тўлашлари лозим еди. Бу пулга қирол йил бўйи хизмат қилишга рози бўлган ритсарларни ўзига ёллаши мумкин еди. Шу тариқа қиролда ёлланма ритсарлар қўшинини ушлаб туриш имконияти туғилади. "Қалқон пули"нинг жорий етилиши муҳим ижтимоий оқибатларга ега бўлди. Бу тадбир туфайли инглиз ритсарлари ҳарбий хизматдан ертароқ озод бўлиб, тинч қишлоқ хўжайнларига айлана бошладилар. Келгусида бу ҳолат қўйи инглиз дворянларини шаҳар буржуазияси билан яқинлаштиришда катта рол ўйнади.

Қиролли кучларнинг қайта ташкил етилиши натижасида қирол ҳокимияти ҳарбий соҳада феодалларга унча боғлиқ бўлмай қолди. Бу еса давлатнинг марказлашувига кўмаклашди. Бу даврда феодаллардан «қалқон пули» ва шаҳарлардан тўғридан-тўғри солиқ (таля) олиниши билан бир қаторда аста-секин ҳаракатдаги мулкларга солиқ ўрнатилди.

Генрих II нинг ҳарбий ва молиявий ислоҳотлари қиролга содик қўшинлар сонининг бирданига ўсишига ва қўшинларга йирик феодаллар томонидан қўмондонлик қилиниши тартибининг бузилишига, шунингдек, профессионал чиновниклар ушлаб туриш учун маблағлар ҳосил қилишга имкон яратди. Бундан ташқари, суд ишларини амалга ошириш давлат бюджетининг жуда муҳим даромад манбаи бўлиб қолаверди.

Маҳаллий бошқарув тизими норманд истилосидан кейин ўзгармади. Мамлакатнинг графликларга ва юзликларга бўлиниши сақланиб қолди. Графликларда шерифлар, юзликларда - уларнинг ёрдамчилари - бейлифлар қироллик маъмуриятининг вакиллари бўлиб қолди. Шериф график ҳудудида ҳарбий, молиявий ва политсиячилик ҳокимиятига ега еди, қироллик девонхонасидан юборилган буйруқларнинг асосий ижрочиси ҳисобланарди.

Шерифлар ўзларининг маъмурий ва суд функцияларини графликлар ва юзликлар йиғинлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширадилар. Улар бундай йиғинларни чақириб, уларнинг сессияларига раислик қиласардилар. Юқоридаги муассасалар, гарчанд аста-секин мустақилликни йўқотиб борсалар-да, Англияда кейинги даврларда ҳам сақланиб, борган сари марказий ҳукуматнинг жойлардаги асосий қуролига айланган. Уларнинг суд ваколатидан қўпгина фуқаролик даъволарининг олинишига қарамай, жиноий ишлар бўйича терговларда қатнашувчи шахсларнинг (айловчи қасам-хўрларнинг) тайинланиши муносабати билан маҳаллий ҳокимият вакилларининг роли ўсади. Қироллик судловида аҳолининг иштирок этиши инглиз маҳаллий бошқаруви тизимининг характерли белгиси бўлиб қолди.

4. Табақа-вакиллик монархияси (ХIII асрнинг иккинчи ярми - XV аср)

Ijtimoiy tuzumi ХIII асрда мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий кучлар нисбати марказлашув ва бутун ҳокимиятнинг монарх қўлида тобора кучли тўпланиши фойдасига ўзгариб бораверди.

Баронлар қиролнинг бевосита вассаллари сифатида ўз сюзерени олдида кўп сонли молиявий ва шахсий мажбуриятлар ўтардилар. Агар баронлар ўз зиммаларидағи бундай мажбуриятларни қасдан бажармасалар, уларнинг ерлари мусодара қилинган.

XII аср мобайнида йирик феодалларнинг иммунитет ҳуқуқлари ҳам анча чекланди. 1278 йилги Глостер статути инглиз феодалларининг иммунитет имтиёзлари суд йўли билан текширилишини еълон қилди. Умуман, Англияда дворянлик титули қандайдир ўлпонлар йиғиш ва суд қилиш имтиёзларини бермаган. Феодаллар расман бошқа еркин кишилар билан тенг даражада солиқлар тўлаганлар ва бир хилдаги судлар томонидан суд қилинганлар. Бироқ инглиз олий дворянларининг сиёсий қудрати анча юқори бўлган. Олий дворянлар қирол ҳузуридаги олий маслаҳатчилар еди. Улар бошқа баъзи давлат органларининг ишларида доимо ва албатта иштирок етиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутардилар. XII асрда Англияning йирик феодаллари ўзаро ва қирол билан ер ва даромадлар манбаи учун, мамлакатда сиёсий нуфуз учун доимо қаттиқ ва шафқатсиз кураш олиб борганлар.

XII асрда Англиядаги ижтимоий зиддиятларнинг бошқа бир йўли, бир томондан, йирик феодаллар, яъни лордлар, епископлар, йирик монастирларнинг аббатлари ўртасида юз берган бўлса, иккинчи томондан, майда ритсарлар ўртасида келиб чиқсан. Юқорида санаб ўтилган йирик феодаллар мамла-катдаги ерларнинг кўпчилик қисмини егаллаб олган едилар. Мамлакатда йирик баронларнинг ерлари парчаланиб кетиши ва алоҳида феодаллар ўртасида тақсимланиши натижасида XII асрнинг охирига келиб Англия ҳукмрон табақаларининг 3/4 қисмини ўрта ва майда феодаллар ташкил етарди. Инглиз феодалларининг ана шу табақасидан оқибатда янги дворянлар груҳи (жентри) шаклланди. Йирик феодалларнинг ҳар бири бир неча ўнлаб, баъзан еса юзлаб манорларнинг егаси еди; крепостной дехқонлар, асосан шуларга қарашли еди. Майда ритсарлар озгина ҳайдаладиган ери бўлган кичик манорларга еалик қилардилар, шу сабабли уларда крепостнойлар жуда оз бўларди ёки ҳатто бутунлай бўлмасди. Майда ритсарлар ўз хўжаликларида асосан батраклар меҳнатидан фойдаланиб, уларни кам ерли дехқонлар-коттерлар ҳисобидан ёллардилар.

Шундай қилиб, ритсарлар гарчи феодаллар синfiga мансуб бўлсаларда, факат ўз мулкларининг катта-кичиклиги ва қирол саройидан анча узокда туришлари билангина емас, балки хўжалик юргизиш жиҳатидан ҳам юқори табақа-барон аристократлардан кескин фарқ қиласдилар. Савдо-сотик заминида ритсарлар шаҳарликлар билан тобора яқинлашдилар. Ритсарлар солиқ

тўловчилар сифатида ҳам шаҳарликлар билан яқинлашдилар, чунки Англияда ритсарлар ер солиғи ва бошқа солиқлардан озод қилинмаган еилар. Франсияда esa бунинг акси еди. Буларнинг ҳаммаси ритсарлар билан шаҳарликларнинг бирга-лиқда сиёсий чиқишилар қилиши учун шароит яратиб берди. ХІІ асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий воқеалар худди шуни кўрсатди.

Бу даврда товар-пул муносабатларининг ривожланиши **дехқонларнинг** аҳволига сезиларли таъсир кўрсатди. Дехқонларнинг табақалашуви кучайди, шахсан еркин дехқонлар оммаси юқори қисмининг сони ўсади. Бойиган дехқонлар - **фриголдерлар** тез-тез ритсарлик унвонини олиб турардилар ва феодалларнинг қуий табақасига яқинлашардилар. Аммо фриголдерларнинг бошқа қисми кам ерли кишиларга айланиб, лордлар томонидан баршчина тўлашга (гарчи вилланларга қараганда кичикроқ масштабда бўлса ҳам) мажбур қилинар еилар.

ХІІ аср Англияда дехқонлар оммасини енг кўп асоратга тушириш даври бўлди. Бу вақтда инглиз қишлоғида асосий сиймо ҳисобланган **вилланлар** турар жойига бириклирлган бўлиб, ҳафталиқ баршчинани (ёзги мавсумда ҳафтада 5 кунгача) ўташга мажбур бўлган, лордга никоҳ солиғи ва бошқа ноҳақ солиқлар тўлайдиган, унинг судига бўйсундирилган тамомила крепостной киши еди. ХІІ асрдаги инглиз дехқони аслида вилланга емас, балки сервга ўхшаб кетарди. Инглиз юристлари "Рим ҳуқуқи"ни далил қилиб, вилланлар Рим қулининг бир тури еди, деб очиқ-ойдин фикр билдирилган еилар. ХІІ асрда турли манорларда кўплаб тартибсизликларнинг юз бериши, дехқонларнинг тез-тез қочишлари, бутун жамоа дехқонларининг лорд учун мажбуриятларни бажаришдан бош тортишлари содир бўлганлиги бежиз емас.

Бу вақтда вилланга тегишли барча мол-мулкларнинг егаси лорд деб тан олинганди. Шу билан бирга, ХІВ асрдаги ҳуқуқий назария ва қонунлар вилланларнинг, ҳатто, ўз хўжайинига қарши қирол судига жиноий даъво қилиш ҳуқуқини тан олган еди.

ХІІ асрнинг иккинчи ярми - ХІВ асрда пул хўжалигининг ривожланиши Англиядаги крепостной ер-мулкнинг - манорнинг емирилишига сабаб бўлди. Лордлар баршчинани пул оброги билан айирбошлишни (коммутат-сия қилишни) фойдалироқ деб билдилар. Бундай пайтда улар ўзларига қарашли ерларни (доменларни) кам ерли дехқонлар орасидан чиқсан ёлланма иш-чилар меҳнати билан ишлайдиган бўлдилар. Баъзи бир лордлар ҳеч қандай хўжалик

юргизмай, пул рентаси олишни афзал кўриб, ўз доменларини ижарага берардилар. Коммутатсия ХИИ асрдаёқ катта ютуқларга еришди. ХИВ аср-нинг биринчи ярмида бир қанча туманларда коммутатсия баршчинани батамом сиқиб чиқарди. Бутун мамлакатда пул рентаси тобора кўпроқ тарқалди. Шу муносабат билан инглиз крепостной дехқони ҳам шахсан озод дехқонга айланди. Чунки вилланлар ендиликда аста-секин ўз шахсий озодликларини сотиб ола бошлаган едилар. Вилланнинг лордга муносабати фақат муайян пул ренталари тўлашдан иборат бўлиб қолди, холос. Чек ер, аввалгидек унинг тасарруфида еди. У пул ишлаши учун шаҳарга кетиши ва, умуман, ўз истиқомат жойини ўзгартириши мумкин еди. Феодаллар аста-секин ёлланма меҳнатни эксплуататсия қилишга ўтдилар. Қишлоқ хўжалигини капиталистик усулларда юритиш ритсарлар орасида кенг тарқалди.

Бадавлат вилланлар ерларни феодаллардан ижара (аренда) га олардилар, шунингдек, хонавайрон бўлган феодаллардан ҳамда иш излаб кетган коттерлардан сотиб ола бошлагандилар.

XV асрга келиб, инглиз дехқонларининг аксарият қисми еркинлик олди. Бу, албатта, қуролли қўзғолонларгача бориб етган кучли синфий курашлар натижасида қўлга киритилганди.

Ёлланма меҳнатга асосланган дехқончиликнинг ривожланиши қиши-лоқ жамоасининг янада парчаланиб кетишига, уйсиз ва камбағаллар сонининг ошишига, эксплуататсиянинг кучайишига олиб келди. 1349 йилги "қора ажал" Англияда жуда катта қирғин келтирди: мамлакатдаги аҳолининг учдан бир қисми қирилиб кетди, Англияning кўп округларида ишчи кучи етишмаслигидан ер майдонлари ҳайдалмай ташлаб қўйилди. Ёлланиб ишлашга тайёр турган кишилар камайди, омон қолганлар ўз меҳнатларига катта ҳақ тўлашни талаб қиласдилар. Йирик феодаллар қарам дехқонларни яна баршчинага ҳайдай бошладилар. Кўпгина майда, ўрта феодаллар ва шаҳар бойлари парламентдан арзимаган ҳақ бараварига ишлашдан бош тортган камбағалларни қаттиқ жазолаш билан қўрқитувчи қонунлар чиқар-дилар. Мазкур қонунларни бузган кишиларни қамчи билан савалар, турмага қамар, баданларига қизиган темир билан тамға босардилар.

Шу тариқа Англияда бошқача шаклдаги крепостной ҳуқуқ қайта тикланди. Инглиз қўшинларининг юз йиллик урушда бирин-кетин мағлуби-ятга учрай бошлиши дехқонларнинг аҳволини янада оғирлаштириди. Франсияга қарши урушни давом еттириш учун

қиролга пул зарур еди. Солиқлар бирданига ўсиб кетди. Мәхнаткаш халқ янгидан-янги солиқлар түлашга мажбур бўлди. 1380 йилда парламент жон солиғи жорий қилди. Бундай солиқ Англияда илгари ҳеч қачон бўлмаган еди. 14 ёшли ва ундан юқори ҳар бир еркак ва аёл, мулкий аҳволидан қатъи назар, ушбу солиқни түлашга мажбур етилди. Қари-қартанглар ва ўсмирлар кўп бўлган катта оиласарда янги солиқ йиғиндиси катта суммани ташкил қиласарди. Жон солиғи дехқонлар оммаси гарданига оғир юқ бўлиб тушди.

Шундай қилиб, експлататсиянинг кучайтирилганлиги, камбағалларга қарши чиқарилган қонунлар ва солиқларнинг кўпайганлиги халқни Ғазабга келтириб, 1381 йилдаги Уот Тайлер бошчилигидаги улкан дехқонлар қўзғолонига сабаб бўлди. Бу қўзғолон давомида дехқонларнинг иккита петитсияси (талабномаси) тақдим етилди. Улардан бири анча мўътадил ҳисобланган Майл-Ендск (ёки Ессекс) петитсияси еди. Мазкур петитсия тўрт модда, яъни: 1) крепостной ҳуқуқ (вилланлик)ни бекор қилиш; 2) қўзғолончиларга умумий афв бериш; 3) бутун мамлакатда савдосотик қилишга еркинлик бериш; 4) 1 акр ҳажмидаги ер учун 4 пенс миқдорида ижара ҳақи белгилашдан иборат еди. Бу дастур Англиядаги енг бадавлат дехқонларнинг манфаатларини акс еттиарди.

Иккинчи Смифилдск (ёки Кент) дастурида анча қатъий талаблар баён етилганди. Дехқонлар ўзларига черков ер фондидан ер берилишини, жамоа-га қарашли ер-сувлардан еркин фойдаланишини ва барча тоифавий тафовут-ларнинг йўқ қилинишини талаб қилдилар. Иккинчи петитсия кентлик кам ерли камбағал дехқонларнинг еҳтиёжларини равшан акс еттиарди.

Қирол дастлаб уларнинг қатор талабларини бажаришга ваъда берди. Лекин, оқибатда, феодалларнинг тазиёки остида у ўз ваъдасидан воз кечди. Уот Тайлер хоинона ўлдирилди, сўнгра қўзғолончилар қаттиқ жазоланди. Юзлаб дехқонлар суд ҳукми билан ва судсиз ўлдирилди, дорга осилди. Феодаллар қўзғолони қонга ботирилди, янги қўзғолонлар кўтарилишидан чўчиб, дехқонларнинг тўловлари оширилиб, баршина йўқ қилинди. Камбағалларга қарши қаратилган қонунларни анча-мунча юмшатишга тўғри келди. XV аср давомида Англиядаги дехқонларнинг деярли ҳаммаси тўлов евазига еркин бўлиб олди. Шахсан озод дехқонлар чек ерлардан фойдаланганлиги евазига ер-мулк егаларига аниқ белгиланган ҳақ тўларди.

ХІІІ-ХІВ асрларда шаҳарликлар орасида ҳам, аҳолининг бошқа қатламлари орасида бўлганидек ижтимоий фарқлар кучайди. Бу жараён бутун мамлакат миқёсида шаҳарликлар табақасининг жипслашуви билан бирга кечди. Англия шаҳарлари, Лондондан ташқари, унча катта емасди. Шаҳар корпоратсиялари, умуман шаҳар сингари, Европа қитъасидаги шаҳарлар олган мустақилликка ега емасди.

Шундай қилиб, Англияда давлатнинг марказлашиш жараёни (ХІІІ асрда) еркин дехқонлар оммаси барча қатламларининг ўсиб бориши, ритсалар, шаҳарликлар ва бойиган дехқонларнинг иқтисодий ва ҳуқукий жиҳатдан ўзаро бир-бирига яқинлашиши, феодалларнинг юқори қисми билан бошқа қатламлари ўртасидаги фарқларнинг кучайиши натижасида тезлашди. Ритсалар ва бутун фригролдерлар оммаси иқтисодий ва сиёсий манфаатларининг умунийлиги уларнинг сиёсий иттифоқи ўрнатилишига ёрдам берди. Ушбу аҳоли қатламларининг иқтисодий ва сиёсий ролининг ўсиши, оқибатда, уларнинг сиёсий тан олиниши ва келажакда ташкил этилажак парламентда иштирок етишини таъминлади.

Erkinliklarning buuyuk xartiyasi (Magna Charta)

ХІІІ асрнинг бошларида Англияда феодал давлатнинг янги шакли-табақавакиллик монархиясига ўтиш учун қулай ва объектив шарт-шароитлар вужудга келди.

Бироқ қирол ҳокимияти ўз мавқенини мустаҳкамлаб, ҳукмрон табақа вакилларини давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишга жалб етишни унчалик хоҳламасди. Генрих II нинг ташқи сиёсатда мағлубиятга учраган авлодлари даврида монарх ҳокимиятининг ҳаддан ошиши ўсади, қирол ва чиновникларнинг маъмурий ва молиявий ўзбошимчаликлари кучайди. Шу муносабат билан Англияда табақаларнинг муҳим сиёсий ва молиявий масалаларни ҳал етишда қатнашиш ҳуқуқининг тан олиниши кучли ижтимоий-сиёсий зиддиятлар остида содир бўлди. Бу зиддиятлар марказий ҳокимият сүПстеъ-молликларини чеклашга қаратилган ҳаракат шаклини олди. Мазкур ҳаракатга баронлар бошчилик қилди.

Уларга вақти-вақти билан ритсалар ва ҳаддан зиёд фавқулодда йиғимлар ҳамда қирол чиновникларининг таъмагарликларидан норози бўлган фриголдерлар оммаси қўшилиб турди. Қиролга қарши чиқишлиарнинг ижтимоий ҳарактери ХІІІ асрдаги сиёсий зиддиятларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланди. ХІІІ асрдаги ижтимоий чиқишлиар ХІ-ХІІ асрлардаги баронлар исёнларидан фарқ

қиларди. Шу сабабли ХІІІ асрдаги кучли чиқишилар, оқибатда, катта тарихий аҳамиятга ега бўлган ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келганлиги ҳам тасодифий емас еди. Қуйидаги муҳим воқеалар: 1215 йилги қирол ҳокимиятига қарши кўтариленган баронлар бошчилигидаги қўзғолон ва 1258-1267 йиллардаги фуқаролар уруши ХІІІ аср зиддиятларининг асосий босқичлари ҳисобланади. Бу курашлардан биринчиси Еркинликларнинг буюк хартияси қабул қилиниши билан тугаган бўлса, иккинчиси Англияда парламентнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Еркинликларнинг буюк хартияси объектив шароитлар натижасида қабул қилинди. Маълумки, Генрих II нинг ўғиллари Ричард И Шер Юрак (1189-1199 йиллар) ва Иоанн (Жоне) Ерсиз (1199-1216 йиллар) даврларида қирол ҳокимияти анча заифлашиб қолганди. Ричард деярли Англияда яша-мади ҳам, чунки ҳамиша ё Шарқда салб юриши ёки Франсиядаги урушлар билан банд бўлди. Иоанн Ерсиз Филипп II Август билан курашда доимо муваффақиятсизликка учради ва пировардида, Нормандияни, Анжуни ва Франсиядаги бошқа бир қанча мулкларни қўлдан бой берди. Бундан ташқари, янги Кентербеди архиепископини сайлаш масаласига аралашиб, папа Иннокентий III билан тўқнашиб қолди. Папа Иоанни черковдан қувиб, бутун Англияда ибодат қилишини ман етди (1208 йилда). Тахтдан ажralиши хавфи остида қолган ва жамиятнинг етарлича қўллаб-қувватлашига кўзи етмаган қирол таслим бўлишга мажбур бўлди. У ўзини папанинг вассали деб тан олиб, ҳар йили папанинг хазинасига бир минг фунт стерлинг ҳирож тўлаш мажбуриятини олди (1213 йил).

Папа билан тўқнашувдаги муваффақиятсизлик мамлакатда қирол обрў-еътиборини жуда тушириб юборди. Иоанн ва унинг амалдорлари қўллаб келган ҳар хил тамагирликлар, ноҳақ солик-йиғимлар йиғилиши ва зўравон-ликлар қилиниши фақат баронлар ва епископлар орасидагина емас, балки ритсарлар ва шаҳарликлар орасида ҳам қиролга қарши норозиликлар туғдирди. Айни замонда кучайиб борган қирол ҳокимиятининг назорати малол келган йирик феодалларда маҳаллийчилик кайфиятлари пайдо бўлиб қолди. Қирол ўйлаб чиқарган, лекин ритсарлар бефойда деб билган қуруқлиқдаги янги урушга ритсарларнинг кўпчилиги қатнашишдан бош тортди. Ана шулар натижасида 1215 йилнинг ёзида Иоанн Ерсизга қарши қўзғолон кўтариленди. Енг йирик баронлар қўзғолонга раҳбарлик қилди. Аммо қўзғо-лонга кўпгина ритсарлар, шунингдек, Лондон

шахри ҳам қўшилди. Кўзғолончилар асир қилиб олган Иоанн 1215 йил 15 июлда Еркинликларнинг буюк хартиясига имзо чекишига мажбур бўлди.

1215 йилдаги Хартия маълум тизимга солинмаган 63 та моддадан иборат муҳим сиёсий, тарихий-хуқуқий ҳужжат бўлиб, расман Англиядаги биринчи конститутсиявий қонун ҳисобланади. У лотин тилида тузилган ва асосан феодаллар синфининг манфаатларини кўзда тутувчи кўпдан-кўп ён беришлар ва имтиёзларни ўз ичига олган. Хартиянинг барча моддаларини қўйидагича учта гурухга бўлиш қабул қилинган:

1. Аҳоли турли ижтимоий гурухларининг моддий манфаатларига тааллуқли моддалар (1-,2-,9-,13-,15-,18-моддалар).
 2. Англия қироллиги давлат механизмини ислоҳ қилувчи ва "конс-титутсион" деб аталувчи моддалар (12-,14-,61-моддалар).
 3. Суд-маъмурий аппарат фаолияти тамойилларини ўрнатувчи моддалар (17-, 20-, 21-, 39-, 40-моддалар).

Хартия баронларга ва феодалларга ўз феодларини мерос қилиб қолди-ришни ва "одатга кўра" мўтадил вассаллик тўловлари тўлашни таъминларди.

Хартияning кўпгина моддалари (2-11-моддалар ва бошқалар) кирол ва баронларнинг вассалликленлик муносабатларига бағишиланган ва қирол-нинг ерга егалик билан боғлиқ бўлган сенорлик ҳуқуқларидан фойдала-нишида ўзбошимчаликларини чеклашга ҳаракат қилди. Бу моддалар ҳомийлик, рельеф⁵⁶ олиш, қарз ундириш тартибларини ва шу кабиларни белги-лади. Масалан, Хартияning 2-моддасига биноан, ҳарбий хизмат евазига ерга егалик қилиб турган граф ёки барон вафот етса, унинг вояга етган меросхўри ер учун рельеф тўлангандан сўнг меросни олиши мумкин еди. 4-модда бўйича, лен ҳомийси ўз фойдасига уни билан (мўътадил) даромад олиши ва ҳомийлиги остида бўлган егалиқдаги кишиларга ҳам, ашёларга ҳам зарар етказмаслиги лозим еди. Хартияning қиролликнинг қўриқлана-диган ўрмонлари ва дарёлари ҳақида сўз юритилган моддалари (44-,47-,48-моддалар)да ҳам йирик феодалларга ён берилганди.

Юқоридагилар билан бирга, Хартияда соф "баронлик" моддалари орасида умумсиёсий характерга ега бўлган алоҳида моддалар мавжуд. Хусусан 61-моддада баронларнинг сиёсий

⁵⁶ **Relyef** – o`tmishdoshi o`lgandan so`ng merosiy yerga (feodga, baroniyyaga) egalik qilishga kirishish huquqi uchun senorga beriladigan feodal to`lov. Uning miqdori ko`pincha yerga egalik bahosining yarmigacha bo`lgan.

талаблари анча очиқ ифода етилди. Унда белгиланишича, агар қирол Хартиядаги феодалларга имтиёзлар инъом қилинган моддаларга риоя қилмаса, 25 барондан иборат тузиладиган алоҳида комитет қиролга қарши феодалларни қўзғолонга чақириш ҳуқуқига ега еди. Бундан ташқари, Хартияда баронлар ва ритсарлардан иборат буюк қироллик кенгаши тузилганлиги (12- ва 14-моддалар) еслатиб ўтилади. Шу кенгашнинг розилигидан кейингина қирол феодаллардан қўшимча маблағлар олиши мумкин еди. Бу "умумий" кенгаш таркиби ҳам факат бевосита қиролнинг вассалларидан иборат бўлиши белгиланди. Шуниси характерлики, Лондон шаҳридан ёрдам тариқасида олинадиган тўловлар ҳақидаги масалани ҳам кенгаш ҳал қилиши лозим еди. Бошқа турдаги солиқлар ва йиғимларни, жумладан, шахарлардан олинадиган оғир солиқ - таляни илгариғидек қиролнинг якка ўзи оларди.

Хартияning 21- ва 34-моддалари тож-тахтнинг суд имтиёзларини заифлаштиришга қаратилди. 21-модда графлар ва баронларни суд қилишни қасамхўрлар иштирокидаги қироллик судлари ихтиёридан олиб, улар учун имтиёзли бўлган "тенглар суди" (перлар суди)га топширди. Хартияда тенглар судининг қонуний ҳукмидан ва мамлакат қонунларидан ташқари, Англияда бирорта еркин киши қамоқقا олинмайди, авахтага ташланмайди, молмулкидан маҳрум етилмайди ёки юртдан ҳайдаб юборилмайди, деб қирол тантанали ваъда берди (39-модда). Бу модда аввало йирик феодалларга тааллуқли еди. 34-модда баронларнинг суд манфаатларини ҳимоя қилиб, унда баронларга қарашли судлар саклаб қолиниши таъкидланган ва қироллик судлари бу судларнинг ишларига аралашмаслиги кўрсатилганди.

Хартияда ритсарларнинг манфаатларини назарда тутувчи моддалар анча кам еди. Бу ҳақда 16 - ва 60-моддаларда бирмунча умумий тарздаги меъёрлар белгиланди. 16-моддада "ҳеч ким ўз ритсарлик лени учун ёки бошқа еркин егаликдаги ери учун керагидан ортиқча хизматларга мажбур қилиниши мумкин емас", деб белгиланган. 60-моддада esa қиролнинг ўз вассалларига нисбатан муносабатларига оид қоидалар баронларнинг ўз вассалларига нисбатан муносабатларига ҳам тааллуқли еканлиги уқтирилади.

Хартияда шахарликларнинг ва савдогарларнинг ҳуқуqlари ҳақида жуда кам моддаларда кўрсатилди. 13-модда шахарлар учун ески еркинликлар ва одатларни тасдиқлайди, 41-модда барча савдогарларга ички ва ташқи савдо-сотик еркинлигини, сув

йўлларида монесиз сафар қилишни ва савдодан Ғайриқонуний божлар олинмаслигини белгилайди ва ниҳоят, 35-модда савдосотиқнинг ривожланиши учун муҳим бўлган узунлик ва оғирлик ўлчовлари бирликларини ўрнатди.

Хартияning қиролликнинг суд-маъмурий аппарати фаолиятини тартибга солишга қаратилган кўпгина моддалари катта аҳамиятга ега. Бу гуруҳга кирган моддалар (18-, 19-, 20-, 38-, 39-, 40-, 45- ва бошқа моддалар) XII асрдан бошлаб вужудга келган суд-маъмурий ва ҳуқуқий институтларни тасдиқлайди ва мустаҳкамлайди, марказда ва жойларда қирол чиновниклари-нинг ўзбошимчаликларини чеклайди. Масалан, 38-моддада белгиланиши-ча, чиновниклар фақат оғзаки шикоят билан ҳамда ишончга лойиқ гувоҳларсиз қандайдир жавобгарликка тортилиши мумкин емас. 45-моддада қирол мамлакат қонунларини билмайдиган ва уларни ўз ихтиёри билан бажар-ишни истамайдиган шахсларни судя, констебл, шериф ва бейлиф лавозимларига тайинламасликка ваъда беради. Хартия, шунингдек, 40-моддада асоссиз ва номутаносиб суд пошлиналари ундиришни ман етди. Айниқса, Хартияning 39-моддаси жуда машҳур еди. XIB асрда бу модда барча еркин кишилар учун шахс дахлсизлиги кафолати сифатида парламент томони-дан бир неча марта ўзгартирилган, таҳрир қилинган ва аниқлаштирилган.

Хартияда деҳқон - фриголдерлар ритсарлар билан биргаликда ўзларига қарашли ерларга ҳеч кимнинг тиқилмаслиги кафолатини олган едилар. Лекин жамиятнинг енг мазлум қисми бўлган крепостной деҳқонлар - вилланлар ундан ҳеч қандай еркинлик олмадилар. Хартия крепостной ҳуқуқни бекор қилмади. Ҳатто қирол амалдорларининг ноҳақ йиғимлар солиб вилланларни хонавайрон қилиши тақиқланган моддада ҳам, шу вилланларнинг реал манфаатлари емас, балки улар устидан турган лордларнинг манфаатлари (гарчи булар зиён кўрса-да) назарда тутилганди.

Шундай қилиб, Буюк хартия XIII аср бошида Англиядаги ижтимоий-сиёсий қучлар муносабатини ва аввало қирол билан баронларнинг ўзаро келишувини акс еттирди. Хартияning сиёсий моддалари шундан дарак берадики, баронлар марказий ҳокимиятнинг алоҳида имтиёзлари амалга оширилишини ўз назорати остига олиб ёки чеклаб, қисман ўзларининг иммунитетлари ва имтиёзларини сақлаб қолишга ҳаракат қилгандилар.

Хартияning тақдирни шуни яққол кўрсатдиги, бу вақтга келиб Англияда баронларнинг талаблари истиқболсиз, давлатнинг

марказлашиш жараёни еса орқага қайтмас бўлиб қолганди. Орадан бир неча ой ўтгач, Иоанн Ерсиз папанинг кўллаб-кувватлашига таяниб, Хартияга риоя етишдан воз кечди. Кейинчалик қироллар Хартияни бир неча марта (1216-,1217-,1225-,1297-йилларда) тасдиқлаганлар, лекин ундан 20 дан ортиқ модда, жумладан, 12-, 14- ва 61-моддалар чиқариб ташланди.

Феодаллар хужжати бўлган ва аввало йирик баронларнинг манфаатларини таъминлаган ушбу Хартия, ҳар ҳолда, прогрессив аҳамиятга ега еди. Хартия фақат баронларнинг айрим гуруҳлари талабигина бўлиб қолмади. У, шунингдек, сиёсий марказлашиш тамойилини рад етмаган, бу тамойил билан ҳисоблашган ва давлатни идора қилишни маълум даражада тартибга туширишга интилган феодал дворянлар барча тоифасининг ҳам талаби еди. Хартияда шаҳарликлар талабининг ҳисобга олиниши жуда муҳим бўлди. Англиядаги учинчи тоифа биринчи марта шу ерда сиёсий куч сифатида майдонга чиқдики, феодаллар у билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Буюк қироллик кенгаши ёки Хартияда еслатиб ўтилган баронлар ва ритсалар парламенти тез орада (шу XIII асрда) инглиз парламентига айланди. Бу парламентда франсузларнинг Генерал штатларидағига ўхшаш қирол-лиқдаги учта тоифанинг вакиллари бор еди. У XIII аср ўртасида тез-тез "парламент" деган ном билан аталган бўлса-да, аммо ҳали табақавий орган ҳам, вакиллик муассасаси ҳам емас еди.

**Parlamentning
vujudga kelishi va
vakolatlarining
kengayishi**

1258-1267 йиллардаги баронлар уруши ўз сиёсий натижаси бўйича жуда мураккаб ва муҳим бўлган. Маълумки, Иоанн Ерсиз Ер-кинликларнинг буюк Хартиясини имзолар екан, ҳақиқатда уни бажармоқчи емас еди. Иоанн Ерсизни ўзи ичган қасамига риоя қилиш мажбуриятидан халос етган па-па Иннокентий III ҳам қирол томонига ўтди. Иоанн баронлар билан янги урушга тайёрлана бошлади, бу уруш тез орада бошланди ҳам, аммо уруш ҳаракатлари айни қизиб турган пайтда қирол вафот етди. Унинг вориси – кичик ёшли ўғли Генрих III (1216-1272 йиллар) баронлар олигархияси қўлида узоқ вақтгача қурол бўлиб қолди. Лекин у ҳатто балоғатга етгандан кейин ҳам мамлакатни идора қилишда деярли ўзгариш бўлмади. Лапа-шанг ва бекарор Генрих III папани ва епископларни, шунингдек, франсуз хотини билан биргаликда Франсиядан Англияга келган қариндош-уруғлари ва уларнинг дўстларини баронларга

қарши қилиб қўймоқчи бўлди. Генрих бу феодалларга сахийлик билан мансаблар ва ер-мулклар улашди. Бу еса инглиз баронлари ўртасида қаҳр-Ғазаб уйғотди. Шаҳарлар папа куриясига кетаётган юқори тўловлардан норози бўлдилар. Ритсарлар ва еркин деҳқон-лар қирол амалдорлари ва судларнинг супстеъмолликларидан ва баронларнинг ўз ерларида давом еттираётган bemaza ўзбошимчаликларидан Ғазабла-нардилар. Қирол бундан аввалги йили мамлакатда ҳосил ёмон бўлганлигига ва очарчилик юз берганига қарамай, шаҳзода Едмунд (қиролнинг кенжак ўғли)нинг Ситсилия тахтини⁵⁷ истило қилиши учун 1258 йил баҳорда баронлар ва ритсарлардан улар оладиган даромадларнинг тўртдан уч қисмини тўлаш-ларини талаб етди. Қиролнинг талабига жавобан, қуролланган ва ўзларига кўп ритсарларни ергаштириб олган баронлар саройга кириб келдилар ҳамда барча "франсузлар"ни идора ишларидан четлатиб, "қиролликда ислоҳотлар" ўtkазиш учун алоҳида комиссия тайин этишни талаб қилдилар. Шундан сўнг, тез орада баронларнинг Оксфордда тўпланган "қутурган парламенти" алоҳида конститутсия - "**Оксфорд провизиялари**"ни ишлаб чиқди. Бу ўзига хос конститутсия қиролни баронларнинг доимий назоратига топширди. Унда мам-лакатда бутун ижроия ҳокимият 15 та баронлардан иборат Кенгашга ўтказилиши назарда тутилди. Ижроия Кенгаш билан бирга муҳим масалаларни ҳал қилиш учун ҳар йили камида уч марта 27 та аъзодан иборат маг-натларнинг Катта кенгаши йиғилиб туриши лозим еди. Шундай қилиб, бу баронларнинг 1215 йилда амалга ошмай қолган ўз олигархиясини ўрна-тиш учун янгидан қилган ҳаракати бўлди.

Дастлабки пайтларда баронлар ритсарлар билан келишиб ҳаракат қилдилар. Аммо баронлар ҳокимиётни фақат ўзлари учун босиб олишга интилаёт-ганликларини, ритсарлар масаласида ноаниқ ваъдалар бериш билан чекланаёт-ганликларини ритсарлар тезда пайқадилар. Ритсарлар норозилик билдирилар. Улар-нинг талаблари бошқа бир ҳужжатда - 1259 йилги "**Вестминстрлик провизия-лари**" номли машҳур ҳужжатда ифодаланган еди. "**Вестминстрлик провизияла-ри**" ритсарларнинг ўз сенорлари - баронлари билан бўладиган муносабатларини тартибга солиб турарди, шунингдек, қирол шерифлари, есчиторлари⁵⁸ ва судя-ларининг

⁵⁷ Papa bu paytda o`zining ikkala Sitsiliya qirolligining senori deb hisoblagan nemis shtaufenlari bilan kurash olib borgan va Sitsiliya toj-taxtini egallashni Genrix III ga taklif etgan edi.

⁵⁸ Eschitor - vorissiz tanho yerlarni boshqaruvchi amaldor.

суПстеъмолликларини йўқотиш тўҒрисида бир қанча таклифлар кирит-ди. Бироқ, ритсарларнинг мамлакатнинг марказий бошқаруvida иштирок етиш ҳақидаги талаблари қондирилмади.

Баронлар ва ритсарлар ҳаракатига кейинчалик шаҳарликлар ва бир қан-ча жойларда дехқонлар, қисман фриголдерлар, қисман вилланлар келиб қўшил-дилар. Баронлар тўдаси бўлиниб кетди. Демократик элементларнинг фаоллиги-дан, хусусан, бошланиб кетган дехқонлар ҳаракатидан қўрқиб қолган баронларнинг қўпчилиги тез орада қирол томонига ўтди. Аммо Симон де Монфор⁵⁹ бошчилик қилган йирик феодалларнинг бир қисми қирол билан кураш-ни давом еттириб, ритсарлар ва шаҳарликлар билан иттифоқ тузди.

1264 йилда Симон қиролнинг тарафдорлари бўлган баронларни яксон қилиб, Генрих III ни ва унинг катта ўҒли Едуардни аср қилиб олди. Симон де Монфор бир неча вақт Англияning диктатори бўлиб олди ва ритсарларни давлат бошқаруvida иштирок етиш ҳақидаги талабларини рўёбга чиқарди. Фуқаролар урушининг енг муҳим натижаси 1265 йилнинг бошида Англия тарихида биринчи табақа-вакиллик муассасаси - парламентнинг чақирилиши бўлган. Симон де Монфор бу парламентни кенг таркибда чақирди: парламентга баронлар ва епископлардан ташқари, ритсарларнинг (ҳар бир 37 та графликдан икки кишидан) ва шаҳарларнинг (ҳар бир шаҳардан икки кишидан) вакиллари таклиф қилинди. Шундай қилиб, франсуз Генерал штатларига ўхшаш, Англияда биринчи марта уч тоифа вакилларидан иборат парламент чақирилди.

Парламентнинг чақирилиши Англияда феодал давлат шаклининг ўзга-ришига, табақа-вакиллик монархиясининг вужудга келишига олиб келди.

Симон де Монфорга ҳокимият тепасида узоқ вақт қолиш насиб етма-ди. Баронларнинг қўпчилик қисми душманлар лагерига ўта бошлади. Шаҳ-зода Едуард асирикдан қочиб, қироллик кучларининг асосий ташкилотчиси бўлиб олди. 1265 йил августда Ивзем ёнидаги жангда Монфор мағлубият-га учради ва ўлдирилди. Унинг тарафдорлари жазога тортилдилар. Парламент яна биргина йирик феодаллар таркибида йиғиладиган бўлди.

Едуард II (1272-1307 йиллар) 50-60-йиллардаги "Ғалаён"дан катта са-боқ олган ҳийла Ғайратли қирол еди. Айни замонда 1265-1285 йиллардаги ба-ронлар уруши маҳалида ўрта ва қуйи

⁵⁹ Simon de Monfor kelib chiqishi jihatidan fransuz edi, lekin XIII asr o`rtasida u Angliyada endi tanildi va ingliz zodagonlari qatoridan ko`zga ko`rinarli o`rin egalladi.

синфларнинг ҳаракатидан қўрқиб қолган феодаллар енди қироллик тож-тахти теварагида мустаҳкамроқ жипслашдилар. Едуард И ўз мавқенини янада кучайтириш учун истилочилик урушлари уюштириди ва 1282 йилда Уелсни босиб олди, лекин Шотландия билан узоқ ва оғир уруш олиб борди. Урушни давом еттириш учун етарлича маблағи бўлмаган қирол жуда мушкул аҳволга тушди. Оппозитсиянинг янгидан бош кўтариб чиқишининг олдини олиш ва зарур маблағга ега бўлиш мақсадида 1295 йили қиролнинг ўзи умумтоифавий парламент чақирди. Бу парламентнинг таркиби келажакда ана шундай йиғилишлар учун намуна бўлганлигидан уни кейинчалик "намунали парламент" деб атадилар.

Аммо 1265 йилда Монфор парламенти қандай таркибда тўпланган бўлса, бу парламент ҳам худди шундай таркибда йиғилди. Бу парламентда лордлар, дунёвий ва руҳоний феодаллар, ритсалар ва шаҳарликлар йиғилган еди. Шу пайтдан еътиборан Англия парламенти муңтазам суратда йиғилади-ган бўлди. ХИВ асрнинг ўрталаригача инглиз табақалари биргалиқда мажлис-лар ўтказардилар, 1343 йилдан еътиборан еса иккита палатага ажралди. Юқори палата **лордлар палатаси** деб аталиб, у руҳоний лордлар, архиепископлар, е-пископлар, енг йирик монастирларнинг аббатлари ва дунёвий лордлар (барон-лар)дан иборат бўларди. **Умум палатаси** деб аталмиш қуйи палата графлик-ларнинг вакиллари бўлган ритсалар ва шаҳарликлардан иборат еди. Дастлаб парламентни тузишида сайлов сензи бўлмаган. Кейинчалик 1430 йилги Статут сайлов сензи ўрнатиб, унга кўра, графликлар мажлисларида фриголдер-ларнинг иштирок етиб, парламентга сайланиши учун иилига 40 шиллингдан кам бўлмаган даромад олишлари лозим еди.

Дастлабки вақтларда парламентнинг қирол ҳокимияти сиёсатига таъсир етиш имконияти унча катта бўлмади. Унинг функсиялари ҳаракатдаги мулкларга солинадиган солиқларнинг миқдорини белгилаш ва қирол номига жамоавий петитсиялар бериш билан чегаралаб қўйилган еди. Тўғри, 1297 йилда Едуард И парламентда Еркинликларнинг буюк хартиясини тасдиқлайди ва бунинг натижасида "солиқларнинг ҳал қилинмаслиги ҳақида"ги Статут пайдо бўлди. Бунда солиқлар, нафақалар ва йиғимлар ендиликда руҳонийлар, дунёвий магнатлар, ритсалар, шаҳарликлар ва қиролликнинг бошқа еркин кишилари умумий розилигисиз олинмаслиги айтилди. Бироқ, Статутда қиролга илгари мавжуд

бўлган йиғимларни ундириш имкониятини берувчи изоҳлар ҳам бореди.

Ўрта асрлар Англиясининг парламенти аста-секин қўйидаги учта енг муҳим ваколатларни: қонунлар чиқаришда иштирок етиш, қирол хазинаси фой-дасига аҳолидан солиқлар олиш ҳақидаги масалаларни ҳал етиш, олий мансаб-дор шахслар устидан назоратни амалга ошириш ҳамда баъзи ҳолларда маҳсус суд ишларини юритиш ҳуқуқларини қўлга киритиб олди.

Парламентнинг қонун ташаббускорлик ҳуқуқи қиролга парламентнинг жамоа петитсиялари бериши амалиётидан келиб чиқди. Улар ҳаммадан кўпроқ ески қонунларнинг бузилишини тақиқлаш ва янгиларини чиқариш ҳақидаги илтимосларда намоён бўлди. Қирол парламентнинг илтимосини қон-дириши ёки рад етиши мумкин еди. Бироқ, ХИВ аср мобайнида бирорта ҳам қонун қирол ва парламент палаталари розилигисиз қабул қилиниши мумкин емаслиги ўрнатилди. XV асрда ўрнатилган қоидага кўра, парламентнинг илти-мосномаси "билл" деган ном олган қонун лойихаси шаклида ифодаланмоғи лозим еди. Шу тариқа қонун (статут) тушунчаси қирол, лордлар палатаси ва умум палатадан келиб чиқадиган ҳужжат сифатида расмийлаштирилди.

ХИВ аср мобайнида аста-секин парламентнинг молиявий масала-лардаги ваколатлари мустаҳкамланди. 1340 йилги Статут парламентнинг розилигисиз тўғри солиқлар ундирилишига мутлақо йўл қўйилмаслигини еълон қилди. 1362 йилги ва 1371 йилги статутлар еса бу қоидани кўшимча солиқлар учун ҳам жорий етди. XV асрда парламент ўзи томонидан тақдим етилган субсидияларнинг мақсадини кўрсата бошлади ва уларнинг харажат қилиниши устидан назорат қилишга еришди.

Парламент давлат бошқарувини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилиб, ХИВ асрнинг охиридан аста-секин **импичмент** протседурасини жорий етди. У умум палатанинг лордлар палатаси олдида мамлакатнинг олий суд органи сифатида у ёки бу қирол мансабдор шахсига қарши ҳокимиятни суғистеъмол қилганликда айблов кўзғатишдан иборат еди. Бундан ташқари, парламент-нинг у ёки бу суғистеъмолликларни тўғридан-тўғри жиноий деб еълон қилиш ҳуқуқи ўрнатилди. Бунда қирол томонидан тасдиқланадиган маҳсус ҳужжат чиқарилиб, у "подшо Ғазаби ҳақидаги ҳужжат" деган ном олди.

ХПИ аср давомида, шунингдек, янги ижроия орган - **Қироллик кенгашиниң** ривожланиши содир бўлди. У қиролнинг яқин маслаҳат-чиларидан иборат тор доирадаги орган бўлиб қолди ва ўз қўлида олий ижро етиш ва суд ҳокимиятини тўплади. Унинг таркибиغا одатда канслер, хазиначи, судялар, қиролга анча яқин бўлган, асосан ритсарлар таба-қасидан чиққан министрлар киради. Қиролнинг енг йирик вассаллари йиғини - Катта кенгаши ўз функцияларини йўқотди. Бу функциялар парламентга ўтди.

Mahalliy boshqaruv tizimining rivojlanishi va sud organlari

бошқарувда ески судларнинг ва графликлар мажлисларининг роли жуда пасаяди. Уларнинг функ-сиялари янги мансабдор шахсларга ва янги турдаги сайёр судларга ўтади. Буларнинг ваколатлари тобора кенгайиб боради.

Графликларнинг мажлислари ХПИ аср охири - XV асрда асосан парла-ментга вакилларни ва маҳаллий мансабдор шахсларни сайлаш учун чақириларди. Улар суммаси 40 шиллинггача бўлган даъволар бўйича низоларни кўришлари мумкин еди.

ХПИ асрда графликларда илгаригидек **шериф**, юзикда унинг ёрдам-чиси - **бейлиф** қирол маъмурияти тепасида туради. Улардан ташқари жойларда қирол маъмурияти вакиллари сифатида **тождорлар ва констебллар** бўларди. Улар маҳаллий мажлисларда сайланарди. Тождорлар одам ўлдириш жиноятлари бўйича терговни амалга оширганлар, констебллар политсиачилик функция-ларига ега бўлганлар. Шерифнинг жуда катта ҳокимиятга ега еканлиги вақт ўтиши билан қиролликда ишончсизлик келтириб чиқара бошлади. Қирол бу мансабнинг "феодаллашуви"ни, меросий бўлишга айланишининг олдини олишга ҳаракат қиласи. ХПИ асрда ўзаро урушлардан сўнг шериф ман-сабининг қисқа муддатли бўлиб қолганлиги ва қироллик томонидан назорат остига олинганлиги тасодифий ҳол емас еди. 1215 йилги Еркинликларнинг буюк хартиясининг 24-моддаси шерифларнинг қироллик даъволарини ҳал қилишини тақиқлади ва шу вақтдан ётиборан шериф лавозими аста-секин, ҳар ҳолда суд қилиш соҳасида, ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

ХПИ асрнинг охиридан бошлаб графликларда маҳаллий ер егаларидан тинчликни сақловчи ёки, бошқача сўзлар билан айтганда, муросага келтирувчи судялар тайинлаш амалиёти батамом

ўрнатилади. Улар дастлаб политсиячилик ва суд қилиш ваколатларига ега бўлганлар, лекин вақт ўтиши билан шерифлар ўрнига маҳаллий бошқарувнинг анча муҳим функсия-ларини бажара бошлайдилар. 1390 йилги статут бўйича ҳар бир графликка саккизтадан муросага келтирувчи судялар тайинланди. Муросага келтирув-чи судялар озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини назорат қилганлар, узунлик ва оғирлик ўлчов бирликларини, жун олиб чиқилишини кузатиб турганлар, ишчилар ҳақидаги (1349 ва 1351 йиллардаги), бидъатчилар ҳақидаги (1414 йилги) қонунларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши устидан назоратни амалга оширганлар ва ҳатто иш ҳақи микдорларини (1427 йилги статутда) ўрнатар-дилар. Бу мансабни егаллаш учун мулкий сенз йиллик даромаднинг 20 фунт стерлингини ташкил етган.

Муросага келтирувчи судяларнинг суд ваколатларига одам ўлдириш ва ўта оғир жиноятлардан ташқари, барча жиноий ишларни кўриб ҳал қилиш киради. Ишларни кўриб ҳал қилиш бир йилда тўрт марта чақириб туриладиган сессияларда амалга оширилган. Бу мажлислар "чорак сессиялар" судлари деган ном олганди.

XII-XIV асрларда турли даражадаги қироллик судяларининг сони ўси, уларнинг ихтисослашуви қучайди. Шу билан бирга кўпгина муас-сасаларнинг суд ва маъмурий функсиялари ҳали ажратилмаган еди. Бу даврда Англияда: **Қирол курсиси суди, Умумий тортишувли суд ва Хазина суди** олий судлар ҳисобланарди.

Хазина суди биринчи бўлиб XII асрнинг 20-йилларидаёқ ўз мажлислари баёнини ёзиб қўя бошлайди. Бу суд асосан молиявий низоларни кў-ришга ихтисослаштирилиб, аввал хазина ва қиролликдан қарзларга тааллуқли низоларни кўриб ҳал қиласарди.

Умумий тортишувли ёки "умумий курсили" суд кўпгина хусусий фуқаролик даъволарини кўриб ҳал қиласарди ва умумий хуқуқнинг асосий суди бўлиб қолганди. Судда барча дебатлар ёзилиб ва манфаатдор томонларга танишиш учун тарқатиларди, XIV асрдан бошлаб еса доимо еълон қилиб туриларди. Бу суд хуқуқни ўрганувчи барча талabalар учун амалиёт ўташ жойи ҳам бўлганди.

Умумий тортишувли суд, шунингдек, маҳаллий ва манориал судлар устидан назоратни амалга оширади. Девонхонадан чиқарилган буйруқ бўйича шикоятлар ҳар қандай бошқа қуйи судлардан олиниб, бу суднинг ихтиёрига ўтказилиши мумкин еди.

Махсус суд буйруқлари шарофати билан Умумий тортишувли суд бошқа судларнинг судда йўл қўйган хатоларини тўҒрилай оларди.

Қиролнинг шахсий судидан аста-секин Қирол курсиси суди шаклланади. Бу суд ХИВ асрнинг охиригача фақат қирол ва унинг яқин маслаҳатчилари иштирокида мажлислар ўтказарди. У бошқа барча судлар учун, жумладан, Умумий тортишувли суд учун ҳам, олий апеллятсион ва назорат инстантсияси бўлиб қолган еди. Бироқ вақт ўтиши билан у жиноий ишлар бўйича апеллятсияларни кўришга ихтисослаштирилади.

Фуқаролик ишларининг ривожланиши билан олий қироллик судларнинг уму-мий тизимидан **Лорд-канслер** суди ажралиб чиқади. У масалаларни "адолат юзасидан" ҳал қиласарди. Бу суднинг фаолияти билан янги шаклдаги жара-ённинг ва ҳуқуқ нормаси (адолат ҳуқуқи)нинг вужудга келиши боҒлиқ бўлган.

ХПИ-ХИВ асрларда қиролликнинг сайёр суд ишларини юритиш тизими анча кенг тармоқли ва турлича еди.

Умумий судларнинг айланиб юриш тартиби жуда ноқулай бўлганлиги ва қимматга тушиши сабабли ХПИ асрда сайёр судларнинг умумий айла-ниб чиқиши муддати етти йилда бир марта қилиб ўрнатилган. ХИВ асрда уму-мий сайёр судлар ўз аҳамиятини йўқотди ва ўрнини анча ихтисослашган сайёр комиссияларга бўшатиб берди. Сайёр комиссиялар орасида ассиз-лар судларини (ерга егалик қилишда имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги низоларни кў-риш бўйича), исёнлар ҳақидаги ишлар бўйича комиссияни ва турмаларни умумий текшириш бўйича комиссияни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Суд ишларини юритишида қасамхўр маслаҳатчиларнинг катта ва кичик жюрилари муҳим рол ўйнарди. **Катта ёки айбловчи жюри** айбловчи қасамхўр маслаҳатчиларнинг сайёр судлар томонидан сўроқ қилиниши протседураси муносабати билан расмийлашган. У судга бериш органи бўлиб қолган. Катта жюрининг бор-йўғи 23 та аъзоси бўлган. 12 та жюри аъзоси-нинг ягона фикри гумон қилинувчига нисбатан айблов ҳужжатининг тасдиқ-ланиши учун кифоя қиласарди.

Кичик жюри 12 та қасамхўр маслаҳатчилардан иборат тузиладиган инглиз судининг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу жюри аъзолари ишларнинг мазмунан кўриб чиқилишида иштирок етиб, қасамхўрларнинг ягона фикрини талаб қилувчи вердикт (ҳукм) чиқаради. 1239 йилги қонун бўйича қасамхўрлар учун йиллик даромаднинг 40 шиллингги миқдорида мулкий сенз ўрнатилади.

Манорлик судларининг юрисдиксияси (суд қилиш ҳуқуқи) ХИИ асрда то-бора чекланиб боришда давом етди. Фақат баъзи жуда озчилик йирик феодал-ларгина тож-тахтга дахлдор ишлар бўйича суд қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди. 1260-1280 йиллардаги статутлар магнатларнинг курияга келишларини таъмин-лаш мақсадида уларнинг еркин дехқонларга тазийк ўтказишини, апеллятси-он инстантсия сифатида чиқишини тақиқлайди. Шерифларга лордлар томонидан егаллаб олинган чорвани мусодара қилиш учун, шунингдек, агар лорд ёки унинг ёрдамчиси ҳатто бир марта қироллик буйруғини бажармаган барча ҳолларда, уларнинг иммунитетларини бузишларига рухсат етиларди.

Дунёвий ва черков судларининг ўзаро муносабатлари ваколатларни чегаралаш масалаларида илгаригидек кескинлиги ва мураккаблиги билан ажра-либ турарди. Кўп сонли қарама-қарши қарашлар натижасида шундай тамойил ўрнатилган еди, унга кўра, иккала турдаги судларнинг судловлиги жазолар-нинг характеристига қараб белгилана ва фақат дунёвий судлар дунёвий жазо-лар бериши, масалан, жарималар солиши мумкин еди. Қирол ҳокимияти доимо черков судларининг ваколатларини чеклашга ҳаракат қиласади. Бироқ, маъ-лумки, бу уринишлар унча муваффақиятга еришмаган. Охир оқибатда қирол анъанавий воситалардан фойдаланиб, "тақиқлаш ҳақидаги" суд буйруғини чиқариш йўли билан черков судининг ваколатларини чеклашга еришган. Тож-тахт, аникроғи, қирол курияси чиновниклари фикрича, черков судлари ўз ваколатлари доирасидан чиқкан, деб топилган ҳар бир алоҳида ҳолатда ана шундай суд буйруқлари чиқариларди.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, табақа-вакиллик монархияси даврида Англияning суд тизими хилма-хил судларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

5. Абсолут монархия даврида Англияning ижтимоий-сиёсий тузуми (XV асрнинг охири - XVII асрнинг ўртаси)

Англияда абсолют монархия бошқа мамлакатларда бўлгани каби, феодализмнинг инқирози ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши даврида ўрнатилганди. Шу билан бирга инглиз абсолютизми ўзига хос қатор хусусиятларига ҳам ега еди. Шундай ўзига хос хусу-сиятларига қараб инглиз абсолютизми адабиётларда "тугалланмаган" деган ном олган. Англияда ўтган

даврга хос ески сиёсий институтларнинг сақланиб қолғанлиги, шунингдек, франсуз классик абсолютизмiga ўхшаш баъзи янги елементларнинг йўқлиги абсолютизмнинг "тугалланмаганлиги"ни, тўлиқ кўринишда намоён бўлмаганлигини тавсифлайди.

Инглиз абсолют монархиясининг асосий хусусияти шундан иборат еди-ки, Англияда кучли қирол ҳокимияти билан бир қаторда парламент ҳам фао-лият кўрсатишда давом етган. Шу тариқа Франсия ҳамда Европа қитъа-сидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, инглиз абсолютизми парламент билан ваколатли муассаса сифатида чиқишиб келди, чунки парламент бу ер-да ўз ижтимоий таркиби жиҳатидан ривожланаётган абсолютизмнинг муҳим та-янчи ва мадади еди. Инглиз абсолютизмининг яна бир хусусияти шундан иборат едики, Англия графикларида бу вақтда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (яrim сайланадиган шерифлар ва маҳаллий судялар, маслаҳатчи судялар, шаҳарларнинг сайланадиган муниципалитетлари ва ҳоказолар) сақланиб қол-ганди. Бунинг сабаби шунда едики, бу органларга ҳам одатда ўша "итти-фоқчи синфлар" - ўрта дворянлар билан буржуазия кириб, улар абсолютизмнинг ижтимоий таянчи сифатида умуман жуда катта рол ўйнарди. Нихоят, инглиз абсолютизми қитъадаги абсолютизмга ўхшаш мунтазам армия туз-мади, бунга Англияning оролда жойлашиш мавқеи қўп жиҳатдан сабаб бўлди. Ўрта асрларда ва ҳатто янги даврнинг дастлабки асрларидаги ҳарбий-техника воситаларининг, қуруқликдаги кучларнинг Англияга ҳужум қилиши жуда қийин вазифа ҳисобланарди. Аммо XVI асрдаги инглиз қироллари мунтазам армия тузмасалар ҳам, парламент билан биргаликда ҳарбий флотни мут-тасил мустаҳкамлаб бордилар. Бунинг оқибатида ҳарбий флот душманинг денгиздан ҳужум қилишидан мамлакатнинг хавфсизлигини тўла таъминлабгина қолмай, инглиз мустамлака ва савдо экспансияси учун қудратли восита бўлиб ҳам хизмат қиласарди.

Шундай қилиб, Англиядаги абсолютизм юқоридаги жиҳатлари билан қитъадаги, хусусан, Франсиядаги абсолютизмдан фарқланарди.

Инглиз абсолютизми XV асрнинг охиридан XVII асрнинг ўртасигача бўлган даврда хукм сурди.

Ijtimoiy
tuzumdagি
o`zgarishlar
бўлди.

XIV-XV асрлар мобайнида Англияning иқти-сади ва ижтимоий тузумида абсолютизмнинг қарор топишига шарт-шароитлар яратувчи муҳим ўзга-ришлар содир

Феодал ер егалигининг аста-секин капитализмга ўсиб ўтиши юз берди. Товар-пул муносабатларининг ва саноатнинг ривожланиши, Англия жунига бўлган талабнинг ортиши феодал ер егалиги хўжалигининг товар хўжалигига айланишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси капитал жамғарилишига ва дастлабки манфактураларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Дастлабки манфактуралар ҳаммадан аввал капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривож-ланиши йўлига тўсқинлик қилаётган сех тизими мавжуд бўлмаган порт ва қишлоқларда вужудга келди.

Англияда вужудга келаётган капиталистик муносабатларнинг ўзига хос томони шунда едики, бу ерда капиталистик муносабатлар шаҳарга қараганда қишлоқларга анча ерта кириб келганди. Шу муносабатларнинг вужудга келиши жараёнида Англия феодал давлати мутлақ якка ҳоким-ликка-абсолутизмга ўтади.

Феодаллар ўз ер егаликларини қўйлар ўтлатадиган яйловларга айлан-тириш мақсадида уларни кенгайтиришга ҳаракат қилиб, дехқонларни ўз участкаларидан хайдаб, жамоа ерларини тортиб ола бошладилар ("Фов ту-тиш"ни есланг). Бу қишлоқ аҳолисининг фермерларга, кам ерли ижарабчиларга ва ерсиз батракларга бўлинниб кетишини анча тезлаштириб юборди.

XV асрнинг охирига келиб инглиз дехқонлари иккита асосий гурух – **фриголдерлар** ва **копиголдерларга** бўлинади. Копиголдерлар - илгариги кре-постной дехқонларнинг авлодлари фриголдерлардан фарқли ўлароқ, феодаллар фойдасига қатор натурал ва пул мажбуриятлари ўташда давом етарди. Улар-нинг ер участкаларига нисбатан ҳукуқлари манорлик судлари қарорларининг нусха (копия)ларига асосланарди.

XV асрнинг иккинчи ярмида феодаллар синфининг ўзида ҳам таркибий жиҳатдан муҳим ўзгаришлар рўй беради. Ўзаро қизил ва оқ гуллар уруши йирик ер егалигининг қудратини синдириди, ески феодал зодагонларнинг қириб ташланишига олиб келди. Дунёвий ва руҳоний феодалларнинг катта-катта ерлари қироллик томонидан сотувга қўйилди ва шаҳар буржуазияси ҳамда дехқонларнинг юқори қисми томонидан сотиб олинди. Айни вактда манфаатлари буржуазиянинг манфаатлари билан яқин бўлган дворянлар ўрта табакасининг роли ошди. Худди шу табақадаги дворянлар орасидан ўз хўжа-лигини капиталистик усулларида юритувчи янги дворянлар шаклланди.

Ягона миллий бозорнинг ривожланиши, шунингдек, ижтимоий кураш-ларнинг кескинлашуви янги дворянлар ва шаҳар буржуазиясининг мар-казий ҳокимиятни янада кучайтиришга бўлган манфаатдорлигига сабаб бўлди.

Дастлабки капитал жамғариш даврида денгиз орти худудларини мустам-лакага айлантириш кучайди: Тюдорлар даврида Шимолий Америкада биринчи инглиз мустамлакаси - Виргинияга асос солинди, XVII асрнинг бо-шида еса мустамлакачиликка оид Ост-Индия компанияси ташкил қилинди. Компанияларда қатнашган савдогарлар савдодан жуда кўп фойда олар-дилар. Англия қироллари компаниялар тузишга жон-дили билан рози бўларди, чунки савдогарлар уларнинг хазинасига катта-катта маблағ тўлаб туардилар.

Сех тузумининг кучсизланиши шаҳарда капиталистик элементларнинг ривожланишини енгиллаштириди. Шаҳар ахолиси орасида табақаланиш бош-ланди. Савдогарлар ва усталардан иборат шаҳарликларнинг юқори қисми ажралиб чиқди. Капиталистик мануфактураларнинг вужудга келиши билан меҳ-наткашларни эксплуататсия қилиш кучайди. Бу еса шаҳарларда синфий курашнинг кескинлашуви олиб келди. Бу кураш дехқонларнинг ер учун ва яшаш учун кураши билан қўшилиб кетган еди (1549 йилги Робет Кет бошчилигидаги кучли дехқонлар қўзғолонини есланг).

Англияда синфий курашнинг кескинлашганлиги "гадой ва дайдилар"га қарши чиқарилган қонунларда ва иш ҳақини тартибга соловчи қонунларда ўз аксини топди.

Дехқонлар ва шаҳар камбағалларини тутқинликда ушлаб туриш ва қаршиликларини бостириш учун Англия хукмрон доиралари бюрократик бошқарув аппаратига асосланган кучли давлат машинасини ташкил қиласди.

Davlat va tuzumi **Абсолут монархия даврида Англияда ҳокимият бошқарувнинг олий органлари қирол, Яширин кенгаш ва парламент еди.**

Бироқ, бу даврда Англияда реал ҳокимият қиролнинг қўлида тўп-ланганди. У кўп сонли ва фақат ўзига бўйсунадиган органлар орқали қонун чиқариш, ижро этиш ва олий суд ҳокимиятини амалга оширади.

Яширин кенгаш бундан олдинги даврда вужудга келган, лекин абсолют монархия даврида батамом расмийлашган еди. У давлатнинг олий мансабдор шахслари: **лорд-канслер, лорд-хазиначи,**

қиролнинг шахсий муҳрини сақловчи лорд ва бошқалардан иборат еди.

Кенгаш таркиби доимий бўлмаган. Олий мансабдор шахслар билан бир қаторда бошқа мансабдор шахслар ҳам Кенгаш ишларига таклиф қили-нарди. Генрих ВІІ нинг регламентига (1426 йилги) асосан кенгаш таркибига 14 та давлат ва сарой мансабдор шахслари, 4 та пер ва 2 та епископ киради.

Яширин кенгаш қирол хузуридаги маслаҳатчи орган бўлган. Унинг ваколатларини қирол белгиларди. Қирол ҳокимиятнинг кучайиши билан мамла-катни бошқаришга тааллуқли кўп ҳужжатлар қирол томонидан кенгашни чет-лаб ўтган ҳолда чиқарилган. Яширин кенгашнинг мажлисларида кўпинча қироллар иштирок етмасдилар. Улар бундай ҳолларда кенгаш мажлисларини юритишни унинг аъзоларидан бирига топширадилар.

Яширин кенгашнинг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд органи сифатидаги роли ва аҳамияти унинг комиссиялари ва комитетлари фаолиятида намоён бўлган. Уларнинг ичida фуқаролик ва асосан жиноий ишлар бўйича фавқулодда суд органи бўлган "Юлдуз палатаси" алоҳида ўрин егаллади.

Яширин кенгашнинг асосий вазифаси монарх ҳокимиятига қарши ҳар қандай чиқишлигарга қарши курашиб еди. У фармонлар, регламентлар, йўриқномалар, манифестлар, прокламатсиялар чиқариш билан марказий ва маҳаллий давлат органлари устидан назоратни амалга оширади. Кучайиб бораётган қирол ҳокимияти бу даврда парламентни тугата олмади. Ўтган даврда асос солинган жентри ва буржуазия иттифоқи парламентнинг мустаҳ-кам сақланиб қолишини таъминлади. Бу иттифоқ қирол ҳокимиятининг табакалар ўртасидаги ихтилофлардан фойдаланиб, марказда ва жойларда вакиллик муассасаларини туттишига йўл қўймасди.

Қирол ҳокимиятининг парламент билан ўзаро муносабатларда устун-лиги 1539 йилги статут билан расмийлаштирилди. Унга кўра, Яширин кенгаш-нинг чиқарган фармонлари ва ордонанслари парламент ҳужжатлари билан тенглаштирилган еди. Гарчанд, парламент 1547 йилда расман бу статутни бекор қилган бўлса ҳам, қирол ҳокимиятининг парламентдан устунлиги амалда сақланиб қолган еди.

Абсолютизм даврида инглиз парламентининг ваколатлари расман илгариgidек қолди. Парламент илгариgidек солиқлар ва ийғимлар миқдорини ўрнатиш имтиёзига ега еди. Парламентнинг

қирол ҳокимияти томонидан янги солиқлар ўрнатилишига қарши туриши қиролларни заёмларга мурожаат етишга, товарларни четдан олиб келиш ва четга чиқаришда божлар жорий қилишга, катта тўловлар евазига компанияларга қатъий савдо хуқуки (савдо монополияси) имтиёзларини беришга мажбур етди.

Абсолут монархия даврида қирол ҳокимиятининг инглиз черкови усти-дан устунлиги батамом ўрнатилди. Англияда қирол ҳокимиятига бўйсuna-диган черков таъсис етиш мақсадида Реформатсия⁶⁰ ўтказилди. Бунинг на-тижаси ўлароқ черков ерлари тортиб олинган ва давлат мулкига айлантирилган (секуляризатсия қилинган)ди. Англия парламенти Генрих ВІІ даврида 1529 йилдан 1536 йилгача қатор қонунлар чиқариб, қиролни черков бош-лиғи деб еълон қилиб, унга олий черков лавозимларига номзодлар кўрсатиш хуқуқини беради. XVI асрнинг охирида қонун чиқариш йўли билан янги черковнинг диний таълимоти мазмуни, шунингдек, ибодат қилиш тартиби ўр-натилган. Шундай қилиб, инглиз черкови ёки лотинча айтганда, англикан черкови Рим папасига бўғлиқ бўлмай қолган ва давлат аппаратининг бир қисмига айланган.

Мамлакатдаги олий черков органи **Юқори комиссия** бўлган. Унинг таркибига руҳоний шахслар билан бир қаторда Яширин кенгаш аъзо-лари ва бошқа мансабдор шахслар ҳам киради. Комиссиянинг ваколатлари жуда катта еди. У қирол ҳокимиятининг черков ишларида устунлиги ҳақидаги қонунларнинг бузилишини, "диний ва черков характеридаги тартибсизликлар" билан бўғлиқ ишларни текширади. Комиссиянинг асосий вазифаси реформатсия қилинган черковнинг душманлари - католиклар ва протестантларнинг анча радикал ва демократик тарафдорларига қарши курашиш еди. Комиссиянинг ҳар қандай учта аъзоси, агар уларнинг орасидан биттаси епископ бўлса, черковга келмайдиган шахсларни жазога тортиш, бидъатларни тўхта-тиш, пасторларни алмаштириш хуқуқига ега еди. Юқори комиссия юқори-дагилар билан бирга жуда катта аҳамиятга ега бўлган қатор дунёвий ишларни - Лондондаги дайдилар ҳақидаги, сензура ҳақидаги ва ҳоказо ишларни ҳам юритарди. Реформатсия қилинган черков тузилиши жиҳатидан ҳам, ибо-дат соҳасида ҳам католитсизмнинг қатор белгиларини сақлаб қолгани ҳолда қи-рол ҳокимиятининг илоҳий келиб чиққанлигини тарғиб қилишни ўз вазифа-ларидан бири қилиб олган органга айланди.

⁶⁰ **Reformatsiya** – XVI asrda G`arbiy Yevropada katolik cherkoviga va papa hokimiyatiga qarshi olib borilgan diniy shakldagi ijtimoiy-siyosiy harakat.

Абсолутизмнинг ўрнатилиши билан **маҳаллий бошқарув** органлари тизими анча уйғун бўлиб қолди, уларнинг марказий ҳокимият органларига боғлиқлиги ўсди. Бу даврда маҳаллий бошқарувдаги асосий ўзгаришлар **лорд-лейтенант** мансабининг таъсис қилинишида ва маҳаллий бирлик - черков приходи (қавми) нинг маъмурий расмийлаштирилишида ўз ифодасини топди. Лорд-лейтенант бевосита қирол томонидан графикка тайинланиб, маҳаллий кўнгилли қўшинларга бошчилик қиласди ҳамда муросага келтирувчи судялар ва конс-тебблар фаолиятига раҳбарлик қиласди.

Приход (бирор бутхонага қатновчи диндорлар, қавм) қуи звенодаги ўзини ўзи бошқарувчи бирлик бўлиб, маҳаллий черков ва ҳудудий бошқарув функцияларини бирлаштириб турарди. Ибодатхона қавмлари солик тўлов-чилар ҳисобланарди. Уларнинг йиғинида солиқларни тақсимлаш, йўллар ва қўприкларни тузатиш каби масалалар ҳал қилинарди. Бундан ташқари, ибодат-хона қавмлари йиғини приходнинг мансабдор шахсларини (черков оқсоқолини, камбағалларни кузатувчини ва бошқаларни) сайларди. Приходда чер-ков ишларини юритиш бош руҳоний томонидан амалга ошириларди. Унинг бутун фаолияти муросага келтирувчи судялар назорати остига қўйилган еди, улар орқали еса, графикларнинг бошқарув органлари ва марказий органлари назорати остига олинганди. Муросага келтирувчи судяларнинг чорак сес-сиялари приходни бошқариш ишларига тааллуқли барча масалалар бўйича олий инстансияга айлантирилганди. Бу вақтга келиб, ҳали илгариги даврдан сақланиб қолган графиклар мажлислари батамом ўз аҳамиятини йўқотди.

Абсолутизм даврида марказий Вестминистрлик судларининг, шу жумладан, Ҳақиқат суди ва Адмиралтейство⁶¹ олий судининг тузилиши ва юрис-диксияси батамом расмийлашади. Бироқ, улар билан бир қаторда Юлдуз палатаси ва "исёнчи" графикларда суд кенгашлари каби фавқулодда судлар ташкил етилди. **Юлдуз палатаси** Яширин кенгашнинг маҳсус бўлинмаси сифатида қирол ҳокимиятининг душманларига қарши (дастлаб - бўйсун-маган феодалларга қарши) курашиш қуроли бўлган. Унда суд ишларини юритиш асосан инквизитсия⁶² характеристига ега бўлган, қарорлар еса судяларнинг хоҳиши бўйича чиқарилган. Оқибатда Юлдуз палатаси сензорнинг ва қасамхўрлар томонидан вердиктлар чиқарилишининг

⁶¹ Angliyada va Chor Rossiyada harbiy flot boshqarmasi.

⁶² Inkvizitsiya sudi – shafqatsiz, zolimlarcha, vahshiylarcha, yovuz, qiyash, azoblashga asoslangan sud.

тўғрилиги устидан назорат қилувчи орган функцияларини бажарадиган бўлиб қолган. Яширин кенгашга бўйсунувчи суд кенгашлари Англияниң "ижтимоий тинчлик" тез-тез бузиладиган туманлари (Уелс, Шотландия)да тузилди.

Абсолутизм даврида муросага келтирувчи судяларнинг суд ваколатлари кенгаяди. Барча жиноий ишлар улар бўйича катта жюрининг айлов ҳужжати тасдиқлагандан кейин сайёр ва муросага келтирувчи судялар томонидан қўрилиши буюрилган. Қасамхўр маслаҳатчилар суд таркибиغا киритилади. Қасамхўрлар учун мулк сензи Елизавета И нинг қонуни билан 40 шиллингдан 4 фунт стерлинггача оширилади.

Армия ташкил етишнинг асосий тамойиллари унча ўзгармади. Абсолут монархия ўрнатилиши даврида Генрих ВІІ (1485-1509 йиллар) ески аристокра-тияниң ҳарбий қудратини батамом синдириш мақсадида феодалларнинг ўз оғитсерларига ега бўлишини тақиқловчи қонун чиқарган ва артиллерия қу-ролларидан фойдаланишда тож-тахтнинг монопол ҳуқуқини ўрнатган.

Йирик феодаллар қуролли кучларининг йўқ қилиниши армияда доимий қироллик қўшинининг ташкил етилишига олиб келмади. Қалъаларнинг соқчилари ва қироллик гвардияси кам сонли бўлиб қолаверди. Куруқликдаги армия милитсия отрядлари қўринишидаги кўнгиллилар қўшинига асосланишда да-вом етди. Англия давлати оролда жойлашганлиги сабабли ўз ҳудудини ҳимоя қилиш учун кучли дengiz флотига муҳтож еди. Ҳарбий флот Англия-нинг қуролли кучлари асоси, дengизларда хукмронлик қилиш ва бошқа ҳудудларни мустамлакага айлантириш қуроли бўлиб қолди.

Британ оролларининг ноинглиз ҳудудлари шиддат билан мустамлакаларга айлантирилиши натижасида инглиз бошқарув тизими аста-секин бутун Британия-га ёйилади. 1536-1542 йилларда Уелс батамом инглиз давлати таркибиغا қўшиб олинади. 1603 йилда Ирландияниң шимоли-шарқий провинсияси – Олстер инглиз қироллиги ҳокимияти остига ўтди. 1603 йилдан бошлаб Англияниң Шотландия билан шахсий униясида тахтнинг сулолавий мерос бўлиб ўтиши натижасида Шотландия ҳам ягона инглиз қироли ҳокимияти қўли остига ўтади. Лекин амалда бу бирлашув номигагина бўлиб, Шотландия ўзининг мустақил давлат сифатидаги мавқеини сақлаб қолади.

6. Хуқуқнинг асосий белгилари

Ниқуқ манбалари

Англия феодал ҳукуки ўзининг мурак-қаблиги, чалкашлиги, устамонлик билан қилин-ганлиги (казуистиклиги) билан ажралиб турарди. Бу ушбу ҳукуқнинг рим ҳу-қуқи, рим ҳукуқи Ғояларининг таъсирисиз, алоҳида йўллар билан шаклланиши билан бөғлиқ еди.

XV асрдаги норманд истилосига қадар Англиядаги ҳукуқнинг асосий манбалари одатлар ва қироллик қонунлари хисобланган. Инглиз-сакслар давлати-да ҳукуқнинг асосий манбаи сифатида **одат ҳукуқи ва унинг тўпламлари** - Етелберт судномаси, Ине қонунлари, Буюк Алфред судномаси, Етелстан ва Кнут қонунлари етакчи рол ўйнарди. Булардан ташқари Хлотар (673-685 йиллар) ва Едрик (685-686 йиллар), Едуард Катта (899-925 йиллар), Едмунд (939-946 йиллар), Едгар (959-975 йиллар), Етелред II (979-1014 йиллар) ва бошқаларнинг қонунлари ҳам инглиз-сакслар давлатида ҳукуқнинг муҳим манбалари бўлган еди.

601-604 йилларда Кентда еълон қилинган ва 90 та моддадан иборат **Етелберт судномасида**⁶³ тинчлик, босқинчиликка қарши курашиш, одам ўлдириш, номусга тегиши жиноятлари учун жавобгарликлар, никоҳ-оила ҳукуқи, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, ворислик ҳукуқи ва ҳоказолар тўғрисида меъёрлар белгиланган. Суднома тузилган вақтда инглиз-сакслар давлатида черковнинг роли дунёвий ҳокимиятга қараганда анча кучли еди. "Агар, - дейилади судноманинг 2-моддасида, - озод киши қиролнинг мулкини ўғирласа, ўғирланган мулк қийматининг 9 баравар миқдорида жарима тўласин". Черков мулки еса худо мулки деб аталиб, уни ўғирлаганлик учун мулк қийматининг 12 баравар, епископники учун - 11, рухонийники учун - 9, дякники учун - 6 ва клеркники учун - 3 баравар миқдорда жарима назарда тутилган.

Қирол Ине даврида Уессекс Фарбий саксларининг 688-695 йиллардаги одат ҳукуқи ёзилиб, тўплам ҳолига келтирилган ва **Ине қонунлари**⁶⁴ деган ном ол-ганди. Бу қонунлар қуллар ва дехқонларнинг қаршилигини бостириш ҳамда мулкдор синфларнинг ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган еди. Ине қонун-ларида жиноят ҳукуқи ва фуқаролик ҳукуқига оид жуда кўп меъёрлар мавжуд. Таниқли ўзбек олими З.Муқимов ҳақли равишда таъкидлаганидек: "Етелберт ҳамда Ине правдалари ўзининг тузилиши, деярли кўп ҳолда жиноятларга

⁶³ **Qarang:** Хрестоматия по Всеобщей истории государства и права. Т.1. / Под ред. К.И. Батыра и Е.В. Поликарповой.-М.:Юристъ, 1999. 325-328-betlar.

⁶⁴ **O'sha joyda**, 334-344-betlar.

бир хил жазо берилиши, вергелд (одам баҳоси) тарзида белгиланадиган жарималарни белгилаш билан франкларнинг Сали правдасига жуда ўхшаб кетади"⁶⁵. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, юқорида ёдга олинган барча ҳуқуқий ёдгорлик-ларда айни бир хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун турлича жазолар ва турли миқдордаги жарималар назарда тутилганди. Бу, албатта, ўша қонунларнинг қабул қилиниши вақтидаги ижтимоий-сиёсий шартшароитлар билан бөлгүлөнгөн.

Буюк Алфред судномаси⁶⁶ IX асрнинг 90-йилларида ўзигача бўлган одат ҳуқуқлари тўпламларининг тизимлаштирилиши натижасида вужудга келган бўлиб, кириш қисми 49 та моддадан, асосий қисми 77 та моддадан иборат. Қирол Алфред ўз судномасини яратар екан, шуларни кўрсатадики, у "ўзига ёққан" кўпгина илгариги қонунларни, Ине, Етелберт қонунларини ўзлаштирган, лекин "денишмандлар" маслаҳати бўйича улардан кўпларини тушириб ҳам қолдирган. Судноманинг 1-моддасида қирол шундай дейди: "Биз ҳаммадан аввал ўргатамизки, ҳар ким ўз қасамини ва қонуний равишда берган ваъдасини аввало оқибатини ўйлаб адо етиши лозим"⁶⁷. Шунинг ўзиёқ мазкур суднома ҳуқуқнинг ёзиб қўйилаётганлигига ишора қилиб турибди.

Инглиз-сакслар ҳуқуқининг илк тўпламлари бошқа халқларнинг ҳуқуки таъсиридан мутлақо халос бўлган бўлсалар, Буюк Алфред судномасидан бошлаб уларга данияликлар томонидан олиб келинган скандинав ҳуқуқининг таъсирини кўриш мумкин. Буюк Алфред судномаси ҳам илгариги қонуннома-ларга ўхшаб кўпроқ жиноий ҳуқуқий характердаги меъёрларни белгилаган.

925-939 йилларда қирол **Етелстан қонунлари** вужудга келиб, улар асосан қуйидаги б та туркумдаги қонунлардан иборат еди:

1. Қиролнинг ўнликлар ҳақидаги қарорлари.
2. Зодагонлар йиғилишида қабул қилинган қонунлар.
3. Қирол тинчлигини сақлаш тўғрисидаги декрет.
4. Тинчликни сақлаш ҳақида епископлар ва Кентнинг бошқа денишманд кишиларининг қарорлари.
5. Англия денишмандларининг маслаҳати билан қабул қилинган декретлар.

⁶⁵ Muqimov Z. Chet mamlakatlar davlat va huquqi tarixi. (Qadimgi va o`rta asrlar davlati va huquqi tarixi). – Samarqand, 1992. – 84-85-betlar.

⁶⁶ Хрестоматия по Всеобщей истории государства и права. Т.1./ Под ред. К.И. Батыра и Е.В. Поликарповой.- М.:Юристъ, 344-351-betlar.

⁶⁷ O'sha joyda, 345-bet.

6. Лондон шаҳар судномаси.

Кнут қонунлари 1017 йил атрофида Англияning Дания қироли Кнут томонидан босиб олиниши натижасида вужудга келган. Кнут (1016-1035 йил-лар) ўз қонунларига Англия қонунлари билан тенг ҳуқуқ берди. У қонун-сизликка қарши қаттиқ кураш олиб борди ва мамлакатда жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилди.

Вилгелм Фотих (Истилочи)дан бошлиб дастлабки норманд қиролларининг сиёсати "инглиз-саксларнинг ески ва асл одатлари"га риоя етишга қаратилган. Бу вақтда, шу тариқа, енди инглиз ҳуқуқи турғунлигининг тарихий мерос бўлиб ўтишлиги бошланган, унинг меъёрларига риоя қилишнинг асосий кафиллик роли кучли қирол ҳокимиятига, шаклланиб бораётган умумдавлат қироллик судларига ўтганди.

Генрих II даврида (XII асрда) қироллик сайёр судларининг доимий ра-вишдаги фаолияти билан мамлакат "**умумий ҳуқуқи**" (**Соммон лав**)нинг ташкил топиши боғлиқ еди. Илк феодал монархияси даврида Англия қироллари жуда кўплаб ассизалар, конститусиялар чиқарган бўлсалар ҳам, лекин ян-ги ҳуқуқий қоидаларни яратишда енг катта ролни сайёр судялар ўйнаган. Сайёр судялар норманд ва инглиз-сакслар одат ҳуқуқларидан бутун Англия учун ягона умумий ҳуқуқни яратдилар. Умумий ҳуқуқ **суд претседенти ҳуқуқи** ҳам дейилади, чунки у қонунчиликдаги камчилик натижасида вужудга келган суд қарорлари сифатида ҳам ташкил топди.

Судлар қонунчиликда етарли равишда тартибга солинмаган низоли казусларни ечишларида уларни ўзларининг хусусий қарор ва қоидаларидан келиб чиқиб ҳал етишлари мумкин еди. Бундай ҳолда судя барча ҳолларда ҳаракатдаги ҳуқуқ нормасини қўллайди, деган презумпсиядан фойдаланилган. Шундай қилиб, улар томонидан ўрнатилган тамойил суд одатига айла-ниб, барча судялар учун бажарилиши мажбурий бўлиб, факат юқори суд органлари томонидангина бекор қилиниши мумкин еди. Бу ҳодиса Англия феодал ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Қироллик сайёр судлари аввало "тож-тахт даъволашувлари" ни, яъни хазинага даромад бўлиши нуқтаи назаридан манфаатларни ифодаловчи иш-ларни: монархнинг феодал ҳуқуқлари, хазина топилмалари, шубҳали ўлимлар ва қироллик тинчлигининг бузилиши, қирол мансабдор шахсларининг суПстеъ-молликлари тўғрисидаги ишларни кўриб, ҳал қиласди.

Бундан ташқари, улар томонидан қиролга келиб тушган шикоятлар бўйича "умумий тортишувлар" ёки "халқ тортишувлари" ҳам қўриб, ҳал қилинган. Дастребаки қироллик судларидан бири ҳам айнан 1180 йилда ташкил етилган "умумий тортишувли" суд бўлган. ХІІІ аср бошида қиролга тушган шикоятлар бўйича ишларни ҳал етиш функциялари "Қирол курсиси суди"га ўтади.

Сайёр судлар маҳаллий одат хукуки меъёrlарини бирхиллаштира бош-лаганлар ва қироллик девонхонаси ёрдамида "умумий хукуқ" яратса бор-ганлар. Қироллик девонхонаси одатда жабрланувчи томонларнинг аризалари бўйича маҳсус **буйруқлар** (**врит**) чиқаради. Бундай аризаларда бирор кимсани ранжитган одамга ёки шерифга талаб қўйилиб, уни бажариш ва шикоятчининг бузилган хукуқини тиклаш ҳақидаги даъволар ўз аксини топар еди. Бундай аризалар бўйича дастлаб қироллик девонхонаси маҳсус буйруқлар чиқарган бўлса, кейинчалик **маҳсус суд буйруқлари** чиқарила бошланади. Суд буйруқларида бевосита бирор кимсани хафа қилган одамга мурожаат қилиниб, "Вестминстрда бизнинг олдимиизда ёки судяларимиз олди-да" ҳозир бўлиб, шикоятга жавоб бериш, яъни бошқа шахснинг ҳукуқлари бузилганлигини рад етиш ёки тан олиш ҳақида талаб қўйилар еди.

Вақт ўтиши билан буйруқларда талаб, даъво тури аниқ ифода қилинадиган бўлган, буйруқлар маълум турдаги ҳукуқбузарликлар бўйича гурухлаш-тирила бошланди. Даъвогарнинг, шу тариқа, агар унинг бузилган ҳукуқи тегишли буйруқда ифода етилган ва судда исботланадиган бўлса, ишда ютишига ишончи комил еди.

Бунга аввало ер ҳақидаги фуқаролик даъволарини ягона усулда қў-ришни ўрнатувчи Генрих II нинг **ассизалари** ёрдам берди. Ушбу ассизалар ичида ерга ҳукуқий унвон ўрнатиш ҳақидаги даъвонинг маҳсус шаклини назарда тутувчи "Буюк ассиза", шунингдек, егалик билан боғлиқ бўлган қатор ассизалар: "Ўтмишдошининг ўлими ҳақида"ги (еркин егаликдаги ерларнинг меросхўрларга ўтказилиши ҳақидаги), "Янги истило ҳақида"ги ("янги истилолар" йўли билан қиролнинг домен ер егалигининг черков рухо-нийси ўрнига ўз номзодини қўйиш ҳукуқи ҳақидаги) ассизалар анча машҳур еди. Иккита йирик ассизалар - 1166 йилги Кларендон ва 1176 йилги Нортгемптон ассизалари сайёр судяларга йўриқномалар шаклида чиқарилган еди.

«Умумий ҳукуқ» шаклланишининг ilk босқичида қироллик буйруқлари ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича чиқарилиб турганлиги

сабабли ХІІІ асрнинг бошига келганда уларнинг сони шунчалик кўпайиб кетган едики, уларни тартибга солиш жуда қийин бўлиб қолганди. Шу муносабат билан ХІІ асрда "умумий ҳуқуқ" бўйича ўзига хос маълумотномалар - **буйруқлар рўйхатлари (реестрлари)** чиқарила бошланади. Бундай реестрларда буйруқлар даъволар намуналари кўринишида, қатъий юридик шаклда ёзиб қўйила-диган бўлди.

Томонлар шу вақтдан бошлаб ўз ҳуқуқларини еркин асослай олмай-диган бўлди. Енди улар ушбу даъволар намуналарига таянишлари лозим еди. Бу еса буйруқлар тизимининг ривожланмай бир жойда қотиб қолишига, даъво талабларининг янги шакллари кўпайишини қисқаришига олиб келиши керак еди. Шундай бўлди ҳам. Агар лорд-канслер қироллик девонхонаси-нинг бошлиғи сифатида ўз ташаббуси билан қандайдир буйруқ чиқарса, судялар кўпинча уни қўллашдан воз кечарди. Янги буйруқлар чиқаришнинг чекланиши йирик феодаллар (баронлар)нинг қирол билан кураши кескинлашган даврда, 1258 йилги Оксфорд провизияларида ўз аксини топди.

Қиролга келиб тушадиган ва суд ҳимоясида бўлмаган шикоятлар оқими шунчалик кўпайиб кетган едики, бу инглиз қиролини 1285 йилда Вест-министрлик статути билан лорд-канслерга "буйруқлар реестири"ни сақловчи сифати-да илгариги буйруқларга ўхшаш янги буйруқлар чиқариш йўли билан "умумий ҳуқуқ"нинг ҳаракат доирасини кенгайтириш учун фармойиш беришга мажбур етди. "Буйруқлар реестири" шундан кейин "мазкур ҳолатга мувофиқ равишда"ги универсал даъво билан тўлдирилди. Бироқ, ушбу вақтинчалик чоралар ёрдами билан ҳамма ҳаётий вазиятларни назарда тутиш мумкин емас еди. "Умумий ҳуқуқ" ривожланмай қолишда давом етди. XV асрдан канслер енди буйруқ формуласини тузмай қўйди. У даъвогар томони-дан мустақил ёзилиб, факат қиролга муҳр қўйдириш учун тақдим қилинар еди.

"Умумий ҳуқуқ" меъёрлари шаклланишининг бошқа йўли қироллик судлари амалиётининг ўзи бўлган. Суд ишлари бўйича ёзувлар дастлаб қисқа, кейинчалик томонларнинг батафсил аризалари ва суд қарорлари асослари шаклида сайёр судлар институтининг келиб чиқиши пайтидан бошлаб юритилди. ХІІІ аср бошидан суд протоколлари "Даъволашувлар номалари"да ёълон қилина бошлайди. Улардаги материаллар, даъвони қондириш асослари у ёки бу одатларнинг мумкинлигини тасдиқлайди. Бироқ, ёзувларнинг

тартибсиз ва чалкашлиги судяларнинг ўзларига керакли маълумотларни излаб топиш имкониятларини жуда қийинлаштиради. ХИИ асрнинг ўртасидан судялар анча муҳим суд ишлари юзасидан бундай маълумотларни расмий ҳисоботлар - "Йиллик тўпламлар"дан "ковлаб" ола бошлайдилар. 1535 йилда уларнинг ўр-нига хусусий тузувчиларнинг тизимлаштирилган суд ҳисоботлари келган.

Суд ишлари материалларининг еълон қилиниши билан бирга суд **претседенти** назарияси ҳам шаклланди. Қироллик судларининг ҳуқуқий масала бўйича илгариги қарорларида мустаҳкамланган раҳбарий тамойил келажакда шунга ўхшаш масалаларни кўришда аста-секин намуна кучига ега бўла бошлади.

ХИВ асрда Англияда бозор, хусусий мулкчилик муносабатлари гуркираб ривожланди, лекин улар "умумий ҳуқуқ" меъёрларида ўзининг айнан бир хил ифодасини топмади. Бунга қатъий расмиятчиликлар халақит қиласди.

Нормандлар истилоси Англияни қитъанинг маънавий ҳаётига яқинлаштириди. Шундан сўнг Болоняда Ирнерий Юстиниан Дигесталари бўйича маърузалар ўқий бошлади, сўнгра esa Гратсион ўзининг каноник ҳуқуқ-нинг асоси бўлиб қолган "декретлар" ини яратди. Оксфордда Рим ва каноник ҳуқуқи курслари ўқитила бошланди, монастирлар қошида каноник ҳуқуқ мактаблари ташкил этилди.

Дастлабки инглиз судялари, ўша клириклар ва чиновникларга рим ҳуқуқий маданиятининг чўққиларини егаллаши учун йўл очиқ еди. Бироқ, ХИИ асрнинг охиридан Едуард И даврида улар профессионаллардан тайинланадиган бўлди. Худди ўша вақтда судяларнинг тегишлича қўрғонлари билан (Иннъс оф Соурт) ёпик корпоратсиялари ташкил топди. Бу ерда бўлажак судялар ва ҳуқуқ ҳимоячилари (баристерлар ва солисторлар) тайёрланди. Улар инглизлар тинчлигини қўриқлашни ўз қўлларида монопо-лияга айлантириб, аввало ўзларининг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиб, "умумий ҳуқуқ"ни ашаддий мадҳ етиб, унинг Рим ҳуқуқи олдида тенги йўқ имтиёзини исботлашга ҳаракат қилиб майдонга чиқдилар. Бунда шуни тасдиқлайдиларки, улар ҳуқуқ яратишмайди, балки фақат унинг абадий яшайдиган нормаларини очишади. Шунга қарамай, "умумий ҳуқуқ" нинг ўзига хос мустақил тизими ХИВ асрда Англияда аллақачон мустаҳ-кам мавқени егаллаган еди.

"Умумий ҳуқуқ"нинг расмиятчилиги, қимматлилиги, жуда секинлиги, қатъий бир шаклдан бошқа шаклга ўтишга қодир

емаслиги натижасида ўзгариб бораётган тарихий шароитлар муносабати билан Англияда ХИВ асрда "адолат суди" пайдо бўла бошлади ва шу билан бирга яна бир ҳуқуқий тизим - «адолат ҳуқуқи» (егуит) шаклланиб боради.

"Адолат суди"нинг вужудга келиши лорд-канслер - "қироллик диёнатини тарқатувчи" фаолияти билан боғлиқ еди. Лорд-канслер дастлаб қирол номи-дан, 1474 йилдан еса ўз номидан "ёмон судловлилик" устидан шикоят қилган даъвогарларни ҳимоя қила бошлайди. Бундай ҳолда даъвогарлар кўпинча ўз шикоятларида уларни хафа қилганлар таъкиб қилинмаганлигини, ўзларини "умумий ҳуқуқ" судларида ҳимоя қилинмаганликларини кўрсатар едилар.

Жабрланувчиларнинг қиролга "худо ҳақи ва шафқат" билан ўз ҳуқуқ-ларининг ҳимоя қилинишини сўраб илтимос билан қилган мурожаатлари асосида лорд-канслер озор етказган кишини жарима билан қўрқитиб, канслер судига чақириш ҳақида буйруқлар чиқара бошлайди. Бундай судда шикоятлар ҳеч қандай расмий тартибларсиз ҳал қилинарди, қарор чиқариларди, бу қарорлар- ни бажармаганлар судга ҳурматсизлик қилди деб ҳисобланиб, маҳсус буйруқ асосида турмага қамаларди. ХИВ асрнинг бошида Едуард И даврида лорд-канслер ҳузуридаги аппарат "умумий ҳуқуқ" меъёрларига боғлиқ бўлма-ган ҳамда "адолат" меъёрларини раҳбар қилиб олган суд органига айланарди.

"Адолат ҳуқуқи" кўп масалаларни ҳал қилишни судяларнинг ихтиёрида қолдириб, қатъий детерменизм¹⁶⁸ хусусиятига ега бўлмади. Бу ҳақиқатнинг "воситаларини" тегишлича чеклашга, қатор тамойилларини яратишга олиб келиши лозим еди. Бундай тамойиллар "адолат судлари" қарорларининг тўпла-ниш даражасига қараб ташкил этила борди. Кўрилган ишлар бўйича суд ҳисботлари кейинроқ, 1557 йилдан, ҳақиқат судларидағи ишларнинг сони бирданига ошгандан кейин еълон қилина бошлайди.

"Адолат ҳуқуқи" асосий тамойилларининг бир қисми "умумий ҳуқуқ" дан ўзлаштириб олинган еди. Бу тамойиллар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Улардан асосийси шундан иборатки, "адолат ҳуқуқи" - "қиролнинг марҳамати", жабрланувчининг азалдан қолган ҳуқуқи емас. "Адолат ҳуқуқи"га ҳуқуқлар бузилишининг барча ҳолларида даъво қилиш мумкин емас, негаки у дискретсион характерга ега, яъни суднинг ихтиёрига боғлиқ.

¹⁶⁸ Determenizm – tabiat va jamiyatdagi barcha hodisalarining umumiy obyektiv qonuniyatlarini borligini va ular bir-biriga bog`liq bo`lib, bir-birini taqozo qilishini, biri ikkinchisining sababi ekanligini e'tirof etuvchi nazariya.

"Адолат ҳуқуқи"нинг бошқа тамойиллари орасидан қуидагиларни ажра-тиб кўрсатиш мумкин: а) "адолат ҳуқуқи" "умумий ҳуқуқса" асосланган шахсларнинг ҳуқуқларига, агар улар қандайдир Файриқонуний ҳаракатлар содир етмасалар, зид берилиши мумкин емас; б) қаерда адолат ҳуқуқи" билан "умумий ҳуқук" меъёрлари ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқса, "умумий ҳуқук" меъёрлари ҳаракатда бўлади; в) қаерда "адолат ҳуқуқи" ва "умумий ҳуқук" бўйича ҳуқуқларда қарама-қаршиликлар келиб чиқса, улардан қайси бири вақт нуқтаи назаридан олдин вужудга келган бўлса, ўша ҳуқуқлар ҳимоя қилиниши керак; г) тенглик - бу адолат, адолатни ким изласа, унинг ўзи ҳаққоният юзасидан иш тутиши лозим; д) "адолат ҳуқуқи" қонун устунлигини тан олади, лекин ёмон ниятларга еришиш мақсадларида қонунга ҳавола қилишга йўл қўймайди ва ҳоказо.

«Адолат ҳуқуқи» «умумий ҳуқук»ни алмаштириш учун емас, балки ески расмий қоидалардан воз кечиши йўли билан унинг самардорлигини оши-риш, "умумий ҳуқук" меъёрлари билан тартибга солинмаган ижтимоий муно-сабатлар доирасида бузилган ҳуқук ва манфаатларни ҳимоя қилиш воситала-рини яратиш учун ташкил етилади. Агар дастлабки "адолат ҳуқуқи" "умумий ҳуқук"ни тўлдирган бўлса, бироқ вақт ўтгани сари тарихий шароитлар ўзгариши муносабати билан унга тўҒридан-тўҒри зид кела бошлайди.

"Адолат судлари" билан "умумий ҳуқук" судлари ўртасидаги тўқна-шув 1616 йилда бошланди. Шу йили Вестминстрдаги "Умумий тортишувли суд"нинг бош судяси Е. Кок "адолат суди" "умумий ҳуқук" судининг тегишлича қароридан кейин ёки унинг ўрнига қарор чиқариши мумкинми, деган саволни ўртага ташлайди. Ҳаммадан аввал "умумий ҳуқук" судларининг баъзи қарорларининг бажарилишини тақиқловчи канслер судининг буйруқлари кескин низоли вазиятни келтириб чиқарди.

Яков И бу низони "адолат суди"нинг фойдасига ҳал қилган. Чунки унинг судялари абсолют ва чекланмаган монарх ҳокимиятини ёқлаб чиқкан еди. Қирол томонидан фармон чиқарилиб, унга кўра, "умумий ҳуқук" ва "адолат ҳуқуқи" меъёрлари бир-бирига зид келиб қолса, кейингилари имтиёзли аҳамиятга ега еди.

Претседент ҳуқуқи ривожланишининг маҳсус характеристи инглиз ҳу-қуқшуносарининг асарларига ҳам мурожаат қилишни талаб қиласди. Инглиз ҳу-қуқшуносарининг асарлари жуда барвақт инглиз

хуқуқининг икки мураккаб (чалкаш-чулкаш) тизимида йўриқномалар ролини бажара бошлайди.

Англияда биринчи хуқуқий трактат⁶⁹ XII асрдаёқ пайдо бўлган. У Генрих II даврида унинг юститсиари Гленвилл Ранулф томонидан ёзилган. Бу "Англия қонунлари ва одатлари ҳақида"ги трактат қироллик судлари буйруқларига шарҳлар берган, ўзида умумий, каноник ва рим хуқуқи меъёрларини сақлаган. Гарчанд, трактатда рим хуқуқи меъёрларига мос тушадиган меъёрларни топиб бўлмаса ҳам, аммо рим хуқуқи руҳига яқин кўпгина қоидалар мавжуд.

XII асрда "Қирол курсиси суди"нинг судяси Генри Брактон "умумий хуқуқ" меъёрларини янада батафсилроқ баён қилди. Брактоннинг 6 томдан иборат "Англия қонунлари ва одатлари ҳақида"ги трактати, шунингдек, қирол судларининг 2000 дан ортиқ намунавий суд протоколларидан иборат "Генри Брактоннинг ён дафтарчаси" "умумий хуқуқ" меъёрларини тизимга со-лишга ва шарҳларга қаратилган муҳим хуқуқий манбадир. Бунда Брактоннинг Юстиниан Дигесталарининг 500 дан кам бўлмаган парчаларидан улар-га ҳавола қилмай фойдаланганлиги диққатга лойик. "Ҳамма жойда ва ҳам-ма мамлакатларда ёзма қонунлар қўлланилгани ҳолда, - деб ёзади Г.Брактон, - фақат Англиядагина ёзилмаган қонунлар ва одатлар амалда-дир". Г.Брактоннинг одат хуқуқига берган таърифи айниқса диққатга сазо-вордир. Унда: "Одат бу айrim жойларда, узоқ жойларда, узоқ муддат фойда-ланиб келинганлиги натижасида қарор топган ва қонун сифатида ижро етиладиган нарсадир"⁷⁰, дейилади.

XV асрдан олимларнинг муҳим ва мураккаб хуқуқий масалалар бўйича трактatlari пайдо бўла бошлади. Булардан Литтлтоннинг "Ер егаликлари ҳақида"ги асари, шунингдек, Фортесконинг "Инглиз қонунларининг мақтовлари" трактати алоҳида ўрин тутади. Инглиз хуқуқшуносларининг диққат-еътиборига тез-тез статут хуқуқи меъёрлари ҳам туша бошлайди.

XVII асрнинг бошида машҳур хуқуқшунос Е.Кок томонидан тўрт-та китобдан иборат "Англия қонунлари институтсиялари" тузилган. Биринчи ки-тоб Литтлтон трактатига шарҳларни ўз ичига олган. Иккинчи китоб анча му-ҳим аҳамиятга ега бўлган статутларни баён қилган. Учинчи китоб жино-ят хуқуқи меъёрларига, тўртинчиси - суд тузилиши ва суд ишларини юри-тишга бағишланган. Инглиз судлари амалиётида аста-секин анча таниқли хуқуқшунослар

⁶⁹ Traktat – ayrim masalaga bag’ishlangan ilmiy asar, boshqacha ma’nosi – xalqaro bitim, shartoma.

⁷⁰ Хрестоматия памятников феодального государства и права.-М.:Госюриздан, 1961. 144-бет.

асарларига ҳавола қилиш одати ўрнатилган ва шу тариқа уларнинг асарлари инглиз хукуқининг ўзига хос манбай характерига ега еди.

Англияда претседент ҳукуқининг ривожланишида барча даврларда қирол қонунлари, статут ҳуқуқи муҳим аҳамиятга ега еди.

Норманд истилосидан кейинги вақтларда қиролларнинг қонун ижодкорлиги Вилгелм Фотихдан бошланади. Унинг биринчи қонунлари қирол ҳокимияти-нинг христиан черкови билан муносабатларига тааллуқли бўлган. 1067 йилда Вилгелм қонун (декрет) чиқариб, унда Нормандия ва Англияда черков рим папасини тан олиши лозимлиги ёки лозим емаслиги масаласини фақат қирол ҳал қилишга ҳақли еканлиги, қиролнинг ўзи у томонидан ташкил этилган черков синоди орқали черков қонунларини чиқариш, шунингдек, черков ба-ронлари ва хизматчиларига берилган черков жазоларини бекор қилиш ҳуқуқи-га ега еканлиги еълон қилинган. 1072 йилда еса Вилгелм папа томонидан унинг инглиз таҳтига нисбатан ҳуқуқлари тан олинишига миннатдорчилик рамзи сифатида черков судларининг дунёвий судлардан ажратилганлиги ҳақида қонун қабул қилган. Буларнинг кетидан одамларни мамлакат ташқарисига сотишини таъқиқлаш ҳақида, нормандни "хуфиёна ўлдирилганлик" учун "унинг инглиз еканлигини исботловчи ишонарли далиллар тақдим қилинмагун-ча" юзликка жарима солиниши ҳақида қонунлар еълон қилинди. 1114 йилда қироллик қонунларининг қадимги тўпламларидан бири пайдо бўлди.

Қиролларнинг қонунлари ассизалар, хартиялар, аммо қўпроқ ордонанслар, статутлар деб аталган. Генрих И нинг (ХII аср), Едуард И нинг (ХIII аср) қонунлари маълум даражада "умумий ҳуқуқ"нинг шакли ва мазмунини белгилаган, унинг асосий қоидалари ва тамойилларини ишлаб чиқсан.

Парламентнинг вужудга келишига қадар, аникроғи, Едуард И подшолигигача қироллик ордонанслари ва статутлари ўртасида фарқлар йўқ еди. 1235 йилги Мертон статути парламент ташкил этилгунга қадар пайдо бўлган. Едуард И нинг 1275, 1285, 1290 йиллардаги Вестминстрлик статутлари "умумий ҳуқуқ"даги кемтикларни бартараф этишга, судлар устидан қирол ҳокимиятининг назоратини кучайтиришга, феодалларнинг иммунитет ҳуқуқларини ва

черков ер егалигини чеклаш ва бошқаларга қаратилган бўлиб, парламент иштирокида қабул қилинган еди⁷¹.

Аста-секин статутнинг номи парламент томонидан қабул қилинган ва қирол томонидан имзоланадиган ҳужжатга нисбатан ишлатиладиган бўлган. Статутлар - парламент ҳужжатлари Англияning ўрта асрлардаги бошқа ҳуқуқ манбаларидан уларнинг қонунчилиги шарҳланиши мумкинлиги, аммо суд тартибида муҳокама қилиниши мумкин емаслигига қараб ажралиб турарди.

Ҳозирги кундаги парламент ҳужжатига анча яқинроқ бўлган статут тушунчasi фақат 1327 йилда, жамоалар "умумий петитсиялар"ни маълум қилинишини ва "қиролдан жавоб олишни ва унинг ёзма маслаҳатларини қиролликнинг катта муҳри билан берилиши"ни сўраб қиролга илтимос билан мурожаат қилган вақтда пайдо бўлган. Шу вақтдан бошлаб баъзи қонун ҳужжатлари "Кенгаш розилиги билан", бошқалари "парламент розилиги билан" қирол томонидан қабул қилинарди. Парламент қиролнинг "Кенгашда фармон-лар" чиқариш ҳуқуқини тасдиқлаб, бундан буён фақат статут илгари қабул қилинган статутнинг мазмунини ўзгартириши мумкинлигини ўрнатди.

Абсолутизм даврида қирол фармонларининг енг муҳим давлат маса-лаларига кириб кела бошлиши, парламентнинг тез-тез қиролга фармонлар чиқариш ваколатини бериб туриши муносабати билан парламент статутларининг мазмuni анча ўзгарди. Бундай тажриба 1539 йилги статут билан мустаҳ-камланган. Унда парламент йиғилмаган вақтда, "агар шароит тақазоси билан тезкор ҳаракат қилиш зарурияти келиб чиқса, қиролга прокламатсиялар, фармонлар чиқаришда кенг ҳуқуқлар тақдим етилган еди.

Англияning ўрта асрлардаги ҳуқуқ манбалари ичida **савдо ва кано-ник ҳуқуки** меъёрлари алоҳида ўрин тутади. "Умумий ҳуқуқ"нинг бозор муносабатлари ривожланишига ёрдам бермайдиган консерватив расмият-чилиги инглиз ҳуқуқи томонидан савдо ва каноник ҳуқуқнинг қатор меъёрлари тўғридан-тўғри ўзлаштириб олинишига сабаб бўлган. Кўп сонли савдо расм-русумларининг пайдо бўлиши инглиз савдо судларининг фаолияти билан ҳам боғлиқ еди. Уларнинг ҳуқуқий кучи кўпинча қироллик статутлари билан мустаҳкамланган.

⁷¹ Statutlar deb dastlab ular qabul qilingan joylarning nomi bilan atalgan (1235 yilgi Merton statuti, 1276 yilgi Gloster statuti va hokazo), lekin parlamentning Vestministrda doimiy majlislar o'tkazib turishi munosabati bilan ular qonun matnining dastlabki ikkita so'zi bo'yicha atala boshlagan.

Гап шундаки, Англияning ХИИ аср охирида муҳим халқаро савдо марказлари бўлиб қолган порт шаҳарларида жун, мовут, металлар савдоси бўйича улгуржи ярмаркалар билан бир қаторда, маҳсус судларнинг (соорт оғ тҳе стапле) бутун бир тармоғи ҳам ривожланган. ХИВ асрда улгуржи савдо бўйича судлар ендиликда 614 инглиз шаҳарларида ҳаракат қилмоқда еди. Инглиз қироллари хазинага катта даромадлар келтирувчи халқаро савдонинг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқиб, савдогарларнинг фаолиятини (1215 йилги Еркинликларнинг буюк хартияси 41-моддаси) ҳам, савдо судларининг фаолиятини ҳам рағбатлантирган. Масалан, 1353 йилда улгуржи савдо ва шаҳарларнинг савдо судлари ҳақида маҳсус статут қабул қилинган.

Бунга кўра, шаҳардаги савдо судлари маҳаллий ва денгиз савдогарлари томонидан инглиз шаҳарлари мерлари раислигида ташкил етилиши лозим еди. Бундай судларнинг қарорлари устидан қирол судига ёки канслер судига апеллятсион шикоят қилиш мумкин еди.

Статут савдо судларини "умумий ҳукуқ" меъёрларига емас, тўғри-дан-тўғри савдо ҳукуқи меъёрларига мурожаат қилдирган⁷². 1471 йилда инглиз парламенти шунингдек ярмаркалар билан боғлиқ бўлган барча шахсларнинг "чанг босган оёқлар"⁷³ судини талаб қилиш ҳукуқига егалиги тўғрисида қарор қабул қилган.

Ўрта асрлар Англиясида черков судлари фаолияти ва шунга мос равишда каноник ҳукуқ меъёрларининг аҳамияти дунёвий ва черков ҳокимиятларининг ўз юрисдиксияларини кенгайтириш учун тинимсиз олиб борган курашларига қараб баъзан ўсиб, баъзан пасайиб турган. «Черков тинчлигининг бирон бир тарзда бузилишида айбланган ҳар кимса,- деб еълон қиласи Вилгелм Фотих қонуни, - епископ тайинлаган жойга етиб келиши ва ўша ерда юзлик талаби бўйича емас, балки канонларнинг ва черков ҳукуқининг талаблари асосида келтирилган зарарни тўлаши лозим».

Черков юрисдиксияси фақат черков мулкчилиги, никоҳ-оила муно-сабатлари, васиятлар билан боғлиқ ишларгагина емас, бидъат, худони, динни таҳқирлаш ва бошқа жиноятларга ҳам тарқатилган. У соғ дунёвий ишларга ҳам кириб кела бошлаган. Масалан, шартномалар бўйича, "ваъдани бузиш" ҳақидаги даъволар бўйича

⁷² Savdo sudlarida savdo huquqining o`tkaziladigan veksel, sug`urta polisi (sug`urta qildirlganlik uchun hujjat), yuqlarni garovga qo`yib ssudalar olish va boshqa muhim institutlari vujudga kelgan.

⁷³ “Chang bosgan oyoqlar” sudi deb Brakton tomonidan umumiy yurisdiksiyaga ega bo`lgan yarmaka sudlariga aytilgan. Bu sudlarda ishlarni ko`rish tartibi juda sodda tashkil etilgan bo`lib, bu ishlarni tezda ko`rib hal qilinishini ta'minlagan.

низолар "ишончни оқламаган" гуноҳ сифатида черков юрисдиксиясига тааллуқли еди. Генрих II черков судлари юрисдиксиясининг кенгайишига қарши қаттиқ кураш олиб борган. Унинг ҳукмронлиги бошларида қироллик судларининг даъволари шакллари рўйхатида енди "черков судлари томонидан мулк ва қарзлар ҳақидаги тортишувларнинг ҳал қилинишини тақиқлаш тўғрисида"ги даъволар учрайди. Едуард И нинг 1283 йилги статутида черков судлари томонидан "ваъдан бузиш ҳақида"ги ишларни кўриш тақиқланган, бундай ишлар "ахлоқ тузатиш" талаб қилмайдиган, жуда муҳим "диний ишлар"га тааллуқли емас, деб ҳисобланган.

Юқоридагиларга қарамай, XVI асрга қадар, аникроғи, Генрих III даврида инглиз черковининг ўрнатилишига қадар, ҳеч ким еътиқод ва ибодатнинг событқадамлиги, ахлоқнинг софлиги, никоҳнинг қонунийлиги, болаларнинг қонуний туғилганлиги ва васиятларининг тузилиши масалаларида папа юрисдиксиясининг қонунийлигини инкор қилмаган. XVI асрда парла-мент ҳужжати билан каноник ҳуқуқ Англияда ўз кучини сақлаб қолганлиги ўрнатилган еди. Фақат Генрих III томонидан "Леттерс оғ бусинесс" номи билан ҳаракатга киритилган Кентерберия ва Ёрк соборларининг каноник ҳуқуқни қайтадан кўриб чиқишига тааллуқли қарорлари ягона қонун бўлган еди. Унга кўра, каноник ҳуқуқ меъёрлари, агар улар қироллик қонунлари ва тахт имтиёзларига мос келса ҳамда "уларга зид бўлмаса ва уларни бузмаса", ҳаракат қилиши мумкин бўлган. Шу билан бирга каноник ҳуқуқ меъёрларини, масалан, қонун ва васият бўйича мерос ҳақидаги меъёрларни шарҳлаш "умумий ҳуқуқ" судларига тегишли еди.

Mulk huquqi Феодал мулк ҳуқуқи, айниқса ерга егалик хуқуқи кўп жиҳатдан мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тизими ҳарактерини белгилаган.

Унинг мураккаблиги қатор тарихий шароитлар билан, жумладан, ўрта асрларда маълум миқдордаги еркин дехқонлар қатламиининг сақланиб қолганлиги билан боғлиқ еди. Еркин дехқонлар ўз чек ерларига ега бўлган, лекин мамлакатда барча ерларнинг егаси қирол ҳисобланган. Қирол давлат ерларини турли йўллар билан тақсимлаб турарди.

Инглиз ҳуқуқида кўчувчи (ҳаракатдаги) ва кўчмас (ҳаракатсиз) мулклар бир-биридан фарқланган, лекин ашёларни анъанавий тарзда реал мулклар (реал пропертӣ) ва персонал мулклар (персонал

пропертій)га бўлиш мавжуд еди. Ашёларнинг бундай тарихан шаклланган бўлиниши реал ва персонал мулкларни ҳимоя қилишга қаратилган даъволарнинг турли шакллари билан боғлиқ еди.

Феодал ер ҳуқуқи ҳаммадан аввал реал даъволар (реал астион), яъни муваффақият қозонганда йўқолган ашё егасига қайтариладиган даъволар билан ҳимоя қилинадиган алоҳида қўриқлашга лойик ер ҳуқуқининг маҳсус турини тан олади. Бу даъволар мутлақий характер касб етган ва ҳар қандай кишига тақдим етилиши мумкин еди.

Реал даъволар билан уруғнинг кўчмас мулклари ва қиролдан ёки бошқа лорддан олинган феодал егаликлар ва еркин ер егалиги характеридаги ерларга нисбатан ҳуқуқлар ҳимоя қилинган. Уларга феодал титулга бўлган ҳуқуқлар ҳам кирган, бошқа барча ашёлар персонал даъволар билан ҳимоя қилинган. Персонал даъволар йўли билан етказилган заарни ундириш талаб қилиниши мумкин еди.

Инглиз-сакс қабилаларининг Британияда егаллаб олган ерлари азалдан иккита асосий турга: **фолсланд ва босланд**га ажрала бошлаган. Фолкленд - бу "халқ ери", унга егалик қилиш жамоага мансубликка асосланган ва дав-латга нисбатан маълум мажбуриятлар ўташга олиб келган. Бундай ерларни тасарруф қилиш еркинлиги чекланган. Фолклендни бошқа шахсга ўтказиш учун оиланинг барча аъзолари розилиги талаб қилинган.

Ерга егаликнинг бошқа кўриниши - **бокленд** еса қиролнинг инъомига асосланган. Бундай ерларга егалик ҳуқуқи қироллик ёрликлари (бос) билан тасдиқланган.

Фолкленд ернинг егаси давлатга турли мажбуриятларни ўтаб турган. Бу ерларнинг бокленд даражасига ўтказилиши билан унинг егаси бундай мажбуриятлардан озод қилинган. Феодализмнинг ривожланиши боклендинг ривожланиши билан мустаҳкам чатишиб кетганди. Бокленд егаси уни ҳадя қилиши, сотиши, васият қилиб қолдириши мумкин еди. Боклендинг вужудга келиши ва ривожланиши инглиз-саксларда йирик ер егалигининг шаклланишига сабаб бўлди.

Нормандлардан кейинги инглиз ҳуқуқида чекланмаган, шартсиз ер егалиги тушунчаси мавжуд емас еди. Ер ҳуқуқлари иккита асосий тушун-чалар: **тенанси** - егалик, ушлаб туриш ва **естати** - егалик ҳуқуқлари, ҳуқуқий манфаатлар (уларнинг давомийлиги, бегоналаштириш имконияти ва бошқалар) ҳажми билан белгиланган. Егалик (тенанси) ўз навбатида еркин ва ноеркин бўлган. Еркин егалик (фреехолд) - бу ритсарлик хизматини ўташ шартлари асосида ёки

шахсий хизмат ҳуқуқи бўйича олинган егалик, шунингдек, еркин дехқонларнинг ер егалиги ҳисобланган. Бундай ерга егалик қилган дехқон лордга белгилаб қўйилган пул суммасини тўларди ва унинг юрисдиксияси остига тушарди.

Дехқоннинг лорд фойдасига шахсий ва иқтисодий мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ноеркин ер егалиги вақт ўтиши билан феодал ижаранинг меросий ҳуқуқига айланди ва **сопиҳолд** деган ном олди, чунки ижаранинг бундай шарти манорлик судларининг баённомалари нусхалари билан белгилаб қўйилган еди. Ноеркин ер егалиги дастлабки вақтларда қироллик судларида ҳимоя қилинmasди. XV асрда у билан боғлиқ даъволар канслер судида, XVI асрда esa бу суднинг таъсири остида "умумий ҳуқуқ" судларида ҳам кўрила бошланди.

Ҳозирги инглиз ва америка ер ҳуқуқида мавжуд бўлган **естате** тушунчasi нафақат кўчмас мулкка нисбатан егалик ҳуқуқларининг ҳажми ҳақида, балки мулкни ўтказиш учун техник воситалар йиғиш ҳақида ҳам тасаввур беради. У егалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ва мулк устидан назорат қилиш муносабатларига киришган турли шахсларнинг ёки ҳали туғилмаганларнинг ҳуқуқларини қамраб олади.

Бу тушунча тарихан шаклланиб борган. Инглиз ўрта аср ҳуқуқининг бутун ривожи феодалларнинг хизмат мажбуриятлари муносабати билан кўп сонли чеклашлар юклатилган ерларни еркин тасарруф этиш ҳуқуқи учун курашлари билан боғлиқ еди. 1290 йилги "Қуиа Емпторес"⁷⁴ статути бўйича лордларнинг ерларни сотиш ҳуқуқи тан олинганди. Бунда лорднинг барча хизмат мажбуриятлари ҳам ернинг янги егасига ўтказиларди. Мазкур статут, шунингдек, 1279 йилда чиқарилган ва ерларни черковнинг "ўлик қўлларига" сотиш ва бошқача тарзда ўтказилишини тақиқлаган статутнинг мазмунини ҳам тасдиқлайди. Ернинг бундай тарзда ўтказилиши уни феодал оборотдан тўлиқ чиқарилишига олиб келган, чунки илгариги лорд ҳам, қирол ҳам, лорднинг меросхўри бўлмаган ҳолда, уни қайтарилишига умид қила олмаган.

Феодалларнинг ерга егалик ҳуқуқларининг янада кенгайиши Англия феодал ҳуқуқида ерга еркин егаликнинг ўта истиқболли шакли - **естате ин фреे симпленинг** ўрнатилишига олиб келган. Бу ўз қўлами бўйича мулкка яқин бўлган анча тўлиқ егалик ҳуқуқини англатади.

⁷⁴ "Quia Emptores" – 1290 yilgi statutning dastlabki ikki so'zi, ya'ni: "Chunki sotuvchi..."

Унинг хусусий мулкдан фарқи фақат шунда едики, ерлар агар меросхўрлар бўлмаса, егасиз бўлиб қолмаган, балки олдинги лордга ёки унинг қариндошига (ҳатто жуда узок қариндошига бўлса ҳам) ўтган⁷⁵. Кўчмас мулкларнинг ёки "қўриқланадиган ерлар"нинг ҳуқуқий ҳолати бошқача еди. Бундай ерлар мерос тариқасида фақат туғишган қарин-дошларга, қоида бўйича, катта ўғилга ўтказилиши мумкин еди. Ерга нисбатан қўриқланадиган ҳуқуқларни яратиш имконияти мерос ҳуқуқида чеклашлар белгиловчи 1285 йилги статут натижасида вужудга келган. Бу статутда "умумий ҳуқуқ" билан ҳимоя қилинадиган оила мулки барча ҳолатларда кўчмас мулк бўлиб қолиши назарда тутилган еди. Бу мулкдан кредитор фойдасига қарз ундирилишига ҳам йўл қўйилмаган. Статутни яра-түвчилар бу билан мулк егасининг ўз имениясини бутун ҳаёти давомида меросхўрлар зарарига сота олмаслигига ва оғир юк қилиб қўйилмаслигига ҳаракат қилганлар. Бироқ тез орада бу барча тақиқлар четлаб ўтила бошланади. Кўчмас мулкнинг егаси именияга "оддий мулк" сифатида муро-жаат қилиш имкониятини қўлга киритиш учун жуда қимматга тушадиган сохта жараёндан ўтиши лозим еди.

Егалик ҳуқуқининг иккита бошқа шакллари: умрбод егалик қилиш (естате фор лифе) ва маълум муддат егалик қилиш (фор еарс) дан иборат еди. Кўчмас мулкка фор лифе ҳуқуқи фақат мулкка егалик қилиб турган шахс-нинг ҳаётлиги чоғидаги муддатга емас, балки учинчи шахснинг, масалан, хотинининг ҳаётлиги чоғидаги муддатга ҳам ўрнатилиши мум-кин еди. Ерга нисбатан бундай ҳуқуқлар "умумий ҳуқуққа" маълум енг қадими ҳуқуқлардан ҳисобланади. Ернинг фор лифе егаси фор симпле егасига қараганда кам ҳуқуқларга ега бўлган, лекин унинг ҳуқуқлари фор еарс егаси ёки ери ижарага олганларнинг ҳуқуқларига нисбатан кенгроқ еди. У фақат ернинг устига емас, балки ин фреे симпле егаси (мулкдор) сифатида унинг остидаги нарсаларга нисбатан ҳам ҳуқуқларга ега бўлган. Бироқ кўчмас мулк ижаракисига ўхшаб, у ерга келтирилган зарар учун жавоб берарди.

Ерларни ижарага олиш муддати қанчалик узок бўлмасин, ўрта аср юристлари асрлар давомида унинг реал мулк (реал проперті) еканлиги, яъни реал даъво ёрдамида ҳуқуқи тикланишини тан олмасдилар. "Адолат ҳуқуқи" жуда кам ҳолларда ноқонуний ушлаб турилган ижарага олинган ерларнинг қайтарилишини талаб қиласарди. Бунда ерларга ижара егалиги, гарчанд, тўғри маънода реал даъво

⁷⁵ Bu qoida Angliyada 1925 yilgi Mulkchilik haqidagi qonun qabul qilingunga qadar saqlanib qolgan.

объекти бўлмаса ҳам, аммо "суд орқали тортиб олиш ҳақида"ги (астион оф ежесмент) маҳсус дарво билан тикланиши мумкин еди. Ижара хуқуқларининг нонормал характеристери ҳаракатдаги, реал мулклар - чаттелс реал тушунчасини шунга мос нонормал ифода етарди.

Ўрта асрлар инглиз ҳуқуқи рим ҳуқуқига (ёки ҳозирги ҳуқуққа) маълум бўлган кўринишдаги ерни гаровга қўйиш институтини билмайди.

Шунга қарамай, Англияда қарзни ундириш воситалари жуда ерта пайдо бўлган. XII асрда ёк қарздор қарзини тўлаш евазига ўз ерини кре-диторга ишончга асосланган битим асосида ўтказиши мумкин еди. Бунда кредитор ер егаси бўлиб қолган, лекин у ишончни бузмасдан, қарздор ўз мажбуриятларини бажаргандан сўнг унинг ерини қайтариши лозим еди.

Агар қарздор мажбуриятларини қўрсатилган муддатда бажармаса, кредиторнинг гаровга қўйилган ерга нисбатан егалик ҳуқуқи шак-шуб-ҳасиз бўлиб қолганди. Бунда кредиторнинг, ҳатто қарзни қоплашда гаровга қўйилган ердан олган даромадлари, гарчанд, бундай "ўлик гаров" черков томонидан "гуноҳ" сифатида танбех қилинса ҳам, ҳисобга олин-маслиги мумкин еди.

XIII-XIV асрларда гаровга қўювчиларнинг ҳуқуқлари "умумий ҳуқуқ" судларида ҳимоя қилинарди. Бу судлар, агар қарздор мажбуриятларини ўз муддатида бажармаса, ерлари қайтариб берилишини талаб қила бошлиганлар.

XVI асрда канслер суди янада олға бориб, ерни гаровга қўйиб қарз олган ва уни қўрсатилган муддатда қайтариб бера олмаган қарздорлар учун имтиёзли муддат жорий етганди. Бунга кўра, қарздор гаровга қўйилган ашёнинг кредиторга тўла мулк қилиб ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қарори чиққунга қадар, қарзини тўлаши ва гаровга қўйилган ерини "ҳаққоний сотиб олиши" мумкин еди.

Ашё ҳуқуқининг соф инглизча институти - ишониб топширилган (ваколат берувчи) мулк (траст) институти мавжуд бўлган. Инглиз юристлари, айниқса Ф.Майтленд (1850-1906 йиллар), бу институт "инглизларнинг юрис-прудентсия соҳасидаги буюк ва жуда аниқ ютуқлари" деб завқ-шавқ билан гапирадилар.

Ишониб топширилган мулк институтининг келиб чиқиши, шунингдек, феодал ер егалиги хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бу хусусиятлар қаторига ерга меросхўрлар доирасининг қисқартирилиши ва ерларнинг черковларга, монастирларга, диний

жамиятларга, айниқса, умуман ерга егалик ҳуқуқига ега бўлмаган камбағаллашган жамиятларга сотишнинг чекланиши кабилар киради.

Мазкур институтнинг моҳияти шунда едики, бунда бир шахс - ишониб топшириладиган мулкнинг егаси (сеттлер оғ тrust) ўз мулкини бошқа шахс-га - мулкини ишонган киши (trustee)га мулкни бошқариш ҳамда мулк егаси сифатида бошқа шахснинг, фойда олувчининг (бенефисиарий) манфаатлари йўлида ёки бошқа мақсадларни, масалан, муҳтожларга ёрдам бериш мақсадини амалга ошириш учун ўтказади.

Ерларни бирор мақсад йўлида фойдаланиш учун ўтказилиши ама-лиёти XII асрдаёқ вужудга келган ва салиб юришлари даврида гуркираб ривожланган. Бу даврда ерлар ўғиллар вояга етгунига қадар ёки илгариги егаси қайтиб келгунига қадар ишонч асосида қариндошларга ёки дўстларга берилган.

Қашшоқлашган монархлар дунёвий кишиларга ўз ерларини уларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш учун ўтказиб, нафақат ҳуқуқий ва диний тақиқларни четлаб ўтганлар, балки катта бойликлар ҳам тўпла-ганлар. Фақат XV асрдан ишониб топширилган мулк канслер судида ҳимоя қилинадиган бўлди, чунки ендиликда ишонч, адолат бузила бошлаган еди. Шу вақтдан бошлаб ишониб топширилган мулк "умумий ҳуқуқ" билан ҳимоя қилинадиган мулк - легал ошнершипдан фарқли ўлароқ, еқуитабле ошнершип деб аталадиган бўлди.

Ишониб топширилган мулк институти биринчи марта 1375 йилги қонун билан мустаҳкамланган. XV асрдаёқ қўп ер майдонлари - кўчмас мулклар ишониб топширилган мулкка айланади. Генрих ВІІІ инглиз чер-ковини ислоҳ қилиш давомида черков ерларини мусодара қилди, лекин бунда шу нарсага дуч келдики, гарчанд, черков ва монастирлар йирик ер егалари бўлсалар ҳам, расман ўз ерларининг егалари бўлмаганлар.

Инглиз парламенти черков ерларини тортиб олиш мақсадида 1535 йилда "фойдаланиш ҳақида" деб номланган статут (статуте оғ усес) чиқаради. Унга кўра, бир шахс мулкка бошқа шахснинг манфаатлари нуқтаи назари-дан егалик қилиб турган бўлса, мулк кимнинг манфаатлари йўлида фойда-ланилса, ўша шахс амалда ернинг ҳақиқий егаси деб тан олинган. Бу статут бир қанча вақт ишониб топширилган мулк институтининг тарқалишини тўхтатиб қўйди, лекин уни йўқотмади. Судлар "фойдаланишга нисбатан

фойдаланиш ҳуқуқи" деган мураккаб конструксия ёрдамида статутни муваффақиятли равишда четлаб ўта бошладилар. Бу "иккиламчи фойда-ланиш" канслер суди томонидан ҳимоя қилинадиган труст, яъни том маънода ишониб топширилган мулк сифатида маълум бўлиб қолган.

Ишониб топширилган мулкчилик реформатсиядан кейин черков ер егалигининг жуда чекланиши ва черков хайр-саҳоватининг деярли йўқолиб кетиши натижасида қайтадан кенг жонлана бошлаган.

1601 йилда қиролича Елизавета даврида, ҳатто, "хайр-еҳсондан фойдаланиш" ҳақида статут қабул қилинган. Бу статут асосида парламент маҳсус комиссиясининг олий вакили лавозими жорий етилади. Олий вакилнинг мажбуриятига муҳтожларга хайр-еҳсон қилинишини назорат қилиш ва шу билан бөғлиқ суПстеъмолликларга чек қўйиш кабилар киради. Статутнинг преамбуласида хайр-еҳсон фаолиятининг анча кенг тарқалган ва тан олинган турлари санаб ўтилади. Булар: камбаГалларга, заифларга, қарияларга, беморларга ва ярадор аскар ва матросларга, мактаб, коллеж ва универ-ситетларга ёрдам бериш; етимларни ўқитиш ва моддий таъминлаш, ахлоқ тузатиш муассасаларига қўмаклашиш, ҳарбий асиirlарни сотиб олиш ва маҳкум етилганлар учун жарималар тўлаш ва бошқалардан иборат еди. Бу мақсадларнинг ноаниқ ва муносабати белгилари суд амалиётида батафсил текширилган. Судлар "ижтимоий фойдалар" доктринасини ишлаб чиқсанлар. Бунда жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган барча хайр-еҳсонлар хусусий, яъни муҳтожларга ёрдам беришга мутлақо қарама-қарши иш деб топилган еди.

Majburiyat huquqi

Англияда инглиз-сакслар даврида ёк шартнома муносабатлари ривожлана бошлайди.

Лекин лен, вассал қарамлик муносабатлари кенг тарқалганилиги муно-сабати билан бу даврда икки расман тенг ҳуқуқли томонларнинг битимини англатувчи шартнома тушунчasi ҳали вужудга келмаганди. Ине ҳақи-қатида сотувчининг маҳсулот сифати учун жавобгарлиги ҳақидаги даъвогар ва жавобгар ўртасидаги тортишувда қасамёд қабул қилиш ҳақидаги қоидаларни топиш мумкин. Бироқ булар кўпроқ шартнома муносабатларига емас, балки маъмурий муносабатлар соҳасига тааллуқли еди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, шартнома икки ва ундан ортиқ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқарувчи мажбурий битим сифатида инглиз ҳуқуқида оддий битим - агреемент тушунчасидан (масалан,

дўстона хизмат ҳақидаги ва бошқалардан) фарқ қиларди. Шундай қилиб, инглиз ҳуқуқи бўйича ҳар қандай шартнома (сонтраст) - битим, бироқ ҳар қандай битим (агреемент) - шартнома емас.

Англияда бозор муносабатларининг тараққий етиши билан мажбурият ҳуқуқи ҳам ривожланган. Деликтлар ва шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар "умумий ҳуқуқ" меъёrlарининг узоқ вақт тадрижий ривож-ланиб бориши натижаси бўлди.

"Умумий ҳуқуқ" судларида ҳимоя қилинадиган даъволарнинг енг қадимги шаклларидан бири "қарз ҳақида"ги даъво (остион оғ дебт) еди. Даъвонинг бу шаклини XII асрда ёқ Гленвилл еслатиб ўтганди. Гленвилл уни деликтлар қаторида, "ноҳақ ушлаб қолинган пул" ҳақидаги даъво сифатида қўриб чиқади. "Қарз ҳақида"ги даъвонинг асоси шартнома бўйича мажбурияти бўлиб, унга биноан бир томон бошқа томоннинг фойдасига маълум ҳаракат содир етиши лозим еди.

Даъвонинг қадимги шаклларидан яна бири «ҳисоб-китоб ҳақида»ги даъво (остион оғ ассоунт) ҳисобланади. Унинг предмети жуда аниқ шаклда ифодаланадиган шартнома мажбурияти бўлиб, унга биноан бир томон бошқа томоннинг фойдасига маълум ҳаракат содир етиши лозим еди.

"Ҳисоб-китоб ҳақида" даъво дастлаб лорд билан манор бошқарувчиси ўртасидаги муносабатларда қўлланилиб, бирорнинг ишониб топширилган пулинин ушлаб турган ва ундан қандай фойдаланганилиги ҳақида мулк егасига ҳисоб бериши лозим бўлган шахснинг ҳисоб-китоби билан боғлиқ еди. Бундай даъво оқибатда савдо амалиётида, шерикчилик фаолиятида қўллана бошланади. Гленвилл бу даъвони "ноҳақ ушлаб қолинган пул" ҳақидаги деликтлар қаторида қўриб чиқиб, бунда ундан қарз, олди-сотди, ижарага бериш, юк ташиш ва бошқа ҳолларда фойдаланиш мумкинлигини асослайди. "Ҳисоб-китоб ҳақидаги" даъво орадан кўп ўтмай Едуард И нинг 1267 ва 1285 йиллардаги статутларида ҳам мустаҳкамланган.

Ушбу даъвонинг қўлланиш доираси гўё анча кенг бўлиб кўринишига қарамай, инглиз шартнома ҳуқуқини унчалик бойитмайди.

Битимнинг мажбурий шартнома сифатида пайдо бўлиши XIII асрда "умумий ҳуқуқ" судларида бошқа даъво - "битим ҳақидаги" даъво (остион оғ совенант)нинг тан олиниши билан боғлиқ. Бу даъвонинг мазмуни қарздорга битим билан ўрнатилган мажбуриятни,

агар у муҳр билан мустаҳ-камланган бўлса, бажариш талабидан иборат еди. Бу битим фақат "муҳр" билан тузилиш шаклига риоя қилинмаганда ва бу шаклнинг нуқсонлари бўлганда даъво ҳимояси ҳуқуқига ега еди. Лекин бунда енди ҳал қилувчи жиҳат (момент) томонлардан бирининг ноҳақ бўлиши емас, ҳуқуқий оқибат-лар келтириб чиқарадиган битимнинг тузилиш факти, маълум ҳаракат бўлиб қолган. Шундай қилиб, шартнома тузган шахслар учун унинг қонун кучига ега еканлигини келтириб чиқарадиган шартноманинг "муқад-даслиги" ҳақидаги шартнома ҳуқуқининг асосий тамойили келажакда тан олиниши йўлида яна бир қадам ташланган.

Бозор муносабатларининг ривожланиши битимлар, шартномалар тузи-лишининг расмиятчилигини улоқтириб ташлаши муқаррар еди. Шунинг учун "умумий ҳуқуқ" судлари норасмий, оғзаки тузилган битимларга (келишув-ларга) ҳам ҳимоя тақдим қила бошлаганлар. XV асрда инглиз ҳуқуқида шахс ва мулкни тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган "ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги (треспасс) даъво"нинг хилма-хилтурларидан бири "оғзаки битимларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво" еди.

Бу даъволар Едуард И даврида пайдо бўлиб, Вестминистрик статутларида мустаҳкамланган еди.

"Ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги даъвонинг ҳам қўлланиш доираси унчалик кенг емасди, чунки даставвал қарздорнинг айби исбот қилиниши талаб етиларди. Бундай даъволар, масалан, тухмат натижасида келтирилган заарни ундириш учун қўлланилганлиги тасодифий емас.

XV асрда бундай даъво учун енди айни исботлашни талаб қилиш шарти бекор қилинган ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги даъволар (треспасс он тҳе сасе) даъвогарга зарар келтирилган барча ҳолатларда қўлланиладиган бўлган. Ҳатто, жавобгар томонидан "лозим даражадаги Ғамхўрлик"нинг йўқлиги ёки оддий еҳтиётсизликка йўл қўйилганлиги оқибатида келиб чиқсан мулкий йўқотишлар бўйича ҳам даъволар "ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъво" сифатида судда ҳимоя қилинарди.

Шартнома ҳуқуқининг янада ривожланиши "ўзига қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъво" (астион оғ ассумпсит)нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. "Ўзига қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъволар" дастлаб барча норасмий битимларни емас, балки фақат томонлардан бирининг шартнома шартларини бажармаслиги натижасида зарар

етказилган бўлса, ана шундай норасмий битимларнигина ҳимоя қиласди. Бунда келажакда бажарилиши лозим бўлган шартномаларга ҳеч қандай ҳимоя берилмасди. Бироқ зарарни томон-лардан бири келтириши мумкин бўлган, масалан, шартномани бажаришни кутиб, у қандайдир ҳаракатлар қилган. "Умумий ҳукук" судлари мазкур ҳолатни ҳам ҳисобга ола бориб, бундай шартномани ҳимоя қилишга қаратилган ваъданинг бузилиши фактининг ўзи учун жавобгарликни кучай-тириш йўли билан "ўзига қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъво"ларнинг қўл-ланиш доирасини кенгайтирган едилар. "Ўзига қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъво"нинг бундай тарзда бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши 1589 йилда "Уокерга қарши Стенгборо" иши юзасидан бўлиб ўтган судда мустаҳ-камланганди. Бу шартнома ҳуқуқнинг ривожланишида муҳим қадам еди. Ушбу суднинг қарорида "Ваъда ўрнига берилган ваъда даъво асоси бўлиши мумкин", - деб еълон қилинганди. Шартнома, шу тариқа, ўзининг деликт келиб чиқишидан "ковлаб" олинган. Ендиликда ваъда бериш орқали ўзига олган мажбуриятни бажармаган шахс жабрланувчи томонга келтирилган барча зарар учун жавоб бериши лозим еди.

Аста-секин "умумий ҳукук" судлари ҳар қандай норасмий шартно-мани тан олиш шарти сифатида "қарши қаноатлантириш" доктринасини ишлаб чиқсан. Бу вақтга келиб инглиз судлари яrim шартнома характерига ега бўлган фақат бир томонлама битимлар (масалан, ҳадя) билан боғлиқ баъзи даъволарни қўллашда енди анча катта тажрибага ега едилар. Шартнома ҳуқуқининг ривожланиши йўлидаги муҳим босқич шартноманинг тузилиши шартлари тўғрисидаги қоиданинг пайдо бўлиши еди. Бунга кўра, ҳар қандай шартнома ё "мухр билан" ёзма шаклда тузилган бўлиши ёки қарздор томонидан олинадиган шартнома билан боғлиқ маълум фойдада ёки кредиторга келтирилган заарда ифодаланадиган "қарши қаноатлантириш"ни назарда тутиши лозим еди.

Инглиз шартнома ҳуқуқининг ривожланишига бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ қатор муҳим ҳуқуқий масалаларни ҳал етишда савдо судлари тажрибасига таянган ва "умумий ҳукук" судларини ортда қолдирган қироллик қонунлари ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Англияда қарзни тўламаслик муаммоси жуда қадимдан қироллик кафиллиги институтининг қўлланилишига олиб келганди. Бу институт қиролнинг кредиторлардан ўз яқинларига қарз беришини илтимос қилиб ёзган очик хатларида ўз ифодасини топган. Қарз

ундиришнинг амалий усулларини излаб топишга қаратилган ҳаракатлар 1283 йилда "Савдогарлар ҳақида"ги махсус статутнинг чиқарилишига олиб келди. Унга кўра, қредитор товар, пул ва бошқа нарсаларни шаҳар мери иштирокида қарзга бера оларди. Бунда қарз мажбурияти шаҳар протоколларида қайд етиларди. Агар қарздор қарзини тў-ламаса, мер ҳеч қандай суд қарорисиз қарздор мулкининг қарз суммасига мос қисмини кредиторга ўтказилишини буюриши мумкин еди.

1285 йилда "Савдогарлар ҳақида" иккинчи статут чиқарилади. Унга асосан, қарзни тўлаш муддатини ўтказиб юборган қарздор қамоққа олинарди. Қарздор уч ой ичидаги ўз мол-мулкини сотиши ва қарзини тўлаши лозим еди. Агар у бундай қилмаса, шерифга тегишлича суд буйруғи билан мулкни "сотувдан қутқариб қолиш" ва кредиторга қарзни қайтариш буюрилган.

Оқибатда XVI асрда махсус қонун билан қарзини тўлашга қурби етмайдиган қарздорнинг мулкини унинг кредиторлари ўртасида мутаносиб равишда тақсимланишига мажбуровчи санксиялар жорий етилди. Агар у илгари фақат савдо судларида савдогарларга нисбатан қўлланилган бўлса, XVI асрдан бошлаб еса барча қарздорларга нисбатан қўллана бошланганди. 1571 йилги қонун кредиторларга, ҳатто қарздорнинг қарзини тўлаш-га қодир емас (банкротга учраган), деб еълон қилиниши протседураси (расмий маросими)га мурожаат қилмай, унинг "тўлов муддатини кечиктириш, кредиторларга тўсиқлар яратиш ва уларни алдаш мақсадида қилинган мулкий тасарруфларини бекор қилиш"га ижозат берди.

Судялар бу қонунни кенг миқёсда шарҳлаб, қатор ҳолларда қарздорларнинг ўз мулкидан кредиторлар заарига ҳеч қандай тўсиқларсиз тасарруф етиш имкониятини қирқиб қўйиш мақсадида, ҳатто "алдаш ни-ягини" исботловчи далилларни талаоб қилмай кўяди. Шундан кейин, 1585 йилги статут билан ерни унинг кейинги егаси, шу жумладан, кредитор заарига ихтиёрий, тўловларсиз ўтказилиши тақиқланади. Бу статут судларда жуда қатъий ва аниқ талқин қилинади.

"Хукуқбузарлик тўғрисида"ги (треспасс) даъво фелонияда (оғир жиноят содир етишлиқда) айблаш бўйича даъвога муқобил даъво сифатида қўчмас мулкка, ҳаракатдаги ашёларга ёки шахсга қасдан куч ишлатиб, ва бевосита етказилган заарни ундиришда қўлланилган. Ўз нав-батида треспасс даъво зўрлик ишлатмай етказиладиган заардан ҳимоя қилишни ҳам назарда тутади. Бунда

зарар тўғридан-тўғри етказилганми ёки зарар етказилганлиги кейинчалик маълум бўлиб қолганми ёхуд у ўша вактнинг ўзида маълум бўлганми, қатъи назар, барча ҳолда ҳам треспасс он тҳе сасе учун асос бўларди.

Бундан ташқари, мулкка егалик қилишга озгина бўлсада халақит қилиш, бунда мулк егаси реал зарар кўрадими ёки йўқми қатъи назар, "егаликни бузиш ҳақида"ги треспасс давъосининг қўлланишига асос бўлган.

Nikoh va oila huquqi

Англияда феодал никоҳ-оила ҳуқуқи маълум дара-жада феодал ер егалигини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш манфаатлари билан белгиланган. У каноник ҳуқуқнинг кучли таъсири остида бўлган. Каноник ҳуқуқнинг қатор жуда муҳим меъёрлари, масалан, никоҳнинг черков шакли, икки хотинликнинг тақиқ-ланиши сингарилар бевосита қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганди. Жум-ладан, 1606 йилги статут икки хотинликни фелония (оғир жиноят) сафига қўшган еди.

Ўрта асрларда инглиз оиласи патриархал характерга ега еди. Ерга теккан аёлнинг - хотиннинг ҳуқуқий ҳолати жуда чекланганди. Унинг ҳаракатдаги мулклари ерининг тўлиқ ихтиёрига ўтган, кўчмас мулкларига нисбатан еса ернинг бошқаруви ўрнатилган еди. Ерга теккан аёл мустақил равишда шартнома тузаболмас, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқаболмас еди.

Шуни айтиш жоизки, тегишлича одат ҳуқуқи меъёрлари ҳаракатда бўлган деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарларнинг оиласарида ерга тек-кан аёллар нисбатан каттароқ ҳуқуқий лаёқатга, хусусан, ўз мулкларини бошқариш, шартномалар тузиш, савдо билан шуғулланиш ҳуқуқларига ега бўлганлар.

Инглиз-саксларнинг одат ҳуқуқи ажралишни тан олган. Ажралиш ёки ерининг ўлими натижасида оиласидан кетаётган аёл оила мулкидан (ҳара-катдаги мулқдан, чорвадан, пулдан) ўз ҳиссасини оларди. Каноник ҳуқуқ, маълумки, ажралишга йўл қўймасди. У фақат маълум ҳолларда ер-хотин-нинг алоҳида яшасига, "столи ва тўшагининг ажратилишига" рухсат берарди.

Камдан-кам ҳолларда ажралишга рим папаси томонидан, оқибатда парламент томонидан рухсат етилиши мумкин еди. Маълумки, Генрих ВІІ га ажралишни папа томонидан рад қилиниши оқибатда инглиз тахтининг рим курияси билан алоқаси тўлиқ узилишига ва инглиз черкови устидан унинг устунлиги ўрнатилишига бевосита сабаб бўлганди.

Никоҳсиз туғилган болалар факат католик черков томонидан емас, балки баронлар томонидан ҳам тан олинмаган. Черковнинг никоҳсиз туғилган болаларни келажакда уларнинг ота-оналарини никоҳдан ўтказишни назарда тутиб қонунийлаштиришга қилган уринишлари баронларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Бу, албатта, феодал ер егаликларининг қаттиқ қў-риқланиши билан боғлиқ еди. Негаки, никоҳсиз туғилган болалар қонунлаштириладиган бўлса, бу меросхўрлар доирасининг кенгайишига олиб келар-ди. 1235 йилги Мертон статути никоҳсиз туғилган болаларнинг қонунийлаш-тирилишини тўғридан-тўғри тақиқлаган.

Meros huquq Ўрта асрларда Англияда мерос қолдиришнинг қан-дайдир ягона тизими мавжуд емас еди. Реал мулкнинг ме-рос бўйича ўтишини маҳсус, секин алмашинадиган тартиби шахсий мулкнинг мерос бўлиб ўтишидан фарқ қилган. "Умумий хуқуқ" васият бўйича меросни назарда тутмайди. Васият амалда ишониб топширилган мулк институти билан бирга жорий етилганди. Вакт ўтиши билан ишониб топширилган мулк вояга етмаганлар томонидан қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам мерос қилиб олиниши тартибини белгилайдиган бўлди, чунки ҳар икки ҳолда ҳам уларнинг мулкини бошқариш учун мулк ишониб топшириладиган шахсни тайинлаш талаб етиларди.

1540 йилда биринчи марта кўчмас мулкни васият асосида ҳеч қандай тўсқинликсиз, агар у "ман етилган" бўлмаса, тасарруф қилишга рухсат бе-рилган. Лекин бунда васият бўйича мерос олганларга мерос олма-ган бола-ларни моддий таъминлаш мажбурияти юкланган. Зоро, бундай мажбу-риятларни амалга ошириш учун "умумий судлар" тегишлича қурол-воситага ега бўлмаганлиги сабабли бу низоларни кўриш канслер судига ўтган.

Васият қолдирмаган шахснинг ҳаракатдаги мулкларига дастлабки даъво қилиш хуқуқи бева қолган хотинга (агар ери ўлса) ёки ерга (агар хотини ўлса) тегишли еди. Бу институт инглиз хуқуқида суртесй - "илтифот" деган ном олган.

Jinoyat huquqi Англияда ўрта асрлар жиноят хуқуки меъёрлари маълум даражада суд амалиёти билан яратилган. Жиноий статут хуқуқи жиноят хуқуқининг бошқа манбалари ораси-да "умумий хуқуқ"нинг тегишли меъёрларини тўлиқ ёки бироз ўзгар-тирилган кўринишда акс еттиришдан бошқа нарса емас еди. Бунда қийин-чиликлар шундан ҳам келиб чиқардики, жиноят ва фуқаролик хуқуқ бузар-лиги бир-биридан кўпроқ хуқуққа

хилоф хатти-ҳаракатлари табиати бўйича ажратиларди. Айнан битта хатти-ҳаракат ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ҳукуқ-бузарлик бўлиши мумкин еди, чунки ҳукуқ юқорида кўрсатил-ганидек, даъвонинг ҳар иккала шаклига ва унга мос равишда фуқаролик (маълум ҳукуқларнинг тасдиқланиши ёки тикланишига қаратилган) ёки жиноий (ҳу-қуқбузарлик хатти-ҳаракатини содир етганлик учун ҳукуқбузарни жазо-лашдан иборат ўз обьектига ега бўлган) жараёнига йўл кўйган.

Инглиз жиноят ҳукуки "умумий қисм"га тааллуқли меъёрлар мажмуига ега бўлмаган. XII асрга қадар ҳукуқда обьектив жавобгарлик ҳақидаги тасаввур ҳукмронлик қиласарди. Узоқ вақтгача инглиз жиноят тушунчasi асосан жиноий хатти-ҳаракатлар (одам ўлдириш, босқинчилик, болаларни ўғирлаш, аёлларни зўрлаш, тунда девор, ешик ва бошқаларни бузиб ўғирлик қилиш)га тааллуқли бўлган, бироқ жиноий ҳаракатсизликка дахлдор бўлмаган. Юқорида зикр етилган барча жиноий хатти-ҳаракатлар ёмон ният (малусе)ни кўзлаган.

XII асрнинг бошидан рим ва каноник ҳукуки таъсири остида жавобгарлик асоси сифатида айбнинг мавжудлиги ҳақидаги қарашлар тасдиқлана бошлаган. Биринчи марта марҳум Августин таълимотидан ўзлаштириб олинган «ҳара-кат айбдор қиласи, агар ирова айбдор бўлмаса» деган тамойил 1118 йилда Генрих И нинг қонунида ўз аксини топган. XIII асрда айбнинг шаклларини тушунишда инглиз ҳукуқшуносарининг таълимотлари, асарлари жуда катта таъсир ўтказган. Масалан, Брактон қасдан ва еҳтиётсизликдан одам ўлдириш тушунчаларини талқин қилиб, "агар одам ўлдириш киши тақиқлан-ган иш билан шуғулланиб, одам ўлдириш содир етса", ҳатто унинг айби бўлмаса ҳам "жавобгарлик келиб чиқади", деб кўрсатади. У бунда қил-мишга ўзи жавоб бера олишлик тўғрисидаги диний-ахлоқий таълимотнинг: "Ноқонуний иш билан шуғулланган киши зиммасига жиноятдан келиб чиқсан барча жавобгарлик юқлатилади" деган қарашига асосланган. XIII асрда, ҳатто, тасодифан бирорни ўлдириб қўйган одам ҳам қиролнинг афв етишига муҳтож еди. Одам ўлдириш қуроли ҳамма ҳолатларда мусодара қилинган. У сотилган ва бундан тушган пуллар марҳумнинг тинч ётган жонини "сақлаш учун" хайрли мақсадларга сарф қилинган.

Оддий тасодиф ва жиноий еҳтиётсизлик ўртасидаги фарқ ҳақидаги таъли-мотларнинг ривожланишига Кокнинг "ажойиб, ҳайратда қолдирадиган таълимо-ти" муҳим ҳисса қўшган. "Агар

кимдир, - дейди Кок - ёввойи қушни от-са... ва уни отган кишининг ҳеч қандай ёмон ниятисиз у ўқ нарида тур-ган бирор кишига тегса - бу тасодиф, негаки ёввойи қушни отиш қонуний-дир..., бироқ у бошқа бирорга тегишли хўрозни... ёки қандайдир қўлга ўргатилган қушни отса, бундай ҳолда содир етилган тасодифий одам ўлдириш - чиндан ҳам оғир (мурдер), негаки ҳаракат ноқонуний бўлган"⁷⁶.

ХИВ асрнинг бошидан Англия ҳуқуқида "ақли заиф ёки ақли норасо киши жиноят учун жавоб бермайди" деган тамойил қаттиқ ўрнатилган. Шахсга қарши қаратилган жиноятларда ўзини ўзи мудофаа қилиш ҳолларида жавобгарлик келиб чиқмаган. Суд амалиётида ишлаб чиқилган иштирокчилик ҳақидаги таълимот - "кимда-ким бирор орқали жиноят содир етса, буни унинг ўзи қилган ҳисобланади" деган тамойилдан келиб чиқсан. Иштирокчилар айбининг оғирлик даражаси кўпинча, иштирокчи жиноят содир етилишидан олдин ҳаракат қилганми ёки ундан кейинми, шунга қараб белгиланган. Агар иштирокчи жиноят содир етилишидан олдин, масалан, далолат қилиш шаклида унда иштирок етса, у жиноятнинг "бош ижроқчиси"га teng даражада жавобгарликка тортилган. Агар иштирокчи жиноят содир етилгандан кейин унда иштирок етса, масалан, ўғирланган буюмларни била туриб уйида яширса, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини жавобгарликдан қочишига ёрдамлашса ва шу каби ҳаракатлар содир етган бўлса, унга енгилроқ жазо берилган. Иштирокчилик тушунчаси билан бирга "жиноятнинг турли даражаси ҳақида"ги таълимот ҳам яратилган. Бунга кўра, иштирокчиларнинг қуйидаги тоифалари: 1) жиноят содир етган "жиноятнинг биринчи даражали асосий иштирокчиси"; 2) жиноятни содир етишда бевосита қатнашмаган, лекин жиноят содир етилган жойда ҳозир бўлган "жиноятнинг иккинчи даражали асосий иштирокчиси" ва 3) жиноят содир етилишидан олдин жиноятчига маслаҳатлар бериш йўли билан ёрдамлашган ва жиноятнинг содир етилишига тўсқинлик қилмаган "қўшимча иштирокчиси" айб даражасига қараб бир-биридан фарқ қилинган.

Ўрта асрлар жиноят ҳуқуқида барча жиноятларни анъанавий тарзда қуйидагича уч гурухга: хиёнат (треасон), фелония (фелоний) ва мисдиминор (мисдимеаноур)га бўлиш вужудга келган. Жиноятларнинг бошқача гурухлаштирилиши ҳам мавжуд бўлиб, у соғ жараёнга оид ҳарактерга ега еди. Бу - айлов ҳужжати билан

⁷⁶ **Qarang:** История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.-М.:Издательство НОРМА, 1998. – 153-бет.

таъқиб қилинадиган (плеас оғ тҳе Сроун ёки индистабле оффенсес) ва қасамхўрлар судида кўриладиган жиноятлар ҳамда умумий тартибда кўриладиган (суммари сонвистион) кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар (петтй оффенсес)га қараб гуруҳлаштирилган.

Дастлаб XIX асрда **фелония** тушунчаси пайдо бўлган. Англия жиноят ҳуқуқида ўлим жазоси билан бир қаторда мулкни мусодара қилиш назарда тутилган барча жиноятлар фелония деб аталган⁷⁷. Айнан фелоний деган иборанинг луғавий маъноси ҳам шундан дарак беради, яъни бу ибора фее - феодал егалик ва лон - баҳо деган сўзларнинг бирикмасидан келиб чиққан.

Фелониялар қаторига оғир ҳолатларда одам ўлдириш (мурдер), оддий одам ўлдириш (манслаугҳтер), фелония содир етиш мақсадида бирорнинг уйига кечаси зўрлик билан бостириб кириш (бургларй), мол-мulkни ўғир-лаш (ларсенй) ва бошқа шу каби оғир жиноятлар ҳам кирган. Енг оғир жиноят хиёнат (траесон) ҳисобланган. У XIX асрда бошқа жиноятлардан алоҳида ажратилган. Бу жиноятнинг номи франсузча траҳир ва лотинча традере деган сўзлардан келиб чиққан ва хиёнаткорона сотқинлик хатти-ҳаракатини англатган. Хиёнат "умумий ҳуқук" бўйича ёки фуқаролар томонидан қиролга содиклик бурчини бузиш (буюк хиёнат - ҳигҳ траесон) орқали ёки тобе кишининг ўз хўжайинига содиклик бурчини бузиш (кичик хиёнат - петтй траесон) йўли билан содир етилиши мумкин еди. Бу ҳолда факат юқори турган шахснинг ўлдирилиши, масалан, вассал томонидан ўз сенорининг ўлдирилиши, хотин томонидан ернинг ёки руҳоний томонидан - ўз епископининг ўлдирилиши хиёнат деб тан олинганди.

"Буюк хиёнат"да айблаш кучли қирол ҳокимиятининг қўлидаги ўз душманлари, баронлар ва бўйсунмаган руҳонийлар билан курашда кенг фойдаланиладиган қудратли қурол бўлган. Хусусан, руҳонийларга қарши курашда бундай айблов, айниқса, амалий натижа берган, зеро, бундай ҳол-да черков вакиллари "диний унвонга ега бўлиш имтиёзларидан", яъни улар устидан қўзғатилган ишларни черков судларида кўрилиши ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. Шу тариқа руҳонийлар ҳам черков судларининг ўлим жазоси қўллашни истисно қилувчи қоидасидан ("черков қон тўкиши мум-кин емас") ўз ҳаётларини сақлаб қолишда фойдалана олмайдиган бўл-ганлар.

⁷⁷ Feloniya turiga oid jinoyat sodir etganlik uchun mol-mulkning musodara qilinishi faqat XIX asrga kelib bekor qilingan.

Қирол "буюк хиёнат"да айблашдан моддий жиҳатдан ҳам манфаатдор еди. Чунки "буюк хиёнат" учун маҳкум етилган феодал ўзининг ер егалигидан маҳрум бўларди ва бу ер у қатл етилганидан сўнг меросхўрларга емас, балки тўҒридан-тўҒри қиролга ўтарди.

Шу муносабат билан хиёнат тушунчаси қироллик судларида барча чоралар билан кенгайиб борган. Бундан ўша вақтдаги инглиз парламенти ҳам четда қолмади. Парламент ўзгариб турувчи сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, "қиролга содиклик бурчини бузиш" билан умуман алоқаси йўқ бўлган хатти-ҳаракатларни ҳам "буюк хиёнат" қаторига қўювчи статут-лар чиқара бошлади. Масалан, парламент дастлаб Генрих VIII нинг кўпдан-кўп никоҳларидан бирини ноқонуний никоҳ сифатида қоралаган бўлса, кейинчалик уни қонуний деб тан олган еди.

Юқоридаги супстеъмолликлар феодалларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Улар бир неча марта ушбу супстеъмолликларга чек қўйишга ҳаракат қилганлар. Лекин фақат 1351 йилга келиб Едуард II томонидан хиёнатни маълум чегарада шарҳлашни назарда тутувчи статут қабул қилинган. Е.Кокнинг таъкидлашича, "1351 йилги статут умумий ҳуқуқ қоидасини ўзгартирмади, балки фақат унга қонун ифодасини берди".

"Буюк хиёнат" тушунчасига қиролни, унинг хотинини ёки уларнинг катта ўғлини ва меросхўрини ўлдиришга қасд қилиш; қиролнинг хотинини, унинг ерга тегмаган катта қизининг ёки катта ўғли ва меросхўри хотинининг номусига тегиш (бунда хотиннинг розилиги бўлганда ҳам барibir бу хатти-ҳаракат "буюк хиёнат" сифатида кўрилган⁷⁸); қиролга қарши уруш олиб бориш; қиролнинг душмани томонига ўтиш; канслерни, бош хазинабонни ёки қироллик судясини ўлдириш киритилган.

Бу рўйхат «умумий ҳуқуқ»ка маълум бўлган давлат хавфсизлигига қарши бошқа жиноятлар: исёнга чақириш (седитион), тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадларида ноқонуний оломон тўплаш (риот), шунингдек, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қонунга хилоф ниятларда тил бириктириш (сонспирасий) жиноятлари билан тўлдирилган. "Тил бириктириш" тушунчаси аниқ ишлаб чиқилмаган еди. Бу ҳолат ундан мавжуд режимга қарши ҳар қандай шаклдаги норозиликларга нисбатан кенг фойдаланиш имконини берган. Масалан, хусусий деликтлар (торт)га ёки ҳатто "жамият учун зарарли" деб ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқбузарлигига – шартно-

⁷⁸ Masalan, Genrix VIII ning ikkinchi хотини Anna Boleyn xuddi shunday asosda qatl etilgan edi.

маларни бузишга нисбатан ҳам "тил бириктириш" сифатида қаралиши мумкин еди.

Мисдиминор илгари фуқаролик тартибида етказилган зарарнинг ундирилишига олиб келувчи хуқуқбузарликлардан астасекин ривожланади. Вақт ўтиши билан бу гурухга фирибгарлик, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, сохта нарсалар ясаш каби жиддий жиноятларнинг киритилиши билан фелония ва мисдиминор ўртасидаги қатъий чегаралар йўқолиб борди. Бунга жиноят содир етилганда у ёки бу шаклдаги даъвони танлаш имконияти ҳам қўмаклашган. Фелония ҳақидаги даъво қаноатлантирилган ҳолда, масалан, баданга шикаст етказганда жиноятчи ҳёти билан жавоб берган, агар жабрланувчи хуқуқлари бузилгани ҳақида даъво қилса, унда бу жиноят мисдиминорга тааллуқли бўлган ва жиноятчига турма ёки жарима жазоси назарда тутилган.

Мулкий жиноятлар орасида, аввало, бирорнинг уйига ўт қўйиш ва зўрлик билан бостириб кириш анча оғир жиноятлар сифатида тан олинган. Бу фелонияларнинг ажратилиши инглизларнинг уйга зарар етказилишидан қўриқланадиган қалъа (менинг уйим - менинг қалъам) сифатида муқаддас деб қарашлари билан боғлиқ еди. Шу муносабат билан, ҳатто, жуда ескирган, омонат уйга ўт қўйган жиноятчининг ўзи ҳам ёқиб юбориларди.

ЎҒрилик (ларенсий) жиноятини Брактон ўзига хос тарзда тушунтириб беради. У бу тушунчани оддий ўҒрилик сифатида емас, балки анча кенгроқ маънода таърифлайди. Брактон ўҒриликни "мулқдорнинг иродасига қарши бирорнинг мулкига ёвуз ният билан, бу мулкни ўзиники қилиб олиш нияти билан мурожаат қилиши» деб тушунтиради. Едуард И даврида ҳар қандай ўҒрилик фелония сифатида ўлим жазоси билан таъқиб етилган. Бироқ Едуард III даврида (ХИВ асрда), ҳатто майда ўҒриликни фелонияга киритилиши қатъий норозиликлар келтириб чиқара бошлайди. Шунинг учун "кичик ўҒрилик" (ўҒриланган мулкнинг қиймати 12 пенсдан кам бўлган ўҒрилик) фелонияга емас, мисдиминорга тааллуқли қилинган.

Мутлақ монархия даврида Англияда оч-яланғочлар, дайдилар ва тиланчиларга қарши бир қанча қонунлар қабул қилинади. Улардан биринчиси 1495 йилдаги "Дайди ва тиланчиларга қарши" қонун еди. Шу қонуннинг биринчи моддаси шериф ва мерларга мана шундай кишиларни излаб топиб, биринчи марта оёғига кунда уриб уч суткага, иккинчи марта олти суткага қамаш кўрсатилган.

Генрих ВІІІ ва Елизавета І даврида кўплаб мана шундай қонунлар чиқарилдики, улар тиланчилар ва дайдиларга нисбатан оғир жазолар белгила-ганликлари билан тавсифланади. 1530 йилдаги қонунга кўра, шундай кишилар биринчи марта қонга ботириб урилган, иккинчи марта қулоғи қирқилган, учинчи маротада еса қатл етилган. Бундай қонунчилик Англия тарихида "**Қонли қонунчилик**" номини олди.

Жазоларнинг мақсадлари инглиз феодал хукуки ривожланишининг алоҳида босқичларида ўзгариб турган. Даствлаб жазонинг асосий мақсади жабрланувчи ва унинг қариндошларини етказилган заарни ундириш билан қаноатлантириш бўлган бўлса, кейинчалик қайта жиноят содир етилишининг олдини олиш учун қўрқитиш бўлиб қолган. Кейинги мақсадда жуда оғир жазо турларидан, масалан, тирик тандан ичак-чавоқларни суғуриб олиш, ўлгунча дарра билан савалаш ва бошқа шу кабилардан кенг фойдаланилган. XVII асрда Англияда 50 га яқин жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган еди. Ўлим жазоси турли шаклларда амалга оширилган. Уларнинг ичида ўтда куйдириш, осиб ўлдириш, тўрт бўлакка бўлиб ташлаш, чархпалакка тортиб ўлдириш жазолари кенг қўлланган. Қироллик тинчлигини бузганлик учун, черковда одам ўлдирганлик учун, ўз хўжайинини ўлдирганлик учун ва турли ўғриликлар содир етганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган. Тан жазолари жуда хилма-хил жиноятлар учун қўлланилган. Бундай жазоларга қўлларини, қулоқларини, бурнини ва бошқа тана аъзоларини кесиш кабилар кирган. Жазолардан яна бир тури тамға босиш жазоси бўлиб, у асосан жиноятчини шарманда қилиш мақсадини кўзлаган. Лекин, ўрта асрлар инглиз жиноят хукуқида енг кўп тарқалган жазо жарима бўлган. Булардан ташқари хукмон табақа учун рўзага амал қилиш жазоси ҳам қўлланган. (Рўза христианларда: гўштли, сутли, тухумли таомларни ейиш ман қилинган кунлар).

Sud jarayoni Инглиз-сакслар давлатининг дастлабки даврида суд текшируви жабрланувчи ёки унинг қариндошлари ташаббуси билан бошланган. Давлат ва унинг органлари кучайиши билан таъқиб қилиш функсияси уларга ўтган.

XII-XIII асрларда суд жараёни айблов характеристига ега бўлган, яъни ишларнинг юритилиши ҳақида томонларнинг ўзлари жон куйдирганлар. XIII асрда ҳали "худо суди" - ордалиялар мавжуд еди. Амалий далиллардан бири қасам ҳисобланган, уни бузиш жиноий

жазо келтириб чиқарган. Бундан буён тортишув-айблов суд жараёни "умумий ҳуқук" судларида фуқаролик ишлари бўйича ҳам, жиноий ишлар бўйича ҳам хукмрон бўлиб қолган. Ишнинг бевосита судялар томонидан тергов қилиниши канслер судларида ва черков судларида амалга оширилган. Бироқ маълум ҳолатларда "умумий ҳуқук" судларида ҳам қийноқлар қўлланилган. Агар айбланувчи ўзини айбдор деб тан олса, у дарҳол жазога тортилган. Агар "инدامай турса", у "Газабдан" индамаяптими ёки уни "худо урганми"- шулар аниқланган.

"Умумий ҳуқук" хиёнат ва мисдиминорлар ҳақидаги ишлар бўйича сукут сақлаш - айбга икрор бўлиш деган презумпсиядан⁷⁹ келиб чиқсан. Фелонияда айблашга индамай турган шахс қийноққа солинган. Уни темир плитага ётқизганлар ва очликда қийнаганлар. Кўпчилик қийноқ остида ўлиб кетишни афзал кўрган, негаки улар маҳкум етилмасдан ўлиш орқали ўз мол-мулкларининг мусодара қилинишидан сақлаб қолганлар. Аслини олганда, дастлабки тергов бўлмаган. Оилавий ишларни кўрувчи черков судлари (1857 йилга қадар) текширувчилар хизматидан фойдаланганлар. Бун-дай текширувчилар далилларни текширганлар ва фактларни аниқлаганлар. Уларнинг хulosалари иш бўйича суд қарорининг асоси бўларди. "Умумий ҳуқук" судларида далиллар томонларининг ўзлари тарафидан йиғилган. XV аср-нинг охирида айблов материалларининг ишончлилигини текшириш мақсадида айбловчи қасамхўрлар деб номланадиган маҳсус жюрилар чақирила бошланган. Агар улар айблаш учун далиллар етарли деб ҳисобласалар, унда айблов ҳақидаги ҳужжатни тузиб, ҳимоя важларини ешитмай, ишни "кичик жюри" судига ўтказарди. Бундай текширувни муросага келтирувчи судя ҳам ўтказиши мумкин еди. Қизиғи, ёлғон кўрсатма бериш ҳар доим ҳам инглиз судларида жиноят деб ҳисобланавермаган. Ҳатто черков судлари, ишончни бузиш ҳақидаги ишлар уларнинг ваколатига киради деб ҳисобласалар ҳам ёлғон гувоҳлик беришни ўзларининг еътиборларидан четда қолдирганлар. 1540 йилги қонун гувоҳларни сотиб олишга қарши жарима жорий етган. 1562 йилдан еса ёлғон гувоҳлик бериш фуқаролик тартибида жарима билан жазоланадиган бўлди. "Юлдуз палатаси" ёлғон гувоҳлик беришни "судда ёлғон кўрсатмалар бериш" шаклидаги жиноят сифатида тан олган.

⁷⁹ Prezumpsiya – ehtimollikka yoki taxminga asoslangan faraz; yuridik faktning aksi tasdiqlanmaguncha, shu faktni yuridik to`g`ri deb topish.

Томонлар ўз далилларини тўлиқ тақдим етганларидан кейин судя иш ҳолатларини умумлаштириши ва иш бўйича ҳуқуқий масалаларни кўрсатиб қасамхўрларга маслаҳат бериши, қасамхўрлар суди бир овоздан айбдор-нинг айбдорлиги ёки айбдор емаслиги ҳақида вердикт чиқаришлари лозим еди. Суд жараёни, "Юлдуз палатаси"даги жараённи истисно қилганда, очиқ характерга ега еди. Англияда суд жараёнининг айблов характерига ега бўлганлиги муносабати билан бу ерда маҳсус мансабдор шахслар томонидан тақдим қилинадиган давлат айблови институти ривожланмаган.

XIII асрдан профессионал ҳуқуқ ҳимоячилари пайдо бўлган. Улар икки тоифага: баристерлар ва солиситорларга, ёки атторейларга бўлинган. Баристерлар судда сўзга чиққанлар: яъни агар ишни шахсан ўзлари юритаётган бўлсалар, худди мижозлари сингари жараёнда иштирок етганлар. Солиситорлар - иш бўйича илтимосчиilar (адвокатлар сингари) асосан ишларни судда кўришга тайёрлаш билан шуғулланганлар. Дастлаб баристерлар фақат судянинг рухсати билан судда сўзга чиқиш имкониятига ега бўлганлар. XV асрнинг охиридан "умумий ҳуқуқ" судлари ўз реестрларига томонларнинг вакиллари деб тан олган шахсларнинг исми-шарифларини ёзиб қўя бошлаганлар. Шу тариқа, уларга судда иштирок етувчи ўзига хос мансабдор шахс мақоми берилган еди.

ВИ БОБ. ВИЗАНТИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (В - XV асрлар)

- *Византия давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари.*
- *Шарқий Рим империясининг ижтимоий тузуми.*
- *Византияning давлат тузуми.*
- *Византияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.*

1. Византия давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари

Византия давлати ИВ асрнинг охирида Рим империясидан унинг шарқий қисмининг ажralиб чиқиши натижасида ташкил топди ва минг йилдан ортиқ, яъни 1453 йилда унинг пойтахти - Константинопол турклар томонидан босиб олунгунга қадар яшади.

Ғарбий Рим империяси Герман қабилалари томонидан истило қилинган-дан кейин ҳам Рим империясининг Шарқий қисми яна узоқ вақт ҳукм сурди. У, ҳатто, ўзини расмий суратда Рим (Ромея) империяси деб атай-верди. «Рим империяси» деган ном бора-бора йўқолиб, «Византия импе-рияси» деган ном билан юритила бошлади (империянинг пойтахти қадимги вақтда Византия деб аталган бўлиб, 330 йилда Константин Буюк унга Константинопол деб ном берган еди). Баъзи олимлар худди шу йилни Византия империясига асос солинган йил деб ҳисоблайдилар. Лекин тарихчиларнинг кўпчилиги Византия империяси 395 йилда, яъни Феодосий I ўлгач, империя унинг ўғиллари ўртасида тақсимланиб, шарқий ярми Константинопол шаҳри билан бирга Аркадийга ўтган вақтда тузилган деб ҳисоблайди. Бол-қон ярим оролидан ва Егей денгизидаги қўпдан-кўп ороллардан ташқари, Византия империясига яна Кичик Осиё, Сурия билан Фаластин, Миср, Месопатамия билан Кавказортининг бир қисми, Қrimнинг жанубий қирғозлари киради. Византия давлатининг ривожланишини қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич (ИВ аср охири - ВII асрнинг ўртаси) қулдорчилик ту-зумининг емирилиши ва унинг ўрнида илк феодал муносабатларга асосланган Византия жамиятининг юзага келиши билан характерланади. Бу даврда давлат марказлашган монархия шаклида бўлиб, унда ҳарбий-бюрократик аппарат тараққий етган еди, лекин император ҳокимияти бироз чекланарди.

Иккинчи босқич (ВII аср охири - XII аср охири) феодал тартибларнинг шаклланиши даври бўлган. Бу даврда давлат ўзига хос чекланмаган монархия шаклида бўлиб, император ҳокимияти ўзининг енг юқори даражасига ериди.

Учинчи босқич XIII-XV асрларга тўғри келиб, бу даврда жамият-нинг феодаллашиш жараёнининг кучайиши натижасида Византияда сиёсий инқироз чуқурлашди, туркларнинг ҳарбий агрессияси кучайди. Бу босқич Византия давлатининг бирданига заифлашуви ва XIII-XIV асрларда амалда тушкунликка юз тутиши ва оқибатда XV асрда қулаши билан тавсифланади.

Византия Жанубий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, Кавказ орти халқларининг сиёсий ривожланишига муҳим таъсир ўтказган. У узоқ вақт антик давлатчилик ва ҳуқуқий меросининг сақловчиси ва давом еттирувчиси бўлиб турган. Ўрта асрлардаги Болгария, Сербия, Киев Руси ва Грузия давлатлари томонидан Византия давлатининг кенг маданий ме-росининг қабул қилиниши уларнинг прогрессив ривожланишига кўмак берган.

2. Шарқий Рим империясининг ижтимоий тузуми

Византия ўрта асрлар жамияти ривожланишининг ўзига хос хусусият-лари унинг даслабки босқичидаёқ қўзга яққол ташланади. Қулдорчилик тартибларининг емирилиш жараёни Византияда жуда секинлик билан юз берган. Товар-пул муносабатларининг нисбатан юқори даражада ривожланганлиги, кўпдан-кўп Византия шаҳарлари (Антиохия, Александрия, Дамашқ, Константинопол ва бошқалар)нинг кучли иқтисодий ва сиёсий мавқелари-нинг узоқ вақт сақланиб қолганлиги Византияning сиёсий яхлитлигига таъсир етиб, қулдорчилик тузумининг емирилишига анча вақт тўсқинлик қилиб турган.

IV-VII асрларда Византияning ҳукмрон табақасини жамиятда турлича иқтисодий ва ижтимоий мавқега ега бўлган ески сенаторлар, аристократ ва провинсиал бойлар, задагонлар ташкил қиласи еди. Уларнинг ҳукмронлик асо-сини ерга нисбатан йирик хусусий егалик ташкил қиласи еди.

Улар билан бир қаторда империянинг йирик шаҳарлари, айниқса, пойтахт Константинополнинг мунитсиапал юқори табақаси Византия жамияти ижти-моий тузумида анча юқори ўринга ега еди.

Ижтимоий тузумининг енг қуи қисмини қуллар ташкил қилас еди. Улар-нинг ҳукуқий ҳолати, кечки рим ҳукуқи нормалари билан белгиланиб, бошқа озод аҳолининг ҳукуқий ҳолатидан кескин фарқ қилас еди. Византия аҳолисини асосан еркин дәхқонлар ташкил қилас еди.

ИВ-ВИ асрларда еркин дәхқонларнинг сақланиб қолганлиги Византия иж-тимоий тузумининг асосий хусусиятларидан бири еди. Еркин дәхқонлар қўш-ничилик жамоаларида яшар едилар ва ерга нисбатан хусусий мулк ҳукуқи-га ега едилар. Улар фақат бевосита Византия давлати томонидан эксплуатат-сия қилинар еди: солиқлар тўлар едилар, турли хил оғир мулкий ва шахсий маж-буриятларни бажарап едилар. Бу даврда Византия давлатида кечки рим импе-рияси давридан мерос бўлиб қолган дәхқонларни эксплуататсия қилишнинг ўзига хос шакли - колонат кенг ривожланган еди. Византия қонунларига асосан колонлар икки групга: еркин ва ерга «ёзиб қўйганлар»га бў-линган еди. Еркин колонлар йирик ер егаларидан ерни ижарага олиб ишлашга мажбур бўлиб ва шу тариқа ер егаларига иқтисодий жиҳатдан қарам ҳолатда едилар. Айниқса, «ёзиб қўйилган» колонларнинг аҳволи оғир еди. Улар ерга мустаҳкам боғланган едилар. Еркин ва «ёзиб қўйилган» колонлар ҳам ўз хўжайинларига, ҳам давлат фойдасига мажбуриятлар ўтардилар. Бу иккала групга ҳолати ВИ асрда келиб кескин ёмонлашади.

Византияning ижтимоий тузуми ВИ аср охири - ВII аср биринчи ярмида кескин сиёсий ва ижтимоий инқироз натижасида анча ўзгарди. Арабларнинг босқини, варварларнинг бостириб киришлари ва империя худудида оммавий ўтроқлашиб қолишлари, шаҳарларнинг вайрон етилиши Византияда қулдорлик тузумининг емирилишини ва феодал муносабатларнинг пайдо бўлишини тезлаштириди.

Бўлиб ўтган урушларда ва ижтимоий тўқнашувларда Византияning кўпгина ҳукмрон табақалари вакиллари қирилиб кетди. Шу билан бирга давлат мулкчилиги шаклининг, жамоа ер егалигининг сақланиб қолганлиги ва ерга нисбатан чекланмаган хусусий мулкчиликнинг кенг тарқалганлиги Византияда янги феодал муносабатларнинг тараққий етишига жиддий тўсқинлик қилас еди.

ВИ асрнинг биринчи ярми ва ВII асрнинг биринчи ярми ўртасида Византияning ижтимоий тузумидаги зиддият айниқса авж олди. Бу вақтда Византиядаги қулдорлик тузумининг емирилаётганлиги очик кўриниб турарди, қишлоқ хўжалигига,

хунармандчиликда еркин меҳнат қул меҳнати-ни тобора сиқиб чиқараётган еди. Шундай бўлса ҳам қулчилик тамоман тугатилмаган еди. Янги, анча прогрессив бўлган феодал муносабатлар нисбатан секинлик билан таркиб топиб келаётган ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши тўхталиб қолмоқда еди. Бу, масалан, Болқон ярим оролида ва Кичик Осиё вилоятларида бир вақтлар жуда серҳо-сил бўлган ерларнинг анча кўп қисми ендиликда бўм-бўш, қовжираб ётганлигига кўзга ташланган. Шаҳар камбағаллари, қуллар, колонлар ва жамоачи-дехқонларнинг турли халқ ҳаракатлари Юстиниан императорлигининг сўнгги йилларида тез-тез кўтарилиб, ВИ аср охирлари ва ВІІ асрнинг биринчи ярмида бу ҳаракат янада кучаяди.

Византиядаги келгинди славян дехқон аҳолининг аҳволи «Дехқон-чилик қонуни»да жуда яхши таърифланган; бу манба ВІІ асрга оидdir, ле-кин унда ВІІ асрдаги аграр муносабатлар ҳам акс етган. Ушбу манбага қараб фикр юритилганда, дехқонлар еркин аҳоли бўлиб, уларнинг ўз екинзор-лари, токзорлари ва боғлари бўлган. Дехқонлар хўжалигига дехқончилик-нинг ўзидан ташқари, чорвачилик ҳам катта рол ўйнаган. Ҳар бир дехқоннинг ер участкаси екинзор, токзор ва боғдан иборат бўлиб, унинг ўз хусусий мулки ҳисобланган, лекин унда жамоа ер егалигининг аломат-лари очик қўриниб туради. Участка «улуш», «қуръа» деб аталган.

Бу нарса ерларнинг тақсимланганлигидан далолат беради. Қонунда, дастлабки тақсимлаш нотўғри қилинган бўлса, ерни қайта тақсимлаш ҳам назарда тутилган. «Дехқончилик қонуни»да далалардан екин йиғишириб олингандан кейин ерларнинг ҳаммаси очик ўтлокқа айлантирилиб, унда бутун қишлоқ чорвасининг боқилиши ҳам писанда қилинган. Егаси ташлаб кетган тақдирда ер жамоага топширилиши керак еди. Қишлоқнинг асосий аҳолиси, яъни қўшничилик жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган дехқонлардан ташқари, «Дехқончилик қонуни»да яна камбағал дехқонлар тўғрисида ҳам гапирилади, камбағал дехқонлар қисман катта ер егалари-дан, қисман еса жамоачи дехқонларнинг ўзидан ер участкаларини ҳосил-нинг ярмисини бериш шарти билан (тeng шерикка) ижарага олардилар. Дехқон-ларнинг яна бир туркуми тилга олинади, улар катта ер егаларига маҳсус ушр (мортита) тўлар едилар. Афтидан, булар ҳам ижараби-дехқонлар бўлганлар-у, лекин уларнинг аҳволи ерни teng шерикка олган дехқонлар аҳволидан ях-широк еди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг ҳам бир вақтлар ўз

ерлари бўлган, бироқ кейинчалик йирик ер егаларига қарам бўлиб қолган-лар. Ниҳоят, «Дехқончилик қонуни»да айтилишича, ер егаларининг ер-ларида ишлаш учун ёлланган батраклар, қишлоқ хўжалик ишчилари (мис-тотлар) гурухи бўлган.

Шундай қилиб, «Дехқончилик қонуни» жамоанинг табақаларга ажрала бошлаганлигидан, жамоа аъзоларининг ўз ёнидаги катта дунёвий ер егалари ёки черков-монастир ер егаларига қарам бўла бошлаганлигидан ҳам далолат беради. Славянлар империяни худди муҳтоҷ нарсасига - жуда кўп еркин дехқонларга ега қилдилар. Византияда тушқунликка юз тутган ва умри тугаб қолган қулдорлик тузуми ўрнига, еркин дехқонлар заминида янги феодал муносабатлар ривожлана оларди.

Сон жихатидан кўпайган, иқтисодий жихатдан мустаҳкамланган, жамоа-ларга уюшган Византия дехқонлари ВПИ-ИХ асрларда ишлаб чиқариш куч-ларини муваффакиятли ривожлантирди, мамлакатни Ғалла билан, дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, токчилик маҳсулотлари билан тўла таъминлаб турди. Шу билан бир вақтда ҳукумат дехқонлардан мунтазам равишда ер солиғи олиб туради. Бу давлат молиясини анча тартибга солди. Ниҳоят, дехқонлар Византияда барпо етилаётган янги қўшин учун манба бўлиб хизмат қилди.

ИХ-ХИ асрларда Византияning феодаллашув жараёни тез авж олиб бор-ди. Еркин дехқонларнинг сони шу қадар тез камайиб бордики, мамлакат му-дофаа қобилиятининг пасайишидан, шунингдек, аҳолидан тушадиган солиқ маблағларининг камайишидан қўрқиб, императорларнинг ўзлари ҳам таш-вишга туша бошладилар. Динатлар томонидан дехқон ерларининг босиб олинишига қарши X асрнинг биринчи ярмида императорлар бир неча марта фар-монлар - новеллалар (922, 934 ва 947 йиллардаги новеллалар) чиқарди. Импе-ратор Василий II бир неча янги фармон чиқарди. Унинг новеллаларидан бири-да (996 йил) катта ер егаларининг жамоачи-стратиотлардан илгари тортиб олин-ган ҳамма ерларни дехқонларга қайтариб берилиши талаб қилинди⁸⁰. Бироқ бу фармон ҳамда шу каби бошқа фармонлар яхши бажарилмади. Феодал зодагонлар шу қадар кучайиб кетган едики, 1057 йилда македонияликлар династиясининг ўрнини олган ва Кичик Осиёдаги зодагон йирик ер егала-ридан чиққан Комнилар династияси еркин дехқонларнинг қолган-қутганла-рини ҳам феодалларга ем қилишга

⁸⁰ 996 yilgi novella stratiot va dehqonlarning yerlarini qo'lg'a kiritib olgan katta yer egalarining «huquqlari»ni muhofaza qilib kelgan va qirq yil muhlat deb atalgan narsani bekor qilgan.

ҳар томонлама кўмаклашди. Комнин-лар айрим-айрим қишлоқларнигина емас, балки бутун-бутун округларни катта ер егаларининг прониясига (айнан таржима қилганда: Ғамхўрлигига, вассийлигига) берди. Бу еса ўзларига тобе аҳолини бевосита крепостнойга айлан-тириш йўлидаги тадбир еди. Прониар - иммунист давлат солиқларининг бир қис-мини ўз фойдасига йиғиб олиш ҳуқуқига ега бўлди. Кўл остидаги аҳолини унинг ўзи суд қилар еди. Бу ерлар аста-секин феодалнинг наслдан-наслга ўтадиган хусусий мулки бўлиб қолди.

ХI-XII асрлардан бошлаб Византияда хусусий егаликдаги дехқонлар-нинг сони жуда тез ўса бошлади, еркин дехқонларнинг ваҳатто давлат дехқон-ларининг сони бир мунча камайиб кетди. Хусусий егаликдаги дехқонлар **па-риклар** деб юритилган. Феодалларнинг ерида дехқончилик қилиб, унга оброк - феодал рентаси тўловчи крепостной дехқонлар - париклар Византия қишлоқла-рида кўпчиликни ташкил етадиган бўлиб қолди. Улар ерга егалик қилиш ҳуқу-қидан маҳрум бўлиб, фақат ўз меросий ер улушларини ушлаб турувчилар ҳисобланардилар, хўжайинга ишлаб бериш, натурал ёки пул шакларида рента солиғи тўлаш мажбуриятига ега едилар. Улар давлат дехқонларидан фарқ қилиб XPI-XV асрларга қадар ерга бириктириб қўйилмаган еди.

Византия жамиятининг енг қуи қисмида илгаригидек қуллар турарди. Қулчиликнинг узоқ вақт сақланиб қолганлиги Византия ижтимоий тузумининг характерли белгиси ҳисобланади. Қул меҳнатидан уй хўжалигида кенг фойда-ланилган. Улар асосан ҳовли ичидаги ҳар хил ишларни бажаришарди. Улардан қишлоқ хўжалик ишларида, айниқса суғориш, йўл курилиши ишларида, тош конларида ва шу кабиларда ҳам фойдаланардилар. Деярли ҳар бир Византия зодагонининг уйида хизматкор қуллар бор еди. X-XI асрларга келиб уларнинг ижтимоий аҳволи бироз яхшиланди. Масалан, улар черковда никоҳдан ўтиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Еркин кишиларни қулга айлантириш тақиқланган. Қуллар тез-тез париклар ҳолатига ўтказиб турилган. XI-XII асрларда қуллар би-лан бошқа эксплуататсия қилинувчи кишилар ўртасидаги фарқ деярли йўқолади.

3. Византияниг давлат тузуми

ИВ-ВII асрлардаги Византия давлати кечки рим империяси давлат тузумининг асосий хусусиятларини сақлаб қолган еди. Давлат бошида имп-ратор - рим сезарлари ҳокимиятининг меросхўри турарди. Император давлатда бутун қонун чиқарувчи, суд ва ижро етувчи ҳокимиятларнинг бошлиғи бўлиб, христиан черковининг ҳомийси ва ҳимоячиси ҳисоб-ланарди.

Византияning провослав черкови императорнинг обрў-еътиборини кўтаришда жуда катта рол ўйнади. Фарб (католик) черковидан фарқли ўлароқ византия черкови иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан императорга тўла қарам еди, чунки у қудратли марказлашган давлат шароитида мавжуд еди.

Илк Византия черкови императорларга тўла қарам еди. Черков ишларига раҳбарлик қилишга император Юстиниан айниқса кўп аралашар ва юқори диний вакиллар билан худди ўзининг ноибларидек муомала қиласади.

Лекин ИВ-ВII асрларда император ҳокимияти тирания шаклида емас, яъни у ўзбошимчалик билан, ўз хоҳишича ҳокимиятни амалга ошир-мас еди. Императорлар империянинг «умумий қонунларига» амал қилишлари шарт еди. Яна бир хусусияти Византияда император ҳокимияти наслдан-наслга мерос бўлиб ўтиши мумкин емасди. Янги Византия императори сенат, «Константинопол халқи» ва армия томонидан сайланар еди.

Бу даврда Византия сиёсий ҳаётидаги муҳим омил император номзодини «Константинопол халқи» томонидан қўллаб-қувватланиши еди. ИВ асрдаёқ император фармони билан «Константинопол халқи»га – Константинопол ипподромига йиғилган пойтахт аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари ва гуруҳларига илтимослар билан чиқиш ва императорга талабнома билдириш ҳуқуқи берилганди. Византияда маҳсус сиёсий ташкилотлар - шаҳар пар-тиялари (димлари) тузилади. Уларнинг орасида анча йирик иккитаси «зангори» ва «яшил» партиялар муҳим ўрин тутган.

Бу партияларнинг ижтимоий асосини турли хил ҳукмрон синф вакиллари ташкил қиласади. «Зангори» димларни сенаторлар ва мунитсијал аристократлар, иккинчисини Византия шаҳарларининг савдо-молия ҳукмрон доиралари қўллаб-қувватладилар. Димлар маълум тартибда тузилган ташкилотларига ва ҳатто куролланган отрядларига ега едилар. В асрда пойтахт димларига ўх-шаш димлар Византия империясининг бошқа шаҳарларида ҳам тузилади. Улар

аста-секин бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ўзига хос умумимперия ташкилотлариға айланади. ИВ-ВИ асрларда димлар сиёсий ҳаётда жуда муҳим рол ўйнайди. Византия императорлари ўз сиёсатларида тез-тез шундай партиялар кўмагига таянишга мажбур еди.

Император ўзбошимчалигини чеклаб турувчи яна бир бошқа омил Византия аристократиясидан ташкил топган маҳсус давлат органи - Константинопол сенатининг мавжудлигига еди. Сенатда империянинг ҳар қандай ишлари кўрилиши мумкин еди. Унинг таркибига Византия хукмрон табақаларининг деярли барча вакиллари киради. Бу унинг таъсири ва кучини оширади. В асрга келиб сенаторлар сони икки мингтага етади. Давлат ишла-рининг сенат томонидан муҳокама қилиниши, шунингдек, унинг янги императорни сайлашда қатнашиш ҳуқуқи Византия зодагонлариға давлат ишларида иштирок етишлари учун маълум имкониятлар яратади.

Худди шунинг учун ҳам дастлабки Византия императорлари, құдратли Юстиниан И ҳам ўз қонун ҳужжатларини чиқаришда «буюк сенат ва халқнинг розилиги» зарурлигини тан олардилар. Бу еса республика давлатчилигидан мерос бўлиб қолган айrim сиёсий одатларнинг мустаҳкамлигидан далолат берарди.

ВИИ асрдан Византия марказий ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш бошланади. Бу еса узоқ вақтгача Византия давлатчилигининг ривожлан-тириш йўлларини белгилаб берган еди. IX-X асрларда янги - феодал асосдаги иқтисоднинг барқарорлашуви Византия давлатининг марказлашуvigа ва кенг босқинчилик сиёсатини юритишига асос бўлди. Византия давлати Македонияликлар сулоласи томонидан идора қилинган давр (867-1057 йиллар) да ўз ривожланишининг юқори чўққисига еришди ва улкан бюрократик аппарат ёрдамида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча томонларини назорат қилишга ҳаракат қилди. Империянинг қаттиқ марказлаштирилганлиги Византияни ўша вақтдаги Европа феодал давлат-ларидан кескин ажратиб турарди.

ВИИ асрда императорнинг мутлақ ҳокимиятини илгари чегаралаб турув-чи сиёсий ташкилотлар ва муассасалар фаолияти IX асрдан бошлаб, ҳатто, им-ператорнинг «Константинопол халқи» томонидан номигагина еълон қилиниши ҳам тўхтатилган. ВІІ асрнинг охириданоқ қулаг бораётган Константинопол сенатининг сиёсий роли IX асрнинг охирида императорнинг маҳсус фармони билан батамом йўққа

чиқарилди. Унга кўра, сенат империя қонунларини қабул қилишда иштирок етиш ҳуқуқидан маҳрум етилган еди.

Православ (юнон) черкови Византияда ягона йирик куч сифатида ўз мавқенини сақлаб қолди. Унинг обрўси ва таъсири мустаҳкамланди. Хусусан, Византиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Константинопол патриархининг черков бошлиғи сифатидаги роли ўсади. Патриархлар кўпинча кичик ёшли императорларнинг регентлари (муваққат подшо) бўлиб қолди ва бевосита тож-тахт учун бўлган сиёсий курашларга аралашди. Лекин Византия черкови бу даврда ҳам ҳали император ҳокимиятидан тўла мустақилликка ериша олмаган еди. Император черков амалдорлари томони-дан тақдим қилинган учта номзод орасидан патриарх тайинлаш ва ўзига ёқмаган патриархни вазифасидан четлатиш ҳуқуқини сақлаб қолди.

ВИИ-ИХ асрларда император ҳокимияти асосларининг мустаҳкамланиши билан унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўзгарди. Византия императорлари василевс (подшо) ва автократ (ҳокими мутлақ) деган юнон унвонларини тўла-тўқис қўлга киритди. Император - василевсга ҳурмат-еҳтиром, сажда қилиш мисли қўрилмаган даражада ўсади. Унинг шахси ҳатто илоҳий даражага кўтарилиди. Императорнинг имтиёзлари чекланмаган. Василевс қонунлар чиқарган, олий чиновникларни тайинлаган ва алмаштириб турган, олий судя ва армия ҳамда флотнинг бош қўмондони ҳисобланган.

Бироқ, шуларга қарамай, императорнинг бундай мутлақ ҳоким сифати-даги мавқеи мустаҳкам емас еди. Манбалардан маълумки, Византияда барча императорларнинг тахминан ярми мажбуран ҳокимиядан маҳрум етилган. Византияликларда тахтни мерос қилиб ўтказиш тартиби узоқ вақтга-ча мавжуд емас еди. Василевснинг ўғли тахтнинг қонуний меросхўри си-фатида қўрилмасди. Император туғилишдан емас, балки «Худонинг танлаши» дан ҳокимиятни оларди. Шу сабабли императорлар ҳаёт чоғларида ама-лиётда кўпинча ўзларига ҳокимдошлар сайлаб, меросхўрларни тайинларди-лар. Византияда XI асрга келиб қонуний тахт ворислиги принсиби ўрнатилган еди.

Византияда маросимларнинг анъанавийлиги, мутаассиблиги, ескириб қол-ганлиги, уларга икир-чикирларигача амал қилиниши императорнинг шахсий имкониятларини жиддий кишанлар еди. Императорларнинг реал ҳокимияти тобо-ра кучсизланиб боради. Бунга феодал муносабатлар таъсирида туғилган ян-ги тенденсиялар

ҳам сабаб еди. Феодализм ривожланиши билан императорлар ва йирик феодал ер егалари (динатлар) ўртасида Византия давлатчилиги ама-лиёти учун янги ҳисобланган сенорлик-вассаллик муносабатлари шакллана-ди. X асрдан бошлаб Византия ҳукмдори ўзининг баъзи фуқаролари – динат-лари билан тез-тез феодал шартномалар тузишга ва ўзига сенорлик мажбу-риятларини олишга мажбур бўлади.

Византия давлат тузуми учун унинг ривожланишининг асосий босқич-ларида жуда катта марказий ва маҳаллий бюрократик аппаратнинг мавжудлиги характерли еди. Мазкур аппарат қатъий иерархияга асосланган еди. Византияning барча чиновниклари ранглар (титуллар)га бўлинган. Уларнинг тизими жуда чуқур ишлаб чиқилганди. X асрдаги Византияning «мартабалар ҳақи-даги жадвали»да 60 та шундай ранглар (мартабалар) бўлганлиги ҳисоблаб чиқилган. Империяning марказий бошқаруви **Давлат кенгаши (консисто-рия, кейинчалик синклит)** қўлида еди. У император ҳузуридаги олий орган бўлиб, давлатнинг кундалик ишларига раҳбарлик қиласади. Унинг функциялари аниқ ўрнатилмаган ва у давлат ҳаётида муҳим сиёсий рол ўйнарди. Давлат кенгаши императорнинг яқин ёрдамчилари ҳисобланган олий давлат ва сарой чиновникларидан иборат таркибда еди. Бу чиновниклар қаторига **иккита претория префекти, Константинопол префекти, магистр ва сарой квестори, иккита молия комитаси** кирган. Империяning ушбу олий чиновниклари кенг ваколатларга, шу жумладан, суд функцияларига ега бўлганлар. Маса-лан, иккита претория префекти маҳаллий давлат аппаратининг олий раҳбарлари ҳисобланган; Константинопол профекти пойтахтнинг фуқаролик ишлари бўйи-ча ҳукмдори ва сенатнинг раиси еди.

Олий сарой чиновниклари ҳисобланган магистр ва квестор ҳам муҳим функцияларга ега еди. Магистр - сарой бошлиғи, квестор - бош юрист ва консистория раиси ҳисобланган. Улар кенг бюрократик аппарат ёрдамида бевосита империяning ички ишларини идора қиласадилар. Бу вақтда Византия чиновникларининг умумий сони жуда катта еди. Факат иккита претория префекти идораларининг ўзида 10 мингдан ортиқ фуқаролик чиновниклари хизмат қиласади.

ИХ-ХИ асрларда марказий давлат аппаратининг роли ўсган. Бюрократик давлат аппарати бу вақтда Византияning сиёсий, иқтисодий ва ҳатто маданий ҳаётининг барча соҳаларини назорат қиласади. Унинг таркибий тузилиши янада мураккаб ва улкан еди. Идоралар («секретлар») сони 60 тага ошганди. ИХ асрдан еътиборан

император хўжалиги ва саройининг ўсиши оқибатида сарой маъмурияти мураккаблашган. Давлат идоралари ва сарой хизматчилари ўртасидаги фарқлар анча аниқ тус олади. Сарой маъмурияти тез-тез умумдавлат ишларига раҳбарлик қилишга кириб кела бошлайди. Бу даврда Византия марказий бошқаруви учун характерли бўлган яна бир жиҳат шундан иборат еди, алоҳида давлат функциялари турли, кўпинча бир-бирини тақоролайдиган давлат идоралари ўртасида майдаланиб ажратила бошланганди. Масалан, молиявий бошқарув ВІІ асрдан бошлаб бир-бирига бўйсунмайдиган бир қанча «секретлар»га бўлинган еди. Суд функциялари турли муассасалар: патрик суди, шаҳар префекти суди (еперх), императорнинг сарой хизматчилари учун маҳсус суд ва бошқалар ўртасида тақсимланганди.

Mahalliy boshqaruв

Империянинг маҳаллий давлат аппарати ИВ-ВІІ асрларда тўла кечки рим империясининг бошқарув тизимига асосланганди. Империя префектураларга, диосезларга ва провинсияларга бўлинган еди. Фуқаролик ҳокимияти ҳарбий ҳокимиятдан ажратилган ҳамда ундан устун мавқеда еди. Империянинг маҳаллий бошқаруви тепасида иккита претория префекти турарди. Бу олий фуқаролик чиновниклари кенг маъмурий, суд ва молиявий ҳокимиятга ега едилар. Диотсезлар ва провинсияларнинг фуқаровий ҳукмдорлари ушбу префектларга бевосита итоат етардилар. Маҳаллий бошқарувнинг асосий бўғини бўлган провинсияларнинг ҳукмдорлари кенг маъмурий ва молиявий ваколатлар билан бирга, суд ҳокимиятига ҳам ега едилар. Улар ўз провинсиялари доирасида барча муҳим суд ишлари бўйича биринчи инстансиядаги судялар ҳисобланарди.

ВІІ асрда ески маҳаллий бошқарув тизими ўрнига янги **фем тизими** юзага келди. Фемлар ҳарбий округлар сифатида вужудга келиб, дастлаб ески провинсиялардан анча катта еди. Фемлар тепасида **стратиглар** туриб, бутун ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўз қўлида тўплади. Империя маҳаллий бошқарувининг ҳарбийлаштирилиши ташқи сиёсий аҳволнинг ва Византия жамиятидаги ижтимоий-синфий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви натижаси еди. Кейинчалик, жамиятнинг феодаллашуви кучайиши оқибатида маҳаллий бошқарувнинг фем тизими кучлизана борди ва ХІ асрга келиб батамом инқирозга учради.

Armiya

ИВ-ВІІ асрларда Византияда армия кечки рим

империяси армияси намунасида чегара ва ҳаракатчан қўшинларга бўлиниш асосида ташкил қилинганди. Византия императорлари ҳокимиятни ҳарбий даҳолар томонидан егаллаб олинишининг олдини олиш мақсадида армияга олий бошқарувни бешта раҳбар (магистр) ўртасида тақсимлаб қўйганди. Византия армиясининг таркиби секинаста ўзгариб борди. ВИ-ВII асрларда армияда варварлар сони кўпайиб, аҳамияти тобора ошди.

Византия давлати ривожланишининг иккинчи даври (VII аср охири - IX аср) бошланиши билан армиянинг асосини стратиотлар (дехқонлар)дан иборат кўнгилли қўшинлар ташкил етди. Бу вақтда Византияning қудратли ҳарбий флоти ҳам тузилади.

X-XI асрларда Византия армиясининг қиёфаси янада ўзгарди. Жамиятнинг феодаллашуви жараёнининг кучайиши билан стратиотларнинг кўнгилли қўшини ўз аҳамиятини йўқотди. Стратиотларнинг иқтисодий ва ижтимоий мустаҳкамланган юқори қисмидан иборат отлиқ аскарлар армия-нинг ядроси бўлиб қолди. Енди бу профессионал қўшин бўлиб, ҳали юқори даражадаги жанговар армия емас еди. Шунинг учун Византия импера-торлари тез-тез чет мамлакатларнинг (асосан, Ғарбий Европа ва Киев Русининг) ёлланма қўшинлари ёрдамига мурожаат қиласидилар. Ташкилий жиҳатдан Византия армияси илгаригидек икки қисмга: пойтахт ва маҳаллий (фемлар бўйича) контингентга бўлинганди. Бунда фемлар бўйича қўшинларнинг роли ва аҳамияти тобора пасайиб боради.

XI-XII асрлар бўсағасида жуда юқори даражада марказлашган Византия давлати ўз таркибидаги халқларнинг прогрессив ривожланиши йўлида объектив жиҳатдан тўғаноқ бўлиб қолганди. XII асрда Византияning сиёсий ва ижтимоий-иктисодий инқирози оқибат натижада Византия давлатининг тарихан қонуний ҳалокатга учрашига сабаб бўлган. Тўртинчи салиб юриши (1202-1204 йиллар) буюк давлат бўлган Византияни йўқ қилди.

4. Византияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

**Huquq
manbalariga
umumiyl tafsif**

Минг йилдан ортиқ тарихга ега бўлган Византия ҳуқуқи ўрта аср Европаси учун ноёб ҳодиса еди. У нисбатан юқори даражада барқарор-лиги, турғунлиги, мустаҳкамлиги, ички яхлитлиги, шунингдек, ўзгариб борувчи ижтимоий-иктисодий

ва сиёсий шароитларга мослашувчанлиги билан тавсифланади. Византияда ҳуқуқнинг бу жиҳатлари қатор тарихий омиллар билан белгиланади. Бундай омиллар орасида Византия-даги анъанавий кучли марказлашган императорлик ҳокимиятининг мавжуд-лиги, рим ҳуқуқининг мерос қилиб олинганлиги, христиан черковининг тутган ўрни кабилар муҳим аҳамиятга ега еди. Бу омиллар ҳуқуқнинг яхлит ҳолга келтирилишига таъсир етади, уни тизимга солинган ҳуқуқ сифатидаги хусусиятини белгилайди.

Византия давлати ривожланишининг илк босқичидаёқ ўзига хос ҳуқуқий тизим шаклланади. У бевосита рим ҳуқуқидан ўсиб чиқкан, лекин у ўзида жамиятнинг феодализмга ўтиш хусусиятларини акс еттирад, ижтимоий ва ирқий хилма-хиллиги билан ажралиб турарди. Албатта вақт ўтиши билан ва маҳаллий шароитлар таъсирида рим ҳуқуқий институтлари ўзгариб борди, лекин рим ҳуқуқининг асосий хусусиятлари ўзгармади, унинг асослари тўла сақ-ланиб қолди. Чунки Византияда қулдорчилик тузуми узоқ вақт ўзгармай ҳукм суради.

Рим ҳуқуқининг византия ҳуқуқига тўғридан-тўғри мерос бўлиб ўтишини аввало император қонунларида кўриш мумкин. Византия давлати Рим императорларининг қонунларини ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида қабул қиласди. Византия сиёсий тизимининг нисбатан мустаҳкамлиги бу ерда бирин-чи марта рим императорлари конститутсияларининг ва кейин бутун рим ҳуқуқи-нинг кодификатсия қилинишига шарт-шароит яратади. Масалан, биринчи рим қонунлари тўплами - Феодосий кодекси 438 йилда тузилганди. Унга Конс-тантин ҳукмронлиги вақтидан (312 йилдан) бошлаб барча рим императорларининг конститутсиялари киритилади. Шу тариқа, Византияда бу тўпламга киритилмай қолган анча қадимги рим қонунлари ўз кучини йўқотади.

ИВ-ВИ асрларда Византияда ҳуқуқий қарашлар ва таълимотлар анча юқори даражада ривожланди, мустақил ҳуқуқий мактаблар ташкил топди. Масалан, Байрут ва Константинополдаги ҳуқуқий мактаблар анча машҳур еди. Байрут ҳуқуқий мактабида фаолият кўрсатган ва ўқитувчилик ишларини императорликнинг кодификатсия ишлари билан қўшиб олиб борган Домнин, Скилиатсий, Кирилл, Патрикий ва бошқалар айниқса машҳур еди.

Византия юристлари фақат антик ҳуқуқий ва маданий анъаналарни сақлаб қолувчилар емас, балки буларни янги ижтимоий-сиёсий муносабат-ларга мослаб ўзгартирувчилар, рим ҳуқуқига

қўшимча ва ўзгартишлар киритувчилар сифатида ҳам майдонга чиқадилар.

Шу тариқа, Византияда жуда йирик миқёсда кодификатсия ишларини ўтказиш учун замин яратилади. Айнан шу пайтда, аниқроғи ВИ аср ўрталарида, машхур юрист Трибонион бошчилигига рим ҳуқуқини тизимга солиш ишлари амалга оширилади ва натижада **Юстинианинг қонунлари тўплами** (Сорпус журис сивилис) вужудга келади. Мазкур қонунлар тўплами XI асрга қадар Византия ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб, унинг асосида Византияning ҳуқуқий тизими тўла-тўқис шакланади.

Юстиниан қонунлари тўплами мазмунан рим ҳуқуқининг баёни бўлиши билан бирга, айни пайтда византия ҳуқуқининг баъзи ўзига хос хусусиятларини ҳам акс еттиради. Бу Дигесталарнинг матнига, Кодексга ва айниқса Юстиниан новеллаларига киритилган ўзгаришларда қўзга яққол ташланади. Тўпламнинг охирги қисми лотин тилида емас, юонон тилида ёзи-либ, Юстинианинг 160 га яқин конститутсияларини ўз ичига олди ва улар маълум даражада ўша вақтдаги византия жамиятининг ўзига хос шарт-шароитларини акс еттиради.

Византия юристлари классик даврдаги ўз ўтмишдошларидан фарқ қи-либ, ҳуқуқий нормаларни баён қилишда ескирган усуллардан фойдаланмас-ликка, уларни оддий ва аниқ ифода қилишга, ибораларга тушунтиришлар бериш-га, содда ва тушунарли тушунчалар ишлаб чиқишига ҳаракат қилдилар. Ма-салан, Дигесталарнинг сўнгги - 50-китобидаги махсус 16- ва 17-титулларида турли сўзлар ва асосий тушунчаларга шарҳлар берилади. Ибораларга таъриф бериш айниқса ҳуқуқ бўйича ўкув қўлланмаларига, жумладан Юстиниан Институтсияларига ҳам хосдир. Ўша вақтда Кирилл Катта томонидан ёзил-ган «Таърифлар ҳақида»ги қўлланма анча содда ва тушунарли бўлиб, жуда оммабоп ҳисобланарди.

Византия ҳуқуқий тизимининг шакланишига шарқий провинсияларда қўпроқ сақланиб қолган ҳуқуқий одатлар ҳам маълум даражада ўз таъсири-ни ўтказди. Одат ҳуқуқи ўзига хос қадимийлиги ва ескирганлиги билан рим ҳуқуқининг мантиқан мукаммаллигига путур етказди, лекин шу билан бир-га янги ижтимоий муносабатлар жамоа ва феодал муносабатларининг ривож-ланишини акс еттирувчи ҳаётий муҳим оқимни келтириб чиқарди. Масалан, кечки юонон

хуқуқидан Юстиниан қонунлари тўпламига емфитеувзис⁸¹ инсититути, шунингдек, фарзандликка олишнинг ва ҳокимият остидаги шахсларнинг емансипатсия (озод) қилишнинг янги шакллари ва бошқалар кириб келган еди. Шарқ ҳуқуқи таъсирида еса ёзма иш юритиш ва суд ишлари олиб бориш жорий қилинди. Бу ўз навбатида даъволарнинг ески тизимини бекор қилинишига ва екстраординар⁸² жараённинг ўрнатилишига олиб келди.

Юстинианинг қонунлари тўпламига киритилган кўпгина қўшимча-лар юридик амалиётдан келиб чиқмаган, балки Византияда тарқалган Фо-явий оқимлар (платонизм, стоитсизм⁸³, христианлик)ни акс еттиради. Юстиниан қонунларига айниқса христиан дини кўпроқ таъсир етди. Масалан, Институтсия-лар ва Кодекс бевосита императорнинг Христосга мурожаати билан очилади, қонунларнинг ўзида еса муқаддас китобларга ҳаволалар кўплаб учрайди. Баъзи ҳуқуқий институтлар соф диний руҳда талқин қилинади, чунончи, никоҳ-га ендиликда «илоҳий алоқа» (нехум дивинум) сифатида қаралади. Христианлик таъсири остида рим ҳуқуқининг ратсионалистик схемасига баъзи етиқ (ахлоқий) конструксиялар киритилди. Масалан, Юстиниан ўз Дигесталарида ҳуқуқ (жус) тушунчаси билан бирга анъанавий «одил судлов» (жустишиа) тушунчасидан ҳам фойдаланди, лекин «одил судлов»ни христиан ахлоқи руҳида «адолат» сифатида изоҳлади. Юстиниан ўз қонунлари тўпламига «табПй ҳуқуқ» конструксиясини киритди, лекин уни ПИ асрда классик юристлар тушунган маънода емас, балки илоҳий тақдим асосида ўрнатилган ҳуқуқ сифатида шарҳлади. Классик рим ҳуқуқининг тўла-тўқис қайта ишланиши асосан Византия ҳуқуқи ривожланишининг кейинги даврларига тўғри келади.

Византия судларида Юстиниан қонунлари тўпламини қўллаш катта қи-йинчиликларга олиб келди. Унинг кўпгина қоидалари ескириб қолганди, лекин асосийси - у империя аҳолиси учун жуда мураккаб ва амалга ошириб бўл-майдиган еди. Шу сабабли ВИ-ВII асрларда Византия юристлари томонидан юон тилида амалий мақсадлар учун Юстиниан қонунларига соддалаштирил-ган шарҳлар тузилади. Бундай шарҳлар ҳикоялар, рўйхатлар (кўрсаткич-лар),

⁸¹ Emfitevzis (yunoncha emphyteusis so'zidan olingan bo'lib, «odatlantiraman, joriy qilaman» degani) qadimgi qator davlatlar (Misr, Yunoniston, Rim va boshqalar)da yer uchastkasini uzoq muddatga ijaraiga berish turi.

⁸² Ekstraordinar jarayon – Qadimgi Rimda ishni sudda ko`rishga davlat vakili tayyorlaydigan jarayon.

⁸³ Stoitsizm – Yunon va Rim falsafasida materializm bilan idealizm o`rtasida turgan ratsionalistik falsafiy ta'lilot; lug`aviy ma'nosi-matonat, mardlik, sabot.

изоҳлар, еслатмалар каби кўринишларда чиқарилади. Хусусан, Феофан томонидан ҳуқуқшунос талабалар учун юон тилида тузилган Юстиниан Институтсиялари ҳақидаги ҳикоялар, шунингдек, Стефан томонидан тузилган Юстиниан Дигесталарига изоҳлар анча машҳур еди. Византия юристлари Юстиниан қонунлари тўпламидан парчалар келтириш асосида амалий тўп-ламлар ҳам туздилар. Уларда шартномаларнинг рўйхатлари ва намуналари, даъволарнинг формулярлари (номаи аъмоллари) ва бошқалар берилди.

Айнан шу вақтда Византияда қатор янги император қонунлари қабул қилинди. Уларда жамоа тартибининг ривожланиши таъсири остида тобора кўпроқ одат ҳуқуқи нормалари қабул қилина борди. Шу тариқа, Византия ҳуқуқий тизими ривожланишининг характерли тенденсияларидан бири, хусусан, император ҳокимиятининг бутун ҳуқуқини ёзма қонунда мустаҳкамлашга уриниши намоён бўлди.

ВІІ-ХІВ асрларда Византия ҳуқуқининг асосий ёдгорликлари. ВІІ-ВІІІ асрларда Византия ҳуқуқий тизими чуқур иқтисодий инқироз, ша-ҳарларнинг таназзули, давлат ерларига варварларнинг ўрнашиши, арабларнинг бостириб кириши ва бошқалар натижасида оғир синовларни бошидан кечиради. Айнан шу вақтда Византия ҳуқуқининг кечки рим ҳуқуқидан ўрта асрлар ҳуқуқига айланиши жараёни аста-секин ниҳоясига етди. ВІІІ асрда уму-мий иқтисодий ва маданий кўтарилиш муносабати билан Византия импера-торларининг ва ҳуқуқий мактабларининг қонун чиқариш фаолияти яна жонланди.

Византия ҳуқуқи тарихининг иккинчи босқичида қонунчилик нафақат рим ҳуқуқий анъаналари ва одат ҳуқуқи билан, балки Византия юристларининг шахсий тажрибалари шарофати билан ҳам анча мослашувчан ва ҳаётий мустаҳкам бўлиб қолди. Айнан Византия жамиятининг ҳаётий еҳтиёжлари қонунларни тизимга солиш бўйича ва Юстиниан кодификатсиясини қайтадан ишлаб чиқиш бўйича янги ишларни амалга оширишни талаб қилди. Чунки Юстиниан кодификатсияси лотин тилида бажарилган бўлиб, уни фақат тор даражадаги шахсларгина тушунар едилар, холос. Гарчанд Юстиниан Дигесталарида кўпгина иборалар ва Модестин, Папаниан ва бошқа классик юристларнинг асарларидан олинган бутун-бутун парчалар юон тилида берилган бўлсада, бу суд амалиётини тўла қаноатлантира олмасди. Византияниң амалда ю-нон-славян давлатига айланиши қонун ҳужжат-ларининг тилини ҳам ўзгаришишни қаттиқ талаб қилмоқда еди.

Суд амалиёти еҳтиёжлари Юстинианнинг қонунлар тўпламини қайта ишлаб чиқишини ва унинг қисқа ҳамда тушунарли шаклда баён қилинишини зарур қилиб қўйди. 726 йилда (баъзи маълумотлар бўйича-741 йилда) импе-ратор-«бутга қарши курашувчи» Лев III Исаурнинг (717-740) кўрсатмаси бўйича **Еклога** («танланган қонунлар») нашр етилади. Еклоганинг чиқа-рилиши Византия ҳукуқи ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади.

Еклогани тузувчилар Юстиниан қонунларининг фақат озгина қисмини қолдириб, унинг кўп қисмини чиқариб ташладилар. Шу сабабли Еклога 18 та кичик-кичик титуллардан иборат тузилиб, баъзи титулларда бор-йўғи биттадан модда мавжуд еди. Еклоганинг қўшимча сарлавҳасининг ўзидаёқ кўр-сатилганидек, у «Буюк Юстиниан»нинг қонунларини «янада инсон парвар-лик руҳида» қисқартириш ва тузатишдан иборатdir. Еклогада бутга қарши иборалар фақат унинг кириш қисмида учрайди. Унда «чин ҳақиқатга» фақат «сўзда таҳсин айтмасдан», ҳаётда амал қилиш лозимлиги айтилади ва ҳатто «ишида» камбағал ва ночорларни афзал кўриш кўрсатилади. Еклоганинг ВШИ титули маҳсус тарзда қулларга бағишиланганди. Унда еркин кишиларни қулга айлантиришнинг баъзи ҳолатлари назарда тутилган. Масалан, дезертирилик учун қулга айлантириш мумкин еди. Бироқ, Еклода қулларни еркинликка чиқаришнинг янги усуллари ва шаклларига қўпроқ еътибор берилди. Маса-лан, қулларни черковда еркинликка чиқариш ва шу кабилар ҳақида кўрсат-малар мавжуд. Булар мамлакатда тобора ривожланаётган феодал муноса-батларнинг инъикоси еди, албатта.

Еклогага христианлик дини ва ахлоқининг таъсири тўлиқ даражада ўз аксини топди. Хусусан, унда Инжилга ҳавола қилишлардан фойдаланиш орқали қатор ҳукуқий қоидаларни асослашга ҳаракат қилинди. Христианлик Ғоялари, айниқса, никоҳ-оила ҳукуқига (И-ВII титулларга) чукур кириб келди. Еклога шу вақтгача Византия ҳукуқига маълум бўлмаган унаштириш (7 ёш-дан) тартибини жорий қилди. Бунда расман унаштирилаётганинг розилиги, амалда уларнинг жуда ёш бўлганликлари муносабати билан ота-оналарининг розилиги талаб қилинди. Никоҳ ёши еркаклар учун - 15 ёш, аёллар учун - 13 ёш қилиб ўрнатилди. Христиан черкови таъсири остида ажралишга сабаб бўлувчи қонуний асосларнинг доираси қисқартирилган. Аёллар христианлик ахлоқига биноан оиласи тобе мавқеда едилар. Лекин классик рим ҳукуқидан фарқли ўлароқ, Еклога ер ва хотиннинг мулкий ҳукуқларини

тенглаштиришга ҳаракат қилди. Унга кўра, хотин олган сеп-сидирFa ва никоҳ совГалари ерининг мулки сифатида емас, балки унга бошқариш учун берилган мулк сифатида кўрилади. Васият бўйича мерос қолдиришда болаларга берилиши лозим бўлган мажбурий ҳиссалар - (мероснинг 1/3 қисмидан кам бўлмаган миқдорда) ўрнатилди, меросхўрларнинг 7 та даражаси белгиланди.

Еклоганинг шартнома хуқуқига бағишиланган IX-XII титулларида Юстиниан қонунлари тўпламида назарда тутилган кўпдан-кўп битимлардан фақат олди-сотди, қарз, омонат (сақлаб бериш), шериклик еслаб ўтилди. Оғзаки ёки ёзма шаклда тузиладиган олди-сотди шартномасида юонон хуқуқи таъсирида закалат бериш жорий қилинди. Қарз шартномасида назаримизда черков таълимоти таъсирида рим хуқуқига маълум бўлган фоизлар олиш ҳақидаги меъёрлар есланмайди. Еклогада ижара, жумладан ерни арендага олиш ҳақида қисқача гапирилади. Бунда ерни ижарага бериш муддати 29 йилдан ошмаслиги лозим еди. Византияда хусусий ерларни арендага бериш учун кенг тарқалмаган бўлса керак. Чunksи, Еклогада фақат давлат, императорлик ва черков ерларини ижарага бериш ва бунинг учун йиллик ижара тўловлари тўлаш ҳақида гапирилади.

Еклогада феодализмнинг ривожланишига хос бўлган муҳим институт - емфитеувис ҳақида аниқ меъёрлар белгиланди. Емфитеувис абадий ёки чекланган тарзда ерни васият бўйича ёки васиятсиз бир-биридан мерос қилиб олувчининг учтагача авлодлари муддатига ижарага бериш сифатида ўрнатилди. Емфитеувисни, одатда ерни ижарага олувчи шахс - емфитеувт мулк егасига ҳеч қандай «важ-баҳона кўрсатмай» йиллик тўлов тўлаши, шунингдек, «ернинг сақланиши ва яхшиланиши» ҳақида Ғамхўрлик қилиши лозим еди. Агар емфитеувт уч йил давомида шартлашилган тўловни тўламаса, у ҳолда унга берилган ердан маҳрум қилиниши мумкин еди.

Еклогада жиноят ва жазоларга бағишиланган XVII титул анча кенг ва аниқ ишланган. Жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиб бориши жиноят қонунларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, Еклогада жиноий хатти-ҳаракатлар учун давлат томонидан таъқиб қилишнинг анча кучайтирилганлиги кўзга яққол ташланади. Еклоганинг айнан ушбу титулининг кейинги қонунлар тўпламларида ўзгаришсиз фойдаланганлиги ҳам бежиз емас еди.

Еклогада давлатга қарши жиноятлар: душман томонига қочиб ўтиш, қалбаки пул ясаш ва бошқалар учун жавобгарликлар

белгиловчи меъёрлар мавжуд. Айниқса, императорга қарши қўзҒолон кўтарувчи ёки унга ёхуд давлатга қарши исёнда қатнашувчи шахслар ҳақида гапирилган модда алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бундай шахслар «ҳамма нарсани бузишни» мақсад қилганлар сифатида ўша вақтнинг ўзидаёқ ўлимга маҳкум етилиши лозим еди.

Еклогада, шунингдек, христиан динига қарши жиноятларга ҳам катта еътибор берилди. Инжилни ушлаб туриб ёлҒон қасам ичган, ибодат вақтида рухонийга қўл кўтарган, «покдамон христианлик еътиқодлари»дан воз кеч-ган шахслар, жодугарлар, дуохон - азайимхонлар, туморлар ва шунга ўх-шаш нарсаларни тайёрловчилар, христиан динига душман бўлган бошқа динга ергашувчилар, мажусийликка ёки бидъатга оид ҳаракатларда қат-нашувчилар қаттиқ жазоланган.

Еклогада шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун ҳам жавобгар-ликлар назарда тутилган. Одам ўлдирганлик учун ва тан жароҳати етказ-ганлик учун бериладиган жазолар кўпинча бундай жиноятларнинг қасддан ёки тасодифан, еҳтиётсизликдан содир етилганлигига боғлик еди. Масалан, Еклогада «агар кимдир ўз қулини қамчи ёки таёқ билан урса ва қул ўлиб қолса, унда хўжайин одам ўлдирган киши (қотил) сифатида маҳкум етилмай-ди», дейилади. Агар хўжайин қулини қасддан, атайлаб ўлдирса жавобгарликка тортиларди. Масалан, хўжайин ўз қулини «ҳаддан ташқари қийноққа солса, ёки оғу билан заҳарласа, ёки уни ўтда куйдирса» ва бунинг натижасида қул ўлса, у ҳолда одам ўлдирганликда айбланиши мумкин еди.

Еклогада, шунингдек, қатор мулкий жиноятлар ҳам санаб ўтилади. ЎҒрилик, босқинчилик, бироннинг мулкини йўқ қилиш, ўтда куйдириш, бироннинг қабрини ўҒрилаш каби жиноятлар учун қаттиқ жазолар белгиланди. Бироқ унинг кўпгина моддалари давлат ва муқаддас черков томонидан ўрнатилган оиласиб ва ахлоқий муносабатлар тузилишига таҳдид қилувчи жиноятлар учун жавобгарликлар белгилайди. Уларнинг орасида яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши, номусга тегиши, ернинг хотинига ёки хотиннинг ерига нисбатан хиёнат қилиши, рохиба (монах аёл) билан, чўқинтирилган қиз билан, қиз бола билан, ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилиш, ҳомилани тушириш ва бошқалар алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Еклогада жазолар тизими, ҳатто Юстиниан қонунларига нисбатан ҳам, анча мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва жуда

қаттиқлиги билан ажралиб тур-ған. Унда ўлим жазосини назарда тутувчи ҳолатлар күўпгина еди. Лекин қонунга мувофиқ тана аъзоларига шикаст етказиш ва тан жазолари: бурнини кесиш, тилини суғуриб олиш, қўлини қирқиши, кўзини ўйиш, ахталаш жазола-рини бериш айниқса кенг қўлланилган. Бундай жазолар анча оғир ва шав-қатсиз бўлиб, классик рим ҳуқуқида асосан қулларга нисбатан қўлланилган бўлса, Еклогага мувофиқ еса еркин кишиларга ҳам тадбиқ қилинарди. Шарманда қилувчи жазолар (масалан, соч ва соқолларини қирқиб ташлаш), шунингдек, мол-мулкини мусодара қилиш ҳам мавжуд еди.

Еклогада баъзи жиноятлар бўйича жазолар айборнинг ижтимоий ҳолатига қараб белгиланган. Масалан, 22-моддага мувофиқ мансабдор шахс бирорнинг чўриси билан жинсий алоқа қилса, катта миқдорда жарима тўлаши лозим еди. Худди шундай жиноят учун «оддий киши» бир вақтда ҳам жарима тўлаган, ҳам калтак билан саваланган. Шунингдек, Еклога-нинг XVII титули 29-моддасида кўрсатилишича, «ота-онасининг рухсатисиз» қиз бола билан жинсий алоқа қилганлик учун юқори мартабали шахсларга, «ўрта хол мавқедаги шахсларга» ҳамда «камбағал ва мулксизларга» нисбатан бериладиган жазолар турлича еди. Бунда мансабдор шахслар қайғуга ҳамдардлик тарзидаги жаримани тўласалар, камбағал ва мулксиз-лар қамчи билан савалангандар, соч-соқоллари олиб ташланган ва ҳайдаб юборилган. Бироқ, бошқа моддаларда жуда кўп ҳолатларда жиноий жавоб-гарлик айбдор шахснинг ижтимоий аҳволига қараб белгиланмаган. Бу қатор тадқиқотчилар фикрича, Еклогани яратувчиларнинг ижтимоий кескинликларни бироз юмшатишига уринганликларини намоён қиласди.

Еклоганинг далилларга бағишиланган XIB титули ҳам ижтимоий тенгсиз-ликни очиқдан-очиқ мустаҳкамлади. Бу ерда «унвонга, ёки мансаб-га, ёхуд машғулотга (ёки бойликка) ега бўлган гувоҳлар кўрсатма-лари олдиндан қабул қилса бўладиган» деб ҳисобланган. «Номаълум гувоҳ-лар»нинг, яъни паст ижтимоий мавқедаги шахсларнинг кўрсатмалари, агар судда баҳс-мунозараларга сабаб бўлса, улар қамчи билан савалангандар.

Еклоганинг ниҳоятда қисқалиги, унда мулк ҳуқуқига ега бўлиш ва уни йўқотиш усуллари, муддат ва бошқа шу каби муҳим масалалар ҳақида меъёрлар белгиланмаганлиги учун судларнинг, қатор ҳолатларда бевосита Юстиниан Кодексига мурожаат қилишларига тўғри келарди.

Еклога тез орада Дехқончилик, Денгиз ва Ҳарбий Қонунлар билан тўлдирилади. Уларнинг ичида **Дехқончилик қонуни** муҳим аҳамиятга ега еди. У ўз мазмун-моҳияти билан Ғарбий Европа давлатларининг «вар-варлар ҳақиқати»ни еслатади. Бу қонун Еклоганинг муҳим камчиликларини тўлдиришга қаратилганди. Унда ВПИ аср Византия жамияти ҳаётида жуда муҳим рол ўйнай бошлаган қишлоқ жамоаларида юзага келган янги ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Фанда Дехқончилик қонунининг иккита: илк ва кечки матнлари бир-биридан ажратиб кўрсатилади. Илк матн одат ҳуқуқининг дастлабки манбаи сифатида анча қимматли ҳисобланади. Унинг қачон ва қаерда нашр қилинганлиги ҳақидаги масала хусусида ягона фикр йўқ. Баъзи тадқиқотчилар уни ВИ асрнинг охирига (Юстиниан II нинг номи-га) бўғлайдилар, бошқалар Жанубий Италияда тузилган деб кўрсатадилар. Лекин кўпчилик олимлар Дехқончилик қонунини Константинополда Исаурлар сулоласи императорлари даврида ВПИ асрнинг 20-йилларида тахминан Еклога билан бир вақтда унга илова сифатида тузилганлигини кўрсатишади.

Дехқончилик қонуни асосан хусусий қурама асар (бошқаларнинг ишларидан улаб-қураб ёзилган асар) ҳисобланади, лекин кейинчалик, еҳти-мол Еклога билан бирга, расман тан олинади. Дехқончилик қонунининг илк матни 85 та моддадан иборат бўлиб, одат ҳуқуқи ёдгорликларига ўхшаб антик ифодаланган ички таркибий қисмларга бўлинмаганди. Дехқончилик қонуни Византия империясининг бутун тарихи давомида ҳаракатда бўлган. Лекин унинг кечки, хусусан ХИВ асрга тааллуқли матни бироз тизимга солинган ҳолда нашр қилиниб, 10 та титул ва 103 та моддадан иборат еди.

Дехқончилик қонунига кирган ҳуқуқий нормалар қишлоқ жамоалари доирасида келиб чиқадиган низоларни тартибга солишга қаратилганди. Унда ёнма-ён жойлашган ер участкалари ўртасидаги чегараларга риоя қилишга, бирорнинг ерини ўзбошимчалик билан ҳайдаш оқибатларига, ер участкаларини айирбошлишга катта еътибор берилган. Қонуннинг 8-мод-дасида ер участкаларини қуръа ташлаш ёрдамида тақсимланиши белгилан-ганлиги жамоа тартиблари сақланиб қолганлигидан дарак беради. Қонунда ерни ва узумзорларни ижарага беришга катта аҳамият берилади. Дехқон-чилик қонунида давлат хазинаси манфаатлари ҳақида алоҳида Ғамхўрлик қилинганлиги кўзга ташланади. Жумладан, унинг 18-, 19-

моддаларида ер участкаси егаларидан хазинага ўлпонлар, шунингдек, фавқулодда солиқлар олиниши мустаҳкамланган.

Деҳқончилик қонунида бироннинг чорвасини, қишлоқ хўжалик ускуналарини ўҒирлаганлик учун, бироннинг ўрмонини кесганлик учун ва ҳоказолар учун жавобгарликлар ўрнатувчи моддалар жуда чигал тарзда ифодаланган. Кўп ҳолларда ўҒрилик ёки бироннинг мулкини нобуд қилиш учун фақат аввало етказилган заарни ундириш мақсадида мулкий жарималар назарда тутилган. Бироқ, агар етказилган заар анча катта бўлса ва ривожланиб бораётган хусусий мулкчилик тартибларига хавф туғдирса, тана аъзоларини майиб қилиш, тан жазолари ва ҳатто ўлим жазоси қўлланилган. Бундай ҳолларда ўҒрининг, бироннинг омборига ўт қўючининг қўли кесилган. Агар бироннинг усти берк хирмонига қасдан ўт қўйилса ёки қуллар томонидан ўҒрилик содир етилса, уларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилган.

Еклогага илова сифатидаги яна бир қонун - Денгиз қонуни бўлиб, у Ғарбий Европада **Родосса** дengiz қонуни деган ном билан машҳур бўлган. У ВII-VIII асрларда тузилган. Унда антик даврларда ҳамда ўрта асрларда дengиз савдоси амалиётида вужудга келган ва қисман рим юристлари томониданоқ ишлаб чиқилган ҳуқуқий одатлар тўпланган еди. Денгиз қонунида кемалар қатнови, кемаларда юқ ва йўловчилар ташиш, дengизда ҳалокат хавфи туғилганда юкларни дengизга тушириб юбориш, кема егалари ва юқ егалари ўртасида даромад ва заарларни тақсимлаш кабиларга тааллуқли қоидалар белгиланган. Бу қонуннинг баъзи нормалари XV асрга қадар халқаро дengиз савдосида қўлланилган.

Византия ҳуқуқининг янада ривожланиши Македонияликлар сулоласи императорлари (бутни ҳурмат қилувчилар) Василий И ва Лев VI нинг қонун чиқариш фаолияти билан боғлиқ. Василий И ўзининг сиёсий мухолифлари томонидан тузилган Еклогани бекор қилиб, Юстинианнинг қонунлар тўпламини қайта ишлаб чиқишига, ундан ескириб қолган қоидаларни чиқариб ташлашга, қийин ва чалкаш юридик ибораларга тушунтиришлар беришга ва бу қонунлар тўпламини юонон тилига таржима қилишга буйруқ берган. Ушбу қонунчилик ишлари натижасида 879 йилда **Прохирон** деб номланган қонунлар тўплами чиқарилган. У ўз даврида Византия ҳуқуқининг анча нуфузли ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб қолган ва қўшни славян давлатлари ҳуқуқи тарихида сезиларли из қолдирган.

Прохирон Еклогага нисбатан анча тўла қонунлар тўплами еди. Унга қўшимча тарзда 17 та титул киритилганди. Лекин у юридик техника жиҳатидан, хусусан ҳуқуқий материаллар жойлаштирилишининг аниқлиги, таҳрир қилиниши жиҳатидан Еклогага қараганда қолоқ еди. Гарчанд Прохироннинг муқаддимасида Еклога «сарапланган» қонун емас, балки «бузилган» қонунлар деб номланган бўлса ҳам, Василий И унинг қатор, айниқса жиноят ҳуқуқига оид қоидаларини ўзлаштирган.

Прохирон Византия ҳуқуқий тизимиға унча муҳим ўзгартишлар кирита олмаган. Унда хусусий ҳуқуқнинг баъзи масалалари бўйича Юстиниан қонунчилиги (ёки ҳатто Юстиниангача бўлган қонунлар) томонига қайишиш ҳолатлари учрайди. Бу, масалан, ер ва хотин ўртасидаги ҳадяларда, сеп-сидирFa бериш тартибида, еркинликка чиқарилганларнинг васиятларида ва ҳоказоларда кўзга ташланади. Лекин, Прохирон маълум даражада Византия жамиятининг IX асрдаги янги шароитларини акс еттирган. Унда шартнома ҳукуқи анча тўлиқ баён қилинади. Хусусан, шерикчилик шартномаси ишлаб чиқилган, қарз бўйича фоизлар олиш тўГридан-тўГри тақиқлаб қўйилган ва ҳоказо. Прохирон оила ҳуқуқига ҳам баъзи ўзгар-тишлар киритди. Масалан, унга мувофиқ никоҳдан олдин совFa бериш тартиби жорий қилинди ва ҳоказо.

Прохирон 884 ва 886 йиллар арафасида Василий И номидан унинг ўҒиллари томонидан тузилган еди. Лекин орадан кўп ўтмай, Василий И нинг ўҒиллари ва ҳокимдошлари «ески қонунларни тозалаш» ва Юстиниан кодификатсиясида баён қилинган ҳукуқдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида ҳукуқ бўйича янги қўлланма нашр қилдилар. Бу қўлланма **Епанагога** деб аталиб IX асрда (ҳар қалай 879 йилдан кейин) император Василий И ва унинг ўҒиллари Лев ва Александр номидан тузилган еди. У ўз тузилишига кўра Юстиниан Дигесталарига ўхшаб кетади.

Епанагога Прохирон ва Еклоганинг кўпгина нормаларини ўзида мужассам етган қурама асар характеристига ега еди. Лекин шунга қарамай, у кўп масалаларни анча тўла тартибга согланлиги ва хусусий ҳуқуқнинг қатор масалаларини янгича баён қилганлиги билан ажralиб турарди. Епана-нога айниқса оммавий ҳукуқ соҳасига муҳим ўзгартишлар киритди. Бу соҳада қатор янги қоидалар жорий қилинди. Масалан, унда император ҳоки-миятини тўлдирувчи партиарх ҳокимияти ҳақидаги, руҳонийлар ҳуқуқлари ҳақидаги бир қанча янги нормалар мавжуд еди. Бу қоидалар православ черкови

билан давлат ўртасидаги муносабатларни белгилайди ва оқибатда черков ҳуқуқида ҳам кенг фойдаланилади.

Византия ҳуқуқининг юқоридаги қисқача тўпламлари суд амалиёти еҳтиёжларини тўлиқ даражада қондира олмасди. Шу сабабли судлар анча ескириб қолган Юстиниан қонунлари тўпламига тобора кўпроқ мурожаат қилишга мажбур едилар. Лев ВИ Донишманд ҳукмронлиги даври (886-912 йиллар)да Юстиниан қонунларини янгитдан қайта ишлаб чиқиш бўйича Василий И давридаёқ бошланган йирик кодификатсия ишлари ниҳоясига етди. Натижада 890 йилда таниқли юрист Симбатсий раҳбарлигида «**Василиклар**» («Базиликлар»), яъни «подшолар қонунлари» тузилди. У тобора тушуниш қийин бўлиб бораётган Юстиниан қонунлари тўпламини алмаштириш мақсадида чиқарилганди.

«Василиклар»да фойдаланилган жуда катта материал Юстиниан қонунлари тўпламига нисбатан анча ихчам ва кетма-кетликда жойлаштирилган. Маълумки, Юстиниан қонунлари тўплами бир қанча мустақил қисмлар (китоб-лар) дан иборат еди. «Василиклар» еса - ягона қонунчилик ёдгорлиги бўлиб, 60 та китобни ўз ичига олган.

Китоблар титулларга ва парчаларга бўлинган. «Василиклар» нинг ҳар бир титули Дигесталардан ситата келтирган рим юристларидан бирининг матнидан олинган парча билан бошланади (бошқа фикрлар унча нуфузга ега бўлма-ган фикрлар сифатида тушуриб қолдирилган), сўнгра Кодексдан, Институтсия-лардан ва Новеллалардан олинган тегишли қўшимчалар берилган. «Василиклар»да юстинианча ҳуқуқдан бевосита фойдаланилмаган. Унга Юстиниан қонунлари ВИ асрда яшаган Византия юристлари - Аноним, Феофил, Доро-фей ва бошқалар томонидан юнон тилига таржима қилинган асарлар ва шарҳ-лар орқали кириб келган. «Василиклар»га унинг тузувчиларнинг фикрича, Юстиниан қонунларининг амалий аҳамиятга ега бўлмаган қоидалари киритилмаган еди. Масалан, ундан Институтсияларнинг, Дигесталар титулларининг одил судлов ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақидаги каттагина қисми ва бошқалар тушириб қолдирилган. Шунингдек, Юстиниан Кодекси ва Новеллаларидан ке-йинчалик қайта кўриб чиқилган бир қанча қоидалар ҳам чиқариб ташла-нади. Бироқ, «Василиклар»да олдинги ҳуқуқни қайта ишланиши ва қисқартирилиши диққат билан қилинмай, шошма-шошарлик билан амалга оширилган. Унда ескириб қолган ёки истеъмолдан чиқиб кетган кўпгина нормалар ҳам сақла-ниб қолган еди. Масалан, унда

аллақачон йўқолиб кетган мансаблар (рим консуллари, императорларнинг легатлари⁸⁴ ва бошқалар) ҳақида еслатиб ўтилади.

«Василиклар» кўпроқ оммавий ва черков ҳуқуқига тааллуқли жуда катта ҳуқуқий материални ўз ичига олган. Унинг 1-, 3-, 5-китоблари черков ҳақида, 6-китоби давлат мансабдорлари ҳақида, 7-, 9-китоблари суд жараёни ҳақида, 60-китоби жиноятлар ҳақида нормалар белгилаган ва ҳоказо. Бироқ, «Василиклар»нинг катта қисми хусусий ҳуқуқ масалаларига, жумладан шахс-ларнинг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган. Хусусан, 46-китоб - қуллар ҳақида, 55-китоб дехқонлар ҳақида еди ва ҳоказо.

Тўғри, феодал муносабатларнинг ривожланиши натижасида бу соҳада мерос ҳуқуқидаги 45-китоб сингари рим ҳуқуқининг кўпгина қоидалари ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотганди. Суд амалиётида ҳаммадан қўра кўпроқ «Василиклар»нинг мажбурият муносабатларини тартибга солув-чи нормаларидан фойдаланилган. Унинг 19-китобида олди-сотди ҳақида, 23- ва 25-китобларида гаров оператсиялари ҳақида, 26-китобида еса топшириқ ва қарз тўлаш ҳақида меъёрлар белгиланиб, улардан амалиётда тез-тез фойдаланилган.

«Василиклар»нинг тузилиши Юстиниан қонунларининг бекор қилинган-лигини англатмасди. Лекин шундай бўлса ҳам Юстиниан қонунлари тобора кам ишлатиладиган бўлиб борди. XII асрнинг охиридан бошлаб «Василиклар» Византия ҳуқуқининг ягона ҳаракатдаги тўплами бўлиб қолди. «Василиклар» бизгача тўла кўринишида етиб келмаган.

Унинг қатор китобларидан, жумладан, мулк ва егалик ҳуқуқи ҳақидаги 50-китобидан фақат парчалар сақланиб қолган холос. Кўпчилик қўлёз-малар «Василиклар» матни билан бирга ВИ асрдаги, шунингдек, XI-XII асрлардаги Византия юристларининг уларга берган тушунтиришлари, шарҳлари - схолиялар⁸⁵ кўринишида бизгача етиб келган. Схолиялар «қадимги» ва «кечки» схолиялар номи билан аталган. Схолиялар расмий аҳамиятга ега бўлмаган, лекин улар Византия судларида ётиборга олинган. Агар бирор ҳуқуқий масалалар «Василиклар»да белгиланмай, схолияларда ўз ечимини топган бўлса, ундан ҳолатларда схолияларнинг қиммати жуда юқори еди.

⁸⁴ Legat – Qadimgi Rimda viloyat hokimlari huzuridagi hokim; Rim papasining diplomatik vakili.

⁸⁵ Sxoliya – yunoncha Sholion so`zidan olingan bo`lib, izoh, sharh, tushuntirish degan ma'noni anglatadi.

«Василиклар» тузилгандан кейин Византия ҳуқуқи императорларнинг қонун хужжатлари - Новеллалар, Хрисовуллар (императорларнинг ёрлиқлари) чи-қариши йўли билан ривожланган. Масалан, Лев Донишманд томонидан чи-қарилган Новеллалар билан ҳуқуқда муҳим ўзгаришлар қилинган еди. У давлат мансабдорларига ўзларига тегишли округларда ерларга ҳеч қандай назоратсиз егалик қилишга рухсат берган, қарзлар учун фоизлар олишни тақиқловчи чеклашларни тугатган, конкубинатни⁸⁶ батамом бекор қилган, черковда тан олинмаган никоҳни тақиқлаган ва ҳоказо. Византия ҳуқуқи-нинг ривожланишига, шунингдек, баъзи ҳусусий юридик қурама асарлар ҳам сезиларли таъсир етган. Уларнинг орасида айниқса тахминан 1345 йилда Конс-тантин Арменопуло томонидан ёзилган «Қонунларга қўлланма, ёки Олти китоб» айниқса муҳим бўлган. Бу қўлланма Византия судларида жуда ну-фузли мавқега ега еди. Византия давлати қулагандан кейин еса у Юнонис-тон, Валахия ва Молдовия ҳудудида ўз кучини сақлаб қолган ва амалда бўлган. Арменопулонинг «Олти китоби» XIX асрда Бессарабия Россияга қўшиб олингандан кейин ҳам унинг ҳаракатдаги ҳуқуқи сифатида тан олинган еди.

Византия ҳуқуқининг таркибий қисмларидан бирини **черков ҳуқуқи** ташкил етган. Черков ҳуқуқи асосан дунё христианлари йиғинларининг ва патриархларнинг қарорларидан ташкил топган. Бунда ВІІ асрнинг охиридаги бутун дунё христианларининг Трулскийда тўпланган йиғинининг қарорлари муҳим ўрин тутади. Бунда черков қонун-қоидалари расмий корпуси тақиқ-ланган ва «сохта, ясама черков қонунлари»дан ёки қандайдир бошқа христианлар йиғини томонидан тақиқланмаган черков қонунларидан фойда-ланиш ман етилган. Черков ҳуқуқининг тан олинган нормалари, шунинг-дек, қисман императорларнинг қонунларидан маҳсус тўпламлар – **Номока-нонлар**⁸⁷ тузилган. Улардан ВІІ-ВІІІ асрлар бўясасида Константинопол патриархи Иоан Схоластика томонидан 50 та титулдан иборат тузилган Номока-нон енг қадимийсидир. 629-640-йиллар оралиғида Енантиофан деган юрист томонидан тузилган 14 та титулдан иборат Номоканонлар оммавий еди. Номоканонларнинг мазмуни вақти-вақти билан янгилашиб

⁸⁶ Konkubinat – «concubinatus» lotinchacon (com) – birgalikda va cubo – yotaman, birga yashayman degan so`zlardan olingan bo`lib, er va xotinning rasmiylashtirilmagan, ya`ni nikohsiz, lekin kelajakda nikoh tuzish maqsadida doimiy birgalikda yashashi.

⁸⁷ Nomokanonlar – yunoncha Nomokanones so`zidan olinib, Vizantianing cherkov huquqi to`plamlari bo`lgan. Ularga imperatorlarning cherkovga va cherkov qoidalariga taalluqli qonunlari kiritilgan.

турган. Масалан, XI асрларда Феодор Вест томонидан тузилган Номоканоннинг матнига Юстиниан қонунларининг бекор қилинганигини белгиловчи мухим қоида киритилган еди. Шу тариқа, «Василиклар» Византиянинг ҳаракатдаги ягона ҳуқуқий ҳужжати бўлиб қолганди. Номоканонлар рус ҳуқуқига тўғридан-тўғри таъсир ўтказган, уларнинг таржима қилинган нусхалари «Дарға китоблар» («Кормчие книги»)га киритилганлиги шундан далолат беради.

ВІІ БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА РОССИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (ИХ АСР-ХИХ АСРНИНГ ЎРТАСИ)

- *Қадимги Рус давлати ва ҳуқуқи (IX-XII асрлар).*
- *Сиёсий тарқоқлик даврида Русда давлат ва ҳуқуқ (XII-XIV асрлар).*
- *Олтин йўрда давлати ва ҳуқуқи (XIII-XV асрлар).*
- *Марказлашган Рус давлатининг ташкил топиши ва ҳуқуқнинг ривожланиши.*
- *Россияда табақа-вакиллик монархияси (XVI асрнинг ўрталари-XVII асрнинг ўрталари).*
- *Россияда мутлақ якка ҳокимликнинг ташкил топиши ва ривожланиши (XVII асрнинг II ярми-XIX аср боши).*
- *Мутлақ якка ҳокимлик даврида Россияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.*
- *Крепостной тузумнинг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг ўсиши даврида Россия давлати ва ҳуқуқи.*

1. Қадимги Рус давлати ва ҳуқуқи (IX-XII асрлар)

**Davlatning
tashkil topishi**

ВИ-ВІІ асрлар шарқий славянларда уруғ жа-моа тузумининг тўла емирилиши ва феодал муно-сабатларнинг ўрнатилиши даври бўлган.

Ўша вақт-да ижтимоий тузумнинг асосини патриархал оила жамоаси ташкил етган. Бундан қўшничилик қишлоқ жамоаси ўсиб чиқсан. Бу еса феодализм ривожланиши-нинг бошланиши еди. Алоҳида оиласлар ажралиб чиқиб, якка хўжалик юритиш ривожланган. Жамоанинг ҳайдаладиган ерлари ва майдонзорлари алоҳида оиласлар қўлига ўтган. Фақат ўрмон бойликлари, сув сингарилар жамоа қўли-да қолган. Бу вақтда қуллар ҳам бўлиб, қуллик патриархал, уй характерида еди. Қулнинг меҳнати иккинчи даражали, ёрдамчи аҳамиятга ега еди. Асосий ишлаб чиқарувчи куч қишлоқ жамоаси еди.

Шарқий славянларда қулдорлик тузумининг таркиб топмаганлигига асосий сабаблар: биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар нисбатан юқори даражада бўлиб, қўшничилик жамоаси мустаҳкам ривожланганлиги; иккин-чидан, шарқий славянларда синфий жамият, давлат вужудга келаётган вақтда бошқа

мамлакатларда қулдорлик тузуми ўз умрини аллақачон ўтаб бўлганлиги еди.

Мулкий тенгсизликнинг келиб чиқиши, жамиятнинг бой ер егаларига ва оддий меҳнаткаш жамоа аъзоларига ажралиши, яъни синфларнинг ташкил топиши ва эксплуататсиянинг вужудга келиши натижасида шарқий славянлар-да биринчи давлатлар ташкил топган. Булар: Куюба (Киев), Славия (словенлар вилояти) ва Артания (Рязан) еди. Бу давлатлар хукмрон (бой) табақалар манфаатини ҳимоя қилиш, аҳолини бўйсундириб туриш, қабилалар худудини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиб туриш мақсадида славян қабилаларининг иттифоқи асосида ташкил топган. Дастребки давлат бирлашма-лари князликлар деб аталган. Улар қабилаларнинг ҳарбий иттифоқи асосида ташкил топиб, бунда енг кучли қабиланинг оқсоқоли - князи раҳбарлик қиласиди. Дастреб қабилавий князликлар, сўнгра худудий князликлар вужуд-га келади. Бундай князликларнинг марказлари Киев, Новгород, Черни-гов, Смоленск, Полотск ва бошқа шаҳарлар еди.

ИХ асрнинг II ярми - X асрнинг бошида Новгород князи Олег Новгород, Киев ва бошқа славян қабилалари иттифоқларини ўз ҳукмронли-гига бўйсундириб, қадимги Рус давлати ёки Киев Русига асос солади. Бу жараён княз Олег томонидан 882 йилда Киевнинг босиб олиниши билан ниҳоясига етган деб ҳисобланади.

*Ijtimoiy
tuzumi*

ИХ асрда қадимги Русда феодал муносабатлар, яъни феодалларнинг ерга егалиги пайдо бўлади. Қабила бошлиқ-лари катта ер егаларига айланади.

Феодал ер егаларига: княз, боярлар ва руҳонийлар киради. Княз енг иирик ер егаси бўлиб, унинг ер егалиги жамоа ерларини, бўш ерларни егаллаб олиш орқали кенга-йиб борди. **Боярлар** - уруғ, қабила ичидан ўсиб чиқсан савдогарлар, жа-моа аъзолари, бой ҳунармандлар бўлиб, аста-секин князнинг вассалига айланган. Княз дружиначилари ҳам боярларга айланди. Улар хизмат учун ер олиб, тобора бойиб борадилар. Ерга егаликнинг асосан қўйидаги икки шакли мавжуд бўлган: вотчина ва пожалования (хизмат учун ҳақ) тарзида инъом қилинган ерлар.

Князнинг боярлари, дружиначилари бўлиб, улар князга ҳарбий жиҳат-дан ҳам бўйсунарди. Феодалларнинг ҳаёти, соғлиги, мулки қаттиқ ҳимоя қилинарди.

Меҳнаткашлар оммасининг асосий қисмини **смердрлар** (феодаллар томонидан асоратга солинган қишлоқ аҳолиси) ташкил

етарди. **Закуплар** ҳам бўлиб, улар феодаллардан купа - пул суммаси ёки натурал ёрдам олиб, бунинг евазига унга ишлаб бериши лозим еди. Уларнинг қарз тўлаши жуда оғир еди. Агар закуп қочса, холопга - қулга айлантириларди. Лекин закупни уриш, холопликка сотиш мумкин емас, унинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд еди. Закупнинг мулки ҳам дахлсиз ҳисобланарди.

Қадимги Рус давлатида **қуллар** ҳам бўлган. Улар **холоплар**, **челя-динлар** деб аталган. Лекин қулнинг меҳнати уй характеристида еди. Дехқонлар қарзини ўз вақтида тўлай олмаса, рухсатсиз уйланса, хўжайинини ҳақорат қилса холопга айланиши мумкин еди. Куллар умуман ҳуқуқсиз бўлиб, улар учун хўжайини жавоб берарди.

Дехқончиликнинг ривожланиши билан ундан ҳунармандчилик ва савдо ажралиб чиқади. Ҳунармандлар ва савдогарлар пайдо бўлади. Уларнинг ҳа-ёти ва мулки ҳимоя қилинарди. Шаҳарликлар солиқ тўлашдан озод едилар.

Киев Руси қатъий марказлашган давлат емас еди. У **Davlat tuzumi** бошқариш шаклига кўра **илк феодал монархияси** бўлиб, у сюзеренитет-вассалитет принципига асосланарди. Киев князи буюк княз ҳисобланса ҳам ҳокимияти кучли емас еди. Жойлардаги князлар унга, яъни сюзерен князга вассал ҳисобланарди. Киев князи ва маҳаллий князлар ўртасида крест (хоч, бут)ни ўпиди, қасам ичиш орқали шартномалар тузиларди. Бундай шартномаларда катта князларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатиларди. Булар: «кичик, вассал князларга ҳар-бий ёрдам кўрсатиш, ер бериш ва уни ҳимоя қилишдан иборат еди. Вассал сюзеренга қулоқ солиши, ҳарбий, иқтисодий ёрдам бериши, уни ҳурмат қилиши лозим еди ва ҳоказо. Князларро шартномаларни бузганлик учун вассаллар еридан маҳрум қилинарди.

Давлат тепасида **буюк княз** турган. У суд, ҳарбий ва қонун чиқариш ҳокимиятига ега еди. Ташқи муносабатлар ҳам у томондан олиб борилган. Тахт катта ўғилга мерос бўлиб ўтарди.

Буюк княз **Боярлар кенгашига** таяниб иш олиб борарди. Боярлар кенгаши маслаҳатчи орган еди. У йирик боярлар, олий руҳонийлар: мит-рополитлар, епископлар ва бошқалардан иборат таркибда еди. Кенгашда уруш, сулҳ, бошқа давлатлар билан иттифоқ тузиш масалалари ҳал қилинарди. У қонунларни муҳокама қиласи, баъзи суд функцияларини ҳам амалга оширап, ҳарбий, маъмурий, молиявий ва бошқа масалаларни ҳал етишда иштирок етарди. Княз йўқлигига ёки ўлимидан кейин Кенгаш асосий ҳокимият органи

бўлиб қоларди. Лекин у доимий орган бўлмай, ваколатлари ҳам аниқ ўрнатилмаганди. У княз томонидан вақти-вақти билан чақирилган.

Буюк княз зарур ҳолларда **Вече** - шаҳар аҳолисининг йиғилишини ҳам ўтказарди. Вечеда асосан еркаклар қатнашарди. Холоплар ва оила бошлиғига бўйсунувчилар қатнаша олмасди. Вече князни сайлаш, тасдиқлаш ёки ишдан олиш, уруш ва тинчлик, юқори мансабдор шахс-ларни тайинлаш масалаларини ҳал қиласди. Унда қарорлар бақиришлар йўли билан қабул қилинган. Кейинчалик феодализм ривожланиши билан Вече ўз аҳамиятини йўқотган.

Махсус ҳолларда княз томонидан умумдавлат аҳамиятига ега бўлган масалаларни ҳал етиш учун **феодалларнинг сездлари** чақириларди. Сездларда князларни сайлаш ва ҳайдаш, уруш еълон қилиш, тинчлик шартномаларини имзолаш, янги қонунлар чиқариш ва бошқа масалалар ҳал қилинарди.

Давлат аппарати тизимида марказда **сарой-вотчина бошқаруви**, жойларда еса **боқимандалик (кормления)** тизими мавжуд еди.

Дастлаб ҳарбий бошлиқлардан иборат мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар бўлган. Кейин мингбоши ҳарбий бошлиққа айланган, юзбо-ши еса шаҳарнинг суд-маъмурий мансабдор шахси бўлиб қолган. Кейин-чалик бошқарувнинг сонга оид тизими ўрнига сарой-вотчина бошқарув тизими вужудга келади ва буюк княз хўжалигига **саройбон, хазиначи, отбоқар** сингари хизматчилик шаклланади.

Жойларда бошқарув жуда содда ташкил етилган. Ўлкаларда маҳаллий князлардан ташқари ноиблар (наместниклар) ва волост бошқарувчилари ҳам мавжуд еди. Улар ўз хизматлари евазига аҳолидан егулик («корм») олардилар. Шу тариқа кормления (боқимандалик) тизими вужудга келади.

Армияни буюк княз дружинаси ташкил етган. Дружинниклар профес-сионал жангчилар бўлиб, айни вақтда князнинг маслаҳатчилари ҳам еди. Ёлланма жангчилардан ҳам фойдаланилган.

Суд маъмурий ҳокимиятдан ажralмаган еди. Унинг тепасида буюк князнинг ўзи турарди. **Вирниклар** - одам ўлдирганлик учун жарималарни йиғувчилар суд ишларини юритишга ёрдам берарди. Вотчина суди мавжуд бўлиб, ҳар бир ер егаси ўзига қарам кишиларни суд қилиши мумкин еди. Черков ҳам суд органи еди.

Русда қонунчилик енг қадимги вактлардан маълум. Бундан княз Олегнинг 907 йилда греклар билан тузган шартномаси ҳам далолат беради.

Рус ҳуқуқининг енг йирик ёдгорлиги **Рус ҳақиқати** ҳисобланади. Унга қуидагилар киради:

1. Ярослав ҳақиқати тахминан XI асрнинг 30-йилларида тузилган. Унинг манбаларини одат ҳуқуки, князларнинг қонунчилиги, суд амалиёти ташкил етади.

2. Ярославичлар ҳақиқати еса 1052 ёки 1072 йилларда Киевда тузилган. Ярослав ҳақиқати ва Ярославичлар ҳақиқати Рус ҳақиқатининг **қадимий матни** ҳисбланиб, **қисқа ҳақиқат** деб юритилади.

3. «Муфассал ҳақиқат» Ярослав Устави ва Владимир Монамах Уставидан иборат бўлиб, Монамах даврида (1112-1125 йиллар) Киевда тузилган. Унинг манбалари: князларнинг қонунлари ва суд амалиёти ҳисобланади.

Қадимги Русда уставлар, шартномалар, князларнинг ёрлиқлари, черков уставлари, подшо ҳукуқининг тўпламлари, масалан, дарға китоблари (кормчие книги) ва бошқалар ҳам бўлиб, ҳуқуқ манбаларини ташкил етган.

Қадимги рус қонунчилиги анча ривожланган фуқаролик-ҳуқуқий нор-маларни тан олади. Қонунларда мулкий муносабатлар кенг ифода етилган. Мулкни ҳимоя қилиш қонунларнинг енг асосий мақсадларидан бирига айлантирилган еди. «Муфассал ҳақиқат»нинг 72-моддасида ерлар, ўрмонлар ва томорқа участкалари ўртасида чегаралар ўрнатилганлиги кўрсатилиб, уни бузганлик учун жарималар назарда тутилган. Шу билан бирга ҳаракатдаги мулкларга нисбатан ҳам мулк ҳуқуки ўрнатилган еди.

Мажбуриятлар зарар етказишдан ва шартномалардан келиб чиқсан. Масалан, бирорга тан жароҳати етказган шахс жиноий жарима билан бирга жабрланувчига етказилган зарар учун ҳам, жумладан врач хизматлари учун жарима тўлаши лозим еди.

Мажбуриятлар кўп ҳолларда шартномалардан келиб чиқсан. Шартно-маларнинг қарз, олди-сотди, айирбошлиш, гаров, юқ ташиб каби турлари кенг тарқалган. Қарз шартномаси қўпинча гувоҳлар иштирокида ёзма шаклда тузилган. Бунда фоизлар назарда тутилган. Фоизлар жуда юқори еди. 1113 йил Киевда бўлиб ўтган шаҳар камбағалларининг кўзғолони натижасида Владимир Монамах

фоизлар миқдорини чекловчи қатор қоидалар чиқаришга мажбур бўлган еди.

Қадимги Русда христианлик қабул қилингандан кейин **никоҳ ва оила ҳуқуқи** черков ақидасига, яъни византия ҳуқуқига асосланадиган бўлди. Бунга кўра, никоҳ ёши еркаклар учун 14-15 ёш, аёллар учун 12-13 ёш қилиб белгиланади. Никоҳ томонларнинг ва уларнинг ота-оналари розилиги билан тузиларди. Учинчи марта никоҳга киришга йўл қўйилмасди. Никоҳни черков расмийлаштирган. Оилада ер ва ота ҳукмон еди. Ота-оналар болаларни жазолаш, қул қилиб сотиш ҳуқуқига ега еди. Рус ҳақиқатига ҳомийлик институти ҳам маълум.

Рус ҳақиқати васият бўйича ва қонуний **меросни** тартибга солади. Мерос қолдирувчи фақат ўз оила аъзоларига васият қилиши ёки кимнидир меросдан маҳрум қилиши мумкин еди. Унинг васияти ўзгармас ҳисоб-ланган. Васият бўлмаса мерос ўғиллар ўртасида қонуний тартибда тақ-симланган. Қизларга сеп-сибирға ажратилган. Енг кенжা ўғилга меросдан кўпроқ - умумий мулқдан ўз ҳиссаси ва уй, томорқа ўтган. Ўғиллар бўлмаса, қизлар меросхўр бўлган. Фақат боярларнинг қизлари меросхўр бўлиши мумкин еди. Смердларнинг қизлари мерос ҳуқуқидан маҳрум етилиб, фақат ерга тегмаган бўлса сеп-сибирға учун ҳисса оларди холос. Бошқа барча ҳолларда мерос княз фойдасига ҳал қилинарди.

Жиноят ҳуқуқи борасида Рус ҳуқуқининг имтиёз ҳуқуқига ега еканлиги кўзга яққол ташланади. Масалан, холопларнинг шахси ва мулки умуман ҳимоя қилинмаган. Улар жиноят субекти ҳисобланмаган. Қарам дехқонларнинг шахси ва мулки еркин кишиларнига қараганда камроқ даражада ҳимоя қилинган. Масалан, Рус ҳақиқатида оғнишанин (юқори табақа вакили) ёки князлик еркагини ўлдирганлик учун айбдор княз фойдасига 80 гивен, еркин кишини ўлдирганлик учун еса - 40 гивен, смердни ўлдирганлик учун бор-йўғи 5 гивен жарима тўлаши назарда тутилган.

Рус ҳақиқати бўйича **жиноят** тушунчаси «озор етказиш» сифатида ифода етилган. Бунда моддий, жисмоний ёки маънавий талофат етказиш ҳисобга олинмаган. Жиноят субекти феодаллар, шаҳарликлар ва дехқонлар бўлган. Холоплар ва қуллар қилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилмаган. Улар учун хўжайинлари жавоб берган. Рус ҳақиқати бўйича, холоп еркин кишини урса, еркин киши холопни ўлдириш ҳуқуқига ега еди. Бу

қоида княз Ярослав томонидан бекор қилиниб, унинг ўрнига айбдор холопнинг хўжайинидан жарима олинадиган бўлди. Жиноят иштирокчилари айбнинг даражасига қараб ажратилмаган, улар бир хил жазолангандар.

Жиноий ҳаракат обекти княз ҳокимияти, шахс, мулк, ахлоқ ҳисобланган. Қасдан ёки тасодифан қилинган жиноятлар ажратиб кўрсатилган. Ўғрини жиноят жойида ўлдириш учун жазо берилмаган. Мастлик ёки Газаб натижасида қилинган жиноят учун енгил жазо берилган.

Qadimgi Rusning huquq tizimi

Русда узоқ вақт қонли ўч олиш одати сакланиб қолган. Бу одат Ярослав ҳақиқатининг 1-моддасида ҳам кўрсатилган еди. Лекин Ярославичлар қонли ўч олишни пул жаримаси билан алмаштиргандар.

Жазонинг қуидаги турлари маълум:

1. Ўлим жазоси. Бу Рус ҳақиқатида ёзиб кўйилмаган бўлса ҳам, лекин йилномаларда кўрсатилганидек, турли феодаллар ҳокимиятига қарши қўзғолонлар ва хоинликлар учун ўлим жазоси кенг қўлланилган. Масалан, 1068 йилда Киевда княз ҳокимиятига қарши қўзғолон ташкилотчилари ва иштирокчиларидан 70 киши княз Изяслав томонидан осиб ўлдирилган. Умуман Русда хоин княз уделидан, боярин еса бошидан маҳрум қи-линган.

2. Босқинчилик ва талон-тарож жазоси. Бу оғир жазо бўлиб, от ўғриларига, ўт қўювчиларга ва талончиларга нисбатан қўлланилган. Бунда жиноятчининг мол-мулклари мусодара қилинган, ўзи ва унинг оила аъзолари қулга айлантирилган.

3. Вира - товон, хун ҳақи жазоси. Қадимги Русда одам ўлдирганлик учун княз фойдасига ундириладиган пул жаримаси шундай деб аталган. Бойлар учун - 80-40 гравен; оддий халқ учун - 6-5 гравен кумуш, шунингдек жабрланувчи оиласига бошқача алоҳида жарима ундирилган. Унинг миқдори аниқ белгиланмаган. Қадимги Русда жамоа жавобгарлиги ҳам мавжуд еди.

4. Сотиш. Бу - княз фойдасига ундириладиган жарима.

5. Тана аъзоларидан маҳрум қилиш жазоси. Қўл, бурун, қулоқ ва бармоқларни кесиш.

Жиноят турлари:

1. Княз ҳокимиятига қарши қаратилган жиноятлар: қўзғолон, хиёнат, фитна ва бошқалар.

2. Шахсга қарши қаратилған жиноятлар. Одам ўлдириш, тан жароҳати етказищ, уриш, қўл, оёқ ёки кўзидан маҳрум етиш, ҳақорат қилиш: сўз билан ёки ҳаракат билан - соқолларини, мўйловларини кесиш, итариб юбориш ва ҳоказо.

3. Мулкка қарши қаратилған жиноятлар. ЎҒирилик, биноларга ўт қўйиш, чегара белгиларини бузиш ва бошқалар.

4. Динга қарши қаратилған жиноятлар. Черков ўҒирлиги, қабрни ўҒирлаш, черковга ҳайвон ва парранда олиб келиш, ўрмонзорларда, сувларда худога сиҒиниш, жодугарлик кабилар.

Суд жараёнида жиноят ва фуқаролик ишлари бир-биридан ажратилмаган. Иккаласи бўйича ҳам ягона суд жараёни мавжуд еди. Рус ҳақиқати бўйича суд жараёни тортишувдан иборат еди. Иккала томон ҳам даъвогар ҳисобланган ва деярли бир хил ҳуқуқларга ега бўлган. Судда улар ўз қариндошлари ва қўшнилари ўртасида сўзга чиққанлар. Қариндош ва қўшнилар судда уларнинг ёрдамчилари сифатида қатнашишган.

Суд жараёни жавобгарни судга чақириш билан бошланган. Алоҳида жиноий ишлар бўйича жиноятчини излаб топиш учун қиди्रув чоралари ҳам қўрилган.

2. Сиёсий тарқоқлик даврида Русда давлат ва ҳуқуқ (ХII-ХIV асрлар)

ХII асрга келиб жойларда феодаллар жуда бойиб кетди. Улар ўзларининг дружиначиларига ега бўлиб, эксплуататсия қилинувчиларни бостириб туриш учун етарлича кучга ега бўлдилар. Буюк княз ҳокимияти уларга малол кела бошлади. Марказдан қочиш жараёни келиб чиқди ва ХII асрда Қадимги Рус давлати инқизозга учраб, бир неча князлик ва ўлкаларга бўлиниб кетди. Булардан енг йириклари: Галич-Волин князлиги, Владимир-Суздал князлиги ва Новгород ҳамда Псков республикалари еди.

Galich-Volin knazligi ХII аср охирида Галич ва Волин ерлари Волин князи Роман Мстиславич (1199-1205 йиллар) томонидан бирлаштирилиб, ягона Галич-Волин князлиги ташкил етилади. Роман «буюк княз» унвонини олди.

Галич-Волин князлигига Галич боярлари муҳим рол ўйнарди. Улар йирик вотчиналарга ва қарам дехқонларга ега еди. Боярлар ичида ер учун, ҳокимият учун кураш доимо бўлиб турадиган ҳодиса

еди. Феодалларнинг бошқа гурухини **хизматчи феодаллар** ташкил етди. Булар князлик мукофотлари евазига ер олиб турарди. Кўпинча улар ерга хизмат даврида шартли егалик қилардилар. Хизматчи феодаллар князга қўшин бериб туришлари лозим еди. Галич княzlари боярларга қарши курашда хизматчи феодалларга таянарди.

Черковнинг йирик зодагонлари ҳам хукмрон табақа еди. Черков ва монастирлар князларнинг инъоми ва мукофоти ҳисобига ерга егалик қиларди. Галич-Волин князлигида қишлоқ аҳолисининг асосий қисмини дехқонлар ташкил етган. Озод дехқонлар ҳам, қарам дехқонлар ҳам смердлар деб аталарди. Жамоа ерлари аста-секин шахсий томорқаларга бўлинниб кетди.

Холоплик сақланиб қолди, лекин уларнинг сони камайиб кетди. Холоплар-нинг кўпчилиги ерга биритириб қўйилди. Шаҳарларда енг кўп аҳолини ҳунармандлар ташкил етди.

Давлат тузумининг ҳусусияти шунда едики, Галич-Волин князлиги узоқ вақт уделларга⁸⁸ бўлинмаган еди. Роман Мстиславичнинг ўғли Данпл Романович ўлганидан (1264 йилда) кейин у Галич ва Волин ер-ларига ажралди, кейин улар ҳам уделларга бўлиниб кетди. Бу даврда ҳоки-мият амалда йирик боярлар қўлида еди. Галич-Волин княzlари қенг иқтисодий ва ижтимоий асосга ега бўлмай, уларнинг ҳокимияти мустаҳкам емас еди. Князлик ҳокимияти катта ўғилга мерос бўлиб ўтарди.

Княз ҳокимияти унча кучли емасди. Галич боярлари сиёсий ҳаётда муҳим рол ўйнарди. Улар ҳатто князларни сайлаши, ўзларига ёқмаган князларни ҳайдаб юборишлари мумкин еди. Князларнинг асосий таянчи ўрта ва майда феодаллар, шаҳарликларнинг юқори қисми еди.

Галич-Волин княzlари маълум маъмурий, ҳарбий, суд ва қонун чиқариш ваколатлариiga ега еди. Жумладан, улар шаҳарлар ва вилоятларда мансабдор шахсларни тайинлар, хизматлар евазига ер берар, расман қуролли кучлар бош қўмондони ҳисобланарди. Лекин ҳар бир бояр ўзининг ҳарбий қўшинига ега еди. Галич боярлари полкининг сони князларнидан кўп-роқ еди. Князлар бошқаришга оид ёрликлар чиқарарди. Лекин уларни кўпинча боярлар тан олмасдилар.

Боярлар ўз ҳокимиятини **Боярлар Кенгаши** орқали амалга оширади. Унга йирик ер егалари, епископлар ва олий мансабдор шахслар кир-ган. Кенгашнинг таркиби, ҳуқуқи, ваколатлари аниқ

⁸⁸ **Udel** – qadimgi Rusda knaz qo`l ostidagi o`lka, viloyat.

белгиланмаганди. Кенгаш боярлар ташаббуси билан чақириларди. Княз уни ўз ҳолича чақира олмасди. Княз Кенгашнинг розилигисиз биронта ҳам қонун чиқара олмасди. Кенгаш расман олий ҳокимият органи бўлмаса ҳам, амалда князликни бошқариб турарди. Унга бутун давлат аппарати бўй-сунарди, чунки унинг таркибида давлатнинг йирик мансабдор шахслари киради.

Галич-Волин князлигида ҳам баъзан **феодаллар съездлари** чақирилиб турарди, шунингдек, сарой-вотчина бошқаруви вужудга келганди Унда **саройбон** муҳим ўрин тутган. **Сарой дастурхончиси** (столник) ҳам бўлиб, княз столини ташкил етган, овқатланиш вақтида унга хизмат қилган. **Матбаачи, қуш ови амири, отбоқар, овчи** ва бошқа сарой мансаблари ҳам мавжуд еди. Матбаачи девонхона ишларини юритиб, хазинани сақ-лаган.

Галич-Волин князлиги дастлаб мингликларга ва юзликларга, кейин-чалик воқеводлик ва волостларга бўлинади. Уларни воқевода ва волост бошлиқлари бошқарарди. Жамоаларда оқсоқоллар сайланиб, маъмурий ва майда суд ишларини юритардилар.

Шаҳарларни князлар томонидан тайинланадиган посадниклар бош-қаарарди. Улар маъмурий, ҳарбий ва суд функцияларини бажаарарди ҳамда аҳолидан ўлпон ва солиқлар йиғиб турарди.

Хуқуқи. Галич-Волин князлигида Рус ҳақиқати нормалари баъзи ўзгаришлар билан ҳаракатда еди.

Галич-Волин князлари ўзларининг қонунларини ҳам чиқарганлар, албатта. Буларнинг ичida 1134 йилги княз Иван Ростиславич Берладникнинг ёрлиғи муҳим ўрин тутади. Унда чет ел савдогарларига қатор имтиёзлар берилган еди. 1287 йилда княз Владимир Василкович томонидан чиқарил-ган «Рукописание» (қўлёзма)да мерос хуқуқи нормалари белгиланди. Унда меросхўрлар ҳам дехқонларни эксплуататсия қилишлари мумкинлиги кўрсатилган, шунингдек, шаҳар ва қишлоқларни бошқариш ҳақида маълу-мотлар ҳам мавжуд. 1289 йилда Волин князи Мстислав Романовичнинг Устав ёрлиғи чиқарилади. Унда феодалларга қарам аҳолининг мажбу-риятлари кўрсатилганди.

Vladimir-Suzdal knyazligi

Мазкур князлик Ока ва Волганинг юқори оқими оралиғида жойлашганди. Князликнинг енг қадимий шаҳарлари Ростов ва Суздал еди.

1097 йилги феодаллар сездининг қарори билан Киев Русининг бўлини-ши натижасида Суздал ерлари Владимир Мономахга ўтади. Лекин у бу ер-ларни бошқаришни ўз ўғли Юрий Долгорукийга (1125-

1157 йиллар) бера-ди. Юрий Долгорукий Киевдан мустақил биринчи княз еди. У Суздалда яшаб, катта ерларни егаллаб олади, князлик маркази қилиб Суздал шаҳрини танлайди. Долгорукий кўп шаҳарларга, жумладан 1147 йилда Москвага асос солади. У ўлгандан кейин ўғли Андрей Боголюбский (1157-1174 йиллар) Ростов-Суздал князи бўлиб қолди. У пойтахтни Владимир-Клязма шаҳрига кўчиради. Шундан сўнг бу давлат **Владимир-Суздал князлиги** деган ном олади. Андрей Боголюбский ўз ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш чораларини кўриб, боярларни террор қиласи. Натижада бояр-лар фитна уюшириб уни ўлдирадилар (1174 йил). Шундан кейин укаси ва во-риси Всеволод Юревич Катта Уя (1176-1212 йиллар) боярларнинг чиқиши-ларини шафқатсиз бостириди, боярларнинг фитналарида қатнашганларни аёвсиз жазолади, Чернигов ва Смоленск князликларини ўзига бўйсундирди.

Владимир-Суздал князлиги ижтимоий тузуми бўйича Киев Руси-дан кам фарқ қиласи. Ҳукмрон синфлар: катта князлик дружинаси, кичик князлик дружинаси, «еркин хизматчилар» (барча йирик, ўрта, майда ер егалари), дворянлар, руҳонийлар ҳисобланган. Жамоачи-дехқонлар смердлар деб емас, етимлар (сирота) деб аталган. Холоплар ҳам мавжуд еди. Шахар-ларда ҳунармандчилик ва савдо ривожланади.

Владимир-Суздал князлигига ҳам сарой-вотчина бошқаруви тизими шаклланади. Унинг тепасида саройбон турарди. У буюк князнинг хўжалик ва бошқариш ишлари бўйича биринчи ёрдамчиси ҳисобланарди. Ундан кейинги ўринда ҳарбий ишларни юритувчи **воевода** турарди. Булардан ташқари отбоқар, сарой дастурхончиси ва бошқалар мавжуд еди. Уларнинг ёрдамчилари тиунлар деб аталарди. Маҳаллий бошқарув наместниклар ва волост бошқарувчилари қўлида еди. Уларни буюк княз тайинларди.

Ҳуқуқи тўғрисида шуни айтиш мумкинки, бу ерда ҳам асосан Рус ҳақиқати ҳаракатда еди.

**Novgorod va Pskov
respublikalari**

Маълумки, 1136 йилда Новгород бояр-лари Киев князининг ноиби княз Всеволод Мстиславични ҳайдаб

юборадилар ва муста-қилликни қўлга киритадилар. Новгород боярлар республикаси - «Жаноб Буюк Новгород» бўлиб қолади.

Псков дастлаб Новгород таркибида еди. XIW аср бошидан у Новгород посадникларини қабул қилмай қўяди ва Псков **вечеси** псковлик боярлар-дан посадниклар сайлайди. 1323 йилда немислар

Псковга ҳужум қиласи. Псков Новгороддан ёрдам сўрайди. Лекин Новгород ёрдам бермайди. Шунга қарамай немислар псковликлар томонидан ҳайдаб юборилади. Шу вақтдан бошлаб Псков мустақил ички ва ташқи сиёsat юрита бошлайди. Новгороддан бошқа қўshни давлатлар унинг мустақиллигини тан олади. 1348 йилда шведлар Новгородга ҳужум қиласи. Енди Новгород Псковдан ёрдам сўрайди ва евазига унинг мустақиллигини тан олишга ваъда беради. Шведлар мағлубиятга учратилиб, Псков ва Новгород ўртасида Болотово қишлоғида битим тузилади ва Псков республикаси мустақил давлат бўлиб қо-лади. Кейинчалик, марказлашган Рус давлатининг ташкил топиши жараёни-да 1510 йилда Псков сиёсий мустақилликни йўқотади.

Новгород ва Псковнинг **ижтимоий тузумида** хукмон табақалар «енг яхши кишилар» деб аталган ва боярлар, йирик ер егалари, руҳонийлар ва бошқа гуруҳларга бўлинган. Савдогарлар ҳам муҳим ўрин тутарди, қол-ган барча аҳоли қора ёки кичик кишилар ҳисобланарди. Улар мажбуриятлар ўтаб соликлар тўлардилар. Жамоачи-дехқонлар смердлар деб аталарди. Фео-далларга тутқунликка тушиб қолган дехқонлар еса гаровга қўйилганлар сифатида едилар. Улар ерга егалик қиласи, лекин турли мажбуриятлар ўташлари ло-зим еди. Еридан маҳрум бўлиб, хўжалик юритишга маблағи етмайдиган смердларни **половниклар** дейиларди. Половниклар феодаллардан қарз олиб, уларнинг ерларида ишлардилар. **Огородниклар** ҳам бўлиб, улар феодалларнинг томорқаларида ишлардилар. **Кочетниклар** (кўчманчилар) балиқчилик билан шуғулланарди. Енг хукуқсиз омма **холоплар** еди. Улар кўпроқ уй хўжали-гида ишлардилар.

Давлат тузуми бўйича Новгород ҳам, Псков ҳам аристократик республика еди. Ҳокимият феодалларнинг юқори қисми қўлида бўлиб, улар республика институтларидан усталик билан фойдаланардилар.

Новгород ва Псковда расман олий ҳокимият органи **Вече** ҳисобланарди. Унда фақат еркин ва мулкдор кишилар қатнашар, боярлар раҳбарлик ролини ўйнардилар. Вечеда барча мансабдор шахслар сайланган, уруш ва тинчлик, елчилар қабул қилиш, соликлар миқдорини белгилаш, шаҳар, черков қурилиши, оғирлик, узунлик ўлчов бирликларини ўрнатиш, олий мансаб-дорларни суд қилиш, шунингдек, енг муҳим жиноят ишларини кўриш каби масалалар ҳал қилинган.

Лекин Новгородда давлат ҳокимиятининг олий органи амалда «Совет господ» - «Хукмронлар кенгаши» еди. Унга Новгород архиепископи, по-садник, мингбоши, собиқ посадниклар ва мингбошилар ва бошқа йирик ер егалари кирган. Бу орган Вечеда кўриладиган барча масалаларни дастлаб кўриб чиқиб, Вечега тайёр қарорларни тақдим етарди. Кенгаш ҳарбий ишларга, молияга, ташқи алоқаларга раҳбарлик қилас, мансабдор шахсларни йўналтириб турар, вечега амалдорлар номзодларини тақдим етарди.

Новгород ва Псковда олий мансабдор шахс **посадник** еди. У рес-публика бошлиғи ҳисобланиб, номаълум муддатга сайланарди. Иккинчи олий мансабдор шахс **мингбоши** еди. У уруш вақтида халқ лашкарларига қўмодонлик қилган, тинчлик вақтида савдо ишларини юритган ва савдо ишлари бўйича судни амалга оширган, шунингдек, политсиачилик функ-сияларини ҳам бажарган.

Новгород ва Псковда княз олий мансабдор шахслардан бири еди. Унинг асосий вазифаси Новгород ва Псковни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш ҳисобланган. Княз фаолияти устидан посадник назорат қилас, Княз шаҳар мудофаасини ташкил етиш, баъзи суд функцияларини амалга ошириш ишларини ҳал қилган. Княз вечеда иштирок етиб, бошқа давлатлар билан шартномаларни ишлаб чиқишида, елчилар қабул қилишда қатнашарди. Вече князни ҳайдаб юбориши мумкин еди.

Новгород беш қисмга, Псков олти қисм (контсаил)га бўлинган. Улар-нинг ҳар бирини вечеси чақирилиб турган. Контса (кончан)лар кўчаларга бўлинниб, уларнинг оқсоқоллари мавжуд еди.

Новгород ва Псковнинг бутун ҳудуди вилоятларга (областларга) бўлинган. Улар пятиналар дейилиб, кончанлардан бирига бўйсунган. Пятиналар волостларга, волостлар погостларга бўлинган.

Ҳуқуқ манбалари: Рус ҳақиқати, одат ҳукуки, вече «хукмлар»и ёки қарорлари, бошқа давлатлар билан тузилган шартномалар, князлар ўртасидаги шартномалар ва ниҳоят қонунлар тўпламлари - Новгород ва Псков суд ёрлиқлариидир.

3. Олтин Ўрда давлати ва ҳуқуқи (ХIII-XV асрлар)

ХIII аср бошларида мўғуллар хони Темучин барча мўғул қабила-ларини ўз ҳокимиятига бирлаштириди. 1206 йилдаги Курултойда у бутун мўғуллар хони - Чингизхон деб еълон қилинди ва Мўғилистон давлатига асос солди. Чингизхон қўп халқлар ва

давлатларга юриш қилиб босиб олади. У дастлаб бурятлар, ёкутлар, уйГурлар ва бошқа халқларни, кейин еса Ши-молий Хитой ва Кореяни, сўнгра Ўрта Осиё ва Кавказ ортини истило қила-ди. Ундан кейин 1223 йилда қипчоқлар ва русларга Калка дарёси бўйида зарба беради. 1227 йилда Чингизхон ўлимидан кейин ҳокимият унинг ўҒиллари ўртасида бўлиб олинади. МўҒуллар Боту бошчилигида 1237-1238 йилларда Шимолий-Шарқий Русни, 1239-40 йилларда Жанубий-Ғарбий Русни босиб олдилар. Кейин Боту қўшинлари Венгрия, Полша, Чехия ва бошқа давлатлар ҳудудига кириб борди, лекин ҳолдан тойғанлиги учун орқасига қайтиб, 1243 йилда Қипчоқ даштларида Астрахан яқинида Олтин Ўрда давлатига асос солдилар. Унинг пойтахти Сарой-Берка шаҳри бўлди.

Олтин Ўрда таркибига Иртишдан Урал тоҒларигача бўлган ерлар, Жанубий қора денгиз даштлари, Крим, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг бир қисми кирди. Рус князликлари унга вассал қарамликда бўлиб, ўлпон тўлаб турган. Олтин Ўрда 1502 йилгача ҳукм сурган.

Олтин Ўрдада ҳукмрон синф кўчманчилардан иборат еди. Юқори табақалар: шаҳзодалар, хоннинг оила аъзолари ва қариндошлари ҳисобланган. Улар енг иирик феодаллар бўлиб, катта чорвалар, ерлар ва кўпдан-кўп қа-рам кишиларга егалик қиласиди. Улардан кейинги ўринда **беклар** ва **нўёнлар** турган. Булардан ташқари **тархонлар** - савдогарлар ҳам имтиёзли табақа ҳисобланган. **Навкарлар** майда феодаллар еди.

Кўчманчи чорвадорларнинг асосий оммаси **корачу** - **оддий халқ** дейилган. Улар нўёнлар ҳокимияти остида бўлиб, оилалари билан яшаб, якка хўжалик юритардилар, чорва солиғи тўлар ва турли мажбуриятларни ўтардилар.

Олтин Ўрда ҳокимлиги остидаги Ўрта Осиё, Крим, Қуйи Паволже ва бошқа жойларда деҳқонлар бўлиб, улар **сабончи** ва **ўртоқчи** гуруҳларга бўлинганди. **Сабончи** - қишлоқ жамоачилари еди. **Ўртоқчи** – камбағал-лашган жамоа аъзолари бўлиб, тутқунлик шартларида феодалларнинг ерларида ишлардилар. Олтин Ўрдада кўп сонли қуллар ҳам мавжуд еди.

Давлат тузуми бўйича Олтин Ўрда ilk феодал монархияси шакли-даги давлат еди. Давлат бирлиги шакли сюзеренитет-вассалитет муносабатларига асосланарди.

Давлат тепасида хон турган, у кучли деспотик ҳокимиятга ега бўлган. Муҳим масалаларни ҳал етиш учун хон **Курултой** - феодаллар сездини чақиради. Унда шаҳзодалар, яъни хон уруғи

аъзолари, шунингдек, нўёнлар ва беклар иштирок етарди, уруш ва тинчлик, хонни сайлаш ва бошқарув масалалари ҳал қилинарди.

Марказий бошқарув тепасида бевосита хонга бўйсунувчи **министр** туради. У хон девонхонасига, ошхона, отхона ва устахоналарига бош-чилик қиласиди, девонлар - марказий бошқарув органлари раҳбари ҳисоб-ланарди.

Давлат бошқарувининг алоҳида тармоқларини **девонлар** юритган. Улар-нинг ичида солиқлар, ўлпонлар ва мажбуриятларнинг тушишига раҳбарлик қи-лувчи девон, яъни давлат хазинаси енг муҳими еди. Девонларда битоқчи-лар, яъни котиблар иш юритарди. Давлат хазинасини юритувчи котиб (битоқ-чи) асосий битоқчи ҳисобланарди. Олтин Ўрда қўшинлари тепасида **баковул** турган. У бевосита хонга бўйсунган. Баковул қўшинларни жойлаштириш ва таъминлаш, ўлжаларни тақсимлаш, олий ҳарбий қўмондонларни кузатиб туриш вазифаларини амалга оширади. Баковулга ўғлонлар, яъни 100 минг кишилик қўшиннинг қўмондонлари, ўғлонларга esa - туманбегилар, яъни ўн минг лашкарга қўмондонлар бўйсунарди. Ундан кейин мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар мавжуд еди.

Бутун Олтин Ўрда хонлиги бир неча улусларга бўлинганди. Уларнинг тепасида улусбеклар - хоннинг ноиблари туради. Бу мансабга одатда шаҳзодалар тайинланарди. Улар деярли мустақил еди. Улуслар амирликларга бўлиниб, уларни амирлар бошқаарди.

Хуқуқ манбаларини асосан хоннинг фармойишлари ва Буюк Ясоқ ташкил етган. Буюк Ясоқ 1206 йилда Чингизхон буйруғи билан тузил-ган. У мўғул қонунлари ва одатлари тўплами ҳисобланарди. Мўғуллар исломни қабул қилганларидан кейин Олтин Ўрдада шариат ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб қолди.

4. Марказлашган Рус давлатининг ташкил топиши ва ҳуқуқнинг ривожланиши (ХІВ асрнинг иккинчи ярми-XVI асрнинг биринчи ярми)

ХІВ асрдан бошлаб рус князликлари бирлаша бошлайди. Бунинг асосий сабаблари: биринчидан, рус ерликлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар-нинг кучайиши, иккинчидан, дехқонларни жиловлаб туриш ва уларнинг крепостнойлашувини охирига етказиш зарурияти, учинчидан, айниқса мўғулларга қарши курашиш, уларнинг ҳукмронлигига барҳам бериш зарурати еди.

Марказлашган давлат Москва теварагида ташкил топади. Маълумки, ХИИ асрдан бошлаб Москва ўзининг доимий князига ега бўлган мус-тақил князликка айланади. (Илгари у Ростов-Суздал князларининг кичик ўғилларига удел сифатида бериларди). Бундай биринчи княз Александр Невскийнинг ўғли - ДанПл еди. Унинг князлиги остида ХИИ ва ХИВ асрлар бўсағасида рус ерликлари бирлаша бошлади. ДанПлнинг иккинчи ўғли Иван Калита (1325-1340 йиллар) даврида Москванинг қудратига асос солинган. Иван Калита татарлардан буюк князлик ёрлиғини олишга муваф-фак бўлди ва барча князликлардан татарлар учун ўлпон тўплаш хуқуқи-ни олди. Москва православ черковининг маркази бўлиб қолди. Митрополит Владимирдан Москвага кўчиб келади.

Буюк князлар Москва давлати ҳудудини кенгайтира бориб, уделларни оддий вотчиналарга айлантирилар. Удел князлари давлат бошлиғи бўлмай, ўз ерларида боярларга айландилар. Улар Москва князларига бўйсунар-дилар. 1380 йилда Дмитрий Донской Куликово майдонида татарларга қақшат-қич зарба берди.

Иван III даврида (1462-1505 йиллар) рус ерликларининг бирлашуви охир-ги босқичга кирди. Москвага Буюк Новгород, Твер, Рязан князлиги-нинг бир қисми, Деснадаги ерлар бирлашди. 1480 йилда «Угра»даги машҳур жангдан сўнг Рус мўғуллар зулмидан батамом халос бўлди.

Рус ерликларининг бирлашиши жараёни XVI асрнинг бошида тугади. Княз Василий III Москвага Рязан князлигининг иккинчи ярмини, Псковни қўшиб олди, Смоленскни еса Литва князлигидан озод қилди.

Шу тариқа Москва ҳокимлиги барча рус ерликларига тарқалди. Унинг таркибига мордвалар, чувашлар, кореллар, ненетслар, удмурдлар ва бошқа-лар ҳам кирди. Улардан баъзилари ассимилятсия бўлиб (аралашиб) кетди. Русда марказлашган давлат қуйидаги ҳусусиятлари билан Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқ қиласди.

Русда марказлашган давлатнинг ташкил топиши халқларининг (Буюк рус, украин ва белорус халқларининг) ташкил топишига олиб келди. Ғарбий Европада еса бундай жараён миллатларнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Русда кейинчалик капитализм ривожланиши билан миллатлар вужудга келди ва у кўп миллатли давлат бўлиб қолди.

Ijtimoiy tuzumi Жамиятда феодаллар: хизматчи князлар, боярлар, еркин хизматчилар ва боярларнинг

болалари, «сарой хиз-мати остидагиларга» бўлинади. Хизматчи князлар фео-далларнинг юқори қисмини ташкил етади. Улар собиқ удел князлари бўлиб, Москва давлатига қўшилиши билан мустақилликларини йўқотган, лекин ўз ерларига егалик хуқуқини сақлаб қолган едилар. Улар қўшинларда қўмон-донлик лавозимларини егаллаб, урушларда ўз дружиналари билан иштирок етардилар. Оқибатда улар боярлар табақаси билан қўшилиб кетади.

Боярлар ҳам князчалар сингари катта ер егалари бўлиб, давлатда қўмондонлик лавозимларига ега едилар. Еркин хизматчилар ва боярларнинг болалари майда ва ўрта феодаллар ҳисобланарди. Улар буюк князга хизмат қиласди.

Феодаллар ўзлари ичидан ўзларига сюзерен сийлаш хуқуқига ега едилар. Сюзерен бўлиб кетган вассал ўз ватандошларини йўқотмади. Шу сабабли баъзан боярин бошқа ерда бўлиб, унинг ери бошқа ерда бўлиши мумкин еди, гоҳида еса душман ерида бўлиб қоларди. Кейинчалик васалларнинг кетиш хуқуқи чекланиб, ҳатто сенордан кетиш хиёнат саналарди. Сарой хизматчилари енг қўйи даражадаги феодаллар еди. Улар кўп-роқ княз холопларидан ташкил топарди. Вакт ўтиши билан баъзи холоплар сарой ва давлатда катта ёки кичик лавозимларни егаллаб, княздан ерлар олар ва шу тариқа феодалларга айланарди.

XV асрда боярларнинг сони жуда ўсиб кетди. Чунки удел князлари ўз боярлари билан буюк княз хизматига кела бошлаган едилар. Боярлик аста-секин сарой мансабига айланарди. Бояр илгари йирик феодал бўлган бўлса, енди буюк княз тақдим қиласиган сарой мансаби бўлиб қолади. Бу кўпроқ буюк князларга хизматга ўтган князларга бериларди. Иккинчи сарой мансаби околничий мансаби еди. Бу мансабни илгариги (ески) бояр-лар оларди. Сарой мансабини олмаган боярлар боярларнинг болалари ва ер-кин хизматчиларга айланарди. Илгариги боярлар буюк князга доимо ёр-дам бераб турадилар. Ендиги (янги) боярлар - собиқ удел князлари еса муҳолифиятда турган. Шунинг учун ҳам буюк князлар ўзларига таянч ахтара бошлайдилар. Бундай таянч феодалларнинг янги гуруҳи - дворянлар еди. Дворянлар аввало «сарой хизматчилари», удел князлари ва йирик боярлардан ташкил қилинди. Буюк князлар, айниқса, Иван III кўп еркин кишиларга ва ҳатто холопларга ҳарбий ҳизматлар евазига поместе ер егаликлари бера бошлайдилар. Дворянлар буюк князга тўла боғлиқ бў-либ, унинг содик таянчи ҳисобланарди. Ўз хизматлари евазига дворянлар янги ерлар,

дехқонлар олишга умид қилардилар. Дворянлар ўсиб, бояр-ларнинг таъсири еса камаяди.

Феодалларга қарам аҳоли бу даврда дастлаб сирота-етимлар деб юри-тилган. ХИВ асрда унинг ўрнига крестьян (христиан сўзидан олинган) деган ном пайдо бўлди. Лекин XV асрда ҳали илгариги смердлар ибораси ҳам иш-латиларди. Дехқонлар икки тоифага: қора мажбуриятли ва егалиқдаги дехқон-ларга бўлинган. Егалиқдаги дехқонлар помешчиклар ва вотчинниклар ер-ларида ишлаб, ўша ерда яшаганлар. Қора мажбуриятли дехқонлар феодал-ларга берилмаган бошқа ерларда яшардилар. Бу ерлар бевосита князга тегишли еди. XV асрда қора мажбуриятли дехқонларни ерга бириктириш, егалиқдаги дехқонларни тобора крепостнойлаштириш жараёни ниҳоятда кучайди. Қора мажбуриятли дехқонлар маълум князликка бириктирилади. Бу князлар ўртасидаги шартномалар орқали амалга оширилган. Бундай шарт-номаларга кўра, бегона мажбуриятли кишиларни ўз ерларига қабул қилиш мумкинмас қилиб белгиланди. Крепостнойлаштириш еса дехқонларни маълум вотчина ёки поместега, яъни ерга ва унинг егасига бириктириш орқали юз берарди. Дехқонлар ўзларига хўжайин танлаш, бошқа хўжайнинга ўтиб ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўла бордилар. Буюк князлар бир гуруҳ дехқонларни маҳсус ёрлиқлар билан егаларига бириктириб қўя бошладилар. Бундай дехқонлардан биринчиси - **старожилетслар** (туб аҳоли, бир жойда кўп вақтдан яшаб келганлар) еди. Улар феодалларга ҳамда давлатга мажбу-риятлар ўтаб турадилар.

Новоподрядчиклар (янги ижарачилар) ҳам мавжуд еди. Улар қўпинча бошқа феодаллардан қочиб келган дехқонлар еди. Янги ижарачи дехқонлар давлат мажбуриятларидан, баъзи феодал мажбуриятларидан ҳам озод қилинган еди. Улар одатда вотчинник ёки помешчикдан ёр-дам ёки пул қарз олиб турар ва қарзларини тўлаб бўлганларидан сўнг бош-қа феодалларга ўтиб ишлаш ҳуқуқига ега бўлар едилар. Агар ново-подрядчик бир ерда кўп йил яшаб қолса, у старожилетсга айланарди.

Қарам кишиларнинг яна бир гурухини **серебренниклар** ташкил етган. Булар феодаллардан «серебро» (кумуш), яъни қарзга пул олиб, унга ишлаб беришлари лозим бўлган дехқонлар еди. Фоизлар жуда юқори бўлганлиги учун уларнинг қарзларини тўлаши жуда оғир бўлган. Серебренник қарзини тўламагунича хўжайнидан кета олмасди.

Қарам кишиларнинг алоҳида гуруҳини **половниклар** ташкил етарди. Улар буюк княз ерларида ўз от-увовлари билан ишлаб, ҳосилнинг ярмини хўжайинига бериши лозим бўлган ери йўқ камбағал дехқонлар еди.

XV аср охирида **бобиллар** пайдо бўлди. Улар феодаллардан турар жой, баъзан ер олиб ишлайдиган дехқонлар еди. Уларнинг ерларидан солик олинмасди. Улар қишлоқ жамоасига боғлиқ дехқонлар еди.

1497 йилги Қонуннома (Судебник) Юрий кунини (26 ноябр) жорий қилди. Бунга кўра дехқон ўз хўжайинидан Юрий кунидан бир ҳафта олдин ва бир ҳафта кейингина кетиши мумкин еди. Бунинг учун дехқон феодалга ҳовли учун ижара пули сифатида тўлов беришга мажбур еди. Шу тариқа Русда дехқонларни умумдавлат миқёсида крепостнойлаштириш бошланган еди.

Бу даврда холопларнинг баъзилари феодалларга айланган, баъзилари ерга бириклирилди, баъзилари еркинликка чиқарилди. Албатта, холоплар ҳам сақланиб қолди. Ўзини холопликка сотиш учраб турарди. Холоплар ва дехқонлар орасидаги фарқ жуда камайган еди. Шаҳарларда княз ҳокимияти вакиллари, савдогарлар ва ҳунармандлар яшарди.

Davlat tuzumi Москва давлати илк феодал монархияси бўлиб қолаверди. Дастлаб сюзеренитет-вассаллитет муносабатлари мавжуд еди. Кейинчалик марказ ва жойлар ўртасидаги муносабатлар иммунитет ёрлиқларига ва шартномаларга асосланарди. Удел княzlари буюк княzlардан хизматлар евазига ёрлиқлар олиб унга бўйсунарди.

Давлат бошлиғи буюк княз ҳисобланган. У катта ҳукуқларга ега бўлиб, қонулар чиқарар, давлат бошқарувига раҳбарлик қилар, суд вако-латларига ега еди. Унинг ҳокимияти вақт ўтиши билан кучайиб борди.

Айниқса, Олтин Ўрда қулагандан сўнг буюк княз бутун Руснинг ҳукмдорига айланди. Иван III ва унинг вориси ўзларига подшо девонини олишга ҳаракат қилган.

Давлатнинг муҳим органи **Боярлар думаси** ҳисобланган. У Қадимги Русдаги Кенгашдан ўсиб чиқкан. Боярлар думасининг ваколатлари бу-юк княз ваколатларига мос тушган. Лекин бу ҳолат ҳеч қаерда расмийлаштирилмаган еди. Буюк княз Боярлар думаси билан ҳисоб-лашиши шарт емас еди. Бироқ, унинг барча қарорлари

боярлар томонидан маъқулланмаса, ҳаётга тадбиқ қилинмасди. Вақт ўтиши билан буюк княз Боярлар думасини ўзига бўйсундирди.

Феодаллар сезdlари ҳам худди илгаригидек чақирилиб турарди. Илгариги сарой-вотчина бошқаруви ўрнига аста-секин янги **приказ (маҳкама)** **бошқаруви** вужудга келади. Аввало сарой-вотчина бошқаруви мурак-каблаштирилиб, сарой чинлари доимий хизматга айлантирилди. XV асрнинг II ярмидан маҳкама тизими келиб чиқа бошлаб, XVI асрнинг II ярмида расмийлаштирилди. Шу вақтдан бошлаб «приказ» атамаси ҳам ўрнатилди.

Биринчи маҳкама катта сарой прикази ва хазина прикази еди. От-улов хизмати маҳсус приказга айланиб, факат князларнинг шахсий хизматларини емас, дворянлар отлиқ қўшинларининг ривожланишига ҳам хизмат қиласиган бўлди. XVI асрнинг бошида Разряд прикази ташкил топиб, хизматчи киши-ларни, уларнинг чинлари ва мансабларини ҳисобга олиш билан шуғулланди.

Рус давлати уездларга бўлинниб, улар станларга, станлар волостларга бўлинди. Бироқ хали бир хилдаги маъмурий-худудий бирлик тўлиқ ишлаб чи-қилмаганди. Баъзи жойларда ерликлар (уделлар) ҳам сақланиб қолганди. Ҳарбий округлар, гублар, суд округлари ҳам сақланиб қолди.

Huquq manbalari Рус ҳақиқати ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб қо-лаверди. Одат ҳуқуқи ҳам ҳаракатда еди.

Марказлаш-тириш мақсадида **устав ёрлиқлари** ҳам чиқарилди. Бу даврнинг енг муҳим ҳуқуқ ёдгорлиги **1497 йилги Судебник (Конун-нома)** еди. У Рус давлатининг ягона суд амалиётини жорий қилди, янги ижтимоий муносабатларни тартибга солди, майда ва ўрта феодаллар – дворян-лар ва боярларнинг болаларининг майдонга чиқишини расмийлаштириди. Айниқса, у дехқонларни ёппасига крепостнойлаштиришни бошлаб берди. Чунки унда Юрий куни жорий қилинган еди.

Рус ҳақиқати, Псков суд ёрлиғи, Москва князларининг кейинги қонунлари Судебникнинг манбалари еди. Қонунномада асосан жиноят ва жиноий-ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланганди. У Рус ҳақиқатини бир қанча янги нормалар билан бойитди. Лекин фуқаролик ҳуқуқи ва айниқса мажбу-рият ҳуқуқи борасида унча батафсил нормалар белгиланмаганди. Шу сабабли Рус ҳақиқатининг баъзи нормалари Судебник билан бир қаторда ҳаракатда бўлди.

Mulk huquqining tartibga solinishi

Бу даврда мустақил жамоа ер егаликлари деярли йўқолиб кетган еди.

Жамоа ерлари вотчинниклар ва помешчиклар қўлига ўтади, князлик ер егалиги мустаҳкамланади, вотчина егаси унга деярли чек-ланмаган ҳуқуқларда егалик қиласди. У вотчинага егалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш, яъни сотиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб ўтказиш ҳуқуқига ега еди. Шу билан бирга вотчина шартли ер егалиги еди. Чунки княз ўзидан кетган вассалнинг ерини қайтариб олиши мумкин еди.

Поместе еса аниқ кўринишдаги шартли ер егалиги бўлган. Чунки у сенорлар томонидан вассалларга хизмат даврида мукофот тариқасида бери-ларди. Шу сабабли помешчик уни тасарруф етиши мумкин емасди.

Буюк князлик домени қора мажбуриятли ва сарой ерларига бўлин-ган. Қора мажбуриятли дехқонлар пул рентаси тўлардилар ва умумдавлат чиновникларига бўйсунардилар. Сарой дехқонлари баршчина ўтар ёки натурал оброк тўлардилар. Улар сарой ҳокимияти вакиллари томонидан бош-қариларди. Домен ерлари секин-аста буюк князлар томонидан вотчина ва поместе сифатида тақсимланганди.

Majburiyat huquqi

1497 йилги Қонуннома шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга Рус ҳақиқатига қараганда кам ўрин ажратди. Қарз ҳақида фақат битта моддада гапирилган еди. Бунда қарзини тўлай олмаган қарздорнинг мажбурияти ҳа-қида гапирилиб, бундай норма Рус ҳақиқатида ҳам мавжуд еди. Қонунно-мада олди-сотди ва шахсий ижара шартномалари ҳақида ҳам еслаб ўтилганди.

Meros huquqi

1497 йилги Қонуннома Рус ҳақиқатига қараганда заарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни анча аниқ кўрсатиб беради.

Бунда кам ўзгаришлар юз берди. Лекин Қонуннома мерос ҳуқуқида анча умумий ва аниқ нормалар ўрнатган. Ўғиллар қонуний меросхўрлар ҳисобланган, улар бўлмаса қизлар ҳам ер олиши мумкин еди. Агар қизлар бўлмаса, мерос яқин қариндошларга ўтган.

By Jinoyat huquqi

Бу даврда жиноят ҳуқуки анча тараққий қилди. 1497 йилги Қонунноманинг чиқарилиши билан бөғлиқ еди. Унда жиноятга анча аниқ тушунча берилди. Давлат ёки ҳукмрон синфга тажовуз қилувчи ҳар қандай ҳаракатларга жиноят деб ту-шунилган. Жиноят атамасини қўллаб Қонуннома Псков суд ёрлиғидан фарқ қиласди. Унда «ёмон иш» (лихое дело-ёмон, ёвуз иш) жиноят деб тушунилган.

Жиноят субекти борасида ҳам Қонуннома Рус ҳақиқатидан илгарила-ди. Холопга енди жиноятнинг субекти сифатида қараладиган бўлди, яъни ендилиқда у ўз ҳаракати ва жинояти учун мустақил жавоб берадиган бўлди. Қонуннома Рус ҳақиқатига маълум бўлмаган, Псков суд ёрлиғида факат еслаб ўтилган жиноятларнинг турларини киритди. Масалан, давлат жиноятларидан «исён» ва «қўзғолон» деган тушунчалар пайдо бўлди. Исён деганда асосан боярларнинг буюк князлардан бошқа князларга ўтиб ишлиши тушунилган. Масалан, Твер йилномасида еслатилишича, 1485 йилда Твердан Москва буюк князига ўтиб кетган князлар ва боярларни исёнчилар (крамолники) деб еълон қилинган. Давлатга қарши жиноятлар учун ўлим жазоси ўрнатилди.

Қонун мулкий жиноятларнинг ривожланган тизимини назарда тутади. Буларга босқинчилик (қароқчилик, талончилик), ўғрилик, бегона мулкни йўқ қилиш ва унга заарар етказиш кабилар кирган. Булар учун қаттиқ жазолар берилган. Қонуннома шахсга қарши жиноятлардан одам ўлдириш, ҳаракат ва сўз билан ҳақорат қилиш кабиларни кўрсатади.

Қонуннома жазоларнинг мақсади ва тизими борасида ҳам анча ўзгаришлар ясади. Илгари хазина учун муҳим даромад сифатида вира (хун ҳақи, товоң) ва сотишни кўзда тутувчи нормалар кўп бўлган бўлса, енди биринчи ўринга бошқа манфаатлар чиқди. Ҳукмрон синф експлуататсия қилинувчи омманинг қаршилигини бостириш учун террористик усуллар қўллай бошлади. Жазонинг мақсади сифатида қўрқитиши биринчи ўринга чиқарилди. Агар илгари мулкий жазолар асосий ҳисобланган бўлса, енди у кейинга суриб қўйилди. Қонуннома ўлимга маҳкум етиш ва савдо қатли деб аталган янги жазоларни жорий қилди ва булар кўп жиноятлар учун қўлланилди. Қонун ўлим жазоси турларини кўзда тутмайди. Тажрибада ўлим жазосининг қўпгина турлари мавжуд еди. Масалан, осиш, калласини кесиш, сувга чўқтириш ва бошқалар. Савдо қатли шундай едики, бунга кўра, айбла-нувчи савдо майдонида қамчи билан саваланган, бу кўпинча унинг ўлимига олиб келган. Сотиш жазоси ҳам бўлган, лекин кам қўлланилган. Судебнида озодликдан маҳрум қилиш ва тана аъзоларига шикаст етказиш (кўзини ўйиш, тилини кесиш) каби жазолар ҳам назарда тутилади.

Sud
jarayoni

Бу даврда тортишувчилик жараёни янада ривожлан-ди ва суд иш юритишининг янги шакли - қидирав пайдо бўлди. Тортишув жараёнида иш

даъвогарнинг арзнома деб аталувчи шикояти билан бошланган. Арзнома одатда оғзаки берил-ган. Суд арзномани олгандан кейин жавобгарни судга олиб келиш чора-ларини кўрган. Жавобгарни кафил бўлганлар судга олиб келганлар. Жавобгар судга келмаса муҳокамасиз ютқазган. Бунда даъвогарга «судсиз ёрлик» берилган. Агар даъвогар судга келмаса иш тугатилган.

Суд жараёнида томонларнинг шахсан тан олишлиги, гувоҳларнинг кўрсатмалари, суд дуели, ҳужжатлар (шартномалар, расмий ёрликлар), қасам далиллар бўлиб ҳисобланган. Томонлар дуелга чиқиб, ким ютса ўша ишда ҳам ютган, дуелдан қочса ютқазган. Дуел учун одам ёллаш ҳам мумкин еди.

Бу даврда қидирув жараёни пайдо бўлган. Бунда суднинг ўзи иш қўзғатган, юритган ва ўз ташаббуси билан уни тугатган. Судланувчи қўпроқ жараён обекти бўлиб қоларди. Ҳақиқатни билиш учун «қийноққа солиш» асосий восита еди.

Суд пошиналари ҳам ўрнатилганди. Даъвогар даъво суммасининг 6 фоизини судяга - боярга тўлаши лозим еди. Бундан ташқари дякка ҳам алоҳида ҳақ тўланган.

5. Россияда табақа-вакиллик монархияси (XVI асрнинг ўрталари-XVII асрнинг ўрталари)

Юз йилдан ортиқ давом етган бу даврда Қозон, Астрахан ва Сибир хонликлари тугатилиб, уларнинг худуди-қўйи ва ўрта Поволже, шунингдек, Сибир Россия таркибига қўшиб олинди. 1654 йилда еса чап қирғоқ Украина Россияга қайтадан қўшиб олинди.

Дехқонлар ва холопларнинг експлуататсия қилишнинг кучайиши Иван Болотников бошлигидаги урушни келтириб чиқарди. Ливония уруши ва опричнина мамлакатга катта талофат келтирди. Айниқса поляк-швед интер-вентсияси ахволни янада мураккаблаштириди.

Чет ел босқинчиларининг ҳайдаб юборилиши натижасида хўжалик кўтарила бошлади. Бироқ иқтисодий қийинчилликлар узок сақланиб турди.

XVI асрнинг охирларидан дехқонларни крепостнойлаштириш борасида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Махсус фармон билан «тақиқланган йиллар» жорий қилинди. Бу даврда дехқонларнинг ўз ерларидан кетиши тақиқланди. 1597 йил охирида еса «тайин йиллар» белгилаш тўғрисида фармон чиқарилди. Унга биноан ўз

помешчигидан қочиб кетган ва рўйхат дафтирига киритилган дехқонларни қидириб топишнинг 5 йиллик муддати ўрнатилди ва бу тартиб 1649 йилгача сақланиб қолди. Бу ҳолат боярларга - йирик вотчин-никларга дехқонларни ўз томонларига оғдириш имкониятини берарди. 1649 йилги Собор қонунлари "тайин йиллар" ни бекор қилиб, дехқонларнинг крепостнойлаштирилишини батамом охирига етказди. Ендиликда дехқонларни қидириб топиш муддатсиз бўлиб қолди.

Бу даврда ҳукмрон табақалар ичида кучли зиддиятлар бўлиб турди. Монархлар ва уларнинг тарафдорлари билан боярлар ўртасида қаттиқ кураш кетарди. Боярлар давлатнинг марказлаштирилишига қарши курашдилар. Монархлар боярларга қарши курашда дворянларга ва шаҳарликларнинг юқори қисмига таяндилар. Табакавакиллик монархияси марказлашган давлатни мустаҳкамлаш учун кураш натижасида вужудга келган еди.

Чет ел босқинчилари ҳайдаб юборилганидан сўнг мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустаҳкамлана бошлади. Янги подшони сайлаган 1613 йилги Земский (Умумдавлат) соборидан бошлаб Россия давлати аста-секин мустаҳкамлана бошлади. XVII асрнинг ўрталарига келиб у янада қудратли ва кучли бўлиб қолди.

Ijtimoiy tuzumdagি o`zgarishlar Бу даврда феодал муносабатлар жуда тараққий етиб, дехқонларнинг крепостнойлаштирилиши охирига етказилди. Хўжаликнинг баршина тизими ривожланди.

Дехқонлар баршинадан ташқари қатор бошқа маж-буриятларни ҳам ўтардилар.

Опричнина собиқ удел князларининг иқтисодий қудратини синдириди, подшонинг ер егалиги ўсиб, аста-секин поместе ер егалигининг аҳамияти ўсиб борди.

XVII асрда мануфактура ишлаб чиқариши пайдо бўлиб, ривожлана бошлади. Шаҳарлар ўсиб, посад аҳолисининг роли кучайиб борди, савдо тараққий етди.

Подшо енг биринчи йирик ер егаси ҳисобланарди. Опричнина подшонинг иқтисодий қудратини янада ошириди. Боярлардан жуда қўп ерлар тортиб олинди ва дворянларга поместе тариқасида берила бошланди. Собиқ удел князлари опричнинагача йирик феодал едилар. Шунингдек мам-лакатда йирик ва ўрта боярлар ҳам мавжуд еди.

Опричнина. У Иван ИВ томонидан жорий етилди. Бу «оприч», «бошқа», «алоҳида» сўзидан олинган бўлиб, алоҳида мерос мулк

деган маънони англатади. Давлат опричнина ва земшчинадан иборат икки қисмга бўлинди. Опричнинага йирик боярларнинг вотчиналари, Москва жанубидаги ерлар киритилди. Марказлаштиришнинг душмани бўлган собиқ князлар ва боярлар бу ерлардан ҳайдалиб, уларнинг мулклари помешчикларга, опричнинадаги ҳарбий хизмат егаларига бўлиб берилди. Ҳайдалган боярларга земшчинадан ер берилган. Хоинликда айланган боярларнинг мулки тортиб олинди.

Дворянлар ва бояр болалари бошқариш ишларига жалб етилди. Кўп-гина қора сўқачи ва сарой ерлари ҳам дворянлар қўлига ўтди. Иван ИВ дворянларга таяниб, земшчинадаги ерлардан янгидан-янги раёнлар тузиб опричнинага ўтказарди. Ҳукмрон табакалар таркибига руҳонийлар ҳам киради. Черков катта ер мулкига ва бошқа кўп бойликларга егалик қиласди.

Опричнина йилларида опричниклар деб аталган дворянлар гурухи таш-кил топди. Подшо улар орқали боярларга ва собиқ удел князларига нисбатан опричнина террорини ўтказди. Опричниклар ер олишда катта имтиёзлардан фойдаланиб, яъни кўпроқ, яхшироқ ерлар олдилар.

Феодалларга қарам аҳоли. Дехқонлар илгаригидек қора сўқачи (маж-буриятли) ва хусусий егалиқдаги дехқонларга бўлинади. Ливония уруши ва опричнина дехқон хўжаликларини вайрон қилди. Дехқонлар ўз ерларини, хў-жайнинларини ташлаб, яхши ерлар излаб оммавий қочиб кета бошладилар. Бунинг олдини олиш мақсадида крепостнойлик ўрнатилди.

Бу даврда холоплик ҳали сақланиб қолди. Тутқунликка тушган кишилар (кабалные люди) деб аталувчи қарам кишиларнинг янги тоифаси ривожланди. Еридан ажралган еркин дехқонлар тутқунликка тушарди. Бу маҳсус ёр-лиқлар билан мустаҳкамланди.

Табақа-вакиллик монархияси даврида шаҳарлар, хунармандчилик, савдо ўсишда давом етди. Шаҳар аҳолисининг сони анча кўпайди, улар посадга бириктириб қўйилди. Посаднинг юқори қисмини йирик савдогарлар ташкил етган. Посаднинг асосий оммаси майда савдогарлар ва хунарманд-лар бўлиб, улар турли мажбуриятларни ўтардилар. Шаҳарда яна сарой, феодал-ларнинг қасрлари, монастирлар, албатта, холоплар ва дехқонлар ҳам мавжуд еди.

Davlat tuzumi
монархияси келди.

XVI аср ўртасида Россияда ilk феодал монархияси ўрнига табақа-вакиллик

Табақа-вакиллик монархиясининг келиб чиқишига сабаб, самодержа-вие ўрнатишга ҳаракат қилган, лекин ҳокимиятни Боярлар думаси билан бўлиб олишга мажбур бўлган монарх ҳокимиятининг нисбатан кучсизлиги бўлди. Чоризмнинг Боярлар думасига қарши ўлароқ, давлат бошқаруви-га дворянларни ва шаҳарликларнинг юқори қисмини жалб етиш зарурияти пайдо бўлди.

Подшо Иван ИВ боярларга қарши кураш олиб бориб, Боярлар дума-сига ишонмай, кўпроқ «Яқин дума»га таянди. «Яқин дума»га под-шога енг яқин кишилар киритилди. Подшо асосан шулар билан маслаҳатла-шарди. Бу вақтда Боярлар думасининг ҳам таркиби анча ўзгарди. Унинг баъзи аъзолари - ески боярлар қатл етилди ёки ҳайдалди. Уларнинг ўрнига Думага подшонинг қариндошлари ва унча таниқли бўлмаган дворянлар, дяклар (қадимги Русда княз котиби, кейинроқ - амалдор) киритилди. Опричнина террори ҳам Дума ролига таъсир етди. Ўша вақтда подшога ва унинг опричникларига қарши чиқиши жуда хавфли еди.

Иван ИВ нинг самодержавие - мутлақ монархия ўрнатишга уриниши амалга ошмай қолди. Бунга Боярлар думаси халақит берди. Лекин ҳар қалай у Боярлар думасининг розилигисиз боярларни суд қилиш ва қатл етиш ҳуқуқини қўлга киритиб олди. Халқ ҳаракатининг ўсишидан қўрқкан Боярлар думаси буни тан олишга мажбур бўлган еди.

Опричнина жорий қилингандан кейин давлат тузумида вақтинча баъзи ўзгаришлар юз берди. Ҳокимият ва бошқарувнинг икки тизими ташкил етилди. Земшинада ҳамма нарса илгаригидек қолди, яъни Боярлар ду-маси давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб қолаверди. У ҳокимиятни подшо билан бўлиб олган еди. Опричинада еса подшо амалда чеклан-маган ҳокимиятга ега еди. Бу ерда давлат органларининг маҳсус тизими: опричнина думаси, маҳсус опричнина приказлари (маҳкамалари), опрични-на қўшини, опричнина хазинаси ташкил етилди. Опричнина думаси Боярлар думасини назорат қилиб, унинг ҳуқуқларини анча чеклади.

Бироқ, давлат тўнтаришига ҳаракат амалга ошмай қолди. Террор шунга олиб келдики, нафақат муҳолифатчи боярлар, балки кўпгина дворянлар ҳам қатл етилди. Масалан, опричнина ташаббускорларидан бири Басманов ҳам давлатга хиёнат учун қатл етилди.

Аммо опричнина террори боярлар аристократиясининг муҳолифиятини тугата олмади. Руҳонийлар ҳам террорга қарши

чиқдилар. Митрополит Филипп халқ олдида очиқдан-очиқ опричнинанинг бекор қилинишини талаб қилди. Подшо Черков собори орқали уни ўлимга маҳкум етиш ҳақида қарор чиқарилишига еришади. Кейин Иван ИВ бу жазони умрбод монастир турмаси билан алмаштирган еди. Шу билан бирга подшо опричнинани бекор қилишга мажбур бўлди. Чунки ендиликда барча ҳукмрон табақалар - боярлар, руҳонийлар, дворянлар бундан норози бўла бошлаган едилар.

Опричнина шунга олиб келдики, у дастлаб боярлар аристократиясини кучсизлантириди ва подшо ҳокимиятини мустаҳкамлади. Лекин, айни вактда опричнина террори ишлаб чиқарувчи кучларни жуда издан чиқарди. Опричнина дворянларни сиёсий юксалтириди. Бироқ, Боярлар думасининг давлат ҳокимиятининг олий органи сифатидаги аҳамиятини тугата олмади.

Zemstvo soborlari Бу даврнинг ўзига хос органи Земство (Умум-давлат) соборлари еди. Уларнинг чақирилишига асосий са-баб синфий курашнинг кескинлашиши бўлди. Шундай пайтларда давлат бошқарувига факат боярларнигина емас, шунингдек дворянларни, посад аҳолисини, баъзан ҳатто давлат дехқонларини, ўқчи аскарлар, казаклар (булар 1613 йилги Земство соборида қатнашган едилар)ни ҳам жалб қилишга тўғри келди.

Земство соборлари синфий кураш жуда кескинлашган пайтларда тинч-лик, уруш, интервентларни ҳайдаш, иқтисодий вайронагарчиликларни бартараф қилиш учун маблағлар қидириш ҳақидаги масалаларни ҳал етиш учун чақириларди.

Россияда илк марта 1549 йилда табақалар (тоифалар) кенгаши бўлмиш Земство собори таъсис етилган (чақирилган) еди. Бу Москва шаҳар аҳолиси-нинг қўзғолонидан қўрқкан ҳукмрон доираларнинг (подшо ва феодаллар-нинг) бирдан-бир чораси еди. «Муроса собори» деб аталган бу йиғинда подшо боярларни, епископларни ва дворянларни йиғиб, ўз нутқида боярларни айблайди ва кенгаш иштирокчиларини ҳамкорликка чақиради. Кейинчалик Земство соборида шаҳарнинг юқори табақа вакиллари ҳам қатнашадиган бўлди. Ҳукумат давлат аҳамиятига ега бўлган ишларни Земство соборининг ижозати билан ҳал етадиган бўлди. Боярлар думаси Земство соборининг таркибига киритилган бўлсада, аммо бунда ҳал қилувчи рол ўйнай олмас еди.

Земство соборлари чақирила бошлиши билан Россия давлати дворян-лар ва шаҳарликларга таяниб иш кўрувчи табақа вакиллари

монархияси бўлиб қолди. Земство соборларига подшо, Боярлар думаси, руҳонийлар-нинг юқори қисми (Муқаддас собор) тўлиқ таркибда кирди. Улар худди юқори палата сифатида еди. Уларнинг аъзолари сайланмаган, балки ижтимоий мавқеига қараб иштирок етган.

Куйи палатани дворянлардан, дяклардан, шаҳар (посад) аҳолисининг юқори қисми (савдогарлар)дан сайланган кишилар ташкил етган. Земство соборлари кўп ҳолларда подшонинг ташаббуси билан чақириларди. Уларнинг подшосиз йиғилган пайтлари ҳам бўлган. Боярлар ва руҳонийлар, одатда алоҳида мажлис ўтказардилар. Соборларнинг қарорлари маҳсус баённомалар-да расмийлаштирилар, подшо, патриарх (1589 йилгача митрополит) ва олий мансаблар муҳрлари билан мустаҳкамланарди.

Земство собори маслаҳатчи орган емас, балки давлат ҳокимиятининг олий органи еди. XVII асрнинг 20 йилларидан Земство соборлари тобора кам чақириладиган бўлди, подшо ҳокимияти кучайиб борди.

XVI асрнинг ўртасидан марказий давлат бошқарув органлари - **приказ (маҳкама)** тизими янада тарақкий етди ва узил-кесил қарор топди. Айниқса, XVII асрда кенг тармоқли маҳкамалар тизими ташкил етилди. Бу даврда давлат механизми жуда мураккаблашди.

Маълумки, дастлаб ўқчиларга раҳбарлик қилувчи **Ўқчилик маҳка-маси** тузилган, шунингдек, ёмон кишилар тўғрисидаги ишларни кўрувчи **Қароқчилик маҳкамаси** ва тафтиш органи бўлган **Арз-шикоят маҳка-маси** ташкил етилганди. Боярлар ва дворянлардан иборат отлиқларнинг шах-сий таркиби **Разряд маҳкамаси** томонидан юритиларди. Маҳкама хизмат-ларга тайинлаш, мансабларга ўрнашиш ҳолларининг ҳаммасини қайд етиб туради. Шунингдек, казак кўшинларини **Казачий маҳкама** юритарди.

Хизматчи дворянларнинг поместе ер егалигини юритувчи **Поместе маҳкамаси** ҳам мавжуд еди. У дворянларнинг ҳарбий хизматлари евазига поместе билан таъминланишини кузатиб турар, яъни буларни ўрнатилган нормаларда бўлишини назорат қиласиди. Маҳкама ерларни рўйхатга олиш, чет ел босқинчилиги даврида помешчикларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш ишларини амалга оширган, дехқонларнинг поместелардан қочишига қарши фаол кураш олиб борган. Унинг аппаратида маҳсус изқуварлари бўлиб, улар

қочоқ дәхқонларни излаш билан шуғулланганлар. Маҳкамада күп сонли дяклар ва уларнинг ёрдамчилари ҳам бўлган.

XVII аср охирида **суд маҳкамалари** тизими ташкил етилади. Москва, Владимир, Дмитров, Қозон маҳкамалари ва бошқалар шундай маҳкама-лар еди. Улар олий суд органлари функсияларини бажарап, бевосита анча муҳим ва мураккаб ишларни, шунингдек, маҳаллий судларнинг қарор ва ҳукмлари устидан аппелятсион ишларни кўрадилар. Кейинчалик барча суд маҳкамалари ягона суд маҳкамасига бирлаштирилди.

1549 йилда расман **Елчилик маҳкамаси** тузилган. У ташқи сиёsatни юритган. Бунгача ташқи сиёсий ишлар билан Боярлар думасининг Жавоб комиссияси, хазинабон, саройбон кабилар шуғулланарди. XVI асрнинг II ярмида **Холоплик маҳкамаси** ташкил етилди. XVI аср ўртасида **маҳаллий бошқарувда ислоҳотлар** ўtkазилди.

Боқимандалик тизими «губа» ва земство ўзини ўзи бошқариш билан алмаштирилди. Дворянлар ва бояр болалари губа органи бошлиғи - губа оқсоқолини сайлайди. Бу мансаб Қароқчилик маҳкамаси томонидан тасдиқ-ланган. Мазкур маҳкама, шунингдек, губа оқсоқолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирувчи наказлар ҳам бериб турган.

Шундай қилиб, уездларда «ёмон кишилар» томонидан қилинадиган «қароқчилик ишлари» билан шуғулланиш ноиблар (наместниклар) ва волостлар ихтиёридан олиниб, бояр болаларидан сайлаб қўйиладиган губа оқсоқолларига берилди. Губа оқсоқоллари ўз аппаратларига ега еди. У «селовалник»лардан иборат еди. «Селовалник»лар дейилишига сабаб улар бу мансабга содик хизмат қилиш ҳақида қасам ичиб, крест (хоч, бут)ни ўпар едилар. Ҳар бир губа органининг маҳсус девонхонаси - губа маҳкамаси бўлиб, унда ишларни губа дяки юритарди. Дастлаб губа оқсоқоллари муддатсиз сайланарди, кейинроқ сайловлар ҳар йили ўтадиган бўлди. Губа органлари одам ўлдириш, босқинчилик, ўғирлик ишларини кўриб ҳал қилиш, турмаларни кузатиб туриш ишлари билан шуғулланарди.

50 йиллардан бошлаб **земство ислоҳоти** ҳам ўtkазилди. Боқимandalар суд қилиш ва солиқлар йиғиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Бу ишларни бой шаҳарликлар ва қора сўқачи дәхқонлардан сайлаб қўйиладиган «сара бошлиқлар» ва «селовалник» лар олиб борадиган бўлди. Булардан ташқари земство маҳкамаларида иш юритувчи земство дяклари ҳам сайлаб қўйиларди.

Земство органлари солиқ ва ўлпонлар йиғиш, фуқаролик ва майда жиноий ишларни ҳал етиш (анча йирик ишлар губа органлари томонидан ҳал етилган) каби ишларни амалга оширади. Губа ва земство органлари маъмурий ва суд функцияларини ҳам бажаарди. Суд ҳали маъмуриятдан ажратилмаган еди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини Қароқчилик маҳкамаси ҳам ва тегишли жойларда ташкил етилган маҳкама ҳам кузатиб турган. «Губа» ислоҳоти жойларда помешчиклар ҳокимиятини мустаҳкамлади. Губа муассасалари табақа-вакиллик органлари бўлиб қолди.

Земство ислоҳоти натижасида мамлакатнинг суд ва молия ишларини марказлаштириш кучайтирилди.

Иван Болотников бошчилигидаги дехқонлар уруши ва чет ел босқинчилиги йилларида чоризм шунга амин бўлдики, жойларда губа ва земство органларига тўлиқ ишониб бўлмас екан. Шу сабабли мазкур орган билан бир қаторда **воевода** мансаби таъсис етилди. Воевода боярлар ва дворянлар ичидан Разряд маҳкамаси томонидан тайинланган ва подшо ҳамда Боярлар думаси томонидан тасдиқланган. Воевода қайси шаҳар ёки уездда хизмат қиласа, ўша ер егасининг буйруғига бўйсунарди. Катта шаҳарларда бир неча воевода бўлиб, лекин улардан бири асосийси еди. Боқимандалик тамойили бекор қилинганлиги учун улар хазинадан маош олардилар. Воеводанинг енг асосий вазифаларидан бири молиявий назоратни таъминлаш еди. У ерларни ва барча ер участкаларидан олинадиган даро-мадларни ҳисобга олиб турарди. Давлат солиқларини йиғиш бевосита сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар ва «селоволник»лар томонидан амалга ошириларди, лекин уларни воеводалар назорат қилиб турардилар.

Воеводанинг яна бир муҳим вазифаси дворян ва бояр болаларидан ҳарбий хизматчиларни йиғиш еди. Воевода уларнинг рўйхатини тузиб, ҳисобга олган, ҳарбий кўриклардан ўтказган, хизматга тайёргарлигини текширган. Разряд маҳкамасининг талаби билан воевода ҳарбий хизмат-чиларни хизмат ўташ жойларига юборган. У шунингдек, ўқчилар ва тўпчиларни ҳам бошқарган, қалъаларнинг ҳолатини кузатиб турган.

Воевода хузурида маҳсус иш юритиш маҳкамаси бўлиб, унга дяк бошчилик қиласарди. Маҳкамада шаҳар ва уездни бошқариш бўйича барча ишлар амалга ошириларди. Маҳкамада жуда кўп майда чиновник-лар - приставлар (назоратчилар), «неделщик» лар,

қоровуллар бўлиб, воевода-нинг буйруқларини бажаардилар. Воеводага аста-секин губа ва земство органлари, айниқса ҳарбий ва политсия масалаларида бўйсuna борган.

Niшуqning rivojlanishi

у

Бу даврнинг муҳим ҳуқуқий ёдгорлиги 1550 йилги Судебник (Қонуннома) еди. Тарихда подшо Қонунномаси деган ном олган. У 1497 йилги Қо-нунноманинг янги нашри ҳисобланиб, 1497 йилдан 1550 йилгача даврдаги Россия қонунчилигига юз берган ўзгаришларни акс еттирган. Унда кўп янги нормалар пайдо бўлган. 1550 йилги Қонуннома наместникларнинг ҳуқуқий ҳолатига катта еътибор берган. Қонун ҳали бокимандалик тизимини бекор қилмаган бўлсада, наместникларнинг баъзи ҳуқуқларини чеклаган. Янги қонун бўйича наместниклар бирорга мулкий зарап етказганликлари учун жавобгар бўладиган бўлдилар. Илгари бу йўқ еди. Наместниклар суди-дан дворянлар ва хизматчи кишилар озод қилинди. Бироқ одам ўлдириш, босқинчилик (қароқчилик), ўғрилик бўйича улар илгаригидек наместниклар томонидан суд қилинарди.

1550 йилги Қонунномада қарам кишиларнинг ҳуқуқий ҳолати тартибга солинди, тутқунлик ёрлиқларини расмийлаштириш тартиби ўрнатилди. Бунда қарам бўлиши мумкин бўлган кишиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи ва бошқалар ўрнатилди.

1550 йилги Қонунномада белгиланишича, ундан кейинги барча қонунлар унга киритилиши керак еди. Бу жуда муҳим қоида бўлди. Лекин амалда бундай қилинмади. Янги нормалар Қонунномага киритилмай, у би-лан ёнма-ён ҳаракат қилди. Одатда янги қонунлар қайси маҳкамага тааллуқли бўлса, ўша маҳкаманинг китобига киритиларди. Шу тариқа ҳуқуқ-нинг яна бир муҳим манбай маҳкамаларнинг устав ва буйруқ китоблари вужудга келди. Масалан, бизгача етиб келган Қароқчилик маҳкамаси-нинг китобида жиноят ва протессуал ҳуқуқнинг муҳим нормалари ўз акси-ни топди, жумладан, жазолаш, ёппасига тинтуб ўтказиш ҳақида нормалар белгиланди.

Бу даврнинг енг йирик қонунчилик ёдгорлиги **1649 йилги Собор қонунлари** бўлди. Унинг қабул қилинишига бевосита туртки Москва посад кишиларининг 1648 йилги қўзғолони еди. Посад аҳолиси подшога мурожаат қилиб, ўз ҳолатларининг яхшиланишини ва сиқувлардан ҳимоя қилинишини сўрайди. Дворянлар ҳам боярлардан ҳимоя қилинишини сўраб подшога мурожаат етади. Подшо посадликлар қўзғолонини бостиради, лекин улар аҳволини

биroz яхшилашга мажбур бўлади ва янги қонун - «Уложения» («Тузуклар») ишлаб чиқиш ҳақида (1648 йил июлда) буйруқ беради. Комиссия тузилиб, унга раис етиб боярин Н.Н.Одоевский тайинланади.

1648 йил сентябрда Земство Собори иш бошлайди. Унга боярлар, руҳонийлар, дворянлар ва савдогарлар кирган еди. Дехқонлар ва посаднинг мажбуриятли қора кишилари унда иштирок етмаганди. Ўз таркиби, йўналиши ва вазифалари бўйича Земство собори феодал крепостнойлик характеристига ега еди. «Тузуклар» лойиҳаси палаталарда муҳокама қилиниб, баъзи ўзгаришлар билан тасдиқланади ва 1649 йил 29 январда кучга киради.

«Собор қонунлари»нинг қабул қилинишига енг асосий сабаб ички зиддиятларнинг кескинлашиши бўлди. Подшо ва ҳукмрон табақаларнинг юқори қисми посад аҳолисининг қўзғолонидан чўчиб, халқ оммасини тинчлантириш мақсадида гўё посад аҳолисининг аҳволини яхшиламоқчи бўлди. Худди шу мақсадда Собор қонунлари қабул қилинди. Собор қонунлари 25 та боб, 967 та моддадан иборат еди. Унда илгари ҳаракатда бўлган ҳуқуқий нормалар юридик техника жиҳатидан анча юқори даражада тизимга солинади. Бундан ташқари асосан дворянлар ва қора сўқачи посад-ликларнинг тазиёки билан қабул қилинган янги нормалар ҳам мавжуд еди.

1649 йилги Собор қонунларининг қабул қилиниши илгариги қонунчиликка нисбатан олға ташланган муҳим қадам бўлди. Унда ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонлари тартибга солинган еди. Шу боис 1649 йилги Собор қонунларида ҳуқуқнинг қатор соҳаларига оид нормалар ўз ифодасини топади. Турли ҳуқуқ соҳалари кўпинча битта бобда бирлаштирилган еди ва ҳоказо.

Умуман Собор қонунлари марказлашган давлат бошқармаси ва подшонинг самодержавие ҳокимиютини мустаҳкамлади, сиёсий тарқоқлик-нинг сўнгги сарқитларига барҳам берди, дехқонларнинг крепостникларга қа-рамлигини батамом расмийлаштириди, посад кишиларнинг аҳволини бироз ўз-гартирди. Қонунлар крепостнойлик мазмунида бўлиб, дворянлар Ғалабасини акс еттиради. «Тайин йиллар» бекор қилинди, қочоқ дехқонларни умр бўйи қидириш мумкин бўлди. Дехқон ва унинг оиласигина емас, балки мол-мулки ҳам феодал мулки бўлиб қолди. Собор қонунлари дехқонни ерга емас, балки «хўжайнинга» маҳкамлаб, бириктириб қўйди. Қонунлар дворянларга ер мулкларини вотчина сингари мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини берди, аммо ўғилларининг отаси каби хизмат қилишлари

шарт қилиб қўйилди, черков назорат остига олинди. Шу мақсадда **Монастир маҳкамаси** таъсис етилди.

Посад кишиларининг ҳам аҳволи ўзгартирилди. «Оқ жойлар» йўқотилди, подшога топширилди, посад жамоасига қўшилиб мажбуриятга жалб қилинади-ган бўлди. Подшо мажбуриятларини ўтайдиган посад кишиларигагина савдо-сотик билан шу Гулланишга ижозат берилди. Аммо шаҳар камба-Ғалларининг аҳволи баттар ёмонлашди. Подшо мажбуриятларидан қочиб қутулиб бўлмас еди, дехқон феодалга бириктирилгани каби посад кишилари ҳам ўз жамоаларига бириктириб қўйилганди. Конунлардан фақат посаднинг юқори табакалари ютди холос.

**Fuqarolik
huquqি**

Конунларда феодалларнинг ерга егалик хукуқла-рини янада мустаҳкамлаш давом етди. Феодал ер егалигининг қўйидаги уч асосий тури мавжуд еди:

1. Давлат мулки ёки бевосита подшо мулки. Бунга сарой ерлари, шунингдек, қора волостларнинг ерлари кирди. Қора волостларнинг ерларини подшо феодалларга хизмат евазига тақсимларди. Боярлар ва дворянлар ерга шартли егалик қилардилар. Улар давлатга, подшога сидқидилдан хизмат қилиб туриш шарти билан ерга егалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин еди.

2. Вотчина ер егалиги. Бу поместедан фарқ қилиб, унинг егаси нафакат унга егалик қилган ва ундан фойдаланган, балки уни тасарруф этиши ҳам мумкин еди. Вотчиналар мерос қилиб қолдирилган. Вотчиналарнинг учта асосий кўриниши: а) наслий (авлоддан-авлодга ўтиб келган); б) хизмат евазига олинган (инъом етилган ва бошқалар); в) сотиб олинган вотчиналар мавжуд еди.

Конунларда наслий вотчиналарнинг сони камаймаслиги ҳақида Ғам-хўрлик қилинди. Шу муносабат билан наслий вотчиналарни сотиб олиш ҳукуқи назарда тутилган. Агар феодал вотчинани сотиб юборса, унинг қариндошлари 40 йил ичида уни қайта сотиб олиш ҳукуқига ега бўлдилар.

3. Поместе ер егалиги. Бу хизматлар ўташ, асосан ҳарбий хизматлар евазига берилган. Поместе миқдори хизмат ўтаётган шахснинг хизмат мавқеига боғлиқ еди. Уни мерос тариқасида ўтказилиши мумкин емасди. Феодаллар ундан фақат хизмат ўтаб турган даврда фойдаланишлари мумкин еди.

Дастлаб поместени айирбошлиш (алмаштириш) тақиқланган. Албатта, уни сотиш ҳам мумкин емас еди. Бироқ вотчина ва поместе

ўртасидаги фарқ секин-аста йўқолиб борди. Гарчи поместе мерос қилиниши мумкин бўлмаса ҳам, ўГил агар хизматга кирса, уни олиши мумкин еди. Собор қонунлари бўйича, агар помешчик қарилиги ёки касаллиги учун хизмат-ни тарк етса, унинг тул хотини ва ёш болалари «тирикчилик учун» поместе-дан бир қисм олишлари мумкин еди. 1649 йилги Собор қонунлари поместелар-ни вотчиналарга алмаштиришга рухсат берди. Бундай битимлар қуидаги ҳолларда ҳақиқий деб топилган: биринчидан, томонлар ўзаро айирбошлаш ёзувини тузишлари, иккинчидан, улар бу ёзувни подшо номига илтимос-нома билан бирга Поместе маҳкамасига топширишлари лозим еди.

Мажбурият ҳуқуқи. Бу даврда фуқаролик ҳуқуқининг гаров ва топшириқ институтлари янада ривожланди. Қонунлар бўйича агар қарздор қарзини муддатида тўламаса, унинг гаровга қўйган мулки гаровга олган кишига ўтарди. Бунда қарзнинг ва гаровга қўйилган мулкнинг фарқи ҳисобга олинмасди. Илгариgidек, олди-сотди, айирбошлаш, қарз, юк ташиш ва бошқа шартномалар кенг тарқалди.

Қонун шартномаларни тузиш тартибини кўзда тутади. Йирик суммали шартномалар майдонларда маҳсус амалдорлар томонидан иккитадан кам бўлмаган гувоҳ иштирокида, кичикроқ суммали шартномалар еса уй шароитида тузиларди. Қонун зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбу-рияtlарга еътибор беради.

Мерос илгариgidек васият бўйича ва қонуний тартибда қолдирилди. Меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарzlари учун жавоб беришлари лозим еди.

**Jinoyat
huquqi** 1497 йилги Конуннома сингари бу даврдаги қонунчиликда ҳам жиноят деганда феодал жамият учун хавфли бўлган «ёмон ишлар» тушунилган. Жиноятнинг умумий тушунчаси ҳали ишлаб чиқилмаган еди.

Собор қонунларида жиноятнинг синфий моҳияти анча аниқ ифодалан-ган. Бир қанча жиноятлар учун жазолар белгиланган. Биринчи марта бу ҳужжатда ҳаракатларни қасдан, еҳтиётсизликдан ва тасодифан қилиш мум-кинлиги бир-биридан ажратилди. Суиқасд учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Бу биринчи навбатда давлатга қарши жиноятларга тааллуқли еди, албатта.

Биринчи марта Россия қонунчилигига зарурий мудофаа, охирги зарурат тушунчалари киритилди.

Иштирокчилик институти янада ривожлантирилди. Қонун енди жиноятнинг ташаббусчисини, иштирокчисини, ёрдамчисини,

яширувчисини ажратиб кўрсатди. Булар жиноят ҳуқуқининг умумий қисмига оид янги нормалар еди.

Собор қонунлари жиноят ҳуқуқининг маҳсус қисмига оид жуда кўп нормалар белгилади. Жиноятларнинг бир қанча кўринишлари ва турларини ўрнатди. Бунда феодал-крепостнойлик тузумига хавф солувчи жиноятларга қарши курашга катта еътибор берилди. Қонунларда черковга қарши жиноят-лар биринчи ўринда туради. Буларга Россия қонунчилиги тарихида биринчи марта маҳсус боб ажратилди. Иккинчи ўринда албатта давлатга қарши жи-ноялар туради. Булар: давлатга хиёнат, подшонинг ҳаёти ва соғлиғига тажовузлар ва бошқалардир. Подшо саройи таркибларини бузиш, қалбаки монеталар чиқариш, подшо муҳрини қалбакилаштириш ва бошқалар ҳам оғир жиноятлар ҳисобланарди.

Ҳарбий, мулкий, шахсга қарши жиноятлар ҳақида қонунларда алоҳида нормалар белгиланди. Лекин қонунларда жиноят ҳуқуқининг умумий қисми маҳсус қисмидан ажратилмади. Уларда муайян жиноятларнинг таркибларини тавсифлашга асосий еътибор қаратилди.

1649 йилги Собор қонунларида жазонинг аниқ мақсади қўрқитиш еди. Ўлим жазоси кенг қўлланилди. Ўлим жазосининг оддий турлари: калласини кесиш, осиш, сувга чўқтириш; мураккаб турлари: тириклайн ерга кўмиш (бу ерини қасдан ўлдирган хотинга нисбатан қўлланилган), ёқиб юбориш, томоғига еритилган қалайи ёки қўрғошин қувиш, тўртга бўлиб ташлаш, чархпалакка тортиб ўлдириш кабилар еди.

Тана аъзоларига шикаст етказиш ва оғриқ келтирувчи жазолар: қулоқ, бурун, қўлларини кесиш, қамчи ёки таёқ билан уриш кабилар қўлланилган. Ендиликда қамоқ ва сургун жазолари ҳам вужудга келганди. Жарималар кам қўлланиладиган бўлди.

1649 йилги Собор қонунларида одил судловниadolatli амалга ошириш лозим, дейилганди. Албатта, бу қуруқ гап еди.

Фуқаролик жараёни жиноий жараёндан ажратиб кўрсатилмаганди. Бироқ жараённинг икки шакли - тортишувчилик (суд) ва тергов (қидирав) ажратиб кўрсатилган. Терговнинг аҳамияти ортди.

6. Россияда мутлақ якка ҳокимликнинг ташкил топиши ва ривожланиши (XVII асрнинг иккинчи ярми-ХIX асрнинг ўрталари)

Rossiyada mutlaq yakka hokimiyat chilikning shakllanishi

ўзини ҳокими мутлақ (самодержетс) деб еълон қилиши билан ташкил топган деб кўрсатишса, бошқалар еса буни Иван Грознийнинг номи билан боғлайди. Шунингдек, айrim олимлар Романовнинг ҳокимият тепасига келишидан Россияда абсолют монархия бошланган деб еътироф етадилар. Яна бир гуруҳ олимлар Россияда абсолют монархия 1649 йилги Собор қонунлари билан ўрнатилган, дейдилар. Ва ниҳоят, бир гуруҳ олимлар XVIII аср бошларида Петр I нинг ислоҳотларидан сўнг абсолют монархия ташкил топган деб кўрсатишади.

Бироқ, қўпчилик олимлар Россияда абсолют монархия умуман XVII асрнинг II ярмида келиб чиқсан деб, бизнингча, тўғри кўрсатишади. Чунки шу вақтдан бошлаб табақа-вакиллик институтлари тугайди ва монарх ҳокимияти ҳақиқатдан ҳам чекланмайдиган бўлиб қолади.

Фанда абсолют монархиянинг моҳияти ҳақида ҳам тортишувлар мавжуд. Баъзилар абсолютизм бошқа самодержавие бошқа деб кўрсатишади. Самодержавие деганда монархнинг ташқи мустақиллигини, масалан, Олтин Ўрдадан унинг суверенлигини тушунишади, абсолютизм деганда еса монархнинг ички тўла ҳокимиятга ега еканлигини кўрса-тишади. Ана шу ерда В.И.Ленин фикрлари тўғрилигини айтиб ўтиш керак. У: «абсолутизм», самодержавие, «чекланмаган монархия» иборалари сино-ним сўзлардир», деб кўрсатган еди. Россияда абсолют монархиянинг ташкил топишининг сабаблари қуйидагилардан иборат еди: биринчидан, дех-қонларнинг батамом крепостнойлаштирилиши, уларнинг ҳукмон табақаларга қарши бош кўтариб чиқишлири, жумладан Степан Разин бошчилигидаги қўзғолон, шаҳарликлар қўзғолони, шунингдек, Петр I давридаги халқ ҳаракатлари ҳукмон табақаларни чўчитиб қўйди ва улар бу ҳаракатларни бостириб тураладиган кучли, чекланмаган подшо ҳокимиятига еҳтиёж сезиб қолган еди; иккинчидан, Россияга қўшни давлатлар (Рече Посполита, Швеция, Туркия ва бошқалар) томонидан доимий ҳарбий

Россияда мутлақ якка ҳокимликнинг ташкил топиш вақти ва ривожланиш босқичлари ҳақида олимлар ўртасида турлича фикрлар мавжуд. Баъзилар Россияда мутлақ якка ҳоким-лик подшо

таҳдиднинг мавжудлиги абсолют монархиянинг ташкил топишини тезлаш-тирувчи омил бўлди.

Умуман Россияда абсолютизмнинг вужудга келиши қонунияти Европадаги сингари саноат ва савдонинг ривожланиши, буржуа муноса-батларининг туғилиши, синфий зиддиятлар ва синфий курашнинг ўсиши, доимий қўшиннинг, политсиянинг ташкил етилиши, бюрократик аппаратнинг ўсиши бўлди.

Бироқ Россия абсолютизмининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд еди. Булар Россиянинг иқтисодий қолоқлигидан ва унда крепостнойлик муносабатларининг хукмронлигидан келиб чиқсан. Бу ерда буржуа муно-сабатлари кучсиз ривожланиши натижасида дворянлар билан шаҳарликлар ўрта-сида тенгсизлик мавжуд еди. Шаҳарликларнинг буржуа синфларига айланишига ҳали анча вақт бор еди. Бу жараён ендиғина бошланганди. Шунингдек, рус самодержавиеси крепостнойлик самодержавияси бўлди. Шуни ҳисобга олиш керакки, XVII асрдаги самодержавие ҳали тўла маънодаги самодер-жавие емас еди, у ҳали табақа-вакиллик монархияси қолдиқларидан халос бўлмаганди. Черковнинг аҳамияти ҳам юқори еди. Абсолютизмнинг батамом ўрнатилиши ва шаклланиши XVIII асрнинг И чораги - Петр И даврига тўғри келади.

Маълумки, охирги Земство Собори 1653 йилда тўпланган. Бундан кейин подшо фақат айрим табақаларнинг вакиллари билан йиғилишлар ўтказиб турган. Боярлар думаси XVII асрнинг II ярмида ҳам ҳали мавжуд еди, лекин жуда аҳамиятсиз бўлиб қолган еди ва Петр ислоҳотларининг енг боши-даёқ тугатилганди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари - губа ва земство органлари ҳам тугатилган. Черковнинг мавқеи туширилган. Петр И патриархликни тугатди. XVII асрнинг охиридаёқ монарх амалда чеклан-маган ҳокимиятга ега бўлди.

Ijtimoiy tuzumdag o`zgarishlar

Бу даврда табақалар ёпиқ, берк характер касб ета бошлади. Айниқса паст табақадагиларнинг юқори таба-қага кириши деярли мумкин бўлмай қолди. Петр И дав-рида табақа тузумида енг йирик ислоҳотлар ўтказилди. Натижада бутун аҳоли 4 табақа: шляхта (дворянлар), руҳонийлар, меш-чанлар ва деҳқонларга бўлинди. Булар ўлпон тўлайдиганлар ва ўлпон тўламайдиганларга ажратилган еди.

Шляхта (дворянлик)нинг ташкил топиши. Самодержавияни ташкил етиш кучли синфий кураш шароитида юз беради. Бу хукмрон синфларнинг бирлашиб оммага қарши курашини талаб қиласади.

Лекин феодаллар унча бирлашмаганди ва турли гурухларга бўлиниб кетган (боярлар, околничий-лар, дума боярлари ва ҳакозо) ҳамда турлича ҳукуқ ва имтиёзларга ега еди.

Ўрта ва майда феодаллар йирик феодаллар билан ҳуқуқларини тенглаш-тириш учун кураш олиб борардилар. Дворянлар боярлар сингари чор ҳуку-матидан яхши ва мустаҳкам ерларни, юқори мансабларни олишни истар едилар. Бу ҳукмрон синфлар ичида кураш уларни кучсизлантирас ва само-державие учун тўғри келмасди. Бундан ташқари, боярлар ва околничий-лар ичидаги ислоҳотларга қарши кайфиятдаги реаксион кишилар ҳам мавжуд еди. Булар Петр И нинг барча феодалларни тенглаштиришга қаратилган ислоҳот-лар ўтказишга мажбур қилди. Бу билан у аристократлар қаршилигини синдириб, ўрта ва майда феодалларни ўз томонига оғдиришни мақсад қилиб олди.

Петр И ҳукмрон синфи турли ҳуқуқлардан фойдаланувчи турли гурух-ларга бўлинишини тугатди. Унинг ўрнига битта табақа - шляхтани ёки дво-рянликни ташкил етиб, уларга бир хилдаги ҳукуқ ва мажбуриятлар ўрнатди. Бу билан у ҳукмрон синфларни жисплаштириди, ички синфий курашни кучсиз-лантириди. XVIII асрнинг II ярмидан шляхтачилик деган ном дворянлик деган янги ном билан алмаштирилди.

Бу даврда дворянларнинг ҳукуқий ҳолатини белгиловчи қонун ҳужжат-лари: 1714 йилги «Ягона ворислик ҳақида»ги Фармон; 1722 йилги «Рутбалар жадвали»; 1762 йилги «Бутун Россия дворянларига еркинликлар бериш ҳақи-да»ги Манифест; 1785 йилги Екатерина II нинг дворянларга инъом ёрлиғи («Россия олижаноб дворянларининг еркинликлари ва имтиёzlари ҳукуқи ёрлиғи»)дан иборат еди.

1714 йилги «Ягона ворислик ҳақида»ги Фармон бўйича поместе ҳукуқий жиҳатдан вотчинага тенглаштирилади. Ҳамма ерлар вотчина ҳисобланиб, у наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган, хизмат евазига олин-ган ва сотиб олинган турларга бўлинди. Дворянларнинг барча ерлари кўчмас мулк деб еълон қилинди.

Тўғри, 1714 йилги Фармон помешчикнинг егалик қилиш ҳукукини бир мунча чеклар еди: ерни сотиш ва гаровга қўйиш, шунингдек, меросхўрларга бўлиб бериш тақиқланарди. Бутун кўчмас мулк фақат ме-росхўрлардан бирига васият қилиниши мумкин еди, холос. Ҳаракатдаги мол-мулкларни еса ўғиллар, қизлар ва бева хотин оларди. Агар васият бўлмаса ерлар катта ўғилга ўтарди. Бу фармонни чиқаришдан иккита мақсад кўзланган: биринчидан, ўлган дворяннинг

кичик ўғиллари меросдан маҳрум бўлиб, «ўз нонини хизмат, билим, савдо-сотик ва бошқалар орқали топишга» мажбур бўлар едилар, шу тариқа ҳукумат дворянлардан зарур кадрларга ега бўлиши мумкин еди; иккинчидан, дворянларнинг ер егаликларининг парчаланиб кетишига барҳам берилди. Бу еса давлатнинг манфаатлари билан боғлиқ еди.

1731 йилда император Анна Ивановна бу фармонни бекор қиласди. Ян-ги қонун бўйича ҳаркатсиз мулклар ўғиллар ўртасида тенг тақсимланади-ган бўлди. Лекин шунга қарамай поместе ва вотчина егаларининг ҳукуқ-лари тенглиги сақланиб қолди.

1722 йилги «Рутбалар жадвали» ҳам дворянлар табақасининг жипслashiшига, шунингдек, дворянлар учун хизмат ўташнинг янги тартибини жо-рий етишга қаратилган еди. Бунга кўра, армияда, флотда, фуқаролик ва са-рой хизматидаги барча мансаблар поғона ёки даражаларга бўлинди. «Рут-балар жадвали»га биноан хизмат ўташда ва мансабга ўтиришда енди насл-насабга қараб емас, балки дворянларнинг шахсий қобилиятлари, билими ва амалий малакасига қараладиган бўлди. Дворянлар хизматни қуи мансаб-лардан бошлаб, хизмат зинапояларидан ўтиб, кейин юқори мансабларга ега бўлишлари мумкин еди. Фақат маҳсус ўқув юртларини тугатганлар бундан истисно қилинган.

Фуқаролик хизматида олий мансаб канслер мансаби еди, қуи даражадаги мансаб еса коллегия регистратори еди. Ҳарбий хизматда олий мансаб - фендрик, кейинроқ еса прапоршчик бўлган.

«Рутбалар жадвали» бошқа табақаларга ҳам дворянлик даражасига еришиш имконини берарди: улар фуқаролик хизматида 8-даражани ва ҳарбий хизматда 1-офтсер (обер офтсер) унвонини олиб, авлоддан-авлодга ўтадиган дворянин бўлиб қолар ҳамда бу табақасининг ҳамма ҳукуқларидан фойда-ланар едилар. Юқоридаги иккала ҳужжат дворянларнинг давлатдаги мавқенини мустаҳкамлади.

Маълумки, Петр И даврида барча дворянлар 15 ёшидан бошлаб қаригунча ёки соғлигини йўқотгунча мажбурий тартибда ҳарбий хизмат ўташлари лозим еди. Анна Ивановна ҳарбий хизматга кириш ёшини 20 ёшдан қилиб ўрнатди ва уни 25 йиллик муддат қилиб белгилади.

1762 йилда Петр III «Бутунrossия дворянларига еркинликлар берииш ҳақида Манифест» чиқарди. Бунга кўра, дворянлар мажбурий ҳарбий хизматдан озод қилиндилар. Шу билан бирга дворянлар давлатга мажбурий хизмат қилишдан ҳам озод етилдилар.

Екатерина II нинг 1785 йилги «Дворянларга инъом ёрлиғи» дво-рянларнинг барча хукуқ ва имтиёзларини битта ҳужжатда расмийлаштириди. Шу вақтдан бошлаб дворянлар Россиянинг имтиёзли табақаси бўлиб қолди. Бу қонунга кўра, дворянлар давлатга мажбурий хизматлардан, соликлардан, турли мажбуриятлардан, жумладан, рекрут йиғимидан, тан жазоларидан озод қилиндилар. Дворянлик унвони хотин ва болаларга ўтадиган бўлди. Дворянлар шахсий ва мулкий дахлсизликдан фойдаландилар. Инъом ёрлиғи-га асосан дворянлар подшонинг тасдиғидан ўтган судларнинг қарорисиз унвонидан, обрў-еътиборидан, хаётидан ва мулкидан маҳрум етилиши мумкин емасди. Бунда фақат судялари дворянлардан бўлган маҳсус судларгина дворянларни суд қилиши мумкин еди. Дворянлар фабрика ва за-водларга егалик қилишлари мумкин бўлди, шунингдек, ўзини ўзи бошқа-риш хукуқини қўлга киритдилар. Уезд ва губерна дворянлари мансабдор шахсларни сайлаш ва ўз табақа ишларини ҳал етиш учун ҳар уч йилда уезд ва губерна дворянлар йиғилишига тўпланиб, ўзлари ичидан бошлиқларини сайлардилар.

Дворянларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларининг пул жам-Фармалари ва мулкларига ега бўлишлари мумкин еди. Дворянлар табақа ишлари бўйича губернаторга, Сенатга ва ҳатто подшога мурожаат қилишга ҳақли еди.

Рұхонийлар имтиёзли табақа бўлиб, солик ва мажбуриятлардан озод қилиндилар. Черков XVIII асрда катта микдордаги ерларга егалик қиласарди. Россиядаги бутун деҳқонларнинг бешдан бир қисми черковлар ихтиёрида еди. Рұхонийлар кучли сиёсий мавқега ега едилар. Подшо ҳукумати черковни давлатга бўйсундириш чораларини кўрди, унинг мулкини давлат мулкига айлантириди (1764 йил).

Мешчанлар. XVIII асрнинг И ярмида шаҳар аҳолисининг хукуқий ҳолатини белгиловчи муҳим қонунчилик ҳужжати 1721 йилда Петр И томони-дан чиқарилган «Бош магистратга регламент» еди. Унга кўра, шаҳар аҳолиси икки тоифага: шаҳарда доимий ва вақтинча яшовчиларга бўлинди.

Доимий яшовчиларнинг ўзи ҳам икки гилдияга бўлинган. Биринчи гилдияга банкирлар, йирик савдогарлар, врачлар, аптекачилар, рассомлар ва бошқалар кирган. Иккинчи гилдияга майда савдогарлар ва хунармандлар кирган. Иккала гилдия маълум даражада ўзини ўзи бошқариш хукуқидан фойдалангандар. Улар

ўзларининг йиғилишларига йиғилиб, муҳим масалаларни ҳал қилганлар, ўз аъзолари ичидаги пул йиғимларини ўрнатганлар, мансабдор шахсларни - оқсоқоллар ва уларнинг ёрдамчиларини сайлаганлар.

Хунармандлар ҳам сехларга бўлиниб, сехлар тегасида сайлаб қўйил-ган - алдерманлар туради. Алдерманлар хунармандчилик буюмларининг сифатини кузатиб турганлар, соликлар ва мажбуриятларни тақсимлаганлар ва йиғланлар.

Шаҳарда вақтинча яшовчи аҳолини қора ишчилар ва ёлланма хизматчилар ташкил етган. Улар шаҳар ўзини ўзи бошқарувида иштирок етиш хуқуқидан маҳрум еди.

1787 йилда шаҳарларга инъом ёрлиғи чиқарилган. Унда шаҳар аҳолисининг хуқуқий ҳолати тартибга солинган. Унга кўра, шаҳар аҳолиси олтига разрядга бўлинган:

1. Ҳақиқий шаҳар аҳолиси, (шаҳарда уйи, яшаш жойи ёки мулки бўлганлар).
2. Савдогарлар.
3. Хунармандлар.
4. Бошқа шаҳарликлар ва чет еллик меҳмонлар.
5. Фаҳрий гражданлар, яъни 50 минг сўмдан кўп капиталга ега бўлганлар: банкирлар, кўтара савдогарлар, корабл егалари, олимлар.
6. Посад кишилари: майда мулкдорлар.

Мешчанлар савдо ва хунармандчилик билан шуғулланиш хуқуқига ега едилар. Дворянларга ва дехқонларга шаҳарларда фақат ўз хўжаликлари маҳсулотлари билан савдо қилишга рухсат етилган. Бироқ мешчанлар ҳам айни пайтда дехқонлар яшайдиган ерларга егалик қилиш хуқуқига ега емас едилар.

Дехқонлар. Петр И жон солиғи жорий етиб, дехқонларга ҳам, холопларга ҳам ва бошқа турли дайди кишиларга ҳам бир хилдаги солик юклади. Бошқа мажбуриятлар ҳам мавжуд еди.

XVIII асрда дехқонлар бир неча разрядларга бўлинган:

1. Давлат дехқонлари. Булар подшога тегишли едилар.
2. Сарой дехқонлари. Сарой хўжалигига ишлайдиган дехқонлар.
3. Иқтисодий дехқонлар - собиқ черков ва монастир дехқонлари.
4. Посессион дехқонлар - помешчиклардан сотиб олиниб, фабрика ва заводларга ёзилган дехқонлар.
5. Майда хизматчи кишиларнинг авлодлари. Булар асосан Россиянинг чекка ўлжаларида яшаб, Петр И ислоҳоти натижасида

шляхта табақасига кирмай қолган кишилар еди. Улар давлат дехқонларидан кам фарқ қиларди.

6. Помешчикларнинг дехқонлари. XVIII асрда улар бутун дехқонлар-нинг ярмидан кўпини ташкил етган. Бу дехқонларни помешчиклар соти-ши, ҳадя қилиши, алмаштириши, гаровга қўйиши мумкин еди. Уларнинг зиммасидаги оброк ва баршчиналарнинг миқдорини помешчикларнинг ўзлари белгилардилар. Помешчиклар буларни суд қилиш, жазолаш хукуқига ега едилар.

Davlat tuzumi

Бу даврда Россия бошқариш шаклига кўра, мутлақ монархия (самодержавие) давлати бў-либ қолган еди. Бунда олий ҳокимият бутунлай ва бўлинмасдан подшога тегишли бўлган. Лекин бу жараён бирданига юз бермади. XVII асрнинг II ярмида ҳали Боярлар думаси мавжуд бўлса ҳам, лекин илгариги аҳамияти-ни йўқотган еди. Бошқарувда илгаригидек наслий боярлар муҳим рол ўй-нарди, жойларда дворянларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сақланиб қолганди, черков давлатга тўлиқ бўйсундирилмаган еди. XVIII асрнинг би-ринчи ярмида Петр I даврида самодержавиенинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, табақа-вакиллик органлари қолдиқларининг тугатилиши содир бўлди.

XVIII аср самодержавияси Россия тарихида «маърифатли абсолютизм» номини олди. Чунки чор ҳукумати ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш мақ-садида савдо ва мануфактураларнинг ривожланишини рағбатлантириди, черков мулкларини давлат мулкига айлантириди, дунёвий билимларни, фан ва санъат-нинг ривожланишига ҳомийлик қилди.

Олий ҳокимият ва бошқарув органлари. Император. Шимолий урушдан кейин Россия қудратли давлат бўлиб қолди. 1721 йилда Сенат Петр I ни император ва ҳокими мутлақ деб еълон қилди. Шу вақтдан бошлаб Россия империя деб юритила бошлади. Император чекланмаган ҳокимиятга ега бўлиб, қонун чиқариш, ижро этиш ҳуқуқи фақат унга тегишли еди. Барча давлат бошқаруви унга бўйсунди. Император суд ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланиб, судларнинг барча қарор ва ҳукмлари унинг номидан чиқариларди. Олий черков ҳокимияти ҳам унга тегишли бўлиб қолди. Император бу ҳокимиятни маҳсус таъсис етилган Синод орқали амалга оширади. Рус проваслав черкови бошлиғи- патриарх мансаби тугатилди. Петр I тахтга ворис қилиб хоҳлаган кишисини танлаши мумкин еди.

Сенат. 1711 йилда Петр И Прут юришига кета туриб, давлатни бошқариш учун ўз яқинларидан иборат Сенатни ташкил етди. Петр И Прут юришидан қайтгач, Сенат доимий ҳукумат органига айлантирилди. Унинг таркибиға император томонидан тайинланган 9 та сенатор ва обер-секретар киритилди. 1718 йилда коллегиялар ташкил етилиши билан уларнинг президентлари ҳам Сенат таркибиға киритилди. Кейин 1722 йилда учта асосий коллегиялар: ташқи ишлар, ҳарбий ва флот коллегияларининг президентларидан ташқари бошқа коллегияларнинг президентлари сенат таркибидан чиқарилди. Шу вақтдан бошлаб Сенат коллегия фаолияти устидан ҳам назорат қилиб турадиган бўлди.

Сенат, аввало, қонун ташаббускорлик функциясига ега еди. Бунга кўра, у қонун чиқариш ташаббуси, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни муҳокама қилиш ва еълон қилиш ваколатларига ега бўлди. Сенатнинг қонунчилик соҳасидаги ҳуқуқини подшо белгиларди.

Сенат олий давлат бошқарув органи ҳисобланган. У дастлаб маҳкамалар, сўнгра коллегиялар фаолияти устидан назорат қилиб турган. Сенат, шу-нингдек, давлат жиноятлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича олий суд органи еди. У апеллятсион суд вазифасини ҳам бажа-рарди. Сенатнинг қарори устидан шикоят қилиш мумкин емас еди. Унинг қарори фақат подшо томонидан бекор қилиниши мумкин еди. Сенат девонхонасига обер-секретар бошчилик қиласидарди.

1711 йилда назорат функциясини амалга ошириш учун **обер-фискал** мансаби, 1723 йилдан еса **бош-фискал** мансаби таъсис етилди. Унга колле-гиялардаги, провинсиялардаги ва шаҳарлардаги фискаллар бўйсундирилган. Фискалларнинг функциясига мансабдор шахсларнинг сүПстеъмолликларини яширинча аниқлаш, давлат хазинаси манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят-чилик билан кураш олиб бориш кабилар киради. Бироқ тез орада фискалларнинг ўзи сүПстеъмолликларга, порахўрликка берилиб кетадилар. Шу сабабли Петр И нинг ворислари фискаллик институтини тугатадилар.

1722 йилда **прокуратура** ташкил етилди. Унга бош прокурор ва унинг ёрдамчиси - обер прокурор бошчилик қиласидарди. Уларга коллегиялардаги ва дворянларнинг провинсиал судларидаги прокурорлар бўйсундирилди.

Прокуратура фискаллардан фарқ қилиб, (барча давлат муассасалари фаолияти устидан) очик назорат олиб борган. Бош

прокурор императорга бўйсунган. У подшо йўқлигига Сенатга раислик қилар, Сенатда юритилади-ган масалалар тартибини белгилар, Сенатнинг нотўғри қарори устидан подшо-га протест бериш ҳуқуқига ега бўлиб, подшога Сенат фаолияти ҳақида доклад қилар, подшо фармойишларини Сенатга еълон қилар, қонунларнинг бажарилишини кузатиб турар еди.

1720 йилда Сенат ҳузурида **бош-рекетмейстр** мансаби таъсис етилди. У коллегия ва бошқа марказий муассасаларнинг нотўғри қарорлари ва сансалорликлари устидан шикоятларни қабул қилар ва қўриб чиқарди. Бу ҳақдаги ишлар подшога маълум қилинар ва шундан сўнг улар бўйича охирги қарор чиқариларди. Бош-рекетмейстрлик мансаби 1763 йилда Сенатнинг қайта ташкил етилиши билан тугатилди.

Бундан ташқари, Сенатга бевосита **геролдмейстр-дворянлар табақа-си** ишларини юритувчи мансабдор шахс ҳам бўйсунган. У дворянларни ҳисобга олиш, уларнинг хизмат ўташини ҳисобга олиш, давлат мансабларига тайинланишини ҳисобга олиш ва ҳоказо ишлар билан шуғулланган.

1731 йилда Сенат ҳузурида **Яширин қидирув ишлари девонхонаси** тузилади. У давлат жиноятларини тергов қиларди. 1762 йилда бу орган тугатил-ган, лекин тез орада Сенатнинг **яширин махфий експедитсияси** таъсис етилиб, у муҳим сиёсий жиноятларни, жумладан, Пугачов, Радищев ва бош-қаларнинг ишларини тергов қилиш билан шуғулланган.

Петрнинг ўлимидан кейин Сенатнинг роли пасайди. Сенат расман олий ҳукумат органи бўлса ҳам, амалда Олий махфий кенгаш ва бошқа импе-раторлик кенгашларига ва кабинетларига бўйсунарди. Қатор коллегиялар (ҳарбий, флот ва ташқи ишлар коллегиялари) Сенатга бўйсунишдан чиқсан, бошқа коллегиялар унга жуда кам даражада бўйсунарди. Яширин қидирув ишлари девонхонаси Сенатга бўйсунмаган. Сенат фақат олий суд органи функциясини тўлиқ саклаб қолди. Айниқса Павел И даврида у соғ суд органи бўлиб қолган еди.

Олий махфий кенгаш. Бу давлат органи 1726 йилда Петрнинг тул хотини Екатерина И томонидан таъсис етилди. Унинг таркибига императорнинг 7 та енг яқин кишилари киритилди. Кенгаш жуда муҳим ички ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал қиласарди. Ҳатто император барча муҳим қонунларни Олий махфий кенгаш розилиги билан чиқариши лозим еди. Бу Кенгашга Сенат ва Синод ҳам бўйсунган. Бош прокурор мансаби тугатилган.

Петр II ўлганидан кейин (1730 йил) Олий яширин кенгаш тахтга Петр И нинг жияни Анна Ивановнани таклиф қиласы. Лекин унинг олдига қатор шарт-лар қўйилади. Булар: а) кенгаш рухсатисиз ерга тегмаслик; б) ўзига ворис тайинламаслик; в) полковниandan юқори мансабларни тайинламаслик; г) мам-лакатни кенгаш розилиги билан бошқариш; д) гвардия ва қўшинларнинг кенгаш қарамоғида бўлиши лозимлиги кабилар еди. Агар ушбу шартлар бажарилмаса, Анна Ивановнанинг тахтдан маҳрум етилиши мумкинлиги кўр-сатилган еди. Анна Ивановна бу шартларга рози бўлади ва имзо чекади. Лекин шляхтанинг талаби билан Анна Ивановна бу талабномани йўқ қиласи ва 1730 йилда Россияда самодержавиени қайта тиклаш ҳақида Манифест чиқаради. 1731 йилда Анна Ивановна уч та министрдан иборат **Министрлар Кабинети** таъсис етади. Лекин 10 йил ўтгач, уни Елизавета Петровна тугатади ва Сенатнинг илгариги аҳамиятини тиклайди. Елизавета Петровна 1756 йилда маслаҳатчи орган - **Юқори сарой конференсияси** таъсис етиб, унга ташқи сиёsat ва қуролли кучларни ташкил етиш масалалари билан шуғулланишни топширади. Ундан кейин ҳам императорлар хузурида турли маслаҳатчи органлар ташкил етилган, лекин улар мустақил бўлмаган.

Коллегиялар. Петр маҳкама тизимини тугатиб, унинг ўрнига колле-гиялар таъсис етган. Ўша вақтда ҳаммаси бўлиб 12 та коллегия мавжуд еди. Улардан учтаси: ҳарбий, флот ва ташқи ишлар коллегиялари асосийлари еди.

Учта коллегия молиявий коллегиялар бўлган: 1) **камер-коллегия** давлат даромадлари билан шуғулланган; 2) **штатс-контор-коллегия** давлат ҳаражатларини ҳал қиласы; 3) **ревизион-коллегия** давлат маблағларини ҳаражат қилиш ва даромадларини келиб тушиши устидан назорат қиласы.

Учта коллегия савдо-саноат коллегиялари ҳисобланган: 1) **берг-коллегия** тоғ ва металлургия саноатини юритган; 2) **манифактур-коллегия** йирик саноатга раҳбарлик қиласы; 3) **коммерц-коллегия** савдо масалалари билан (кўпроқ ташқи савдо билан) шуғулланган.

Юқоридагилардан ташқари қуидаги коллегиялар ҳам муҳим ўрин тутган: 1) **юститс коллегия** - суд бошқарувининг олий органи, муҳим ишлар бўйича биринчи инстанция, провинциал судлар учун апелляцион инстанция ҳисобланган; 2) **вотчина коллегияси** - дворянларнинг ер егалиги би-лан боғлиқ масалаларни юритган, шунингдек дворянларнинг ер бўйича низоларини ҳал қиласы; 3) **диний ишлар коллегияси** - кейинчалик Синод.

Бош магистрат - шаҳарларни бошқариб, коллегия ҳуқуқларига ега бўлган. Синод коллегиялар ичида муҳим ўрин тутган. Коллегиялар маҳкамалардан фарқ қилиб, бу ерда давлат бошқарув масалалари аниқ тақсим-лаб қўйилган еди. Бундан ташқари, коллегиялар ягона тизимга ега еди. Уларнинг ҳар бирини президенти, витсе-президенти, тўрттадан маслаҳатчиси, тўрттадан асессори ҳамда девонхонаси мавжуд еди. Булар ҳар куни йиғилиб турарди. Барча қарорлар овозга қўйилиб, кўпчилик овоз билан ҳал қилинади (маҳкамаларда еса якка бошлиқ ҳал қиласади).

Лекин абсолютизм давридаги бу коллегиаллик жуда расмий характерга ега еди, холос. Коллегияларда президентларнинг гапи гап еди. Ҳар бир колле-гияда фискал, кейинроқ еса прокурор бўлиб, у коллегия фаолиятини назорат қиласади. Коллегиялар девонхонаси: котиб, нотариус, таржимон, актуариус, нусха кўчирувчилар, регистраторлар ва иш юритувчилардан иборат бўлган.

Маҳаллий бошқарув органлари. Маҳаллий бошқарув соҳасида ислоҳотлар 1702 йилда бошланган. Петр I уездлардаги губа ўзини ўзи бошқаришни тугатиб, унинг функцияларини воеводага беради. Ҳар бир уездда воеводалар ҳузурида 2-4 тадан дворянлардан иборат дворянлар кенгаши ташкил етилади.

Воеводалар уездларни дворянлар кенгаши билан бирга бошқариши керак еди. Ҳукмрон синфларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва дехқон-ларнинг ҳаракатига қарши самарали курашиб мақсадида Петр I 1708 йилда 8 та губерния ташкил етади. Губерниялар провинсияларга бўлинган. Губер-ниялар тепасида губернаторлар турарди. Уларни подшо тайинларди. Губерна-торлар губернияларни бошқарганлар, қуролли кучларга қўмондонлик қилганлар, суд ҳокимиятига ега бўлганлар. Губернаторларнинг ёрдамчилари витсе-губернаторлар еди. Губернаторлар ҳузурида 8-12 кишидан иборат ланд-рат кенгашлари ҳам мавжуд еди. Ландрат кенгашлари дворянлар томо-нидан сайланарди.

Провинсиялар воеводалар томонидан бошқарилган. Уларнинг ёрдам-чилари бўлган. Уездлар тепасида земство комиссарлари туриб, улар сайлаб қўйиларди. Екатерина II маҳаллий бошқарувда ислоҳотлар қилиб, 1775 йилда губернияларни бошқариш учун муассаса ташкил етди. Провинсиялар тугатилиб, уездлар сони, губерниялар сони камайтирилди. Ҳар бир губер-нияда губерния бошқармалари ташкил етилди. Ҳар бир уездда қуи земство суди тузилди. У маъмурий-политсиячилик ишларини юритарди.

Шаҳар ислоҳоти. Петр И шаҳар ислоҳоти ҳам ўтказди. Бундан мақсад шаҳарларда савдо ва саноатни ривожлантириш еди. Шу мақсадда савдогарлар хукуқи кенгайтирилди. 1699 йилда барча шаҳарларда **бурмистрлик ёки земство маҳкамалари** таъсис етилди. Улар ўлпонлар, солиқлар йиғиш билан шуғулланар, шунингдек, суд функцияларини амалга оширадилар.

Бурмистрлик маҳкамасига бурмистлар кирган. Улар савдогарлардан, фабрикантлардан ва бошқалардан сайланарди. Сайловлар ҳар йили ўтказиларди. Бурмистрлар ўз ораларидан ҳар ойга президентлар - маҳкама бошлиқларини сайлардилар. Бурмистрлик маҳкамалари воеводаларга ва маҳкамаларга бўйсунишдан озод етилди. Уларга раҳбарлик қилиш учун Москвада Бурмистрлик палатаси ташкил етилади.

1720 йилда коллегиялар ташкил қилиниши муносабати билан **Бош магистрат** таъсис етилади. Бурмистрлик палатаси тугатилади. Бурмистрлик маҳкамалари ўрнига **магистратлар** тузилади. Улар савдо ва саноатни ривожлантириш, мактаблар ташкил етиш ҳақида Гамхўрлик қилганлар, молиявий фаолият юритганлар. Петр И ўлимидан кейин Бош магистрат тугатилиб, шаҳар магистратлари маҳаллий маъмуриятга бўйсундирилди.

Екатерина II 1785 йилда шаҳарларга ҳуқуқ ва имтиёзлар ҳақида ёрлик чиқаради. Бунга кўра, шаҳарнинг ҳар бир 6 та разрядидан шаҳар йиғини сайланади. Шаҳар йиғини еса **Умумий шаҳар думасини**, умумий шаҳар думаси - доимий орган - 6 кишилик дума сайлайди.

Политсия бошқарув органлари. XVII-XVIII асрларда воеводалар, Москвада еса - земство ишлари маҳкамаси политсиячилик функциясини бажа-рарди. Губерния ислоҳотларидан сўнг еса бу функция губернаторлар ва комендантлар томонидан амалга оширилади. 1718 йилда Петбургда политсмейстрлар иши бўйича бош девонхона ташкил етилди. Унинг тепасида бош политсмейстр турарди. Кейинроқ бундай муассаса Москвада ҳам тузилган. XVIII асрнинг II ярмида янги политсия органлари ташкил топди.

7. Абсолут монархия даврида Россияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

**Huquq
manbalari**

Бу даврнинг асосий ҳуқуқ манбаларини давлат то-монидан **фармонлар, регламентлар, уставлар, мани-фестлар** шаклида чиқарилган қонунлар ташкил етган.

Фармонлар давлат фаолиятининг енг муҳим ва жуда хилма-хил томонла-рига тааллуқли еди. Масалан, 1714 йил 18 мартағи «Ягона ворислик ҳақида»ги фармон, 1722 йилги «Рутбалар жадвали», 1723 йил 5 ноябрдаги «Суд шакли ҳақида»ги фармон билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Регламентлар давлат бошқарув органларининг ташкил етилиши тартиби ва фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатлардир. Буларга, масалан, 1720 йил 29 февралдаги Коллегияларнинг бош регламенти, 1721 йил 16 январдаги Бош магистратга регламент, 1721 йил 29 январдаги Диний регламент мисол бўла олади.

Уставлар давлат фаолиятининг маълум соҳага тааллуқли ҳуқук норма-ларини бирлаштирувчи қонунлар тўпламидир. 1729 йилги Векселлар ҳақидаги устав, 1781 йилги Савдо ҳақидаги устав, 1782 йилги Ахлоқ-одоб устави ана шундай қонунлар тўпламлари жумласига киради. 1716 йилги Ҳарбий устав армия фаолиятини тартибга солувчи нормалардан иборат еди.

Ҳарбий устав мутлақ давлатчилик, армиянинг ташкил етилиши манфаатла-рига жавоб берувчи ўзига хос мустақил кодекс еди. Уни тузишда кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳарбий қонунчилиги борасидаги ижобий тажрибаси ҳисобга олинган еди.

1720 йилда Денгиз устави чиқарилади. У ўз мазмуни бўйича Ҳарбий уставга ўхшаш бўлиб, фақат флотда хизмат қилишга тааллуқли еди. Унинг «Жарималар ҳақида»ги бўлими жиноят ҳуқуки нормаларига бағишланиб, деярли тўлиқ Ҳарбий артикуллардан ўзлаштириб олинган еди.

Императорлар алоҳида, тантанали ва муҳим ҳолларда **манифестлар** чиқа-ришган. 1762 йилги «Бутун Россия дворянларига еркинликлар ва озодликлар бериш ҳақида»ги **Манифест** шулар жумласидандир.

1715 йилда жиноят кодекси ҳисобланган «Ҳарбий артикул» ва протес-суал кодекс ҳисобланган «Протесслар ва суд тортишувларининг қисқача ба-ёни» чиқарилди. Бу даврда, шунингдек, 1649 йилги Собор қонунлари ҳам амал қилишда давом етди. XVII асрда, хусусан Петр I даврида ҳам бир не-ча марта янги кодекс тузишга ҳаракат қилинган, лекин натижасиз чиқкан. Екатерина II янги Конуннома лойиҳасини тузиш учун комиссия тузади. Комиссияга помешикларнинг дехқонлари ва руҳонийлардан ташқари барча табақалар киритилади. Лекин комиссия иши давомида

турли табақалар манфаат-ларидағи қарама-қаршиликлар очилиб, оқибатда Қонуннома лойиҳаси тузил-май қолади.

Mulk huquq

Бу вақтга келиб поместе ва вотчинани ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштириш бўйича узоқ давом етган жара-ён ниҳоясига етади. 1714 йил 23 марта чақирилган «Ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мулкларни мерос қилиб қолдириш тартиби ҳақида» ги («Ягона ворислик ҳақида»ги) Фармон билан дворянларнинг ерга егалик ҳуқуқи анча кенгайтирилди, вотчина ва поместелар учун ягона ҳуқуқий режим ўрнатилди. Вотчина ва поместелар кўчмас мулк деб атала бошлан-ди. Дворянларнинг иқтисодий мавқенини мустаҳкамлаш мақсадида кўчмас мулкни гаровга қўйиш ва одатда сотиш тақиқланди. Уни фақат истисно тартибида «зарурат бўйича», муҳтожликдан ва юқори пошлина тўлаш шарти билан сотиш мумкин еди. Ер егаилари бўлиниб кетишининг олдини олиш мақсадида кўчмас мулк мерос бўйича фақат ўҒиллардан бирига ўтка-зиларди. Меросхўрлар 40 йил мобайнида кўчмас мулкни қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига ега едилар.

1731 йилда дворянларнинг талаби билан «Ягона ворислик ҳақида»ги фармон бекор қилинди. Кўчмас мулкка нисбатан чекловлар ҳам бекор қилинди.Faқат битта чеклов сақланиб қолди. Бунга кўра, уруғнинг ерга егалиги бегона кишиларга васият қилиниши мумкин емасди.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқида қатор чеклашлар жорий қилинди. 1719 йил 10 декабрдаги Фармон бўйича хусусий мулкдорларнинг ерларидаги метал-лар ва минералларни қазиб олиш давлат имтиёзига киради. Ер егаси унинг ерида заводлар қуришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланган ёки унинг ери-дан қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг 1/32 қисмини олган.

Кемалар қуриш учун яроқли бўлган дарахтларнинг баъзи навлари қўриқланади деб еълон қилинди. Ер егалари уларни ўз ерларида кесиш ҳуқуқига ега емасдилар. Заранг дарахтларни, тилғочларни, қайрағочларни, қарғайларни кесишда айбор бўлган шахслардан жарима ундирилган, дубларни кесганлар еса ўлимга маҳкум етилган.

Екатерина II дворянларнинг хоҳишини инобатга олиб, мулкдан фойдаланишдаги ушбу барча чекловларни олиб ташлади. Дворянлар ер ости бойликлариға ҳам, ўрмонларга ҳам чекланмаган тарзда егалик қиладиган бўлиб қолдилар.

Фуқаролик ҳуқуқи саноат ва савдо масалалариға, улар фаолиятининг ҳу-қукий кафолатланишига муҳим аҳамият берди. Масалан, давлат олтин, ку-муш, мис қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича заводлар қуриш учун қарзга пуллар берди. Бундай заводларнинг усталари солиқлардан, ҳарбий хизматлардан озод қилинди. Саноат корхоналари давлатнинг, монархнинг мулки ҳисобланди. Улар гўёки егаларига фойдаланиш учун бериб қўйилгандек еди.

Давлат олтин, кумуш, мис ва селитралар сотиб олишда бошқа сотиб оловчиларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа ега еди. Унинг нархини Берг-кол-легия ўрнатарди. Бошқа металлар ва минералларни саноатчи мамлакат ичидаги хоҳлаган кишига сотиши, мамлакат ташқарисида еса факат Берг-коллегия рухсати билан сотиши мумкин еди. Давлат саноатчиларга ва уларнинг меросхўрларига «мазкур заводларни тортиб олмаслиги» ҳақида кафолат берган.

Ташкил етилган саноат корхоналари иш кучига катта еҳтиёж сезарди, чунки ўрта асрларда, таббийки, иш кучини ёллаш унча кенг тарқалмаган еди. Шунинг учун саноат корхонасини иш кучи билан таъминлашда 1721 йил 18 январдаги «Заводларнинг қишлоқларни сотиб олиши ҳақида»ги Фар-мон муҳим рол ўйнайди (илгари амалда бўлган қонун бўйича савдо-гарлар ва саноатчиларга аҳоли яшайдиган қишлоқларни сотиб олишга рухсат етилмасди). Бундай қишлоқларнинг ҳуқукий мақоми ўзига хос хусусиятга ега еди. Мазкур қишлоқларни заводлардан алоҳида сотиш мумкин емас еди ва умуман уларни факат Берг-коллегия ҳамда Мануфактур-коллегия рух-сати билан сотиш мумкин еди. Бундай қишлоқларни гаровга қўйиш ҳам мумкин емасди. Екатерина II дворянларнинг имтиёзларини кенгайтира бо-риб, завод егаларининг аҳоли яшайдиган қишлоқларни сотиб олишини тақиқла-ди. Дворянлар яна ерга егалик қилиш ҳуқуқига ега бўлган ягона таба-қа бўлиб қолди.

Гаров ҳуқуқи ҳам янада ривожланди. Фуқароларга факат ўз мулкини гаровга қўйишга рухсат етилди. Ҳаракатдаги мулкни ҳам, қўчмас мулк-ни ҳам (1714 йилгача ва 1731 йилдан кейин) гаровга қўйиш мумкин еди. Мулкни гаровга қўйиш васиқа тартибида амалга ошириларди. Давлатнинг қу-рол-яроғини ва мундирини гаровга қўйиш ҳақиқий емас деб ҳисобланди. Бундай мулклар гаровга оловчидан ҳеч қандай тўловларсиз тортиб олинарди. Уларни гаровга берувчилар отиб ўлдиришгача жазоланардилар.

Саноат ва савдонинг ривожланиши, товарпул му-носабатларининг янада тараққий етиши мажбурият ҳу-қуқининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди. Пудрат, етказиб бериш, сақлаб бериш, шериклик, қарз, шахсий ижара, олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя, мулк ижараси шартномалари кенг тарқалди.

Мажбурият ҳуқуки соҳасида турли табакалар турлича ҳуқуқларга ега еди. Дехқонлар, мешчанлар учун катта чеклашлар жорий қилинганди. Дворянлар, рухонийлар ва савдогарлар катта ҳуқуқлардан фойдаланаардилар. Масалан, дехқонлар, мешчанлар (1721 йилгача ва 1782 йилдан кейин) ва савдогарлар аҳоли яшайдиган қишлоқларни сотиб олишлари мумкин емасди. Бу дворянларнинг танҳо егалигига асосланган ҳуқуки еди. Баъзи шахслар шартномалар тузиш ҳуқуқига ега емасди. Ақли норасо, вояга етмаган, пулни бўлар-бўлмасга совурадиган ва бошқа ҳомийлик остидаги шахслар шартнома тузиш ҳуқуқидан маҳрум еди. Уларнинг ўрнига ҳомийлари шартномалар тузиш ҳуқуқига ега еди. Шахсларнинг қонунга зид бўлма-ган ҳар қандай ҳаракати шартнома предмети бўлиши мумкин еди. Шартно-малар, қоида бўйича, ёзма шаклда тузилган. Қонунлар тузилган шартно-маларни муқаддас деб риоя қилишни талаб қиласди ва ваъдасизлик жаримасини ҳамда кафилликни шартномани таъминлаш усуллари деб биларди.

Амалиётда **ширкат шартномаси** кенг тарқалган. 1698 йилги Фар-мондаёқ «савдо кишиларига бошқа давлатларнинг компанияларидаги син-гари савдо қилишга» рухсат етилган еди. Ширкат шартномалари ҳам савдо, ҳам саноат корхоналари ташкил етиш мақсадларида тузиларди. Давлат шерик-чиликни ҳар томонлама рағбатлантирган, лекин Мануфактура ва Коммертс-коллегиялари орқали улар фаолиятини назорат ҳам қиласди.

Пудрат **шартномаси** бинолар қуриш ҳамда таъмирлашда ва бошқа-ларда мумкин бўлган барча турли-туман ишларни ишлаб чиқиш учун ту-зилган. Етказиб бериш шартномасини тузишда давлат учун кафиллик муҳим еди. Саноат ва савдонинг ривожланиши шахсий ижара шартномасининг кенг қўлланишига олиб келарди. Шубҳасиз, феодализм шароитларида уни қўллаш чекланганди. Кишиларни фақат уй хизматларига емас, балки дех-қончилик, ҳунармандчилик, завод ишларига, савдо ва саноатга ҳам ёл-лаш мумкин еди. Крепостной дехқонлар ўз помешчикларининг ёзма расмийлаштирилган рухсати бўйича ёлланиб ишлаши мумкин еди.

Бундай рухсатномаларда дәхқонларнинг қанча муддатга қўйиб юборилганлиги ҳам қўрсатиларди. Вояга етмаган болалар ва хотин фақат ота ёки ернинг рухсати билан ёлланиб ишлаши мумкин еди. Оддий аскарларга фақат бошлиқ-ларининг рухсати бўйича ва хизматга зиён келтирмасдан ёлланиб ишлаш-га рухсат етилган.

Мулк ижараси шартномаси жуда кенг тарқалганди. У васиқа тартибида тузилган. Шартнома предмети ҳам ҳаракатдаги, ҳам қўчмас мулклар бўлиши мумкин еди. Ижара ҳақи ва мулкдан фойдаланиш муддати томон-ларнинг келишуви билан белгиланаарди.

Мажбурият ҳуқуқида олди-сотди шартномаси жуда муҳим рол ўйнай-ди. 1714 йилги Фармонга қадар ва 1731 йилдан кейинги олди-сотди шартно-масининг предмети ҳам ҳаракатдаги, ҳам қўчмас мулклар бўлган. Сотувчи шартноманинг предмети ва баҳосини белгилашдан ташқари, сотиб оловчини учинчи шахслар томонидан бу мулкка нисбатан ҳар қандай даъволаридан «тозалаши» лозим еди.

Ҳадя ва айирбошлиш шартномалари фақат 1714 йилги Фармонда белгиланган доираларда чекланганди, яъни улар қўчмас мулкларга таал-луқли емас еди. Бу чекловлар 1731 йилда бекор қилинди. Юк ташиш шарт-номаси монахлардан ташқари барча шахслар томонидан ҳар қандай ҳара-катдаги мулклар бўйича тузилиши мумкин еди. Фақат монахларга Диний регламент бўйича бегона ашёларни ва пулларни сақлашга олиш тақиқлан-ганди. Юкни сақлашга олган шахс унинг бутунлигини ва бузилмаслигини сақлаши ва егасининг биринчи талаби билан дарҳол қайтариши лозим еди.

Қарз шартномасининг бу даврдаги хусусияти шунда едики, у бўйи-ча қарздордан фоизлар олиш тақиқланганди. Бироқ, 1754 йилдан бошлаб қарз шартномаси бўйича 6 % гача олиш ўрнатилди. Ўша йили қарз берувчи банк ташкил етилди. 1729 йилдан савдогарлар векселлар бериш ҳуқуқига ега бўлди.

Oila huquqi Никоҳ ва оила қонунчилигига Петр И даврида катта ўзгаришлар қилинди. Аввало 1714 йилги “Ягона ворислик ҳақида”ги фармон билан никоҳ ёши еркаклар учун - 20 ёшгача, аёллар учун - 17 ёшгача кўтарилиди.

Қонунлар дворянлар табақасини тўла қимматга ега бўлмаган авлод пайдо бўлишидан сақлашга ҳаракат қилган. Шу муносабат билан никоҳга фақат соғлом, ақлдан маҳрум бўлмаган шахслар кириши мумкин еди. 1722 йил 6 апрелда чиқарилган «Еси паст кишиларни Сенат кўриб чиқиши ҳақида»ги Фармон билан «еси паст

кишилар»нинг никоҳга кириши тақиқланди. Яқин қариндошлар ҳам бир-бирлари билан никоҳга кира олмасди.

Ҳарбий хизматчиларнинг никоҳга кириши учун зарурий шарт бошлиқ-ларининг рухсати еди. Дворянларнинг никоҳга киришлари учун еса улар арифметика ва геометрияни билишлари лозим еди. Қонунлар бўйича никоҳ тузиш учун никоҳга кирувчи томонларнинг ва уларнинг ота-оналарининг розилиги талаб етилган. Шубҳасиз, помешчиклар ўз крепостной дехқон-ларига нисбатан қонуннинг бу талабларига риоя қилмаганлар, уларнинг тақдирини ўз хоҳишларича ҳал етганлар.

1702 йил 3 апрелда чиқарилган Фармон бўйича никоҳ тузиш тартиби ўзгарди. Бир қатор келишув ёзувлари бекор қилинди (никоҳга кирувчиларнинг мулк ҳақидаги ва сеп-сидирға ҳақидаги келишув ёзувлари крепостнойларнинг иши Маҳкамасида расмийлаштириларди). Енди сеп-сидирға ҳақидаги масала уй шароитида ҳал қилинадиган бўлди. Никоҳ маросимидан олти ой олдин унаштириш амалга оширилди. Агар куёв унаштиришга қадар келинни кўрмаган бўлса ва келин «хунук, бадбашара, касал ва носоғлом» бўлса, унаштиришни бекор қилиши мумкин еди. Келин ҳам шундай ҳуқуққа ега еди.

Қонунларда никоҳни бекор қилиш учун асослар белгиланган. Сиёсий ўлимга маҳкум етилиши ва умрбод каторгага сургун қилиниши, ер-хотиндан бирининг бедарак йўқолиши (бедарак йўқолган шахснинг бунда айби бўлмаслиги керак), монахликка ўтиши, ер-хотиндан бирининг бевафолик қилиши, тузалмас касалликка йўлиқиши, ер-хотиндан бирининг иккинчиси ҳаётига суиқасд қилиши ҳолатларидан бири никоҳни бекор қилиш учун асос бўла оларди. Никоҳни бекор қилишдан ташқари, ер-хотинни уларнинг турмушида келишмовчиликлар юз берган вақтда вақтинча ажратиб қўйиш (масалан, монастирларга жўнатиш) ҳам мумкин еди.

Никоҳ teng ҳуқуқли емасди. Хотин ерга бўйсунган. Ер хотинни жазолаш ҳуқуқига ега еди. Хотиннинг мавқеи ернинг мавқеи билан белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида хотин ҳуқуқий лаёқатга ва муомила лаёқатига ега еди. Хотиннинг мулкий ҳуқуқлари ҳеч нарса билан чегараланмасди. У ўзининг ҳаракатдаги ва кўчмас мулкларини ерининг рухсатисиз еркин тасарруф қилиши мумкин еди.

Ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан катта ҳокимиятдан фойдалан-ганлар. Улар ўз фарзандларини жазолаши, монастирга бериши мумкин еди. Лекин ўз болаларини ўлдирган ота-оналар

чархпалакка тортиб ўлдириш жазосига маҳкум етилган (боласини жазолаш вақтида ўлдириб қўйиш ҳоллари бундан мустасно). 1775 йилда ота-оналарга ўз итоатсиз фарзандларини ақлини киргазадиган уйларга қамаш ҳуқуқи берилган. Никоҳсиз туғилган болалар-нинг аҳволи енди қонунда ўз ифодасини топади. Ҳарбий устав бўйича ота ўзининг никоҳсиз туғилган болаларини ва уларнинг оналарини боқиши лозим еди. Болаларнинг мулкий ҳуқуқи уларнинг ажралган ёки ажралмаганлигига боғлиқ еди. Оиладан ажралиб чиқсан болалар барча мулкий ҳуқуқлардан фойдаланганлар ва ўз мулкларини ота-оналар розилигисиз тасарруф қила олганлар. Лекин оиладан ажралиб чиқмаган болалар ўз мулкларига ега бўл-май, ота-оналарининг розилигисиз бирон-бир битим тузга олмаганлар.

Ҳомийлик ҳақидаги баъзи қоидалар ҳам янада ривожланди. Ҳомийлик вояга етмаган болаларга нисбатан тайинланган ва улар вояга етган-ларига қадар давом етган. Кўчмас мулкка меросхўрлар 20 ёшга тўлгандан сўнг, ҳаракатдаги мулкка еркак меросхўрлар 18 ёшга, аёллар 17 ёшга тўлгандан сўнг вояга етган деб ҳисобланарди.

1714 йилги Фармон бўйича кўчмас мулкнинг меросхўри ўзининг кичик ёшли укалари ва сингиллари учун ҳомий ҳисобланган, уларни боқиши, тарбиялаши ва мулки ҳақида Ғамхўрлик қилиши лозим еди. Ақлдан озган ва шафқатсиз помешчиклар устидан ҳам ҳомийлик тайинланиши мумкин еди. Албатта, бу жуда кам ҳолларда юз берган. Агар шундай қилинганда ҳам, ҳар доим ҳукмрон табақалар манфаатлари нуқтаи назаридан амалга оширилган.

1775 йилда ҳомийликнинг табақавий органлари: дворянлар учун дворянлик ҳомийлиги ва шаҳарликлар учун етимлар судлари таъсис этилди. 1785 йилда ёш болалар (14 ёшдан бошлаб) учун васийлик институти жорий қилинган еди.

Meros huquqi 1714 йилги «Ягона ворислик ҳақида»ги Фармон бўйича мерос ҳуқуқида муҳим ўзгаришлар юз берди. Мерос қонун бўйича ва васият бўйича қолдирилган.

Кўчмас мулкни васият қилиб қолдиришда мерос қолдирувчининг ерки ан-ча чекланган еди. У кўчмас мулкни ўғилларидан бирига васият қилиб қолдириши мумкин еди. Бошқа ўғилларга ҳаракатдаги мулклардан ҳисса ажратилган. Агар ўғиллар бўлмаса, кўчмас мулкка қизлардан бири мерос-хўр етиб тайинланган. Агар фарзандлар бўлмаса, у ҳолда кўчмас мулк фақат мерос қолдирувчи билан фамилиядош бўлган енг яқин қариндош-ларга васият қилиб қолдирилиши, ҳаракатдаги мулк еса «кимга хоҳласа» шунга васият

қилиниши мумкин еди. Аёлларга кўчмас мулкнинг васият қилиниши қатор шартлар билан чекланган. Бунда аввало аёл киши мерос қолдирувчининг фамилиясини олган бўлиши лозим еди. Агар у буни рад етса, кўчмас мулк давлатга ўтказилган.

Қонун бўйича меросда маёрат тартиби амалда еди. Бунга кўра, кўчмас мулк катта ўҒилга ўтказилар, ҳаракатдаги мол-мулк еса бошқа ўҒиллар ўртасида тенг тақсимланарди. Бундай тартибдаги меросдан учта асосий мақсад кўзланган еди. Биринчидан, йирик поместе ер егалигидан соликлар йиғиб олиш осон еди. Иккинчидан, кўчмас мулкнинг бўлиниб кетишига йўл қўйилмаслиги уруғнинг камбағаллашувини олдини оларди. Учинчидан, кўчмас мулқдан мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган болалар давлатга хизмат қилишлари ва фойда келтиришлари мумкин еди.

Ушбу Фармоннинг ҳаётга тадбиқ етилиши кўпгина дворянларнинг қаршилигига дуч келди. Чунки унда дворянларнинг ўз поместеларини тасарруф етиш ҳуқуқи чекланган еди. Натижада 1731 йилда «Ягона ворислик ҳақида»ги Фармон бекор қилинди. Енди васият бўлмаса, мулк ўҒилларга ўтган, қизлар кўчмас мулқдан 1/14 қисм, ҳаракатдаги мулклардан 1/8 қисм, хотин кўчмас мулқдан 1/7 қисм, ҳаракатдаги мулклардан 1/4 қисм ҳисса оларди.

Jinoyat huquqi

Жиноят ҳуқуқи ҳукмрон табақалар қўлидаги қурол ҳисобланган. У давлатнинг ижтимоий тузумини қўриқлашда, феодал мулкчиликни ва феодал шахсини ҳимоя қилишда, эксплуататсия қилинувчи омма қаршилигини бостиришда муҳим рол ўйна-ган. Жиноят ҳуқуқи, шунингдек, халқ оммасини тутқунликда ушлаб туриш-да уни езиш учун қулай имкониятлар берувчи шарт-шароитлар яратувчи қудратли омил бўлиб ҳам ҳисобланган.

Судлар жиноий ишларни ҳал қилишда 1649 йилги Собор қонунларига ва ундан кейинги қонунларга амал қиласарди. Жиноят ҳуқуқининг кўпгина нор-малари ўша даврдаги турли фармонларда ҳам белгиланган еди. Ҳарбий арти-кулларда жиноят ҳуқуқи нормалари тизимга солинган ва ривожлантирилган еди. Гарчанд унда Умумий қисм мавжуд бўлмаса ҳам, аммо ҳаракат ва жиноий натижа ўртасида салбий боғланиш ўрнатилиши зарурлиги ҳақида, айб, жазонинг мақсад ва вазифалари, зарурий мудофаа, охирги зарурат ҳақида гапирилади.

Ҳарбий артикуллар 24 та боб, 209 та артикул (модда)дан иборат еди. Унинг бир қанча моддаларига шарҳлар ҳам берилганди. Шуни

таъкидлаш керакки, шархлар қонун қучига ега бўлган ва жуда муҳим масалаларни ўз ичига олганди. Уларда одатда қонуннинг моҳияти ва уни қўллаш тартиби тушунтирилади.

Петр И даврида жазоланадиган хатти-ҳаракатларни белгилаш учун бирин-чи марта «жиноят» тушунчаси пайдо бўлди. Қонунларни бузишгагина емас, балки давлатга зиён етказувчи хатти-ҳаракатларга ҳам, гарчанд қонунда бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида гапирилмаган бўлса-да, жиноят деб қаралган. Давлат еса дворянларнинг манфаатларини ҳимоя қиласарди. Шундай қилиб, дворянлар давлати учун ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланган.

Хатти-ҳаракатларнинг қасдан, еҳтиётсизликдан ва тасодифан содир қили-ниши бир-биридан фарқланган. Фақат қасдан ёки еҳтиётсизликдан содир етилган жиноий хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик келиб чиқарди. Тасодифий хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликка олиб келмасди. Жазо айб даражасига қараб белгиланган. Қасдан содир етилган жиноятлар қаттиқ жазоланган. Еҳти-ётсизликдан содир етилган жиноятларга енгилроқ жазо берилган. Шахсий жавобгарлик принсипи бу вактда тўлиқ даражада ўрнатилмаган еди. Кўпгина жиноятлар учун жиноятчининг фақат ўзи емас, балки унинг мутлақо бегу-ноҳ бўлган яқинлари - хотини ва болалари ҳам жавоб берганлар. Айниқса, давлатга қарши қаратилган жиноятлар бўйича фақат айборларнинг ўзи емас, уларнинг қариндошлари ҳам жазоланаарди. Масалан, Булавин қўзғо-лонини бостиришда ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган аёллар ва болалар ҳам жазоланган: қўзғолон кўтарган ўқчиларнинг бир қисми хотин ва болалари билан бирга умрбод бадарға қилинган еди.

Жиноят ҳуқуқида ўз қилмишига жавоб берга олишлик масаласига еъти-бор берилган. Рухий касаллик ҳолатида жиноят содир етган шахсларга енгил-роқ жазо ва ҳатто жазо қўлланмаслик назарда тутилганди. Аввалги қонунлар одатда маст ҳолатда содир етилган жиноятлар учун енгилроқ жазоларни назарда тутарди. XVIII асрга келиб бу масала бутунлай бошқача ҳал етила-диган бўлди. Алоҳида ҳолларда мастилик ҳолатининг ўзиёқ жиноят деб кўриладиган бўлди. Мастилик ҳолатида жиноят содир етишлик умумий қоида бўйича айни оғирлаштирадиган ҳолат деб еътироф етилди. Жиноий жавобгар-ликка тортиш ёши ҳам аниқ белгиланмай қолди. Ўз ҳаётини ҳимоя қилиш учун зарурий мудофаага йўл қўйилди. Охирги зарурат ҳолатида содир етил-ган жиноятлар ҳам жазоланмаган.

Қатор жиноятлар бўйича жазо нафақат улар содир етилгандан сўнг, балки жиноят қилишга қасд (ният) қилинса ҳам қўлланилган. Баъзи ҳолларда жиноят содир етишга тайёргарлик кўриш учун жазолар назарда тутилган. Петр И қонунлари ҳали жиноятга суиқасд тушунчасини белгиламаган еди, бироқ уларда бошланган, лекин охирига етмай қолган жиноятлар назарда тутилганди.

Гуруҳга уюшган шахслар томонидан содир етилган жиноятлар жуда оғир жиноятлар ҳисобланарди. Бундай шахсларга жуда оғир жазо чоралари қўлланаарди. Жиноят иштирокчилари айб даражасидан қатъи назар, бир хил жазоланаарди. Жиноят ҳақида, айниқса давлатга қарши жиноятлар бўйича хабар бермаслик мустақил жиноят таркибини ташкил етган.

Ҳарбий артикулларда диний жиноятлар биринчи ўринда турган. Бу гуруҳ жиноятлар орасида жодугарлик, «бутпарастлик» енг оғир жиноятлардан ҳисоб-ланараарди. Булар учун ўлим жазоси назарда тутилган еди. Амалиётда жоду-гарлик ҳақидаги ишлар кўп учраб турарди. Худони таҳқирлаш енг оғир жиноятлардан бўлиб, бунинг учун айбор шахснинг тили қиздирилган темир билан куйдирилган ва сўнгра боши кесилган. Черков маросимларига риоя қилмаслик, ибодатга келмаслик, черковга маст ҳолатда келишлик жиноят ҳисобланган. Жумладан, черковга маст ҳолатда келган зобитлар жарима билан, оддий аскарлар - турма қамоғи билан жазоланаарди. Худони таҳқирлаш-га оид жиноят тўғрисида хабар бермаган шахслар шундай жиноят учун жазоланаардилар. Ажралишга ундан йўлдан ургани учун мол-мулкни мусо-дара қилиб, умрбод каторга ишларига маҳкум етиш назарда тутилганди. Православ руҳонийларнинг ажралишга уриниши учун янада оғирроқ жазо - чархпалакка тортиб ўлдириш жазоси белгиланган еди.

Шу тариқа, давлат крепостниклар ҳукуматининг таянчи ҳисобланган черковнинг бирлигини ҳимоя қиласди. «Черков хизмати вақтида гуноҳ-ларига тавба қилмаслик», ахлоқсиз сўзлар айтиш жиноят ҳисобланган ва бунинг учун жарима жазоси назарда тутилган. Ҳарбий артикулларда 1649 йилдаги Қонунномага нисбатан черковга қарши жиноятлар турларининг сони анча кўпайтирилган еди.

Абсолутизмнинг янада мустаҳкамланиши билан давлатга қарши жиноятлар батафсил тартибга солинди. Ҳарбий артикулларда подшони ўлдириш ёки асирга олиш ҳақида ҳатто ўйлаш учун ҳам оғир жазо - тўрт бўлакка бўлиш ва мол-мулкини мусодара қилиш жазоси назарда тутилганди. Қуролли қўзғолон учун ҳам шундай жазо

берилган. Бундай жиноятлар учун уларнинг ёрдамчилари ва қизиқтирувчилари ҳам юқоридагича жазоланган. Подшони, унинг хотини ва меросхўрини сўз билан ҳақорат қилиш оғир жиноят хисобланган. Бунинг учун ўлим жазоси - бошини кесиш назарда тутилган.

Ҳарбий артикулларда «одобдан ташқари барча шубҳали ийғилишлар... (гарчанд, ёмонлик учун бўлмаса ҳам), ...бу орқали Галаён ёки қўзғолон ўйлаб топилиши мумкин» бўлганлиги сабабли ўлим жазоси бериш билан қўрқитиб қатъий тақиқланган еди. Ҳар қандай қўзғолон ва «Галаён» учун дорга осиш жазоси назарда тутилган. Бундай жи-ноятларнинг хавфлилиги ҳисобга олиниб, айборлар жиноят содир етилган жойнинг ўзида жазолангандар. Ҳаммадан кўпроқ давлатга хиёнат учун ўлим жазоси берилган. Юқоридаги жиноятлар тайёрланаётганлиги ёки содир бўлганлиги ҳақида хабар бермаслик ҳам жиноий жавобгарлик келтириб чиқарган. Қўзғолон, давлатга хиёнат, подшога қарши бошқа жи-ноятлар ҳақидаги хабарлар бевосита подшога етказилиши лозим еди. Зимдан хабар беришлар жуда кенг тарқалган еди ва кўпинчаadolatciz, ноҳақ чақувлар оқибатида бегуноҳ кишилар азоб тортарди.

Ҳарбий артикулларда мансабдорлик жиноятлари катта ўрин тутади. Бўй-сунадиган кишиларнинг ўз бошлиқларига сўzsиз итоат этиши буюрилганди. Акс ҳолда, ўлим жазоси берилиши мумкин еди. Тартиб-интизомни ҳар қандай бузиш, ўз мажбуриятларига бепарво муносабатда бўлиш, хизмат бўйи-ча хатога йўл қўйиш қаттиқ жазоланаарди. Соқчилик хизматини бузганлик учун айбор шахсга ўлим жазосигача оғир жазо чораси назарда тутилган. Бошлиғининг буйруғини янгиш ешитган аскар отиб ташланиши мумкин еди. Ҳарбий хизматчилар қуролини унутиб қолдирганлиги, яроқсиз ҳолга келтирганлиги, йўқотганлиги ёки қурол ва мундирини сотганлиги, уларни ёмон сақлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлар. Давлатга босқинчилик юришлари учун, дехқонлар қўзғолонларини бостириб туриш учун итоаткор армия керак еди. Лекин армияда дехқонлар ҳам бор еди. Шу сабабли армияда жуда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилганди.

Мансабдорлик жиноятларидан порахўрлик кенг тарқалганди. Бундай жиноятлар учун тан жазоси, мол-мулкини мусодара қилиш ва ўлим жазоси назарда тутилганди. Бироқ ана шундай қаттиқ жазо чораларига қарамай, давлат аппаратидаги порахўрлик авж олганди. Бундан Фазабланган Петр И бир сафар «мамлакатдаги ҳамма

порахўрларни осиб ўлдираман» деб айтганда, бош прокурор Ягужинский бепарволик билан «арқон етмайди» деб жавоб берган екан.

Жиноятларнинг яна бир тури бошқариш тартибларига қарши жиноятлар еди. Буларга: фармон ва фармойишларни йиртиш ва йўқ қилиш, қалбаки пул-лар ясаш, муҳрларни, ҳаражатлар ведомостини сохталаштириш кабилар киради. Фармон ва фармойишларни йиртиш ва йўқ қилишлик учун оғир тан жазолари, каторга ишларига сургун қилиш ёки ўлим жазоси берилган. Қалбаки пул ясаш билан шуғулланган киши ўтда куйдирилган. Муҳрларни, ҳаражатлар ведомостини сохталаштириш жиноятини содир етган шахс айб даражасига қараб ўлим жазосигача оғир жазолардан бирига маҳкум етиларди.

Судга қарши жиноятларга ёлғон қасам ичиш, ёлғон гувоҳлик бериш кабилар кириб, бунинг учун бармоқларини кесиш жазоси тайинланарди. Ҳарбий устав бўйича мулкий жиноятларга ўғрилик, босқинчилик, ўт қў-йиш, бировнинг мулкини зўрлик билан тортиб олиш ёки бузиш кабилар кирап-ди. Ўт қўювчилар оғир жиноятчилар ҳисобланган. Уларнинг ўзи ҳам ўт-да куйдирилган. Босқинчилар чархпалакка тортиб ўлдирилган. Ҳарбий арти-қуллар черков мулкини алоҳида ҳимоя қиласди. Масалан, черковда ўғрилик қилиш (худобезорилик қилиш) чархпалакка тортиб ўлдириш билан жазоланган.

Ўғрилик учун жазо чораси тайинлашда унинг такроран содир етилган-лиги (ретсидивлиги) ва ўғирланган мулкнинг қиймати ҳисобга олинган. Ўғри ўғирлаган мулк қиймати 20 сўмдан ортиқ бўлса, ёки тўртинчи марта ўғрилик қиласа, ёки сув тошқини ва ёнғин вақтида ўғрилик қиласа, шу-нингдек, давлат муассасаларидан, ўз хўжайинидан, соқчилик хизматини ўтаётган жойидан ўғрилик қиласа уни жиноят содир қилинган жойда судсиз ўлдириш мумкин еди.

Ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар ҳам қонунларнинг асосий диққат марказида турган. Буларга, масалан, ҳайвон билан алоқа қилиш, номусга тегиш, бевафолик кабилар кирган. Фақат ўз қаллиғини номусига тегиш учун жазо берилмаган. Икки хотинлик, яқин қариндошлар ўртасидаги рухсат етилмаган жинсий алоқа жиноят ҳисобланган.

Шахсга қарши жиноятлар орасида шахснинг ҳаётига, тана дахлсизли-гига, шаънига қарши қаратилган жиноятлар ажратиб кўрсатилган. Шахснинг ҳаётига қарши жиноятларга одам ўлдириш

кирган. Ҳарбий артикулларда қасдан одам ўлдириш (бунинг учун жиноятчининг боши кесилган), еҳтиётсизликдан одам ўлдириш (бунинг учун турма қамоғи, пул жаримаси назарда тутилган), тасодифан одам ўлдириш (бунинг учун жазо берилмаган) бир-биридан ажратиб кўрсатилган.

Бирорни ёллаб одам ўлдириш, заҳарлаб ўлдириш, отасини, онасини, ёш боласини, зобитни ўлдириш анча оғир кўринишдаги одам ўлдириш жинояти ҳисобланиб, бундай ҳолларда жиноятчиға оғир жазо - чархпалакка тортиб ўлдириш жазоси берилган. Жиноят ҳақида биринчи марта Ҳарбий арти-кулларда ўзини ўзи ўлдириш учун ва ўзини ўзи ўлдиришга суқасд учун жавобгарлик ўрнатилган. Шунингдек, дуел ҳам тақиқланган. Бундай хатти-ҳаракатлар содир етган шахсларга нисбатан ўлим жазоси назарда тутилган.

Зарурий мудофаа ҳолатида одам ўлдириш учун жазо берилмаган. Уруш-дўппослаш ва тан жароҳати етказишида айбор бўлганлар оғир жа-золанганд. Бундай жиноятлар учун ҳатто қўлини кесиш жазоси берилиши мумкин еди. Оғзаки тухмат учун турмага қамаш жазоси назарда тутил-ган. Ёзма тухмат учун аноним тухмат қилганликда айбланаётган шахсга қандай жазо берилиши мумкин бўлса, тухматчиға шундай жазо қўлланилган. Сўз билан ҳақорат қилган шахс суд олдида ҳақоратланган кишидан кечирим сўраши лозим еди.

Jazo tizimi Жазонинг асосий мақсади қўрқитиш еди.

Кўрқи-тиш йўли билан мамлакатда жиноятчиликни камайти-ришга, дворянлар синфи учун фойдали бўлган тартибни ҳимоя қилишга ҳаракат қилинган. Ўлим жазолари қўрқитиш мақсадларида одатда омма олдида амалга ошириларди.

Жазонинг яна бир мақсади - ўч олиш ҳисобланган. Одам ўлдириш учун - ўлим жазоси, сохта қасам учун - иккита бармоғини кесиш жазоси назарда тутилган еди. Жазонинг муҳим мақсадларидан бири жиноятчиларни жамиятдан ажратиб қўйиш ҳисобланган. Бу даврда сургун ва турмага қамаш, тана аъзоларидан маҳрум қилиш ва тамға босиш жазолари кенг қўлланилган.

Жиноятчиларнинг меҳнатини эксплуататсия қилиш ҳам бу даврда жазонинг мақсади сифатида катта аҳамият касб етади. Уларнинг меҳнатидан Петербургни қуришда, бандаргоҳлар, йўллар, каналлар, қалъалар қуришда, мануфактураларда, конларда кенг фойдаланиларди. Мулкий жазо сифатида унди-риб олинган маблағлар госпиталларни, касалхоналарни ва бошқаларни сақлаб

туриш учун сарфланарди. Агар жиноятчи белгиланган суммани тўлай ол-маса, ишлаб бериши лозим еди. Жиноятчи билан бирга унинг хотини, болалари жазоланаётган вақтда айбизизга айб қўйиш «принсиби» мавжуд еди.

Жазолар қўллашда жиноятчининг қайси табақага мансублиги ҳисобга олинган. Бир хил жиноят учун турли табақага мансуб шахслар турлича жазо-ланардилар. Зобитлар ва оддий аскарлар ҳам бир хил жиноят учун турлича жа-золангандар. Айниқса сиёсий жиноятчиларга нисбатан тенгсизлик яққол кўз-га ташланарди. Юқори табақага мансублик айбни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланарди. Аксинча, қуи табақага мансублик айбни оғирлашти-рувчи ҳолат еди.

Бу даврда жазонинг ўлим жазоси, тан жазоси, шарманда қилувчи жазо-лар (шаъни ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиш), мол-мулкини мусодара қилиш, жарима, сургун, бадарға, черковларда гуноҳларига тавба қилдириш турлари қўлланилган. Ҳарбий артикуллар бўйича 100 дан ортиқ ҳолатларда ўлим жазоси назарда тутилади. Айни вақтда 1649 йилги Собор қонунларида еса факат 35 та ҳолатда ўлим жазоси белгиланган еди.

Ўлим жазоси оддий ва мураккаб шаклларда амалга оширилган. Бошини кесиш, осиш, отиш оддий шаклдаги ўлим жазосига кирган. Тўрт бўлакка бўлиш, чархпалакка тортиб ўлдириш, томоғига еритилган металл қуиши кабилар мураккаб шаклдаги ўлим жазолари ҳисобланган. XVII асрнинг биринчи ярмида тириклайнинг ерга кўмиш жазоси ҳам қўлланилгани маълум. XVII асрнинг бошида темир крестга қовурғасидан осиб қўйиш жазоси ҳам қўлланилган.

Ўлим жазоси давлатга қарши жиноятларга, биринчи навбатда, дехқон-лар қўзғолонларининг раҳбарлари ва иштирокчиларига кенг тадбиқ етиларди. Масалан, Астрахандаги 1706 йилда ўқчилар қўзғолони бостирилгандан ке-йин қўзғолон кўтарганларнинг кўпчилиги (300дан ортиқ киши) қатл етилган еди. 1708 йил июнда еса Булавин қўзғолони бостирилгач, 200 киши қатл етилган, Булавиннинг ўзини тўрт бўлакка бўлиб, боши, қўл ва оёқ-ларини Черкасский шаҳридаги қозикларга осиб қўйилган. 1708 йил августда Есаурова шаҳри олингандан кейин ҳар ўн кишидан бири қатл етилган, 200 дан ортиқ осилган таналар Дон дарёсига ташланган.

Тан жазолари иккига: тана аъзоларини майиб-мажруҳ қилувчи ва тана аъзоларига оғриқ етказувчи турларга бўлинган. Тана аъзоларини майиб-мажруҳ қилувчи жазоларга тилини кесиш ва

қиздирилган темирда күйдириш, қўлларини, бармоқларини, бўғинларини, бурун ва қулоқларини кесиш, тамға босиш, оғриқ етказувчи жазоларга қамчи, калтак, хивчин, таёқ, дарра, арқон билан уриш кабилар кирган. Қамчи билан уриш қўпинча жазоланув-чининг ўлими билан тугаган. Бу шу тариқа никобланган ўлим жазоси сифатида қўлланилган.

Каторга ишларига ва бошқа ишларга сургун қилиш оғир жазо тури бў-либ, шарманда қилувчи жазолар шаклида ва бадном қилиш шаклида амалга оширилган. Шаънидан маҳрум етадиган шарманда қилувчи жазоларга ўли-мидан кейин оёғидан осиб қўйиш, омма олдида тиз чўкиб кечирим сўратиш, исмини ёзиб дорга осиб қўйиш ва бошқалар кирган. Петр И томо-нидан биринчи марта жорий етилган бадном қилиш, номини булғаш жазоси ўзига хос жазо тури ҳисобланиб, бунда жиноятчининг номи (исми) ёзилиб дорга осиб қўйилган ва жаллод унинг бошида қиличсимон найзани синдириб ташлаган ва у ўғри деб еълон қилинган. Бу жазо жиноятчи учун жуда оғир оқибатларга олиб келган: у жамиятдан ва қонундан ташқари деб еълон қилинган, уни судсиз талаш, калтаклаш, жароҳатлаш ва ҳатто кўрикка келма-са, ўлдириш мумкин еди. У лаънатланиб, черковдан четлаштирилган. Унинг учун никоҳга кириш тақиқланган.

Петр И фармонларида сиёсий ўлим жазоси деган жазо ҳам учрайди. Бунда жиноятчи жисмонан ўлимга маҳкум етилмай, мол-мулки мусодара қилинган ва шаънидан ҳамда барча ҳуқуқлардан маҳрум етилган. Мулкий жазолар уч турга: мол-мулкини мусодара қилиш, давлат ва хусусий шахслар фойдасига жарима ҳамда маошидан ушлаб қолишга бўлинган.

**Jinoyat
jarayoni** XVII асрнинг иккинчи ярмида тергов жараёнининг аҳамияти кучайтирилди. 1697 йилги Фармон бўйича фуқаролик ишларини ҳал қилишда ҳам, жиноий ишларни ҳал қилишда ҳам тергов жараёни қўлланиладиган бўлди.

Судда вакилликка йўл қўйилмаган. Бунга фақат баъзи ҳоллардагина (масалан, касал бўлиш ҳолатида) фақат фуқаролик ишлари бўйича рухсат етилган. Лекин бу жиноят ишлари бўйича тақиқланган еди. Даиллар тўрт хил: айбга шахсан иқрор бўлишлиқ; гувоҳларнинг кўрсатмалари; ёзма ҳужжат-лар ва қасамдан иборат еди. Судларда қийноқлардан кенг фойдаланилган. Қийноқлардан асосан жиноий ишлар бўйича, баъзан катта ва муҳим фуқаро-лик

ишлари бўйича ҳам қўлланилган. Гувоҳларга нисбатан ҳам қийнаш усулидан фойдаланиши мумкин еди.

Далиллар текшириб бўлингач, суд хукм чиқаришга киришган. Хукм ёзма равища еълон қилинган. «Қуий» судларнинг ҳукмидан «юқори» судларга шикоят қилиш мумкин еди. Умуман суд жараёнида суднинг роли ҳал қилувчи касб етарди. Жараённинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқсиз мавқега ега бўлган.

Бироқ, фуқаролик ва жиноят ишларининг қидирав жараёнини қўллаш йўли билан кўриб чиқилиши тескари натижа беради. СуПстеъмолликлар ва санса-лорликлар камайиши ўрнига қўпаяди. Барча ишларни кўриб ҳал қилиш учун жуда катта суд аппарати талаб қилинарди. Қидирав жараёнини фуқаролик ишлари бўйича қатъий ва изчил қўллаб бўлмасди. Ҳаёт протсессуал нор-маларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо қилган. Шу мақсадда 1723 йил 5 ноябрда 8 та моддадан иборат «Суд шакли ҳақида»ги фармон чиқарилади. Бунга кўра, суд жараёнининг тортишувчилик шакли қайтадан ўрнатилган. Унда томонларнинг судга бир ҳафта ичida келишлари лозимлиги белгиланган. Аризачи (даъвогар) ўз шикоятларини бандма-банд баён қилиши, жавобгар ҳам ҳар бир банд бўйича жавоб бериши лозим еди.

Судларда ўзбошимчаликлар ҳукм сурган, порахўрликлар, сансалор-ликлар авжига чиққан еди. Суд жараёнлари қўпинча бир неча йилга чўзи-ларди. Баъзан суд тугагунча унинг иштирокчилари ўлиб кетарди.

1775 йилги ислоҳот бўйича ишларни судда кўриб ҳал қилишдан даслабки терговни ажратишга ҳаракат қилинган.

8. Крепостной тузумнинг емирилиши ва капиталистик муносабат-ларнинг ўсиши даврида Россия давлати ва ҳуқуқи (XIX асрнинг биринчи ярми)

Ijtimoiy tuzum XIX асрнинг биринчи ярми Россияда фео-дал тузумнинг емирилиши ва капиталистик муноса-батларнинг келиб чиқиши билан характерланади. Россияда буржуа муноса-батлари жуда секинлик билан ривожланди. Феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда еди, лекин ендиликда феодал крепостнойлик тузумининг инқирози кўзга яққол ташланиб қолган ва капиталистик уклад

мамлакат экономика-сига кириб келганди. Қишлоқ хўжалигида баъзи силжишларга еришилди: ерни қайта ишлашда машиналардан фойдаланила бошланди, уч далали тизим кўп далали тизимга алмаштирилди, қанд лавлаги, пахта екиш кўпайтирилди, ипакчилик ривожлана бошлади.

ХIX асрнинг биринчи ярмида йирик саноат, айниқса тоғ саноати, ме-таллни қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, шунингдек, майда шаҳар саноати, дехқонларнинг хунармандчилиги ҳам ривожланди. Ёлланма ишчи-лар сони кўпайди. Уларнинг сони крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши ара-фасида умумий ишчиларнинг 76,1 фоизини ташкил етарди. Бу ҳолат, шунингдек, машиналарнинг кенг қўлланилиши ва мануфактураларнинг фабрикаларга айланиши ХIX асрнинг 30-40 йилларида Россияда саноат тўнтаришини бошлади.

Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ва феодал крепостнойлик тузумининг инқизози мамлакатда табақалар ўртасидаги курашнинг кескинла-шувига олиб келди. Жумладан, 1825 йилдаги декабристлар қўзғолони бунинг исботи еди. Буларнинг ҳаммаси подшо ҳукуматини саросимага солиб қўйди ва уни баъзи ислоҳотлар ўтказишга мажбур қилди. Масалан, савдогарлар ва фабрикантларга қатор имтиёзлар берилди, тижорат банки ва коммерсия министрлиги таъсис етилди, «еркин Ғаллакорлик ҳақида» фармон чиқарилди. Шулар билан бирга мамлакатдаги дехқонлар ҳаракати шафқатсиз бостирилди, мавжуд тузумдан ҳар қандай норозиликлар қаттиқ таъқиб қилинди.

Павел И (1796-1801 йиллар) самодержавияни кучайтириш мақсадида 1785 йилги «Дворянларга инъом ёрлиғи»ни бекор қилди. Дворянлар учун тан жазолари бериш қайта тикланди, уларнинг коллектив петитсиялар бериш ва бевосита подшога шикоят қилиш ҳуқуқи бекор қилинди, губерна дворянлари йиғинларини ташкил қилиш тақиқланди, дворянларнинг маъмурий ва суд органлари фаолиятидаги иштироки ва бошқалар тақиқланди.

Булардан қаттиқ норози бўлган сарой зодагонлари подшо Павел И га суиқасд уюштириб, уни ўз ўғли Александр иштироқида кечаси бўғиб ўл-дирдилар. Тахтни мерос қилиб олган Александр И дворянларга нисбатан бар-ча чеклашларни бекор қилди. У «Дворянларга инъом ёрлиғи»ни тиклади. Лекин Николай И Россияга франсуз буржуа инқилоби Ғояларининг кириб келишидан чўчиб, яна дворянларнинг ҳуқуқларини бир оз қирқиб қўйди. Масалан, ёш

дворянларнинг чет елларга бориши тақиқланди. Бунга рухсат олганлар еса Россиядан ташқаридан уч йилдан ортиқ яшамаслиги керак еди.

Николай И бош губернаторларга дворянларни кузатиш бўйича катта ваколатлар берди, маҳаллий бошқарувда дворянларнинг ролини анча чеклади. Лекин Николай И дворянларга баъзи янги ҳуқуқ ва имтиёзлар берди. Масалан, 1827 йилда дворянлар савдогарлар билан тенг равищда савдо қилиш ҳуқуқини олдилар, улар шаҳарларда ҳам фабрика ва заводларга еғалик қилиш ҳуқуқига ега бўлдилар.

1848 йилдан бошлаб крепостной деҳқонлардан ташқари бошқа таба-қалар ҳам ерга еғалик қилиш ҳуқуқини олдилар. Бу буржуа муносабатлари-нинг ривожланиши натижасида бўлган еди. Бошқа табақаларнинг дворянлик-ка кириб келиши жуда қийин еди. 1845 йилги фармонга кўра, бирор киши наслий дворянин бўлиши учун фуқаролик хизмати бўйича 5-даражали мартабани, яъни статский советникни, ҳарбий хизмат бўйича 8-даражали мартабани (яъни маёрликни) олиши керак еди.

Кейинчалик, 1856 йилги фармон бўйича, фақат ҳарбий хизматда пол-ковник мартабасигача (6-даражада) ёки фуқаролик хизматида ҳақиқий стат-ский советнигигача (4-даражада) хизмат қўрсатганлар наслий дворян бў-лишлари мумкин еди. Дворян бўлмаган шахс фуқаролик хизматида 9-дара-жали мартаба (титулли маслаҳатчи)ни, ҳарбий хизматда еса 14-даражали марта-бани олса, шахсий дворянин бўлиб қоларди. Дворян бўлмаган табақа-ларнинг вакиллари фуқаролик хизматида 14-даражадан бошлаб то 10-даражагача фахрий гражданин унвонини олардилар.

Бу даврда руҳонийлар бошқа табақага ўтиш ва шу муносабат билан машғулотларининг турини алмаштириш ҳуқуқини олдилар. Руҳонийларнинг ва деҳқонларнинг болалари руҳонийлар табақасидан чиқсалар, наслий фахрий граж-данин унвонини олганлар. XIX асрнинг И ярмида деҳқонлар икки гурӯхга: крепостной ва подшоликка қарашли деҳқонларга, подшоликка қарашли деҳқонлар давлат ва удел деҳқонларига бўлинди.

Мамлакатда ривожланаётган буржуа муносабатларига хўжаликнинг крепостнойлик тизимини мослаштириш мақсадида чор ҳукумати турли йўллар излай бошлади. Шу мақсадда **1803 йилда «Еркин Ғаллакорлар» ҳақида фармон** еълон қилинди. Мазкур фармонга биноан, помешчикларга ўз хоҳишлирага кўра, тегишли битим тузиб, ер ҳақини тўлаш шарти билан деҳ-қонларни ер билан бирга озод қилишга ижозат берилди. Бундай битимларни подшо

тасдиқларди. Помешчикларнинг дехқонларни еркин Ғаллакорлар ҳақидаги фармонда санаб ўтилган асослардан ташқари бошқа асосларда дехқонларни озод қилиши тақиқланди. Помешчиклар озод етган дехқонлар алоҳида «еркин Ғаллакорлар» табақасини ташкил қилдилар. Фармонга кўра, ҳаммаси бўлиб бор-йўғи 47 мингдан салгина ортиқ крепостной дехқон «еркин Ғаллакор»ларга айланди, бу еса бутун крепостной аҳолининг ярим фоизидан ҳам камроғини ташкил қиласди.

1816-1819 йилларда Болтиқ бўйидаги дехқонларнинг доимий Галаёнлари натижасида дехқонлар крепостной қарамлиқдан озод қилинсалар ҳам ер олмадилар. **1842 йилда «Мажбуриятли дехқонлар»** ҳақида фармон чиқарилиб, унда помешчиклар дехқонларни: ер бермай ёки маълум миқдорда ер бериб пул оброки тўлаш шарти билан, помешчик ерларини ишлаб бериш шарти билан ва бошқа шартлар билан озод қилиш ҳуқуқини олдилар. Бундай шартлар билан шахсий озодлик олган дехқонлар мажбуриятли дехқонлар деб атала бошланди.

ХІХ асрнинг И ярмида шаҳар аҳолиси беш гурухга: фахрий фуқаролар, савдогарлар, сех мастерлари, мешчанлар-майдада мулқдорлар ва ёлланма ишчиларга бўлинди. Фахрий фуқаролар наслий ва шахсий фахрий фуқароларга бўлинди. Наслий фахрий фуқаролик унвони йирик буржуазия ва савдогарларга, шахсий дворянларнинг болаларига, руҳонийлар ва дворянларга, шунингдек, рассомларга, агрономларга, императорлик театри артистларига ва бошқа-ларга берилди. Шахсий фахрий гражданлик унвонини наслий ва фахрий фуқаролар томонидан ўғил қилиб олинганлар, шунингдек, техника ўқув юртларини тугатганлар, ўқитувчиликни тугатганлар ва ҳудудий театрларнинг артистлари (10 йиллик стаж билан) олдилар.

Фахрий фуқаролар қатор ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаландилар: шахсий мажбуриятлардан, тан жазоларидан ва бошқалардан озод қилиндилар. ХІХ асрда кўтара савдо билан шуғулланувчи 1-гилдиядаги савдогарлар ва чакана савдо билан шуғулланувчи 2-гилдиядаги савдогарлар мавжуд еди.

Davlat tuzumi

ХІХ асрнинг биринчи ярмида Россияда феодал тузум сақланиб қолди.

Император ҳокимияти чекланмаган еди. **Павел I 1797 йилда** таҳтни катта ўғилга мерос бўлиб ўтиши тартибини қайта тиклади. Бу даврда дворянлар буржуазия билан келишиб ҳокимиятни

юритишга мажбур бўлди-лар. Марказий давлат муассасалари олий ва бўйсунувчи бошқарув орган-ларига бўлинди.

Олий бошқарув органларига подшонинг ўзи раҳбарлик қиласади. Бўй-сунувчи бошқарув органлари маҳсус мансабдор шахслар қўлида бўлган ва улар подшо номидан ҳаракат қилиб унинг топширикларини бажаарди. Бош-қарувнинг бундай бўлинишини Сперанский киритган еди. Олий бошқарув ор-ганига аввало 1810 йилда Сперанский ташаббуси билан ташкил етилган **Дав-лат кенгаши** кирди. Давлат кенгаши императорнинг маслаҳатчи органи бў-либ, подшо томонидан тайинланувчи олий давлат чиновникларидан ташкил етилди. Министрлар ҳам унинг таркибиға кирди. Давлат кенгашининг раиси подшо ёки унинг томонидан тайинланувчи кенгаш аъзоларидан бири бўлди.

Давлат кенгаши қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уруш ва тинчлик, алоҳида жойларга фавқулодда ҳолат жорий қилиш ишларини, бюджет, барча министрлик ва идораларнинг ҳисоботларини олиш, баъзи суд ва бошқа ишларни ҳал етарди. Бироқ, Давлат кенгашининг қарорлари маслаҳатчи орган сифатида ҳеч қандай кучга ега емасди. Подшо уларни маъқуллаши ёки рад етиши мумкин еди.

Империянинг иккинчи олий бошқарув органи - **Министрлар комитети** еди. У 1802 йилда барча министрлар ва бошқа марказий идораларнинг раҳ-барларидан иборат таркибда тузилди. У олий маъмурий муассаса сифатида давлат аппаратининг фаолияти устидан назоратни амалга оширган, қонунларни шарҳ-лаган, бир неча идоралар манфаатларига тегишли ишларни кўриб ҳал қилган.

Министрлар комитети ҳам подшонинг маслаҳатчи органи ҳисобланган. Унинг асосий қарорлари фақат подшонинг тасдиғидан кейингина кучга киради. Министрлар комитетининг раиси подшонинг ўзига ёки унинг топ-шириғи билан аъзоларидан бирига юклатиларди.

Подшо девонхонаси - олий бошқарувнинг учинчи органи ҳисобланган. У XVIII аср охирида келиб чиқсан. Николай И подшолиги даврида унинг роли жуда ошиб кетди. Девонхона тўртта доимий ва вақтинчалик бўлин-маларга бўлинди.

Биринчи бўлинма подшонинг шахсий топширикларини бажариб, унинг номига тушган қоғозларни тақдим етар, улар бўйича подшо қарорларини еълон қиласади, чиновникларнинг шахсий таркибини юритарди.

Иккинчи бўлинма қонунларни кодификатсияси билан шу Гулланарди.

Учинчи бўлинма маҳфий политсия ва жандармерияга раҳбарлик қиласарди. У катта аҳамиятга ега еди. Унда инқилобий ҳаракат билан кура-шувчи ҳамма воситалар мавжуд еди.

Тўрттинчи бўлинма муҳтоҷларга ёрдам берувчи муассасаларни юритарди.

Сарой ва уделлар министрилиги тўрттинчи олий бошқарув органи бўлиб, подшо ва подшо хонадони аъзоларига хизмат қилган. Бўйсунувчи бош-қарув органига Сенат, Синод, ҳайъатлар, министриклар кирган.

Сенат XVIII асрнинг II ярмида олий маъмурий органдан олий суд муассасасига айланди. XIX асрнинг бошида Сенатни яна олий маъмурий муассасага айлантиришга ҳаракат қилинди. Шу муносабат билан Сенатга барча олий бошқарув ва суд органлари бўйсундирилди. Унинг ваколатлари фақат подшо томонидан чекланарди. 1802 йилда министриклар ташкил етилиши билан Сенат министрлар фаолияти устидан назорат қилиш ҳукуқини олди. Тез орада Сенат яна фақат олий суд органи бўлиб қолди. Александр И нинг фикрича, Сенатнинг чекланмаган олий маъмурий ҳокимияти император ҳокимиятига зид келади.

Синод XIX асрнинг биринчи ярмида унча катта рол ўйнамади. 1802 йилда **министрликлар** тузилди. Ҳайъатлар аста-секин тугатилди. Ишлар улар томо-нидан коллегиал ҳал қилинган бўлса, министрикларда якка министр томони-дан ҳал қилинарди. Министрлар катта ваколатларга ега бўлиб, бевосита под-шога бўйсунардилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида Екатерина II томонидан ташкил етилган **маҳаллий бошқарув органлари** амалда еди. Финландия, Болтиқ бўйи, Сибир, Петербург ва Москвада маҳаллий бошқарув тепасида бош-губернаторлар турган. Бош-губернаторлик таркибида бир неча губерналар кирган. Губернаторлар ички ишлар министрилигига бўйсунган. Баъзи губерналарда фуқаролик губернаторлари ўрнига ҳарбий губернаторлар тайинланди. Баъзан ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий губернаторлар бўлди.

Ҳар бир губерна губерна бошқармасига ега еди. Унинг таркибида раис сифатида губернатор, витсе-губернатор, маслаҳатчилар ва асессорлар киради. Губерна бошқармаси ишларни коллегиал юритиши керак еди. Лекин у фақат губернатор қошидаги

маслаҳатчи орган ролини ўйнарди, холос. Губерна бошқармаси қошида девонхона мавжуд еди.

Губерналарда маҳаллий молия бошқарув органи тўловлар, солиқларни бошқарувчи губерна муассасаси - губерна хазина палатаси вужудга келди. Губерналарда чегараларни белгиловчи идора, жамоат таъминоти маҳкамаси, тиббий маҳкама, рекрут комитети мавжуд еди.

Губерналар уездларга бўлинган. Уездларнинг тепасида қуий зем-ский судлари турган. Земский суд сайланувчи шахслардан ташкил топган. Земский суд асосан политсиячилик функциясини бажаарди. Уездлар волостларга бўлинган. Волостларда волост бошқармалари бўлиб, улар волост бошлиғи, оқсоқоллари (маслаҳатчилари) ва котибларидан иборат таркибда еди. Шаҳарлар шаҳар ҳокимлари ва черковлар маҳкамаси томонидан бош-қариларди.

Политсия ва жандармерия. Политсияни идора етиш учун политсия министрлиги ташкил етилди. Петербург ва Москвада политсиянинг тепасида политмейстрлар туради. Губерна шаҳарларининг айrim қисмлари (мавзелари) хусусий приставлар томонидан юритиларди. Мавзе кварталларга бўлинганди. Уларга квартал назоратчилари ёки комиссарлар бошчилик қиласиди.

Уезд шаҳарлари политсиясига шаҳар ҳокими бошчилик қиласиди. Уезд шаҳарлари ҳам мавзе ва кварталларга бўлинганди. Ҳар бир уездда уезд политсия бошқармаси ёки земский суд ташкил етилиб, унинг тепа-сида уезд капитан-исправниги (уезд политсия бошлиғи) туради. 1837 йилда уездлар майда политсия бирликлари - станларга бўлиниб, уларга приставлар раҳбарлик қиласиди.

ХИХ асрнинг бошида Россия жандармерия қисмлари тузилди. Улар 1826 йилда алоҳида жандармлар корпусига бириктирилди. У 8 та жандармерия округига бўлинган. Округлар бўлимларга ажратилиб, ҳар бир бўлим бир ёки иккита губернани бирлаштиради.

Ҳарбий тузуми. Армияга кетадиган катта ҳаражатларни камайтириш мақсадида 1816 йилда Россияда ҳарбий манзилгоҳлар тузила бошланди. Давлат деҳқонлари уларда деҳқон хўжалигини юритарди. Ҳарбий манзилгоҳлар ХИХ асрнинг ўрталарида тутатилади.

Суд органлари. Чор Россиясида Сенат олий инстанциядаги суд еди. 1802 йилда олий суд бошқарув функциясини бажариш учун Адлия министрлиги тузилди. ХИХ асрнинг биринчи ярмида ески табақа суд органлари, яъни Екатерина II томонидан ташкил етилган

дворянлар учун - юқори земский судлар, давлат дәхқонлари учун юқори ва қуи жазолаш органлари ва мешчанлар учун - губерна магистратлари тугатилди.

Губерналарда судлов палаталари ва фуқаролик судлов палаталари ҳаракатда бўлди. Улар барча табақаларнинг ишларини кўрардилар. Палаталар уезд ва шаҳар судларида кўрилган ишлар учун апелляцион инстансия бўлган, шунингдек, дворянлар томонидан содир қилинган мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ўт қўйиш ҳақидаги ва бошқа ишлар бўйича биринчи инстансияли суд ҳисобланган. Фуқаролик суд палаталари турли губерналарда ҳаракатсиз мулклар ҳақидаги ишларни, шаҳар мулкчилиги ҳақидаги низоларни ва бошқаларни кўрардилар.

Ҳар бир губернада вояга етмаганлар ва ақли заифлар томонидан со-дир қилинган жиноятларни кўрувчи диёнат судлари мавжуд еди. Бу судларда фуқаролик ишлари ҳам, жумладан қариндош-урӯғлар орасидаги мулкий низо-лар ҳам ҳал қилинарди. Диёнат судлари ўз олдига томонларни яраштиришни мақсад қилиб қўйган еди. Диёнат судининг қароридан норози томон одат-даги судга мурожаат қилиши мумкин еди.

Петрбург, Москва, Архангелск ва Вилнюсда дворянларнинг провин-сиал судлари бўлиб, улар дворян бўлмаган интеллигентларнинг, чиновниклар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмдан ташқаридаги ишларини кўради.

Уездларда қуи судлар табақа уезд судлари (дворянлар ва давлат дәхқонлари иши бўйича), шаҳарларда еса, шаҳар магистратлари ва шаҳар бошқармалари (савдогарлар ва мешчанлар иши бўйича) мавжуд еди.

Юқоридагилар билан бир қаторда маҳсус: ҳарбий, денгиз, диний, дех-қонлар волостлиги, ўрмон, тоғ ва бошқа судлар ҳам иш кўради. Шундай қилиб, Россияда XIX асрнинг биринчи ярмида ягона суд тизими бўлма-ган. Судлар ўз характери бўйича тоифавий еди. Ҳар бир тоифа учун ўзининг маҳсус судлари мавжуд еди.

Суд функцияларини фақат судларгина емас, балки маҳаллий маъмурият вакиллари ва политсиячилар ҳам бажаарди. Суд подшо маъмуриятига бўй-сунарди. Маҳаллий бошқарув органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан губерна прокурорлари назорат қиласарди. Уездларда про-курорлик назорати функцияларини уезд хўжалиги ишлари билан шуғул-ланувчи ходимлар бажаарди.

Россияга қўшиб олинган Финландия, Полша, Грузия, Озарбайжон, Арманистон каби ўлкаларда бошқаришнинг ўзига хослиги шундан иборат едики, у ерларда одатда, бошқарувнинг ҳарбий ва фуқаролик функциялари қўшилиб кетганди. Бу ҳудудларда қаттиқ ҳарбий политсия режими ўрнатилганди.

Миллий ўлкаларни бошқариш учун ноиблик, бошгубернаторлик, ви-лоятлар, округлар ва бошқалар ташкил етилди. Миллий ўлкалардаги бошқарув органлари катта ваколатларга ега бўлди. Бу ерларда маҳаллий бошқарувга маҳаллий феодаллар ва уруғ зодагонлари жалб қилинган, чунки буни мустамлака халқларни бўйсундириб туриш зарурияти талаб қиласади.

Маълумки, 1809 йилда **Финландия Буюк князлиги** Россияга қўшиб олинди. Чор ҳукумати Финландияга унинг илгариги конститутсиясини тасдиқлаб, баъзи автономия ҳуқуқини берди. Россия императори бир вақт-нинг ўзида Финландия буюк князи ҳам еди. У ижроия ва суд ҳокимия-тига ега еди, қонунларни тасдиқларди. Финландиянинг қонун чиқарувчи ор-гани Сейм еди. Ҳар бир қонун унинг розилиги билан чиқариларди ёки бекор қилинарди.

Сейм Финландияни бошқариш учун 1809 йилда Финландия Буюк кенгашининг ҳукумат кенгашини сайлаган бўлса ҳам, амалда бошқарув подшо томонидан тайинланувчи Бош-губернатор қўлида еди. 1816 йилда ҳукумат кенгashi Финландия императорлигининг Сенати деб қайта номлан-ди. Унинг бошида Бош-губернатор туради. Сенат маъмурий ва суд ишлари-ни юритарди.

Финландия 8 та губернага бўлинган бўлиб, уларнинг тепасида губернаторлар турагар, улар бош губернаторга бўйсунарди. Чор ҳукумати вақт ўтиши билан Финландиянинг автономия ҳуқуқини ҳар томондан чекла-ганди. Финландияни бошқаришда подшо ҳузуридаги Финландия ишлари бўйича статс-секретар катта аҳамиятга ега бўлиб борди. У сенат ёки подшонинг тасдиғига тушган барча ишлар ҳакида подшога доклад қиласади.

Вена конгрессининг қарори билан 1815 йилда Варшава герсоглигининг катта қисми **Полша подшолиги** номи билан Россияга ўтди. Полшага Александр И автономия ҳуқуқини берди. Полша подшолиги конститутсия асосида бошқариларди. Ушбу конститутсия бўйича Россия императори бир вақтнинг ўзида Полшанинг ҳам қироли ҳисобланган. Подшо Полшани бошқариш учун ўз ноибини тайинларди. Бу ерда ҳам қонун чиқарувчи орган

Сейм бўлган. Сейм икки палата: Сенат ва Елчилар маҳкамасидан иборат еди.

Полша подшолигининг ноиби ҳузурида маъмурий функцияларни юритувчи Давлат кенгаши турарди. Ноибга ҳарбий, ички ишлар, адлия, молия, маориф, диний ишлар министрликлари ҳам бўйсунардилар. Полша подшолигига ўз армиясига ега бўлиш ҳуқуқи берилганди. Полша саккизта воеводликка, улар еса поветларга, поветлар гминларга бўлинганди.

1830-1831 йиллардаги Полшада бўлиб ўтган ҳаракат бостирилгандан кейин бошқарувда ислоҳот ўтказилди. Сейм ва Давлат кенгаши йўқ қилинди. Министрликлар комиссиялар билан алмаштирилди. Полша армияси тугатилди. Полша ҳудудига ноибга бўйсунувчи рус қўшинлари жойлаштирилди. Кейинчалик воеводликлар губерналар деб, поветлар уездлар деб қайта номланди.

Грузия, Шимолий Озарбайжон ва Арманистонда бошқариш дастлаб турлича еди. Кейинчалик бутун Кавказ халқларини бошқариш учун чор ҳукумати ўз ноибини тайинлади. У Кавказнинг олий ҳукмдори сифатида маъмурий, суд ва ҳарбий ҳокимият соҳасида катта ваколатларга ега еди.

Нишуqning rivojlanishi Бу даврда Россияда ҳуқуқнинг турли соҳаларида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди.

Шу давр-гача 1649 йилги қонунномадан бошқа кодекс йўқ еди. Қонуннома қабул қилингандан XIX асргача чиқарилган қонунлар кодификатсия қилинмаганди. Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар империя қонунларини тизимга солишни талаб етди. Шу сабабли 1804 йилда машҳур рус юристи Сперанский раҳбарлигига кодификатсия комиссияси тузилди. Бу комиссия дастлаб фуқаролик, жиноят қонуннома-ларини ишлаб чиқди, лекин улардан ҳеч бири қабул қилинмади.

1826 йилдан бошлаб комиссия империя қонунларини кодификатсия қилишга киришди. 1830 йилда **Россия империяси қонунларининг тўла тўплами** чиқарилди. У 46 томдан иборат еди. Тўпламга 1649 йилги қонунномадан бошлаб ундан кейин чиқарилган қонунларнинг деярли ҳаммаси киритилди.

1830 йилда Россия империяси қонунларининг тўпламини тузишга киришилди ва 1832 йилда Россия империяси қонунлари тўплами чиқарилди. Бу 15 томдан иборат еди. Қонунлар тўпламига фақат ҳаракатдаги қонунлар киритилди. Ҳар бир томга қонунлар

соҳалар бўйича жойлаштирилди. Ушбу 15 томли қонунлар тўплами 1835 йил 1 январдан кучга кирди.

Бу даврда 1845 йилда «Жиноят ва ахлоқ тузатиш жазолари ҳақидаги Қонуннома» қабул қилиниб, 1846 йил 1 майда кучга киритилди. Империя қонунлари тўпламининг ўнинчи томида **фуқаролик ҳуқуқи** институтларидан егалик қилиш, мулк ҳуқуқи, бирорнинг мулкига егалик қилиш ҳуқуқи, ваколат ҳуқуқи кабилар алоҳида тартибга солинди.

Қонун егалик қилишни мулк ҳуқуқидан ажратди ва егаликни дахлсиз деб белгилади. Империя қонунларига кўра, егалик иккига: қонуний егалик ва *Fайриқонуний егаликка* бўлинди. Қонуний егалик турли воситалар билан ҳимоя қилинди. Бошқа давлатларнинг фуқароларига, бошқа миллатдошларга, православ бўлмаганларга, аёлларга, дехқонлар ва шаҳарликларга мулкка егалик қилишда қатор чеклашлар ўрнатилди.

Биринчи марта империя қонунларида мулк ҳуқуқига тўла таъриф берил-ган еди. 420-моддада мулк ҳуқуқи деганда фуқаролик қонунлари томони-дан белгиланган усулда, ҳеч қандай шахснинг аралашувисиз амалга ошириладиган абадий ва наслдан-наслга ўтувчи тасарруф етиш, фойдаланиш ва мулк устидан буйруқ бериш ваколатлари тушунилди, деб кўрсатилган.

Қонунлар тўпламида шартномалардан келиб чиқадиган ва бирорга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бирбиридан ажратиб берил-ди. Қонунлар тўпламида шартномаларни тузиш шартлари, шакллари ва уларни бекор қилиш усуллари ҳам аниқ белгиланди. Қонунлар йиғиндиси шартнома-ларнинг: айирбошлиш, олди-сотди, олди-сотди қилиш ҳақида шартнома тузиш, мулк ижараси, пудрат, етказиб бериш, қарз, ширкат, суғурта, шахсий ижара, ваколат шартномалари сингари турларини кўрсатди.

Қонунлар тўпламига кўра, фақат черковда тузилган никоҳ қонуний ҳисобланган. Никоҳ ёши еркаклар учун - 18 ёш, аёллар учун - 16 ёш қилиб белгиланди. Бошқа диндагилар билан никоҳга кириш мумкин емасди. Ажралиш шартлари илгаригидек сақланиб қолди. Ер хотиннинг мулкий муносабатлари қуидагича белгиланди: никоҳгача бўлган ер хотиннинг мулки уларнинг ўзларида сақланиб қолди, ворислик ҳуқуқи асосида ёки шарт-номалар бўйича келадиган мулклар ҳам ернинг ёки хотиннинг ўз хусусий мулки ҳисобланди, ер билан хотиннинг ўзаро турли шартномалар тузишига йўл қўйилди.

Черковда қайд етилмаган никоҳдан бўлган болалар қонунсиз деб ҳисобланиб, ҳамма мулкий хукуқлардан маҳрум етилди. Оилада отанинг хукмронлиги белгиланди. Мерос хукуқи соҳасида қонуний ва васият бўйи-ча ворислик сақланиб қолди. Ақлдан озган ва ўзини-ўзи ўлдирғанларнинг васияти ҳақиқий емас деб топилди. Васиятномани уч киши гувоҳлигига тузиш ва уни нотариал гувоҳлантириш белгиланди. Лекин ҳарбий шароитларда, чет ел меҳмонхоналарида тузилган васиятномалар қайси шаклда тузилга-нига қарамай қонуний деб ҳисобланди. Қонуний ворислар: ўғиллар ва нева-ралар, улар бўлмаса қизлар ва қиз неваралар, улар ҳам бўлмаса, ака-укалар ва жиянлар, улар ҳам бўлмаса, опа-сингиллар ва уларнинг наслларига ўтиши тартибида бўлди. Улар ҳам бўлмаса ота-оналар таклиф қилинарди.

Агар 10 йил ичида меросхўр топилмаса, мулк вориссиз деб ҳисобла-ниб, у давлатга ёки, агар ўлган дворянин бўлса, губерна дворянларига ўтадиган бўлди.

Жиноят ҳуқуқи. Қонунлар тўплами биринчи китобининг XV томи жиноят ҳуқуқи нормаларига бағишиланди. Китоб 11 та бўлимдан иборат бўлиб, бўлимлар, бобларга, боблар моддаларга ажратилган еди. Унда ҳам-маси бўлиб 765 та модда мавжуд. Ушбу китобда жиноят ҳуқуқининг умумий ва маҳсус қисмлари биринчи марта ажратиб берилди.

Қонунлар тўпламиининг XV томи рус жиноят ҳуқуқининг ривожланишида ва тизимлаштирилишида муҳим ўрин тутган. Бироқ шунга қарамай, унда кўпгина бир-бирига тўғри келмайдиган ва қарама-қарши нормалар мавжуд еди. Шунинг учун жиноят ҳуқуқининг янгидан кодификатсия қилиш ишлари бошланган. Бунга раҳбарлик қилиш М.М.Сперанскийга топширилган еди. Лекин янги жиноят кодексини тайёрлаш бўйича ишлар унинг ўлимидан кейин ниҳоясига етказилди.

Маҳсус комиссия томонидан тайёрланган Жиноят кодексининг ян-ги лойиҳаси Давлат кенгашига тақдим етилди. Давлат кенгаши уни кўриб чиқиб маъқуллади. Шундан сўнг лойиҳа 1845 йилда император томонидан тасдиқланди ва 1846 йилдан кучга киритилди. Янги кодекс «Жиноий ва ахлоқ тузатиш жазолари ҳақидаги қонуннома» деган ном олди. Қонуннома бўл-имларга, бўлимлар - бобларга, боблар еса моддаларга бўлинган еди. Баъзи боблар алоҳида қисмларга ҳам ажратилганди. У жами 2224 та моддадан ибо-рат еди.

Бу еса 1832 йилги қонунларнинг моддалариға нисбатан уч баравар кўп деганидир.

Қонуннома умумий қисмга оид нормаларни белгилашдан бошлана-ди. Жиноят тушунчаси Қонунлар тўпламидан олинган бўлиб, анча кенг-роқ таърифланди. Қонунномада «жиноят» ва «ножўя хатти-ҳаракат» (айб, хато) тушунчалари ўртасидаги аниқ фарқлар кўрсатилмаган. Унинг 4-мод-дасида шундай дейилади: «Аввало жиноят ёки ахлоқ тузатиш жазолари буюрилган қонунга хилоф хатти-ҳаракат жиноят ёки айб деб еътироф етила-ди». Жавобгарликка тортиш муддати фақат жиноятлар учун белгиланди. Ко-нунномада айб шакллари, жиноятни содир етиш босқичлари, иштирокчилик турлари, айбни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи, жиноий жавобгарликни бекор қилувчи ҳолатлар ўрнатилди. Жиноий жавобгарлик 7 ёшдан келиб чи-қиши мумкин еди. Қонунни билмаслик жазодан озод қилмасди. Қонуннома Россиянинг барча фуқаролари учун мажбурий еди. Ундан руҳонийлар суди ва ҳарбий судлар судловлигига тааллукли ишлар ажратилди. Дипломатик иммунитетга ега бўлмаган чет ел фуқаролари ҳам Россия давлатида содир қилган жиноятлари учун Қонунномага асосан суд қилинди.

Қонуннома бўйича жиноятлар тизими анча мураккаб еди. Енг аввало анъанавий тарзда динга қарши жиноятлар ҳақидаги нормалар белгиланганди. Давлатга қарши қаратилган жиноятларга кўпроқ ўрин ажратилганди. Бунда императорни ағдариб ташлашга суиқасд қилиш, киришиш ва ҳатто бу ҳақда ўйлаш учун оғир жазо - барча ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва ўлимга маҳкум етиш белгиланди. «Исёнга қўзғаш» мақсадида ёзма ва нашр қилинган асарларни тузиш ва тарқатиш учун барча ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва 8 йилдан 10 йилгача муддатга каторга ишларига сургун қилиш жазоси назарда тутилди. Бунда тан жазоларидан озод қилинмаган шахсларга қўшимча 50 тадан 60 тагача қамчи билан уриш ва тамға босиш тайинланарди.

Қонунномада бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятларга, мансабдорлик жиноятларига маҳсус бўлимлар бағишиланган еди. Унда янги моддалар ва ҳатто «Фабрика ва завод кишиларининг бўйсунмаслиги ҳақида»ги маҳсус қисм пайдо бўлди. Айниқса, ишчиларининг уюшган тарздаги норозилик чиқишилари қаттиқ жазоланарди. Фабрика ва завод кишиларининг фабрика ёки завод егаларига ёки бошқарувчиларига очиқдан-очиқ бўйсунмаслиги ҳокимиятга қарши қўзғолон сифатида кўрсатилиб, бунинг учун ўлим

жазоси белгиланган еди. Иш ташлашда қатнашғанларга ҳам жазолар назарда тутилғанды. Бунда иш ташлашни «бошлаб берғанлар»га уч ҳафтадан уч ойгача, «бошқалар»га еса етти кундан уч ҳафтагача қамоқ жазоси бериларди.

Қонунноманинг «Мол-мулклар ҳақидаги қонунларга қарши жиноятлар ва хатти-харакатлар тұғырысыда»ғи бўлимида жамиятнинг табақавий бўли-ниши қўриқланиб ва мустаҳкамланиб, табақавий ҳуқук ва имтиёзларни хи-моя қилиш назарда тутилади. Қонунномага асосан ҳар кимнинг муайян табақага мансублигини яширганлиги учун жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Бунда айбдор шахслар барча мулкий ҳуқуқлардан маҳрум қилин-иб, Сибирга сургун қилинарди, агар тан жазоларидан озод қилинмаган бўса, қўшимча тарзда 10 тадан 20 тагача қамчи билан уриларди. Мазкур бўлимида «Крепостной кишиларнинг ўз хўжайнларига қарши жиноятлари ҳақида» маҳсус қисм мавжуд еди. Крепостной дехқонларнинг ўз хўжайнларига қарши бош кўтариб чиқишлари ҳукуматга қарши қўзғолонга тенглаштирилди. Қандай тарзда бўлмасин, помешчикка бўйсунмаган крепостной дехқонлар хивич билан 20 тадан 50 тагача, ўз помешчиклари устидан шикоят қилган крепостной дехқонлар хивич билан 50 тагача саваланардилар. Дехқон ўз егасининг рухсатисиз бошқа хўжайнинга ёки «бошқа ҳолатга» ўтса, 30 тадан 60 тагача саваланиши мумкин еди.

Қонунноманинг маҳсус бўлимида шахс ҳаёти, соғлиги, еркинлиги ва шаънига қарши жиноятларга тааллуқли нормалар белгиланган еди. Қасддан одам ўлдирғанлик учун барча мулкий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва умрбод ёки узоқ муддатга каторга ишларига сургун қилиш жазоси тайинланарди.

Қонунноманинг катта бўлими мулкка қарши жиноятларга бағишилан-ган еди. Бироннинг кўчмас мулкини (ер, уй ва бошқаларни) зўрлик йўли билан егаллаб олишлик учун барча мулкий ҳуқуқлардан муҳрум қилиш ва Сибирга сургун қилиш жазоси бериларди. Бироннинг турар-жой биносига қасддан ўт қўювчилар ҳам барча мулкий ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, 8 йилдан 10 йилгacha каторга ишларига жўнатилиши мумкин еди. Агар бино черковга, императорга ёки император хонадони аъзоларига тегишли бўлса, жазо оғирлаштириларди. Босқинчилик, талончилик (қароқчилик) жиноятига барча мулкий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва умрбод ёки узоқ муддатларга қалъаларда, заводларда, конларда каторга ишларига сургун қилиш жазоси тайинланарди.

Ўғирлик учун, жиноятни содир етиш ҳолатига қараб, сургун, уй ишларига қамаш, маҳбуснинг ахлоқ тузатиш роталариға жўнатиш ва хивич билан савалаш жазолари тайинланарди. Конунномада жазоларнинг анча мураккаб тизими жорий қилинади. Барча жазолар икки даражага: жиноий жазолар ва ахлоқ тузатиш жазоларига бўлинади. Иккала даражадаги жазолар ўз навбатида бир неча турлар ва даражаларга бўлинган. Ўзига хос «жазолар зинапояси» ташкил етилган еди.

Жиноий жазоларга барча мулкий ҳуқуқлардан маҳрум етиш, ўлим жазоси, каторга ишлари, Сибир ёки Кавказ ортига сургун қилиш, тан жазоларидан озод қилинмаган шахсларга қамчи билан уриш кабилар киради. Каторга ишларига маҳкум қилинганларга тамға босиларди. Уларнинг пешона ёки бет (юз)ларига «кат» (каторгадаги, сургундаги) деган сўз тамғаланаарди.

Баъзи мулкий ҳуқуқлардан маҳрум етиш жазоси - маълум табақага тааллуқлилиги билан боғлиқ барча имтиёзларнинг йўқотилиши, ер-хотинлик муносабатларининг тугатилиши, мулкий ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши (у меросхўрларга ўтказилган), отоналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши дегани еди. Ахлоқ тузатиш жазоларига: сургун, маҳбусларнинг ахлоқ тузатиш роталариға жўнатиш, қальага, турмага қамаш, мажбурий ақлини киргизадиган ёки уй ишларига жалб қилиш, қисқа муддатли қамоқ, суд иштироқида ҳайфсан бериш, жарималар кирди. Бу жазоларга одатда тан жазоларидан озод қилинмаган шахсларга хивич билан уриш қўшиб бериларди.

Конунномада табақавий имтиёзлар ҳам ўз ифодасини топган еди. Масалан, турма маъмурияти фақат «мешчанлар ва деҳқонларни» ишлашга мажбуурлаши мумкин еди, бошқа табақадагиларга еса ўз хоҳишига қараб иш бериши лозим еди. Қисқа муддатга қамоққа олинган дворянлар ва чиновниклар бу жазони уйда ўташлари мумкин бўлса, бошқалар еса фақат политсия идораларида ўташлари керак еди. Дворянлар, руҳонийлар, фахрий фуқаролар, биринчи ва иккинчи гилдиядаги савдогарлар, бошқа халқларнинг ҳукмрон табақалари (ер егалари) тамға босиш, киshan солиш (занжирбанд қилиш), қамчи, хивич, калтак, таёқ билан савалаш жазоларидан озод қилинганди.

Суд жараёни бу даврда асосан инквизитсия (қийнаш, азоблаш)га оид шафқатсизлиги билан ажралиб турган. Тўғри, 1801 йилги Фармон билан тергов ишларини юритишда қийноқлардан фойдаланиш тақиқланганди. Лекин амалиётда улар кенг

қўлланиларди. Қонунлар тўпламида жиноят жараёнига катта еътибор бериларди. Унинг иккинчи китоби XV томининг 800 тадан ортиқ моддалари жиноят жараёнига бағишланганди.

Кодексда политсияга ҳал қилувчи ўрин ажратилган еди. Политсияга тергов ва ҳукмни ижро етиш топширилган еди. Терговнинг ўзи дастлабки ва расмий терговга бўлинган. Иш алоҳида шахсларнинг чақуви, шикояти бўйича ёки прокурор, суд назоратчилари (стряпчий) ёки политсиянинг ташаббуси бўйича бошланарди. Прокурорлар ва суд назоратчилари тергов устидан назоратни амалга оширадилар.

Тергов тугагач, иш судга юборилган. Суд тергови суд муҳокамасининг бир қисми сифатида мавжуд емас еди. Ишни тузилган «ёзувлар» асосида суд аъзоларидан бири ёки котиб ўқиб ешилтиради. Қонун бўйича, гувоҳлар ва эксперталар судга чақирилмасди. Айбланувчининг ўзи ҳам судга фақат терговда унга нисбатан рухсат етилмаган усуллар қўлланилганлигини аниқлаш учун чақириларди. У жараённинг субекти емас, обекти ҳисобланарди.

Қонунлар тўплами 1716 йилги «Жараёнлар ёки судлашувларнинг қисқача тасвири»да белгиланган расмий далиллар тизимини мустаҳкамлаганди. Далиллар мукаммал ва мукаммал бўлмаган далилларга бўлинади. Мукаммал далилларга: айбланувчининг иқрор бўлиши; ёзма далиллар; тиббий експертиза хulosаси; иккита гувоҳ қўрсатмаси киритилди. Қонун айбланувчининг айбини суддан ташқари гувоҳлар олдида тан олганлиги; уларга нисбатан бегона шахсларнинг тухмати; ялпи тинтуб; битта гувоҳ қўрсатмаси; жиноят белгилари кабиларни мукаммал бўлмаган далиллар деб ҳисоблайди.

Оғир жиноятлар бўйича биринчи инстанция суди ўз «фикр-мулоҳазаларини» тузарди ва уни жиноий суд палатасига ҳукм чиқариш учун тақдим етарди. Ҳукмлар мустаҳкам емасди. Улар кўпинча қонуннинг ўзида кўрсатилганидек, жумладан, маҳкумларнинг шикоятлари бўйича юқори судлар томонидан ревизия тартибида қайта кўриб чиқиларди. Тан жазоларидан озод қилинган шахслар фақат тан жазоларини қўллаш назарда тутилган ҳукм ижро етилганидан сўнг шикоят қилишлари мумкин еди. Шикоятлар асосиз бўлса, шикоятчи яна тан жазосига ёки турма қамоғига тортиларди.

Иш бўйича далиллар етарли бўлмаса, суд айбланувчи ёки оқловчи ҳукм чиқармасди. Бундай ҳолда судланувчи шубҳа остида қолдирилган (гумондор деб топилган). Агар дехқон ёки мешchan шундай гумондор

деб топилса, маҳаллий жамоалар ҳукми билан Сибирга мажбуран кўчирилган. Расмий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, судлар аксарият жиноий ишлар бўйича айбланувчиларни шубҳа (гумон) остида қолдириш ҳақида қарорлар қабул қилганлар.

Қонунлар тўпламининг давлат учун жуда хавфли бўлган жиноятлар бўйича суд ишларини юритиш ҳақидаги бўлимида давлатга, динга қарши жиноятларнинг кўриб чиқилиши тартиби белгиланди. Унинг 1241-моддасида кўрсатилишича, юқоридаги ишлар зудлик билан «ҳеч қандай кечиктирмас-дан» кўриб чиқилиши лозим еди. Бундай ишларни кўриб ҳал қилиш учун подшо фармони билан маҳсус олий жиноий судлар тузилиши мумкин еди. Суд-нинг таркиби ҳам шахсан подшонинг ўзи томонидан белгиланаарди. Бу олий жиноий суд бевосита императорнинг назорати остида суд ишларини кўриб ҳал қиласи. Жумладан, декабристлар устидан суд бунга ёрқин мисол бўла олади.

Деҳқонларнинг ўз помешчикларига қарши бош кўтариб чиқишлири ва уни бостириш учун юборилган ҳарбий қисмларга қаршилик кўрсатишлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишининг маҳсус тартиби мавжуд еди. Уларни ҳарбий суд кўриб ҳал етарди. Бундай суднинг ҳукми губернатор ёки ички ишлар министри томонидан тасдиқлангандан кейин дарҳол ижро қилинаарди. «Кам аҳамиятли жиноятлар» (20 сўмгача миқдордаги ўғрилик, енгил уриш-калтаклаш, ичкиликбозлик ва бошқалар) ҳақидаги ишлар политсия чиновниклари томонидан қисқартирилган тартибда кўриб ҳал етиларди.

Помешчиклар кам аҳамиятли жиноятлар бўйича ўз крепостной деҳ-қонлари устидан суд қилиш хукуқига ега едилар. Судларда порахўрлик кучай-ганди. Судяларнинг маълумоти даражаси жуда паст еди. Сансолор-ликлар авжига чиққанди. Баъзи ишларни кўриш йиллаб, ўн йиллаб чўзилиб кетарди. Жум-ладан, 1844 йилда уезд суди томонидан 115 минг сўм миқдорда монета ўғирлиги бўйича иш кўриш бошланиб, у 1865 йилгача давом етган ва суд ислоҳотидан кейин тутатилган еди.

ИККИНШИ БЎЛИМ

ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

XIII БОБ. Ўрта асрларда шарқ мамлакатлари давлати ва ҳуқуқининг ривожланиш хусусиятлари

Ўрта асрларда Шарқ жамиятларининг тадрижий ривожланиши Европа феодал жамиятларидан фарқли ўлароқ алоҳида йўллар билан борди. Шарқда ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумларнинг анъанавийлиги ушбу ривожланишнинг жуда секинлик билан юз беришига сабаб бўлди. Бу еса маълум даражада ўқув адабиётларида кенг қўлланиладиган феодализм тушунчасининг ушбу жамиятларга нисбатан ишлатилишини худди қулдор-чилик тушунчаси сингари шартли қилиб қўяди. Шарқда қулдорчилик ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳеч қачон муҳим рол ўйнамайди.

Лекин қулчилик муносабатлари ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлишда давом етган. Айни пайтда Европа феодализмининг баъзи ижтимоий институт-лари қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам Шарққа ёт (бегона) бўлмас еди. Масалан, қадимги Хитойнинг ilk Чжоу давридаги удел тузумига асосланган давлатининг марказлаштирилмаганлиги шароитидаги ижтимоий-сиёсий тузумини есга олиш кифоя.

Янги давр историяграфиясида⁸⁹ ўрта асрлар ҳақидаги тасаввурлар XVII-XVIII асрлардаги маърифат ва инқилобий ўзгаришлар натижасидаги «Янги тарих» тушунчаси билан бир қаторда шаклланди. Бунда Ғарбий Европанинг янги тарихи унинг ўтмишига, яъни қадимги антик ва ўрта асрларига қарама-қарши қўйилади. Янги давр юқоридаги антик ва ўрта асрлар ўрнига келган тадрижий тарихий босқич сифатида қабул қилинади. Бу уч босқичли схема, антик қадимийлик қулдорчилик билан, феодализм еса - ўрта асрлар билан боғдана бошлангач, тугалланган шаклларни олган еди. Янги давр историяграфиясида ўрта асрлар ўзига хос маҳсус ижтимоий-сиёсий тузум сифатида қўрилади. Унга биноан, ўрта асрлар жамиятининг сиёсий тузилиши марказлашмаганлиги ва вассалликленга оид муносабатлар тизими-нинг мавжудлиги билан тавсифланади. Феодализм тушунчаси марксча адабиётларда

⁸⁹ Istoryografiya – tarix ilmi taraqqiyotini va tarix manbalarini o`rganuvchi fan.

мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий форматсия сифатида ифодаланиб, ишлаб чиқаришнинг маҳсус усули ҳақидаги таълимот даражасига кўтарилади.

Жамият тараққиётiga нисбатан форматсион ёндашувларда ишлаб чиқариш муносабатлари асосий омил сифатида ажратиб қўрсатилади, ҳар бир муайян жамият тизим тарзида кўрилади. Бунда ишлаб чиқариш муноса-батларидан бошқа барча ижтимоий алоқалар улар устида турувчи ясама устқурма ҳисобланади. Бу тарихга монистик-материалистик қарашни белги-лайди. Тарихга монистик-материалистик қарашнинг асосида тарихий жараён-ларни форматсион даврлаштириш ётади. Унга кўра, қулдорчиллик тузуми ўрнига феодализмнинг, феодал тузум ўрнига капитализмнинг ва ниҳоят, «охир-оқибатда бутун инсониятнинг порлоқ келажаги» сифатида коммунизм-нинг келиши гўёки бирин-кетин келадиган қонуний ва муқаррар тарихий жараёнлардир.

Лекин Карл Маркснинг ўзи ҳам кўпгина жамиятларнинг тарихини бун-дай схемага солиб ўрганиш мумкин емаслигига маълум даражада тушу-ниб етганди ва ўзининг дастлабки асарларидаёқ «осиёча ишлаб чиқариш усули»нинг алоҳидалиги ҳақидаги таълимотни яратган еди. «Осиёча ишлаб чиқариш усули» ҳақидаги масала юзасидан яқин-яқинларгача илмий адабиётларда тортишувлар мавжуд еди. Бироқ, шарқ жамиятларида қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзига хослиги, уларнинг жуда секинлик билан ривожланиб бориш хусусияти, кўп укладлилигининг турғунлиги, тарихий анъаналар, диний мафку-ра ва бошқаларнинг ижтимоий тараққиётга жиддий таъсир кўрсатиши сўзсиз тан олингандан сўнг бундай тортишувларга ўрин қолмади.

Шарқ жамиятларининг камдан-кам учрайдиган ҳодиса еканлиги ижтимоий тараққиётнинг кўп қиррали еканлигидан, фақат базисдаги ўзгариш-ларгагина боғлиқ еканлигидан далолат беради. Маълумки, Евropa мамла-катларида феодализм тушунчаси ўрта асрлар иборасининг синоними сифатида ишлатилади. Лекин буни Шарқ мамлакатларига нисбатан қўлланиши тўғри емас. Худди шунингдек, Евropa мамлакатларида ҳам, Шарқ мамла-катларида ҳам ўрта асрлар ёки феодализм даврининг қўйи ва юқори хронологик чегараларини белгилаш жуда қийин. Шундай бўлса-да, соғ методик нуқтаи назардан инсоният тарихининг бундай узоқ давом етган босқичини маълум тизимга солиб, чуқур ва атрофлича ўрганиш мақсадида

даврлаштириш ва бунинг учун унинг қуи ва юқори чегараларини аниқлаб олиш тақозо қилинади.

Шарқ тарихига оид ўқув адабиётларида ўрта асрларнинг чегаралари (куи чегараси сифатида, одатда, В-ВII асрлар кўрсатилади) қатор тарихий омиллар мажмуи билан боғлаб тушунтирилади. Уларнинг орасида сиёсий тузумдаги сифат ўзгаришлари, марказлашган империяларнинг ташкил етилиши, жуда йирик сивилизатсия марказларининг, жаҳон динларининг ташкил топиши ва чет мамлакатларга кучли таъсир қўрсата бошлаши билан боғлиқ омиллар ва бошқалар муҳим аҳамиятга ега.

Хитойда ўрта асрларнинг қуи хронологик чегараси анча аниқ ажратилган бўлиб, у В-ВII асрларга тўғри келади. Айнан шу вақтда Хитойда ер егалигининг ва дехқонларни эксплуататсия қилишнинг анъанавий шакллари билан ўзига хос «осиёча» ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий тузум ўрнатилган, империя шаклидаги марказлашган давлат мустаҳкам-ланган, анъанавий ҳуқуқнинг норматив асоси ташкил топган. Хитой конфутсийлик-буддизм маркази сифатида илк Япония жамияти ва давлатини ўз маданий таъсир доирасига тортган еди.

Ҳиндистонда ўрта асрларнинг қуи хронологик чегараларини ажратиб олиш бироз қийин. Агар буларни ҳам шартли равишда В-ВII асрлар деб олсак, у ҳолда уларни, биринчидан, ернинг тақсимланиши, меҳнат тақсимоти жараёнларининг чукурлашуви билан бирга содир бўлган анъанавий варна-каста тизимининг маълум даражада қайта қурилиши билан, иккинчидан, Ҳин-дистон маданиятининг кўп минтақаларга, аввало жанубий-шарқий Осиёга ва бошқаларга кенг таъсири натижасида улкан ҳинд-будда сивилизатсия зоналарининг шаклланиши билан боғлаш мумкин.

Японияда ўрта асрларнинг қуи чегараси ижтимоий табақалашув-нинг кучайиши ва давлатнинг ташкил топиши билан боғлиқ равишда ВИ-ВII асрлар деб белгиланади. Яқин Шарқ минтақасининг кўргина мамлакатлари учун еса ўша ВII аср жаҳон ислом динининг ўрнатилиши, кўргина халқлар учун янги ҳаёт тарзининг шаклланиш босқичи бўлиб қолган еди. Бу вақтга келиб қадимги Яқин Шарқ давлатлари ўтмишда қолади ва «жанго-вар диний жамоа», Араб халифалиги давлатлари вужудга келади. Бу давлатлар бўлғуси йирик араб-ерон-турк ислом давлатлари - империяларининг ташкил топиши учун асос бўлади.

Шарқ мамлакатларида ўрта асрларнинг юқори хронологик чегарасини, яъни қачонгача давом етганлигини аниқлаш ҳам маълум ижтимоий-иқти-садий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар билан боғлиқ. Шарқ давлатлари-нинг ижтимоий-иқтисодий тузумидаги сифат ўзгаришлари, капиталистик муносабатларнинг ривожланиши уларнинг ҳаммасида бир вақтда содир бўлмаган. Шу сабабли Шарқ учун ўрта асрлар қачон тугаганлигини умумий тарзда аниқлаш анча мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Лекин шунга қара-май, алоҳида Шарқ давлатлари учун ўрта асрларнинг юқори хронологик чегараси белгиланади. Масалан, Хитой учун XX асрнинг бошидаги инқиlobий ўзгаришлар (1911-1913 йиллардаги инқилоб), Япония учун XIX аср ўртасидаги Мейдзисин инқилоби, мустамлака остидаги Шарқ мамлакатлари, аввало Ҳиндистон учун колониал ҳукмронликнинг ўрнатилиши, анъанавий тузулмаларнинг аста-секин синдирилиши, бу мамлакатларнинг жаҳон капиталис-тик бозорига тортилиши ўрта асрларнинг юқори хронологик чегараси ҳисоб-ланади.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Хитой, Араб халифалиги, Япония)нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги умумий белгиларни ажратиб олишда шуни кўрсатиш мумкинки, бу мамлакатларнинг биронтаси ҳам кечки феодализм даврида капиталистик муносабатларнинг ривожланиши соҳасида Европа мамлакатлари еришган даражага чиқмаган еди. Шарқ мамлакатлари ўрта асрларда асосий Европа мамлакатларига қараганда саноат, товар-пул, бозор муносабатлари ривожланиши жиҳатидан анча орқада қолган еди. Ўрта асрлардаги Европа мамлакатларига бирмунча ўхшаш бўлган Японияда еса (Ҳиндистон ва Хитойга нисбатан ертароқ) XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида мануфактура ишлаб чиқариши шаклидаги капитализм елементлари вужудга келганди. Ўрта асрларда Шарқ жамият-ларининг жуда секинлик билан ривожланиш характери улардаги мустаҳкам кўп укладлиликни, патриархал-урӯчилик, уруғ жамоачилиги, қулдорчилик, яrim феодал ва бошқа укладларнинг узоқ вақт мавжуд бўлиб қолишини белгилаган.

Шарқ мамлакатларининг бутун тарихий ривожланишига ерга нисбатан давлат мулкчилигининг кенг тарқалиши катта таъсир кўрсатди. Албатта, давлат мулки жамоачи-дехқонларнинг хусусий ер егалигига асосланган жамоа мулкчилиги шакли билан қўшилиб кетган еди. Давлат мулки тор маънода фақат монархнинг жуда катта ер егалигини ва давлат хазинасини ўз ичига олган. У кенг маънода

ҳокимиятга алоқаси бўлган шахсларга давлат фондидан инъом тарзида ҳадя қилиб берилган ерларни ҳам ўз ичига олган.

Бундай ерларни олган кишилар маълум ҳудудларда соликлар йиғиш ва рента-солиғини ўзлаштириш хуқуқига ега едилар. Давлатдан мукофот тариқа-сида ер олган мулкдорлар амалда хусусий мулк егалари бўлиб қолишлари мумкин еди. Улар ўз егалик хуқуқларининг кенгайтирилишига, бу хуқуқ-ларни мерос бўйича ўтказиладиган доимий хуқуққа айлантирилишига ери-шиб, ҳақиқий хусусий мулкдорлар бўлиб қола олар едилар. Лекин ўрта асрлардаги Шарқ жамиятларида давлат ерга нисбатан давлат мулкчилигини ҳар томонлама муҳофаза қилган, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига имкон бермаган. Бу еса худди Фарбий Европа мамлакатларидағига ўхшаш хўжаликнинг бой-тўраларга хос тизимининг ташкил этилишига тўсқинлик қилган.

Ўрта асрлардаги ҳамма Шарқ жамиятларида ер егалиги турли шакл-ларининг қўшилиб кетганлиги, иқтисодда давлатнинг ўзига хос назорат қилувчилик-тартибга солувчилик ролининг мавжудлиги, аввало, хукмон синфнинг алоҳида тузилишида ўз ифодасини топади. Агар ўрта асрлардаги Фарбий Европа мамлакатларида вужудга келган хусусий ер егалари қарам дехқонларни експлуататсия қилишда ўз иродасини объектив ифода етuvчи феодал давлатга таянган бўлсалар, Шарқ мамлакатларида еса давлатнинг ўзи ҳокимиятга алоқадор бўлган ва асосан еркин дехқонлар-дан рента солиғи ундириш ҳисобига яшовчи чиновник-бюрократлардан иборат хукмон доиралардан тузилган еди.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, ўрта асрлардаги Шарқ мамлакат-ларининг муайян жамиятлари уларда давлатнинг иқтисодга аралашуви даражасига қараб бюрократия билан хукмон синфнинг монанд келиши, йирик хусусий ер егалигининг ривожланиши турли даражада бўлганлиги билан тавсифланади. Жумладан, ўрта асрлардаги Хитойда бундай монандлик анча юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўрта асрлардаги Шарқ жамиятлари учун (Европа мамлакатларида қиёслаганда) бевосита ишлаб чиқарувчилар-дехқонлар қарамлигининг нисбатан кучсизлиги, дехқонларнинг ўз ер участкаларини бошқариш билан боғлиқ хуқуқлари нисбатан кўплиги характерлидир. Бу ерда бой-тўралар хўжалиги ва барщинанинг мавжуд емаслиги шунга олиб келдики, дехқонлар алоҳида феодаллар ерига бириктириб қўйилмаган еди. Бу мамлакатларда дехқонларнинг

қарамлик ҳолати уларнинг солиқлар тўлаш мажбурияти билан белгиланаарди. Солиқлар дехқонлардан давлат аппарати, чиновниклар ёрдамида ундириларди. Дехқонларнинг бундай қарамлиги «оддий кишилар»нинг табақавий тўла қадр-қимматга ега емаслигига ўз ифодасини топарди ва ҳуқуқ, дин ҳамда жамоа тартиблари билан мустаҳкамланарди.

Шарқда ўрта асрлар шаҳари ҳам ўзига хос ўринга ега еди. Шарқ мамлакатларида ижтимоий меҳнат тақсимотининг нисбатан қуий даражаси шунда ўз ифодасини топган едики, бу ерда шаҳар ижтимоий тараққиётнинг ташкил етувчи ва йўналтирувчи кучи бўлиб қолмади. Шаҳар рента-солиғининг қайта тақсимланиши ҳисобига яшарди, чунки алоҳида ижтимоий гуруҳлар қўлида тўпланган ортиқча маҳсулот капитал бўлиб қолмади, ишлаб чиқаришга қўшилмади. Ҳунармандчилик маҳсулотлари бозорга емас, ҳукмрон чиновник-бюрократларнинг, жумладан, ҳарбий доираларнинг еҳтиёжини қондиришга келиб тушарди. Савдо капитали бунда савдогарлар ва ҳунарманд-ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзига хос агент вазифасини бажаарарди.

Шарқда қишлоқ жамоаси меросий, ёпиқ кичик хўжалик гуруҳи бўлиб, бозордан мустақил еди. У шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги икки томон-лама товар айрбошлишнинг ривожланишига, шу билан бирга шаҳарликлар, шаҳар типидаги савдогарлар табақасининг шаклланишига тўсқинлик қиласди. Бу ўз навбатида Шарқ шаҳарида мавжуд бўлган тартибларни ҳам белгилаб берган. Бу ерда ҳунарманд бюрократик давлат аппаратининг қаттиқ назо-рати остида бўлган, ҳуқуқий, диний кўрсатмалар, табақавий, кастага оид чеклашлар билан сиқиб қўйилган. Ўрта асрлардаги Шарқ шаҳарларида маҳсус шаҳар ҳуқуқи йўқ еди.

Шаҳар аҳолисининг ҳуқуқий ҳолати қадимги давр аҳолисининг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилмаган. Ҳиндистонда, масалан, шаҳарнинг маъмурий чегараларини аниқлаш қийин еди. Бу ерда жуда кўп дехқонлар аҳолиси бўлган ҳунармандчилик қишлоқлари ва шаҳарларини учратиш мумкин еди. Хитойда шаҳар оиласи худди қишлоқдаги сингари умумдавлат солиқ реестрига киритиладиган хонадон - ху ҳисобланарди. Шарқ шаҳари, Европаникidan фарқли ўлароқ, давлат шаклларининг ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи саҳнага айланмади. У Европада бўлганидек, марказий ҳокимиятнинг сиёсий тарқоқликка қарши курашида мустаҳкам, кучли таянчи ҳам бўлиб қолмади.

Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бу ерда Гарбий Европа феодал мамлакатларига хос бўлган давлат шаклларининг ташкил топмаганлиги билан белгиланади. Шарқда ўз доменлари ҳудуди доирасида суверен ҳуқуқларга ега бўлган феодаллар-сенорларнинг ўзига хос иттифоқи тарзидаги сенорлик монархияси шакллан-мади. Давлат бошқарувининг бундай шакли синфларнинг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етган жамиятда вужудга келиши мумкин еди. Шунингдек, Шарқ шаҳарининг қандайдир бирор мустақиллиги йўқ еди, бинобарин ўз табақа мақсадлари ва манфаатлари учун курашувчи шаҳар-ликлар табақаси шаклланмаган жамиятда табақа-вакиллик монархиясининг ҳам ташкил топиши мумкин емас еди. Ўрта асрлардаги Шарқ давлатларида бошқарувнинг кенг тарқалган шакли меросий монархия бўлиб қолган еди. Уларда ҳукмдор ҳокимиятини чеклашнинг институтсияйи шакллари қарор топмади. Шу билан бирга бу давлат шакллари бир-бирига ўхшаш ҳам бўлмади.

Бу давлатларнинг марказлашиш даражаси, давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги ҳарбий-деспотик восита ва усулларни қўллаш даражаси турлича еди. Бундан ташқари, улар муайян Шарқ ўрта асрлар давлатларининг алоҳида ривожланиш босқичларида ўзгариб турарди. Айрим тадқиқотчилар-нинг фикрича, ўрта асрларда Хитой давлати «шарқ деспотияси» шаклида идора етилган⁹⁰. Буни у ерда ташкил етилган император бошчилигидаги бюрократик аппаратнинг жуда кучлилиги, марказлаштирилганлиги, шахс усти-дан кучли политсия назоратининг ўрнатилганлиги, давлатнинг иқтисодий функцияларининг кенглиги ва бошқалар ҳам тасдиқлайди. Хитойда деспотизм қадимги даврлардаёқ қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тартиботлардан ўсиб чиқкан.

Шарқ жамиятлари ижтимоий-сиёсий тузумининг яна бир муҳим ўзига хос хусусиятини у ёки бу жамиятнинг ҳукмрон диний мафкураси, жамият аъзоларининг динга ва ҳокимиятга нисбатан муносабати белгилайди. Маса-лан, конфутсийликни ўрта асрлардаги Хитой давлати ва ҳуқуқининг ҳал қилувчи елементи сифатида еътироф етганда шуни таъкидлаш жоизки, уни фақат шартли равишда дин деб аташ мумкин. Бу кўпроқ ахлоқий-сиёсий таълимот, фалсафий анъанадир. У хитойликларнинг ҳукмдор - «осмон ўғли» шахсида муқаддаслаштирилган, илоҳийлаштирилган ҳокимият ҳақидаги қа-

⁹⁰ **Qarang:** История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.-М.:Издательство НОРМА, 1996. – 374-бет.

димги анъанавий тасавурларидан келиб чиқкан еди. Хитойликлар динларга нисбатан (Хитойда конфутсийлик билан бир қаторда бошқа динлар: буддизм, даосизм ва бошқалар ҳам тарқалган еди) фақат ушбу ҳокимият равнақи йўлида фойдаланиш мумкин бўлган таълимот сифатида муносабатда бўлганлар. Таълимотга нисбатан бўлгани сингари динга ҳам манфаатпараст-лик муносабатида бўлиш, яъни уйғунликка еришиш йўлида диндан тар-биянинг мажбурлов усулларисиз халқни ўзгартиришга даъват қилинган ёр-дамчи восита сифатида фойдаланиш ўрта асрлар Хитойда черков муас-сасаларининг давлатга бўйсунганилиги мавқеини белгиларди.

Конфутсийлик ўзининг ақл-идрокка асосланган ахлоқи билан, легизмга қарши курашнинг барча мураккабликларига қарамай, бошқа динлар ораси-да алоҳида ўрин егаллашга еришди. Шунингдек, бу таълимот бундай дара-жага ўзининг амалий қадрияти кучи билан ҳам кўтарилиган еди. Конфут-сийлик таълимотининг таникли вакилларидан бири ВИ асрда яшаб ўтган Вей Чженнинг тасдиқлашича, бу таълимот «давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатни тўғрилаш»га, «оддий халқнинг кўз ва қулоқларини очиш» га даъват қилди.

Диний хилма-хиллик, динга оддий таълимот сифатида қараш, давлат ҳоки-мияти ва изчил диний тизим ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг йўқлиги ўрта асрлардаги Хитой жамияти ва давлатининг ўзига хос бошқа хусусият-ларини ҳам белгилаб берди. Бу ерда, масалан, мазҳаб каби институт йўқ еди. Бу еса ўз навбатида инквизитсияга оид судларнинг мавжуд бўлишига йўл қўймади. Хитойда Ғарбдаги сингари руҳонийларнинг шаклланган табақаси ва зўравонлик йўқ еди, руҳонийлар давлат аппаратида ягона ўқимишли шахслар табақасидан емасдилар. Хитойда Тан империяси даврида (ВII асрда) давлатнинг диний ташкилотлар устидан сиёсий, маъмурий, ҳуқуқий, мафкуравий жиҳатдан тўла, чекланмаган ҳукмронлиги батамом мустаҳкамланади. Натижада биронта ҳам диний институт ҳатто номигагина бўлса ҳам, ўзини ўзи мустақил идора этиш ҳуқуқига ега бўлмай қолади.

Араб халифалиги давлатининг ва бошқа мусулмон дунёси давлатлари-нинг ўзига хослиги бевосита уларнинг универсал дин - ислом билан боғлиқ-лигига еди. Ислом таълимотига биноан, диний ва дунёвий ҳокимият бўлин-мас ҳисобланиб, бу Куръонда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳокимият Аллоҳнинг чексиз қудрати, кучи ва бўлинмаслиги ҳақидаги илоҳийлаш-тирилган (теократик) Фоялар

билин чамбарчас боғлиқ бўлган: «Аллоҳдан бошқа худо йўқ ва Мухаммад - унинг пайғамбари». Ислом мусулмонлар дунёсидағи ижтимоий тузумнинг характерини ҳам, давлат муас-сасаларини ҳам, ҳуқуқий институтларни ҳам, ахлоқни ҳам, бир сўз билан айтганда, мусулмонларнинг бутун маънавий соҳасини белгилайди. Мусулмон жамиятининг диний-ҳуқуқий асосларига алоҳида (маҳсус) ижтимоий тузум мос келади. Бу ижтимоий тузум ҳукмрон синфнинг маълум даражада қиёфасини ўзгартирганлиги, унвон ва имтиёзларнинг мерос қилиб ўтказиш тизимининг йўқлиги, сайлов тизимининг мавжуд емаслиги ва ҳоказолар билан тавсифланади. Мусулмон жамиятида расман ҳамма тенг ҳуқуқлидир, аммо айни пайтда теократик давлат, унинг бошлиғи - халифа, султон олдида барча тенг даражада ҳуқуқсиз ҳисобланади.

Мусулмон дунёсида руҳонийлар дунёвий ҳокимиятга даъво қилишлари, шунингдек, ўрта асрлардаги Европа давлатларида бўлганидек, диний ва дунёвий ҳокимият ўртасида низо ҳам келиб чиқиши мумкин емас еди. Ислом худога ишонмасликни - даҳрийликни истисно қиласи, унга тўғридан-тўғри ҳам, билвосита ҳам қарши чиқиш мумкин емас. Исломга нисбатан ишончсизлик билдирган ёки ҳар қандай қўринишда қар-шилиқ қўрсатган шахслар мусулмонлар жамоасидан ўчирилган. Исломнинг универсаллиги, мусулмон мағкурасининг асосий Фояси ҳамда диний ва дунёвий ҳокимиятнинг қўшилиб кетганлиги ҳақидаги сиёсий назария ислом жамиятида давлатнинг алоҳида ўрнини, унинг жамият устидан шакшубҳасиз мутлақ ҳукмронлигини, теократик-авторитар шакл олишини белгилаган.

Ҳиндистон ҳам, Япония ҳам ўрта асрларда ҳеч қачон Хитой ва Араб халифалиги давлатларига хос чексиз қудратга ега бўлмаган. Масалан, Ҳиндистон жамоаси ва каста тизимининг жуда мустаҳкам барқарорлиги кенг дехқонлар оммаси устидан, ўз-ўзидан ривожланувчи қишлоқ жамоалари устидан марказий бюрократик давлат аппаратининг нисбатан кучсиз назорати ўрнатилишига сабаб бўлган. Бу ерда давлат чиновниги емас, балки ўз шогирдларини дхармага, кастага оид норма ва маросимларга оғишмай амал қилиш руҳида тарбиялаш функцияларини бажарувчи олим - брахман алоҳида ижтимоий аҳамиятга ега еди.

Ўрта асрларда Ҳиндистон ва Японияда давлат шаклларининг бир қўринишдан бошқа қўринишга ўтишига бошқа омиллар ҳам катта таъсир ўтказди. Хусусан, Ҳиндистоннинг XIII асрда чет ел

мусулмонлари томонидан босиб олиниши ва Японияда XII асрда император ҳоки-миятининг «буюк лашкарбоши» - сёгун томонидан тортиб олиниши бу ерларда давлат шаклларининг бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишига таъсир етган омиллар бўлиб ҳисобланади. Япониядаги сёгунат мутлақ монархияга хос бўлган қатор белгиларни ўзида мужассам етган. Сёгу-натга хос бўлган белгилар мажмуига қараб, бу даврда феодаллар юқори қисмининг ҳарбий диктатураси ўрнатилган Японияда нисбатан марказ-лашган давлатнинг ўзига хос автократик шакли вужудга келганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилар билан бирга, барча Шарқ мамлакатларининг давлат аппаратида қуйидаги умумий белгилар: давлат органларининг қўпол ва бесўнақайлиги, бир-бирининг ишини такрорлаши ва шу каби ҳолатлар мавжуд бўлганлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бошқариш, солиқ йиғиши, суд функциялари давлат аппаратининг алоҳида бўғинлари ўртасида унча аниқ тақсимланмаган еди. Қуролли кучлар ташкил етилиши принципларининг ўзи ҳам аниқ емас еди.

Шарқ мамлакатларида бошқарувнинг ташкил етилишида яна шундай умумий жиҳатни кузатиш мумкинки, бу ерда ҳукмрон табақаларнинг қўпчилик қисмига бошқарув тузулмасининг норасмий бўғинлари бериб қўйилган еди. Ҳатто Хитойда давлат аппаратининг расмий бўғинларини ташкил қилиш соҳасидаги ишлар уезддан нарига ўтмаган. Маҳаллий бошқарувдаги норасмий органларда расмий мансаб ва даражаларга ега бўлмаган «ўқимишли» табака вакиллари - шеншига жуда катта рол тегишли бўлса ҳам, лекин улар анча паст савияда фаолият юритишган. Ҳиндис-тонда ҳам қишлоқнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оқсоқоллар бошлигидаги жамоа ва каста панчаятлари ҳокимиятнинг расмий тизимиға қўшилмаган еди.

Шарқ мамлакатлари давлат аппаратига хос бўлган бундай хусусият-ларни жуда кўп сонли експлуататсия қилувчи гуруҳларининг ҳокимият ваколатларига ега бўлиши, уларнинг дехқонлар томонидан ишлаб чиқилган қўшимча маҳсулотдан ўз ҳиссаларини олишга интилишлари натижаси сифатида изоҳлаш мумкин. Бу қўшимча маҳсулотга уруғ зодагонлари ҳам, қишлоқ жамоасининг юқори қисми ҳам, ўрта ва йирик меросий ер егалари ҳам, давлат аппаратининг турли бўғинлари вакиллари ҳам ва ниҳоят, руҳонийлар ҳам даъво қиласидилар. Қўшимча маҳсулотдан ҳиссалар тегиш-лича давлат фойдасига рента солиғи олиш кўринишида, уруғ доҳийсига ҳур-мат тарзидаги тўлов шаклида, маҳаллий маъмуриятга суд ва

бошқа функ-сияларни бажарғанлиги учун йиғимлар шаклида, кастага оид ва диний қоида-ларни бузғанлик учун жарималар тарзида ва бошқа шаклларда олинарди.

Үрта асрларда Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқи ва ҳуқуқий манбалари турли бўлишига қарамай, кўпгина умумий хусусиятларга ега еди. Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқи ва ахлоқ қоидалари ҳакида гап кетганда аввало шуни таъкидлаш жоизки, улар консервативлиги⁹¹, турғунлиги, барқарорлиги, анъанавийлиги билан ажralиб туради. Бу анъанавийлик иқтисодий тузумнинг жуда секинлик билан ривожланишини ўзида акс етириб, кишиларда ижтимоий ахлоқ қоидаларининг қадимийлигига, олий ҳикматли еканлигига, тугалланганлигига ишонч туғдирган.

Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг консервативлиги уларнинг динлар: индуизм, ислом, конфутсийлик билан чамбарчас боғлиқлигидан, шунингдек диний, ахлоқий ва ҳуқуқий кўрсатмаларнинг бир-биридан ажратилмаганлигидан келиб чиқсан. Ҳиндистонда давлатнинг мажбурлов кучи билан санктсия-ланадиган ва таъминланадиган дхарма айни вақтда дин талаби асосида бажарилиши лозим бўлган ахлоқ нормаси ҳисобланган. Ҳинд дхармасига япон гирилари асосан мос келган. Япон гирилари кишилар учун ҳаётнинг турли ҳолатлари юзасидан юриш-туриш қоидаларини белгилаган.

Араб халифалигига, Деҳли султонлигига ва Бобурийлар Ҳиндистонида барча мусулмон давлатларида гидек, Қуръон ҳуқуқнинг асосий манбаи еди. Назарий жиҳатдан ислом ҳукмдорларнинг қонун чиқариш ваколатларини истисно қиласди. Улар факат мусулмон илоҳиётчиларининг фикри билан ҳисоб-лашган ҳолда Қуръон кўрсатмаларини шарҳлашлари мумкин. Шунингдек, ҳиндларнинг «муқаддас ведалар»га асосланган дхармашастралар ҳуқуқи ҳам «ўзгармас» ҳисобланган. Хитойда қонун, император фармони ҳуқуқнинг муҳим манбалари бўлган. Лекин конфутсийлик идеологлари томонидан саралаб олинган ва императив, намунавий хулқ-атвор қоидалари, конфутсийлик ахлоқининг нормалари (ли) даражасига кўтарилиган конфутсийлик анъаналари ушбу фармоннинг асосини ташкил етарди.

Үрта асрлардаги барча Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг юриш-туриш қоидаларини икир-чикирларигача тартибга солиб,

⁹¹ Konservativizm – eskilikni yoqlash, eskilikka yopishib olish, yangilikka dushmanlik, mutassiblik.

табақавий, кастага оид, оилада жинсий белгиларга қараб тенгсизлик ўрнатган еди.

ИХ БОБ. АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ВА МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ

- *Араб халифалигининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари.*
- *Ижтимоий ва давлат тузуми хусусиятлари.*
- *Мусулмон ҳуқуқининг асосий белгилари.*
- Мусулмон ҳуқуқининг манбалари.
- *Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи масалаларининг тартибга солиниши.*
- *Мусулмон ҳуқуқида никоҳ-оила ва мерос масалаларининг тартибга солиниши.*
- *Шариат бўйича жиноят ҳуқуқи ва суд ишларини юритиши тартиби.*

1. Араб халифалигининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари

ВII асрда ташкил топиб, XPII асргача ҳукм сурган Араб халифалиги инсоният тарихида чуқурроқ из қолдирган. Араб халифалигининг давлат тузу-ми ва ўзига хос хусусиятларга ега бўлган ҳуқуқий тизими - мусулмон ҳуқуқи Европа, Осиё ва Шимолий Африка ҳудудларига тарқалган. Хусу-сан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам ВPII асрдан XX асргача ислом давлатчилиги ва мусулмон ҳуқуқи амалда бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи ҳозирги вақтда ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Шимолий Африканинг қатор давлатларида маълум даражада ҳаракат килмоқда.

Араб халифалигининг дастлабки ҳудуди Арабистон ярим ороли бўлиб, у ҳудудий жиҳатдан Европанинг тўртдан уч қисмига тўғри келган ва учта асосий вилоятларга бўлинган еди. Унинг жанубий-Фарбий вилояти - Яман ёки «баҳтли Арабистон» бўлиб, бу ерда дехқончилик ва чорвачилик машғулотлари учун қулай шартшароитлар мавжуд еди. Яман милоддан аввалги И минг йилликларда ёқ юксак иқтисодий даражага еришган ва мут-тасил равишда бирининг ўрнини иккинчиси егаллаб келган бир неча давлат-лардан иборат еди. Яман аҳолиси қўшни мамлакатлар билан қизғин савдо-сотиқ ишларини юритган. Ярим оролнинг Қизил денгиз бўйлаб чўзилиб кетган камбар қисми Ҳижоз («чегара») деб аталиб, Фарбда жойлашган. Унинг фақат айрим воҳаларида гина дехқончилик

қилиш мумкин еди. Ҳижоз аҳолисининг бир қисми кўчманчи чорвачилик билан шуГулланарди. Бу ерда, шунингдек, Ямандан келтириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, Ерон ва Византияда ишлаб чиқариладиган ҳунармандчилик буюм-лари билан савдо қилиш жуда ривожланган. Ямандан Миср, Сурия ва Икки дарё оралиГига қадар савдо йўллари ўтган еди. Ярим оролнинг енг катта қисми - Нажд - суГориладиган ерлари жуда кам бўлган Ғоят катта ясси тоҒликлардан иборат бир жой бўлиб, фақат чорвачилик учун ярар еди. Бу ерда чўл аҳолиси - бадавийлар («бад-ҳави»- арабча чўлда яшовчи одам, кўчманчи дегани) яшарди.

Араб халифалиги тарихини уч даврга ажратиш мумкин.

Биринчи давр - арабларда давлатнинг ташкил топишидан то Умавийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишигача бўлган вақтга тўҒри келади ва қарайиб 30 йил давом етади. Бу вақтда араб давлати ташкил топган, араб-ларнинг ижтимоий ва давлат тузумида ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиқлари, ҳарбий демократия белгилари сақланиб қолган еди. Айнан шу даврдан бошлаб Араб халифалигининг ўзига хос белгилари - давлат бошлиғи қўлида ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиётнинг қўшилиб кетиши содир бўлади.

Иккинчи давр - Дамашқ (Сурия) даври - Умавийлар сулоласининг ҳукмронлиги даври (661-750 йиллар) бўлиб, бу вақтда ўзига хос деспотия кўринишидаги меросий халифа бошлилик қиласидиган нисбатан марказлашган давлат ташкил топган. Халифа айни пайтда ислом динининг ҳам бошлиғи ҳисобланган.

Учинчи давр - БоҒодод (Ерон-Месопатамия) даври - Аббосийлар сулоласининг идора қилиш даври бўлиб, 750 - 1055 йилларни ўз ичига олади ва халифаликнинг турклар томонидан босиб олиниши билан тугайди.

ВИ-ВII асрлардаги арабларнинг ижтимоий тузумида ҳали уруғчилик белгилари кучли еди. Араблар - кўчманчи (бадавий) араблар ҳам, ўтроқ араблар ҳам жуда кўп уруғ ва қабилаларга бўлинган еди. Хун олиш бор еди. Уруғнинг бойроқ аъзолари қурбсизроқ қариндошларига иқтисодий жиҳат-дан ёрдам бериши лозим еди. Ҳар бир қабиланинг ўз диний маросими мав-жуд еди. Қабила ва уруғларнинг бошида шайх ва саидлар туриб, ҳокимият фақат шуларнинг қўлида еди. Бироқ уруғчилик тузумининг емирилиш ало-матлари рўй бера бошлаган еди. Уруғ-қабила зодагонлари енг яхши яй-ловларни ва деҳқончилик учун яроқли участкаларни - воҳаларни (бундай участкаларнинг ўзи оз еди) ўз

қўлига киргизиб олмоқда еди. Зодагон оилаларнинг кўпдан-кўп моллари, шунингдек, қуллари бор еди. Шайх ва саидлар шу оилалардан чиқарди. Урушда қўлга киритилган ўлжаларнинг енг кўп қисми буларга ажратиларди. Арабларда уруғ-қабила зодагонларидан таш-қари, яъни қабила-уруғ бошлиқлари ва оқсоқолларидан ташқари, яна ша-ҳарли савдогар-судхўрлардан иборат бошқа бир юқори табақа ҳам авж олиб борди, бу табақа ҳам муайян бир қабила ва уруғга кирган бўлиб, одатда бадавий қабилаларнинг бошлиқлари билан қаттиқ боғланганди. Ўрта денгиз-дан Ҳиндистонга борадиган муҳим савдо йўли қадимдан Арабистондан ўтарди. Шу савдо йўлида илк вактлардаёқ катта-катта савдо пунктлари, Макка, Ятриб ва бошқалар вужудга келди. Макка шаҳри айниқса катта аҳамиятга ега еди. Араблар ўртасида жуда донғи кетган ибодатхона бўл-миш Каъба ва ундаги муқаддас қора тош (ҳажари асвад) шу Маккада еди. Маккада шу Каъба атрофида ҳар йили катта ярмарка бўлиб турарди. Макканинг савдогар-судхўрлардан иборат юқори табақаси савдодан катта-катта фойда кўрарди. Улар қулларни эксплуататсия қилиш ва қул қилиб сотиш билан ҳам шуғулланардилар. Шаҳардаги майда ҳунармандлар ҳам шу савдо-гар-судхўрлардан ҳамма вақт қарздор бўлиб, иқтисодий жиҳатдан уларга қарам еди.

ВИ асрнинг охири - ВII асрнинг бошларида араблар қаттиқ иқтисодий ва ижтимоий инқирозга учради. Ярим оролнинг аҳолиси кўпайиб, ер етишмай қолди. Оддий араблар учун катта мадад бўлиб келган карvon савдоси ҳам тушкунликка учради. ВИ асрда еронлар билан ҳабашлар ўртасида бўлган ва узоқ-узоқ давом етган урушлар натижасида Яман деярли бутунлай хароб ва вайрон бўлди. Шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга товар олиб бориш жуда ҳам камайиб кетди.

Еронийлар Ҳиндистонга борадиган ва ўzlари учун фойдали бўлган бошқа бир йўлга, яъни Тигр (Дажла) ва Евфрат (Фрот) дарёлари бўйлаб Форс қўлтиғига борадиган йўлга ҳомийлик қиласардилар. Ана шундай ша-роитда арабларда синфларнинг ташкил топиш жараёни тезлашиб кетди. Араб шаҳарларидағи аҳолининг қуий табақалари ўз аҳволидан норози еди, улар суд-хўр бойларга нафратланиб қаарди. Бу норозиликни ва нафратланиб қаашни дехқончилик билан шуғулланувчи ўтрок қабилалардаги ва чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи қабилалардаги оддий омма ҳам қув-ватлади, бу қабилалар ҳам ерга муҳтоҷ еди ва ўз уруғ-

қабиласидаги феодаллаша бошлаган зодагонлардан жабр-зулм кўрарди.

Уруғдошлиқ тузумининг емирилиши жараёни айниқса Ҳижозда, хусу-сан, Маккада қўзга яққол ташланади. Бу ердаги қурайш қабиласида уруғ - қабила аристократияси ажралиб чиқиб, ҳокимиятни қўлга олган еди. Бадавийларда уруғчилик тузуми анча узоқ сакланиб қолган. Лекин уларда ҳам тез орада уруғ-қабила аристократияси - қабила оқсоқоллари (шайхлар, амирлар, сайид (хукмрон)лар, қоид (доҳий)лар) ва бошқалар ажралиб чиқади. Уларнинг ҳокимияти амалда мерос бўлиб ўтадиган бўлди. Урушлар вактида маҳсус доҳийлар сайланарди.

Арабларда ҳам давлатнинг ташкил топишининг асосий сабаби жамият-нинг синфларга ажралиши еди. Бундан ташқари, араблар иқтисодий инқироз туфайли янги-янги ҳудудларга муҳтож бўлиб, Ерон ва Византия ерларига кириб боришга ҳаракат қилганлар. Бу инқироз араб қабилаларининг иттифоқларга бирлашиши жараёнини тезлаштириди, оқибатда бутун Арабистонда ягона давлатнинг ташкил этилишига олиб келди.

Майда араб қабилаларини бирлаштириш ҳаракати, айниқса, ВИ асрда ку-чайди. Бунга уруғ ва қабила зодагонлари бошчилик қиларди. Қабилаларни бирлаштириш якка худога сиғиниш - монотеизмни тарғиб қилиш шиори остида ўтарди. Араб халқ оммасининг ижтимоий норозилиги мафкура тарзида, янги дин - ислом динининг вужудга келишида ифодаланди. ВІІ асрнинг бошларидан Мұхаммад (САВ) араб қабилаларини бирлаштириш мақсадида ислом динини тарғиб қила бошлайди. 610 йилда у дин тарғиботчиси (пайғамбар) сифатида майдонга чиққанди.

Шу билан бирга уруғлар ўртасидаги ўзаро уруш-жанжалларни тўхта-тишни ҳам талаб килди, уруғларнинг бир-биридан қасос олишига, уруғ ва қа-билаларнинг тор қон-қариндошлиқ доирасида биқиниб ётишига қарши чиқди. Араб жамиятининг бундан буёғига ривожланишига Фов бўлган уруғчилик тузумининг тор доирасига қарши олиб борилган бу кураш Мұхаммад-нинг кўп худоликдан қайтиб, битта худога - Аллоҳга сиғиниш керак, деган асосий диний талабида ифодаланди (ислом динининг «Ло илоҳа иллаллоҳ, Мұхаммадун расулуллоҳ» деган асосий формуласи - «худо - бир, Мұхаммад унинг пайғамбари», демакдир). Аллоҳ - қурайш қабиласидаги бош худонинг номи бўлиб, Мұхаммад унга бутун олам худоси тусини берди. Мўмин мусулмонлар «Аллоҳнинг ҳақиқий пайғамбарига»

(Мұхаммад ўзини шундай деб еълон қилған еди) сўзсиз итоат қилишлари керак еди.

Мұхаммад (САВ) судхўрликни қаттиқ қоралади, ҳар бир кишидан камбағалларга ёрдам беришни, ўз даромадининг ўндан бир қисмини камбағалларни боқиши учун ажратишни талаб қилди.

Мұхаммад (САВ) вужудга келтирган янги диннинг бешта асосий қоидаси, яъни: 1) битта худога - Аллоҳга ишониш, 2) ҳар куни албатта беш вақт намозни тарқ қиласлиқ, 3) йилда бир марта рамазон ойида рўза тутиш, 4) закот (камбағалларга ушур) бериш ва 5) ҳаж қилишдан иборат беш фарзи мұхим аҳамиятга ега. Мұхаммад (САВ) қулликни қонуний деб ҳисобла-ди, кўп хотин олишга фатво берди, савдога ва хусусий мулкчиликка ҳомий-лик қилди. Шу билан бирга янги дин дастлабки вақтларда ҳалқ оммасининг кайфияти билан ҳисоблашишга ҳар ҳолда мажбур бўлди. Закотнинг фарз қилиб қўйилиши ва судхўрликнинг бирмунча чекланиши бунинг ёрқин далилидир.

Дастлабки вақтларда Маккадаги қурайш аристократияси Мұхаммад (САВ)га ниҳоятда душманлик кўзи билан қаради. Мұхаммад Макка-нинг азалдан бери давом етиб келаётган урфодатларининг илдизига болта ураётгандек, Каъбанинг аҳамиятини гумон остида қолдираётгандек туюлган еди. Қурайшлар пайғамбарнинг ўзини ва унинг барча муридларини ўлдирмоқчи бўлишди. Мұхаммад (САВ) Маккадан қўшни Ятриб шахрига кўчиб ўтишга мажбур бўлди; Ятриб ўша вақтда Макка билан рақобат қиласди. Бу воқеа ерамизнинг 622 йилида юз берди.

Мұхаммад (САВ)нинг Ятрибга кўчиши (арабчасига «ҳижрат») ислом тарихида бир ера бўлиб, мусулмонлар ўз ҳисобини мана шу ерадан бошлади. Шундан кейин Ятриб шахри Мадинат-ун-Наби, яъни «пайғам-бар шахри» деб атала бошлади. Мадинада Мұхаммад (САВ) мўминлар - «Аллоҳ бандалари»нинг катта жамоасини тузди («ислом» деган сўз «банда» демакдир). Мадинадалик даврида ҳам Мұхаммад (САВ) билан Макка ўртасида ниҳоятда душманлик муносабати давом етди. Мадинага ҳамда иттифоқчи бадавий қабилаларга суяниб туриб, Мұхаммад (САВ) қурол ку-чи билан маккаликларни ўз ҳокимиятига бўйсундирди. Макка аристократияси охир-оқибатда ён беришга мажбур бўлди. Макка аристократияси ис-лом динини ва Мұхаммад (САВ)нинг еътиборини тан олди. Лекин Мұхаммад (САВ) ҳам Макканинг диний устунлигини, Каъбанинг ва ундаги қора тошнинг муқаддаслигини еътироф етиб, ҳар бир мусулмон Маккага ҳаж қили-

ши шарт, деб еълон қилди. Бу билан Мұхаммад (САВ)нинг янги диний ташкилоти қурайш зодагонларининг сиёсий таъсирини ҳам тан олди. Ҳақиқат-да, арабларда турли араб қабилаларини битта қилиб бирлаштирган давлат дини теократик шаклда ташкил топа бошлади. Макка зодагонлари ва бадавий қа-билаларнинг бошлиқлари бу янги давлатда ўзларининг ҳукмронлик мавқеини кенгрөк, умум Арабистон доирасида мустаҳкамлаб олиш имконига ега бўлди. Мұхаммад (САВ) вафот етгандан кейин, орадан кўп ўтмай, ислом байроғи остига бирлашган араб қабилалари Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, Византия, Ерон ерларини истило қила бошлади.

Шундай қилиб, турли араб қабилаларининг бирлаштирилиши натижасида ягона араб давлати ташкил топади. Бу давлат теократик - динга таянган давлат бўлиб, қулдорлик тузумининг емирилиши билан феодал давлат сифатида пайдо бўлди. Мұхаммад (САВ) вафотидан кейин Абубакр (632-634 йил-лар), Умар (634-644 йиллар), Усмон (644-656 йиллар), Али (656-661 йиллар) ҳукмронлик қилишган. Бу халифалар келиб чиқишли жиҳатидан Мұхаммад (САВ)нинг қариндошлари ёки яқин дўстлари еди.

Ислом таълимоти бўйича Мұхаммад (САВ) Аллоҳнинг ердаги ноиби, унга умманинг йўлбошчиси деган унвон ҳам Аллоҳ томонидан берил-ган. Бундан кейин ҳеч ким Аллоҳнинг ердаги ноиби бўлиши мумкин емас. Ундан кейин фақат ўринбосарлар, меросхўрлар, яъни халифалар бўли-ши мумкин еди. Юқоридаги тўрт халифа худди шундай меросхўрлар еди. Халифалар ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимият бошлиғи еди. Конун чиқа-риш, ижро етиш, суд ҳокимияти ҳам уларга тегишли еди. Ушбу тўрт халифалар исломда «хулафо ар-рошидин» («тўғри йўлдан борган халифалар»), диндор-лар ўртасида **чорёрлар** деб аталган.

Абубакр Мұхаммад (САВ)нинг сафдошларидан, унинг қайнотаси (Ойшанинг отаси) бўлиб, йирик савдогар еди. Унинг даврида Ироқ ва Сурия босиб олинган, сосонийларга (633 йил), византияликларга қарши (Фаластин ерларига, 634 йил) қўшинлар юборилган ва Арабистонда ислом мусатаҳ-камланган. У ўзи ҳукмронлик қилган икки йил ичida ридда номли араб қабиласининг кучли ва хавфли қўзғолонига дуч келган. У ўлими олдидан кенгаш чақириб ўзининг яқин сафдоши Умарни (634 йил) васият йўли билан ўзига ворис етиб тайинлаган.

Умар халифалиги даврида Сурия, Фаластин, Миср, Ироқ ва Ероннинг катта қисми босиб олинган ва Араб халифалигига

қўшилган. У давлат аппаратини анча мустаҳкамлаган, солик тизимини тартибга солган, давлат хизматчилари ва ҳарбий бошлиқлар маошини аниқ белгилаган, босиб олинган мамлакатларда, шаҳарларда арабларнинг ҳарбий лагерларини, улардан кейинчалик Басра, Шероз, Қоҳира ва бошқаларни вужудга келтирган. Айнан шу даврда янги мусулмон йил ҳисоби - ҳижрий йил календари жорий етилади. Ислом анъанасида Умар ҳукмронлиги даври исломнинг «олтин асри» деб ҳисобланади.

644 йилда халифа Умарга христиан қуллардан бири (хунарманд киши) суиқасд қиласди. У ўлими олдидан ўз атрофидаги 6 кишидан иборат кенгашга (шуурага) ўз ораларидан меросхўр сайлашни топширади. Кенгаш Мадина аҳолиси фикрини ўрганиб чиқади ва Усмонни учинчи халифа сифатида тасдиқ-лайди (644 йил).

Халифа Усмон қурайш қабиласининг умавийлар шажарасидан келиб чиқкан еди. Унинг даврида халифалик ҳудуди анча кенгайди, унинг буйру-Ғи билан Куръон матнлари тўпланди. У маккалик, айниқса умавий зодагон-ларга ҳомийлик қиласди, қариндош ва яқинларига давлат мансабларини ва катта-катта ерларни, хазина маблағларини бўлиб беради. Натижада норозилик келиб чиқади ва биринчи халифа Абу-Бакрнинг ўғли Абдулло ибн Бақр раҳбарлигига (656 йилда) ўлдирилади.

Шундан сўнг, 656 йилда Мадинадаги масжитда мусулмонларнинг улкан жамоаси - уммада Мухаммад пайғамбарнинг яқин қариндоши (амакиваччаси ва қизи Фотиманинг ери) Али халифа етиб сайланган. Лекин умавийлар унинг ҳокимиятига бўйсунмадилар. Улар ески араб қабилалари қонунларига биноан, Усмоннинг ўлими учун қонли ўч олишни талаб қиласдилар. Бу харакат тез орада Алига қарши мухолифиятнинг асосий шиори бўлиб қолади, унга Суриянинг умавийчи ноиби Муовия бошчилик қиласди. У янги халифани тан олиш ва унга бўйсунишдан воз кечади ҳамда 658 йилда Дамашқда ўзини халифа деб еълон қиласди. Али тахт учун курашда Ғалаба қозонолмай, умавийлар билан келишишга кўнади. Али ўз давлат пойтахтини Мадинадан Ироқнинг Куфа шаҳрига кўчиради. Алининг муроса-сизлик сиёсатидан норози бўлган унинг тарафдорларидан бир қисми (хорижий-лар) суиқасд уюштириб, 661 йилда уни ўлдирадилар. Шу билан халифаликнинг «республика даври» деб аталган давр, яъни тўрт халифа даври тугайди.

Муовия Сурия ҳокими етиб тайинлангандан сўнг араблар истилоси на-тижасида егалари ташлаб кетган ерларни, Сосоний

шаханшоҳлари ва Византи-я императорларининг мол-мулкларини қўлга олади. Ҳижоздаги отасидан қол-ган мулкни ҳарбий асиirlар кучи билан обод қилади. Асоратга солинган халқ-ларнинг ички ишларига аралашмай, фақат солиқлар йиғиш билан кифояланади, жойларда бошқариш ишларини маҳаллий амалдорларнинг ихтиёрида қолдиради. Шунинг учун улар уни қўллаб-қувватлаган едилар. Али вафотидан кейин (661 йил) Муовия араб зодагонлари ва ҳарбий бошлиқлар ёрдамида яго-на ҳукмрон бўлиб қолади.

661-685 йилларда Умавийлар Али тарафдорлари ва хорижийлар устидан Fa-лаба қозониб, ҳокимиятни мустаҳкамлаб оладилар. Умавийлар қатор исло-ҳотлар ўтказадилар. Улар халифа лавозимини наслий мулкка айлантириш, давлат хазинаси ва давлат архивини ташкил этиш, араб тилини давлат тили деб еълон қилиш, янги олтин, кумуш ва мис пул чиқариш, ҳарбий-денгиз флоти ташкил этиш ва бошқалар бўйича ислоҳотлар ўтказадилар. Бу тадбирлар Умавийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий ҳамда иқтисодий қудратини оширади. Пойтахт Дамашқда қолади. Сурия халифаликнинг марказий вилоятига айланади. Умавийлар даврида араблар шарқда Афғонистон, Хиндистоннинг шимолий қисми, Арманистон, Грузия, Мовароуннаҳр, Фарбда Шимолий Африка ва Испаниянинг катта қисмини босиб оладилар.

Умавийлар сулоласи ВІІ асрнинг ўртасидаги Абу Муслим бошчили-гидаги қўзғолон натижасида ағдарилади. Халифалик таҳтига Мұҳаммад (САВ)нинг амакиси авлодларидан бўлган Абул-Аббос ас Саффоҳ (749-754 йиллар) ўтиради ва умавийлар авлодларидан бўлган шаҳзодаларни қириб таш-лайди ва аббосийлар сулоласига асос солади. Пойтахт Дамашқдан Боғдод-га қўчирилади. Бу сулола 750-1055 йиллар мамлакатни идора етади. Маҳдий (775-785 йиллар), Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар), Амин (809-813 йиллар), Маъмун (813-133 йиллар), Муътасим (833-842 йиллар) ва бошқалар даврида Араб халифалиги марказлашган қудратли давлатга айланади, унда феодал му-носабатлар ривожланади. Араб халифалигига Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка давлатлари киради. Феодаллар зулми кучайиши билан халқ қўзғолон-лари (масалан, Бобак, Муқанна, Сумбод Муғ бошчилигидаги қўзғо-лонлар, зинжийлар қўзғолони ва бошқалар) кўтарилади. IX асрнинг II ярми-дан бошлаб Аббосийлар халифалигининг марказий ҳокимияти заифлаша боради, халифалик таркибида бир неча мустақил давлатлар вужудга келади. Ма-салан, 756 йилда Испанияда Қуртоба амирлиги ташкил топади,

Шунингдек, тез орада Африкада Ағлабийлар давлати, Хурросон ва Мовароуннахрда Со-монийлар давлати, Марокаш, Тунис, Миср ва бошқа мустақил давлатлар ву-жудга келади. 945 йилда Ерондаги Бувахийлар Боғдодни егаллаб, Аббосий-ларни сиёсий ҳокимиятдан четлаштирадилар.

1055 йилда Боғдодни салжуқий турклар босиб оладилар ва ўз бошлиқ-лари Тўғрулбекни султон деб еълон қиласидилар. Сўнгги халифа Мустасимни мўғуллар хони Хулагу қатл еттирган еди (1258 йилда). XIB асрда Араб халифалиги ҳудуди Амир Темур томонидан босиб олинган. XV асрда халифалик Усмонли Турк салтанати таркибиға қўшиб олинади.

2. Ижтимоий ва давлат тузуми хусусиятлари

Ijtimoiy tuzum Араб халифалиги ижтимоий муносабатларининг ўзига хос томони шунда еди, унда Европа мамлакатларидағи сингари табақавий тузум ўрнатилмади. Бу ерда аҳоли турли гурӯҳлари ҳуқуқий ҳолатидаги ўзига хос белги, аввало, мусулмонлар ва номусулмонлар, араблар ва бошқа ҳалқларниң ҳуқуқлари нотенг ва ҳар хил еканлигida еди.

Шариат бўйича кишининг ҳуқуқий лаёқати ва муомила лаёқати исломга еътиқод қилишига қараб белгиланади. Мусулмонлар мусулмон бўлмаганлар олдида имтиёзли ҳисобланадилар. Ҳатто қул мусулмонлар еркин номусулмонларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Шариат бўйича фақат мусулмонлар тўла ҳуқуқий лаёқатга ега. Бошқа диндаги-лар - **зиммийлар** тўла ҳуқуқий лаёқатга ега емас, деб ҳисобланганлар. Улар ислом давлатида мусулмон ҳукмдорларга тобе бўлиб яшаётган ҳамда ўзларининг жон ва мол-мулкларини мусулмонлар омон сақламоқлари учун ҳар йили жузъя солиғи (жон солиғи) тўлаб турмоқни ўз зиммаларига олган Ғайридинлар ҳисобланади. Бу ҳақда Куръони каримнинг 10-пора 9-Тавба сурасининг 29-оятида шундай дейилади: «Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром санамай-диган, ҳақ дин (Ислом)ни дин қилиб олмайдиган аҳли китоблардан иборат киши-ларга қарши - то улар ўзларини паст тутиб, жизъя (солик)ни нақд бермагун-ларича - жанг қилингиз!». Жузъя солиғини тўлаб турган зиммийлар ва мусулмон ҳукмдорлар ўртасидаги аҳдга қатъий риоя қилмоқлари ҳақида Пай-Ғамбаримиз ҳадисларини Имом Ал-Бухорий ҳам ўз китобида

таъкидлаб ўтган⁹². Зиммийларга нисбатан шариат нормалари фақат улар мусулмонлар билан битимлар тузганларида ёки жиноят содир етганларида қўлланилган. Бошқа ҳолларда, улар ўз фуқаролик-хуқуқий алоқаларига амал қилганлар ва ўз оқсоқоллари томонидан идора етилганлар. Зиммийларнинг мусулмонлар билан никоҳга кириши, мусулмонлардан қулларга ега бўлиши тақиқланган. Улар от миниб юра олмаганлар, фақат хачир ва кичкина ешакларда юришлари мумкин еди. Улар учун яна бошқа бир қанча тақиқ ва чекловлар мавжуд еди.

Араб халифалигида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши қулларнинг хуқуқий ҳолатига ўз таъсирини ўтказди. Мусулмон хуқуқи бўйича қуллар хуқуқ субекти бўлмаган, лекин улар ўз хўжайинларининг розилиги асосида еркин кишилар билан шартнома тузишлари ва мулкка егалик қилишлари мумкин еди. Мусулмон қулни еркинликка қўйиб юбориш савобли иш ҳисобланган.

Еркинликни қўлга киритган қуллар **мавалилар** деб юритилган. Лекин уларнинг еркинлиги тўлиқ бўлмаган. Уларнинг аҳволи худди Рим империя-сидаги еркинликка чиқарилган қулларнинг аҳволига ўхшаш еди. Мавалининг мол-мулки у ўлгандан сўнг меросхўри бўлмаса, хўжайинига ўтган. Араблар томонидан босиб олинган халқларнинг аҳолиси ҳам мавалилар деб аталган.

Davlat tuzumi Араб халифалиги ривожланишининг юқоридаги учта бос-қичида унинг давлат тузуми ўзгариб борган. Араб халифа-лигининг биринчи даврида ҳали давлат тузумида ҳарбий демократия қолдиқлари сақланиб қолган бўлса, Умавийлар ва Аббосийлар даврида халифалик деспотик давлатга айланган.

Муҳаммад (САВ) Маккадаги мухожир шериклари (мухожиран) ва мадиналик тарафдорлари (ансор) билан биргаликда ўзининг «Умма» номли диний-сиёсий жамоасини тузади. Бу айни вақтда араблар ерида қон ёки қариндошлик ришталари асосида емас, балки Гоя асосида ижтимоий ташкилот вужудга келтиришга дастлабки уриниш бўлган еди. Бунинг учун шундай универсал қонун талаб қилинадики, у ана шу вақтгача кучли ёки айёр раҳбарлик иродаси устунлик қилган жамиятда янгилик киритиши лозим бўлган қабила йўлбошчиси бўлиши ёки ердаги қандайдир бошқа мавжудотдан юқори туриши керак еди.

⁹² **Qarang:** Imom al-Buxoriy. «Hadis». 1997, 2-jild, 346-bet.

Мұхаммад (САВ) ташкил етган диний-сиёсий жамоа ана шу Гоя-га асосланған бўлиб, унда Аллоҳ давлат мустақиллигининг тимсоли, пайғамбар еса умрбод унинг қонуний ноиби ва ердаги олий раҳбар еди. У ана шу тариқа ўз қиёфасида якка ҳокимга хос обрў-еътиборнинг барча жиҳатлари-ни бирлаштирган еди. У Аллоҳнинг қонун-қоидаларини диндорларга унинг сўзлари билан еълон қилган ва уларни ўзи ва бошқалар олдида муваффақиятли ҳимоя қила олган еди. Шу билан бирга Мұхаммад (САВ) қавмлари учун мутлақ қонун чиқариш ҳокимиятини ўзида сақлаб қолди.

Бундан ташқари у олий судя, чекланмаган ижроия ва ҳарбий ҳоки-миятга ҳам ега еди. Забт етилган қабилалар унга итоат етишарди; у билан шахсан иттифоқлар тузиларди. У аҳолининг бутун-бутун гуруҳларини қувғин қилиш ёки уларни жазолаш тўғрисида қарор қабул қилас, солиқлар ва уларни ундириб олиш усулини белгилар, қўлга киритилган ўлжаларини еркин тасарруф етарди. Мұхаммад (САВ)нинг обрўсига доир мутлақ ва шахсий ўзига хос хусусияти шундан иборат едики, у ҳеч қандай кенгаш, ҳеч қандай мажлис ўтказишни жорий етмаганди. Айтилишича, гарчи у ўз теварак-атро-фидагилардан тез-тез маслаҳат сўраб турса-да, лекин уларда ҳамиша тасо-дифий ва асло мажбурий бўлмаган тавсиялар ҳақида гап борарди.

Бутун ижтимоий ҳаёт масжид қонунлари доирасида борарди. Бу ерда барча муҳим давлат ва жамоа масалалари ҳал етиларди, оммавий ибодатлар ўтказиларди, ҳукмлар еълон қилинар ва ижро етиларди. Масжидга тиркаб қурилган суффа деб аталувчи зал ўқув хонаси, масjid ҳовлиси еса ҳарбий ўқув майдони ҳисобланарди.

Гарчи ёш мусулмонлар жамоасида руҳонийлар табақасини белгилаш ва иерархия ташкил етишдан воз кечилган бўлса-да, пайғамбар (САВ) тез орада ўз ваколатининг бир қисмини шахсий вакилларига топширишга мажбур бўлди. Ана шу вакилларининг малака мезонлари уларнинг ҳалол-поклигига, мусулмон ҳуқуқини (шариатни), бунга қадар исломга кўрсатиб келинган хизматларни билишда еди. Мұхаммад (САВ) ҳарбий бошлиқлар, солиқ йиғувчилар, ҳарбий бойликни сақловчиларни, шунингдек, ҳужжатлар, мулкий ҳолатларни қайд етиш, солиқ тушумларини баҳолаш, хатлар юборишни тартибга солиш учун котиблар ҳам тайинларди.

Биринчи мусулмон давлати Мадина шаҳрида ташкил етилгандан кейин бир неча йил ўтгач, у Арабистон ярим оролининг катта

қисмини қамраб ол-ди, шундан кейин пайҒамбар вилоят бошқаруви тизимини жорий қилди. Ҳар бир вилоят тепасида енди валий турарди, у жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлаш, шунингдек, суд вазифаларини ҳам адо етиши лозим еди. У айни вақтда имом ҳам бўлиб, диндорларнинг оммавий ибодатларига бошчилик қиласди. Мұхаммад (САВ) ҳаёт вақтида мусулмон давлатчилиги шакшубҳасиз теократик (диний ҳукмронликка асосланган) еди. Аллоҳ давлатининг олий мус-тақил ҳокими сифатида Мұхаммад (САВ) Аллоҳнинг буйруқларини амалга оширувчи, етказувчи сифатида майдонга чиқди. ПайҒамбар (САВ) шу тариқа ўзининг фармойишларини ифодаламасдан, худо амрини бажарувчи сифатида иш кўрди. Бу лавозимда у икки вазифани адо етди: биринчидан, пайҒамбар вазифасини бажарди, яъни Аллоҳ сўзларини диндорларга етказиб турди; иккинчидан, Аллоҳнинг ердаги дунёвий ноиби вазифасини бажарди.

ПайҒамбар (САВ)нинг Мадинада барпо етилган давлатдаги давлат-ҳуқуқ вазияти ўзига хос даражада ноёб ва бетакрор еди, чунки Мұхам-мад (САВ) Қуръон бўйича «Аллоҳнинг пайҒамбари ва пайҒамбарнинг сўнггисидир». Шу тариқа пайҒамбар лавозимини мерос қилиб олишга аввал бошданоқ барҳам берилган еди: Мұхаммаднинг (САВ) Аллоҳ вакили сифа-тидаги мавқеи фақат унинг шахси билан чекланган бўлиб, унинг издошлари-га мерос бўлиб ўтиши мумкин емас еди. Лекин мусулмон диншунослари-нинг фикрича, Мұхаммад (САВ) ердаги ноиб, яъни мусулмонлар жамоаси - умманинг йўлбошчиси сифатида бевосита Аллоҳнинг ўзи томонидан еълон қилинган бўлиб, уни фақат халифалар мерос қилиб олишлари мумкин еди.

Арабча - «халифа» сўзи меросхўр ёки ўринбосар маъносини билдиради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халифалар (арабча «хиллаафа») ди-ний вазифалар билан бирга дунёвий вазифаларни ҳам бажаардилар. Шу тариқа улар давлат ва ҳукумат бошлиғи, шунингдек, мусулмонлар оммавий ибодатларининг маънавий раҳбари ҳам едилар.

Дастлабки тўрт халифа мусулмон аслзодалари орасидан сайланган еди. Мұхаммад (САВ) пайҒамбарнинг ворислари хисобланган бу халифалар ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга (қонун чиқарувчи, ижрочи, суд ҳоки-миятига) ега бўлдилар. В.В.Бартолд ана шу ўзига хос хусусиятни қайд етар екан, бундай деб ёзган еди: фақат «диндор халифалар давридагина Араб

халифалигидаги олий ҳокимият теократик хусусиятни сақлаб қолди. Бу даврда халифалар фақат диний раҳбарлар (имомлар) емас, шу билан бирга ҳарбий раҳбарлар (амир ал-мўминин) ҳам бўлиб қолдилар».

Шундай қилиб, халифалик теократик шаклдаги давлат бўлиб, унга халифа - пайғамбар (Аллоҳнинг ердаги «вакили» ва «ноиби») нинг ўринбосари бошчилик қилган.

Халифалар ўз қўлостиларида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни жамлаган едилар. Шундан кейинги даврларда маҳаллий мусулмон ҳукмдор-лари томонидан халифалардан мустақил, алоҳида ҳокимиятнинг ўзлаштири-лиши, араб ҳуқуқшунослари таълимотига кўра динга асосланмаган ҳукм-ронлик еди.

Халифа ҳокимиятининг манбаи қуйидагилар еди:

биринчидан, унинг мусулмон жамоаси томонидан сайланиши;
иккинчидан, халифанинг васият тариқасидаги фармойиши.

Вақт ўтиши билан ҳақиқий реал ҳокимиятни қўлга киритиш усули одат-даги усулга айланди. Халифа ўз талабини қондирган ҳар қандай кишини ўзи-га ворис қилиб тайинлаши мумкин еди. Халифалар халифа оиласининг аъзоларидан бири бўлиши ёки ҳеч бўлмаса Муҳаммад (САВ) пайғамбарнинг уру-Ғидан, яъни қурайшлар қабиласидан чиқсан бўлиши, камолатга етган ва танасида камчиликлар бўлмаслиги лозим еди. Бундан ташқари муайян ахлоқий сифатларга ва маълумот даражасига ҳам ега бўлиши талаб қилинарди.

Дастлабки тўрт халифа (ал-хулафо ар-рошидин) давлати кейинги асрларда ҳам анъаначилар сифатида, ҳам ислоҳотчилар сифатида, ҳам мусулмонлар-нинг идеал давлати сифатида мақталиб, унда давлатнинг дастлабки мусулмон тушунчаси соғ маънода амалга ошган еди. Мусулмонлар орасида, ҳатто, екстремистик қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга биноан ушбу халифалар-дан кейинги даврдаги қонуний мусулмон идора усулининг мавжудлиги умуман инкор етиларди. Уларнинг ҳукмронлик даври Абубакрнинг 632 йилда биринчи халифа лавозимига ўтиришидан то 661 йилда тўртинчи халифа Алининг ўлдирилишига қадар бўлган қарийб ўттиз йилни қамраб олди.

Мусулмон таълимотида дастлабки тўрт халифа ҳеч вақт бегуноҳ кишилар деб қаралмаган, лекин улар бирмунча еътибор ва ишончга сазо-вор бўлишган. Тахмин қилишларича, уларнинг соғлиги ва Муҳаммад (САВ)га садоқати унинг фармойишларига қарши

қаратилган хатти-ҳаракатлардан сақланишлариға ёрдам берган. Борди-ю, улардан бирортаси бу фармо-йишларни билмасдан бузган тақдирда пайғамбарнинг бошқа мухлислари уларни түғрилаган бўлишарди. Бунинг оқибати шу бўлдики, тўрт халифанинг тажрибаси, худди Мұхаммад (САВ)ники каби тез орада қонун тусини олган едики, кейинги мусулмон ҳукмдорларида одатда бу нарса бўлмаган.

Мұхаммад (САВ) ва унинг тўрт бевосита меросхўрлари даврида му-сулмон давлати вужудга келиши тонготарида ҳукуматнинг шакли ва вазифа-лари ўзига хос бир қатор хусусиятларга ега бўлдики, улар кейинроқ мусул-мон давлати ҳуқукий тизимининг янада ривожланишини белгилаб берди. Ке-йинчалик ташқи кўриниши жиҳатидан бу давлатга Ерон ва Византия таъсир кўрсатган бўлса ҳам улар муҳим ўзгаришларга олиб келмади. Лекин му-сулмон давлатининг аниқ ифодаси: монархия шакли, ҳукмдорнинг шахсий обрўси ва давлат бошқарувининг теократик характерда бўлиши намоён бўлиб қолди.

Бу ердаги мутлақ ҳокимият маъносидаги монархия шакли лавозим егасининг мумтозлигидан, шунингдек, халифанинг ўз лавозимини умрбод егаллаганидан ва сайланганидан кейин ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан давлатдаги бирдан-бир обрўли киши еканлигидан келиб чиқар еди.

Фақат битта мусулмон жамоаси - умма мавжуд бўлиб, шунга монанд жамоанинг йўлбошчиси ҳам битта еди. Айтишларича, Абубакрни сайлаш олдидан давлат бошлиғи қилиб муҳожир ва ансор вакилларидан иборат кенгаш белгилашга интилиш бўлган еди. Асосан Умарнинг бу Фояга қарши кескин норозилик билдириши туфайли бу интилишни бостиришга муваффақ бўлинди. Умар ердаги мустақилликни ҳеч қандай шахс ёки ташкилот билан бўлиб ўтирмади, вали (вилоят ҳукмдори) лар, ҳарбийлар ёки вақт ўтиши билан халифалик ҳудудида таъсис етилган ташкилотлар халифа обрўси асосида ва унинг раҳбарлигига иш олиб бордилар. Тўғри, дастлабки халифалар кўпинча ўз атрофидаги кишилардан маслаҳат сўрашарди, лекин бу унинг шахсий обрўси чекланишини англатмас еди.

Халифанинг нуфузи муайян ҳудудга егалик қилишга ёки ҳукмрон-ликка емас, балки ишонч, умумий манфаатлар каби шахсий хислатларга, ўзининг ягона ва ноёб асосчи билан алоқасига асосланарди: халифа худо-нинг марҳамати билан ҳукмрон бўлган

еди. У ўша вақтда одат тусига ки-риб қолган ва мавхум давлат обрўсига асосланган дунёвий унвонлардан бирортасига ега емасди. У халифа, демак, пайғамбарнинг ноиби едики, бу нарса фавқулодда шахсий унсурни англатарди. Халифа сўнгра том маънода-ги имом, яъни диний маросимлар ўтказилаётган вақтда умманинг йўлбошчиси, ниҳоят «диндорларнинг бошлиғи (амир ал-мўминин)» деган расмий унвонга ега бўлди, у биринчи навбатда ҳарбий-сиёсий ишларга, иккинчи навбатдагина халифаликнинг диний ишларига еътибор қиласди.

Амир унвони аслида маҳсус ёки фавқулодда хусусиятга ега емас. «Амар» - буюрмоқ сўзининг илдизи ва «амир» ибораси буйруқ беришга, айниқса ҳарбий ишда буюриш ҳуқуқига ега бўлган ҳар қандай шахсни билдиради. Масалан, ҳар бир ҳарбий бошлиқ амир бўлган. Мусулмон давлати-даги ҳарбий бошлиқ фақат диндорларга қўмондонлик қилганлиги сабабли уни кўпинча амир ал-мўминин деб аташган. Тез орада бу унвон, чамаси, иккинчи халифа Умар давридан бошлаб мусулмонлар жамоаси - умманинг олий раҳбарига берилган. Демак, бу ҳол юз бергач, у тезда расмий тус ол-ган ва бу унвонга фақат халифа ҳақли бўлган. Халифа классик мусулмон давлати назариясига кўра соғ диктаторлик вазифасига ега деб қабул қилинса ҳам, ўз ҳукмронлигини умма номидан емас, балки бевосита Аллоҳ номи-дан олиб борган.

Мусулмонлар жамоаси - умма олдида ўз асосчиси вафотидан кейин бошқаришни қай тарзда давом еттириш лозимлиги ҳақидаги муаммо келиб чиқкан. Араб халифалигининг тақдирин ана шунга боғлиқ еди. Қуръон ҳам, ҳадислар ҳам, унинг вафоти тафсилотлари ҳам Муҳаммад (САВ) ҳокимияти кимга мерос бўлиб ўтиши ҳақида ҳеч қандай йўл-йўриқ бермаган еди. Бунинг устига пайғамбарнинг еркак меросхўри ҳам йўқ еди.

Шарқдаги одат бўлиб қолган катталик ҳуқуқи ёки биринчи бўлиб туғилган киши ҳуқуқи бўйича мерос тариқасида тартибга солишга аввал бошданоқ ўрин йўқ еди. Конуний меросхўр сифатидаги шахс, унинг тайинланиш белгилари мутлақо ноаниқ бўлиб қолаётган еди. Шу сабабли Муҳаммад (САВ)нинг вафотидан кейин унинг сафдошлари орасида ҳоки-миятнинг мерос бўлиб ўтиши масаласида ўз-ўзидан бир неча гурухлар пайдо бўлди. Бир томонда «муҳожирлар» туришарди. Улар Муҳаммад (САВ) мансуб бўлган қурайшлар қабиласи орасидан меросхўрни илгари су-риш ҳуқуқини қўтариб чиқдилар, бу қабила аъзолари Маккада унинг макту-бини

биринчи бўлиб қабул қилган едилар. Уларга «ансор» лар қарши туришар-ди, улар ҳам мерос кўрсатиш ҳуқуқига даъво қилдилар, чунки пайғамбар-га Мадинада бошпана берган едилар, бусиз ислом чуқур илдиз отиши мум-кин емасди. Ниҳоят, шиаларнинг⁹³ фикрича, меросхўр танлашда тасодифлар-га ва сайлов йиғилишининг қаршилик қўрсатишига йўл қўйиш Аллоҳнинг ва Муҳаммаднинг иродаси бўла олмайди: бу лавозим шунинг учун ало-ҳида мўлжалланган шахсга, яъни Муҳаммад (САВ)нинг амакивачаси Алига тегишли бўлиши лозим.

Мазкур қарши курашда муҳожирларлар Фалаба қозонишиди. Улар Абу-бакрни меросхўрликка номзод қилиб кўрсатишга розилик билдиришиди. Пайғамбар мухлислари орасида у анча нуфузли ва ҳурматли шахс бўлиб, Муҳаммад (САВ)ни ва унинг таълимотини еътироф қилган дастлабки маккаликлар-дан бири еди. Муҳаммад (САВ) бошқалардан кўра унга алоҳида еътибор берарди. Абубакр Мадинадаги биргаликда ўқилган оммавий ибодатларда ва 631 йилда Маккага қилинган биринчи сафарда пайғамбарнинг ўринbosари бўлиши мумкин еди. Бундан ташқари, у Муҳаммаднинг қайнотаси (Ойшанинг отаси) еди

Ҳал қилувчи йиғилишда Файратли Умар ўзини давлат ҳокимиятини мерос қилиб олиш учун енг муносиб киши деб атади ва мутлақо кутилма-ганда Абубакрни ёқлаб чиқди: у тўс-тўполон авжига чиқсан бир вазият-да Абубакрнинг қўлини қўтарди, уни ноиб ва Аллоҳнинг юборган вакили деб еълон қилди. Шундай қилиб, халифалик исломнинг қўргина жараёнлари ва муассасалари каби кутилмаганда пайдо бўлди. Айни вақтда Абубакрни сайлаш вақтида шундай усулга рухсат етилдики, бу усул исломгача бўлган даврда қабила йўлбошчилари бўлган сайдларни⁹⁴ сайлаш чоғида татбиқ етилган еди. Икки томонлама принсип: халифанинг қурайшлар қабиласидан келиб чиқиши ва унинг расмий равишда сайланиши сунналар исломида халифалик билан боғлиқ бўлиб қолди.

Мусулмон тадқиқотчиларининг фикрича, Абубакр оғир, вазмин, соғ виждонли ва хайриҳоҳ киши бўлиб, ўзига мерос тариқасида

⁹³ **Shiyalar** dastlabki uch xalifani xalifalikni barbod qiluvchilar deb bilishadi va faqat Alini va uning qonuniy avlodlarini payg`ambar merosxo`rlari deb tan olishadi. Hozir ularning markazi Eron bo`lib, bu yerda XVI asrdan boshlab islam davlat dini hisoblanadi. Yamandagi zayditlar va ismoiliylar shiyalarning mazhablari hisoblanadi.

⁹⁴ **Sayid** islamdan oldingi Arabistonda hukmronlikning birdan-bir mashhur tipi edi. Qabila boshlig`i, ba`zi birlashgan qabilalar boshlig`i bo`lgan sayidning obro`sni shaxsiy hurmatga asoslangan bo`lib, u qisman uning kelib chiqishiga, lekin avvalo yo`lboshchining shaxsiy xislatlariga, saxiyligiga, qabiladoshlari muomala qilishda chapdastligiga bog`liq edi. Uning huzuriga qabiladoshlari istalgan vaqtida kelaverar, hech qanday rasmiyatichilik uni va unvonini himoya qilmas edi.

топширилган давлат ҳокимияти Масъулиятига ҳушёрлик билан қатъий муносабатда бўлган. У ўзи ҳукмронлик қилган икки йил ичида ридда номли араб қабиласининг хавфли қўзғолонига дуч келади. Қўзғолон пайғамбар вафотидан кейин қўтарилигдан еди. Афтидан, Абубакрнинг халифаликни ва ислом таълимотини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, давлат ичидағи тартибни мустаҳкамлаш учун вақти қолмас еди.

Халифа Умар мусулмон араб давлатини бошқаришни бу давлатнинг ўрнатилиши ҳал қилувчи ўн йиллиги даврида егаллади. Америка олими Ф. Хитти уни Муҳаммаддан (САВ) кейин иккинчи мусулмон диний давлатининг асосчиси деб атайди. Умар ёш давлатнинг йирик истилолари даврида оддий маъмурий ташкилотлар тузиш ташаббускори бўлади. Гарчи бу ерда воқеалар ва тузилмалар анча секинроқ ва изчиллик билан содир бўлган бўлса-да, мусулмонлар тарафдорлари бу айнан халифа Умарнинг хизмати деб қўрсатадилар. Иккинчи халифа ҳукмронлик қилган даврда ислом динини шун-дай даражага қўтаради, бу давр кейинги йиллар учун исломнинг олтин асли бўлиб қолади.

Халифа Умар дастлабки мустақил судяларни тайинлайди, ҳарбий нафақа-лар учун ҳарбий-қабила рўйхатларини жорий етади. Ҳарбийларнинг бундай рўйхатини тузиш халифа томонидан қарор қабул қилинганидан кейин зарур бўлиб қолди. Мазкур қарорга биноан босиб олинган барча ер мулклари ҳарбийлар ўртасида тақсимланиши керак бўлса ҳам, муайян ер солиғи тўлаш йўли билан аввалги егалари мулки бўлиб қолади. Давлат бу пулларни олиб, ўз жангчиларига нафақа тўлади. Бу худди ер майдонларидан олиандиган товон - рентадан иборат еди. Бу арабларда катта янгилик бўлиб, улар бошқаришдаги расмиятчилик усуllibарига унчалик ўрганмаган едилар. Сўнгра солиқ тизими ҳисоблаш ва ҳисобот тузиш ишларини талаб қиларди. Шу сабабли босиб олинган ерларда уларни жорий этишда маълум даражада Византия ва Ерон тажрибаларидан фойдаланилди. Давлат ерлари ва егалари ташлаб кетган ерлар бундан мустасно бўлиб, улар бевосита давлат мулки бўлиб қоларди.

Ҳарбий-сиёсий губернаторлар - валилар билан бир қаторда (улар лавозим-га ўтириш вақтида тегишли вилоятнинг бош масжидида ўзларининг тайин етилганлигини ўқиб беришлари лозим еди) халифа ҳарбий вилоятга молиявий бошқарув - аамила учун яна араб вакилини ҳам тайинларди. Барча даро-мадлар жамоат хазинасига

ёки давлат хазинаси (байт-ал-мол) га тушарди, уларга дастлабки халифалар патриархал тарзда бошчиллик қилишарди.

Шундай қилиб, халифа Умар ўз ҳукмронлиги даврида ягона мусул-мон давлати душманларининг қаршилигини узил-кесил бостирди ва Арабистон-да сиёсий бирлик ўрнатди. Айниқса, у ягона давлат аппаратини ташкил етишга интилди ва мамлакатда давлат бошқарувига асос солди. Халифа Умар суднинг вазифаларини маъмурий вазифалардан ажратди. Маҳаллий ҳокимиятлар судларнинг қарорига аралашиб ҳуқуқига ега емас едилар. Олий судялар халифаларнинг ўзлари ҳисобланар еди, жойларда қозилар судя ҳисобланарди, улар халифа томонидан тайинланиб, кенг ваколатларга ега едилар. Улар суд ишларидан ташқари васийлар тайинлашар, меросни тақсимлар ва вакф мулкини бошқарадилар⁹⁵.

Халифа Усмон қурайш қабиласининг умавийлар шажарасидан келиб чиқкан еди. Араб тарихчиларининг таъкидлашича, у чинакам олижаноб ва шахсан тартиб-интизомли киши еди, қолган соҳаларда еса унга ўз ўтмиш-дошининг Ғайрат-шижоати етишмасди. У анча заиф бўлиб, ўз уруғи аъзоларининг тайзиқига қарши туролмасди, шу сабабли ўзи ҳукмронлик қилган даврда давлатнинг анча юқори лавозимларини, шу жумладан вилоят бошлиqlари лавозимини умавийлар уруғининг аъзолари егаллаб олишди.

Шу тариқа, халифа Умарнинг ҳарбий-аристократик маъмурияти унинг кучсиз меросхўри даврида ҳаддан ташқари сунъий бир маъмуриятга айла-ниб қолди. Умавийлар ҳукмрон тайинлашда ески араб танлов принципини вали-аҳдлик (меросхўрлик) принципи билан алмаштиришга еришдилар. Бу қоидани халифаликнинг кейинги даврида бутунлай бекор қилишнинг имкони бўлмади. Сайлов қоидаларига риоя қилиш халифа ҳаётлигига унинг ўзи тайинлаган ўринbosарга вилоят беклари ва давлатнинг обрўли кишиларини қасамёд қилдириш орқали таъминланарди.

Меросхўрлик ҳақида аниқ бир қонуннинг йўқлиги ҳар хил тортишув-ларга сабаб бўларди. Ҳукмдор ота ўзининг енг иқтидорли ўғлини валиаҳд етиб тайинлашга ҳаракат қиласарди. Бунда яқин қариндошчилик принципи ёт еди, бу еса ёши улуғ еркак катта мавқега ега бўлишига асосланган араб қабилавий принципларига зид келарди. Шу сабабли бўлса керак, 14 та умавий халифалардан фақат

⁹⁵ **Qarang:** Хайдарова М.С. Формирование и развитие мусульманского права в Арабском халифате в VII-VIII вв./Quyidagi kitobda: историко-правовые исследования: проблемы и перспективы. М., 1982, 33-бет.

тўрттасигина ўз ўҒилларининг валиахд (меросхўр) бўлишига еришганлар.

Умавийлар даврида давлат мутлақлаштирилган монархияга айланиб кетди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, араб тилида бизнинг умумий сиёсий-ҳуқуқий тушунчамиздаги «давлат» сўзи йўқ. Ибн Халдун (1333-1406 йиллар) киритган «даула» атамаси ҳозирда «давлат» деб таржима қилинса ҳам аслида «сулола» тушунчасига мос келади. Бу «қироллик», «қирол ҳокимияти» тушунчаларини англатувчи «мамлакат» сўзида ҳам ифода-ланган бўлиб, арабларнинг ўзига хос тафаккурини кўрсатади.

Давлат тепасида халифа турган. Унга бутун олий ҳокимият тегишли бўлган. У қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимииятига ега бўлган. У Аллоҳнинг ердаги вакили ва ноиби, Муҳаммад (САВ)нинг меросхўри, шунингдек, имом, яъни худонинг ердаги сояси ҳисобланган.

Араб халифалигининг биринчи даврида халифа сайланиб қўйиларди. Ума-вийлар ва Аббосийлар даврида халифа лавозими наслдан наслга мерос бўлиб ўтадиган бўлган. Халифа чекланмаган ҳокимииятга ега бўлган деспот бўлиб қолган. Араб халифалигининг биринчи даврида халифалар халқдан алоҳи-да бўлишга интилмаган ҳамда камтарона ҳаёт тарзида яшаган бўлса-лар, Умавийлар ва Аббосийлар жуда бой-бадавлат турмуш кечирганлар. Умавийлар ва Аббосийлар даврида анча кенг ва нисбатан марказлашган бюрократик аппарат ташкил етилган.

Халифа хузурида **кенгаш (шуура)** мавжуд бўлиб, муҳим ишларни ҳал етган. Халифанинг бевосита маслаҳатчиси ва ўринбосари, давлатда олий ман-сабдор шахс буюк министр бўлган. **Министр** сўзи арабча «оҒирликларни кўтарувчи» деган маънони билдиради. Буюк министр жуда катта ваколатлар-га ега еди. У халифа номидан давлатнинг даромад ва харажатларини назорат қиласарди, амирлар ва сultonларни тайинларди. У халифа девонхонаси бошлиғи ҳисобланган.

Саройдаги муҳим мансаблар: халифанинг шахсий қўриқчилари бошлиғи; политсия бошлиғи; бошқа мансабдор шахсларни назорат қилувчи маҳсус чиновник еди.

Давлат бошқарувининг марказий органлари **девонлар** деб аталарди. Араб халифалигида қуйидагича **девонлар** бўлган:

Ал-Хирож - ички ишлар девони - молиявий ишларга раҳбарлик қилган;

Ал-Хатим – халифа котибияти ҳисобланган, яширин политсия функциясини ҳам бажарган;

Ал-Расоил - почта ва алоқа девони бўлган. У почталарни ва давлат юкларини етказиб берган. Йўлларни, карвон-саройларни, қудуқларни қури-лишига раҳбарлик қилган;

Ал-Мустақилот - ҳарбийларни ҳисобга олиш, армияни таъминлаб туриш вазифасини бажарган.

Ушбу кўрсатилган тўртта девон Умавийлар даврида ташкил топган бўлса, Аббосийлар даврида девонларнинг сони 10 тага етади. Девонларнинг бошида халифа томонидан тайинланадиган министр, яъни **раис-уд-девон** турарди. Юқоридагилардан ташқари, давлат хазинаси - **байт-ал-мол** ҳам бўлиб, у закот солиғини ундириш ишларини юритган.

Армия. Дастреб армия асосан араб қабилаларидан ва кўнгиллилардан иборат еди. Халифа олий бош қўмондон ҳисобланган. У армиядаги олий ва ўрта даражадаги зобитлар таркибини тайинлаган ва алмаштириб турган. Ума-вийлар даврида ҳар бир вилоятнинг ўз қуролли кучлари (отрядлари) мавжуд еди. Уларга тегишлича вилоят ҳукмдорлари бошчилик қилган. Аббосийлар даврида улкан ҳарбий денгиз флоти ташкил этилади.

Суд. Суд ҳокимияти маъмурий ҳокимиятдан ажратилган еди. Маҳаллий ҳокимиятлар судяларнинг қарорига аралашиб ҳуқуқига ега бўлмаганлар.

3. Мусулмон ҳуқуқининг асосий белгилари

**Musulmon
huquqining
vujudga kelishi
va rivojlanishi
xususiyatlari**

Жара-ёни араб давлатчилигининг ВІІ аср бошида (Му-ҳаммад салоллулоҳу алайхи вассаллам даврида) кичик патриархал диний жамоадан ВІІІ-Х асрларда (Умавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик импе-риялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Араб халифалиги қулагандан сўнг мусулмон ҳуқуқи нафақат ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди, балки янада тараққий етди,

Мусулмон ҳуқуқи - шариат ўрта асрлардаги Шарқ сивилизатсиясининг жуда катта ҳодисаси ҳисоб-ланади. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин халқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш

худди ўрта асрларда Европадаги рим ҳуқуқи сингари «иккинчи маротаба дунёга келди» ҳамда ўрта асрлардаги Осиё ва Африканинг у ёки бу даражада исломни қабул қилган қатор мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси ва бошқа кўпгина давлатлар)нинг амалдаги ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи араб истилосидан бошлаб то «қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар муҳим ўзгаришларсиз ҳаракатда бўлди.

Мусулмон ҳуқуқи ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўпгина елементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган худудларда ҳаракатда бўлган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ҳам ўзида акс еттирди. Масалан, Умавийлар даврида анча вақтгача сосонийлар, Ерон, Византия ҳуқуқи, шунингдек, қисман рим ҳу-қуқи ҳам ахён-ахён қўлланиб турилган. Ушбу манбалар ташки жиҳатдан ва кам аҳамиятли бўлса-да, шариатнинг вужудга келишида маълум ўрин тутган. Лекин уларнинг оқибатда шариатнинг бетакрор ва ўзига хос, муста-қил ва оригинал ҳуқуқий тизим сифатида шаклланишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шариатнинг вужудга келишида Мұхаммад (САВ) ва дастлабки тўртта халифанинг ўрни жуда катта. Айнан уларнинг ҳукмронлиги даврида мусул-монархининг муқаддас китоблари - Қуръони Карим ва Сунна тузилган.

Шариат енг бошидан (ҳеч бўлмагандан дастлабки икки аср мобайни-да) қатъий диний ҳуқуқ сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ислом ило-ҳиёти билан узвий қўшилиб кетди, унинг диний ахлоқий тасавурларини му-жассам етди. Ислом таълимоти бўйича диний қоидалар ягона Аллоҳ томони-дан ўрнатилган тартиб ва қонунларнинг бир қисми бўлиб, улар билан бутун дунё бошқарилади. Айниқса дастлабки вақтларда умуман шариат ва хусусан фиқх⁹⁶ ўзида фақат ҳуқуқий қоидаларни акс еттирибина қолмай, диний таъ-лимот ва ахлоқни ҳам мужассам етган. Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажralмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундан топган едики, унинг нормалари (қоидалари, кўрсатмалари) бир томондан ижтимоий («кишилик») муносабатларни тартибга солган, иккинчи томондан еса - мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини (ибодат қилишларини) белгилаган. Шариатнинг илоҳий тадбиқ етилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг,

⁹⁶ **Fiqh** (arabcha – tushunish) – musulmon huquqshunosligi, shariat qonun-qoidalarini ishlab chiqish bilan shug`ullanuvchi islam ilohiyotining bir sohasi.

шунингдек, қонуний ва но-қонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган. Масалан, ҳукуқнинг ислом илоҳиёти билан чамбарчас боғлиқлиги шариатда ҳар бир мусулмон томонидан содир етилиши лозим бўлган ёки мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларнинг аниқ кўрсатиб қўйилганлигига ўз ифодасини топган. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки турга – ха-ром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик шариат шаклланиб тугалланган давр-да бешта тоифа вужудга келган. Булар: *фарз* - бажарилиши қатъий мажбурий ҳи-собланган хатти-ҳаракатлар; *мандуб (суннат)* - мажбурий емас, лекин маъ-қул, лозим деб ҳисобланган нормалар; *мубоҳ* - ихтиёрий нормалар; макруҳ-номаъқул нормалар; *харом* - қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар. Булар ҳам ҳукуқий, ҳам ахлоқий-диний мазмунга ега бўлиб, мажбурлов-чи, тавсия қилувчи, йўл қўювчи, лекин жазо қўлланилмайдиган, тақиқ-ловчи ва жазога лойик (мустаҳик) характеристидир. Шариат меъёрларининг илоҳийлиги, олдиндан белгилаб қўйилганлиги мусулмонлар иродасининг шариат доирасидаги еркинлиги ҳақидаги масаланинг жуда катта аҳамиятини белгилай-ди. Бу масалага дуч келган диний-фалсафий мактаблар турли мавқени егалла-ган. Масалан, шундай мактаблардан бири - жабарийлар⁹⁷ икки инсон иродаси еркинлигини бутунлай инкор етган. Улар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирова ва фаолият еркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон еса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имконияти-гагина ега, деган таълимотни илгари сурганлар.

Шариат учун, айниқса унинг ривожланишидаги дастлабки босқичларда, мусулмоннинг ҳукуқларига емас, балки унинг Аллоҳ олдидаги бурчларига еътибор бериш характеристидир. Шариатда мусулмонларнинг бундай мажбу-риятларини ўрнатувчи нормалар жуда кўп бўлиб, улар мусулмоннинг бу-тун ҳаётини (ҳар куни беш вақт намоз ўқиши, рўза тутиши, дафн маро-симларига риоя қилиши ва ҳоказо фаолиятини) белгилайди. Шариат нормалари-нинг ўзига хос хусусияти айнан ушбу нормаларнинг фақат мусулмонларга ва мусулмонлар ўртасидаги муносабатларга тадбиқ қилинишида еканлиги ҳам тасодифий емас. Илк ислом ва шариатга жамоа тузумидан ўсиб чиқсан нормалар - қоидалар хосдир. Бундай нормаларда колективчилик, раҳмдиллик, майиб-мажруҳ ва бошқа начор кишилар ҳақида Ғамхўрлик элементлари сақланиб қолган еди.

⁹⁷ **Jabariylar** (arabcha jabr qilish, majburlash degani) – VII asr oxiri va VIII asr boshida islom ilohiyotida paydo bo`lgan ilk oqim tarafдорлари.

Бироқ албатта шариатда инсоннинг худо олдида ожизлиги ҳақидаги, унга сўзсиз итоат етиши ҳақидаги тасавурлар ҳам ўз ифодасини топган. Қуръони Каримда мусулмон учун сабр-тоқат ва мўминлик зарурлиги алоҳида таъкидланади: «Сабр қилинг, Аллоҳ сабр қилувчилар билан». Шу тариқа шариатда мусулмоннинг халифага ва давлат ҳокимиятига бўйсуниш мажбурияти мустаҳкамланган: «Аллоҳга бўйсунинг ва унинг елчисига ва ораларингиздаги ҳокимият егаларига итоат етинг».

Шариатнинг дастлаб ўта илоҳий-диний характерда бўлганлиги унинг ҳу-қуқий тузилиши ва тушунчаларининг ўзига хослигини белгилаган, ақл-идрок-ка асосланган ҳуқук ижодкорлик фаолиятига тўсқинлик қилган. Бироқ, ВІІ-ІХ асрларда шариат патриархал жамоа ва қабилавий идрок қилиш доирасидан ташқари чиқиб, феодаллашаётган ижтимоий муносабатлар билан тўқнаш келган ва жуда кўп мусулмон илоҳиётчи ҳуқуқшуносларининг фаол саъи-ҳаракатлари шарофати билан тобора кўпроқ даражада ақл-идрокка асосланган ҳуқук сифатида намоён бўла бошлаган. Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг асосий ва анъанавий қоидаларини сақлаб қолган ҳолда соф юридик табиатга ега бўлган кўпдан-кўп ҳуқуқий таълимотлар ва нормалар ишлаб чиқдилар. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767 йиллар), Малик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (721-795 йиллар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767-820 йиллар), Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний ибн Ҳанбал (туғилган юни маълум емас-825 йиллар) ва бошқалар мусулмон дунёсида жуда машҳур ва нуфузли бўлганлар.

Абу Ҳанифа суннийликдаги ҳанафия мазҳабининг асосчиси ва имоми, илоҳиётчи фикҳшунослардан бири бўлиб, шариат ҳуқуқини тартибга солган, қиёсни тадбиқ етган, истиҳон (манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган хulosса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун мақбулроғи ва фой-далироғини қабул қилиш) принципини ишлаб чиқкан, маҳаллий ҳуқук норма-ларини (одатни) шариат билан келишириб қўллашни жорий етган, ҳуқуқшунос-ликка ратсионализм елементларини киритган. Ундан ёзма асарлар қолмаган, лекин айрим манбаларга кўра, у «Буюк ҳуқуқшунослик» («Ал-ғиқҳ ал-акбар») номли машҳур китобнинг муаллифи ҳисобланади.

Малик ибн Анас моликия мазҳабининг асосчиси, илоҳиётчи факих-лардан бири бўлиб, ислом диний ҳуқук тизимини ишлаб чиқишида консерватив мавқеда турган, Муҳаммад (САВ) давридаги

анъаналарни ёқлаб чиқсан, яъни «ашоб ал-ҳадис» («ҳадис тарафдорлари») оқимининг йирик намоёндаси бўлган. Унинг ягона асари - «Ал-Муваттаъ» («Оммавий», «Барчага тушунарли» маъносида) бўлиб, илк ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий суннийликдаги шофиъия мазҳаби-нинг асосчиси ва имоми, илоҳиётчи фақихлардан бири бўлиб, Маккада я-шаган, ҳадислар ва фикҳни ўргангандан, 810 йилдан Бөғоддада ўз таълимотини тарғиб қилган. Шофиъий ўз асарларида ислом ҳуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга интилган. У фикҳ асосларига тўла таъриф берган, ижмўдан фойдаланишига еътибор қилган. Унинг асосий асарлари шогирдлари томонидан «Китоб ал умма» тўплами шаклига келтирилган.

Ибн Ҳанбал ҳанбалия мазҳабининг асосчиси ва имоми бўлиб, изчил, еътиқоди мустаҳкам суннийликни ҳимоя қилган ва мұтазилийларга қарши курашган. Унинг таълимоти XVIII аср охирларида вахҳобийларнинг шакл-ланишига асос бўлган. Диний ҳуқуқ ва ҳадисшунослик соҳасидаги б жилдлик «Муснад» («Суянчик» ёки «Тиргак», Қоҳира, 1895) номли асари ҳозир-гача етиб келган.

Ўрта асрлардаги, айниқса дастлабки пайтлардаги, мусулмон ҳуқуқини тавсифловчи муҳим белгилардан бири унинг нисбатан яхлитлиги, бутунлигига еди. Унда якка худо - Аллоҳ ҳақидаги тасаввурлар билан бирга универсал характерга ега бўлган ягона ҳуқуқий тартибот ҳақидаги Фоя ҳам ўрнатилган. Дарҳақиқат, дастлаб Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳуқуқи халифаликнинг чегаралари кенгая бориши билан кўпдан-кўп янги худудларга тарқалган.

Бироқ, мусулмон ҳуқуқи аввало худудий емас, диний, масжидларга оид принцип асосида майдонга чиқсан. Ҳар бир мусулмон у қаерда, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, шариатга риоя қилиши, исломга содик қолиши лозим. Исломнинг аста-секин кенг тарқала бориши ва жаҳон динлари-дан бирига айланиши билан шариат ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизими бўлиб қолган. Шариатнинг ана шундай яхлит, бир бутун ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқиши унинг Ғарбий Европа мамлакатлари ҳуқуқидан фарқ қилувчи муҳим жиҳатлариданdir. Маълумки, Ғарбий Европа мамлакатлари-да ҳуқуқ хилма-хиллиги, бир бутун, яхлит емаслиги, ҳаракат доирасининг чекланиб қолганлиги, ички қарама-қаршиликлари ва бошқа жиҳатлари билан тавсифланади.

Шариат диний ҳуқуқ сифатида Европа мамлакатларидағи каноник (ди-ний, мұқаддас, қатъийлашған, ўннак бўлиб қолган) ҳуқуқдан ҳам фарқ қилиб, ижтимоий ва черков ҳаётининг фақат аниқ кўриниб турган соҳаларини-гина емас, балки кенг қамровли ва жуда кўп масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқади. Мусулмон ҳуқуқи-шариат даст-лаб Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида ўрнатилган бўлса, сўнгра вакт ўтиши билан унинг ҳаракат доираси Ўрта Осиё, Кавказ орти, Шимолий, шунингдек, қисман Шарқий ва Ғарбий Африкага, Жанубий-Шарқий Осиёдаги қатор мамлакатларга ҳам тарқалади. Бироқ ислом ва шариат-нинг бунчалик шиддат билан ва кенг тарқалиши унда тобора маҳаллий хусу-сиятларнинг намоён бўлишига олиб келган. Бунинг натижасида алоҳида ҳуқуқий институтларни шарҳлаш ва муайян ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда шариатда турли қарама-қаршиликлар, турли хил ёндошувлар юзага келган. Оқибатда еса исломда турли оқимлар, йўналишлар ва мазҳаблар пайдо бўлган.

**Islomda
oqimlar va** Исломда юз берган дастлабки ихтилофлар натижасида ВІІ асрнинг ІІ ярмида унда учта асосий йўналиш - хориҷийлар, суннийлар, шиалар пайдо бўлган.

Хориҷийларнинг бўлиниши жараёнида пайдо бўлган секталар (азрақи-лар, суфрийлар ва бошқалар) асосан ўрта асрларда йўқолиб кетиб, улардан фақат биттаси ибодийлар (абодийлар) ҳозиргача сақланиб қолган.

Суннийлик енг катта йўналиш бўлиб (ҳозир жаҳондаги барча мусул-мөнларнинг қарийб 92,5 фоизи суннийлар ҳисобланади), у исломда доимо ортодоксал оқим деб танилган, унда ихтилофлар кам бўлган. Шунинг учун суннийлик ичидан ўрта асрларда ҳеч қандай секталар ажралиб чиқмаган. Янги даврда ваҳҳобийлар диний-сиёсий оқими ва ўзига хос секта сифатида шаклланган аҳмадия суннийликдан ажралиб чиқкан.

Шиалик суннийликка нисбатан оппозитсияда турган йўналиш бўлиб, ундан бир неча секта ажралиб чиқкан. Ўрта асрларда ёқ йўқолиб кетган қарматлар, ҳашшошийлар, ҳозиргача мавжуд бўлган имомийлар, исмои-лийлар, друзлар, зайдийлар, нусайрийлар (алавийлар), алплохийлар, янги даврда пайдо бўлган бобийлар, беҳоийлар шулар жумласига киради.

Суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва 4 та фик-хий: ҳанафий, шофиъий, моликий, ҳанбалий ва 2 та ақидавий:

ашъарий ва моту-ридий мазҳабларидан иборат. Суннийлар мазҳаблар бўйича куйидаги нис-батда бўлганлар: ҳанафийлар - 47 %, шофиъийлар - 27 %, моликийлар - 17 %, ҳанбалийлар - 1,5 %. Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 % ни ташкил қилади.

Суннийлик тарафдорлари асосан Осиё ва Африкада (Покистон, Бангла-деш, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфази атрофидаги араб мамлакатларида, Сурия, Ливан, Иордания, Ерон, Шимоли-Шарқий ва Ғарбий Африка мамлакатлари-да), шунингдек, МДҲда (Озарбайжон ва Тожикистоннинг тоғлик раёнлари-дан ташқари), Болгария, Югославия, Албания, Кипр ва АҚШда я-шайдилар. Суннийлик ВІІ асрнинг II ярмида Арабистонда вужудга келган. ВІІІ-ХІІ асрларда араб халифлигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида ис-ломда йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон билан бирга Суннага ҳам еътиқод қиласидар, унда Мұхаммад (САВ) ва халифа Али билан бир қаторда, шиалик тарафдорлари рад етадиган дастлабки халифалар (Абубакр, Умар, Усмон) ҳам еътироф етилади. Суннийликда тўртта диний-хукуқ мазҳаби мавжуд, улардан ҳанафия билан шофиъия МДҲда яшайдиган мусулмонлар орасида ҳам тарқалган еди.

Суннийлик билан исломдаги иккинчи асосий йўналиш-шиалик ўртаси-даги ҳокимият масаласида (суннийлик халифалик ҳокимияти, шиалик еса имо-мат тарафдори), айрим диний маросим ва анъаналар (масалан, аzon, мутъа, шахсей-ваҳсей, маздийлик ва ҳ. к.)да бирмунча тафовутлар бор.

Шиалик (арабча - гуруҳ, тарафдорлар) - исломдаги асосий йўналишлар-дан бири. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан сунний-лиқдан кейинги ўринда туради. Шиалик ВІІ аср ўрталарида халифа Али ҳоки-мияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. ВІІ аср охирларига келиб Ирқ ва Еронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Шиалик диний-акидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда ортодоксал суннийликдан маълум даражада фарқ қиласиди. Диний-сиёсий ҳаракат сифатида халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган феодал гуруҳларнинг, ҳатто ҳалқ қўзғолончиларининг мафкураси сифатида ҳам майдонга чиққан. Шиалик аслида феодал гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар қўпинча диний

таълимотдаги тафовут шаклида намоён бўлган. Шиалик тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни илоҳий деб еътироф етадилар, лекин халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Шиалик илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Суннада еса улар фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўпламлар тузганлар. Бу тўпламлар Ахбор деб аталган. Суннийликда еътироф етилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага еътиқод қилинади. Булардан тўрт ақида-тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини еътироф етиш), адл (адо-лат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайГамбарлик), иёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши) асосан суннийлик таълимоти билан мос тушади. 5-ақидага еътиқодда имомат (имомлар ҳокимиятини еътироф етиш) суннийликка ва сунний халифалар ҳоки-миятига зидлиги билан фарқ қиласи. Шиалик Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан барча халифаларни хусусан дастлабки халифалардан Абубакр, Умар ва Усмонни ҳоки-миятни зўравонлик билан егаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874-878 йиллар орасида 7-9 ёшида бедарак йўқолган (тариҳий нуқтаи назардан ўлдирилган бўлиши керак) 12-имом Мұҳаммад Ал-Маҳдийни улар «яши-ринган» ҳисоблайдилар, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутадилар (имоми маҳдий, имоми охир замон). Бу тасав-вур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат нормаларида ҳам шиалик билан суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани «муқаддас» ҳисоблаш билан бирга, имом Ҳусайнга мотам тутадилар, «шахсей-ваҳсей» деб ном олган мотам юришлари ўтказадилар ва ҳ.к. Ўрта асрларда шиалар ичида ҳам ихтилофлар юз берган, натижада қўп секталар вужудга келган. Булардан зайдийлар, исмоилийлар, ибодийлар ва бошқалар ҳозир ҳам мавжуд. Шиалик ҳозирги вақтда Еронда ҳукмрон еътиқод ҳисобланади. Ироқ, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиалар бор. Шиалик МДҲ ҳудудида Озар-байжон ва Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) диндорлар орасида сақланиб келмоқда.

Хорижийлар (арабча - ажралиб чиққан, исёнчи) - исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида ВІІ асрнинг II ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али Муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳукуқига ега деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Кўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Алини келишувчанликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Алига ҳам, умавийларга ҳам баббаравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ та-рафдорлари хорижийлар деб ном олган. Хорижийлар ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Ерон аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар ҳамда меҳнаткашлар оммаси манфаатини ифодалаган демократик ҳаракат бўлган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаганлар. Хорижийлар «диндан қайтган», йўқотилишга маҳкум етилган деб еълон қилинган сиёсий ва Ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлганлар. Хорижийлар таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунади; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки негр бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл етилади. Хорижийлар фикрича, еътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим. Еътиқод, гуноҳкор кишиларни жазо-лаш масалаларида хорижийлар муржиъийларга қарама-қарши турганлар. Кейин-чалик хорижийлар бир неча майда гурухларга бўлиниб кетган. Умавий ва аббосий халифалар ВІІ-ІХ асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Бунинг натижасида хорижийларнинг кўпи қириб ташланди, уларнинг қолганлари Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга келтиридилар. Хорижийлар халифаликдаги кўпгина қўзғолонларга (Зинжийлар қўзғолони, Абу Муслим қўзғолони ва бошқалар) қатнашганлар. Ҳозирги даврда хорижийларнинг ибодийлар сектаси мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва бошқаларда), Уммон, Танзанияда учрайди.

Исломдаги оқимларнинг яна бир тури мазҳаблардир. Масалан, сунний-ликда фиқхий мактаблардан ташқари ақидавий муаммоларда ихтилофга бор-ган кўпгина мазҳаблар мавжуд бўлиб, улар асосан қўйидаги масалаларда бир-биридан фарқ қиласи:

1. Олий ҳокимият (имомат, халифалик) масаласи.
2. Имон масаласи.
3. Қазо ва қадар масаласи.

4. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласи.

5. Фикҳий масалалар.

Ҳар қандай мусулмон фикҳда маълум мактаб ёки мазҳабга (масалан, ҳанафийликка) еришган бўлиши билан бир вақтда, имон масаласида ашъарий, қадр масаласида қадарий, сифат масаласида еса мұтазилий ақидасида бўлиши мумкин. Албатта, бундай ҳолат кам учрайди. Чунки йирик мазҳаб соҳиблари нафақат бир йўналишда, балки исломдаги барча масалалар бўйича ўз фикрларини билдирганлар.

Азалдан бизнинг юртимизда фикҳда ҳанафийлик, ақидада еса мотуридийлик мактаби таълимотларига риоя қилиб келинган. Лекин усул (асосий масалалар)да юқорида санаб ўтилган суннийлик мазҳаблари орасида ҳеч қандай ихтилоф, қарама-қаршилик йўқ. Уларнинг барчаси «тўғри йўлдан борувчи» деб еътироф етилган.

Ҳанафия - суннийликдаги диний-хукуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳани-фа ан-Нуъмон асос солган. Ундан кейин ҳанафия мазҳаби қонунлари Абу Юсуф Ёкуб (795 йилда вафот етган), Мухаммад аш-Шайбон (804 йилда вафот етган), Қудурӣ (1036 йилда вафот етган) ва бошқалар асарларида иш-лаб чиқилган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда, жумладан, Хурросон ва Мовароуннахрда ҳам кенг ёйилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» тўплами бу мазҳабнинг асосий шариат қўлланмаси сифатида танилган. Ҳанафия қонунлари нисбатан юмшокроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини еътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган. Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бу мазҳабга киради, у бир неча араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой мусулмонлари орасида тарқалган. Уларда ҳанафия мазҳаби қонунлари ҳозирги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган.

Шофиъия - суннийликдаги Шофиъий асос солган диний-хукуқ мазҳаб-ларидан бири. Сурия ва Мисрда шаклланган, ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия мусулмонлари ора-сида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва жа-нубий араб сultonликларида шофиъия мазҳаби диний-хукуқ тизимиға амал қилувчилар бор. Ижтимоий тараққиёт натижасида мусулмон мамлакатларида шариатнинг, жумладан, шофиъия мазҳабининг

хуқуқий ҳаётдаги таъсири борган сари сусаймоқда. Шофиъий ўз асарларида ислом хуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга интилган.

Суннийликдаги яна бир диний-хуқуқ мазҳаби - Малик ибн Анас томо-нидан асос солинган маликиядир. Бу мазҳаб тарафдорлари хуқуқ масалалари-да ратсионалистик методга, яъни Қуръон ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳол-да талқин қилишга қарши чиққан. Бу мазҳаб дастлаб Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги даврда маликия мазҳаби Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва айрим бошқа мамлакатларда мусул-монлар ўртасида таъсирга ега.

Ва ниҳоят, суннийликдаги сўнгги мазҳаб ҳанбалия бўлиб, унга Ибн Ҳанбал асос соглан. Ҳанбалия хуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўри-нишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда еркин фикр юритишга қаршилиги, шариат нормаларига риоя етишга қатъий мутаассиблиги билан ажралиб турган. Ҳанбалия тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни еркин талқин етиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Факат IX асрнинг II ярмида Араб халифалигига мұтазилийларнинг ва илохиёт соҳасидаги ҳурфиқрлиликнинг таъқиб остига олиниши туфайли ҳанба-лия бир мунча кенгайган ва XII асрда мустақил мазҳабга айланган. X асрда Еронда, XI асрдан XV асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалия из-дошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда ҳанбалия тарафдорлари яна камайиб кетган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар ҳанбалия тараф-дорлари бўлиб чиққан. Ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач (XX асрнинг 20-йиллари), ҳанбалия қонунларини амалга киритганлар. У ерда ҳанбалиянинг илк исломга хос қонунлари ҳозир ҳам амал-да. Ҳанбалия Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда кам учрай-ди. Исломда иккинчи йўналиш - шиалик ҳам исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий каби мазҳабларни⁹⁸ ўз ичига олади.

4. Мусулмон хуқуқининг манбалари

Мусулмон хуқуқининг манбаларини асосан шариат, урфодатлар ва қо-нунлар ташкил етади. «Шариат» сўзи арабча «шариа», «шаръ» сўзларидан олиниб, унинг луғавий маъноси «сувга олиб

⁹⁸ Ushbu mazhablar haqida batafsil ma'lumotlar quyidagi manbada berilgan: Xusniddinov Z. Islom: yo'nalishlar, mazhablar, oqimlar.-T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2000.

борадиган йўл» деганидир. Шунга асосан, шариат тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик деган маъно-ларни англатувчи ислом диний ҳуқуқ тизимиdir. Шариатда соф ҳуқуқий маса-лалардан ташқари ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси беришган. Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Феодализм ривожланиши билан мусулмонларнинг барча ижтимо-ий-иқтисодий ва диний фаолиятини қамраб оловчи қонунлар мажмуасига ехти-ёж туғилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонун-ларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиниб Қуръон ва сунна, кейинча-лик ижмў ва қиёс олинган. Улар фикҳда шариат манбалари (усул ал-фикҳ) деб еътироф етилган. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI-XII асрларда тугал шаклланган. Исломдаги суннийлик ва шиалик шариат тизимлари ўртасида маъ-лум тафовут бор. Суннийликда ҳанафия, маликия, шофиъия ва ҳанабалия мазҳабларининг, шиаликда еса жаъфария мазҳабининг ўзига хос ҳуқуқий тизимлари мавжуд. Шариатда давлат (халифалик) ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари беришган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Шариатда, шунингдек, намоз ўқиши, рўза тутиш, закот, ҳаж кабилар ҳақида батафсил кўрсатмалар келтирилган. Шариатнинг асосий манбалари тўртта ва улар ўзгармас ҳисоб-ланади. Булар: Қуръони Карим, Сунна, ижмў ва қиёсдир.

Қуръони Карим⁹⁹ Ислом динининг асосий муқаддас китоби ва шариат-нинг енг асосий манбаидир. Ислом анъанасида Қуръон Аллоҳ томонидан Мухаммад (САВ)га 23 йил мобайнида (610-632 йилларда) ҳазрати Жаброил алайҳиссалом (фаришта) орқали ваҳий қилинган (уқтирилган) деб тасаввур ети-лади. Қуръоннинг нозил қилиниши - ваҳий қилиб юборилиши муқаддас рама-зон ойининг йигирма еттинчи куни кечаси бошланган ҳисобланади. Шу сабабли бу муқаддас деб рўза тутилган куннинг йигирма еттинчи кечаси еса «Лайлут ул-Қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳий қудрат намоён бўлган табаррук кеча деб улуғланади. Қуръонда ислом ақидалари, еътиқод талаблари, ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари, инсон учун фойдали бўлган, ҳар бир замонга тўғри келадиган ҳикматли ҳукмлар ёзилган. Қуръони Каримнинг асосий мавзуси ва мақсади, башарият тафаккурида

⁹⁹ Qur'on – arabcha «qiroat», o'qimoq degani.

кўпхудоликка барҳам бериш, якка худоликни тарғиб қилиш ва Ислом динини ўрнатишдир.

Куръони Карим 30 пора, 114 сурә (тизма, қатор), 6236 оят (модда) дан иборат бўлиб, оятларнинг 63 фоизини Маккада, 37 фоизини Мадинада нозил бўлган оятлар ташкил етади. Яъни Куръон сураларининг 95 таси 13 йил давомида Макка шаҳрида нозил бўлиб, маккий суралар деб аталади. Улар-нинг 19 таси еса 622 йили юз берган хижратдан кейин 10 йил давомида Мади-нада нозил бўлиб, мадиний суралар деб қабул қилинган. Бу икки туркум су-раларнинг фарқи шундаки, маккий суралар асосан еътиқод, ибодат масалалирини, олий ахлоқий фазилатлар, еркин фикрлик, илму тафаккурни тарғиб қилишга қаратилган бўлса, мадиний суралар фикҳий аҳком-муомалот, жиноят ва жазо, оммавий муносабатлар, сулҳу тинчлик битимлари ва мусулмонлараро бош-қа алоқаларга тегишилидир. Маккий сураларда кўпинча «Ей иймон келтир-ганлар, Ей мўминлар!» деб, мадиний сураларда еса асосан «Ё айюҳан-нос!» (Ей одамлар, ей инсонлар) деб хитоб қилинади. Маккий суралар 4780 та, мадиний суралар 1456 та оятдан иборат.

Куръони Карим Муҳаммад (САВ) томонидан ҳали жам қилиниб тўп-лам ҳолига келтирилмаган еди. Муҳаммад (САВ) вафот етган вақтларида Қуръон айрим саҳобалар, томонидан тўлиқ ёд олиниб, хурмо пўстлоқлари-га, тоштахталарга, тери ва бошқа нарсаларга ёзиб қўйилган еди. Ўша даврларда Қуръонни тўлиқ ёд олган саҳоба-ҳофизлардан 30 киши санаб ўтилган. Расулуллоҳнинг 24 нафар ваҳий ёзувчи котиблари бўлган. Улар навбатма-навбат котиблиқ қилганлар. Расулуллоҳ мирзалидан енг машҳури Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳудир.

Пайғамбаримиз даврларида Қуръонни тўплам, муқоваланган қилиб жам қилинмаганлигининг сабаби Расулуллоҳ Қуръоннинг баъзи ҳукмларига, унинг тиловатига бекор қилувчи оятлар ёки янги оятлар келиб қолармикан деб кутганлари дадир. Зотан, илк Қуръон муфассири ҳам ҳазрати пайғамбарнинг ўзларидир.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиши-ёзиши билмаганлар. Ул зот Қуръон оятларини фаришта Жаброил алайҳиссаломдан ешишиб, ёд олганлар ва саҳобаларига айтиб, ўқитиб, уқтириб турганлар, улар еса ёдлаб олганлар. Пайғамбаримиз ҳар бир янги оятни қайси сурага тааллуқли еканлигини ва ўрнини котибларига (мирзаларга) тушунтириб турганлар. Қуръон суралари шу тариқа 23 йил давомида ёд олинган ва хатга битилган.

Куръони Карим тарихан уч маротаба жам қилинди. Биринчи маротаба пайГамбар алайхиссалом замонларида, иккинчи маротаба халифа Абу Бакр сиддик даврларида ва учинчи маротаба халифа Усмон зуннурайн вақтида Бани Қурайш қироатида (лаҗжасида) жамланиб китоб ҳолига келтирилди.

Куръони Карим халифа Усмон фармонига мувофиқ қадимги арабча күфий хатда 6 нусха ёзилган, уларнинг ҳар бирига қурайш қироати билан ўқишни ўргатадиган бир қори-ҳофизни қўшиб, Макка, Шом, Басра, Куфа ва Мадина ахли учун юборилади, охиргисини ҳазрати Усмон ўзлари учун олиб қолганлар. Ана шу олтинчи китоб устида ҳазрати Усмон шаҳид бўл-дилар ва муборак қонлари Қуръон саҳифаларига тўкилди.

Халифа Усмон Қуръонини Амир Темур Басрадан Самарқандга келтир-ган. 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори Константин фон Кауфман буйруғи билан подполковник Серов уни Петербургга олиб кетди. Мазкур Қуръон иккала тарафига ёзилган 353 варрақ - 706 бетдан иборат бўлиб, вараклари бўйи 68 сантиметр, ени еса 53 сантиметр.

1917 йилдаги давлат тўнтарилишидан кейин Петербургда тузилган Ислом шўроси ташкилотининг талаби ва Лениннинг 1917 йил 9 декабрда чиқарган фармойиши билан мазкур Қуръон Россия мусулмонлариға қайтариб берилди: Уфа диний назорати қароргоҳида 1924 йилгача сақланди. Шундан кейин Туркистондаги тарихий музейлар ва қадимий осори атиқалар иши бўйича ту-зилган қўмитанинг талабномаси ва Россия ҳукуматининг қарорига асосан ҳалифа Усмон Қуръони 1924 йил 18 августда зўр тантана билан Туркистон мухтор жумҳурияти пойтахти - Тошкентга олиб келинди ва ҳозиргacha авай-ланиб, еъзоланиб кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Қуръонда фиқҳий-ҳуқуқий масалаларга кўпинча умумий ёндошилади ва айрим масалалар батафсил ёритилади.

Машҳур фиқҳшунос олим доктор Муҳаммад Юсуф Мусо қўрсати-шича, фиқҳий-ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда қуйидаги соҳаларда оятлар мавжуд:

1. Ҳаққуллоҳ (амалий ибодатлар) бўйича - 140 та оят.
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият ва бошқалар бўйича) - 70 та оят.
3. Муомалот ёки фуқаролик ҳуқуқи (олди-сотди, ижара, гаров, қарз, ширкат ва бошқалар) бўйича - 70 та оят.
4. Жиноят ва жазо бўйича - 30 та оят.

5. Суд, суд жараёни, гувоҳлик ва унга бўғлиқ бўлган масалалар бўйича - 20 та оят.

6. Бизнинг фикримизча, давлат ҳуқуқи соҳасида - 3 та оят, ҳаммаси бўлиб Қуръонда - 333 та ҳуқуқий оят бор.

Қуръоннинг бошқа илоҳий китоблардан асосан фарқи шундан иборатки, у фақат ақидавий-Ғоявий манба емас, балки қонун ва ахлоқ ҳуқуқидир¹⁰⁰.

Шариатнинг иккинчи манбай-суннанинг, арабча - луғавий ифодаси одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи бўлиб, йўл-йўриқ деган маънони билдиради. Сунна Муҳаммад (САВ)нинг сўзлари, қилмишлари, хатти-ҳаракатлари, феъл-лари (амаллари), тасдиқлари, шунингдек, саҳобаларнинг сўзлари ва амаллари мажмуидан иборат. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадисларда берилган. Ҳадислар тўпламига сунна дейилади. Ҳадис арабча ривоят деган сўздан олиниб, ис-лом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Ҳадислар Му-ҳаммад (САВ)нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар-дан иборат. Қуръон мусулмонлар жамоасининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларини қамраб ололмаганлиги сабабли ВІІ аср охири-ВІІІ аср бошида ҳадислар ёзила бошланди ва аста-секин тизимга солинди. ИХ-Х аср бошларида диндорлар орасида обрўли деб танилган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: Муҳаммад Ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» китоби, Муслим Ан-Нишопурийнинг «ас-Саҳиҳ» тўплами, Ибн Можанинг «Сунан» тўплами, Абу Довуд Ас-Сижистонийнинг ҳадислар тўплами, Муҳаммад Ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ ал-Кабир» китоби, Ан-Нисонийнинг «Сунан» китоби-дир. Улардан «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» кўпроқ еъзозланади. Сунна ва Пайғамбар ҳадисларини тўплаб, уларни жаълий (тўқима) ҳадислар-дан ажратиб олишда ватандош алломамиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бу-хорий (810-892 йиллар) унутилмас ҳисса қўшиб, ўзидан абадий ва барҳаёт асарлар қолдирган.

Кўпгина ҳадислар Қуръоннинг турли қоидаларини тушунтириб беради ва тўлдиради. Улар кўплаб амалий масалаларни ҳал етишда муҳим ижтимоий вазифани бажаради, улар ҳақида Қуръонда ҳеч нарса айтилмаган ҳолларда еса ҳадисларнинг аҳамияти янада ортади. Лекин ҳадислар Қуръонга зид келиб қолган тақдирда улар манба кучига ега бўлмайди.

¹⁰⁰ **Qarang:** Juzjoniy A.SH. Islom huquqshunosligi, hanafiy mazhabi va O'rta Osiyo faqihlari –T.: «Toshkent islam universiteti», 2002.-64-65-betlar.

Дастлабки халифаларнинг анъаналари ҳуқуқий характерда бўлиб, пай-Ғамбаримизнинг обрўси билан боғлиқ бўлиб келган. Х асрдан буён юқорида кўрсатилган суннийликнинг олтида машҳур тўплами ўзида ислом анъаналарини акс еттиради. Ислом амалиёти уларни шунчалик мувофиқлаштир-ганки, олтида тўпламнинг ҳаммасида мавжуд бўлган ҳадислар муқаддас қонун мавқеига ега бўлган. Исломшунос олим А.Ш.Жузжоний кўрсати-шича, тадқиқотчи олимлар суннани икки хилга бўлиб ўрганадилар.

Биринчи тури шундан иборатки, агар бирор иш қилинмоқчи бўлса, яратувчи томонидан ўша ишга тегишли фикр ПайҒамбарга ваҳий (ваҳий хафий) орқали билдирилади. ПайҒамбар уни ўз сўзлари орқали баён етади. Бу ваҳий, яъни ваҳий хафийнинг Қуръон оятлари, яъни ваҳий жалийдан фарқи шундаки, Қуръон оятларининг ҳам мазмуни ва ҳам ибораси Аллоҳ томо-нидан Жаброил орқали юборилган.

Суннанинг иккинчи тури шундан иборатки, агар мусулмонлар ҳаётига тегишли бирон бир янгилик киритилиши зарурияти сезилса-ю, лекин уни ҳал қилиш учун ПайҒамбарга ваҳий келмаса, бундай ахволда ПайҒамбарга ижтиҳод қилиш, яъни масалани ўз шахсий фикри асосида ечиш учун рухсат берилган ҳисобланади. Ўшандা ПайҒамбар ижтиҳод қилиб, сахобалар билан кенгаш - маслаҳат ўтказиб, бир тўхтамга келади.

Агар ПайҒамбар томонидан қабул қилинган қарор ёки билдирилган фикр Қуръон оятлари орқали тўҒриланса, Сунна (ПайҒамбарнинг сўзи ёки қабул қилган қарори) Қуръон орқали мансух бўлади, яъни бекор қилинади ва Қуръоннинг ҳукми амалга оширилади.

ПайҒамбар Қуръоннинг шарҳловчиси сифатида ташриъ қилиш (қонун тузиш) ваколатига ега еди. Шунга биноан Сунна ташриъ (қонун тузиш) бўйича икки асосий соҳани қамраб олади:

Биринчи соҳа Қуръонда зикр етилган ҳукмларни ёритиб беришга боғлиқ.

Иккинчи соҳа Қуръонда кўрсатилмаган ҳукмларнинг ташриъи (қонуний шаклда чиқариш)га боғлиқ бўлади.

Биринчи соҳада Сунна Қуръони карим оятларини тафсир ва таъвил қила-ди, мужмал ибораларини изоҳлайди, умумий маънога ега бўлганини хослаш-тиради, мутлақ, яъни қайду шартсиз оятларга қайду шарт қўяди. Баъзи бир мисоллар: Қуръонда «**Намоз ўқинглар**» деб амр қилинган, лекин на-мозларнинг сони, сифати,

ракъатларининг сони Пайғамбар томонидан белгилаб ва амалда кўрсатиб берилган. Бу еса мужмал иборани изоҳлаш мисолидир.

Умумий мазмунни хос қилишга мисол: Қуръонда мерос тизими уму-мий маънода келган, лекин Пайғамбар мерос олиш учун дин бирлиги, қотил бўлмаслик ва қул бўлмасликни шарт қилиб қўйиб, уни хослаштирган. Маса-лан, отасини ўлдирган ёки ноҳақ йўл билан унинг ўлимига сабаб бўлган фарзанд отасидан мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва шу кабилар.

Иккинчи соҳада Суннага тегишли баҳс: зарурат чоғида Қуръонда айтилмаган бирон-бир янги ҳукмни Сунна белгилаб беради. Бу ўринда баъзи ҳукмлар Пайғамбардан ваҳий хафий (илхомга ўхшаган ҳолат) орқали содир бўлган ва баъзилари унинг ижтиҳоди ва шахсий фикридан келиб чиқсан. Албаттаки, Пайғамбар ижтиҳод қилишда ҳам ислом руҳи ва фалсафасини назарда тутади.

Бу ўринда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, жадда (буви)га меросдан олтидан бир ҳисса бериш, никоҳ битимининг тўғри бўлиши учун гувоҳлар шартлиги, бадан аъзолари хуни, яъни баҳосини белгилаш, шунинг-дек, урф асосида амал қилинганда унинг тўғрилигини тасдиқлаш¹⁰¹. Вақт ўти-ши билан мусулмонлар жамоаси - уммада вужудга келган вазият ва му-аммоларни Қуръон ва сунна тўлиқ қамраб ололмаган. Улар мусул-монлар жамоаси - уммада рўй берган барча муаммолар ва вазиятларга тўлиқ жавоб бера олмай қолган.

Шу тариқа шариатнинг янги манбаига зарурат туғилади ва **ижмӯй** ис-лом ҳуқуқи (шариат)нинг асосий манбаларидан бири сифатида тасдиқланади. Иж-мӯй (арабча - яқдиллик, яқдиллик билан қабул қилинган қарор, ижмӯй ал-ум-ма - “диний жамоанинг ягона фикри”) - Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсат-ма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал етишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши)дир. Шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шаръий (қонуний) деб қа-бул қилинган. Ижмӯга фикрҳане манбаи сифатида қараш Араб халифалигида феодализм таркиб топа бошлаган давр (ВІІ аср охири IX аср бошлари)да келиб чиқди. Мужтаҳид томонидан айтилган фикргина ҳал қилувчи фикр ҳисобанади. Оддий мусулмонлар фикрининг еса ижмӯга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мужтаҳид деб диний олимга айтилади. Мужтаҳид (арабча - интилевчи, Ғайрат қи-левчи) - ўрта

¹⁰¹ **Juzjoniy A.SH.** Islom huquqshunosligi, hanafiy mazhabi va O`rta Osiyo faqihlari –T.: «Toshkent islam universiteti», 2002.-65-68-betlar.

асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига ега бўлган, яъни муста-қил равиша диний ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳид деб юритилади. Мужтаҳид мусулмонлар орасида обрў-еътибор қо-зонган бўлиши лозим. Шунингдек, шариат мужтаҳиднинг бошқа хислатлари-ни, масалан, араб тилини тўла билишини, шариатга қатъий риоя қилишини, ҳозирги замонга доир чуқур савияга ега бўлиши ва ҳоказоларни белгилаб беради.

Мисрлик олим Абдулваҳҳоб Халлоф ижмўга қуидагича таъриф беради: «Ижмўнинг луғавий маъноси «қасд қилмоқ»дир. Муштаҳидларнинг бир ҳукмга қилган иттифоқига «ижмў» дейилишининг боиси - мазкур ҳукмнинг шаръий ҳукм деб қасд қилишларидир. Усул уламолари истилоҳида еса, ижмў-нинг таърифи бундайдир: Мусулмонлардан бўлган мужтаҳидларнинг Расу-луллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам вафотларидан сўнг, бирор даврда, шаръий ҳукмга қилган иттифоқига ижмў дейилади.

Таърифдан кўриниб турибдики, ижмў бўлиши учун тўртта руқн лозим: аввало, мужтаҳидлардан бўлиши керак, мужтаҳид бўлмаган олимларнинг ит-тифоқи ижмў емас; иккинчидан, улар мусулмонлардан бўлиши шарт; учин-чидан, Жаноби Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан сўнг бўлиши керак, чунки ҳаётлик вақтларида барча шаръий масалаларда жанобнинг ўзларига мурожаат қилинган, шунингдек, ижмў-иттифоқ кўпчилик томонидан бўлади, якка кишидан ижмў содир бўлмайди; тўртинчидан, ижмў қилинадиган масала шаръий масала бўлиши керак, дунёвий масалаларда бундай ижмў қилинмайди.

Демак, Пайғамбар алайҳиссаломдан сўнг бирор воқеанинг ҳукми Қуръондан ҳам, суннадан ҳам топилмаса, ўша даврнинг мужтаҳидларидан масаланинг шаръий ҳукми сўралади. Уларнинг мазкур масала юзасидан бир фикрга иттифоқи ижмў бўлиб, у шаръий қонун ҳисобланади ва унга итоат қилиш лозим, қарши чиқиш мумкин емас. Ижмў қилинган масала иккинчи бор, кейинги давр мужтаҳидлари учун ижтиҳод мавзуи бўлиши мумкин емас. Чунки ижмў билан собит бўлган ҳукм қатъий бўлиб, унга қарши чиқиш ҳамда уни насх (ҳукмини бекор) қилиш мумкин емас¹⁰².

¹⁰² **Abdulvahhab Xallof.** Usulul fiqh (Islom qonunshunosligi asoslari). Birinchi, ikkinchi qismlar.-T.: “Adolat”, 1997.-50-51-betlar.

Исломнинг илк даврларида Мұхаммад (САВ)нинг мухлислари ва из-дошлари ижмўга катта еътибор бердилар. Барча ҳолларда бу тушунча диний-хуқуқий масала билан бөғлиқ равища белгилаб берилди ва улар билан тасдиқ-ланди: ижмў уламоларнинг бир овоздан розилиги олингач амалга оширилган.

Қиёс - фикхнинг тўртинчи манбаи. Қиёс арабча сўздан олинган бўлиб, «таққослаш», «солиштириш» деган маънони англатади. Бунга кўра, бирор хуқуқий масала ўзига ўхшаш иккинчи хуқуқий масала билан тақ-қосланади, солиштирилади ва улар бир-бирига тенглаштирилади. Демак, бунга биноан Қуръон ва Суннада берилмаган бирор хуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳланади. Қиёс факихлар хуқуқини кенгайтириб, шариатнинг турли хуқуқий масалаларга тадбиқ етилишига имкон яратади.

Қиёснинг фикхнинг тўртинчи классик манбаи сифатида еътироф етилиши ҳадисга бориб тақалади. Унда ҳикоя қилинишича, Мұхаммад (САВ) бир куни ўз сахобаларидан бири Муоз ибни Жабал разийиаллоҳу анхуни Яманга диндан таълим беришга юбораётганида унинг одил судловни амалга ошири-шида нималарга таянишини сўрайди. У қўйидагича жавоб беради: «Аллоҳ-нинг китоби билан. Агар ундан топмасам, Аллоҳ расулиниңг суннати билан. Агар ундан ҳам топмасам, ижтиҳод қиласман ва ижтиҳодда нуқсонга йўл қўймасликка ҳаракат қиласман»¹⁰³. Пайғамбар (САВ) бундай фикрни маъ-қуллаган еканлар. Ижтиҳод арабча «интилиш», «Ғайрат қилиш» сўзларидан олинган бўлиб, диний ва хуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш принципидир. Ўрта асрларда факат йирик мусулмон факихлари ва илоҳиётчилари - мужтаҳидлар ижтиҳод хуқуқига ега едилар. X асрда суннийлик йўналишидаги шариат мазҳаблари шаклланиб, ислом ақидалари ишлаб чиқилгач, «ижтиҳод ешиклари ёпиб қўйилади», илоҳиёт, хуқуқ, ахлоқ, ижтимоий таълимотда факат илгариги илоҳиётчиларга тақлид қилиш мумкин, деб ҳисобланган. Тақлид концепсияси биринчи ўринга чиқкан. XIX аср охиридан ислом диний илоҳиётчилари ижтиҳод хуқуқини яна тиклаганлар, Қуръонни ва ислом таълимотини яхши билган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиши мумкин деб ҳисобланган.

Шундай қилиб, қиёс хуқуқий атама сифатида ҳукми аниқ бўлмаган масалаларни ҳукми аниқ бўлган масала билан солиштириб, ораларида мушта-рак сабаб мавжуд бўлган суратда иккинчи масала

¹⁰³ Qarang: Abdulvahhab Xallof. O'sha asar, 62-bet.

хукмини хукми аниқ бўлмаган масалага қўчиришдан иборат. Ўшанда иккинчи масала ислом қонунига мувофиқ бўлса, биринчи масала ҳам қонуний бўлади ёки аксинча.

Масалан, ҳамр (узум ёки хурмодан тайёрланган ичимлик) Қуръонда қатъий ҳаром деб ҳукм қилинган, аммо ароқ ва бошқа мевалар ёки ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар ҳақида „насс“ мавжуд бўлмагани сабабли унинг ҳукми (яъни ҳалол ёки ҳаром еканлиги) аниқ емас еди. Қиёс орқали улар орасидан муштарак сабаб борлиги, яъни ҳар иккаласи ҳам ичувчини маст ва иродасиз қилиш хусусиятига ега еканлиги маълум бўлгани натижасида, ҳамрнинг ҳукми, яъни ҳаромлик ароққа қўчирилиб, у ҳам ҳамр каби ҳаром деб ҳукм етилди.

Қиёс услуби айниқса Абу Ханифа ва унинг издошлари-ханафийлар томонидан кенг асослантирилган. Қиёсга ханбалийлар қарши чиққанлар. Шиалар еса қиёсни умуман ҳуқуқ манбаи сифатида тан олмаганлар.

Шариат мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлса, урф-одат унинг қўшимча, иккинчи даражали манбалари ҳисобланган. Масалан, Ўрта Осиё фақихлари томонидан яратилган асарларда минтақа ҳалқарининг урф-одатлари, расм-русумларининг катта қисми қонунлаштирилиб, шариат ва ислом ҳуқуқи (фуруъул-фиқҳ) таркибиға киритилган.

Шариат бирданига бугунги ўз мукаммал шаклида юзага келмаган, балки Пайғамбаримиз давридан бошлаб ривожланиб борган, турли миллатлар ва ҳалқлар урф-одатларидан фойдаланилган ҳолда сахобалар, тобшнлар ва бу-юқ мужтаҳидлар ижтиҳоди орқали еришилган ютуқлар орқали такаммул даража-сига кўтарилиган. Ҳатто ислом динининг биринчи босқичидан жоҳилият араб-лари ҳаётига сингиб кетган урф-одат қонунлари, масалан, музорабат (пулни фойдага шерикликка бериб ишлатиш), ҳакамият (ҳакамлик), салам (пишиб етилмаган дон, пахта ёки бошқа нарсаларни олдиндан пул тўлаб сотиб олиш), арабларда қонуний ҳисобланган олти хил никоҳнинг икки тури, яъни ҳозирги қонуний никоҳ, вақтинча никоҳ ва исломнинг асосий қоидалариға қарши бўлмаган бошқа бир неча урф-одатлари қабул қилиниб, ислом ҳуқуқи таркибиға киритилган. Улардан айримлари, масалан, саламга бир оз ўзгарти-ришлар киритилиб, айримлари шундайлигича қабул қилинган.

Шаръий асосларга мос келмайдиган бир қатор урф қонунлари, масалан, рибо (судхўрлик), хотинни алмаштириш, ўз хотинини аслзода оиласарга юбо-риб насл олиш ва ноқонуний йўл билан

ҳомиладор бўлиб, бола туғилгандан кейин унинг отасини белгилаб олиш каби никоҳ турлари бекор қилинди. А.Ш.Жузжоний ёзишича, урф икки хилдир: бири **урфи фосид** - нассга зид бўлган урф-одат, ислом ҳуқуқида қўлланилмайди, иккинчиси **урфи сахих** – халқ-нинг нассга зид бўлмаган урф-одатлари бўлиб, Ислом қонунчилигида, айниқса, Абу Ҳанифа мазҳабида катта аҳамиятга ега.

Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари, айниқса, Қуръонда олди-сотди би-тимиға доир бир-икки оятдан бошқа насс мавжуд емас. Ҳадис китобларида ҳам бу соҳага тегишли ҳадислар сони 20 дан ошмайди. Шундай бўлса ҳам бугун фиқҳ китобларида бу соҳа бўйича минглаб масалани кўриш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, Пайғамбар замонида улуслараро муо-малот урф-одат асосида тартибга солинар еди, Пайғамбар кўпинча урфни қабул қилиб, янги ҳукм бермасди. Абу Ҳанифа Қуръон ёки ҳадис ёки саҳобалардан ривоят қилинган қавл ва амал мавжуд бўлмаган ҳолда, шу-нингдек, қиёс урфига қарши турганда, урф-одатга асосланиб ҳукм чи-қаради.

Урфга катта еътибор қаратиш Ҳанафий мазҳаби ривожланиб, кенг кў-ламда тарқалишининг муҳим омилларидан бири еди. Масалан, савдо ва тижорат битимлари бўйича урф-одатга катта еътибор қаратилган. Бундай шартнома-ларни тузиш учун шариат манбаларида бирон кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, Ҳанафий мазҳабида урфга асосланиб амал қилинади ва унга (урфга) зид бўлган нарса тарқ етилади. Чунки Абу Ҳанифа нуқтаи назарида асосий манбалардан кейин урф енг муҳим қўшимча ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Шундай қилиб, ислом динини қабул қилган халқларда урф-одатлар шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа ҳётини тартибга солища катта аҳамиятга ега бўлган. Ва ниҳоят, мусулмон ҳуқуқининг шариатдан келиб чикадиган яна бир манбаи халифаларнинг фармон ва фармойишлари ҳисоб-ланади. Кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида қонунчилик фаолияти-нинг ривожланиши билан ҳуқуқ манбаи сифатида қонунлар юзага келиб, уларнинг аҳамияти тобора ошиб борган. Фармонлар ва қонунлар, шунинг-дек, шариат принципларига зид келмаслиги лозим еди. Улар шариатни, аввало, давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи ва давлат ҳокимиятининг аҳоли билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларини белгиловчи нормалар билан тўлдирган.

А.Ш.Жузжонийнинг ёзишича, Аббосийлар ҳокимиятнинг биринчи босқичида имом ё халифа ислом жамоасининг мутлақул-

инон раҳбари, яъни якка ҳокими бўлса ҳам, қонун тузиш ва қонун чиқариш ҳуқуқига ега емас еди. Лекин шаҳар чегарасидан чиқмасдан идорий ишларни тартибга солиш учун муқарраралар (хужжатлар) чиқаришга ҳақли еди.

Ўша даврда «Қонун чиқариш ҳуқуқига ега емаслик» назарияси қабул қилинган бўлса ҳам, бу назария очиқ суратда қонун чиқариш ва ижро етиш салоҳиятларини бир-биридан ажратади. Кейинги халифалар (дун-ёвий ҳокимлар)нинг ҳар бири ўз маҳкамалари учун қонун тузардилар. Уларнинг бундай амаллари ҳақиқатда бир навъ қонун чиқариш бўлса ҳам, ҳоким фармон раволар уларни идорий қўлланмалар деб атардилар. Уларча бундай қонун чиқариш фаолиятлари фақат шариатни такмил етиш ва унинг ҳукмларини амалга оширишга қаратилган еди ва уларнинг сиёсий салоҳияти доирасига киради. Бундай идорий қонунларнинг яққол мисоли Усмоний султонларининг «қонунномалари» еди.

Ислом дунёсида қонунлар тизимини тартибга солиш Усмонийлар импе-риясида Султон Сулаймон Қонуний (1520-1566 йиллар) даврида бошланди. Ўша давр шайхул-исломи буюк фақих Имодий Муҳаммад Абу Сууд Афанди кенг кўламли фаолият олиб бориб, Султон Сулаймоннинг енг маш-ҳур қонунномаси (қонунлар мажмуаси)ни тўплади. Манбаларда таъкидла-нишича, ўша даврда Абу Сууд Афандининг ёрдами ва раҳбарлигига ту-зилган қонунлар шариатдан олинган бўлса ҳам, уларнинг бир қисми, айниқса, давлат ерларига тегишли қоидалар кўпинча маҳаллий урф-одатлардан олинган еди.

5. Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи масалаларининг тартибга солиниши

Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари (муомалот) батафсил тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шариат юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини алоҳида тарзда қўриб чиқмайди. Жисмоний шахслар томонидан қилинган фуқаролик-ҳуқуқий ҳаракат қонуний (ҳалол) ва йўл қўйилган (жоиз) ёки қонунсиз, йўл қўйилмаган (ҳаром) бўлиши мумкин. Ҳаракат, шунинг-дек, шариат нуқтаи назаридан мақтовга лойиқ (мустаҳиб) ва танбеҳли (макрух), мажбурий ва мажбурий бўлмаган каби турларга бўлинади.

Жисмоний шахсларнинг лаёқатлигига жинси, табақаси, мулкий аҳволи, айниқса еътиқоди таъсир етади. Тўлиқ даражадаги ҳуқуқ лаёқатига ва муо-мала лаёқатига мулқдор мусулмон еркак кишилар, ҳукмрон табақа вакил-лари ега бўлган. Ҳуқуқий лаёқат туғилишдан бошлаб, мерос масалаларида еса туғилмасдан ҳам аввал вужудга келган ва ўлим билан ёки бедарак йўқолиш билан тугаган. Ёш болалар, 15 ёшга тўлмаган вояга ет-маганлар, шунингдек, руҳий касаллар ва акли заифлар муомала лаёқатига ега емас деб ҳисобланган.

Фуқаролик ҳуқуқининг обьектини ашёлар, мулкий, шунингдек, мул-кий характерга ега бўлмаган шахсий ҳуқуқ (масалан, исмга ега бўлиш ҳуқуқи) ташкил етган. Ашёлар ҳаракатда ва ҳаракатсиз (кўчмас), алмаштириладиган ва алмаштирилмайдиган, наслий ва наслий бўлмаган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, истеъмолга йўл қўйилган ва истеъмолга йўл қўйилмайдиган, муомаладан олинган ва муомаладан олинмаган бўлиши мумкин.

Мусулмон ҳуқуқида мулкий муносабатларни тартибга соловчи нор-малар муҳим ўрин тутади. Унда аввало мулкка ашёвий ҳуқуқ обьекти сифатида қарашиб мустаҳкамланган. Мусулмонларнинг хусусий мулки ҳисоб-ланмайдиган ашёлар-ҳаво, денгиз, чўл-даштлар, мачитлар, сув йўллари ва бошқалар алоҳида туркумдаги ашёларни ташкил етган. Шунингдек, «ҳаром ашёлар» - вино, чўчқа гўшти, исломга зид китоблар ва ҳока-золар ҳам мусулмоннинг мулки емас деб ҳисобланади. Шу сабабли араб-ларнинг босқинчилик юришлари давомида кўпинча бундай мулклар йўқ қилинган. Лекин бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, номусулмонларга тегишли мол-мулкларни нобуд қилиш масаласида исломдаги мазҳаблар ўртасида турлича қараашлар мавжуд.

Мусулмон ҳуқуқшунослари ер мулкини таснифлаштиришга катта еъти-бор берадилар. Ер мулкчилигининг қўйидаги шакллари ажратиб кўрсатилиди: давлат ерлари, хусусий егаликдаги ерлар, жамоа ерлари ва вақф ерлар. Бу-лардан ташқари муқаддас ерлар ҳам мавжуд бўлиб, улар хижоз деб аталган. Бунга Муҳаммад (САВ)нинг оёқлари теккан ерлар, яъни у яшаган жойлар киради. Бундай ерларга бошқа диндагиларнинг кириши ман етилган. Бу ерларда фақат мусулмонлар яшашлари мумкин бўлиб, дараҳтларни ке-сиш, овчилик қилиш мумкин емас еди ва ҳоказо. Тарихий ва юридик ман-баларда қўрсатилишича, араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида маълум хизматни бажариш евазига феодалларга бериладиган ерлар ҳам

мавжуд бўлиб, бу шартли ер егалиги ҳисобланган ва иқто ерлари деб юритилган. Бундай ерлар егаси (иктадор) ўз ҳокимияти остидаги аҳолидан ўз ҳисоби-га ўлпон ва солиқлар йиғиш ҳуқуқини олган. Иқто вақт ўтиши билан мерос тариқасида ўтказила бошланган ва хусусий егаликдаги мулк бўлиб қолган. Дастрраб ичиладиган сувлар, ҳаво сингари умумий фойдаланиладиган мулк ҳи-собланган. Лекин қудуқлар, ҳовузлар ва майда кўллар аста-секин йирик ер егаларига ўтиб борган. Фақат катта дарёлар ва кўллар илгаригидек жамоа ва давлат мулкчилик тизимиға кирган. Чунки буни мансабдор шахслар назо-рати остида амалга ошириладиган биргалиқдаги ирригатсия ишларини ўтказиш зарурияти тақазо қиласди.

Шариатда мулк ҳуқуқининг вужудга келиш усуллари батафсил белгиланган. Бунда турли мазҳаб вакиллари турли фикрлар билдирганлар. Масалан, араб-ларнинг қўпдан-кўп босқинчилик юришлари ҳарбий ўлжаларнинг ҳуқуқийли-ги ёки ҳуқуқий емаслиги масаласини кун тартибига қўйган ва бу шариатда умумий мулк ҳуқуқининг келиб чиқиш усулларидан бири сифатида тан олинган. Босиб олинган ерлар умумий қоида бўйича давлат мулки ҳисобланган ва халифа ҳамда амирларнинг тасарруфига келиб тушган. Душмандан ўлжа қилиб олинган бошқа мулкларнинг миқдори алоҳида мазҳабларда турли-ча белгиланган. Бундай мулкларнинг бир қисми уни егаллаб олган шахсга, иккинчи қисми давлатга, учинчи қисми-мачитларга ўтказилган ва ҳока-зо. Шариат бўйича мулк ҳуқуқи мерос олиш, шартнома тузиш, ашёлар-ни топиб олиш йўли билан ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, ўз ер участкасидан бегона ашёни топиб олган шахс унга нисбатан мулк ҳуқу-қига ега бўлган.

Шариатда рим ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, **мажбуриятларнинг** умумий контсепсияси ишлаб чиқилмаган еди. Лекин шартнома ҳуқуқининг амалий масалалари товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида ҳар томонла-ма ишлаб чиқилган еди. Мажбуриятлар ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмай-диган, икки томонлама ва бир томонлама, муддатли ва муддатсиз турларга бўлинади. Ислом дунёсида ўзига хос бир томонлама мажбуриятларнинг - аҳдлашувларнинг тарқалганлиги тез-тез учраб турадиган ҳодисадир.

Умуман шариатда мажбуриятларнинг анча ривожланган тизими мавжуд бўлган. Мажбуриятларнинг келиб чиқишига кўра шартномалардан келиб чиқадиган ва зарар етказишдан келиб

чиқадиган турлари бир-биридан ажратилган. Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар кенг тарқалган.

Шартнома муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар ва юридик шахслар бўлиши мумкин еди. Ёш болаларнинг ҳаракати ҳомийлар томони-дан тан олинса, қулларнинг ҳаракати еса уларнинг егалари томонидан маъқул-ланса, қонуний бўлиши мумкин еди. Ақли заифлар фуқаролик ҳуқуқий муно-сабатларининг субъекти бўлолмаган.

Шартнома муносабатларида вакилликка ҳам йўл қўйилган. Ёш болаларнинг, аёлларнинг, ақли заифларнинг қонуний вакиллари уларнинг оталари, акалари, тоғалари, ерлари, ҳомийлари бўлганлар. Шариат, шунингдек, шахс-ларнинг мажбуриятда алмаштиришга йўл қўйган. Кредитор розилиги билан қарздор алмаштирилиши мумкин еди. Шариат бўйича тан олинган ва хи-моя қилинадиган битимлар шартнома ҳисобланарди.

Шариатда шартномага томонларнинг ўзаро битимидан келиб чиқади-ган алоқа сифатида қараларди. Бироқ бу томонларнинг мулкий нотенглиги ша-роитларида соф расмий характерга ега еди. Шартнома шартлари ҳар қандай кўринишида: ҳужжатда, норасмий хатда, оғзаки тарзда ифода етилиши мумкин еди. Тузилган шартномалар мустаҳкам ва ўзгармас ҳисобланарди. Куръ-онда «шартномаларга» риоя қилиш мажбуриятига муқаддас бурч сифатида қаралган: «Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўза-ро) аҳдларига риоя етувчи зотдирлар»¹⁰⁴ (23-Мўминун сураси, 8-оят).

Шартноманинг ҳақиқийлиги шартлари: унинг қонунийлиги, яъни шарт-номаларнинг ҳуқуққа хилоф бўлмаслиги, томонларнинг ўзаро розилиги ва ҳуқиқий лаёқатлилиги бўлиб ҳисобланган. Амалда ўзаро алдашлар, томон-лар иродаси устидан куч ишлатиб шартномалар тузиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Бу айниқса тутқинлик, қарз шартномалари тузилишида намоён бўлган.

Шартнома предмети бўлиб шариат бўйича йўл қўйилмаган деб еълон қилинмаган ашёлар ва ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномасининг предмети дарёларда сузид юрадиган балиқлар, ҳаво-да учид юрадиган қушлар, ҳайвонлардаги жунлар, жамоат далаларидаги ўтлар, аёлларнинг сути, чўчқа гўшти ва бошқалар бўлса ҳақиқий емас деб топилган. Шариатда закалат,

¹⁰⁴ Qur'oni Karim. «Toshkent islom universiteti» nashriyoti.-2001.-342-bet.

кафолат, гаров ва айбона (ваъдасизлик шартномаси) мажбуриятларни таъминлаш усуллари еди.

Шартномалар, одатда оғзаки шаклда тузилган. Агар томонлар учун қиммати катта суммали шартнома бўлса, ёзма шаклда ҳам тузилиши мумкин еди. Шариатда шартномаларнинг бир қанча турлари тартибга солина-ди. Олди-сотди, қарз, ҳадя, ижара, ссуда, сақлаш, ширкат ва бошқа шартно-малар кенг тарқалган.

Савдо ривожланиши билан олди-сотди шартномаси енг кўп тарқалган шартномалардан бири бўлиб қолган. У ёзма тузилиши, шунингдек гувоҳ-лар иштирокида ёки уларнинг иштирокисиз оғзаки тузилиши мумкин еди. Олди-сотди шартномасининг обьекти бўлиб муомаладан олинмаган ҳар қандай ашё бўлиши мумкин. Шариатда **шафоат** (шуфъат) институти, яъни сотиб олувчилардан биттасининг бошқалари олдида ашёлар сотиб олишда имтиёзга ега бўлиши мавжуд.

Шариатда олди-сотди ва бошқа шартномалар ҳақида академик Ҳ.Раҳ-монқулов қизиқарли маълумотлар келтиради. Куйида шулардан парчалар келтирамиз:

Олди-сотди шартномаси қуйидаги турларга бўлинади:

«Бай-қатъий». Ушбу шартномага асосан сотилган мол-мулк олув-чиға унинг ҳақи тўланмасдан олдин топширилиши мумкин.

«Бай-жаиз». Ушбу шартномага асосан тарафлар маълум ва кели-шилган муддат давомида, шартнома бўйича берилиган, олинган нарсаларни бир-бирларига қайтариб бериш шарти кўзда тутилади.

«Бай-фасид». Ушбу шартнома бўйича сотилган мол-мулк уни мазмун ёки шакл жиҳатидан ўзгартириш ёки қайтадан учинчи шахсга сотиш мўлжалланган тақдирда ушбу мол-мулк унинг биринчи егаси томо-нидан ўзи сотган нархда қайтариб олиш шарти билан тузилади.

Олди-сотди шартномаси асосан фуқаролар ўртасида тузилади. Шартно-манинг нарсаси бўлиб, туар жой, уй-рўзбор буюмлари, асбоб-ускуналар, чорва моллари, истеъмол қилиш учун зарур бўлган буюмлар, маҳсулотлар ва бошқалар ҳисобланади. Шартнома нарсаси баъзан тирик товарлар - қуллардан иборат бўлиши мумкин еди.

Шартнома бўйича товарлар кўпинча насияга (қарзга) ёки ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилади. Бундай шартномалар ёзма равища расмийлаштирилмасди ҳам. Кўчар мол-мулк сотилган вақтда шартнома оғзаки бўлса ҳам, лекин албатта гувоҳлар иштирок этишлари шарт еди. Кўчмас мол-мулк бўйича шартнома умумий

қоидага бино-ан ёзма шаклда тузилиб, қози томонидан гувоҳлантириларди.

Айирбошлаш шартномаси ҳунармандлар, дехқонлар, чорвадорлар ўртасидаги мулкий муносабатларда кенг қўлланиларди. Айирбошлаш савдо-гарлар томонидан ҳам қўлланилади. Улар қишлоқ ва овулларга турли товарлар олиб бориб, уларни қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига айирбошлаш билан шуғулланарди.

Шартноманинг нарсаси бўлиб буғдой, пахта, газмол, чорва моллари, чарм, жун, қуритилган мевалар ва бошқалар ҳисобланади. Кўчмас мол-мулк бўйича тузилган айирбошлаш шартномаси қози томонидан гу-воҳлантирилади. Кўчар мол-мулкни айирбошлаш учун ёзма шаклда тузилган шартнома талаб қилинmas, лекин гувоҳларнинг иштирок етиши инкор етилмасди.

Ижара шартномаси фақат мол-мулкка емас, шахсга нисбатан ҳам қўлланади. Шартноманинг нарсаси кўчар ва кўчмас мол-мулклар ҳи-собланарди. Шартнома кўпинча ердан фойдаланиш учун тузиларди. Ле-кин унда назарда тутилган шартлар дехқонни оғир шароитга соладиган дара-жада бўларди. Ени жарарага олган дехқон олинган ҳосилнинг деярли ярмини ер егасига берарди. Шахс ижараси ҳақида тузилган шартноманинг мазмуни асосан ишга ёлловчининг хоҳиши билан белгиланади. Ишлар кўпинча вақтинча характерга ега бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш шартномада назарда тутилмайди. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик тарафларнинг айби билан бўлиши ёки бўлмаслиги ҳисобга олинган ҳолда юклатилади.

Қарз шартномаси - енг кўп тарқалган шартномалардан бири. У иқти-садий, ижтимоий жиҳатдан турли аҳамиятга ега бўлган муносабатлар бўйи-ча қўлланилади. Ушбу шартнома воситасида буюмни, асбоб-ускунани текинга фойдаланиш учун бериб туриш, шунингдек, бошқа сабаблар, яъни насияга сотиш, мол-мулкни ижарага бериш, пудрат ва шунга ўхашаш бошқа муносабатларни амалга оширишда ҳам фойдаланилган.

Маишӣ пудрат шартномаси ривож топган шартномалардан иборат. Шартнома бўйича бир томондан - ҳунармандлар (кўнчи, етикчи, бўз-чи, темирчи, дурадгор, бўёқчи, тегирмончи, нонвой, жувозчи), иккин-чи томондан истеъмолчи - фуқаро ва савдогарлар қатнашади. Савдогарлар ҳунармандлар тайёрлаган нарсаларни, асбоб-ускуналарни олиб-сотиш билан шуғулланади. Шартноманинг нарсаси маҳаллий аҳоли кенг равишда истеъ-мол қиласидиган ва ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган қурол-асбоблар ва ма-ҳаллий

усталар, қурувчилар бажарадиган қурилишлар ва бошқа маҳсулотлардан иборат бўлган.

Ширкатлик шартномасида икки ёки ундан кўп шахслар қатнашган бўлиб, маълум бир мақсадга еришиш учун тузилади. Ширкатлик шартно-маси қуидаги икки турга бўлинади: «ширкати милк», яъни биргаликда мол-мулкка егалик қилиш ва «ширкати ақид», яъни биргаликда битим тузиш, ўз навбатида «ширкати ақид» қуидаги турларга бўлинади:

«Ширкати-муфавазат» - шартномада назарда тутилган мақсадга ери-шиш учун унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан мол-мулкларини teng ҳиссада умумийлаштириш ва мажбуриятлар бўйича олинадиган даромад-ларни ҳам teng ҳиссада олиш бўйича тузилган ширкат.

Шартномага мувофиқ шериклар бир вақтнинг ўзида бир-бирига нисба-тан ҳам муовин, ҳам ижрочи вазифасини бажаради. Шериклардан бир-бири томонидан ўз ваколати доирасида тузилган битим иккинчиси ёки бошқа иштирокчилари учун ҳам мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ширкат унда қатнашувчиларнинг ҳар томонлама teng ҳуқуқли бўлишига асосланади.

«Ширкати-инон» - ўз мол-мулкларининг бир қисмини умумлаштириб ти-жорат (савдо) билан шуғулланиш учун тузилган ширкат. Ушбу шартнома бўйича бир ширкат аъзоси иккинчисига нисбатан кафил емас, балки ишончли шахс ҳисобланади. Ширкатга қўйилган шерикларнинг мол-мулки ҳиссаси teng бўлмаслиги мумкин. Ҳиссани ва ширкат фаолиятини бажаришда унинг аъзоларининг шахсий иштирок етиши teng бўлмаслигидан қатъи назар, олинган даромад шартномада назарда тутилган шартга мувофиқ тақсимланади. Бир шерик иккинчи шерикнинг шахсий қарзи учун жавоб бермайди. Ширкатга етказилган зиён шартномага мувофиқ тўлдирилади.

«Ширкати-вуджух» - қарз бериш ёки ишончга асосланган шерик. Шартномага асосан ширкат аъзоларининг ҳар бири ўзининг шахсий маблағи ҳисобига товар олиб уни биргаликда сотишади. Ушбу шартнома бўйича ширкат аъзолари бир-бирига нисбатан ҳам ишончли шахс, ҳам кафил ҳисоб-ланади. Шартнома тарафларидан ҳар бирининг даромади ёки кўрган зиёни унинг ширкат фаолиятида иштирок етган ҳиссасига мувофиқ тенглаштирилади.

«Ширкати-саная» - ҳунармандчилик ширкатидан иборат бўлиб, маъ-лум бир ишни бажариш ёки касб билан шуГулланиш мақсадида шартнома тузилади. Ушбу ширкат аъзоларининг битта ҳунар билан шуГулланиши ёки битта жойда ишлаши шарт емас. Олинган даромадни тақсимлаш тенг бўл-маслигига йўл қўйилади. Шунинг билан бирга мажбурият бўйича шериклар биргаликда жавоб беради. Қишлоқ жойларда «тенг шерик» деган шерикли шартномалар тузиларди. Бундай шартномага асосан шериклар тенг миқдор-даги ҳисса сифатида ер, чорва мол, уруғлик ва бошқа нарсалар, шунингдек, ўз меҳнатини қўшадилар. Ҳисса сифатида баъзи шериклар ишчи ҳайвон ва ишлаб чиқариш қуроллари, бошқалари еса факат ер билан қатнашадилар. Бундай ҳолларда йиғиштириб олинган ҳосил баббаравар тақсимланади. Фақат ўз меҳнатини қўшган шериклар олинган ҳосилнинг учдан бир қисмини олади.

Шартномага асосланмаган, яъни шахсга, унинг ҳаётига, соғли-Ғига ҳамда унинг мол-мулкига зарар етказишдан келиб чиқадиган маж-буриятларни тартибга солиш қоидалари ҳам мавжуд. Ушбу қоидаларга муво-фик етказилган зарар, унинг қандай аҳамиятга ега бўлишидан қатъи на-зар, биринчи галда пул, мол-мулк тўлаш билан, агар зарарни бундай тарзда қоплаш имконияти бўлмаса, айбдор жабрланган шахсга ишлаб бериши ёки ўз қизини, синглисини топшириш йўли билан қутилиши мумкин еди.

Шариат нормаларида «дията» деган қоида ишлатилган. Ушбу қоидага биноан қози шахснинг саломатлигига етказилган зарарни ундириш ҳақида қарор чиқаради. Мулкий зарарни ундириш бўйича тарафлар (жабрланувчи ва жавобгар) бетараф шахслардан ташкил топган холислар (третейский) судларига мурожаат қилишади. Ушбу йўл билан даъво бўйича биронта битимга кели-шиш имконияти бўлмаган тақдирда низо тарафларнинг кимлиги ва уларнинг мулкий шароити ҳисобга олинган ҳолда қози томонидан ҳал қилинади¹⁰⁵.

6. Мусулмон ҳуқуқида никоҳ-оила ва мерос масалаларининг тартибга солиниши

Шариат бўйича никоҳ ва оила масалалари батафсил тартибга солинади. Исломда никоҳ - ҳалоллик, никоҳсиз қўшилиш еса ҳаромлик белгиси ҳисобла-нади. Шариатга биноан никоҳ

¹⁰⁵ Н. Rahmonqulov. O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining birinchi qismiga umumiy tavsif va sharhlar.-«Iqtisodiyot va huquq dunyosi» nashriyot uyi, Toshkent, 1997, 28-33-betlar.

мусулмонларнинг диний мажбурияти, никоҳ-сизлиқ еса уларнинг хуш кўрилмайдиган ҳолати саналади.

«Шариат бўйича никоҳ шартнома характеристига ега бўлиб, хусусан олди-сотдига ўхшаб кетади, - деб ёзади таниқли ҳуқуқшунос олим Ф. Ота-хўжаев. Бир томондан шартноманинг предмети - келин, иккинчи томон-дан - сотиб олувчи сифатида куёв қатнашиб, келинга белгиланган баҳони, яъни шартноманинг асосий шарти ҳисобланган тўловни - қалин¹⁰⁶ ва маҳр-ни¹⁰⁷ тўлашдан иборат»¹⁰⁸. Шариат бўйича никоҳ шартномаси одатий шартномалардан фарқ қилган. У умрбод муддатга тузилган. Шариат муд-датли никоҳ аҳдида муддатли шартларга маълум ҳафта, ой ёки йилга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий емас деб саналган.

Шариат бўйича никоҳдан ўтиш учун томонлардан қуидаги шарт-ларга риоя етиш талаб қилинган: 1) никоҳдан ўтувчилар ўзаро розилиги; 2) никоҳ ёшига тўлган бўлиш; 3) никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш; 4) келин учун қалин ва маҳр тўлаш; 5) диний еътиқод бирлиги; 6) никоҳдан ўтаётганларнинг яқин қон-қариндош бўлмаслиги; 7) табака бўйича тенглик; 8) никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши. Никоҳ тузиш учун расман томонларнинг розилиги талаб қилинади. Бунда келиннинг ҳам розилиги олинади (фақат шофиъийлар бундай розиликни шарт емас деб ҳисоблаганлар). Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур «Ҳидоя» аса-рида кўрсатилганидек, «валийнинг¹⁰⁹ балоғатга етган қизни никоҳга маж-бурлаши жоиз емас... Агар балоғатга етган қиздан валийи турмушга чи-қишига изн сўраса, шунда қиз жим турса ёки кулиб юборса, бу иши розилик аломати бўлади... Агар жувондан изн сўралса, розилигини сўз билан айтиши лозим... Бокира қизнинг розилиги сукут сақлаши билан ботил бўлади. Ўғил боланинг ихтиёри еса, токи «розиман» демагунча ёки ундан розилигини ифода етадиган бирор иш содир бўлмагунча ботил бўлмайди». Лекин ни-коҳга кирувчилар учун уларнинг ота-оналари ҳам розилик беришлари мумкин еди. «Ёш бола ва ёш қизни отаси ёки бобоси уйлантиrsa ёки турмушга берса балоғат ёшига етганларидан кейин, уларда ихтиёр ҳуқуки қолмайди. Чунки ота ва бобо тўла онгли ва фарзандларига нисбатан меҳр-шафқатли кишилардир, шундай екан, уларнинг

¹⁰⁶ Qalin – kelinga, uning ota-onasi, qarindosh-urug`lari, vasiylariga pul, mol yoki boshqa mulklar bilan bir qatorda to`lanadigan haq.

¹⁰⁷ Mahr – nikoh ahdi tuzilishi jarayonida er tomonidan o`z mulkidan xotiniga berilishi lozim bo`lgan uy-joy, sep.

¹⁰⁸ Otaxo`jayev F. Nikoh va uning tartibga solinishi.-T.: O`zbekiston, 1995.-33-bet.

¹⁰⁹ Qarang: Otaxo`jayev F. O`sha asar, 36-bet.

бевосита иштироки билан никоҳ боғланаверади... Шунингдек, балоғатга етганларидан кейин ҳам улар-нинг розилиги билан никоҳга иштирок етишса, никоҳ боғланаверади». Шу-нинг учун никоҳ шартномаси баъзида ота-оналари томонидан қизларини со-тишнинг ниқобланган шакли бўлиб қолган. Бунда кўпинча аёл киши шартноманинг teng ҳуқуқли субъекти бўлмасдан, шартнома предмети ҳисобланган.

Демак, шариат бўйича зўрлик йўли билан, мажбурий никоҳдан ўтка-зишга йўл қўйилмайди. Лекин қиз боланинг ерга тегмасликка ҳаққи йўқ еди. У ёлғиз яشاши мумкин емас, албатта турмуш қуриб, никоҳ муно-сабатида бўлиши лозим еди. Ёшларнинг муомилага лаёқатсизлиги ёки уларнинг қаршилиги никоҳ иттифоқини тузишга тўсиқ бўла олмасди. Муоми-лага лаёқатли бўлган йигитлар ва қизлар ўз хоҳишлари билан, ота-оналари-нинг бу ишга аралашувисиз, никоҳ-хуқуқий муносабатларига киришлари мумкин бўлган¹¹⁰. Шариат бўйича никоҳнинг ҳақиқий бўлишлиги шартла-ридан яна бири томонларнинг никоҳ ёшига тўлган бўлишлигидир. Унга кўра никоҳ ёши ўғил болалар учун 12 ёш, қизлар учун 9 ёш белгиланган. Бунда ўғил болалар жинсий жиҳатдан вояга етган бўлишлари лозим еди. Никоҳга кирувчилар учун белгиланган бу ёш вояга етган-ликни белгилашда сўнгги поғона ҳисобланган. Амалда еса ўғил болалар - 14, қизлар -12 ёшга тўлганда никоҳ тузилган. Шариат никоҳ ёшининг юқори чегарасини белгиламаган. Никоҳ ёшининг қуий чегарасини белги-лашда асосан физиологик асосларга таянилган. Оилада йигирма ёшдан ошган «бўйдоқ» бўлиши иснод ҳисобланган.

Шариат бўйича никоҳдан ўтиш шартларидан бири бундай шартнома-нинг гувоҳлар иштирокида тузилиши лозимлигидир. Бурҳониддин Марғиноний ёзганидек, «Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир. Чунки Расулуллоҳ (САВ): Гувоҳларсиз никоҳ никоҳ емас, деганлар... Мусулмонларнинг ни-коҳлари фақатгина (камид) иккита гувоҳ ҳозирлигига боғланади. Гувоҳлар-нинг иккиси ҳам ҳур, оқил, болиғ мусулмон еркаклар ёки бир ер, икки аёл бўлмоғи лозим»¹¹¹. Мусулмонларнинг никоҳларида гувоҳларнинг мусул-мон кишилардан бўлишлиги талаб қилинади. Номусулмон (коғир)нинг мусул-мон устидан гувоҳлиги ўтмайди. Агар мусулмон одам христиан ёки яху-дий билан никоҳдан ўтса, бундай ҳолда христиан ёки яхудий динидаги ки-шилар гувоҳликка ўтишлари

¹¹⁰ Qarang: Otaxo`jayev F. O`sha asar, 36-bet.

¹¹¹ Muxtasar: (Shariat qonunlariga qisqacha sharh).-T.: Cho`lpon, 1994.-96-bet.

мумкин еди. Гувоҳлар еркаклар бўлса 15 (16) ёшга, аёллар бўлса 9 ёшга тўлган бўлишлари лозим еди. Чунки бу ёшда улар муомалага лаёқатли деб ҳисобланган.

Шариат бўйича никоҳ аҳдини тузишнинг навбатдаги шарти қалинни тўлаш ва ажратилган маҳрни беришдан иборат еди. Бусиз никоҳ ҳақиқий емас, деб саналган. Қалин, юқорида айтилганидек, келинга, унинг ота-онаси, қариндош-урӯғлари, васийларига пул, мол ёки бошқа мулклар билан бир қаторда тўланадиган ҳақдир. Маҳр еса қуёв томонидан бевосита келинга бериладиган уй-жой ёки сепсидирға ва бошқа мулклардан иборат бўлган. Қалин бевосита келиннинг отаси тасарруфига тушиб, келиннинг қалинга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган, маҳр еса бевосита келиннинг шахсий мулки ҳисобланган. «Мухтасар» (Шариат қонунларига қисқача шарх)да қўрсатил-ганидек, «никоҳ қилган вақтда никоҳланувчи ер хотинга маҳр бериши шарт. Маҳрнинг енг ками ўн дирҳамдир, яъни бир сўм қирқ тийин кумуш. Гар-чи ундан кам бериб никоҳланса-да, ўн дирҳам беришга вожиб бўлади»¹¹².

Шариат бўйича никоҳга киравчилар ислом динида бўлиши талаб қилин-ган, яъни фақат ислом динига мансуб бўлган шахсларгина ўзаро никоҳ туза олганлар. Ислом динига еътиқод қилувчи ер бошқа динга еътиқод қилувчи ёки умуман ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган аёл билан никоҳ тузишга ҳаққи йўқ еди. Агар христиан ёки яхудий ислом динига кирса, у ҳолда мусулмонлар билан никоҳ аҳдини таза олган. Шариат бўйича, ҳатто ер-хотиндан биттаси бошқа динга ўтса (исломга хоинлик қилса), никоҳ бекор қилинган. Агар исломга нисбатан хоинлик ер томонидан содир етилса, у хотини-га маҳр беришдан ва «идда»¹¹³ вақтида унга нафака тўлашдан озод етил-майди. Агарда бу иш хотин томонидан содир етилса, идда вақтида нафака олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шариат яқин қариндош-урӯғчилик алоқасида бўлган шахсларнинг ўртасидаги никоҳни тақиқлайди. Исломда никоҳ тузиш учун тўқсинглик қила-диган қариндошлиқ даражаси белгиланган. Қуръони Каримнинг 4-Нисо сураси, 22-24-оятларида никоҳ тақиқланган ҳоллар батафсил белгилаб берилган. 22-оятда шундай дейилади: «Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳларингизга

¹¹² Muxtasar: (Shariat qonunlariga qisqacha sharh).-T.: Cho`lpon, 1994.-96-bet.

¹¹³ «Idda» - хотин никоҳдан ajralgan yoki uning nikohdag'i eri vafotidan so'ng turmushga chiqmay turishi uchun belgilangan muddat; nikohdan ajralgandan so'ng ayol uch marotaba hayz ko'rishi (uch oy-u 10 kun), eri o'lgan bo`lsa, o'limidan so'ng 4 oy-u 10 kun, ya'ni homiladorligi yoki homilador emasligi ma'lum bo`lguncha boshqa nikohga kirmay turishi lozim bo`lgan.

олманг. Магар илгари ўтган бўлса (улар кечирилади). Албатта, бу қабих, жир-канч ва ёмон йўлдир». 23-оятда еса қуидагилар белгиланади: «Сизларга (никоҳи) ҳаром қилинган (аёллар) - бу оналарингиз, қизларингиз, опа-сингил-ларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, емизган «она»ларингиз, емишган «опа-сингил»ларин-гиз, қайноналарингиз, жинсий яқинликда бўлган хотинларингизнинг қарамо-Ғингизда бўлган қизлари - жинсий яқинликда бўлмаган бўлсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас - яна, ўз пушти камарингиздан бўлган ўҒилларингизнинг хотинлари. Икки опа-сингилни қўшиб (никоҳлаб) олишингиз (ҳам ҳаром қи-линди). Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв етар). Албатта, Аллоҳ мағфи-ратли ва марҳаматли зотдир. Шунингдек, 24-оятда: «Яна, ерли хотинлар (никоҳи ҳам ҳаром қилинди), магар қарамоҒингиздаги жориялар (бундан мустасно)¹¹⁴. Бу (мазкурларнинг ҳаммаси) Аллоҳнинг битиги (фарзи)дир. Ана шулардан бошқа аёлларга зинокорона емас, (балки) молларингиз (маҳр) билан уйланишингиз сизларга ҳалол қилинди. Улар билан (никоҳ орқали) яқинлик қилишингиз биланоқ белгиланган маҳрларни берингиз. (Маҳр) белгилангандан кейин ўзаро келишсангиз (хотин ўз маҳридан кечса), сизлар учун гуноҳ йўқдир. Албатта, Аллоҳ илм ва ҳикмат егасидир».

Шундай қилиб, еркакларга яқин қон-қариндошлар, туғишганлари би-лан никоҳдан ўтиш тақиқланган. Юқоридагилар билан бир қаторда шариат ни-коҳдан ўтувчиларнинг табақавий жиҳатдан teng бўлишилигини, руҳий жиҳат-дан соғлом бўлишини ҳам талаб қиласди. Шунингдек, никоҳ шартномаси тузишга тўғридан-тўғри тўскинлик қилувчи бошқа ҳолатлар ҳам кўрса-тилади. Жумладан, мусулмонлар ехром ҳолатида бўлсалар, агар никоҳга кира-ётган аёлга бошқа киши томонидан уйланиш истаги билдирилган бўлса, еркаклар ўз хотинларининг сингиллари билан никоҳга кираётган бўлсалар, то-монлардан бири жинсий камолатга етмаган бўлса ва ҳоказо ҳолатлар ша-риатга биноан никоҳ аҳди тузишга тўғридан-тўғри тўскинлик қиласди. Шу-лар билан бирга Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ҳам ҳадис-лар мисолида қуидаги ҳолларда никоҳнинг тақиқланиши кўрсатиб ўтилган: «Кишининг ўз онасига ва отаси ё онаси томонидан бўлган бувиларига уйланиши ҳалол емас... Боласининг қизига ва ундан

¹¹⁴ Joriyasini nikohlab olmoqchi bo`lgan kishi uning iddasi chiqishini kutadi. Zero, odatda joriyalar janglarda yengilgan kofir erlarini tashlab kelgan bo`ladi. Shuning uchun homilali bo`lishligi ehtimolidan iddaga buyurilgan.

пастдагиларга ҳам уйланиши ҳалол емас... Отасининг ва боболари хотинига ҳам уйланиши ҳалол емас... Ўғлининг болаларининг хотинига уйланиши ҳалол емас... Хотин ўз аммаси ёки холаси ёки ака-укасининг қизи ёки опа-сингилисисининг қизи ус-тига никоҳланмайди... Кимки бирорта аёл билан зино қиласа, унга мана шу аёлнинг онасига ва қизига уйланиш ҳаромдир... Кимки (бирор) аёлни шаҳ-ват билан ушласа, унга у аёлнинг онаси ҳам, қизи ҳам ҳаром бўлади. (Ле-кин шофиийлар буни «ҳаром бўлмайди» дейдилар)... Хўжайин ўз чўри-сига уйланмайди, хотин ўз қулига ерга тегмайди... Мажусий аёлларга уйланиш жоиз емас... Бутпараст аёлларга ҳам уйланиш мумкин емас»¹¹⁵.

Юқорида санаб кўрсатилган шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳ-гина қонуний ҳисобланиб, тарафларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлаган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, шариат нормаларида белгиланган шартлардан кўзда тутилган асосий мақсад соғлом, ҳалол никоҳ муно-сабатини вужудга келтиришдан иборат еди.

Шариат еркакларга бир вақтнинг ўзида тўрттагача никоҳда бўлиш ҳуқуқини беради. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай дейилади: «Агар етимларга (нисбатан) адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга, иккита, учта, тўрттадан уйланаверингизлар. Бордию (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўрилар (билин кифояланинг)» (4-Нисо сураси, 3-оят). Исломшунос олим Алоуддин Мансур ушбу оятга изоҳ бе-риб, Қуръони Каримнинг 1992 йилги нашрида қўйидагиларни таъкидлайди: «Ис-лом - воқеий диндир. Яъни у инсонларни покиза ҳаёт кечиришга даъват қи-лишда Ғайривоқеий йўлларни тутмайди. Бинобарин, бу қонунда воқеий ин-соний ҳаёт назарда тутилган. Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибалар кўрсатишича, ўғил боладан кўра қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчи-дан, аёл киши еркак кишидан кўра узунроқ умр кўриши ҳам воқеий ҳақиқатdir. Учинчидан, турли фожиалар, хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан еркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва яна бошқа кўп сабаблар натижасида инсоният оламида мудом аёлларнинг саноғи еркакларнидан ортиқ бўлади. Демак, бир еркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, еркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлур еди. Яъни, бу аёллар ўзларининг

¹¹⁵ Burhoniddin al-Marg`inoniy. Hidoya. I jild. T.: Adolat, 2000, 650-658-betlar.

турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолар едилар. Натижада жамиятда нопоклик ва майший бузукликлар ю-зага келади. Шунинг учун Ислом моддий имкониятлари бўлган кишиларга, агарadolat қила олишнинг уддасидан чиқсалар, бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга рухсат беради ва шу йўл билан бирга аёллар ўртасидаadolat қилмай, фақат шаҳвоний нафсни қондириш учунгина қўп хотин олишга ружу қўйган кимсалар учун охиратда ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради»¹¹⁶.

Мусулмон ҳуқуқида ер-хотин ўртасидаги муносабатлар батафсил тартиб-га солинади. Булар ҳақида ҳуқуқшунос олим Ф.Отахўжаевнинг¹¹⁷ асарлари-да қизиқарли маълумотлар берилган. Кўйида биз асосан ушбу олимнинг ки-тобларидан олинган маълумотларни келтирамиз.

Шариат ва одатда ер-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари атрофлича ишлаб чиқилган. Ернинг оиласидаги ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат. Ер оила бошлиғи ҳисобланган, бинобарин, оила таъминоти учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб топиши лозим бўлган. Хотин еса оиласада асосан уй-рўзГор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланган.

Ернинг ҳуқуки бўйича, агар ер қалин ва маҳр тўлаган бўлса, хотин албатта унинг уйида ялаши лозим еди. Ери ер-хотинлик муносабатларига хиёнат қилса ҳам на фуқаролик, на жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳол хотиннинг диний еътиқодини ҳақоратлаш ҳисобланиб, у билан қўпол муносабатда бўлинганлигини билдиради. Хотин бирор жойга бориши лозим бўлса, ал-батта еридан рухсат олиши даркор еди. Ер хотинини моддий таъминлаши лозим еди. Агар ер уйда олти ойдан ортиқ муддат бўлмаса, хотинини моддий жиҳат-дан таъминламаса, бу ҳолат хотинига ерининг никоҳидан ажралиш учун асос бўла олган.

Агар ернинг биттадан ортиқ хотини бўлса, у ҳолда ҳар бир хотини учун алоҳида хона ажратиб, ҳовлига чиқиш учун алоҳида йўл очиб бериш ер-нинг бурчи бўлган. Унинг мулкидан ҳамма хотинлари баравар фойдала-нишлари мумкин еди. Бошқа муносабатларда ҳам шундай бўлган. Хотин ўзи учун ажратилган хонадан еридан бўлак шахсларни чиқариб юбориши мумкин еди. Ер хотинига ота-онасини қўриб келиши учун бир ҳафтада бир марта рухсат беришга мажбур еди. Унга қариндош маҳрам бўлган шахс-ларни қўриш учун бир

¹¹⁶ Qur'oni Karim, (Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur), Cho`lpon, T.: 1992.-55-bet.

¹¹⁷ Qarang: Otaxo`jayev F. Nikoh va uning tartibga solinishi.-T.: O`zbekiston, 1995.-47-53-betlar.

йилда камида бир марта рухсат бериши лозим еди. Би-роқ у номаҳрам шахсларнинг уйига боришига ёки уларни ўз уйида қабул қилишига, тўйга, жамоат ҳаммомларига боришига рухсат етмаслиги мум-кин еди.

Хотиннинг ердаги ҳаққига нисбатан мажбуриятлари кўпроқдир. Хотин албатта ерининг уйида яшаб, уйни озода ва тоза сақлаб, рўзғор ишларини бажариб, болаларни тарбиялаши лозим бўлган. Ажратилган хонада ерига ўзи билан ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда яқин алоқада бўлишга йўл қўйиши зарур. Унга бўйсуниб, топширган ишларини бажариши керак. Никоҳ аҳди тузилгандан бошлаб ер-хотинлик муносабатига хиёнат қиласлиги даркор. Ерининг рухсатисиз оммавий жойларда кўринмаслиги керак. Хотин еридан моддий таъминот талаб қилишга ҳақлидир.

Агар ер хотинига нисбатан зўрлик, қўполлик қилса, ерлик мажбуриятла-рини бажармаса, хотин ери билан яшашни рад етиши мумкин еди. Хотин ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаса, ери унга нисбатан жисмоний таъсир чораларини кўриши, ҳатто ажралиш масаласини ҳам қўйиши мумкин бўлган. Агар ер хотинига тирикчилик учун етарли микдорда маблағ бермаса, у ҳолда хотини, қозининг рухсати билан, ерининг номидан ва унинг жавоб-гарлиги билан қарз олиши, ўзига тегишли мулқдан айримларини сотиши мумкин бўлган. Агар хотин ери олдидаги мажбуриятларни бажармаса, у ҳолда ер уни жазолаши, яъни уни зарар келтирмасдан уриши ва маълум муддат моддий таъминотдан маҳрум етиши мумкин бўлган.

Агар ер ёки хотиндан бири, аввалги сахифаларда таъкидланганидек, бошқа динга кирса, яъни ислом динидан чиқса, бундай ҳолларда улар ўрта-сидаги никоҳ муносабати тугатилиб, мавжуд бўлган ҳамма мажбуриятлар бекор қилинган. Аммо динга нисбатан хиёнат ер томонидан содир етилган бўлса, у хотинига маҳр беришдан ва идда вақтида моддий таъминлашдан озод етилмаган. Бундай ҳаракат хотин томонидан содир етилса, у идда даврида моддий таъминот олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Хотини ўлимидан сўнг, ер ҳамма вақт бошқа аёлга уйланиши мумкин бўлган. Хотинга еса ери ўлимидан сўнг бошқа шахсга турмушга чиқишга фақат идда муддати ўтганидан сўнггина рухсат берилган. Хотин идда муддатини никоҳда қаерда турган бўлса, шу ерда ўтказиши лозим еди, чунки шундагина унинг ўз шахсий ҳуқуклари ва мулки тўла сақланган.

Идда вақтида хотинни моддий таъминлаш ерга юклатилган. Аммо у бирон асос бўйича хотинини моддий таъминлашдан озод

етилган бўлса, ёхуд бандаликни бажо келтирса, у ҳолда хотин ўзини ўзи моддий таъминлай-ди. Агар мархум мерос қолдирган бўлса, ерининг мероси ҳисобига таъмин-ланади. Шариат оиласидан турмуш давомида ер-хотин томонидан топилган мулк уларнинг умумий мулки еканлигини тан олмаган, биргаликдаги турмуш даврида мулк кимнинг маблағига олинган бўлса, ўшанини ҳисобланган.

Куръони Карим никоҳдан ажралишга (талоққа) йўл қўяди. Аммо ислом талоқни - оила бузишни мақсадга мувофиқ иш деб ҳисобламайди. Иложи борича оилани бузмай сақлаб қолишни тарғиб қилади. Никоҳни бекор қилиш-га тегишли «қонуний» асослар бўлганидагина йўл қўйилган. Шариат бўйи-ча ажралиш «талоқ» сўзи билан белгиланган. Бу сўзниң луғавий маъноси қўйиш, қўйиб юбориш демакдир. Талоқ қилиш ҳуқуқи еркакка берилган. Шунингдек, бу иш унинг ишончли вакили томонидан ҳам амалга оширили-ши мумкин. Еркаклар табиатан аёлларга нисбатан оғирбосик, ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб қиласидиган ва оғир-енгил қунларда оилани сабртоқат билан бошқариб борадиган кишилар бўлганлиги учун бу ҳуқуқ уларга берилган.

Хотиннинг бевосита иштирокисиз, у талоқ сўзини ешитмаса ҳам, «та-лоқ» ёзма равишда еълон етилишига йўл қўйилган. Бунда ажралиш тўғри-сида васиқа келиннинг бевосита ўзига ёки унинг отасига ёхуд қозининг қўлига топширилиши лозим. Агар ажралиш тўғрисидаги хатда қандайдир шартлар бажарилиши лозимлиги кўрсатилса, бу шартлар албатта бажарилиши лозим, акс ҳолда ажралиш содир бўлмайди. Ажралиш васиқа тузилган кундан еътиборан кучга киради.

Ажралиш вақтида диний-догматик нормаларга риоя қилиниши лозим бўлган. Никоҳдан ажралиш вақтида ер-хотин мутлақо тенгсиз ҳолатда бўлишган. Ер хотиндан ажралиш учун ўйлаб топилган ҳар хил важларни келтириб, ҳеч бир исботсиз ўз хоҳишича ажралиши мумкин еди. Ернинг хотини билан қўпол муомалада бўлиши, ер-хотинлик муносабатларига хиёнат қилиши хотинга никоҳдан ажралиш ҳуқуқини бермас еди.

Қуйидаги ҳолатлардагина хотини никоҳни бекор қилишни сўраши мумкин еди:

1. Агар ери олти ой муддат давомида хотинини моддий таъминламаса.
2. Агар ери никоҳда яшашга қодир бўлмаса (ерлик иқтидори бўлмаса).

3. Агар никоҳ ёшлиқ вақтида тузилган бўлиб, жинсий балоғатга етгандан сўнг ёки маълум ёшга тўлгандан сўнг қиз никоҳда яшашга рози емаслигини изҳор етса.

4. Агар ери ислом динидан бошқа динга ўтса.

Талоқ қилинган аёл аввал айтиб ўтилганидек, насл-насаблар араласиб кетмаслиги учун уч ҳайз мобайнида ўзини кузатиб, бошқа турмуш қур-май туриши лозим еди. Шу муддат ўтиб, ҳомила йўқлиги равшан бўлгач у аёл ерга тегиши мумкин бўлган. Агар ҳомиладор еканлиги маълум бўлса, бола туғилиб, нифос муддати ўтгандан кейин бошқа турмуш қуриши мумкин. Идда асносида ер қилган ишидан пушаймон бўлиб, ярашишни истаса, бунга унинг ҳақки бор. Агар шу муддат ичида хотинига яқинлаш-маса, муддат тугагач талоқ содир бўлиб, никоҳ муносабати тугалланади.

«Талоқ икки марта дир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (мумкин). Уларга (хотинларингизга) берган нарса-лардан (махрларидан) бирор нарсани қайтариб олишларингиз сизларга ҳалол емас, магар (ер-хотин) Аллоҳнинг (оила тўғрисидаги) буйруқларини бажара олмаслиқдан қўрқсалар (бу ундан мустасно). Агар уларнинг Аллоҳ буйруқ-ларини бажара олмаслигидан қўрқсаларингиз (еридан талоқ олиш ниятида) еваз беришида (ва ернинг шу евазни олишида) ер-хотин учун гуноҳ йўқ¹¹⁸. Бу Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳадларидир. Улардан тажовуз қилмангизлар! Ким Аллоҳнинг ҳадларидан тажовуз қилса, ана ўшалар золимдирлар». (Куръони Карим, Бақара сураси, 229-оят).

«Агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, (у аёл) то бошқа ер билан ни-коҳланмагунча (ва ундан ҳам талоқ олмагунча), унга ҳалол бўлмайди. Бас, агар (кейинги ер) уни талоқ қилса, (қаралади,) агар Аллоҳнинг буйруқла-рини бажара олишга ишонсалар, (аввалги ер билан) турмушга қайтишларида гуноҳ йўқдир. Булар Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳадларидир. Уларни англатувчи қавм (одамлар) учун баён қилур». (Куръони Карим Бақара сураси, 230-оят).

Шариат бўйича мерос хукуқи жуда мураккаб ва чалкаш бўлган. Мерос хукуқи борасида мусулмон хукуқининг турли хукуқий мазҳаблари ўртасида катта фарқлар мавжуд. Умуман мерос васият бўйича ва қонун бўйича қолдирилган. «Васият» сўзининг луғатда баён қилинган маъноси - «топширмоқдир». Шариат бўйича еса, молмulkни ўлгандан сўнг кимга берилишини айтиш. Васият қонуний

¹¹⁸ Bu evazni shariat tilida «xul'» deyiladi. Er ajralishni xohlamagan taqdirda xotini taloq so'rasha, evaz yoki badalni to`lab, erni ko`ndirish shariatda joriy etilgan.

меросхўрлар фойдасига тузилиши мумкин емас еди. Шунингдек, мол-мулкнинг учдан бир қисмидан ортиғи-ни васият қилишга ҳам рухсат етилмаган. Васиятни тузишда иккита гувоҳ иштирок етиши лозим бўлган. Шариатда айниқса қонун бўйича мерос тар-тиби бир мунча пухта ишлаб чиқилган еди. Ўлган кишининг мол-мулкидан аввало уни дафн етиш маросимларига кетадиган харажатлар қопланган, сўнг-ра унинг барча қарзлари тўланган. Қолган мол-мулклар қонуний мерос-хўрлар ўртасида тақсимланган. Меросдан биринчи навбатда ўлган киши-нинг болалари ўз ҳиссаларини олишган, улар бўлмаса унинг ака-укалари, амаки-тоғалари ва бошқалар меросга чақирилган. Аёллар меросдан еркакларга нисбатан икки ҳисса кам улуш олганлар. Диндан қайтганлар, аж-ралган ер-хотинлар, мерос қолдирувчининг ўлимига сабаб бўлганлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум едилар.

7. Шариат бўйича жиноят ҳуқуқи ва суд ишларини юритиши тартиби

Мусулмон ҳуқуқида жиноят ҳуқуқи нормалари фуқаролик ҳуқуқи нормаларига нисбатан унча батафсил ишлаб чиқилмаган. Улар қадимийлиги, ескириб қолганлиги, юридик техникаси жихатидан нисбатан унча ривожланма-ганлиги билан ажралиб туради.

Шариатда **жиноят тушунчасининг** асосини диний Ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоидалар ташкил етади. Шу-нинг учун ҳам мусулмон ҳуқуқида жиноят тушунчасини таҳлил етишга алоҳида ёндашиш лозим. Зоро, баъзи рус олимлари шариатда жиноятнинг умумий тушунчаси мавжуд емас деб ҳисоблайдилар¹¹⁹. Бироқ, бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Бинобарин, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида жиноят деб, қонун тилида-шахсга ва мулкка қарши қара-тилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади¹²⁰, - деб кўрсатилади. Шариатдаги ушбу таъриф жиноят тушунчасига берилган умумий таъриф бў-либ, шариат масалаларига бағишиланган асарларда жиноятнинг айrim турлари-га алоҳида тушунча берилган. Жумладан, «Мухтасар» (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) да кўрсатилганидек, «жиноят» сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида

¹¹⁹ **Qarang:** История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.-М.:Издательство НОРМА, - 1996.-426-bet.

¹²⁰ **Qarang:** Hidoya. – Т., 1883.-211-bet.

одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш маъносини¹²¹ билдиради.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят таркибидаги тўртта асосий белгилар ҳам назарда тутилади. Жиноят таркибининг асосий элементларидан бири **жиноят обьекти** ҳисобланади. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқида шахснинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуқча хилоф жиноий қилмиши қандай мақсадга қаратилганлиги, яъни тажовуз қайси ижтимоий муносабатларни бузишга йўналтирилган бўлса, шу муносабат жиноятнинг обьектини ташкил етади. Шариат бўйича жино-ятларнинг умумий обьекти дин ва давлат асослари, шахснинг хаёти, соғ-лиги, қадр-қиммати, номуси, мулкнинг турли-туман шакллари, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо-сотиқ тартиб-қоидалари, одил судлов асослари ва бошқа муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан, диндан қайтиш, Аллоҳга шак келтириш, кўп худолик (маъжусийлик), исломдан юз ўгириш бир жиноятнинг турли кўринишлариdir. Бу жиноятларнинг умумий обьекти диний муносабатлар бўлиб, айбдорнинг жиноий қилмиши диний муносабатларга путур етказишга қаратилган бўлади¹²². Шариатда, шунинг-дек, **жиноятнинг обьектив томонини** тавсифловчи қатор белгилар ҳам мав-жуд. Масалан, ўғрилик, босқинчилик, зино, зинокорлиқда айблаш (туҳмат) ва бошқа жиноятлар таркибининг обьектив томони уларнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуқча хилоф ҳаракатлардан иборат еканлигидадир. Бундай жиноятлар бир-биридан, асосан, қилмишнинг хусусияти билан, мулкка қарши қаратилган жиноятлар еса бир-биридан мулкни қонунсиз егаллаш усули, яъни жиноятнинг обьектив томони билан фарқ қиласи.

Шариатда **жиноят субъекти** масаласига ҳам еътибор берилади. Унга биноан, ҳар қандай жисмоний шахс емас, балки ес-хуши жойида, ўз қилми-шига ўзи жавоб бера оладиган, яъни ўз юриш-туришининг моҳиятини ту-шунадиган ва ўз хатти-ҳаракатини ирова қилиш қобилиятига ега бўлган, ақли расо кишиларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланганлар. Ханафий маз-ҳаби бўйича жиноят субъектининг ёши 15 ёш қилиб белгиланган. Таъки-длаш жоизки, мусулмон жиноят ҳуқуқида ақли заиф, исрофгарчилик ва нобуд-гарчиликларга йўл қўйювчилар, ақлдан озганлар, гўдаклар, хотираси суст, серуйқу ва гунг (тилсиз) кишилар ақли норасолар қаторига

¹²¹ **Qarang:** Muxtasar.-Т.: Cho`lpon, 1994. -304-bet.

¹²² **Qarang:** Rajabova M.A. Shariatda jinoyat va jazo.-T.: Adolat, 1996.-58-59-betlar.

киритилган. Масалан, «Мұхтасар»да: «тилсиз, ёзув ва ишора билан ўзига жавоб вожиб бўладиган даражадаги ишга, мисол учун, зино, хамр (ароқ) ичиш, ўҒриликка иқрор бўлса, жазо берилмас, қўли кесилмас. Чунки иқрори шубҳалидирки, шубҳа билан жазоланмас»¹²³, - деб қайд етилган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида **жиноятнинг субъектив томонини тав-сифловчи белгилар ҳам ҳисобга олинади**. Унга биноан қасдан ёки еҳтиёт-сизлиқдан қилинган жиноятлар бир-биридан фарқланади. Масалан, одам ўлди-риш жиноятининг ўзи айбнинг шаклига қараб бир неча турларга бўлинади. Масалан, «Ҳидоя» асарида бу жиноят беш турга бўлиб кўрсатилган: 1) қасдан одам ўлдириш; 2) қасдга ўхшаш ўлдириш; 3) бекасд (бilmай) ўлдириш; 4) бекасдга (бilmasdan) ўхшаш ўлдириш; 5) сабабли қотиллик. Шунингдек, шахснинг соғлигига қарши жиноятлар ҳам мусулмон ҳуқуқида қасд ва еҳтиётсизлиқдан содир етилиши мумкинлиги инобатга олинган. Бунда ҳар иккала айб шаклига алоҳида-алоҳида жазо тури белгиланган.

Мусулмон ҳуқуқида асосан тугалланган жиноятлар учун жиноий жа-вобгарлик назарда тутилган. Суиқасд тушунчasi тўлиқ ишлаб чиқилмаган еди. Масалан, шариатда ўҒрилик ва тан жароҳати етказиш каби қатор жиноятларда жиноий оқибатнинг юз бериши қўзда тутилган. Жумладан, одам ўл-диришдаги жиноий оқибат жабрланувчининг ҳаёти бўлса, ўҒрилик, босқин-чилик, талончилик, мулкни ўзлаштириш йўллари билан талон-тарож қилишда еса мулкий характердаги зарар етказиш қўзда тутилган. Шунингдек, тугалланмаган жиноятлар, жиноятга суиқасд учун енгилроқ жазо белгиланган. Масалан, қароқчилар йўл тўсаётганларида ҳали молни олмай ва ҳеч кимни ўлдирмай туриб қўлга тушсалар, уларга ўлим жазоси емас, қа-моқ қўлланилган. Шунингдек, ўҒри нарсани хонадан олиб чиқиб кетмай туриб қўлга тушса қўли кесилмаган ва ҳоказо.

Шариат бўйича жиноятда иштирокчилик масаласи ҳам унча тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Лекин шариатнинг жиноят ҳуқуқи назариясида **зарурий мудофаа** тушунчasi назарда тутилган. Масалан, бир шахснинг иккинчи шахсга жиноят қуроли (қилич, таёқ ва ҳоказолар) билан ўқталганда му-дофааланувчининг ҳаётига тажовуз қилиш очик-ойдин бўлганда, тажовуз-чини ўлдирса, унинг ҳаракати зарурий мудофаа доирасида содир қилинган, деб саналса, бундай ҳоллар жиноят ҳисобланмаган. Зарурий мудофаа нафақат

¹²³ Muxtasar.-T.: Cho`lpon, 1994. -332-bet.

мудофаланувчи томонидан, балки ўзга манфаати йўлида бошқа шахслар томонидан ҳам содир қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, мусулмон жиноят ҳуқуқида қилмишнинг зарурий мудофаа ҳолатида содир қилинганилигини баҳолашда қатор ҳолатлар: қилмиш содир қилинган жой, вакт, шароит (кунду-зи ёки кечқурун, шаҳар ёки ҳеч ким бўлмаган дашт ва ҳоказо), қил-мишнинг хавфлилик даражаси, қурол тури ва бошқалар инобатга олинган. Ша-риатнинг жиноят ҳуқуқи назариясида нафақат зарурий мудофаа тушунчаси мавжуд, шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ту-шунчаси ҳам акс етган. Масалан, «Мухтасар»да қайд етилганидек, «кун-дузи шаҳар ёки қишлоқ ичидаги таёқ билан ўқталувчини ўлдириш сабабли қасос вожиб бўлур, чунки кундузи шаҳарда ёрдамга бирор улгуриши мумкин, шунинг учун таёқ ўқталиши билан ўлдириб қўйиш тузук бўлмайди»¹²⁴.

Шариатда айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам ҳисобга олинади. Айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига қуийдагилар кир-ган: 1) айбини бўйнига олиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш; 2) ет-казилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаш; 3) мажбуrlаш ёки моддий то-мондан, хизмат жиҳатидан қарамлик сабабли жиноят содир етиш; 4) жабрла-нувчининг айбдорни кечириши; 5) вояга етмаганлар ёки аёллар томо-нидан жиноят содир етилиши; 6) қуллар томонидан жиноят содир етилиши; 7) подшо томонидан жиноят содир етилиши ва ҳоказо. Шариатда такороран жиноят содир етишлиқ, гурух бўлиб жиноятга қўл уриш ва бошқалар айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланиб, бундай ҳолларда оғирроқ жазолар назарда тутилган.

Ўрта асрлардаги мусулмон ҳуқуқшунослари барча жиноятларни уч гуруҳга ажратадилар. Биринчи гуруҳга бевосита Муҳаммад (САВ)нинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган жиноятлар киритилади. Улар «Аллоҳнинг ху-қуқлари»га тажовуз қиласидиган жиноятлар сифатида талқин қилинган ва авф етилмаган. Бунга биринчи навбатда исломдан қайтиш жинояти киритилган. Бу-нинг учун ўлим жазоси назарда тутилган. Бошқариш тартиботига қарши қа-ратилган жиноятлар - исён ва давлат ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш каби жиноятлар ҳам оғир жазоланган. Оғир диний гуноҳ деб еълон қилинган уш-бу гуруҳ жиноятларига яна ўғрилик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, зинокорлик, шунингдек, зинокорликда айблаб тухмат қилиш кабилар ҳам кирган.

¹²⁴ O'sha asar. 307-bet.

Иккинчи гурух жиноятларни бутун мусулмонлар жамоасига емас, балки алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф хат-ти-ҳаракатлар ташкил етган. Уларни тартибга солувчи нормалар уруғдошлиқ тузуми одатларидан келиб чиққан, жумладан қасос олиш ҳуқуқини белгила-ган. Масалан, қасддан одам ўлдириш ёки тан жароҳати етказиш жиноят-ларини содир етган шахсларга «жиноятга teng жазо» (таллион) тамойили асоси-да жазо назарда тутилган. Аммо шариат манбалари, жумладан, Қуръони Карим ва ҳадисларда бу гурухга киритилган жиноятлар учун кўзда тутилган жа-зони бир мунча юмшатиш ҳақида сўз юритилганлигини кўриш мумкин. Масалан, қўшимча қонли қасос олиш ўрнига «товор» тўлаш каби ен-гилроқ жазо берилиши назарда тутилади. Қуръони Каримда одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари учун «жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга қасос (олинур)» деб белги-ланган (Моида сураси, 45-оят). Шунингдек, ушбу одатда «кимки у (қа-сос)ни садақа қилиб (кечиб) юборса, у (гуноҳларига) каффоратдир» дейилади. Каффоратнинг маъноси еваз, бадал, афвдир. Демак, Қуръони Каримда қасос олмай, хунидан кечишга маъкул, савобли иш сифатида қаралади.

Ва ниҳоят, учинчи гурухни ташкил етuvchi жиноятларга ўз табиати-га кўра, ижтимоий муносабатларга қарши жиноий тажовуз қилишга қаратилган бошқа барча турдаги жиноятлар, жумладан, закот тўламаслик, шахсларга моддий зарар етказиш (ўғрилик ва босқинчиликдан ташқари), битимлар юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, хун олиш учун товон тўламаслик, кам ўлчаш, кам тортиш, товламачилик қилиш, порахўрлик, хазинани ёки етимнинг ҳақини ўзлаштириш, қонунга хилоф ҳолда қасддан суд қарорла-рини чиқариш, ёлғон гувоҳлик бериш, жамоат жойларида юриш-туриш қоидаларини бузиш, фуқароларга ёки ўзига бўйсунувчиларга нисбатан зулм ўтказиш, енг муҳим диний ақидаларни инкор қилиш, давлат мулкини турли хил нопок йўллар билан талон-тарож қилиш, жодугарлик ва сеҳргарлик, номусга тегиш, бесоқолбозлик, нафақа тўлаш мажбуриятидан қасддан бош тортиш ва ҳоказолар киритилади¹²⁵.

Ушбу жиноятларнинг аксарияти учун Араб халифалигининг ташкил то-пиши даврида жазолар назарда тутилмаган. Шу сабабли улар шариатнинг асо-сий манбаларида еслатилмайди. Ҳуқуқий

¹²⁵ Rajabova M.A. Shariatda jinoyat va jazo.-T.: Adolat, 1996.-57-betlar.

таълимотнинг ривожланиши ва ҳукм-рон табақаларнинг таркиб топган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлашга уриниши натижасида илгари жиноий ҳисобланмаган кўпгина хатти-харакатлар, жумладан, закот тўламаслик, рўза тутмаслик, енгил тан жароҳати етказиш, ҳақорат, безорилик, алдоқчилик ва фирибгарлик, давлат мулкларини исроф қилиш, қимор ўйнаш ва ҳоказолар жиноят сифатида кўриладиган ва суд таркибида жазоланадиган бўлди. Бундай ишлар бўйича жазо чораси бериш мужтаҳид-лар томонидан билдирилган фикрларга ва алоҳида қозиларнинг ихтиёрига боғ-лиқ бўлган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи бўйича **жазоларнинг** хилма-хил турлари на-зарда тутилган. Албатта, бунда давлатдан олдинги жамиятга хос, ескирган жа-зо усулларидан ҳам фойдаланилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, шариатда кўпгина жиноятлар учун қасос олиш, товон, таъзир ва бошқа жазо турлари белгиланган. Р.Шарлнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқшунослари ВПИ асрдан бошлаб мусулмон ахлоқини тузатишга оид жазолардан таъзирни қўл-лаш орқали жазоларни индивидуаллаштириш, яъни жиноятнинг турига қараб, ҳар бир жиноятчига алоҳида-алоҳида жазо чоралари белгилаш тамойилига суюнган едиларки, бу қоида Европа қонунларига анча кеч киритилган¹²⁶.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида жазолар оғирлик даражасига қараб қўйида-ги уч турга: 1) ҳад; 2) қасос ёки товон ва каффорат; 3) таъзир жазоси турла-рига бўлинади. «Ҳад» сўзининг луғавий маъноси «Мухтасар»да кўрсатил-ганидек, чекка, чет, икки нарса орасидаги парда, монеъ деганидир. Бу шариатда жиноий хатти-харакатлар учун Аллоҳ томонидан белгиланадиган жазо деб тушунилади. Ҳад жазоси турларига 40 мартадан кўпроқ дарра уриш, яъни 80, 100 дарра уриш, қўл ёки оёғини кесиш, тошбўрон қилиб, осиб ёки бошини танасидан айириб ўлдириш киради. Ҳад жазоси ҳақида Куръони Карим оятларида айтиб ўтилгани учун ҳам шариат олимлари уни қатъий жазо - Аллоҳнинг ҳақи деб ҳисоблайдилар. Ҳад жазоси турлари асосан зино, тухмат, ўғрилик, қароқчилик (босқинчилик), спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ислом динидан қайтиш, исён қўтариш ва бошқа жиноятларга нисбатан белгиланган. Шунингдек, «Мухтасар»да ҳад жазоси зино, тухмат қилиш, ўғрилик, қароқчилик учун қўлланилишига кўра у жиноятларни чеклаб баён қилиш зарур¹²⁷,

¹²⁶ Qarang:Шарл Р. Мусульманское право. – М.: 1959.-41-bet.
¹²⁷ Muxtasar, 284-bet.

деб бу жазо турларини фақат бир нечта муайян жиноятларга нисбатан қўлланилганлиги сабабли чеклаган деган маънени англатиши таъкидланган. Шариатда ҳад жазоси турларининг «қасос» ёки то-вон (дия, хун) ва таъзир жазо турларидан фарқи ҳам кўрсатилади. Жумладан, «Мухтасар»да: «Бас, таъзир ва қасос ҳад емас, чунки таъзир чекланма-ган жазодир, қасос еса банданинг ҳаққидир, банда кечса, кечилади. Ҳад кечилмайди»¹²⁸, - деб қайд етилган.

Қасос ёки товон (дия) ва каффорат жазоси турлари шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши қаратилган жиноятлар, хусусан, одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятларига нисбатан қўлланилган. Бу ҳол шариатда «жиноятга teng жазо» қоидасига риоя қилиш, деб юритилади. Жумладан, Қуръони Каримда: «Ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам ўша меъёрда тажовуз қилинг!» (Бақара сураси, 194-оят), дейилади. Шунингдек, Моида сураси, 45-оятда ҳам «жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга қасос» олиниши кўрсатилади. Демак, қасос олишда қасдан одам ўлдириш ёки қасдан тан жароҳати етказиш жиноятини содир етган айборга ўлим жазоси, агарда у ёки бу даражада тан жароҳати етказилган бўлса, айборнинг ҳам баданига етказилган жароҳати даражасида қасос-тeng жазо қўлланилган. Қасосдан товон (хун) тўлаш ва каффорат жазоси орқали қутулиш мумкин еди. Каффоратда бир қулни озод қилиш, қул топилмаса, айбор икки ой муттасил рўза тутиши шарт бўлган. Бу ҳақда Куръони Каримда шундай дейилади: «Мўмин (иккинчи бир) мўминни фақат янглишибгина ўлдириб қўйиши мумкин. Кимда-ким мўминни янглишиб ўлдирган бўлса, (унинг зimmersига) бир мўмин қулни озод қилиш ва у (марҳум)нинг оиласига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаш (фарздир). Агар (марҳум) сизга дushman қавмдан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Агар сизлар билан улар ўртасида сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Кимда-ким (қул) топмаса, Аллоҳдан кечирим сўраб, икки ой муттасил рўза тутиш (билин кифояла-нади)» (Нисо сураси, 92-оят). Умуман, қасос ёки товон олиш жазоси ибтидоий жамоа тузуми давридан мерос қолган еди.

Таъзир жазоси «ҳад» ёки «қасос» жазоларини қўллаш мумкин бўлма-ган ҳолларда, шунингдек, диний жиҳатдан гуноҳни ювиш билан жазоланади-ган жиноятлар содир етилган тақдирда

¹²⁸ Muxtasar, 284-bet.

қўлланилиши мумкин еди. Масалан, ўҒирликда ўҒирланган нарса шариатда жорий етилган микдордан кам бўлса, ҳад емас, балки таъзир қўлланилган. Шунингдек, қароқчилар йўл тўсаётганларида ҳали молни олмай ва ҳеч кимни ўлдирмай туриб қўлга тушсалар, уларни то тавба қилгунларига қадар қамаб қўйилган ёки ўҒри нарсани хонадан олиб чиқиб кетмай туриб қўлга тушса, қўли кесилмаган. Таъзир жазо турларига З даррадан 39 даррагача уриш, қамоқ, огоҳлантириш, ватанидан ҳайдаб юбориш, жамоат иззаси, жарима, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум етиш ва ҳоказолар киради.

Таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуки масалалари билан шу-Ғулланган ҳозирги замон ҳуқуқшунос олимларимиз шариатдаги жиноий жазо тизимини бир нечта гуруҳларга бўлиб, улар ҳақида бир-биридан фарқ қилувчи фикрларни баён қилганлар. Жумладан, М.И.Садагдар мусулмон ҳуқуқида жазо алоҳида хусусиятга ега бўлиб, қуидаги турларга: қасос - ўч олиш; дия - товон ҳақи; ўлим жазоси; тошбўрон қилиш; қўл-оёқларини кесиш; савалаш; дарра уриш; сургун ва бадарға; мол-мулкини мусодара қилиш ва бошқалардан иборатдир, деб кўрсатган бўлса, Г.М.Керимов шариатдаги барча жазолар асосан тўрт турга: 1) бир хилда ўч-қасос олиш; ўлдирганда - ўлдириш, ҳақоратлагандан - ҳақоратлаш, жароҳатлагандан - жароҳатлаш ва шунга ўхшаш; 2) қон тўкканда, яъни ўлдирилганда ҳам, жароҳат етка-зилганда ҳам тўлов ёки жарима белгилаш; 3) қиёс (анология) асосида қонун билан белгиланган жазо; 4) шариат қозиларининг ихтиёрига кўра бел-гиланадиган жазоларга бўлинади, деган фикрни илгари сурган. А.С.Боголю-бов еса қасос олиш чоралари ва еҳтиёт чоралари сон жихатидан кўп емас ва улар оддий бўлиб, ўлим жазоси, қасос - teng жазо, дия - ўлдирилган ёки қон тўккандаги товон тўлаш; таъзир, адаб-огоҳлантириш, жамоат иззаси ва содир етган жиноий қилмиш учун чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, панд-насиҳатдан ташкил топгандир, деб таъкидлайди. Л.Р.Сюкийнен ва В.А.Лихачов еса мусулмон жиноят ҳуқуқидаги барча ҳуқуқбузарлик-ларни уч гуруҳга бўладилар: биринчи гуруҳга - Аллоҳнинг ҳуқуқини бузишга қаратилган ўта оғир жиноятларга нисбатан ҳад жазолари; иккинчи гуруҳга - шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши қаратилган қасос ёки товон тўлаш жазолари қўлланадиган жиноятлар, ниҳоят, учинчисига еса қолган барча ҳуқуқбузарликлар киритилган бўлиб, уларга нисбатан таъзир жазолари қўлланади деб бизнингча тўҒри кўрсатганлар.

Шундай қилиб, шариатда жазолар ўрта асрларга хос бўлган шафқатсизлиги ва қаттиқлиги билан ажralиб турарди. Жазонинг асосий мақсадлари қўрқитиш бўлган. Масалан, ўлим жазоси кўп ҳолларда оддатда омма олдида осиш ёки тўрт бўлакка бўлиш йўли билан ижро етилган. Шунингдек, ўлим жазосининг сувга чўктириш, тириклайн кўмиш каби турлари ҳам қўлланилган. Тана аъзоларига шикаст етказиш ва тан жазолари-бармоқларни, қўл ва оёқларни кесиш, ахталаш, тошбўрон қилиш ва ҳоказолар кўп қўлланилган. Озодликдан маҳрум қилиш уйга ёки мачит хоналаридан бирига қамашда ифодаланган. Мусулмон жиноят ҳуқуқида мулкий жазолар (мол-мулкини мусодара қилиш, жарима ва бошқалар) ва шарманда қилувчи жазолар (соқолларини олиб ташлаш, салла тақиб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жамоат иззаси ва бошқалар), шунингдек сургун ва бадарға жазолари (майдага жиноятлар учун) ҳам маълум.

Мусулмон ҳуқуқида **суд ишларини юритиш тартиби** ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб турган. Суд жараёни, одатда айблов характерига ега бўлган. Иш кўпинча давлат номидан емас, манфаатдор шахслар томонидан қўзғатилган. Фуқаролик ва жиноят судловлари ўртасида фарқ йўқ еди. Суд ишлари ошкора тартибда, одатда мачитларда кўриб ҳал қилинган. Унда иштирок етишни хоҳловчиларнинг барчаси қатнашилари мумкин еди. Томонларнинг ўzlари ҳимоячиларнинг ёрдамига таянмай иш юритишлари лозим еди.

Суд жараёни асосан оғзаки амалга оширилган, дастлаб ёзма иш юритиш қўлланилган. Аббосийлар ҳукмронлиги давридан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича суд баённомалари тузила бошланган. Судда тан олиш (айбига иқорор бўлиш), гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасамлар, версиялар далил бўлиб ҳисобланган. Иш бир мажлиснинг ўзида ҳал қилиниши лозим еди, уни кейинги кунга қолдириш мумкин емасди. Суд жараёни тортишувчанлик характерга ега бўлган. Суд ишларини юритишнинг қозилар учун белгилан-ган қоидалари йўқ еди. Шунинг учун улар ишларни ўз хоҳишларича еркин кўриш имкониятидан кенг фойдаланганлар. Ишда гувоҳ бўлиб 10 ёшга тўлган, илгари судланмаган, фақат мусулмон динидаги ақли расо кишиларгина қатнашиши мумкин бўлган. Икки аёл кишининг кўрсатмаси бир еркак кишининг гувоҳлигига teng ҳисобланган. Ишончли далиллар бўлмаса, жавобгар ёки айбланувчи одатда Қуръони Каримни ушлаб Аллоҳ олдида тантанали қасам ичиши лозим еди.

Х БОБ. ХИТОЙ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

- *Ўрта асрларда Хитой давлатининг ривожланиш босқичлари.*
- *Хитойнинг ижтимоий тузуми.*
- *Хитой давлат тузумининг хусусиятлари.*
- *Ўрта асрларда Хитой ҳуқуқининг асосий белгилари.*

1. Ўрта асрларда Хитой давлатининг ривожланиш босқичлари

Хитойда кўп укладлиликнинг турғунлиги, синфларнинг ташкил топиш жараёни тугалланмаганлиги, патриархал-уруғчилик ва қулдорчилик муноса-батлари қолдиқларининг сақланиб қолганлиги, жуда катта ҳудуддаги турли раёнларнинг хўжалик ва ижтимоий ривожланиши нотекислиги ва бошқалар натижасида ўрта асрларнинг бошланиш вақтини аниқ вақт (сана) билан белгилаш анча мураккаб. Юқорида кўрсатилганидек, Қадимги Хитой давлатидаёқ ўз еркинликларини йўқотмаган кам ерли ва ерсиз дехқон-ларни эксплуататсия қилишнинг турли шаклларига асосланган йирик хусусий ер егалиги шаклланган еди. Соликлар тўлайдиган дехқонларнинг давлат томонидан эксплуататсия қилиниши ҳам кенг тарқалиб борган. Дехқон-лардан асосан давлат фойдасига рентасолиғи олинарди.

Ўрта асрларда Хитой давлати тарихини даврларга бўлишда ҳукмрон сулолаларнинг вақти-вақти билан ўзгариб туришини ва йирик империяларнинг ташкил топишини ҳисобга олиш зарур. Бу даврда тез-тез бўлиб турган халқ қўзғолонлари давлатнинг ижтимоий-синфий тузилишида, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий институтларида у ёки бу даражада ўзгаришларга олиб келган.

II асрда ерларнинг хусусий ер егалари қўлида тўпланиши ва II-III асрлардаги кучли халқ ҳаракатлари натижасида Хан империясининг қулаши юз йиллик ички нотинчликка сабаб бўлди. Кейинчалик ягона давлатнинг қайта тикланиши Шимолий Хитойда асос солинган Сзин сулоласи (260-420 йиллар) кўринишидаги марказлашиш жараёни билан боғлиқ еди.

Хитойда ягона давлатнинг ташкил топишида айниқса Сзин давлатининг асосчиси Сим Ян ислоҳотлари муҳим аҳамиятга ега бўлди. Ислоҳотларга биноан ерларнинг катта қисми императорнинг, яъни давлатнинг мулки деб еълон қилинган. Мустақил дехқонлар еса

давлатнинг ерларини ушлаб турув-чилар ва бунинг евазига солик тўловчилар бўлиб қолган. Улар турли даражаларга бўлинган. Биринчи даражали солик тўловчилар - «чек ерларни фойдаланишга олувчи» (еркаклар учун 70 му¹²⁹ аёллар учун 30 му) ва «солиққа оид чек ерлар»ни (тегишлича еркаклар учун 50 му, аёллар учун 30 му) олувчи 16 ёшдан 60 ёшгача еркак ва аёллар ташкил етади. Бу ерлардан олинадиган ҳосил ер учун солик ва тўловлар сифатида тўлиқ давлатга ўтказилган. Иккинчи даражали солик тўловчиларга 13 ёшдан 15 ёшгача ва 61 ёшдан 65 ёшгача бўлган дехқон оила аъзолари кириб, улар чек ерларнинг ярмисини олардилар. Солик тўлаш ёши-га етмаган ва ундан ошган кишилар ҳеч қандай чек ерлар олмаган. Давлатдан чек ер олган солик тўловчи дехқонлар ишлаб бериш мажбуриятларини ҳам ўтаганлар.

Ислоҳот ерларнинг тенглаштирилишини англатмаган. Масалан, чинов-никлар ўз мавқеларига (мартабаларига) қараб 1 мудан 5 мугача ер участкалари олган. Улар солик ва мажбуриятлардан озод етилган еди. Ҳар бир чиновникнинг ихтиёрида егаллаб турган ер егалиги ҳажмига қараб, 1 тадан 15 тагача дехқонларнинг томорқа хўжаликлари бўларди. Улар ерни ижарага олиб ишловчи дехқонлар еди.

Ерларни тақсимлаб бериш тизимининг янги варианти («тенг майдон-лар» тизими) 485 йилда Шимолий Хитойда Шимолий Вей сулоласи даврида, сўнгра еса ВИ ва ВII асрларда Суй сулоласи ҳамда унинг ўрнига келган Тан сулоласи даврида жорий қилинган. Бу тизим охир оқибат бутун Хитой бўй-лаб ёйилган. 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган дехқонлар давлатдан аниқ тайинланган мақсадларда ерлар олишган. Улар бундай ерларда буғдой, каноп, тутли дараҳтлар екиб этиштиришлари ва давлатга топширишлари шарт еди. Ғалла екиш учун мўлжалланган ер участкасининг катта қисми (еркаклар учун 40 му ва аёллар учун 20 му ерлар) фақат вақтинча фойдаланишга берилган ва у дехқоннинг белгиланган солик тўлаш ёшидан ошганидан кейин ёки ўлимидан сўнг давлат томнидан қайтариб олинган. Ер участкасининг қолган озгинагина қисми мерос тариқасида ўтказилган.

Ерларни тақсимлаш тизими соликлар тўловчи дехқонларни эксплуатат-сия қилишнинг анъанавий тизимини фақат мустаҳкамлашнигина англатмас еди. У қишлоқ жамоаси орқали амалда дехқонларнинг ерга боғланиб қолишини, давлат хазинасига

¹²⁹ 1 mu – 1/16 гектар yer.

биргаликда солиқ тұлаш мажбуриятини кенг тарқалишига күмаклашған. Бу тизим мавжуд йирик хусусий ер егалигининг камайишига емас, балки янада ортишига олиб келди. Масалан, «тенг майдонлар» тизими қарам кишиларнинг меҳнатини эксплуататсия қилаётган ер егасига чек ерлар олиш ҳуқуқини ҳам берарди.

Тан қонунчилеги расман чек ерларни сотишни тақиқлар еди. Лекин күргина қўшимча тушунтиришлар (масалан, оиланинг кўчиб ўтиши ҳо-латида, дафн маросимларини ўтказиш мақсадида ва ҳоказо ҳолатларда чек ерни сотиш мумкин еди) ерларнинг хусусий шахслар қўлида тўпланиб боришига имкон туғдирди. Бундай чеклашлар расман олиб ташлангандан кейин еса бу жараён янада кучайди. Бу дехқонларнинг мулкий тенгсиз-лигини, хусусий ер егаларига қарамлигини кучайтирди. Шу билан бирга Тан империясида «тенг майдонлар» тизими маълум босқичда унинг иқтисодини мустаҳкамланишига, сиёсий ахволнинг маълум даражада барқарорлашуви-га шарт-шароит яратди.

Тан империясида уруғдошлиқ сепаратизми тенденсияси йирик ер егалиги ўсишининг муқаррар ифодаси бўлиб қолганди. Бу тенденсия ҳарбий губернаторлик (сзедуши) мансабининг жорий қилиниши билан ҳам боғлиқ еди. Ҳарбий губернаторлар кўчманчилар ва бошқаларнинг тинимсиз қочишила-рига қарши курашда жуда катта ваколатларга ега едилар. Губернаторлар вақт ўтиши билан қудратли ноибларга, йирик ер егаларига айландилар ва марказий ҳокимият билан тобора ҳисоблаша бошладилар.

ВИИ асрда янгича тарзда «ерларнинг тўпланиш кулфати», дехқон-ларнинг оммавий ерсизланиши ва қишлоқ аҳолисига тақсимлаб бериш учун мўлжалланган давлат ерларининг камайиб кетиши муносабати билан ердан фойдаланишнинг чек тизими тўла барбод бўлди. Солиқлар, ўлпонлардан, ҳар хил давлат мажбуриятлари ўташдан езилган дехқонлар қашшоқлашиб, жуда оғир кун кечиришга мажбур еди. Очлик натижасида тез-тез бўлиб турган епидемиялардан юз минглаб дехқонлар қирилиб кетди. Дехқонларнинг чек ерлари камайиб борди, чунки чек ерларни «кучли хонадонлар» - катта-катта ер егалари, давлат амалдорлари, судхўрлар доим ўз қўлларига кирги-зеб олмоқда едилар (йилномаларда образли қилиб айтилганидек, «ютиб юбор-моқда едилар»). Давлат дехқонлари сонининг камайиши натижасида давлат хазинасига тушадиган даромадлар ҳам камайди. Дехқонларнинг бир қисми хусусий шахсларга қарам бўлиб қолаётган еди, бу шахслар ўз даромад-ларини

мана шу дехқонлардан олар едилар. Шу аҳволни ҳисобга олиб, ҳукумат 780 йилда солик тизмини ислоҳ қилди. Лойиҳанинг собиқ муаллифи Ян Яннинг янги қонунига биноан солиқлар чек ери бўлган дехқонлардан-гина олинмасдан, шу билан бирга хусусий ер егаларидан ва давлат ерларини вақтинча ижарага олган шахслардан ҳам йиғиб олинадиган бўлди, аммо мана шу ер егалари ва ижарачилар уларнинг ерларида яшаб, уларга крепостной қарамликда бўлган дехқонлар учун ҳам солик тўлашлари лозим еди. Вужудга келган бу янги вазиятни, яъни давлат дехқонларининг бир қисми феодалнинг крепостнойи ёки қарам кишисига айланганлигини тан олиб, ҳукумат «кучли шахслар» томонидан чек ерларнинг «ютиб юборилишига» қарши курашни атайлаб сусайтирди, бу ҳол бутун чек ер тизимнинг инқирози кучайганлигидан далолат берар еди.

Шу тариқа бузилган мувозанатни тиклаш, ижтимоий портлашни қандай-дир бартараф етиш мақсадида 780 йилда Хитойда янги солик тизими жорий қилинган еди. Бунга қўра, ҳамма дехқон хўжаликлари ўз мулкий аҳволига қараб туркумларга бўлинган ва егаллаб турган ерларининг ҳажмига қараб солик тўлашлари лозим еди. Бунда солик тўловчи шахсларнинг ёши ҳам, меҳнат лаёқати ҳам ҳисобга олинмади. Айни пайтда ерларни сотишдаги тақиқлар олиб ташланган, ерларнинг ҳажмини чегаралаш бекор қилинди. Бу еса кам ерли ва ерсиз ижарачи дехқонларни эксплуататсия қилишга асос-ланган йирик помешчик ер егалигининг ўсиши учун янги имкониятлар туғдирди.

ВИИ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитойда умумий дехқонлар-нинг ярмига яқини бирорларнинг ерларини ишлаш ҳисобига яшаб, хусу-сий мулкдорлар томонидан эксплуататсия қилинди. Дехқонларнинг бошқа қисмини мустақил майда ишлаб чиқарувчиларнинг кенг қатлами ташкил етди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот давлатга солик тарзида берилади.

Майда ер егаларининг оммавий ерсизланиши ижтимоий портлашларга, қўзғолонларга, урушларга олиб келарди, оқибатда ҳукмрон сулолалар ағдариларди. Натижада дехқонларни эксплуататсия қилишнинг анъанавий тизими, мустақил дехқон хўжаликларининг солиштирма оғирлиги даврий тикланиб борди.

IX аср охири - X асрнинг бошларидаги нотинч йиллар ва кучли дехқон-лар қўзғолонларидан кейин Сун сулоласи (Х-ХII асрлар) нинг ўрнатилиши билан маълум даражада давлат ва йирик хусусий ер егалигининг мувозанати-га еришилди. XI асрда Сун амалдори Ван

Аншининг ислоҳотлари ушбу му-возанатга ёрдам берди. Шу даврда дехқон хўжаликларини тиклаш ва ривож-лантиришга, ер кадастрини жорий қилиш асосида солиқ тизимини тартибга келтиришга қаратилган янги қонунлар қабул қилинди. Айни вақтда дехқон хўжаликлари шароитларини яхшилаш, ирригатсия иншоотларини қуриш ва бошқалар бўйича чора-тадбирлар назарда тутилди.

Ван Анши ислоҳотлари енг аввало император хазинасининг ўсиб бора-ётган еҳтиёжларини қондириш мақсадига бўйсундирилган еди. Шу билан бирга ислоҳотчилик ҳаракатида дехқонларнинг ерларини «ютиб юборишни» тўхтатишига, йирик хусусий ер егалигининг, чиновниклар зўравонлигининг ўсишини чеклашга уриниш ҳам яққол ифодаланган.

XII асрнинг охирида Хитой мўғуллар томонидан истило қилинди. 1279 йилда мўғулларнинг Юан сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. Мўғуллар исти-лоси Хитойнинг иқтисоди ва маданияти учун оғир оқибатлар келтириб чиқар-ди, лекин хўжаликнинг анъанавий тизими асосларини емириб ташламади. Мўғуллар дехқонлардан солиқларни сўриб олишга мослашган Хитойнинг бирократик ташкилотини ўз хизматларига олдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, худди шу вақтда Хитойда қулларнинг ва оброк тўлайдиган тутқин шахсларнинг сони бирданига ошиб кетди.

XIV асрда бўлиб ўтган миллий озодлик кураши ва кучли дехқонлар ҳаракати натижасида мўғуллар ҳукмронлиги қулади. Мамлакатда янги бу-тун Хитой Мин сулоласи (1368-1644 йиллар) ўрнатилди. Бу сулола давлат ва хусусий ер егалигининг мувозанатини ҳар томонлама ушлаб туришига ҳаракат қилди.

XVII асрда Хитойга манчжурлар бостириб кирди ва у ерда Манчжур-лар сулоласига асос солди. Бу сулола 1911-1913 йиллардаги револутсияга қадар мамлакатни бошқарди. Қулчилик ҳам Хитойда револутсияга қадар давом етди ва револутсия вақтида маҳсус қонун билан бекор қилинганди.

2. Хитойнинг ижтимоий тузуми

Хитой анъанавий жамиятида шахслар ҳақидаги масалани ҳуқуқнинг субъекти сифатида кўриш алоҳида ижтимоий қатламлар, табақалар, аҳоли гурӯҳларининг ҳуқуқий ҳолатидаги фарқларни аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ. Хитой анъанавий ҳуқуқига шахс, фуқаро, индивиднинг субъектив ҳуқуқлари ҳақидаги европача

концепсия маълум емас. Хитой кодекс-ларида ва расмий ҳужжатларида шахс ҳуқуқий ҳолати «се» (ранг) атамаси билан белгиланган. Бу индивиднинг муайян ҳуқуқ ва аниқ ўрнатилган мажбу-риятларга ега бўлган у ёки бу ижтимоий гурухга мансублигини англатади.

Ўрта асрлар Хитойида ижтимоий фарқлар синфий фарқларга қараганда ан-ча аниқ кўзга ташланиб қолганди. Улар фақат алоҳида табақаларнинг емас, балки турли даражадаги унвонли, мартабали чиновникларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи қонун ва анъаналар билан қаттиқ ҳимоя қилинган. Шунингдек, уларнинг турмушдаги юриш-туришлари, кийимларида-ги, маросимларидаги фарқлар икир-чикиригача ва қатъий тартибга солинган еди.

Хитойнинг анъанавий ижтимоий тузуми турли даврларда у ёки бу ўзга-ришларни бошидан кечирган бўлишига қарамай, ҳамма вақт асосан учта ижтимоий гурухга: 1) «олийжаноб кишилар»; 2) «раҳмдил, яхши кишилар»; 3) «паст табақадан келиб чиқсан кишилар»га бўлинган.

Биринчи тоифадаги кишилар гурухини имтиёзли, «олийжаноб» шахслар – дунёвий ва диний аслзодалар, ҳарбий ва фуқаролик мансабдор шахслар таш-кил етган. Улар меҳнат мажбуриятларидан ва тан жазоларидан, баъзилари еса солиқлар тўлашдан ҳам озод етилган еди. Бу табака вакиллари фақат йирик ер егалари бўлиб қолмасдан, шунингдек, хазинага келиб тушадиган анча-мунча даромадларни ўзлаштириб олишга шерик ҳам еди. Масалан, Мин сулоласи ҳукмронлиги (1368-1644 йиллар) нинг охирига келиб императорнинг юқори унвон, мартаба, фахрий номга ега бўлган «қариндошлари»нинг умумий сони 100 мингдан ошган еди. Уларни боқишга маош тариқасида солиқ тушумларининг анчагина қисми сарфланарди.

Ўрта асрларда Хитойнинг имтиёзиз табақаси ҳисобланган савдогар-лар, судхўрлар, йирик ер егалари - бойлар алоҳида мавқега ега бўлиб, ҳукмрон табақалар сафини тўлдириб турган. Бу табақаларнинг «олийжаноб кишилар» табақасига ўсиб ўтиши учун жиддий тўсиқлар қўйилмаган еди. Чунки, Хитойда янги ера бошидаёқ фахрий унвонларни ва илмий даража-ларни сотиб олишнинг расмий амалиёти ўрнатилганди. Бу бойларнинг хизмат ўтамайдиган амалдорлар даражасига ўтиш ҳуқуқига ега бўлишининг енг оддий усули ҳисобланган. Улар, шунингдек, маълум имтиёзлардан, маса-

лан, тан жазоларидан пул тўлаб қутилиш, мартабасини ҳисобга олиб содир етган жинояти учун жазонинг юмшатилиши ва бошқа шу сингари хуқуқлардан ҳам фойдаланганлар.

Ўрта асрлар Хитойида ески уруғ аристократияси маълум даражада ўз ўрнини янги хизматчи аристократияга-мансабдорларга бўшатиб берган. Ўқимишли табақавий гурух-шенши қудратли консерватив куч, марказий ҳокимиятнинг таянчи, солик тўловчи дехқонларни анъанавий експлуатат-сия қилувчи бўлиб қолади. Шенши икки тоифага бўлинган. Биринчи тоифага бевосита ҳокимиятга алоқаси бўлган ва сон жиҳатдан нисбатан камчиликни ташкил етган шахслар қатлами - ҳукмдорнинг яқинлари, катта амалдорлари ва иерархияга асосланган бутун бюрократик давлат аппарати кирган. Иккинчи тоифага биринчи табақага номзод бўлган ва конфутсийлик таълимини олган, лекин мансабга ега бўлмаган жуда кўп ўқимишли кишилар кирган. Улар тўғридан-тўғри давлат ваколатларига ега емасдилар, лекин жойларда, жамоа бошқарувида жуда катта рол ўйнаганлар. Бу еса ўз навбатида Хитойда давлат ҳокимиятининг марказлашувига катта ёрдам берган.

Конфутсийлик фани қонун-қоидаларидан таълим олган ва имтиҳон топшир-ган барча кишиларга чиновниклик мансаблари учун йўл расман очик еди. Бироқ, амалда таълим олишга ва айниқса чиновниклик мартабасига ери-шишга фақат бойларнинг, чиновникларнинг ўз болалари қодир еди. Бундай тартиб ВПИ асрга қадар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан «муносиб киши-лар»ни чиновниклик мансабига тавсия қилиш тизими билан таъминланган.

Хитойда чиновникларнинг хизмати учун дон (Фалла) билан (200 дан 10 минг дан¹³⁰ гача миқдорда) ҳақ тўлаш тизими асосида 9 та даражага бўлиниши олий, ўрта ва қуий чиновникларга бўлиниши билан бирга сакланиб қолган. Чиновникнинг даражаси (мартабаси)га нафақат лавозими, хизмат мавқеидаги ўрни, балки обрў-еътибори ва оладиган маоши ҳам боғлиқ еди. ПИ асрнинг охирида чиновникларга Фалла ва пул билан маош бериш ўрнига турли миқдорларда чек ерлар бериладиган бўлди. Бундай ерлар ўз навбатида ижарачиларга ишлаш учун ўтказиларди. Ижара тўлови, шу тариқа маош билан алмаштирилган. ВПИ асрдан то 1911-1913 йиллардаги рево-лутсияга қадар чиновникларга Фалла ва пул билан маош берилган. Уларга хизмат евазига бериладиган чек ерлар ва «боқимандалик» сифатида тақдим қилинадиган тўловлар фақат қўшимча мукофот бўлиб хизмат

¹³⁰ 1 dan – 103,5 litr g`alla.

қилган. Хитойда даос ва будда монахларининг мақоми ҳам чиновникларнинг мақомига тенглаштирилган.

Иккинчи имтиёзиз табақа вакилларини оддий халқ, «майда кишилар» ташкил етган. Булар асосан дехқонлар ва ҳунармандлар бўлиб, барча со-лиқлар тўлаш ва меҳнат мажбуриятларини ўташ ана шуларнинг зиммасига юкланган еди. ПИ-ВПИ асрларда давлатнинг чек ер тизими мавжудлиги даврида дехқонларнинг асосий оммаси амалда давлат ерларини ижарага оловчиларга айланган.

Жамиятдаги учинчи табақавий гурӯҳ - «паст табақадан келиб чиқ-қан кишилар» тоифасига тўла ҳуқуқли бўлмаган еркин кишилар ва мутлақо ҳуқуқсиз кишилар - давлатга тегишли ва хусусий егалиқдаги қуллар кирган. Чек ер тизимининг барбод бўлиши, йирик ер егалигининг ривожланиши тобора ерга бириқтирилиб борган ерсиз ва кам ерли арендатор-дехқонлар сонининг ўсишига олиб келди.

Тўла ҳуқуқли бўлмаган табақавий гурӯҳ - ХПИ асрга қадар «кучли хонадонлар» қарамлиги остидаги шахслардан иборат еди. Улардан қуролли кучлар, ярим крепостной ижарачилар, батраклар, уй хизматчилари сифатида фойдаланилган. Хусусий ерларни ижарага оловчилар ва батраклар, худди қул-лар сингари, хўжайинининг буйруқларини сўzsиз бажаришлари лозим еди. Уларни калтак билан уриш, хусусий турмаларга қамаш, баъзан еса судсиз ўлдириш мумкин еди. Улар хўжайинининг устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига ега бўлмаган. Давлат органлари ер егаларининг манфаатларини ҳимоя қил-ган, уларга ерларни шартномада кўрсатилган муддатларда ишламасдан ва ижара ҳаққи тўламасдан қочиб юрган ижарачилар ва батракларни излаб то-пишида ёрдам берган. Кейинчалик, 1727 йилдагина хўжайинларнинг ўзи-га қарам кишиларни ўз ҳолича судсиз жазолаши расман тақиқланган еди.

3. Хитой давлат тузумининг хусусиятлари

Хитойда қадимги давлардаёқ яққол намоён бўлган Шарқ дес-потияси белгилари ўрта асрларда янада ривожланди. Бу даврда олий ва ма-ҳаллий бошқарув органлари тизимининг анъанавий асослари асосан бошқарув-нинг умуммаъмурий, назорат-текширув, суд ва ҳарбий-қўмондонлик фун-ксиялари бўйича тақсимланиши ҳисобига мустаҳкамланди ва такомил-лашди. Давлат олдида турган вазифаларнинг ўзгариши муносабати билан ушбу тизимнинг у ёки бу

бўғинлари қайта қурилди, уларнинг ваколатлари ва номлари ҳам алмаштирилди.

Давлатнинг марказлашиш жараёнининг кучайиши ёки марказлашишдан қочиш тенденсиясининг ривожланиши таъсирида ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органлари ваколатларида ва ўзаро муносабатларида ҳам ўзгаришлар юз берди. Буни, масалан, ВПИ асрда Тан сулоласи даврида ҳарбий губернаторларнинг амалда ҳеч қандай назорат қилинмайдиган маҳаллий хукмдорларга айланганлигида яққол кўриш мумкин.

Хитойда марказлашган империянинг гуллаб-яшнашига Тан сулола-сининг (618-907 йиллар) императорлари асос солди. Уларнинг ҳукмронлиги дав-рида хазинага доимий солиқлар келиб тушишини таъминлаган ер ислоҳотлари ўтказилди, шунингдек, текин ишчи кучидан, меҳнат мажбуриятларидан фойдаланиш ҳисобига империяда йўллар, каналлар, саройлар, ибодатхоналар, бутун-бутун шаҳарлар қурилди, шулар билан бирга ҳунармандчилик ва давлатнинг қаттиқ назорати остида бўлган савдо-сотик жадал ривожланди.

Тан империясининг мураккаб ва етарлича қатъий тузилган давлат бошқарув тизими тепасида **император** турган. Унинг ҳузурида анча таниқли мансабдорлардан иборат **Давлат қенгаши** мавжуд еди. Давлат қенгаши аъзолари орасида императорнинг қариндошлари муҳим ўрин тутарди. Бошқа-рувнинг барча жиловлари давлатда олий мансабдор шахслар-иккита кантслар қўлида еди. Биринчиси императорнинг чап қўл министри - катта кантслар, иккинчиси - ўнг қўл министр-кичик кантслар ҳисобланган. Уларнинг ҳар бири ўша вақтдаги 6 та: 1) мартабалар (mansablар, хизматлар) бўйича; 2) маросимлар бўйича; 3) солиқлар (даромадлар) бўйича; 4) ҳарбий ишлар бўйича; 5) суд ишлари (жазолар) бўйича; 6) ижтимоий ишлар бўйича маҳкамалар (министрликлар)дан учтасини юритарди.

Тан сулоласи давлат аппаратининг бундай олий бошқарув органлари Хи-тойда асрлар мобайнида ҳаракатда бўлган. У айниқса мўғуллар ҳукмрон-лиги (1368-1644 йиллар) тугатилгандан кейин минлар сулоласи даврида ҳар томонлама юзага чиқади. Бу аппаратга император бошчилик қиласи. Давлатда бутун олий қонун чиқариш ва суд ҳокимияти император қўлида тўпланган еди. Тахт императорнинг катта ўғлига мерос бўлиб ўтарди. Императорнинг бошқа ўғиларига князликлар - уделлар берилиган. Уделлар уларнинг хусусий ер егаликлари бўлиб қолади. Император саройи кўп сонли хизматчилар, императорнинг хотинлари, бичилган қуллардан иборат

бўлиб, давлат бошқарувида муҳим рол ўйнайди. Айни пайтда пастдан юқорига бўйсуниш (иерархия) асосида ташкил етилган маҳсус чиновниклар аппарати ривожланади ва такомиллашади. Бу аппаратнинг тепасида, худди Тан сулоласи давридагидек, олтита маҳкама (министрлик) нинг бошлиқлари, шунингдек, **сензорат**, олий назорат-текширув органи, бешта комиссарлар ҳамда олий ҳарбий-қўмондонлик органлари туради.

XV асрдан еътиборан ҳарам ходимлари (бичилган қуллар) нинг сиёсий таъсири кучая бошлаган. Ҳукмдорлар уларни давлат мансабларига жалб қилганлар. Улар бу билан сепаратизмнинг ажралиб чиқишига, ҳаракатнинг ривожланишини, ўз хусусий сулолаларида каландимоғ мансабдорларнинг ташкил етилишини бартараф етишга ҳаракат қилганлар. Ҳарам ходимларидан иборат амалдорларга императорлар жуда катта ваколатлар берардилар. Баъзан уларнинг ваколатлари, ҳатто, сарой ишлари доирасидан ҳам четга чиқар еди. Бу вақт ўтиши билан ҳокимиятнинг иккита маркази - сарой («ички») ва маҳкама («ташқи») ҳокимиятининг ташкил топишига сабаб бўлди.

Минлар сулоласи даврида олтита марказий маҳкамаларнинг фаолияти дастлаб иккита маслаҳатчи ва биринчи даражали чиновниклар бошчилигидаги **Катта котибият** томонидан мувофиқлаштириб турилган. Котибият 1380 йилгача фаолият кўрсатган. Ҳокимиятни бош маслаҳатчи қўлида тўпла-ниши хавфини олдини олиш мақсадида император унинг барча вазифаларини бевосита ўз қўлига олган еди.

Юқорида таъкидланганидек, марказий бошқарув органлари ўзлари-нинг бажарадиган асосий вазифаларига мувофиқ тарзда мартабалар (mansab-hizmatlar) бўйича, маросимлар бўйича, соликлар (даромадлар) бўйича, ҳарбий ишлар бўйича, суд ишлари (жазолар) бўйича ва ижтимоий ишлар бўйича маҳкамалар (министрликлар)га бўлинган.

Мартабалар маҳкамаси барча фуқаролик амалдорлари ва бошқарув аппарати хизматчиларининг мансабга тайинланиши, бошқа лавозимларга ўtkазилиши ва алмаштирилишига жавоб берган. Ўрта асрлар Хитойида амал-дорлик мансаби шунчалик буюк еди, айнан ушбу маҳкама ва унинг бошлиғи бошқалари орасида енг асосийси ҳисобланарди.

Даромадлар маҳкамаси аҳолини ва қишлоқ хўжалиги ерларини ҳи-собга олиш ишларини юритган. У соликлар миқдорини

белгилаган, солиқларнинг йиғилишига жавоб берган. Ушбу маҳкаманинг ҳар бир бўлими 13 та провинсиялардан биттаси доирасида фаолият кўрсатган.

Маросимлар (расм-руссумлар) маҳкамаси император ҳокимияти-нинг шон-шуҳратини кўтаришга қаратилган маросимлар ва тадбирларни ўтказиш, шунингдек, диний қурбонликлар келтириш билан шуғулланган. У маросимлар ўтказиш, қурбонликлар келтириш, қабул уюштириш ва диний маросимларни бирхиллаштириш мақсадларида буйруқ-фармойишлар бериш бўлимларидан иборат бўлган.

Ҳарбий маҳкама барча ҳарбий амалдорларни (мансабдорларни) тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш, армияни таъминлаш ва почта хизмати ишларини юритган. **Суд маҳкамаси**, ёки **жазо маҳкамаси** бутун империя бўйича суд ишлари юритилишини назорат қилган. У худди даромадлар маҳкамаси сингари 13 та провинсиянинг ҳар бирида ўз бўлимларига ега еди. Бу маҳкаманинг фаолияти тафтиш-тергов органи бўлмиш пойтахт суди фаолияти билан кесиб қўйилган.

Марказда ҳам, провинсиялarda ҳам турли тоифалардаги сензорлик, на-зорат органлари маъмуриятдан мустақил мавқега ега еди. **Сензоратга** иккита бош (асосий) сензор-биринчи даражали мансабдорлар бошчилик қилар-ди. Унинг аппаратига 100 га яқин назорат қилувчи сензорлар киради ва улар провинсиялар бўйича гуруҳларга бўлинган еди. Мин сулоласи даврида-ги давлат аппаратида ҳеч қайси орган сензорат сингари катта ваколатларга ега бўлмаган. Сензорат барча мансабдорлар ва уларнинг фаолиятини ўз назорати остида ушлаб турган. У факат мансабдорларнинг сүПстеъмолчилик-ларини, хатоларини аниқлаш ҳуқуқигагина емас, балки бевосита уларни тузатиш, мансабдорларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига ҳам ега еди.

Mahalliy boshqaruв Тан империяси ўнта провинсия (дао)га, провин-сиялар еса вилоят (чжоу)лар ва уезд (сян) ларга бўлинган. Барча маъмурий бирликлар солиқлар тўлаш миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилган ва тегишлича тоифаларга ажратил-ган. Бу уларнинг ҳуқуқий мақомини ва марказдан тайинланадиган назорат қилувчи мансабдорлар миқдорини ҳам белгиланишига таъсир етарди.

Мин сулоласи даврида ҳам Хитойнинг маъмурий-худудий бўлиниши юқоридаги принциплар асосида ташкил етилган еди. Лекин

харбий бюрократик аппарат ва унинг органларининг фаолияти маҳаллий жойларда ҳам, умум-империя даражасида ҳам анча мураккаблаштирилган еди. Бу даврда маҳаллий органларнинг император олдидаги ўзаро жавобгарлиги, бўйсуниши ва назорат қилиниши билан боғлиқ бўлган муносабатлар шаклланган еди. Маҳаллий бошқарув шундай тузилган еди, бунда сепаратизм (ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракат), ҳокимиятнинг бир киши қўлида тўпланиши истисно қилинарди, маҳаллий бошқарув органларининг фаолияти нафақат мун-тазам текшириб туриларди, балки қайта текшириларди.

Провинсияларда бошқарув органларининг маъмурий, харбий ва назо-рат-текширувдан иборат учлик тизими мавжуд еди. Уларнинг тепасида мар-казнинг вакиллари, олий даражали мансабдорлар туради. Бу бошқарув органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун, шунингдек, улар устидан на-зорат қилиб туриш учун марказдан мамлакатнинг турли қисмларига импе-рияниң маҳсус вакиллари юбориларди. Булар «тинчлик елчилари» деб аталар-ди. XV асрдан бошлаб улар «буюк мувофиқлаштирувчилар» деган ном ол-ган ва император томонидан провинсияларга, шунингдек, алоҳида стратегик аҳамиятга ега бўлган минтақаларга узоқ муддатларга тайинланадиган бўлди. «Буюк мувофиқлаштирувчи» ҳисобот бериш ва кундалик ишларни ҳал қилиш учун йилига бир марта пойтахтга келиши лозим еди. Бу вақтда «Олий қўмондонлар» институти шакллана бошлаган. Улар «буюк мувофиқлаштирувчилар» фаолиятини, айниқса, ташқи хужум ёки исён хавфи туғил-ганда қатор провинсияларнинг ҳарбий бошқармаларини мувофиқлаш-тирганлар.

Ҳар бир провинсида маъмурий бошқарув икки - «чап» ва «ўнг» вакилларга юклangan. Уларнинг ўз ёрдамчилари бўлган. «Чап» ва «ўнг» вакиллар зиммасига аҳолини ва ерларни ҳисобга олиш, солиқлар йиғиш, қурилиш ишларини ва сувларнинг тақсимланишини кузатиб туриш мажбуриятлари юклangan еди.

Провинсиялардаги учта бошқарув хизмати орасида назорат бошқар-маси алоҳида мавқега ега бўлган. У бутун маҳаллий бошқарув аппаратини назорат қилган, коррупсия ва мансабдор шахсларнинг суІстеъмолликларига қарши кураш олиб борган. Унга ҳам, бошқа бошқармалар сингари, суд функциялари тегишли еди. Бу бошқарма бошқа бошқармаларда суд ишла-рининг ҳал қилинишини назорат қилиб, апеллятсион суд вазифасини бажааради.

Маҳаллий бошқарувда империя органлари томонидан юборилган кўп сонли мансабдорлар фаолият кўрсатган. Масалан, ҳар бир провинсияга им-перия сензоратидан бир йилга маҳсус вакил жўнатиларди. Ундан бутун маҳаллий хизматларни назорат қилиш, аҳолидан шикоятлар қабул қилиш, у ёки бу маҳаллий бошқарув органлари ҳаракатини тўхтатиш ёки тузатиш, маҳаллий амалдорлар фаолияти ҳақида императорга докладлар жўнатиш, маҳаллий ҳукмдорларга ва «буюк мувофиқлаштирувчилар»га маслаҳатлар бериш талаб қилинган. Пойтахтдан жойларга анча тор доирадаги вазифалар билан сензорлар ҳам жўнатиларди. Масалан, ҳарбий соҳада назорат учун юборилган сензорлар рекрут йиғинини кузатиб туришлари, хизматдан бош тортганларни таъқиб қилишлари, агар ҳарбий ҳаракатлар бошланган бўлса, ҳарбий оператсияларнинг боришини кузатиб туришлари, императорларга тегишли ҳисботлар жўнатишлари лозим еди.

Хитойда бутун ўрта асрлар мобайнида қуи худудий бирликларда ўзини ўзи бошқариш органлари сақланиб қолган еди. Жамоаларнинг оқсоқоллари жамоат тартибини, ерларнинг ишланишини кузатиб турадилар. Қишлоқ жамоа-сининг ҳамма аъзолари солиқлар йиғиш, меҳнат мажбуриятларини ўташ ва бошқа мақсадларда ўнта-ўнта томорқаликларга ажратилган еди. Шу тариқа уларнинг бир-бирига кафиллиги таъминланарди.

Мин империяси таркибига ўлка князликлари киради. Улар император-нинг ўғиллари ва невараларига бериб қўйиларди. Ўлкаларнинг княzlари маъмурий ҳокимиётга ҳам, суд ҳокимиётига ҳам ега емас едилар. Улар баъзи даврларда фақат ҳарбий ваколатлар олардилар. Маҳаллий солиқларнинг маълум қисми уларга келиб тушарди. Империяда бошқа халқларнинг вакиллари яшайдиган баъзи провинсиялар ўзини-ўзи бошқариш хукуқидан фойдаланган. Хитойнинг жанубий-Ғарбий чегаралари бўйлаб жойлашган бу худудларнинг маҳаллий бошлиқлари император томонидан тасдиқлангандан кейин ҳукмдор бўлиб қолаверганлар. Улар шу тариқа маҳаллий амалдор-ларнинг алоҳида гуруҳини ташкил етиб, унвонлар билан тақдирланардилар, лекин императордан маош олмасдилар.

Sud Ўрта асрлар Хитойда суд ишлари ҳам суд органларида, ҳам суд функцияларини бажарувчи маъмурий органларда кўриб ҳал қилинган. Мин сулоласи даврида нисбатан изчил суд поғонаси ташкил топган. Суднинг енг юқори

по-Фонасида императорнинг ўзи, енг қуи по-Фонасида қишлоқнинг сайлаб қўйиладиган оқсоқоли турарди. Кўп суд иш-лари уезд бошлиғи томондан уезд бошқармалари (яминлар)да кўрилган. Иш бўйича далиллар етарли бўлмаса, ишни кўриш ё қолдирилган, ё-ки жиноий иш бўйича маҳсус терговчи-судяга ўтказилган (бу терговчи-судянинг мартабаси уезд бошлиғининг мартабаси билан тенглаштирилган еди). Оғир жиноятлар - одам ўлдириш, катта миқдордаги ўғирлик, пора-хўрлик билан боғлиқ бўлган ишлар тегишли вилоят ёки провинсиялардаги маҳсус хукумат-суд органларига келиб тушган. Хусусан, «маъмурий иш-лар бошқармаси» маъмурий ишларнинг тӯғри ижро етилиши устидан назоратни амалга оширган; «Ҳарбий ишлар бўйича бошқарма»да ҳарбий ишлар текширилган; «Суд ишларини кўриш бўйича бошқарма»да аҳолининг бошқа тоифаларига оид ишлар кўриб ҳал қилинган. Бу суд асосан кўпгина суд ишлари учун охириги босқич ҳисобланган. Агар иш вилоят ёки провинсияда охиригача ҳал қилинмаган бўлса, у ҳолда иш пойтахтнинг у ёки бу суд-тергов органларига юборилган. Мин сулоласи даврида **Жазолар маҳкамаси** (син бу), **Катта ҳақиқат ибодатхонаси** (далиса), **Марказий тафтиш-тергов жиноий суд** пойтахтнинг ана шундай суд-тергов органлари ҳисобланарди. Марказий тафтиш-тергов жиноий суд ўта мураккаб ишларни кўриб ҳал қиласди. Бу ерда қарор император номидан чиқариларди. Ўлим жазоси ҳақидаги барча ҳукмлар императорга маълум қилинарди. Император амнистия еълон қилиш, шунингдек, жазони юмшатиш ҳуқуқига ега еди.

Armiya Хитойда армияни ташкил этиш принсиплари ўрта асрларнинг турли босқичларида ички ва ташқи пад таъсирида ўзгариб турган.

Тан империясида еркаклар 60 ёшга түлгунга қадар ҳарбийга мажбур бўлганлар ва армияда хизмат ўташга жалб қилинганлар. Жанг вақтида урушни ташлаб қочиш, ҳарбий юришдан бўйин товлаш учун ўлим жазоси берилган.

ВИИ асрдан бошлаб императорлар күпроқ ёлланма қўшинлардан, шунингдек, турклар, уйғурлар ва бошқалардан тузилган отлиқ аскарлардан фойдалана бошладилар. XI асрда императорнинг биринчи министри Ван Ан-ши (1021-1096 йиллар) ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар билан бирга ҳарбий ислоҳотлар ҳам ўтказиб, ёлланма армия ўрнига умумий ҳарбий мажбурият жорий қилмоқчи бўлди. Асосий қўшин дехқон лашкарларидан иборат

бўлиши ке-рак еди. Ҳар уч хонадондан бири битта пиёда аскар, ўн хонадондан бири битта отлик аскар бериши керак еди. Шу тариқа, қўшинларнинг рекрут йиғини ёрдамида доимий армия ташкил этилган ва у давлат томонидан таъминлаб турилган. Рекрут йиғини Хитойда узоқ вақтгача сақланиб қолган еди.

Мин империяси даврида «округ қўшинлари» ва чегара горизонлари-нинг ески тизими сақланиб қолган еди. Бу қўшинларнинг асосий таркиби ўзининг чек ерига ега бўлган, жуда қаригунча ва баъзан ўлгунича хизмат ўтайдиган ҳарбий қўчманчилардан иборат еди.

Доимий қўшинлар ҳамма даврларда маҳаллий ҳарбий отрядларнинг, тартибни қўриқлашга чақирилган жамоа ҳарбий қисмларининг қўмагига таянарди. Бу отрядлар асосан бой дехқонлардан иборат бўлиб, дехқонлар қўзғолонлари вақтида айниқса фаол ҳаракат қиласидилар. Мин сулоласи импера-торлари иттифоқчи давлатларнинг ёрдамчи ҳарбий қисмларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Бундай ҳарбий қисмлар ё ёлланарди, ёки фронт раён-ларида хизмат ўташга мажбур қилинарди.

Мин сулоласи даврида армия тўхтовсиз ўсиб борди, XVII асрда у 4 миллион кишини ташкил етди. Минтақавий ҳарбий қўшилмалар провинсиялар ва ҳаётий муҳим ҳарбий вилоятлар бўйича жойлаштирилган еди. Таянч ҳарбий қўшилмалардан вақти-вақти билан пойтахтда хизмат ўтовчи маҳсус қўшинлар танлаб олинарди ва маҳсус тайёрланарди. Уларнинг ораси-да император саройини қўриқлашга сафарбар қилинган императорнинг шахсий гвардияси алоҳида ажралиб туради. Ҳарбий биримларнинг яна бир маҳсус тоифасини ҳар бир шаҳзодани кузатиб турувчи ҳарбий соқчилар отряди (ескорт) ташкил етарди.

Бошқариш мақсадларида барча ҳарбий қўшилмалар бешта ҳарбий округ ўртасида тақсимланганди. Уларга пойтахтдаги бош ҳарбий комис-сарликлар раҳбарлик қиласидилар. Бош ҳарбий комиссарликларнинг бошликлари ҳарбий-ҳудудий округлар устидан назоратни амалга оширади ва ҳукумат таркибига кирадилар.

Армиянинг доимий бош қўмондони бўлмаган. Уруш ҳаракатлари бошланган ҳолларда олий ҳарбий амалдорлардан ёки мансабдорлардан бири генерал ёки ҳатто генераллиссимус етиб тайинланарди. Бироқ, аста-секин доимий тактик қўмондонлик тизими ривожланиб борган. Бунда шахсий таркиб чегаралар, портлар ва бошқа стратегик пунктлар бўйлаб тўпланарди.

Мин сулоласи даврида Хитойнинг маҳаллий қўшиналар қўмондонлари марказдан маълум муддатга тайинланадиган маҳсус мансабдорлар томо-нидан назорат қилинган. XV асрда барча маҳаллий тактик ҳарбий хизматлар устидан назоратни амалга оширувчи «бош ҳарбий мувофиқлаштирувчи» мансаби жорий етилди.

4. Ўрта асрларда Хитой ҳуқуқининг асосий белгилари

**Нициқ
manbalari**

Ўрта асрларда Хитойда ҳуқуқнинг ривожланиши асосан жиноий-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, таба-қавий-даражавий фарқларни, аҳолининг солиқ мажбурият-ларини, давлат ерларини ушлаб турувчиларининг турли тоифаларини, шунингдек, давлат мулкини сақлаш учун, давлат хазинасини тўлдириш учун Масъул бўлган шахсларнинг мажбуриятларини тартибга солиш йўлидан борди. Буларнинг ҳаммаси ўзаро бир-бирига боғлик нормалар бўлиб, кўп сонли ҳуқуқий ёдгорликларнинг, сулолаларнинг кодекслар деб ном олган қонунлар тўпламларининг мазмунини ташкил етди.

Сулолавий қонунлар тўпламларининг ўзак нормаларини сулоланинг асосчилари яратган еди (бундай нормалар вақт ўтиши билан илоҳий ўрна-тилганлик белгиларига ега бўлиб борган). Сулоланинг ворислари еса бу ўзак нормаларни такомиллаштира бориб, ўз қонун ҳужжатлари билан кенгай-тирганлар, тўлдирганлар.

Хандан бошлаб қонунлар тўпламлари анъанавий-ҳуқуқий нормалар - **люйнинг** барқарор ўзагини ўзгаришсиз мустаҳкамлаш асосида тузилган. Люй янги нормалар - **лин** билан тўлдириб борилган. Аста-секин люй ва лин ўртасида ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси бўйича ажралиш юз берган. Люй жиноий қонунларни, **лин** - маъмурий қарорлар ва бошқаларни ўз ичига олган.

Суй (ВИ аср) ва Тан (ВII аср) сулолаларининг ҳукмронлиги даврида Хитойда қонунларни тизимга солиш бўйича катта ишлар амалга оширилади. Суй сулоласи даврида (581-618 йиллар) ва Тан ҳукмронлигининг дастлабки даврида кодекслар ҳар бир подшолик томонидан қайтадан кўриб чиқилган. «Деярли ҳар бир сулола, - деб ёзади А.И.Рогожин ва Страховлар - тахтни егаллагандан кейин ҳаракатдаги қонунни тартибга солиш ва янгилашни ўзининг вазифаси қилиб қўяди»¹³¹. Бизгача етиб келган биринчи қонунлар тўплами - ВII

¹³¹ История государства и права зарубежных стран. (Рабовладельческое и феодальное право).-М.: Госюриздан, 1980.-524-бет.

асрдаги Тан сулоласи кодекси - «Тан люй шуи» ҳисобланади. Бу қонунлар тўпламида қонунларнинг тўртта туркуми: **люй** - жиноят қонунлари; **лин** - маъмурий қонунлар; **ко** - жиноят ва маъмурий қонунларга қўшимча; **ши** - қонунларни қўллаш хақидаги қоидалар ўрнатилади.

Сун империяси даврида марказий ҳокимиятнинг кучайиши муноса-бати билан императорларнинг қонун чиқариш фаолияти янгидан фаоллашади. 960-963 йилларда «Жиноят қонунларининг тузатилган ва қайта кўриб чиқилган тўплами» тузилади. У Тан кодексини деярли тўлиқ такрорлайди.

Жорий қонунларнинг анча кўпайиши муносабати билан кейинги йилларда ҳам қонунлар ва қарорларни таснифлаштириш ишлари давом етади. XI аср охирида Хитойда қонунларни қайта кўриб чиқиш ва таснифлаштириш бўйича махсус бюро тузилади. У, жумладан, «900 та моддадан иборат қонунлар тўплами»ни тайёрлайди. XIB асрнинг охирида «Мин сулоласи қонунлари тўплами» дунёга келади. У олдинги кодексларнинг кўп қоида-ларини худди ўзидек қайтарган. Шу нарса характерлики, бу амалиёт Хитойда манчжурларнинг Син сулоласи (1644-1912 йиллар) ўрнатилгандан кейин ҳам ўзгаришсиз қолади. Пекин манчжурлар томонидан босиб олингандан кейин, 1644 йилдаёқ Мин кодексига янги сиёсий шарт-шароитларга мос тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиш мақсадида уни ўрганиш ишлари бошлаб юборилган еди.

Манчжурларнинг сарой амалдорлари ва судялари томонидан олиб борилган ишлар натижасида 1647 йилда Кодекс тузилган. Унинг жуда кўп қоидалари ески Мин сулоласининг кодексидан ўзлаштирилган еди. Бундан ташқари, унда Мин кодексининг асосий, туб қоидалари (люй)ни ўзгартириш-га рухсат етилмаган еди. Син кодексининг 300 дан ортиқ қоидалари Мин кодексининг қўшимча қоидаларидан олинганди. Буларга ўз навбатида Тан кодексининг кўп қоидалари ҳеч қандай ўзгаришларсиз киритилади. XVII асрда ески кодекслар асосида тузилган Манчжурларнинг кодекслари деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз Хитойда XX асрнинг бошига қадар ҳара-катда бўлди ҳамда Хитой анъанавий ҳуқуқининг принцип ва нормаларининг мазмунини белгилади.

Ўрта асрларда Хитой ҳуқуқида қадимдан анъана бўлиб қолган бир қатор белги ва хусусиятлар сақланиб қолган еди. Хусусан, бунда ахлоқ нор-малари (ли) ва қаттиқ ҳуқуқий нормалар (фа) ўзаро боғлиқ ҳаракат қилган. Масалан, Тан кодексида 60 дан ортиқ ҳолатларда

ахлоқ нормаларига, конфутсийлик асарларига тўҒридан-тўҒри ҳаволалар қилинади. Шу билан бирга, Кодекс биргаликдаги (жамоавий) жавобгарлик ҳақидаги, чақимчилик (зимдан бериладиган хабарларнинг) тақдирланиши ҳақидаги ва бошқалар тўҒрисидаги легистларнинг талабларидан келиб чиқади. Шунингдек, конфутсийлик таълимотининг ҳуқуққа таъсири ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқот-мади. Масалан, Конфутсийлик таълимотига биноан, маҳкумнинг ўз ота-онаси ва қариндошлари устидан чақимчилиги муқаддас «сяо» принсиби-нинг бузилиши ҳисобланади. Айнан мазкур таълимотнинг бевосита таъсирида Тан кодексида биринчи ва иккинчи авлодга оид тўҒридан-тўҒри қариндошлар устидан чақимчилик қилиш учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Бу андазанинг амал қилишига легизмдан келиб чиқадиган оммавий онгнинг бошқа белгиси ҳам боҒлиқ. Қонуннинг асосий мақсади - шахс еркинликлари соҳасини тартибга солиш емас, балки катталарга, ҳукмдор иродасига бўйсунишнинг анъанавий принципларини тўлдирувчисини таъқиб қилиш, жазолаш бўлган.

Хитойда жиноят ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳаларига қараганда кўпроқ ривожланган. Жиноят ҳуқуқи нормалари ўрта асрлар Хитойи ҳуқуқи тизимида бош ўринни егаллайди. Жиноят ҳуқуқининг кўп нормалари факат жиноят содир етилгандагина қўлланилмай, балки оддий ахлоқ нормасини мавҳумий бузиш: «қилиш мумкин бўлмаган нарсани қилишлик» учун калтак билан уриш жазосининг назарда тутилганлиги анъанавий ҳуқуқий онг тантанасига мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кишиларнинг жинси, ёши, қариндошлик муносабатларида тутган ўрнига қараб ҳар қандай ахлоқсизлик хатти-харакатларининг баҳолашга бевосита таъсир етадиган қаттиқ ҳуқуқий даража анъанавий ҳуқуқда ижтимоий-синфий фарқларни хас-пўшлаган, жиноят ҳуқуқига оғишмай амал қилиш талаб қилинадиган умуммиллий манфаатлар ҳимоячиси сифатида қарашни шакллантирган.

Еркин киши ҳам, қул ҳам жиноят субъекти бўлиши мумкин еди. Кодексда маҳсус кўрсатилмаган ҳолларда шахсан еркин бўлмаган киши - бутсуй еркин киши сифатида суд жавобгарлигига тортиларди. Лекин бу ҳолат кўп турдаги жиноятлар учун жазо қўллашда алоҳида табақавий принципни истисно қилмаган. Шахсан еркин бўлмаган кишилар ҳам жиноятнинг субъекти сифатида қаралиши мумкин еди.

Жиноят ҳуқуқининг умумий принциплари ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, Хитой қонунлари қатор ҳолларда айб шакллари: қасд ва еҳтиётсизликни ҳисобга оларди, лекин ҳар доим ҳам емас. Ахлоқ нормалари билан ҳуқуқ ўртасидаги чегараларнинг расман аниқланмаганлиги ва бунинг оқибатида қонунда аниқ ифодаланган ҳуқуқий тушунча, таърифларнинг йўқ-лиги ҳуқуқда айб шаклларининг аниқ ажратилишига тўсқинлик қилган, жазолар тайинлашда кўпинча «бilmaslik», «атайин қилинмаганлик», «еътиборсизлик», «есдан чиққанлик», «хато қилганлик» каби тушунчалардан фойдаланишга сабаб бўлган. Бу тушунчалардан қадимги даврлардаёқ афв етиш асоси сифатида фойдаланилган.

ПИ-ИВ асрларда ҳуқуқий таълимот жиноят содир етиш режасини тузишни жиноятга қасд қилишнинг асосий кўрсаткичи сифатида ҳисоблай бошлади. Қасд қилинган жиноят Тан кодекси бўйича фақат режа тузиш билангина емас, балки икки ёки ундан ортиқ кишининг олдиндан келишуви билан ҳам ажralib турган.

Хитой қонунларида, жумладан, Тан кодексида ҳали зарурий мудофаа институти ишлаб чиқилмаган еди. Лекин ота ёки онасини ҳимоя қилган ўғил, бува ёки бувисини ҳимоя қилган невара бирорга етказган тан жа-роҳати учун ва ҳатто бунинг натижасида бирорни ўлдириб қўйганлиги учун ҳам жавобгарликка тортилмаган. Худди шунингдек, хўжайниннинг буйруғи билан жиноят содир қилган хизматкорлар ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Чунки бундай жиноятларни содир қилиш уларнинг жиноий иродаси томонидан буюрилмаган.

«Ўғиллик диёнати» талаби юқоридаги нормаларнинг Хитой қонунчи-лигига XX асрга қадар ўзгаришсиз сақланиб қолишга сабаб бўлган. Шу-нингдек, қонунларда ўз яқин қариндошлари устидан чақимчилик қилиш жиноят деб тан олиниши ҳақидаги ва жиноят содир етган оила аъзоларини яширганлик учун жавобгарликдан озод қилиниши ҳақидаги нормалар ҳам Хитой хужжатларида XX асргача сақланиб қолган еди.

Ўрта асрлар Хитойи ҳуқуқига айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам маълум. Тан кодекси бўйича, одатда, учта тоифадаги шахслар: «қарилар ва кичиклар», шунингдек, ногиронларнинг қилган жиноятлари учун жазо юмшатилиши мумкин еди. Бироқ, кўпинча жиноятчининг болалари қул-ликка сотиларди. Аёллар қатл етилиши мумкин еди, лекин сургун қилинмасди. Ҳомиладор аёлни қатл етиш боласи туғилгач 100 кундан кейин амалга оширилиши лозим еди.

Хитой анъанавий ҳуқуқида конфутсийлик таълимоти нүктаи назаридан жи-нояларни уларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаштириш жуда қадимги даврларда ёк вужудга келган ва бу асрлар мобайнида яшаб келаётган **«Ўнта ёвузлик» контсепсияси** асосида амалга оширилган. Бунда диний маросим жиноий тажовуз обьекти сифатида чиқкан. Бу бўйсунмаслик, ўҒилнинг ота-онага қулоқ солмаслиги, ота-онаси билан келишмовчилиги ва бошқа шаклларда бузилиши мумкин еди. Буларнинг ҳаммаси жиноий-ҳуқуқий нормаларнинг ниҳоятда мужмал, ноаниқ еканлигини белгилаш, судяларга жиноятларнинг оғирлик даражасини мустақил ва еркин баҳолаш, амалда ҳар қандай жиноятга у ёки бу туркумдаги таомил, одат деб қарашиб имконини берган. «Ўнта ёвузлик»нинг бу хусусиятлари Хитойда ҳамма асрларда қадрланган. Натижада Хитойда ҳуқуқий нормаларнинг кенг шарҳла-нишига йўл қўйилмаган, ёзилган қонунга нисбатан чуқур ҳурмат қарор топмаган.

«Ўнта ёвузлик»дан биринчисига «подшоҳга қарши исён, фитна» тааллуқли еди. Бу туркум жиноятларга императорга ҳар қандай тарзда зарар етказиш ҳақидаги тил бириктиришларни киритиш мумкин еди. Ушбу туркумдаги жиноятларда асосийси - жиноий тажовузнинг императорга, «осмон ўҒли»га, табиӣ «осмон» қонунларига қарши қаратилганлиги еди. Ёвуз-ликнинг кейинги икки шакли ҳам худди шу тарзда талқин қилинган. «Буюк бўйсунмаслик», мавжуд тартиблар ва ахлоққа қарши исён кўтариш **иккинчи ёвузлик** ҳисобланган. Бу туркумдаги жиноятларга император авлодларининг масканлари ва қабрларини ёки императорнинг қароргоҳини бузишга қасд қилиш, ҳаракат қилиш кабилар кирган. **Учинчи ёвузлик** - «фитна, хиёнат» императорга, давлатга хиёнат қилиш, душман томонига ўтиш, исён кўтариш, мамлакатдан қочиш ёки қамал қилинган шаҳардан қочишга ҳаракат қилиш каби жиноятларни ўз ичига олган.

Юқоридаги учта ёвузликка оид жиноятларни содир қилган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари «фуқаролик мажбуриятини бажармаганлар» деб ҳисобланган. Жиноятчилар, уларнинг оталари ва 16 ёшдан катта ўҒил-лари ўлимга маҳкум етилган, яъни уларнинг боши танасидан жудо қилинган. Жиноятчининг оиласидаги аёллар (онаси, турмушга чиқмаган қизлари, хотинлари, жазманлари - хизматчилари билан бирга) қуллар сифатида мусодара қилинган.

«Ўнта ёвузликка» кирадиган бошқа жиноятлар ҳам ёвузликнинг дастлабки учта шакли билан мантиқан боғлиқ бўлган.

Тўртинчи ёвузлик - «бўйсунмаслик, итоат етмаслик» яқин қарин-дошларга қарши қаратилган жиноятларни ўз ичига олган. Бундай жиноят-ларга буваси, бувиси, ота-онасини ўлдириш ёки уруш-дўппослаш, уларни ўлдириш ҳақида қасд қилиш, катта акаларини, опаларини, ерининг (хотинининг емас) яқин қариндошлари (ота-онаси, бува ёки бувиси)ни ўлдириш кабилар кирган.

Бешинчи ёвузлик - «адолатсизлик, ахлоқсизлик» бўлиб у ашёлар-нинг табдий тартибига зид хатти-ҳаракатларни, ўта шафқатсизлик билан, ёвузлик билан қилинган жиноятларни англатган. Хусусан бунга бир оиласдан уч киши-ни (агар улар ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар содир етмаган бўлса) ўлдириш ёки ўта шафқатсизлик билан жиноят содир етиш, масалан, одамни бўлакларга бўлиб ўлдириш, шунингдек, барча турдаги сеҳргарлик-жодугарлик хатти-ҳаракатлари, жумладан, заҳар тайёрлаш, саклаш ҳамда бошқа шахсларга ўтказиш кабилар кирган.

Олтинчи ёвузлик - «буюк нарсага итоатсизлик билдириш» бўлиб, унга ли томонидан тақиқланган алоҳида аҳамиятга ега бўлган чеклашларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар кирган. Уларнинг қаторига, масалан, ибодат қилинадиган нарсаларни, шунингдек, император томонидан фойдаланиладиган ашёлар (императорнинг муҳри, унинг хотинлари, ота-онаси, бува-бувисининг муҳрлари)ни ўғирлаш, император учун овқат, дори-дармон тайёрлаш чоғида хатога йўл қўйиш, унинг номини ёмонлаб гапириш кабилар кирган. Императорнинг соғлиғига тажовуз қилувчи ёки унга маънавий ёки моддий зарар келтирувчи (масалан, унинг фармонини бажармаслик ёки сохталаштириш) хатти-ҳаракатларни содир етган барча шахслар осиб ўлдирилган. Бунда гап ушбу ҳаракатнинг еҳтиётсизлик, хато қилиши натижасида содир қилиниши тўғрисида бормоқда. Акс ҳолда, юқоридаги жиноятлар биринчи ёвузлик тоифасига тааллуқли бўлган.

Ёвузликнинг еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи шакллари ижтимоий тартибнинг асоси сифатида қаралганда оиласдаги ахлоқий тартибни у ёки бу даражада ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган. **Еттинчи ёвузлик** - «ўғилларнинг итоатсизлик билдириши», ота-онасига бўйсунмаслиги бўлиб, унга масалан, бувасини, бувисини, ота-онасини ножӯя, ёмон ҳаракатларда айблаш, уларни сўкиш,

хақоратлаш, ёмон боқищ, уларнинг розилигисиз оиласдан ажралиб чиқиш ва мол-мулкни бўлиш, мотам вактида никоҳга кириш ёки бу вактда мотам кийимларини киймай, бошқа либосларда юриш ва ҳоказо жиноятлар киритилган.

Саккизинчи ёвузлик - яқин қариндошлар орасидаги «келишмовчи-лик, қарама-қаршилик» бўлган. Бу туркум жиноятларга яқин қариндошни ўлдиришга қасд қилиш ёки қулликка сотишдан тортиб то хотиннинг ерини уриши ва катта авлод қариндошлари устидан чақимчилик қилишгача бўлган кенг доирадаги жиноий хатти-ҳаракатлар кирган.

Тўққизинчи ёвузлик - «адолатсизлик, ноҳақлик» ҳисобланаб, у оилавий емас, расман, ижтимоий-иерархик ришталар билан бўғлиқ кишиларнинг бир-би-рига қарши содир қилган жиноятларини ўз ичига олган. Масалан, бўйсунув-чи шахснинг ўз хўжайинини, қўмондонини, конфутсийлик ахлоқи бўйича ўқитувчи-устозини ўлдириши кабилар ана шу ёвузлик туркумига киравчи жиноятлар ҳисобланган. Бунга яна хотиннинг ерига нисбатан турли шакллар-да ифодаланган бўйсунмаслиги, масалан, ери ёки унинг қариндошлари вафот етганда мотам либосини кийиб юрмаслиги ва бошқалар ҳам тааллуқли бўлган.

Яқин қариндошларнинг ўзаро жинсий алоқалари **«ўнинчи ёвузлик»** ҳисобланган. Бу «қушлар ва ҳайвонларнинг» хатти-ҳаракатига тенглаштирилган. Бунда фақат яқин қариндошлар билан емас, бува ёки отасининг жаз-мани билан жинсий алоқа қилиш ҳам шундай жиноят таркибини ташкил етган.

Ўнта ёвузликка кирган жиноятлар кечирилмаган. Син қонунларига асосан катта амалдорга тегишли одамлар, императорлар ҳурматига сазовор бўлганлар, олимлар, ҳарбий хизматлари учун номлари ҳурмат китобига кири-тилган кишилар ҳамда сўzlари, қилган ишлари жамиятда қонундек қабул қилинган кишилар бундан мустасно. Кўзғолонларда қатнашгани ва хиё-нат қилгани учун фақат жиноятчининг ўзи емас, ҳатто унинг қариндош-уруғлари ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг боши танасидан жудо қилинган. Бундай жазога 7 ёшгача бўлган болалар ва аёллар тортилмаган, улар қулликка берилган.

«Ўнта ёвузлик» барча жиноий ҳаракатларни қопламаган. Улар бош-қа жиноятларга нисбатан ўзига хос мезон бўлган. Бошқа жиноятлар ора-сида ҳамма даврларда муайян инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар ва бошқалар ажралиб турган.

Ушбу жиноятлар учун жазолар тайинлашда Хитой анъанавий ҳуқуқида қатор омиллар: жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий аҳволи, қариндошлиқ алоқаси, ҳамда шиддатлилиги ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган. Қасдан одам ўлдириш учун енг оғир жазо - бошини танасидан жудо қилиш жазоси назарда тутилган. Еркин ки-ши бирорни «хато қилиб», масалан, ўйин вақтида ўлдириб қўйса, жазодан пул тўлаб қутилиши мумкин бўлган. Қуллар ва бутсуйлар (қарам кишилар) нинг ўз хўжайинини ўлдириш учун фақат тил бириктиришининг ўзиёқ уларга нисбатан олий жазо - ўлимга маҳкум етиш жазоси қўлланилишига олиб кел-ган. Агар хўжайин ўзининг айб қилган қули ёки бутсуйини ўлдирса, у Тан кодекси бўйича йўғон калтак билан 100 марта урилган. Агар хўжайин томонидан ўлдирилган қул ёки бутсуй айбсиз бўлса, у ҳолда хўжайин бир йил-га каторгага жуда оғир ишларга жўнатилган. Агар хўжайин ўз қули ёки бутсуйини «хатога йўл қўйиш орқали» ўлдириб қўйса, умуман жазо-ланмаган.

Бирорга тан жароҳати етказганлик учун жазо беришда ҳам юқори-даги ҳолатлар ҳисобга олинган, лекин бунда енгилроқ жазо чораси қўлланилган. Ўз хотинига жароҳат етказган ер, бошқа бирорга жароҳат етказганга қараганда, енгилроқ жазога тортилган. Жазманига жароҳат етказган еркак еса умуман жазоланмаган.

Тан кодексида шахсга қарши қаратилган жиноятларга еркин кишиларни қулликка сотишнинг кўп ҳолатлари киритилган. Бунда жабрланувчи ва жиноятчининг ёши, жинси, қариндошлиқ алоқаси ҳисобга олинган.

Шахсга қарши қаратилган жиноятлар кўпинча мулкка қарши қаратил-ган жиноятлар билан бирга келган. Мулкий жиноятлардан ўғирлик ва турли хил мулкларни Ғайриқонуний равишда ўзлаштириш алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жиноятлар хусусий мулкка ёки давлат мулкига, шунингдек, хусусий шахсларга ёки мансабдор шахсларга қарши қаратилганлигига қараб таснифлаштирилган. Бунда мулкни Ғайриқонуний ўзлаштириш усуллари: талончилик, ўғирлик, порахўрлик, маъмуриятчилик ҳуқуқларидан фойдаланиб мулкни ўзлаштириш ва хизмат мавқеидан фойдаланиб мулкни Ғайриқонуний ўзлаштириш ҳам ҳисобга олинган. Ўғирлик мулкни яширинча талон-тарож қилиш бўлиб, бунинг учун йўғон таёқ билан уриш жазоси тайинланган. Босқинчилик бирорнинг молмулкини дўйқ-пўписа қилиб ёки куч ишлатиб очиқдан-очиқ талонтарож қилиш ҳисобланган.

Жиноятларнинг алоҳида гурухини турли шаклларда Гайриқонуний бойиш, мулкни алдаш, қўрқитиши йўли билан кўлга киритиши, куч ишлатиб зўравонлик билан ёки ҳаддан ортиқ даражада фойда олиш билан сотиб олиш кабилар ташкил етган. Шу тариқа, жиноят ва шартнома шартларини бузиш ўртасидаги чегаралар ювилиб кетган. Зеро, бу анъанавий ҳуқуққа хос жиҳат бўлиб, унда умумий ва хусусий манфаатлар соҳаси ўртасида аниқ фарқлар ажратилмаганди.

Жазо тайинлашда ўҒирланган нарсанинг баҳоси ҳам ҳисобга олинган. Жуда катта миқдордаги ўҒирлик учун Тан кодекси бўйича қўшимча каторга ишлари билан бирга сургун қилиш ва ўҒирланган ашёнинг икки баравари миқдорини ундириш жазоси назарда тутилган. Давлат мулкини ўҒирлаганлик учун оҒирроқ жазо, қариндошларининг мулкини ўҒирла-ганлик учун еса енгилроқ жазо чораси қўлланилган. Бировнинг мулкига зарар етказиш ўҒирлик билан teng ҳисобланган. Ўт қўйиш, бировнинг ер майдонини сувга бостириш қаттиқ жазоланган.

Қароқчи ва талончиларнинг ҳам боши кесилган. Одамларни ўҒир-лаш, айниқса аёлларни ўҒирлаб кўнгил очиш масканларига сотиш жино-ятлар ичида ажралиб турган. Ажралиб чиқмаган катта оилаларнинг бир неча аъзолари томонидан қилинган ўҒирлик учун шу оиланинг бошлиғи жавоб-гарликка тортилган, қолганлари иштирокчи сифатида жазоланган. Қариндош-уруғлар орасидаги ўҒирлик оҒир жиноят ҳисобланган. Қонунлар бўйича ўҒирлик ва босқинчилик бир-биридан фарқланган.

Бўйсунувчи шахснинг бошлиққа, одий кишини мансабдор шахсга умумий шахсий қарамлиги принциплари турли хил мансабдорлик жиноятлари-нинг, аввало порахўрликнинг келиб чиқишига замин яратган. Порахўрлик жиноятлари учун жазо беришда мансабдор шахснинг «совға» олаётган вақтда қонунни бузган ёки бузмаганлиги, қилмишидан пушаймон бў-лиши, шунингдек, олинган поранинг қиймати, баҳоси инобатга олинган. Жиноятда иккала томон - пора берувчи ҳам, пора оловчи ҳам айбдор ҳисобланган.

Кўпдан-кўп ҳуқуқий Гайриқонуний йўлларнинг мавжудлигидан дав-латнинг мансабдорлик жиноятларига қарши шафқатсиз, лекин муваффақиятсиз кураш олиб борганлигидан бошқа мисоллар ҳам дарак беради. Масалан, Тан кодекси бўйича мансабдоларнинг, ҳатто у истеъфога чиққандан кейин ҳам, ўзига бўйсунувчи шахсдан ҳар қандай совға олиши мансабдорлик жинояти ҳисобланган. Лекин

бўйсунувчи шахснинг бошлиққа миннатдорчилик белгиси сифатидаги «мотам ва мусибатли» кунларида берган «ёрдамлари», «маълум мезонларга риоя қилган ҳолда» текинга ишлаб бериши жиноят ҳисобланмаган.

Жиноят ҳуқуқида мансабдор шахсларнинг қилган жиноялари учун бериладиган жазолар алоҳида ўрин тутган. Улар фақат жиноялари учун емас, ҳатто қилган хатолари учун ҳам қонун олдида жавоб берганлар. Бошлиқлар-га унинг ёрдамчилари томонидан қилинган қонунсизликлари учун берилади-ган жазо кўпайтирилган. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олишда қиладиган хатолар ва ўз мансабини суПстеъмол қилиш давлат томонидан қаттиқ таъқиб қилинган.

Хитой қонунчилиги маъмурий ва жиноий жазоларни бирбиридан ажратма-ган. Маъмурият фаолияти соҳасидаги ҳар қандай тартиббузарликлар: мансаб-дор шахснинг ишга кечикиши ёки келмаслиги (чиқмаслиги) ёки давлат сирларини ошкор қилиши жиноий жазога лойик ҳисобланган. Агар мансабдор шахс бундай хатти-харакатни бошлиғининг буйруғига кўра содир қилган бўлса, жазога тортилмаган.

Жиноятларнинг маҳсус гурухини оиладаги ахлоқ тартибларини турлича бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, жинсий жиноялар ташкил етган. Жинсий жинояларга салбий баҳо беришда жиноятчининг жинси ва жабрланувчи билан қариндошлиқ алоқалари тизимида тутган ўрни жуда муҳим мезон бўлиб хизмат қилган. Хитой анъанавий ҳуқуқида «Ўнта ёвузлик»ка киравчи жи-ноялар билан бир қаторда хотиннинг ерига, ернинг хотинига нисбатан хиё-нати, мансабдор шахснинг ўз маъмурий ҳокимияти остидаги аёлни авраб йўлдан уриши, номусига тегиши, айниқса, қулнинг еркин аёлнинг номуси-га тегиши ва бошқалар қаттиқ жазоланган. Агар хўжайин ўз канизаги ёки бутсуйининг қизи билан жинсий алоқа қилса, жиноят ҳисобланмаган.

Жазолар асосий, қўшимча ва ўзгартириладиганларга бўлинган. Асо-сий жазоларга қаторга қилиш, таёқ ёки қамчи билан савалаш, сургун қи-лиш ҳамда ўлим жазолари; бошқа жазоларга тамғалаш, бармоқ ёки қўли-ни кесиш, ахта қилиш, авлодини қириш кабилар кирган. Ёввойи ҳайвонлар овланадиган провинсияларга сургун қилишлар ҳам қўлланилган. Бундан ташқари, турли хил жарималар, мол-мулкини давлат ҳисобига мусодара қилиш, қулликка сотиш каби

жазолар ҳам қўлланилган. Қуллар қилган жиноятлари учун сургун қилинмаган, унинг ўрнига 200 марта қамчи билан урилган.

Шимолий Вей сулоласи даврида (В аср) жазоларнинг бошини кесиш, осиб ўлдириш, каторга ишларига сургун қилиш, сургун қilmай каторга ишла-рига жўнатиш каби турлари мавжуд еди. Айнан шу вақтдан еътиборан таёқ билан уриш жазо сифатида қўлланила бошланган. Суй даврида (ВИ аср) йў-Фон таёқ билан уришга ингичка калтак билан уриш қўшилган. Тан ко-декси минг йилдан ортиқ вақт мобайнида жазоларнинг бешта асосий тизимини тартибга солиб турган. Улар: 1) ингичка калтак билан уриш (беш даражали: 10 марта, 20 марта, 30 марта, 40 марта, 50 марта); 2) йў-Фон таёқ билан уриш (беш даражали: 60 марта, 70 марта, 80 марта, 90 марта, 100 марта); 3) каторга ишлари (уч даражали: 1 йилга, 2 йилга, 3 йилга); 4) сургун (жойнинг узоқлигига қараб уч даражали: 2 мингдан 3 минг ли¹³² гача); 5) ўлим жазоси (икки шаклда: бошини кесиш ва осиб ўлдириш)дан иборат. 623 йилда қўшимча каторга ишлари билан бирга сургун қилиш жазоси жорий қилинган. Буни ўлим жазосига алмаштириш мумкин еди. X-XI асрларда ўлим жазосига жиноятчининг мурдасини бўлакларга бўлиш жазоси қўшимча қилинган.

Хитой ҳуқуқи, шу тариқа, умрбод каторгани билмайди. Лекин маълум муддатли каторга еркин кишини амалда қулга айлантиради. Шунинг учун ҳам мансабдор шахслар каторга ишлари билан жазоланмасдилар. Маҳкумлар сургун қилинган жойда одатда умрбод қолиб кетган, фақат Тан сулоласи даврида амнистия бўйича уйга кетишлари мумкин еди. Давлат қулларига сургун ўрнига калтак билан уриш жазоси қўлланилган.

Конфутсийлик манбай бўлмиш Ли сзидан сулолавий кодексларга юқори ижтимоий мавқедаги шахсларга жазо беришнинг «саккизта қоидаси» ўтказил-ган. *Аслзода шахсларнинг саккиз тоифаси* (биринчиси - императорнинг қарин-дошлари; иккинчиси-императорнинг содик дўстлари, «унга узоқ вақт даво-м�다 хизмат қилганлар»; учинчиси - «сўзлари ва хатти-ҳаракатлари намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган олийжаноб кишилар»; тўртинчиси - «ҳарбий ва давлат ишларида қобилиятли, истеъоддли кишилар»; бешинчиси – хизмат қўрсатган ҳарбий хизматчилар; олтинчиси - олий мартабали ва дара-жали аслзода мансабдорлар; еттинчиси - тиришқоқ, Ғайратли мансабдорлар ва саккизинчиси - «мехмонлар», яъни подшолар сулоларининг авлодлари ўлим жазосига лойик қатор

¹³² 1 ming li – taxminan 500 km.

жиноятларни содир қилганида оддий судлар томонидан суд қилинмаган. Бунда жазо тайинлаш, жазони юмшатиш ёки жиноятчини афв етиш учун бу тоифа шахслар императорнинг ихтиёрига берилган. Улар императорга пул (пора) бериб жазодан қутулиб қолишилари мумкин еди.

Жиноят учун жазолар ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда бошқа тои-фадаги мансабдорлар ҳам имтиёзлардан фойдаланганлар. Хитойда жазо-ларнинг алмаштирилиши тизимининг мавжудлиги шарофати билан кўпгина мансабдор шахсларга бериладиган каторга ёки сургун жазоси мансаби, мартабаси, унвони йўқотилиши билан алмаштирилиши мумкин еди. Мансабдор шахсда қанча кўп унвон, қанча юқори мартаба бўлса, шун-чалик асосий жазони «бекор қилиш» имконияти бўлган. Агар мансабдор шахс оғир жиноятлар содир етган бўлса ва жазодан қутулишга унвон ва мартабалари етарлича бўлмаса, у ҳолда жазонинг қолган қисми учун жарима тўлаши мумкин еди.

Хитой анъанавий ҳуқуқида «соя» деб номланувчи ўзига хос ҳуқуқий институт бўлиб, бу бюрократиянинг жамиятдаги ҳукмронлик мавқеини белгилайди. Унга кўра, мансабдор («сояпарвар»)нинг қариндошлари унинг мартабаси ва унга қариндошлиқ даражаси билан ўлчанадиган «соя кучла-ри»га қараб қатор махсус ижтимоий ва ҳуқуқий имтиёзлар олганлар. «Соя» давлат хизматида мансаб олиш имкониятини берган, шунингдек, жиноят содир етилганда жавобгарликдан озод қилган ёки жазони енгиллаштирган. «Соя»нинг кучи ва оқибатлари Тан кодексида жуда батафсил тарзда қайд етилган. Императорнинг «сояси» ниҳоятда қудратли бўлган. У император-нинг жуда кўп қариндошларини ўз «паноҳи» га олган. Лекин ҳатто енг кичик мансабдор шахс ҳам ўзининг буваси, бувиси, отаси, онаси, хотини, болалари, невараларини ўз «сояси» билан «беркитиб туриши» (ҳимоя қилиши) мумкин еди.

Хитойнинг бутун ҳуқуқий тартиботи асосида ётувчи биргаликдаги жавобгарлик принципи жавобгарликка тортиладиган шахслар доирасининг анча аниқ белгиланганилиги ҳисобигагина емас, балки жазо шаклларининг ўзгариши ҳисобига ҳам шаклан ўзгариб борган. Биргаликдаги жавобгарликка фақат қариндошлиқ ва хизмат алоқалари билан боғланган шахсларгина емас, балки ҳудудий, маъмурий жиҳатдан боғлиқ шахслар (қўшнилар, маҳаллий ҳокимиятлар) ҳам тортилар еди. Биргаликдаги жавобгарликда жазолар

тизими тобора муракаблашиб ва мукаммаллашиб борган. У фақат ўлим жазосини емас, бошқа жазоларни ҳам ўз ичига ола бошлаган.

Mulkiy munosabatlarning tartibga solinishi

Хитойнинг ўрта асрлар ҳуқуқи манфаати ё давлат ер егалиги, ё хусусий ер егалиги билан бөғлиқ ижтимоий-синфий кучларнинг тинимсиз қарама-қарши курашлари шароитларида шакл-ланди. Жамоа ер егалиги Хитойда қадимги даврларда ёк тугатилган еди. Ерга биргаликдаги егалик авлодларнинг диний маросимларини қўллаб-қувватлашга ва жамоат қабристонларига ажратилган оиланинг бўлинмайдиган мулки, уруғ мулки шаклида узоқ вақтгача мавжуд бўлиб турган. Будда ва даос жамоаларининг мулки алоҳида турдаги мулкчилик еди. Хитой учун характерли ҳисобланган хусусий ер егалигини умумдавлат рўйхатига олиш тизими минлар даврида ривожланди. Бу даврда ерлар давлат мулки ва хусусий мулкка бўлинди. Солик солиш ва меҳнат мажбуриятларини аниқлаш мақсадида хусусий ерларни рўйхатга олиш алоҳида амалдорларнинг фун-ксиясига айланди. Улар томонидан ер бўйича барча келишувлар умумдавлат реестрида қайд етиб бориларди. Бундан ташқари, сарой аҳллари егалик қиласидиган хусусий ерлар тоифаси мавжуд еди. Бу егалик тури шу ердан чиқадиган ер ости бойликларига ҳам егалик қилиш ҳуқуқини берарди. Хитой ҳуқуқи ер ости ва ер усти бойликларига егалик қилишни жуда ерта фарқлаган.

Хитой ҳуқуқи мулкни ҳаракатдаги ва кўчмас мулкка ажратган. Унда оддий нарсаларни ва ер, одам, қора молларни олиб сотиш бир-биридан фарқланган. Оддий нарсаларни олишда ёки сотишда васиқа, яъни расмий ҳужжат талаб қилинмаган. Ерни уй егаси, яъни оила бошлиғи сотиш ҳуқуқига ега еди. Сотилаётган ерни биринчи бўлиб сотаётган кишининг қариндош уруғлари, сўнгра қўшнилари, ундан кейин бегона одамлар сотиб олишга ҳақли бўлган. Катта оила мулкини бегоналаштиришга дастлаб фақат жуда еҳтиёж туғилган пайтлардагина қайта сотиб олиш ҳуқуқи сақланган ҳолда рухсат етилган. Бундай чекловлар ерни гаровга қўйиш институтининг кенг ривожланишига олиб келган. Ерни гаровга қўйишнинг ўзига хос хусусияти шунда едики, ерни гаровга қўювчи шахс узоқ вақтгача гаровга қўйилган ерга нисбатан егалик ҳуқуқини йўқотмаган, қарз тўлаш муддати ўтгандан кейин ерни қайта сотиб олиш ҳуқуқини сақлаб қолган. 962 йилги фармон бўйича, ерни қайта сотиб олиш ҳуқуқи, ҳатто, гаровга қўювчи авлодларига ҳам ўтказилган.

Ерни гаровга қўйиш шартномаси албатта ёзма равища расмийлаштирилиши лозим еди. Гаровга олувчи шахс гаровга

олинган ерни, гарчанд қарз шартномасида уни сотиши мумкинлиги айтилган бўлса ҳам, учинчи шахсга гаровга бериши мумкин емас еди. Ерини гаровга қўйган қарздор қарзини ўз вақтида тўламаса, гаровга қўйилган ерни сотиб олишга дастлаб қарздорнинг қариндошлари, сўнгра қўшнилари таклиф қилинган. Бу даврда айниқса одамларни, ҳаммадан аввал, қулларни гаровга қўйиш кенг тарқалганди. Қарзни тўлаш учун ишлаб беришда бир кишининг иш куни баҳоси бир кун давомида ҳўкиз, от, тўрт Фидиракли ара-вани эксплуататсия қилиш баҳосига тенг бўлган. Амалда шахсан еркин кишиларни гаровга қўйиш ҳоллари кам учраб турган. Улар бунда қул ҳисобланмасалар ҳам, аммо ҳақиқатда қуллик ҳолатига тушиб қолардилар, таёклар, калтаклар остида ишлардилар. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, кодексларда оиласининг еркин аъзоларини сотиш ва гаровга қўйиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган еди. Лекин ерни ижарага бериш, гаровга қўйиш ва бошқа маҳаллий даражадаги муносабатлар соҳасида, қоида бўйича, одат ҳуқуқи ҳаракатда бўлган. Хитойда маҳсулот рентаси шакли-да кенг тарқалган тенг шерикликка ериш ҳам маҳаллий одат ҳуқуқига асосланарди.

Хитойнинг одат ҳуқуқида, худди Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатларнинг одат ҳуқуқидагидек, қарз учун олинадиган фоизларнинг миқдори қарз суммасидан ортиб кетиши керак емас, деган принсип ўрнатилганди.

Ҳаракатдаги (кўчадиган) мулкни гаровга қўйишида, гарчанд шартномани бажариш муддати ўтиб кетган бўлса ҳам, гаровга оловчи уни ўз ҳолича мустақил бошқариши мумкин емас еди. Оила мулкини фақат оила бошлиғи, ҳеч бўлмаганда катта ўғил гаровга бериши мумкин бўлган.

Хитой ҳуқуқи қарз шартномасидан ссуда шартномасини фарқлади. Ссуда шартномасида муайян - аниқ ашё фойдаланишга берилади ва ушбу ашё қайтарилмаса, жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин еди. Кодексда алоҳида равишда таъкидланишича, ихтиёрида давлат қуллари, қора моллари бўлган амалдорларнинг ссуда шартномаси тузиши, шунингдек, давлат маблағларидан ўзига ёки бошқа шахсга фоизларсиз қарзлар тақдим қилиши тақиқланади.

Хитой мажбурият ҳуқуқида олди-сотди шартномаси алоҳида ўрин тутарди. Олди-сотди шартномасининг ҳақиқийлиги учун томонларнинг кели-шуви асосий шарт ҳисобланарди. Оддий ашёларни олиш-сотиш нафақат ерларни, балки одамлар ва қорамолларни олиш-сотишдан ҳам фарқ қилган. Одамларни сотишда

сотилаётган кишининг туғилганидан буён шахсан еркин бўлганлигини тасдиқловчи гувоҳлик талаб қилинган. Хитойда Хан давридан бошлаб қарзга сотиш тажрибаси маълум. Оддий ашёларни, шу-нингдек, қулларни ва қорамолларни олиш-сотишда васиқа (молмулкни сотиб олганлик ҳақидаги расмий ҳужжат) тузиш талаб қилинган. Уни тузишни инкор (рад) етганларга жарима солинган. Васиқаларни ўз вақтида тузмаганлар йўғон таёқ билан уриш жазосига тортилган.

Ерни ижарага олиш учун олдиндан уч йилгача взнос (бадал) тўланган, бу еса камбағалларга оғирлик қиласи еди. Агар ижара вақти томонлар орасида олдиндан белгиланмаган бўлса, ер егаси ижарачини истаган пайтида ҳайдаб юбориш ҳуқуқига ега бўлган.

Хитой давлати бозорларнинг ҳолатини ҳушёрик билан кузата бориб, округ, уезд назорат органлари тизимини ташкил қилган. Махсус тайинланган амалдорлар савдо раста (хан)лари фаолиятини кузатиб турганлар. Маъмурият ҳар ўн кунда бозордаги нархларни ўрнатган, сотувчиларнинг барча дўконларини, кўчмас мулклар, одамлар, қорамоллар сотиш бўйича бар-ча битимларини расмийлаштирган, оғирлик ва узунлик ўлчов тизимини назорат қилиб турган. Томонларнинг ўзаро келишувисиз, розилигисиз, куч ишлатиб ёки ўрнатилган нархлардан юқори баҳода савдо битимлари тузишида айбор бўлган шахсларга йўғон таёклар билан уриш жазоси берилган. Бир қанча товарларга: туз, чой ва бошқаларга давлатнинг савдо монопо-лияси ўрнатилган еди. Сотиб олиш шартномасини тузишга кафиллар ва гувоҳлар жалб қилинарди. Ерни сотишида унинг усти ва остидаги нарсалар ҳам сотилиши маҳсус таъкидланган.

Nikoh-oila va meros huquqi

Хитойда никоҳ-оила ҳуқуқининг диний анъаналар билан чамбарчас боғлиқлиги ўрта асрлар ҳуқуқида унинг нормалари устунлигининг барқарор-лигини белгилаган. Патриархал оила асослари - отанинг оила аъзолари устидан, ернинг хотин устидан ҳукмронлиги ва бошқалар ушбу нормаларнинг моҳиятини белгилаган.

Бошқа-бошқа табакаларнинг вакиллари ўртасидаги никоҳлар қаттиқ қораланган ва хатто қатор ҳолларда қонун бўйича таъқиб қилинган. Ни-коҳга кириш ҳар бир кишининг бурчи хисобланган. Никоҳга кириш бурчини бажариш оила манфаатларига, авлодларнинг диний маросимлари талабларига хизмат қилиши лозим еди. Никоҳ тузишдан мақсад ердан насл қолдириш бўлган. Никоҳ келин ва

куёвнинг оиласи ўртасидаги келишувдан иборат бўлиб, бунда никоҳга киравчиларнинг розилиги талаб қилинмаган, лекин оталарининг розилиги бўлиши шарт еди. Никоҳга кириш ёши кодексларда кўрсатилган. Қоида бўйича, бу еркаклар учун 15-16 ёш, баъзан 20 ёш, аёллар учун 14-15 ёш атрофида белгиланган. Ҳали туғилмаган болаларни унаштириш одати кенг тарқалган еди.

Еркин кишилар билан қуллар ўртасидаги, еркак томонидан ҳар қандай даражадаги қариндошлар ўртасидаги, бир фамилиядаги кишилар ўртасидаги никоҳлар тақиқланган еди. Полигамия (кўп хотинлик) тақиқланган, биринчи хотиннинг ҳаётлиги вақтида иккинчи никоҳга кириш ҳақиқий емас деб ҳисобланган. Еркакларда чекланмаган миқдорда жазманлар бўлиши мум-кин еди. Жазманларнинг ҳуқуқлари урф-одат билан белгиланаарди.

Хитой никоҳи муқаддас ҳисобланган, уни бекор қилиш қийин бўлган. Никоҳ ер-хотиннинг ўзаро икки томонлама розилиги бўйича бекор қилиниши мумкин еди. Ер қуйидаги ҳолларда: хотини бола туғмаса, бузуқлик қилса, ери ва унинг ота-онасига ҳурматсизлик кўрсатса, езма бўлса, ўғирликка мойил бўлса, баҳил бўлса, шубҳали ҳарактерга ега бўлса, тузалмайдиган касал-лиги бўлса, никоҳни бекор қилиш ҳуқуқига ега еди. Хотин қуйидаги ҳолларда: агар ер уни уч ойдан ортиқ муддатга ташлаб кетса, қулликка сотса ва ахлоқсиз ҳаракатлар қилишга мажбур етса, ажралишни талаб қилиниши мумкин еди.

Мерос умуман ҳуқуқнинг мерос бўлиб ўтиши ҳарактерига ега бўлган. Меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарзларини тўлаш мажбу-риятига ега еди. Унвон, мансаб, агар мерос тариқасида ўтказилса, алоҳида тарзда мерос қилиб қолдирилган. Ўлган шахснинг мол-мулки ҳам еркак кишининг насл-насаби бўйича пасайиб борувчи қариндошларга алоҳида тарзда, мерос тарзида ўтказилган. Ерга тегиб кетган қизлар мерос олиш ҳуқуқига ега емас еди, ерга тегмаган қизлар еса ака-укаларига бериладиган ҳиссанинг ярмига тенг миқдорда мерос олган. Унвон (даража) фақат катта ўғилга мерос тариқасида ўтган.

Ота ўғлини меросдан маҳрум қила олмаган, бир ўғлининг ҳисобига иккинчи ўғилнинг ҳиссанини кўпайтириш ҳуқуқига ҳам ега бўлмаган. Ерлар фақат диний мақсадларда «хайрли ишлар» учун ҳадя қилиниши мумкин еди.

**Sud ishlarini
yuritish tartibi**

Суд жараёни асосан инквизитсион
характерга ега бўлган. Иш одатда

жабрланувчининг уезд судига ёзма ёки оғзаки шикояти билан бошланган. Шикоят маълум шаклда тузилган. Уни жабрланувчиларга суд дарвозалари олдида ўтирувчи маҳсус кўча котиблари тузиб берардилар.

Жиноятчини таъқиб қилиш давлатнинг мажбурияти бўлган. Жиноят-чини қидириш учун Масъул бўлган маҳсус амалдорлар уни маълум муддат ичида қидириб топиши лозим еди. Бу муддат 1690 йилги қонунлар тўплами бўйича бир ой қилиб белгиланган еди. Агар амалдор шу муддат ичида жиноятчини излаб топа олмаса, калтак билан саваланган. У жиноятчини излаб топиш муддатини икки ойга ўтказиб юборса, таёқ билан 30 марта калтакланган. Бу кўпинча айбизиз кишиларни жавобгарликка тортилишига олиб келган. Жиноятчи судга қадар турмада сақланган, аёллар уйда ерининг кафиллигига берилган.

Судларда судялар ва амалдорлардан ташқари суд назорати ходимлари, иш юритувчилар, хат ташувчилар, қўриқчилар, жисмоний жазо берувчилар (екзекуторлар) ҳам мавжуд еди. Гувоҳ судга келмаса, таёқ билан 40-50 марта урилган. Судялар сўроқ қилганлар, юзлаштириш ўтказганлар, айбига иқрор бўлмаганларга нисбатан қийноқлар қўллашни тайинлаганлар. Улар айбланувчининг айборлиги презумпсиясидан келиб чиққанлар. Айбланув-чиларнинг айбини тан олдиришга еришиш судяларнинг асосий мақсади бўлган. Агар айбланувчи қийноқ йўли билан уч маротаба сўроқ қилинганда ҳам айбига иқрор бўлмаса, унда ёлғон гувоҳлик берганлигини фош қилиш учун айбовчига нисбатан қийноқ қўлланилиши мумкин еди. Қуллар ўз хўжайнларига қарши қўрсатмалар бера олмаганлар. Ҳукм ёзма шаклда чиқарилган. Айбланувчи оқланиши, маҳкум қилиниши ёки унинг иши шубҳали деб топилиши мумкин еди.

Тан империяси судида қаттиқ легастик усууллардан четга чиқиш ҳоллари ҳам бўлган. Булар ҳақида куйидагилар далолат беради. Каторга ишларига маҳкум қилиш жазосини бериш (ёки анча оғир жазоларни бериш) ҳақида ҳукм чиқарилаётганда айбланувчининг розилиги талаб қилинган. Агар у рози бўлмаса, иш қайта кўриб чиқилган. Агар иш бўйича далиллар етарли бўлмаса ва айбланувчи айбини тан олмаса, кафиллар таклиф қилинган ва айбланувчи озодликка қўйиб юборилган. Шубҳали қарорлар бўлганда ҳам айбланувчига айдан пул тўлаб қутилиш имконияти берилган. Ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм император томонидан тасдиқланган. Қатл етилган жиноятчиларнинг жасадлари ва бошлари ҳамма кўрадиган

жойга осиб қўйилган. Ўлимга маҳкум етилган оддий кишилар савдо майдонида, амалдорлар еса уйда қатл етилган.

XII БОБ. ЯПОНИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

- *Япония давлатининг ташкил топиши, шарт-шароитлари, хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари.*
- *Япония жамиятининг табақавий тузилиши.*
- *Япониянинг давлат тузуми ва унинг ўзига хослиги.*
- *Ўрта асрларда Япония ҳуқуқининг асосий белгилари.*

1. Япония давлатининг ташкил топиши, шарт-шароитлари, хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари

Кўпгина тарихий-ҳуқуқий манбаларда Япония ҳудудида уруғ-дошлиқ тузумининг емирилиши ва илк давлатнинг ташкил топиши жараёни ВII асрда ниҳоясига етганлиги кўрсатилади.

Японияда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш жараёни III асрда бошланган. Уруғлар ичидан уруғ аристократияси ажралиб чиқсан, мулкий ва ижтимоий тенгсизлик чуқурлашиб борган, уруғнинг имтиёзли зодагон-лари томонидан ўз ҳамюрларини ва урушларда босиб олинган қабилалар ахолисини эксплуататсия қилишнинг турли шакллари ривожланган. Уруғ зода-гонларининг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи эксплуататсиянинг қулчилик шакллари кенг тарқалмаган. Япониянинг жуғрофий шарт-шароитлари, оролда жойлашганлиги, тоғли жой-далиги унинг ривожланишини сиқиб қўйган. Бу ерда примитив (оддий, қолоқ) меҳнат қуроллари билан йирик латифундияларни ташкил етиш, шунингдек, ҳар-бий юришлар ҳисобига етарли микдордаги қулларни қўлга киритиш мумкин бўлмаган. Зоро, суғориладиган шоличиликнинг мавжудлиги кичкинагина ер участкаларида дехқоннинг зўр бериб меҳнат қилишини талаб қиласарди.

Япония давлати ва жамиятига ўша вақтларда жуда тараққий етган Хитой сивилизатсиясининг таъсири анча катта бўлди. Хитой ўзининг анъана-вий ижтимоий-иктисодий тузилиши ва давлат тизими, шунингдек, буддизм ва конфутсийлик динлари билан Япония давлати ва жамияти ривожига айниқса илк босқичларда кучли таъсир ўтказган. Хитойнинг Японияга кучли диний таъсири ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, бунда Хитойнинг икки: конфутсийлик ва буддизм динларидан биринчисининг таъсири қўпроқ бўлган.

ИВ асрдан Японияда қабилаларнинг иттифоқи ташкил топди. В асрда еса қабилалар иттифоқининг йўлбошчиси Ямато мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштириди. ВИ асрда Японияда жамият-нинг ижтимоий табақалашуви жараёнларининг кучайиши ва давлат аппарати-нинг шаклланишига алоҳида уруғларнинг қабилавий иттифоқ устунлиги учун узундан-узоқ олиб борган кураши ва Сётокутайсининг Ғалабаси катта таъсир кўрсатди. Сётокутайси ҳукмронлиги даврида, 604 йилда Японияда биринчи қонун ҳужжати - Ямато подшоларининг биринчи декларатсияси - Сётоку Конститутсияси, яъни 17 та моддадан иборат Қонун пайдо бўлди. Унда давлат бошқарувининг принциплари белгиланган еди.

17 та моддадан иборат Қонун сиёсий-хуқуқий қоидалардан кўра кўпроқ диний ва етиқ қоидаларни ўзида мужассамлаштирган. У келишув, уйғунлик, умумга хизмат қилиш ҳақида сўз юритади. Қонуннинг бутун японларга емас, умумга хизмат қилиши алоҳида таъкидланган еди. Унда аҳолининг тенгсизлиги тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўйилган еди. Бунда аввало ҳукмдор алоҳида ажратиб кўрсатилади, сўнгра мансабдорларга ва ундан кейин оддий халқقا еътибор берилади. Ҳукмдор - ягона суверен хисобланган. Мансабдорлар еса - унинг амалдорлари, халқ уларга бўйсұна-диган кишилар оммаси сифатида майдонга чиқкан.

«Умумий қонун» жамият тартибларининг асоси (4-5-моддалар), под-шоҳ еса унинг ифодачиси деб еълон қилинган. Подшоҳ ўз амалдорларидан «умумий қонун»га сўзсиз бўйсунишни талаб қилиш хуқуқига ега еди. «Агар юқоридагилар буюрса, -дейилади 3-моддада, - унда қуйидагилар ито-ат етишлари лозим». Қонунда уруғлар ўртасидаги ўзаро урушлар, хусусий ер егалиги қораланади, ерга нисбатан давлат мулкчилиги ва дехқонларнинг давлатга соликлар тўлаши ва мажбуриятлар ўташи еълон қилинади.

Ўзаро урушлар бу даврда самарали ҳаракат қилувчи марказий ҳоки-миятни ташкил етишга халақит берган. 645 йилда ўша вақтдаги уруғлар орасида енг кучли уруғнинг бошлиғи Накано Ое тўнтариш қилиб, йирик ис-лоҳотлар ўтказган, бунинг натижасида барча ерлар давлат ерлари, жамоа-чилар еса император фуқаролари деб еълон қилиниб, Ямато уруғининг олий ҳукмдорига император унвони берилган. Шу тариқа, 645 йилдан бошланган подшолик даври Тайка¹³³ йиллари деган ном олиб, Японияда марказлаш-ган давлат

¹³³ «Tayka» so`zining lug`aviy ma'nosı – «buyuk o`zgarishlar».

тузиш жараёни ва қатор ислоҳотлар ўтказиш бошланган. Бу ислоҳотлар Тайка манифестида мустаҳкамланган. Манифест еса кейинчалик маҳсус «Тайхо рё»¹³⁴ кодекси билан тўлдирилган еди.

Ислоҳотлар Хитой намунаси асосида бошқарув тизимини ва аграр муно-сабатларни қайта ташкил этишга қаратилган еди. Ислоҳотлар уруғ-қабила зода-гонларининг маҳсус даражаси имтиёзлари тугатилишига, улар томонидан егаллаб олинган жамоа ерларидан маҳрум бўлишига ва Хитойдан ўзлаш-тириб олинган давлат чек ер тизимининг жорий қилинишига олиб келди. Давлатнинг чек ер тизимида асосан ер қарам кишилари билан бирга хусу-сий шахслардан тортиб олинди ва давлат мулкига ўтказилди.

Ер участкалари, чек ерлар овқатланувчи кишилар сонига қараб тўла хукукли дехқонлар (рёминлар) ўртасида тақсимланди. Куллар ҳам чек ерлар олган. Уларга бериладиган чек ернинг ҳажми еркин кишиларга берила-диган чек ернинг 1/3 қисмини ташкил етарди. Давлат ер егаси сифатида дех-қонларнинг уч ёқлама мажбуриятини назарда тутган. Дехқонлар дон би-лан рента солиғи тўлаш, ҳунармандчилик буюмлари билан солиқ тўлаш ва ишлаб бериш мажбуриятларига ега едилар. Дехқонларнинг ишлаб бериш муддати - бир йилда ўртача юз кунни ташкил етган, баъзан ундан ҳам ошган.

Бироқ, Японияда чек ер тизимининг жорий қилиниши ерларнинг тенглаштирилишини англатмас еди. Ерларнинг катта қисми хизмат мансаблари учун ажратиладиган чек ерлар сифатида чиновниклар қўлига ўтган. Албат-та, чиновникларга ажратиладиган бундай ерларнинг ҳажми мансаб ёки мар-табанинг катта-кичиклигига боғлиқ еди. Баъзи ерларни зодагонлар умрбод фойланишга оларди. Бундай ерлар баъзан бир авлоддан уч авлодгача тўғридан-тўғри мерос бўлиб ўтарди.

Чек ер тизими Японияда иқтисодий самарасиз бўлиб чиққан ва узоқ яшамаган. Дастребаки вақтларданоқ унинг тадбиқ этилиш доираси фа-қат пойтахтга туташ вилоятлар билан чегараланиб қолган. Чиновниклар-нинг суПстеъмолликлари оқибатида ерларнинг муддатлари бузилар еди ва ҳоказо.

Япония жамиятининг янада феодаллаша бориши чек ер тизими-нинг тушкунликка учрашига олиб келди. Ерларнинг даврий ўтказилиши ҳақиқатда X асрда тугатилган. Чек ер тизими ўрнига ўтга ҳол хусусий егаликдаги поместе (сёен) келган. Поместе ер егалиги

¹³⁴ «Тайхо рё» кодекси «Tayka qonunlari to'plamlari» bo'lib, 646 yildan 700 yilgacha chiqarilgan barcha qonun hujjatlarini o`zida mujassamlashtirgan va 702 yilda chiqarilgan edi.

жамоа ерларини мажбурий тартибда тортиб олиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, қўп сонли инъом қилинган ерлар ҳисобига ташкил этилган. Хусусий егаликдаги поместеларнинг ташкил этилиши чек ерли дехқонларнинг феодалга қарам дехқонларга айланishi билан бирга содир бўлган.

Янги поместе ер егалиги тизими йирик феодал ер егалигини ташкил этиш, демак, мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлади. Бу тизим мамлакатда ҳомийлик, ҳукмронлик ва бўйсуниш, вассалликленга оид муносабатларнинг ривожланишини тезлаштирди. Ҳукмрон ер егаларининг сафи ҳукмдорларнинг дружиначилари ва ҳарбий хизмат евазига ленлар оловчи йирик феодаллар ҳисобига кенгайиб борди.

Майда ер егалари томонидан тўлдирилиб турадиган бу тоифадаги профессионал жангчилар тобора кучли помешчикларнинг ҳомийлиги остига ўта борганлар ва вақт ўтиши билан **самурай** деб номланадиган ёпиқ табақага айланган. Самурайларнинг хўжайинига содиқлигини қаттиқ талаб қилувчи, ҳатто унинг учун ҳаётини ҳам беришга тайёр туриши лозимлигини белгиловчи ўз ифтихор қоидалари мавжуд еди.

Шундай қилиб, X асрдан бошлаб Японияда Шарқ учун Ғайриоддий бўлган ерга егаликнинг феодал ташкилоти ўрнатилган. Айни пайтда майда дехқон хўжалиги ҳам кенг ривожланган. Бу жиҳатдан Япония ўрта асрлари Ғарб ўрта асрларига ўхшаб кетади. Юқоридагиларга қатор омиллар ёрдам берган. Аввало Японияда, Хитойдан фарқ қилиб, мулкчиликнинг феодал шаклларини ташкил этишга назорат қилувчи ва тартибга соловчи функцияларга ега бўлган кучли давлат тўғаноқ бўлмаган. Чунки Японияда конфутсийликнинг нуфузли намоёндалари ҳам, имтиҳон-танлов тизими асосида шакллантириладиган кўп сонли кучли амалдор-маъмурият-чилар ҳам юзага келмаган еди.

Давлатда марказий ҳокимиятни заифлаштирувчи, ҳокимият жиловини ўз қўлидан чиқармаган йирик уруғчилик гуруҳларининг анъанавий куч-қудрати ҳам сезилиб турган. Ўзларининг содиқ самурайларидан иборат хусу-сий ҳарбий кучларига ега бўлган қудратли уруғларнинг мавжудлиги мамла-катнинг узоқ вақт мобайнида тарқоқ бўлиб туришига асосий сабаб еди. Ҳарбий кучларга таяниш орқали марказий ҳокимиятнинг кучайиши фақат Токугаванинг учинчи сёгунати даврида (XVII асрнинг боши - XIX асрнинг биринчи ярми) содир бўлган.

Японияда узоқ вақт давом етган сиёсий тарқоқлик унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тўхтатиб қўйган. Мамлакатда феодал муносабат-ларнинг ҳукронлиги то **XIX** асрнинг ўртасидаги буржуа инқилобигача, яъни «Мейдзининг¹³⁵ қайта тикланиши» деб ном олган давргача давом етган.

2. Япония жамиятининг табақавий тузилиши

Японияда, худди Хитойдагидек, уруғ аристократиясининг ажralиб чи-киши, қуллар ва бошқа тоифадаги қарам аҳолининг пайдо бўлиши муносабати билан иккита ижтимоий табақа: «аслзода» ва «аслзода бўлмаган» кишилар таба-қаси шаклланган. Уларнинг иккаласи бир қанча ижтимоий гуруҳларга бўлинган. Улар ўртасидаги чегаралар етарли даражада қўзГалувчан бўлган. «Асл-зода» кишилар орасида императорга яқин имтиёзли табақа, подшо саройи аъзолари, уруғ аристократияси, йирик амалдорлар ажralиб турган.

«Аслзода кишилар» (рёмин)нинг асосий қисми, илгари қудратли уруғ бошлиқларига шахсан қарамликда бўлган «давлат кишилари» сингари, чек ер тизими жорий қилингандан кейин давлат ерларига ўтказиб қўйилган. Улар ерга, бирон-бир ер егаси - хўжайинга бириктириб қўйилмаган еди, лекин ўзи хизмат қилаётган уезд бошлиғи ёки хўжайинининг рухсатисиз ерини ташлаб кетиши мумкин емас еди.

Катта оила ёки кичик оилалар гурухи ҳовлини, яъни деҳқон хўжалигини ташкил етган. «Ҳовли» ўлпон (солик) тўлайдиган ва мажбуриятларни бажара-диган хўжалик бирлиги ҳисобланган. «Ҳовли» бошлиғи ҳокимият томонидан тан олинган. У белгиланган муддатда солик рўйхатларини тузиши лозим бўл-ган, барча оилаларнинг тўловлари, ишлаб беришлари учун Масъул ҳисобланган, оилавий мулкни бошқарган, авлодларнинг диний маросимларини қўллаб-қувватлаган.

Давлат оилаларни солик (ўлпон) тўлайдиган ва мажбуриятларни бажара-диган бирлик сифатида ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Ма-салан, «**Тайхо Ёро рё**¹³⁶» деб номланган қонунлар тўпламида касаллар-ни, кексаларни, чўлоқ, майиб-мажруҳларни боқиш мажбурияти қариндош-ларга, улар бўлмаса, жамоа ёки маҳаллий ҳокимият зиммасига юклатил-ган бўлиб, ҳосилсизлик ёки табпй офатдан зарар кўрган оилаларга ёрдам

¹³⁵ Mzydzi – imperator Mutsuxito boshqaruvi yillari (1868-1912 yillar).

¹³⁶ «Tayxo Yoro ryo» - 717-723 yillarni o`z ichiga olgan Yoro davrining umumiy qonunlar to`plami.

кўрсатиш мажбурияти мавжуд еди. Конун томорқанинг ажратилишини, агар бунда кичик ёшли бола ёки бева хотин ёлғиз қоладиган бўлса, тақиқлаган. Агар меросни тақсимлаш пайтида томорқадан ажратма берилган бўлса ва ажралиб чиқувчининг оилани бошқара олишига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса, у ҳолда юқоридаги қоида истисно қилиниши мумкин еди.

Японияда ирқий ва диний мансублигига қараб кишиларга турлича муносабатда бўлиш тан олинмаган. Мансабдорлик хизмати давлат лавозим-ларига ҳар қандай иқтидорли номзодларнинг шахсий ва умрбод имтиёзи бўлган. Бу лавозимни олган киши у ёки бу амалдорлар сирасига кирган ва бирон-бир мартаба (даража, унвон) олган. Бу ерда мартаба (даража, унвон) емас, мансаб (лавозим) ҳал қилувчи аҳамиятга ега еди. Япония бу соҳада Хитойдан фарқ қилган, чунки, Хитойда мартаба (даража, унвон) мансабни белгиларди. Умуман, Японияда мансаб ва мартабаларига қа-раб амалдорларнинг натурал тўловлари ва чек ери миқдори белгиланарди.

Олий тоифали амалдорларнинг, кучли уруғ вакилларининг дастлабки тўрт-та даражаси алоҳида мавқега ега еди. Улар мансабдорлар рўйхати бошида турган ва бевосита император саройи билан боғлиқ бўлган. Масалан, И тоифали шахзода хизмати учун мукофот тариқасида (суюргол сифатида) 80 те (5 минг гектар атрофида) ер, уни ишлаш учун рўйхатга олинган 800 та дехқон хонадони ва 100 та хизматчи олган.

Йирик амалдорларнинг уруғ-аймоқлари Японияда нафақат оиласий-хўжалик бирликлар сифатида, балки ўзига хос сиёсий бирлик сифатида ҳам май-донга чиққан. Масалан, «Тайхо Ёро ре» да юқори даражали амалдорларнинг уйларига тааллукли бўлган «Уй бошқарувини ташкил етиш ва штатлар ҳақида»ги маҳсус боб мавжуд. Феодал уйларнинг бошлиқлари, юқори мансабли ва даражали амалдорларнинг вакиллари ўз фарзандларини саройга шахсий қўриқчилар ва бошқа хизматчилар сифатида беришлари лозим еди. Бундай мансаблар охир-оқибат мерос бўлиб ўтадиган бўлган. Давлатда амалдорларнинг етишмаслиги муносабати билан мансабларнинг ўриндошлиқ тизими амалда кенг қўлланган.

«Аслзода бўлмаган кишилар» гурухи жуда зич еди. Унга, масалан, дафн етишга хизмат қилувчи хизматчиларнинг маҳсус гурухи, «давлатга қарашли хонадонлар»нинг аъзолари, саройга қарашли қуллар, хусусий қуллар ҳамда холоплар киради.

Қуллар (нухи), манбаларнинг дарак беришича, Хитойдаги қуллар синга-ри баъзи ҳуқуқларга ега еди. Уларни сотиш ва мерос қилиб қолдириш мумкин еди, улар никоҳга кириш ва мулкка егалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланганлар. «Аслзода» ва «аслзода бўлмаган» кишилар ўртасидаги никоҳ қонуний ҳи-собланарди. Агар булар ўртасида «бilmай туриб» никоҳ тузилган бўлса, бун-дай никоҳдан туғилган болалар «аслзодалар» деб ҳисобланган. Еркин аёл билан қулдан туғилган болалар еса давлатга қарашли хонадонларга бериларди. Давлат қуллари ва хусусий қуллар унча кўп бўлмаган. Қулчилик манба-лари: жиноятчиларнинг ва қатор ҳолларда уларнинг оила аъзоларининг қулга айлантирилиши, ўзини қулликка сотиш ёки ота-оналари томонидан қулликка сотилиши, қарз учун гаровга қўйилиши ва ҳарбий асирик бўлган. Қул дех-қонлар алоҳида қадрланган, уларга чек ерлар берилган ва улардан солиқлар олинмаган. 830 йилги қонун қулларни чек ердан фойдаланиш ҳуқуқида ва хазина фойдасига мажбуриятлар ўташида амалда еркин дехқонлар билан тенглаштиради.

«Аслзода бўлмаганларнинг» алоҳида туркумини сарой ходимлари таш-кил етган. Давлат қуллари ва холопларга ўхшаб уларни ҳисобга олишнинг қаттиқ тартиби мавжуд еди. Сарой хизматчилари (ишчилари) маҳсус рўйхатга киритилган, улар томонидан етиштириладиган ҳосил ҳам қаттиқ назорат қилинган. Подшоликка қарашли хонадонларнинг аъзолари қонун бўйича баъзи ҳуқуқларга ега еди. Уларга ҳар декадада (ўн кунликда) бир кун дам олиш куни берилган, аёлларга тукқандан кейин анча енгилроқ иш тақдим қили-нарди. Бундай хонадонларнинг аъзолари кийим-кечак, оёқ кийимлар билан ҳам таъминланарди. Амалдорлар улардан ўз шахсий еҳтиёжлари йўлида фойдалана олмаганлар.

Азалий (наслий) холоплар (кедин)нинг аҳволи маҳаллий хусусиятлари би-лан ажralиб туради. Уларни қуллар сингари сотиш мумкин емас еди. Бироқ, қо-чоқ холоп хўжайинига қайтарилган. Давлатга қарашли «аслзода бўлмаган кишилар» 60 ёшга тўлгандан кейин шахсий қарамлиқдан озод қилинган.

Япониянинг табақавий-синфий тузилиши кейинги асрларда ҳам анча аниқ ифодалана борган. Бунга тобора ривожланиб борган феодал, вассаллик-ленга оид муносабатлар билан бир қаторда мамлакатдаги туб сиёсий ўзга-ришлар ҳам таъсир етган. Масалан, 1192 йилда шимолий феодаллардан бири Минамото ўз рақиблари - бошқа феодалларни самурайлардан тузилган қў-шин ёрдами билан

тор-мор келтириб, мамлакатнинг пойтахти Киотони қўлга киритади ва шу тариқа Японияда сёгунлик вужудга келади. Император ҳокимияти ўзининг реал аҳамиятини йўқотади. Енг катта феодаллар ўртаси-даги ўзаро низолар натижасида император қўлида фақат диний ҳокимият қола-ди, холос. Дунёвий олий ҳокимият еса енг кучли **феодал - сёгун - олий ҳоким** қўлига ўтади. Японияда икки параллел сулола - император сулоласи **ва сёгун сулоласи** ўрнатилади. Шундай қилиб, XIII асрда мамлакатда би-ринчи сёгунликнинг ўрнатилиши, ҳарбий-феодал олигархия бошқарувининг жорий қилиниши феодалларнинг олий имтиёзли феодаллар, бевосита сёгуннинг вассаллари (гокенин), бошқа феодал егаликлар, ибодатхоналар ва монастир-ларнинг вассаллари (хигокенин) каби гурухларга бўлиниб кетишига олиб келган.

Оддий халқ - дехқонлар, хунармандлар, савдогарлар феодаллар табақа-сига кирмаган. Дехқонларни експлуататсия қилишнинг асосий шакли натурал оброк шаклида жон бошидан олинадиган рента бўлиб қолган. Бунда дех-қондан ҳосилнинг (шолининг) 40 фоизидан 60 фоизигача миқдорида солиқ олинарди. Бироқ, XIII асрда ҳам, XIX асрда ҳам Японияда дехқонлар тўла қарамликка ташланмаган еди. Шунга қарамай, XII-XIII асрларда ёқ япон дехқонларининг аҳволи жуда оғир еди. Феодаллар ер егалари сифатида қўлларида шахсий ва ҳарбий ҳокимиятдан ҳам, шунингдек, давлат таш-килоти ва унинг бутун молиявий-маъмурий тизимидан ҳам кенг суратда фой-даланиб, дехқонларга жуда кўп ҳар хил тўлов ва солиқлар солардилар. Бир неча саройни - микадо, сёгун, сиккен саройларини таъминлаш мамлакатда жуда қимматга тушарди. Шу билан бирга катта ва майда феодалларнинг тин-май давом етган ўзаро урушлари дехқонларнинг аҳволини оғирлаштиради. Япон дехқонлари кўп жиҳатдан шаҳар судхўрларига қарам едилар, чунки солиқ йиғиш иши одатда судхўрларга топшириларди. Дехқонлар кўпинча келгуси йил ҳосилини гаровга қўйиб, судхўрлардан қарзга уруғлик олардилар. Ҳамиша очарчилик ва бунинг натижасида доим бўлиб турадиган юкумли касалликлар епидемияси XIX ва XV асрларда япон қишлоқларида кенг тар-қалган ҳодиса еди. XV асрда кўтарилиган дехқонлар қўзғолонлари ҳам та-садиф емас еди. Бу вақтда, айниқса, XIII-XIX асрларда дехқонлар армия-нинг асосий қучини ташкил етарди. Юқоридагиларнинг ўзиёқ шуни тасдиқлайдики, XIII-XV асрларда дехқонларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўли-шига қарамай, улар ҳали крепостной қарамликка ташланмаган еди.

XIII-XV асрлардан бошлаб Японияда ҳунармандчилик, савдо ва шаҳарлар анча жадаллик билан ривожлана бошлади. Бу еса муҳим ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. Шаҳарларда ҳунармандлар ва савдогарлар (дзя) нинг биринчи бирлашмалари ташкил топди. Савдогарларнинг бир қисми бево-сита бозорларга чиқиб, баъзи мустақилликни қўлга киритди. Феодаллар орасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Самурайларнинг бир қисми қарз евазига ер егаликларини йўқотди ва тўлиқ ўз хўжайинларининг қарамоғига ўтди. Ҳайдадиган ерларнинг катта қисми йирик ҳоким-князлар - «даймё» («катта ном») қўлида тўпланди. Даймё егалиги алоҳида провинсияларни ва ҳатто бир неча провинсияларни қамраб олган еди.

Япон жамиятининг табақавий-синфий тузилиши учинчи сёгунат даврида анча тугалланган шаклларга ега бўлди. У қонун билан мустаҳ-камланди ва бутун сёгунат томонидан ҳар томонлама муҳофаза қилинади-ган бўлди. Япон феодал жамияти тўртта табақага бўлинди. Табақавий бў-линиш асосан синфий бўлиниш билан мос тушган. Бу бўлиниш расман **«си-но-ко-сё»: самурайлар (си), дехқонлар (но), ҳунармандлар (ко) ва савдогарлар (сё)** формуласи билан белгиланган. Феодал жамиятининг енг тубида кам сонли парилар («ета») гурухи турган.

1615 йилда токугавалар сулоласининг биринчи сёгуни Иеясу томон-дан «Ўн саккизта қонунлар» чиқарилган ва унда жамиятдаги тўрттала табақа вакилларининг юриш-туришлари қаттиқ тартибга солинган. Бу қонунга биноан, кейинги ҳар бир сёгун ўз мансабига ўтириш чоғида феодал князлар йиғини олдида Иеясу қонунларига содиқлиги ҳақида қасамёд қилиши лозим еди.

Токугавалар сулоласининг учинчи сёгуни Иемитсу (1623-1651 йиллар) еса 1637 йилда Кюсю оролидаги Самабери округида дехқонларнинг жуда катта қўзғолонини шафқатсиз равища бостириб, 1639 йилда Япония давлатида таркиб топган феодал тузумни юридик жиҳатдан расмийлаштириб берган қонунлар тўпламини нашр қилди. Бу қонунлар тўпламида меҳнат-кашлар учун жуда оғир турмуш шароитлари кўзда тутилгани ҳолда полит-сиячилик-крепостнойлик режими яққол ифодаланган еди. 1639 йилги кодекс-га қўра ижтимоий муносабатлар: ҳарбийлар, дехқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлардан иборат тўртта табақа муносабатлари ифодаланган еди. Шу ахоли гуруҳларининг муносабатлари қаттиқ тартиб ва қоидалар билан белгилан-ган еди. Оқсуяклар ва самурайларга мансуб турли гуруҳларнинг хукуқ ва имтиёзлари

қонунда икир-чикирларигача муфассал кўрсатиб берилган еди. Давлат саноат ва савдо-сотик ишларини ўчакишиб назорат қилар ва унга бачканалик билан васийлик қиласарди. Савдогарларнинг гилдиялари ва айниқса ҳунармандларнинг сехлари бутунлай ҳукуматга боғлиқ еди, ҳукумат савдо-сотикдан ва саноатдан катта даромадлар олиш учун ҳам улардан кенг фойдаланаарди. Дехқонларга нисбатан белгаланган тартиб-қоидалар ай-ниқса қаттиқ еди. Уларнинг турмушдаги ҳар бир қадамини ҳукумат қаттиқ кузатиб туради. Дехқонларга гуруч ейиш ман етилган еди, чунки улар учун бу «ортиқча неъмат» деб қаралар еди. Уларга шойи ва ипак кийим кийиш ҳам ман қилинган, фақат арzon баҳоли ип-газламадан кийим кийиш мумкин деб кўрсатилган еди. Ҳатто тўй, азалар ва ҳоказоларга сарф бўла-диган харажатлар ҳам маълум миқдордан ошмаслиги шарт еди.

Ўзи ва Киотодаги саройи учун аниқ тайинланган маошга яшовчи микадо номигагина ҳокимият егаси еди. Қонунлар аслида уни ташқи дунё билан алоқа қилиш имкониятидан тамомила маҳрум қилиб қўйган еди. Сёгуналарнинг пойтахти Едо шаҳри бўлиб, у жуда тез ўсиб, катта марказга айланиб борди. Сёгуналар бу ерда дабдабали ҳаёт кичирадилар. Катта фео-даллар, мулқдор князлар - даймё ва бошқаларнинг кўп вақт пойтахтда яшаб, сёгуналар саройига қатнаб туришлари шарт еди. Улар ўз вилоятлари-га қайтиб келганларида хотин ва бола-чақаларини гаров қилиб Еода қолди-ришлари лозим еди. Токугавалар ўрнатган бутун режим кенг тармоқли полит-сия аппаратига асосланган еди. Ҳукумат ўзининг ошкора ва маҳфий агентлари воситаси билан дехқонларни, шаҳар плебсларини, катта савдогар-ларнинг хонадонларини, самурайларни ва феодал князларни кузатиб туради.

Дворянларнинг ҳукмрон табақасини ҳам аввал сёгуналар ташкил ет-ган. XVII асрнинг бошида Япониянинг ҳақиқий ҳукмдори - сёгуннинг оиласига мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмига яқини ва мулқдор князлар – даймёнинг 300 яқин оилалари тегишли еди. Бу табақа ўзига хос тоифавий гурухларга бўлинганди. **Даймё (феодал князлар)** жуда катта ерларга егалик қилиб, икки: **фудай-даймё ва тодзама-даймё** тоифаларини ташкил етган. **Фудайдай-мё** Токугава оиласига бевосита вассал қарамликда бў-либ, мамлакатдаги барча олий ҳукумат мансабларини егаллаган еди. Ташқи князлар деб аталадиган **тодзама-даймё** еса бошқарув ишларидан четлаштирилган еди.

Самурайлар табақасининг алоҳида қисмини сарой зодагонлари (куге) ташкил етган. Улар ҳақиқий ҳокимиятдан маҳрум бўлган императорнинг саройида олий даражали дворянлар еди. Лекин, одатда, улар ер егаликларига ега емас, ҳамда маош тўланадиган мансабларни олмас ва сёгундан гуруч улушларини олиб, унинг маъмуриятига тўла қарам едилар.

Ҳукмрон табақаларнинг асосий оммасини ёгуннинг қўшинларига ва даймёning ҳарбий отрядларига киравчи самурайлар - хизматчи дворян-лар ташкил етган. Улар ўз хизматлари евазига маълум даражада дехқонлар-дан солиқлар йиғиш ёки ўз хўжайнларидан гуруч улушларини олиш имко-ниятига ега бўлишган. 1653 йилда сёгун ҳамма самурай-жангчилардан, даймё вассалларидан ерларни олиш ҳақида ва уларни маошга, гуруч улушларга ўтказиш тўғрисида фармон чиқарган. Самурайлар қуйи уч та-бақага қарама-қарши қўйилган. Самурайлар иккита қилич кўтариб юриш-ган ва шу билан улар ташқи қиёфада бошқа табақалардан ажралиб турганлар. Фақат самурайлар давлат лавозимларини, фуқаролик ва ҳарбий мансабларни егаллаши мумкин еди.

Дехқонлар жамиятда анча езилган, енг кўп эксплуататсия қилинади-ган табақа ҳисобланган. Улар мамлакат ахолисининг 80 фоизини ташкил қилиб, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан бир хил емас еди. Дехқонларнинг асосий қисми кичик-кичик ер участкаларига егалик қилиб, мустақил ҳўжалик юритганлар. Улар бу ерларни умрбод қўлда тутиб туриш ва мерос тариқасида ўтказиш ҳуқуқига ега едилар. Бу дехқонлар аввало солиқ тўлайдиган ва мажбурият-лар ўтайдиган беш хонадонлар таркибига киравчи жамоа аъзолари еди. Со-лиқлар, одатда, ҳосилнинг ярми микдорида, баъзан ундан ҳам кўпроқ мик-дорда ундириларди. Дехқонлар, шунингдек, ерларни, суғориш томорқаларини таъмирлаш бўйича ва бошқа шу каби қатор мажбуриятларни ҳам ўтардилар.

Япон дехқони бу вақтга келиб амалда асоратга (кулликка) солинган, қарамликка тушиб қолган еди. У ерни ишлашни тўхтатиш, ўзига бошқа машғулот турини танлаш, бошқа яшаш жойига кўчиб ўтиш ҳуқуқидан маҳрум еди. Тўғри, уни сотиш ёки сотиб олиш мумкин емас еди, холос.

Шаҳарнинг оралиқдаги ўрта ҳол табақаларини хунармандлар ва савдогарлар ташкил етган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти сёгун томонидан қаттиқ тартибга солинарди. XVIII асрда савдогарларнинг бойиган табақаси жамиятда муҳим ўрин тута бошлади. Бу вақтда

Японияда савдо-судхўрлик капитали назорати остида бўлган мануфактура ишлаб чиқариши вужудга келади. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида, бир томондан феодаллар ҳукмрон синфининг емирилиши тўхтовсиз кучайиб борди, иккинчи томондан esa, дехқонларнинг табақалашув жараёнлари чуқурлашди.

Ерларни олиш-сотиш тақиқланган бўлишига қарамай, у яширинча, никобланган шаклда бегоналаштирилган, қишлоқнинг юқори табақалари, шунингдек, шаҳарларнинг судхўрлари қўлида тўпланиб борган. Феодал дворянларнинг савдо-судхўрлик капиталига иқтисодий қарамлиги кучайган. Ўша вақтда енг йирик бўлган Митсуи уйи 1697 йилда сёгуннинг молия агенти, 1707 йилда esa императорнинг банкири бўлиб олган еди. Тушкунлик, айниқса, хизматчи самурайлар орасида кўзга яққол ташланган. Даймё-нинг камбағаллашуви натижасида улар ўз хўжайинларини, шу билан бирга тирикчилик манбаларини йўқотганлар ва **ронин** (дайдилар) бўлиб қолишган. Самурайлар асрлар давомида яшаб келаётган анъаналарга хилоф равишда ҳунармандчилик ва савдо билан тобора кўпроқ шуғулдана бошлаганлар ва хизматчилар, ишчиларга айланганлар.

3. Япониянинг давлат тузуми ва унинг ўзига хослиги

Маълумки 645 йилда бошқа уруғлар орасида таъсири кучли бўлган Тайка уруғи томонидан ҳокимиятнинг босиб олиниши билан Японияда марказлашган давлат тузиш жараёни бошланади. Шу даврда ерга нисбатан давлат егалиги жорий етилади.

ВII асрда Японияда ўтказилган ва сиёсий инқилоб аҳамиятига ега бўлган Тайка ислоҳотлари меросий якка ҳоким бошлигидаги илк феодал давлатнинг ўрнатилишига олиб келди. Унинг ислоҳотлари қути табақа кишилари-нинг юқори табақаларга итоат етишлари зарурлиги тўғрисидаги, тепасида чек-ланмаган ҳокимиятга ега бўлган «донишманд якка ҳоким», «худолар авлоди» турадиган ягона давлат ҳақидаги буддизм ва конфутсийлик таъли-мотлари билан асослантирилган еди. Бунга, шунингдек, ҳукмдор – императорнинг илоҳий кучи ҳақидаги хитойликлар дини Ғояларини ўзига осонгина сингдирган японларнинг қадимги дини синто («руҳлар йўли») ҳам ёрдам берган.

«Тайка давлат тўнтариши» натижасида қудратли Фудзивара уруғининг қўллаб-қувватлашига таянувчи ва император

бошчилигидаги ягона япон давлати ташкил етилган. Фудзивара уруғидан кейинчалик император-нинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган **регентлари** - ҳокимдошлари тайинланадиган бўлди.

Япон ҳукмдорлари ВИ асрдаёқ Хитойдан «тенси» ёки «тенно» - «осмон ўҒли» номини ўзлаштириб олган едилар. Бироқ, агар Хитойда ҳукмдор ҳокимиятининг манбаи «Осмон иродаси»га боҒлиқ бўлган, император алмашинуви еса «Осмон буйруҒи»нинг ўзгариши билан тушун-тирилган бўлса, Японияда «тенно» маъноси кўпроқ ерга оид бўлган, у хитойликлар сажда қиласидиган олий илоҳий асос - «қонун» сингари осмон кўрсатмасига ега бўлмаган. Японларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари анча аниқ бўлган. Улар нафакат осмонга, балки қуёш, тоҒлар, дарёлар-га ҳам сиҒинганлар.

Японларнинг енг қадимги дини синто («руҳлар йўли») ҳукмдорни би-ринчи руҳоний, қуёшни инсон қиёфасини олган илоҳий аждод деб ҳисобла-ган. Японларнинг ВИ-ВII асрларда синто ва буддизм динларининг араласиб кетишидан ташкил топган дини - **«ребу синто»** (бир бутун синто) император-ларни нафакат дин бошлиғи ва олий коҳин сифатида, балки дунёвий монарх, аввало қўшинлар бошлиғи деб ҳам тан олган. Унга кўра, императорнинг чиновниклар учун еътиroz билдириб бўлмайдиган нуфузи кодекс ва қонун-ларга асосланган. Худди шундан бошлаб Япония ҳуқуқида давлатнинг барча марказий ва маҳаллий, диний ва дунёвий муассасалари пухталик би-лан ишлаб чиқила борди. 17 та моддадан иборат Қонун «сувереннинг ило-ҳийлиги» тўғрисида сўз юритиб, унда маслаҳатчиларнинг «муҳим ишларни тўғри ҳал қилишнинг зарурий шарти» сифатидаги аҳамияти ҳақида гапирилади. Сётокутайси еса якка бир шахсга тааллукли бошқарувни инкор қилиб, «ишлар шахсан подшо томонидан ҳал қилинмаслиги лозим», деб тасдиқлай-ди. Ҳар қандай даражадаги маслаҳатчи Японияда енг қадимги вақтлар-дан бошлаб императорнинг давлат аппаратида асосий сиймо бўлиб қолган еди. Дарҳақиқат, амалда ва қонун бўйича олий қонун чиқариш, ижро этиш ва ҳарбий ҳокимиятга ега бўлган илоҳий «тенно» ВII асрдаёқ қудратли Фудзивара уруғи даврида мамлакатни бошқаришдан кўра кўпроқ под-шоҳлик қила бошлади. 794 йилда Киотода яна бир пойтахтнинг қурилиши унинг куч-қудрати рамзи бўлиб қолди. Бу вақтда императорнинг қароргоҳи Наро шаҳрида еди. Оқибатда Японияда икки пойтахтнинг мавжудлиги, анъ-анавий икки ҳокимиятчилик ва ҳатто давлат

бошқарув ишларига буддизм рухонийлари киритилгандан кейин уч ҳокимиятчилик, анъанавий бўлиб қолган.

«Тайхо Ёро рё»нинг «Муассасалар ва штатлар» деб номланган махсус бўлими ҳукуматнинг кенг тармоқли марказий ва маҳаллий, диний ва дунёвий ҳокимиятлари тизими ҳақидаги, мансабдор шахсларнинг қути-дан юқорига қараб бўйсуниши ва амалдорларнинг даражалари, уларни тайёлаш (Японияга хитойликларнинг мансабларга тайинлашдаги имтиҳон ти-зими кириб келмаган), шунингдек, уларга хизматлари учун «боқиманда-лик» сифатида, натурал ёки ер участкалари тарзида маош билан таъминлаш тўғрисидаги меъёрларга бағишланган.

Японияда қонунга биноан, олий давлат ҳокимияти, Хитойдаги син-гари, Давлат кенгаши (**«Дадзе-кан»**)га тегишли бўлган. Давлат кенгаши давлат сиёсатининг умумий йўналишларини ишлаб чиқсан, императорнинг фармонларини бутун мамлакат бўйлаб жўнатган. Японияда дунёвий Давлат кенгаши билан бир қаторда, Хитайдан фарқли ўлароқ, махсус диний Давлат кенгаши (**«дзинги-кан»**) ёки «осмон ва ер руҳларининг ишлари бўйича Кенгаш» ҳам мавжуд еди. У синтоистларнинг бутхона ва ибодат-хоналари руҳонийларининг, ибодатхоналарда рўйхатга олинган дехқонларнинг фаолияти ва ҳоказолар устидан назоратни амалга оширган. Унинг штати ун-ча катта бўлмаган. **«Дзинги-кан»** бошқа идоралардан ажralган ҳолда фао-лият кўрсатган, лекин уларнинг орасида анча юқори мавқега ега бўлган.

Японияда дунёвий Давлат кенгашининг ички тузилиши Хитой на-мунасида ташкил етилган. Унинг тепасида «катта министр» ёки канслер тур-ган. **Канслер** мамлакат императорининг бошқарув ишларида «тинчлик, осо-йишталик ва уйғунликни» таъминлашнинг ахлоқий ўлчови сифатида сафарбар қилинган мураббийси ҳисобланган. Қонун, бундай бенуқсон кишини топиш қийинлигини тан олиб, ушбу мансабнинг бўш қолишига йўл қўйган.

Давлат кенгашида бевосита бошқарув функциялари иккита **олий министрлар**: чап (катта) ва ўнг (кичик) министрлар томонидан амалга оширилган. Бу министрлар ўз навбатида барча ишларни муҳокама қилишда иштирок етувчи, «катта ишлар бўйича» кичик маслаҳатчиларга тавсиялар берувчи, шунингдек, «кичик ишлар бўйича» ҳам маслаҳатлар берувчи «катта маслаҳатчиларга таянганлар. Айнан ушбу министрлар кундалик иш-ларнинг боришини кузатиб турадилар ва бу ҳақда Давлат кенгаши олдида жа-воб

берардилар. Давлат кенгаши ўз раҳбарлиги остидаги саккизта министрлик-ка ва сензорлар палатасига ега бўлган. Министрликлар, Хитойдагидан фарқ қи-либ, император саройи билан чамбарчас боғлиқ еди. **Сензорлар палатаси-нинг бошлиғи** еса Хитойдагига қараганда тор доирадаги ваколатларга ега бўлиб, урф-одатлар ва ахлоқларнинг соғлигини кузатиб турган, ахлоқ қоидалари-нинг бузилиши ҳоллари бўйича текширув ўтказган, булар ҳақида императорга доклад қилган. Унинг қарамоғида сайёр сензорлар-назоратчилар штати бўлган. **Сензоратнинг қарорлари** **Давлат кенгаши** томонидан тўхта-тилиши мумкин еди.

Японияда ҳарбий, молиявий ва адлия министрликлари билан бир қатор-да маҳсус «умумий ишлар» министрлиги мавжуд бўлган. У кундалик са-рой ишларини юритиш, маросимлар уюштириш, император фармонларини таҳрир қилиш, мамлакат тарихини, қондош шаҳзодаларнинг, сарой хонимларининг ва буддизм руҳонийларининг рўйхатларини, шунингдек, аҳолининг асосий рўйхат дафтари (реестри)ни тузишни кузатиб туриш кабиларни амалга оширган. Бу министрлик мамлакатнинг худди олий девонхонаси сифатида давлат бош-қарувида биринчи ўринни егаллаган. Бинобарин, унинг бошлиғи императорга жуда яқин турарди. У Давлат кенгаши ва бошқа министрликлар ўртасидаги алоқаларни амалга ошириб, докладлар қабул қилган ва императорга петитсия-лар юборган.

Умумий ишлар министрлиги функцияларининг ниҳоятда кенглигидан унинг ўнта бошқармасидаги қўп сонли штатларнинг мавжудлиги ҳам дало-лат беради. Бу бошқармалар орасида император аёлларининг маҳсус сарой бошқармаси, бош архив бошқармаси, астрологик бошқарма, рассомлик, сарой аҳллари етикли (saroy aҳllariiga хос мулозамат ва муомалалар) бош-қармаси ажралиб турган. Охирги министрлик фаолияти маҳсус маросимлар министрлиги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу министрлар фа-қат сарой аҳлларига хос мулозамат ва муомалаларга риоя қилинишини куза-тиш билан чекланмай, давлат мактабларини назорат қилиш, мансабдорлик лавозимларига номзодларни аттестатсиядан ўtkазиш, мансабдорларни та-йинлаш ва алмаштириш, уларни мукофотлаш ҳақида тавсифномалар бериш ва бошқа ишларни ҳам юритган.

Ўша вақтда асрлар мобайнида (II жаҳон урушининг охирига қадар) яшаб келган император саройининг маҳсус министрлиги ташкил етилган еди. У «Тайхо Ёро рё»га асосан: битта маҳсус

ошхона бошқармаси, тўртта бош бошқармалар ва ўн учта оддий бошқармалар таркибида тузилган еди. Махсус ошхона бошқармаси сарой учун озиқ-овқат етказиб бериш ва тайёрлаш, шунингдек, ошпаз фаолиятини юритиш ишлари билан шуғуллан-ган. Тўртта бош бошқарма жумласига сарой ошхонаси бош бошқармаси, сарой омборхоналари ва хўжалиги бошқармаси, сарой қулларини бошқарувчи бошқарма ва бошқалар; оддий бошқармалар қаторига сарой боғлари ва ҳовузлари бошқармаси, саройни сув билан таъминлаш бошқармаси ва бошқалар кирган. Хуллас, империя саройи махсус министрлигининг штат жад-вали жуда тўла бўлган. Унда, бошқа министрликлардаги сингари, маъмурлар, мутахассислар, девонхона ходимлари ва бошқалар ишлаган. Кўп сонли ми-нистрликлар ва бошқармаларнинг мавжудлиги шароитида, «**Тайхо Ёро рё**» дан ҳам қўриниб турганидек, улар ўртасидаги функциялар аниқ тақсимлаб қўйилмаган еди. Бу кенг тармоқли давлат аппаратини император саройи боғлаб турарди.

«**Тайхо Ёро рё**»нинг будда роҳиблари ва роҳибаларига бағишилан-ган ВІІ қонуни Японияда буддизм динининг руҳонийлари алоҳида мавқе-га ега бўлганлигидан ва давлатнинг олий назорати остида турганлигидан да-лолат беради. Қонун будда динига оид ташкилотлар мақомини тартибга солиб, бутхона ходимларининг уйларига, боғларига егалик қилишини, сотишини ва судхўрлик билан шуғулланишини, совға тариқасида қуллар, қорамоллар, қурол-яроғлар олишини тақиқлаган. Бу тақиқлар будда монастрлари ва ибодатхоналари ер егаликларининг ўсишини тўхтатиб қола олмаган.

Уруғлар ўртасидаги низолар шароитида будда бош руҳонийларининг бойлиги ўсиши билан бир қаторда уларнинг сиёсий таъсири ҳам, сиёсий даъво-лари ҳам ўсган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, буддизмнинг сиёсий таъсири ўрта асрлардаги Узок Шарқдаги будда дини ҳукмрон бўлган давлат-ларнинг биронтасида Япониядагидек кучли бўлмаган. Японияда XI аср охири-XII аср бошига келиб амалда учта: император саройи, ҳукмрон уруғларнинг уй бошқармаси (у кўп асрлар мобайнида Фудзивара уруғига тегишли бўлган) ва будда монастирлари сиёсий марказлар бўлиб қолган. Император вояга етгандан сўнг мажбуран монахликка ўтказилган. Ёш император еса ҳукмрон уруғ қўлидаги итоаткор қурол бўлиб қолган. Будда руҳонийлари кўпинча ушбу ҳукмрон уруғга муҳолифиятда бўлган уруғни қўллаб-куватларди.

ХII асрдан еътиборан маҳаллий уруғларнинг губернаторлари, ноиблари ва бошқалар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксала бошлаган. Улар амалда ўз егаликларида чекланмаган ҳукмдорлар - ер егалари бўлиб қолганлар. Ҳукмрон синфнинг турли гурухлари: сарой аъёнлари, кучли уруғлар, руҳоний-лар ўртасида тўхтовсиз уруғчилик урушлари шароитларида, ХII асрда Япо-ниядга бошқарувнинг янги шакли - сёгунат ўрнатилган. Сёгунат фео-далларнинг ўзига хос ҳарбий диктатураси бўлиб, бунда марказда ҳам, маълум даражада маҳаллий жойларда ҳам ҳокимият сёгуннинг - «буюк лашкарбоши»нинг қўлида тўпланган.

Янги ҳарбий-бюрократик аппарат (бакуфу)га таянувчи Миномото-нинг (1192-1333 йиллар) биринчи сёгунати¹³⁷ ўрнатилиши билан Япония феодал давлати ривожланишининг иккинчи даври бошланган. Айнан шу вақт-дан еътиборан давлатнинг ҳарбий-сиёсий бирлаштирилиши даври бошланган. Бу Миноматонинг тарқоқликни тугатиш, низоларни бостириш, феодал давлатни ўз хусусий манфаатлари ва бутун феодаллар синфи манфаатлари йўлида мустаҳкамлаш учун қилган саъи-ҳаракатлари натижасида юз берди.

Фақат баъзи вакиллик функцияларига ега бўлган императорнинг номи-гагина давлат бошлиғи сифатида сақланиб қолганлиги сёгунатнинг характерли белгиси ҳисобланган. Император ўз мартабасига оид барча ҳурмат-еҳтиромдан тўла фойдаланган, лекин у ҳам, унинг саройи ҳам мамлакат сиёсий ҳаётида қандайдир муҳим рол ўйнамаган. Император саройи бу даврда феодаллар муҳолифиятчилигининг марказига айланди. Бу ўзаро урушларнинг янгидан қўтарилиши сабабларидан бири бўлиб қолди.

Биринчи сёгуннинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга урини-ши муваффақиятсиз чиқди. Сёгуннинг вазифаси ҳам анча вақтгача но-минал бўлиб қолди. ХII асрнинг охири - ХIII асрнинг бошида сёгунатнинг маҳсус қўриниши - **сик-кенат** (сиккен - ҳоким) ўрнатилди. Миномота ворис-лари жуда ёш бўлганлигидан, 1199 йилдан бошлаб давлатни сиккенлар (ҳо-кимлар) деган бошқа феодал хонадонларидан бўлган, асосан буддистлардан иборат регентлар идора қила бошлайди. Шу тариқа Японияда сиёсий ҳокимиятнинг расман мавжуд бўлиб турган икки «қавати» устида яна бир «қават» сиёсий ҳокимият ташкил қилинган. Натижада сиккенлик авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўта бошлаган. Расман император ва сёгун сиёсий

¹³⁷ Ikkinci syogunat – Asigaga (1333-1573 yillar) syogunati, uchinchisi – Tokugava (1603-1867 yillar) syogunati bo`lgan.

тузумда ўз ўрнига ега бўлган, лекин катта ҳокимият сиккенга ўтган. Сиккенат биринчи Камакура сёгунати қулашигача давом етган, лекин Японияда XIX асрнинг иккинчи ярмигача мавжуд бўлган ҳарбий-феодал диктатура характерини бирон-бир тарзда ўзгартирган.

Император саройи фаолияти устидан қаттиқ назоратни амалга оширувчи органлар сёгунат ҳукумати механизмининг ўзгармайдиган бўғини еди. 1221 йилдан бошлаб бакуфу (марказий ҳукумат) Киотодаги император қа-роргохига сёгуннинг вакили (**тендая**)ни йўллайдиган бўлди. Тендая сёгун номидан фармонлар чиқариш ҳуқуқига ега еди. Бу фармонларнинг бажарилиши тендаянинг ихтиёридаги маҳсус ҳарбий кучлар-самурайлар қўшини билан таъминланган. Бундан ташқари, сёгун янги императорни тасдиқлаш, тахт ворислиги тартибини белгилаш, регентлар ва бошқа олий сарой маслаҳатчиларини тайинлиш ҳуқуқига ега бўлиб олди.

Бироқ, ҳукмрон ҳарбий-феодал доиралар сёгунатнинг доимий сиёсий-маъмурий тузумини бирданига шакллантира олмади, сёгун ҳокимиятини ўтказишнинг меросий принсипини ўрнатолмади, ҳақиқий ҳокимиятни ўз қўлларида тўплай олмади. Бунинг устига иккинчи сёгунат даврида бакуфу ҳокимияти анча заифлашди. Чунки бу даврда япон сёгуни Хитойга вассал қарамликни тан олишга мажбур бўлган еди. Бундан кейин япон императорларини тасдиқлаш ҳуқуки Хитойга ўтганди. Бу вақтда Японияда 20 га яқин йирик ва кўп сонли ўрта ва майда даймё мавжуд бўлиб, улар ўз егаларини амалда мустақил бошқарар едилар.

Сёгунат фақат XVII-XVIII асрларда мутлақ бошқарув белгиларини ол-ган, бошқариш усуллари қаттиққўллик билан амалга ошириладиган бўлган, кенг тармоқли политсия аппарати ташкил этилган. Учинчи Токугавалар сё-гунатининг ҳукмдори Йеяси ҳарбий йўл билан мамлакатни бирлаштирди. У кўп феодаллар ва будда монастирларининг ерларини мусодара қилиб, жуда йирик ер егаси бўлиб қолди.

Учинчи сёгунат мавқеининг мустаҳкамланиши натижасида импера-торнинг ҳар қандай сиёсий таъсири тугатилди. Токугавалар сёгунатида янги **сёсида** мансаби - императорлик пойтахтида сёгуннинг ноibi мансаби жорий қилинди. 1615 йилги қонун асосида император саройининг, ҳатто, диний функциялари сёгуннинг назорати остига олинди. Сёгун барча олий даражали сарой амалдорларининг тайинланишига аралашарди.

Бирок, бу вақтда ҳам Япониянинг марказлаштирилиши нисбий харак-терга ега бўлди. Феодал князликлар маъмурий-сиёсий бирликлар сифатида тугатилмаган еди. Маҳаллий князлар ўз худудларида бошқариш, суд қилиш ҳуқуқини сақлаб қолдилар. Лекин сёгунда даймёдан ҳамма ёки бир қисм ер егаликларини барча ваколатлари билан тортиб олиш ҳокимияти мавжуд еди. Йирик шаҳарларда савдо ва ҳунармандчилик, конруда саноат кор-хоналари ўзгаришсиз бакуфу назорати остида қолди.

1635 йилги қонун билан мустаҳкамланган гаровга қўйиш тизими бу вақтда сёгун ҳокимиятини мустаҳкамлаш воситаларидан бири бўлган. Қо-нунга биноан ҳамма даймё навбатма-навбат сёгун уйида яшашлари, ўз егаликларига қайтаётганларида еса оиласларини сёгунат пойтахти Едода қолдиришлари лозим еди. Гаровга қўйиш тизими император ўҒилларига ҳам тааллукли бўлган.

Сёгун бутун ҳокимият ваколатларини марказда тўплай бориб, импе-ратор бошқаруви давридаги кўп дабдабали белгиларидан маҳрум бўлди, ле-кин барибир кўп сонли ва кенг тармоқли ҳисобланган ҳарбий-политсия аппа-ратига таянарди. Сёгуннинг енг яқин ёрдамчиси унинг биринчи масла-ҳатчиси-тайро бўлган. Тайро зарурият туғилганда регент вазифасини ҳам бажариши мумкин еди. У, қоида бўйича, фавқулодда ҳолатларда тайинланган. Бундан ташқари, сёгун ҳузурида бевосита ҳукумат (бакуфу)ни таш-кил етувчи катта маслаҳатчилар ҳам мавжуд еди. Улар ўз бурчларини уч ой мабойнида галма-гал бажарганлар. Бир неча катта маслаҳатчилар Току-гава сёгунатининг охирги йилларида Давлат кенгашини ташкил етганлар. Бу билан қишлоқ бешхонадонликлар тизими жорий қилинган. Бунда давлат олдида-ги барча мажбуриятларни бажариш бўйича ҳамманинг бир-бирига кафиллиги билан боғланган бешта қўшни дехқон хонадонлари бирлаштирилган еди. Уезд бошлиқлари, ҳаттотлар, квартал ва қишлоқ оқсоқоллари солиқлар йиғиш, дехқонлар томонидан ижтимоий ишларнинг бажарилишини назорат қилиш, суд ва политсия функцияларини амалга ошириш каби ишларни юритганлар.

Сёгунатнинг ўрнатилиши билан барча провинсияларга император то-монидан ҳарбий губернаторлар, ёки протекторлар (сую) тайинланадиган бўлди. Улар вилоятларнинг бошлиқлари билан бир қаторда фаолият кўрсатган-лар. Уларнинг вазифасига марказий ҳукумат фойдасига мажбуриятлар бажари-лишини назорат қилиш, исёнларни бостириш, сёгуннинг сиёсий рақибларини таъқиб

қилиш, провинсияларни қўриқлаш кирган. Сюго ихтиёрида маҳаллий горизон бўлган. Хусусий егаликдаги поместеларга ҳукуматнинг маҳсус вакиллари юбориларди.

Уларнинг асосий мажбурияти поместелардан келадиган даромадларни назорат қилиш, феодаллар томонидан барча солиқларнинг, аввало, ҳарбий солиқларнинг тўланишини кузатиб туриш, фитначи, бузғунчи, Ғаламисларни таъқиб қилиш ҳисобланган. Бироқ, бу ва бошқа тадбирлар сёгун ҳоки-миятининг заифлашуви даврларида кўзланган натижалар бермади. Масалан, XV асрда собиқ протектордан бўлган маҳаллий князлар ўз егаликларида сёгун амалдорларининг пайдо бўлишини тақиқлаб, суд ва солик иммунитети ҳуқуқини қўлга киритиб олганлар. Маҳаллий князларнинг ўзбошим-чалигини қаттиқ ҳарбий-политсиячилик чоралари ёрдами билан синдиришга маълум даражада фақат Токугавалар сулоласи даврида еришилган еди.

Токугавалар сулоласининг давлат аппаратида қидиув органлари, маҳсус политсия инспекторлари - **метске** («бириктирилган кўзлар») алоҳида ўрин тут-ган. Улар амалдорлардан тортиб дехқонларгача мамлакатнинг барча аҳо-лиси устидан яширинча сиёсий назоратни амалга оширадилар. Бу аппарат тепасида ометске (катта, машҳур метскелар) деб аталувчи зодагонлар ту-рарди. 1632 йилда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги қонун қабул қилинади. Бешта асосий политсия инспекторлари барча князлар ва олий мансабдорларни кузатиб турадилар.

Мамлакатда кўчиб юриш қаттиқ рухсатнома тизими билан тартибга солинган. Бакуфунинг олдиндан берилган розилигисиз даймё қальялар қуриш, уйланиш ҳуқуқига ега бўлмаган. Дехқонларни ва ҳаммадан аввал улар-дан солиқ йиғилишини назорат қилиш учун Токугаванинг барча егаликлари-га 1644 йилда дайканлар тайинлана бошлади. Дайканларга қишлоқларнинг оқсоқоллари бўйсундирилди.

Шаҳарларга тайинланган шаҳар бошлиқлари бошлиқлик қиласидилар. Улар кенг маъмурий, политсиячилик ва суд ҳокимиятини амалга оширадилар. Шаҳар бошлиқлари билан бирга йирик савдогарларнинг кенгашлари ҳам мавжуд еди. Лекин, Японияда шаҳарларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими деярли ривожланмади.

Armiya Японияда худудий бўлиниш жорий қилингунга қадар армия уруғларнинг дружинасидан иборат еди. Япо-ниядада чек ер тизими билан бирга мажбурий ҳарбий хизмат жорий қилинди.

«Тайхо Ёро рё» бошқа министрликлар орасидан ҳарбий министрликни ҳам ажратиб кўрсатди. Ҳарбий министрлик зобитлар таркиби ёзилган рўйхат-ларни, уларни аттестатсиядан ўтказиш, танлаш, тайинлаш ва ҳоказоларни юритган. Унга бир неча штаб ва бошқармалар: қурол-яроғ омбори, ҳарбий-музиқа, кемасозлик, лочин ови каби бошқармалар бўйсунган.

Армия қисмлари ҳудудий бўлган, лекин провинсия ва уездларда ташкил етилган ва ушлаб турилган. Бир хонадондан битта янги аскар олин-ган. Даражали ва мартабали шахсларнинг ўғил ва неваралари имтиёзлардан фойдаланган, армияда хизмат қилишдан озод етилган. Ҳудудий дехқон лашкарларининг жангчилари ўзига хос захирани ташкил етган, улар кундалик дехқончилик ишларидан ажратилмаган. Чегара қўшинларида, гвардия ва соқчилик қисмларида муддатли хизмат уч йилгача бўлган.

Армия ўнлик тизими асосида тузилган. Елликбоши, юзбоши, икки юз-бошилар насаби аслзода бўлмаганлардан бўлиши мумкин еди, лекин жасур жангчилар бўларди. Мингбошилардан бошлаб юқори лавозимга тайинланиш учун тегишли даража (мартаба) талаб қилинарди. 20 дан ортиқ армия қисми фақат императорнинг буйруғи билан ҳарбий юришга чиқиши мумкин еди.

Жанговар буйруқни бажармаслик ёки жанг пайтида қуролнинг йўқлиги учун қўмондоннинг буйруғи бўйича ўлим жазоси берилиши мумкин еди. Чегара қўшинларида хизмат қилиш хонадоннинг чақирав ёшига ет-ган бошқа аъзоларини сафарбарликдан озод қилган. Агар янги чақирилув-чининг отаси ёки хонадон каттаси касал бўлса, муддатли сарой ва чегара хизматларидан озод қилинган. Чегарачилар хизматга ўзлари билан қуллари-ни, хотинларини, жазманларини олиб кетардилар.

Хусусий феодал мулкчиликнинг ўсиши, ўзаро урушлар, дехқонлар-нинг қўзғолонлари натижасида алоҳида ҳарбий-феодал табақа - самурайлар - профессионал жангчилар, йирик феодалларнинг вассаллари шаклланган. Япон самурайларининг маҳсус дунёқараши, маҳсус «ифтихор кодекси» дехқон-лар меҳнатига нафратланиш, конфутсийликнинг бўйсуниш ва буйруқка сўзсиз итоат етиш принциплари асосида шаклланган еди. Ифтихор кодексини бузиш самурай учун ўзини ўзи ўлдириш - харакирига олиб келган.

Дехқонларнинг халқ лашкарлари XVI асргача мавжуд еди. Дехқон-ларнинг оммавий қўзғолонлари муносабати билан ҳукмрон доиралар енди-ликда дехқонларда қуролни сақлаб қолиш маъқул

емаслигини тушуниб етди-лар. XV асрда ёк феодаллар алохидан князликларда дәхқонларни қуролсизлан-тирдилар, лекин бу умуммиллий миқёсда XVI асрнинг охирида содир бўлди, яъни сёгун Моётоми Худеёси 1588-1590 йилларда бутун мамлакат бўйича дәхқонлардан қурол-яроқларни тортиб олди. Бу тадбир «қиличлар учун ов» деган ном олди. 1591 йилги фармон билан дәхқонларга жангчи бўлиш, самурайларга еса - қандайдир тадбиркорлик билан шу Гулланиш тақиқланди.

Самурайлар қўшини асосан отлиқлардан иборат еди. Ўқ отиш қуроли-нинг пайдо бўлиши билан отлиқ қўшинлар йўқ бўла борди ва унинг ўрнига пиёда аскарлар келди.

4. Ўрта асрларда Япония ҳуқуқининг асосий белгилари

Ниғуқ manblari Япониянинг ўрта асрлардаги ҳуқуқи учун у ёки бу жамоаларда амалда бўлган, у ёки бу табақавий гуруҳда қарор топган одат ҳуқуқи нормаларининг ҳамма жойда тарқалиши характерли еди.

Ҳуқуқ бу вақтда, агар гуноҳ, жазо, «худо суди» ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлган жазолар тўғрисидаги алохидаги тушунчаларни ҳисобга олмагандан, ҳали диний ва ахлоқий нормалардан ажралмаган еди. Енг қадим-ги япон манбаларида улар «етти осмон гуноҳлари» (анча оғир жиноятлар) ва «саккиз осмон жиноятлари» (анча енгил жиноятлар) кўринишида май-донга чиққан. Бундай жиноятлар учун ё жазо, ёки тузатиш назарда ту-тилган. Японияда ёзилган ҳуқуқнинг ташкил топиши диний-ҳуқуқий мафкуранинг, шунингдек, Хитой ҳуқуқи нормаларининг кучли таъсири остида юз берди. Бироқ, Япония давлати ва ҳуқуқий институтлари ўзига хос хусусият-ларини сақлаб қолди.

Ҳуқуқий нормаларнинг биринчи ёзма нусхалари, масалан, 604 йилги **Сётоку-тайси Конститутсияси** панд-насиҳат, йўл-йўриқ, ҳукмдорларнинг ўз мансабдорларига ахлоқий ўгитлари: «фармонларни хурмат билан қабул қилиш», «уларга сўзсиз риоя қилиш», «хизматларни ва мажбуриятларни адo-латли баҳолаш» ва бошқа шу каби ўгитлари характерига ега еди.

ВII асрда чек ер тизимининг жорий қилиниши, жамиятнинг даражаларга қатъий бўлиниши, худди Хитойдаги каби «кодекс» деб ном олган қонун ҳужжатларининг пайдо бўлишига олиб келди. Кодекслар ер муносабатларини, унвонли ва даражали

амалдорларнинг турли гурух ва вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи нормаларни, жиноят ҳукуки (ритсу) ва маъмурий ҳуқуқ (рё) нормаларини (гарчанд Япония ҳукуқида улар ўр-тасидаги аниқ фарқларни ажратиш жуда қийин бўлса ҳам) белгилайди. Япо-ниянинг биринчи кодекси «**Тайхо рё**» ҳисобланади. Кодексни тузиш усти-да, 720 йилги йилномада кўрсатилганидек, **шахзода Осакабе ва Фудзива-ра** хонадонининг вакили Фубито бошчилигидаги 18 кишидан иборат комиссия ишлаган. Кодекс 701 йилда тузилиб, 702 йилда кучга кирди. Кодекс ус-тида ишлаш кейинчалик яна давом етди. У 718 йилда «Ёро ритсу рё» де-ган янги ном билан чиқарилди ва 953 та моддадан иборат еди. «**Ёро ритсу рё**» - «Ёро йиллари жиноий ва маъмурий кодекси» дегани еди. Бу кодекс мамлакатдаги сиёсий барқарорлик муносабати билан 757 йилда амалга киритилди.

«Тайхо» ва «Ёро» кодекслари биргаликда ўз даврининг ягона қо-нунлар тўпламини ташкил етди. Бу қонунлар тўпламида Япониянинг илк феодал давлати ҳақида, ўз аҳамиятини расман Мейдзи давригача (ХІХ аср) сақлаб қолган япон анъанавий ҳукуки нормалари ҳақида кенг маълу-мотлар берилади. У Япониянинг ўзига хос сивилизатсия белгиларидан, японларнинг бошқа маданият ютуқларини кўр-кўrona емас, уларни шаклан ўзгартириб, ўз мамлакатлари тарихий-маданий, миллий хусусиятлари-га мослаб ўзлаштиришни билганликларидан далолат беради.

Тўпламда ҳуқуқ хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлинмайди. Ашё, никоҳ-оила, мерос муносабатлари унда оммавий-ҳукукий характер касб етиб, жиноий ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Қонунлар тўпламида ҳуқуқ соҳалар бўйича ҳам аниқ ажратилмайди. Агар «**Тайхо Ёро рё**»нинг мазмунига еътибор берадиган бўлсак, унда фуқаролик, никоҳ-оила, жиноят ва маъмурий ҳуқуқ номалари мавжудлигини кузатишимиш мумкин. Лекин жиноий-ҳукукий нормаларда жиноятчи ёки жабрланувчи табақавий мансублигига ёки бошқа сабабларга кўра, содир қилинган жиноятлар учун бешта оғир жиноий жазо (ўлим жазосидан тортиб таёқ билан уруш жазолари) назарда тутилмаган еди. Бу жиноятлар маҳсус кодекс - «**Таёхо ритсу рё**»да алоҳида ажратиб кўрсатилганди.

«**Таёхо Ёро рё**» 30 та қонундан иборат еди. Унинг И қонуни «Ла-возимлар ва мартабалар» деб номланади ва «министрлардан тортиб мирзалар-нинг» даражалари ҳақидаги жадвални белгилайди.

Бунда мартабалар «аслзода» ва «аслзода бўлмаган» мартабаларга, лавозимлар еса - «юқори» ва «қу-йи» даражаларга ажратилади. **«Тайхо Ёро рё»** кодексининг «Муассасалар ва штатлар ҳақида»ги II қонуни давлатнинг барча марказий ва маҳаллий муас-сасалари тузилишини (таркибини), шунингдек, уларнинг штатларини ўрнатади.

«Будда роҳиблари ва роҳибалари ҳақида»ги 27 та моддадан иборат ту-зилган ва кенгайтирилган ВІІ қонуннинг муҳим қисми руҳонийларнинг жи-ноятлари ва қилмишларига бағишланиб, унда булар учун дунёвий ва черков жазолари (кафорат) назарда тутилган. ВІІ қонун Японияда будда диний ташкилотлари, ибодатхоналари ва руҳонийлари устидан олий давлат назо-рати ўрнатилганлигидан ҳам дарак беради.

Ўша вақтдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар тўғрисида яққол гувоҳлик берувчи ВІІ қонун «ҳовли» ҳақида, асосан, деҳқон хўжаликлари ҳақида сўз юритиб, уларни хўжалик, ташкилий, ҳарбий ҳисобга олинадиган ва асосийси - солик (ўлпон)лар тўлайдиган ва мажбуриятлар ўтайдиган бирлик-лар сифатида мустаҳкамлайди. Бу қонунда мерос ҳақидаги, никоҳ ва ажралиш ҳақидаги муҳим ҳуқуқий масалаларга оид меъёрлар мавжуд. Масалан, Қо-нуннинг 27-моддасида никоҳгача муносабатларда бўлган шахсларнинг никоҳи сўзсиз бекор қилиниши талаб қилинади. Бу норма маросимнинг бузилишига тааллуқли бўлган конфутсийлик ахлоқининг ли нормаларидан тўғридан-тўғри ўзлаштириб олинган еди.

«Мерос қилиб олиш ва мерос қилиб қолдириш ҳақида»ги ХІІ қонун чи-новниклардан тортиб императоргача аслзодалар уйларининг бошлиқлари ун-вонларини мерос қилиб қолдириш (тахт ворислиги қоидалари) ҳақида, шунингдек улар томонидан тузилган никоҳларнинг қонунийлик шартлари ҳақида нормалар белгилайди. Жиноий-хуқуқий нормаларнинг енг кўп қисми «Текширув ва аттестатсия ҳақида»ги ХІВ қонунга киритилган. У зодагонлар корпусининг ташкил етилиши ва фаолиятига бағишланиб, унда хусусан, зодагонларнинг жиноятлари ва қилмишлари, шунингдек булар учун жазоларнинг маҳсус тизи-ми ҳақида меъёрлар белгиланган. «Жангчилар ва чегарачилар ҳақида»ги XVII қонун қуролли кучларнинг ташкил етилиши ҳақидаги, жумладан, ҳарбий жиноятлар ҳақидаги қоидалардан иборат еди.

Бу вақтдаги Япония ҳуқуқий тизимини кўриб чиқишда жиноий-про-тессуал ҳуқуқнинг жуда кўп нормаларини белгилаган

«Турмалар ҳақида»ги ХХИХ қонун алоҳида аҳамиятга ега. Қонунлар тўпламининг мазмунидан кўриниб турганидек, конфутсийлик ахлоқининг нормалари унинг мазмунига сўзсиз таъсир ўтказган. Бундан нафақат 27-модданинг мазмuni, балки бир қатор бошқа нормалар ҳам далолат беради. Жумладан, унда «садир қилиниши мумкин емас» деб ҳисобланган ҳар қандай хатти-ҳа-ракатлар (қилмишлар) учун жазо берилишини талаб қилувчи конфутсийликнинг умумий қоидаси мустаҳкамланган еди.

Шу билан бирга тўплам анча кечки даврнинг ахлоқий ўгитлари емас, хукукий асар еди. У ҳукмрон режимнинг қонунчилик таянчи бўлиб қолишга, Япония учун ягона бўлган, батафсил ишлаб чиқилган хуку-қий тизим ёрдамида унинг асосларини мустаҳкамлашга даъват қилинган еди. Шу мақсадда одат хукуқини ва илгари чиқарилган қонун нормаларини ҳар томонлама қайта кўриб чиқиш, бир хиллаштириш, тизимлаштириш ишлари амалга оширилган. Тарихий адабиётларда Япония давлатининг бу даврини (ВПИ-Х асрларни) «хукукий» деб аталиши ҳам тасодиф емас еди. Чунки бундан кейинги даврларда қатор тарихий омиллар таъсирида қонуннинг роли бирданига тушиб кетган еди.

Бу даврда кодекслар билан бир қаторда императорнинг фармонлари ва қарорлари хукуқнинг муҳим манбаи ҳисобланган. Фармонлар анча муста-қил характерга ега еди. Қарорлар маъмурий ва жиноий қонунларнинг ривожланиши билан уларни амалий тушуниш сифатида чиқарилган.

Фармонлар тўпламларга бирлаштирилган. Масалан, 927 йилда «Енги йил-ларининг қарорлар тўплами» тузилиб, 967 йилда амалга киритилган. Фармонлар вакт ўтиши билан тобора кодексларни иккинчи ўринга суриб чиқарган. Я-понияда сёгунат ўрнатилгандан кейин ягона хукукий тартиботнинг бар-бод бўлиши натижасида хукукий соҳада бирданига ўзгаришлар содир бўлди.

«Ритсу» ва «рё» императорлик фармойишлари сифатидаги ўзининг умумяпон меъёрий характерини йўқотди, аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринга ахлоқий-хукукий одатлар - **гири** чиқди. Гири индивиднинг ҳаётнинг ҳамма ҳолатлари: ота ва ўғил, ер ва хотин, тоға ва жиян муносабатларида-ги хулқ-авторини тартибга солувчи тартиб-интизом тасаввурларидан келиб чиқ-қан. У оиласдан ташқари муносабатларда, масалан, мулк егаси ва ижарачи, қарз берувчи ва қарз оловчи, савдогар ва мижоз, катта амалдор ва унга бўйсинувчи шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солган.

Бу давлат ҳокимиятининг детцентрализацияси¹³⁸ ва умумий заифла-шуви билан бөглиқ еди. Бакуфийнинг ҳарбий диктатураси шароитида умум тан олинган маъмурий-суд органлари, адлия (жазолар) министрлиги ҳам, импе-ратор шахсидаги олий апеллятсия инстансияси ҳам фаолият кўрсатмай қўйган еди. Тўғридан-тўғри буйруқ, юқоридагиларнинг қуидагиларга кўрсатмалари, енг яхши ҳолатда - одат ҳуқуқи нормаси ҳаракатда бўлди. Бу янги тартиблар Японияда олдиндан тайёрланган асосга ега еди. Улар-нинг мафкуравий базаси конфутсийлик бўлиб қолди. Конфутсийлик, маълумки, ҳуқуқни ёқимсиз деб ҳисоблаган, уни суд қарорининг қатъийлиги билан бирга инкор қилган. Гирига «тартиб-интизомнинг бузилиши» учун жамият томони-дан танбех берилишидан қўрқиб, ФайрПхтиёрий равишда риоя қилинган.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам «тартиб-интизом» нормаларининг маҳсус кодекси, «ифтихор кодекси» (буке-хо) бу вақтда самурайлар табақаси учун батамом шаклланган еди. У вассалнинг ўз сюзеренига мутлақ шахсий содиқлиги та-лаблари асосида вужудга келди, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юридик хусу-сияти Гоясининг ўзини истисно қилди. Вассал-жангчи билан унинг сюзерени ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида емас, сохта қариндошлиқ, оила-вий асосларда, ота ва ўғил муносабатлари тарзида бўлган. Вассал бунда ўз хўжайинининг ўзбошимчалигига қарши ҳеч қандай кафолатларга ега емас еди. Бундай деб ўйлашнинг ўзи ҳақоратли ҳисобланган. Самурайлар-нинг ҳар қандай кўринишда ҳақоратланиши, бадном бўлиши, ўзини ўзи ўлдириш билан тугаган.

Гири баъзан қонун йўли билан мустаҳкамланган. Масалан, 1232 йилда И сёгунат даврида **Дзёй йиллари Конунномаси** тузилади. Қонуннома самурайларнинг «ифтихор кодекси»ни мустаҳкамлаб, феодалларнинг исёнлари ва фитналари учун, улар томонидан ерларнинг ноқонуний егаллаб олиниши учун қаттиқ жазоларни назарда тутади. У мавжуд ер муносабатларини тартиб-га келтириб, ерни мерос қилиб қолдиришнинг умумий тартибини ўрнатади.

Сёгун ва унинг вассаллари, шунингдек, бошқа феодаллар ўртасидаги вассалликленга оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида сёгунат асо-сан давлатнинг, бакуфу ҳукуматининг феодал ер егаликларини мустаҳкам-лашга қаратилган фармонлар чиқарди. Бунда алоҳида Ғамхўрлик кўрсатди. Масалан, 1267 йилда гокениннинг ленга оид ер егаликларини сотиш ва га-ровга қўйишни

¹³⁸ Detsentralizatsiya – markazlashgan tizimdan markazlashmagan tizimga o`tish yoki o`tkazish.

тақиқловчи, уларнинг илгари гаровга қўйилган ерларининг ўзлари томонидан сотиб олиниши лозимлигини белгиловчи ҳукумат фармони чиқарилди.

XIII асрнинг охиридан бошлаб самурайларнинг ерларини сотиш ва га-ровга қўйиш бўйича барча битимларни, уларнинг судхўрлардан қарзларини бекор қилишга қаратилган маҳсус «раҳм-шафқат» фармонлари чиқарилди. Масалан, 1643 йилда шундай ноёб фармонлардан бири чиқарилган еди. XV-XVI асрларда умумяпон ҳукуқининг роли жуда пасайиб кетди. Ҳар бир князлик, ҳар бир табақа ўз хусусий қонун-қоидаларига, одат ҳукуқининг нормаларига амал қиласади. Бундай қонунлар ва одат ҳукуки нормалари баъзи ҳолларда, асосан ахлоқий муқаддас бурчлар, инструксиялар, панд-насиҳат-лар кўринишларида тўпламларга бирлаштирилган еди.

Ана шундай йирик табақавий меъёрий тўпламлардан бири **«Кемму йиллари кодекси»** (1334-1338 йиллар) еди. Мазкур тўплам «мамлакатдаги исён»ни тугатишга, сёгун сиёсий ҳокимияти барқарорлигини таъминлашга қаратилган еди. Дастреб Япониянинг анъаналари асосида 17 моддадан ибо-рат тузилган ушбу кодекс кейинчалик қатор янги қоидалар билан тўлдирилган. Кодекс иккинчи сёгунат асосчиси Асиқаганинг саволларига олимлар – монархларнинг жавоблари шаклида ёзилган еди. Унда самурайларнинг ўз-бошимчаликларига бардош беришга мажбур бўлган, солиқлар тўлайдиган ва мажбуриятлар ўтайдиган япон дехқонларининг оғир аҳволи қонунлаштирилган еди. Кодексда ҳокимиятга «бировнинг уйига ўз ҳолича бостириб кириш» амалиётига чек қўйиши, бўшаб ётган ерларнинг дехқонларга берилиши, жиноятчиларни, айниқса, исёнчилар ва босқинчиларни қаттиқ жазо-лаш буюрилган еди. Унда порахўрлик ва унинг учун жавобгарликка ало-ҳида еътибор берилган. Поранинг миқдорига қараб мансабдор шахс умрбод ёки вақтинча мансабидан четлаштирилиши мумкин еди. Бу кодекс 1596 йилда алоҳида китоб тарзида чоп етилди ва шу тарзда дунё юзини кўрди.

Японияда XVII - XVIII асрларда мамлакатнинг нисбатан марказ-лаштириш даврида, хусусан, Токугаванинг учинчи сёгунати даврида қонун ижодкорлик фаолияти анча жонланди. Бироқ, бу даврда ҳам у алоҳида адресга, қонун бўйича, бирон-бир табақаларга тааллуқли еди.

Бу қонунларда императорлар ва йирик феодаллар (даймё) нинг фаолия-ти қатъий тартибга солинди, аҳолининг алоҳида гуруҳлари

(самурайлар, дәхқон-лар, хунармандлар, савдогарлар) нинг табақавий ҳуқуқий ҳолати ўрнатилди ва бунинг асосида аҳолининг мажбуриятлари ҳамда уларни бузганлик учун жа-золар мустаҳкамланди. Сёгун Иеясунинг 1615 йилги «18 моддали Қо-нуни» юқоридаги қонунларга мисол бўлиши мумкин. Хусусий ҳуқуқ, товар айирбошлаш соҳасида илгаригидек маҳаллий одат ҳуқуқи ҳукмронлик қилди.

Фақат XVIII асрда, учинчи сёгунат даврида сёгун томонидан «ески қонунга қатъий риоя қилиш» сиёсати еълон қилиниб, «ҳуқуқий давлат» нинг ески тартибларига қайтишга қаратилган ҳаракат бошланди. Шу мақсад-да 1742 йилда «100 та моддадан иборат Кодекс» қабул қилинди. Унда илга-риги қонунларнинг, одат ҳуқуқи нормаларининг асосий мазмуни батартиб ба-ён қилинди. Кодекс ВИИ асрдаги **Тайхो ва Ёро** даврларидаги ески кодекс-ларнинг кўп қоидаларини ўзида мужассам етади.

Бу даврда қонунни билиш сараланган кишиларнинг имтиёзи ҳисоблан-ғанлиги сабабли юқоридаги сиёсатнинг позитив оқибатлари унча аҳамиятсиз бўлди. Қонунлар босиб чиқарилмади. «Қонунни билиш емас, бажариш ке-рак» деган принсип ҳаракат қилди. Аҳолига фақат қонуннинг кичкинагина қисми-қатъий тақиқловчи кўрсатмалари етказилди, холос. 1742 йилги Кодекс маҳфий сақланди. У билан фақат бакуфу ҳукуматининг учта юқори амалдори (бугё) танишиши мумкин еди. Қонунларнинг амал қилиш доираси ҳам фақат бевосита Токугава уруғи егалигига кирувчи ҳудудларга тарқатилди. Даймёнинг ўз хусусий ҳуқуқи мавжуд еди.

**Jinoyat
huquqi**

Япониянинг ўрта асрлар ҳуқуқида деликтлар ва жи-нояллар, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ нормалари ва ҳоказолар ўртасида аниқ фарқлар ажратилмаган еди. Анъанавий тушунчада рё (хитойча лин) - қонунлар бўлиб, уни бузганлик учун, ритсудан фарқ қилиб, бешта оғир жазодан (ўлим жазосидан тортиб таёқ билан урушгача) биронтаси ҳам назарда тутилмаган.

«Ҳуқуқий давлат» даврида Япония ҳуқуқи «қонунийлик» талабларига асосланди. «Қонунийлик» тушунчаси ўша вақтда қуидаги қатор қоидалар-ни: қонун кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш ҳақидаги, жиноят, қилмиш ва ҳатто, хато қилганлик учун ҳамманинг, холопдан тортиб будда монахи-гача жазоланиши ҳақидаги, судялар ва терговчиларнинг одил ва холис бўлиши ҳақидаги, иш юритишнинг, жумладан, суд жараёнининг аниқ бўлиши

ҳақидаги, шунингдек, жазоларни, айниқса ўлим жазосини қўллашда дикқат билан текшириш ва қайта-қайта текшириш ҳақидаги, муайян иш бўйича тергов бошлангунга қадар чиқарилган қонунларда кўрсатилган айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш ва айбнинг оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олмаслик ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олган еди.

«Тайхо ритсу рё» жиноят кодекси талончилик ҳақидаги, босқинчилик ҳақидаги, муштлашиш-уришиш чоғида жароҳатлар етказиш ҳақидаги ва бошқалар ҳақидаги ўн иккита бўлимдан иборат еди. Кодекснинг ҳамма қоидалари бизгача етиб келмаган. Унинг ҳар бир қисми хитойликларнинг Тан сулоласи кодекси бўйича қайта тикланган.

Кодекс жазолар ва оғир жиноятлар рўйхати билан бошланади. Япо-нияда ахлоқ (ли) бузилишлар анча оғир жиноятлар еканлиги ҳақидаги кон-футсийлик тасаввурлари асосида «саккизта ёвузлик» (Хитойда - ўнта ёвуз-лик) ажратиб кўрсатилади. «саккизта ёвузлик» қаторига, аввало, император ҳокимиятига қарши қаратилган жиноятлар киритилган.

Булар: «исён» (давлат истиқоматгоҳлари ва мақбараларини бузиш ва бошқа жиноятлар), «давлатга хиёнат» (императорнинг яқин қариндошлари-ни ўлдириш, шунингдек, уларни ўлдиришга суиқасд қилиш, уриш-дўппос-лаш ва бошқалар), «шафқатсизлик билан одам ўлдириш» (бир оиласдан уч кишини ўлдириш, ўз яқин қариндошларини ўлдириш, хотин ёки жазман томонидан ернинг қариндошларининг ўлдирилиши, шунингдек уларни уриш-дўппосланиши ва ҳоказолар), «буюк ҳурматсизлик» (ибодатхоналарни, му-қаддас нарсаларни бузиш ва бошқалар), подшога нисбатан «ёмон сўз айтиш ва ҳурматсизлик», отага ёки яқин қариндошларга нисбатан ҳурмат-сизлик (уларга қарши суд ишлари қўзғатиш ёки уларга лаънат ўқиш, ота-онаси тирик пайтида оиласдан ажралиб чиқиш, ўзбошимчалик билан никоҳга кириш ва бошқалар), «бурчни бузиш» (хўжайнини, бошлиғини, устозини ўлдириш ва бошқалар) каби жиноятлардан иборат бўлган.

Беш туркумли жазолар тизими: ўлим жазоси (осиб ўлдириш ёки бошини танасидан жудо қилиш), қаторга ишларига сургун қилиш, сургун қилмай, қаторга ишларига маҳкум қилиш, таёқ билан уриш (60 тадан 100 тагача), хипчин билан савалаш (10 тадан 50 тагача) жазоларини ўз ичига олган. Оддий кишиларнинг ўлим жазоси шаҳар майдонида амалга оширилган. Аёллар ва мансабдорлар халқ олдида

қатл етилмаган. Юқори даражали ман-сабдор шахсларга ўзини ўзи ўлдиришга имконият берилган. Сургун қилиш тайинланган жойнинг узоқ-яқинлигига қараб, яқин, ўрта ва узоқ бўлиши мумкин еди. Сургунга маҳкум қилинган шахснинг хотини ва жазманлари мажбурий тартибда жўнатилган. Каторга, қоида бўйича, яшаш жойида мажбурий ишга жалб қилиш бўлган.

«Тайхо Ёро рё», шунингдек, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима ва бошқа жазоларни ҳам назарда тутади. Жиноятчининг мусодара қилинган мол-мулки давлат ва унинг яқин қариндошлари ўртасида тенг тақсимлан-ган. Бунда ушбу қариндошларнинг жиноят иштирокчиси бўлмаслиги талаб қилинган. Жазодан, ҳатто ўлим жазосидан (қадимги урф-одат инъоми сифатида) пул тўлаб қутилиб кетиш мумкин еди. Лекин бундай имконият ҳокимият-нинг хоҳишига боғлиқ еди. Пул тўлаб жазодан қутилиш ҳуқуқидан импера-торнинг қариндошлари, «б та тоифадаги муносиб» енг йирик амалдорлар сўзсиз фойдаланганлар. Ҳарбий ва фуқаролик мансабдорлари учун бериладиган маҳсус жазолар умумий жазолардан фарқ қиласди. Жиноят содир етган мансаб-дор шахс ўлим жазосига маҳкум етилганми ёки йўқми, император томо-нидан авф етилганми ёки пул тўлаб жазодан қутилганми, қатъи назар, маълум даражада ўз мансабдорлик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган: мансаби ёки мартабаси пасайтирилган, бир ёки ҳамма мансабидан бўшатилган ва ҳоказо. Агар мансабдан бўшатиш оғир жазо сифатида қўлланилган бўлса, ундан пул тўлаб қутилиш мумкин емасди. Мансабдорлар рўйхатидан ўчи-риб ташлаш айниқса оғир жазолардан ҳисобланиб, бундай шахслар келажакда хизматга қайтиш имкониятидан маҳрум бўлган.

Япон ҳуқуқида қатор оғир жиноятлар учун маҳкум етилган жиноятчининг яқин қариндошлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятнинг (масалан, рўйхатга ўтмаган роҳибларни яширганлик учун ва ҳ.к.) бирга-лиқдаги жавобгарлиги мавжуд еди. Шу билан бирга чиновникларнинг оила аъзолари учун жазоларнинг енгиллашибилиши имконияти ҳам назарда тутил-ганди. Мансабдорларнинг оила аъзолари ўз аслзода қариндошларининг «соя-си» ҳомийлигидан фойдаланиши мумкин еди.

Япония жиноят ҳуқуқининг ўзига хос белгиси унинг нормаларининг будда черкови вакилларига ҳам қўлланишида; кодексларда дунёвий жазо-лар қаторида диний жазоларнинг ҳам тан олинганлигига, роҳиб ва роҳибалар то-монидан содир қилинган жиноятлар ва хатти-харакатларнинг характерига қараб дунёвий

жазоларнинг диний жазоларга алмаштирилишида, руҳонийнинг қатор диний қилмишлари учун, масалан, тақиқланган китобларни тарқатиш, сақлаш ва ўқиш ҳақида оммавий ва ёлғон еълон қилганлик учун, унвон учун патентни бошқа шахсга Файриқонуний ўтказганлик учун ёки ўзбо-шимчалик билан унвонни қабул қилганлик учун, ўзига ўт қўйишга ури-ниш ёки бошқа шахсни бунга унданланлик учун одатдаги жиноий жазолар-нинг қўлланишида кўзга ташланади.

Одам ўлдириш, зўравонлик, ўҒирлик ва бошқа жиноятлар учун оҒир жазоларга маҳкум қилинган будда руҳонийларининг вакиллари дастлаб унвонидан маҳрум қилинган. Уларга нисбатан жазоларнинг баъзан енгил-лаштирилиши ҳам назарда тутилган. Масалан, сургун қилиш жазоси тўрт йилга қаторга ишлари билан алмаштирилган. Таёқ билан уруш жазосида ҳар ўнта таёқ билан уриш ўрнига ўн кунлик кафорат¹³⁹ тайинланиши мумкин еди.

Япония жиноят ҳуқуқиДа айб шакллари (қасД ва еҳтиётсизлик) ҳақиДаги, суиқасД ҳақиДаги, турли шаклларДаги иштирокчилик ҳақиДаги аниқ ифодаланган умумий принциплар ва нормалар мавжуд емасди. «Шафқатсизлик билан одам ўлдириш» ҳолатиДа «суиқасД» ва «қасД» тугалланган жиноят сифатиДа кўрилган. Қатор ҳолларДа жиноятга ундаш, қизиқтириш анча оҒир жазоланган.

Етказилган заарни ихтиёрий тўлаш, келтирилган заарни бартараф етиш, айбига иқорор бўлиб келиш, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш ка-билар айбни енгиллаштируви ҳолатлар қаторига кирган. Шунингдек, моддий жиҳатдан ёки хизмат бўйича қарам кишилар қўрқитиши ёки мажбурлаш остиДа жиноят содир етиши, қариндошларига нисбатан ўҒирлик қилиши сингари-лар ҳам айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланган. Бироқ, агар оиланинг кичик аъзоси ўз уйиДа ўҒирлик содир қиласа, айбни оҒирлаштирувчи ҳолат бўлган. РетсиДив¹⁴⁰ (уч марта ўҒирлик қилиш) ва маст ҳолатиДа жиноят содир етиш айбни оҒирлаштирувчи ҳолатлар Деб топилган.

КодексДа «саккизта ёвузлик» Дан ташқари оддий тарзДа одам ўлдириш, оҒир тан жароҳати етказиш, тухмат каби жиноятлар учун ҳам жавоб-гарликлар ўрнатилган. Булар «бевосита» жиноятлар туркумига кирган. Шу-нингдек, кодексДа жиноят содир етишга ундаш ва асоссиз судга бериш учун жиноий жавобгарлик назарДа тутилган. Мулкка қарши жиноятларДан ўҒирлик, (бу босқинчиликка тенглаштирилган), шунингдек, ёзма равишДа қўрқитиб (Дўқ-пўписа

¹³⁹ **Kaforat** – gunohkorlarga cherkov tomonidan beriladigan jazo – uzoq toat-ibodat qildirish, ro`za tuttirish va h.k.

¹⁴⁰ **Retsediv** – jinoyatning takrorlanishi.

ва бошқа йўллар билан) мулкни тортиб олиш ва бошқалар ажралиб турган.

Бироннинг уйига кечаси бостириб кирган шахсни уй егаси «чақирил-маган меҳмон» сифати Да ўлДириш ҳуқуқига ега бўлган. Бу, шу тариқа, зарурий муДофаага тенглаштирилган. Япон жиноят ҳуқуки бу вақт Да ҳали шуурсизлик¹⁴¹ тушунчасини билмаган. Лекин ёш болалар, кекса кишилар, руҳий касаллар, майиб-мажрухлар томони Дан соDir етилган жиноятлар учун жазолар енгиллаштирилган, уларга пул тўлаб жазо Дан қутилиш ҳуқуки берилган.

Сёгунат ўрнатилган Дан кейин жазолар қўллашнинг Деярли барча «қонуний» чегаралари емирилиб кетган, ҳуқуқсиз жазолаш ёки «ножўя оДатлар» шакллари қўллана бошланган. Масалан, самурай ўзини ҳақорат қилган оДдий кишини судсиз ўлДириши мумкин еДи. Ҳуқуқ, шунингДек, оДам ўлДириш учун албатта жазо берилиши қоидасини ўрнатмаган еДи. Ма-салан, ернинг бевафо хотинини ва унинг жазманини ўлДириши жазоланмаган, жиноят соDir қилган жойи Да жиноятчини ўлДиришга ёки отасини ўлДирган шахсни қасос тариқаси Да ўлДиришга рухсат етилган. Ўз болаларини судсиз ўлДириш амалиёти кенг тарқалган еДи. Бу айниқса Дехқонларнинг оилалари Да «ортиқча оғизлар» Дан қутилиш учун тез-тез бўлиб турадиган ҳолат еДи.

БунДан ташқари, жазолар барча чоралар билан қаттиқлаштирилган, кў-пинча жуда шафқатсиз шакллар Да қўлланилган. Масалан, япон манбалари-нинг Дарак беришича, жиноятчини кўпинча йўлнинг ўтиш жойига бўй-нигача тирик ҳол Да кўмиб, олДига ёғоч арра қўйиб қўйилган ва бу арраДан унинг ёни Дан ўтиб кетаётган ҳар бир киши уни бошини танаси Дан ажратиш Да фойдаланиши мумкин бўлган.

Кодекснинг 100 та моддаси Да унча катта миқдор Да бўлмаган (10 иен суммали) ўғирлик учун жавобгарлик белгиланган. БунДай ҳоллар Да асосан тан жазоси ва тамға босиш қўлланилган. Катта миқдорДаги ўғирлик учун жиноятчининг бошини кесиш ва мурДани майдА бўлакларга бўлиб, топтаб, бошини ҳамма кўрадиган жойга осиб қўйиш йўли билан қатл етиш жазоси назар Да тутилган. Агар ретсиДивист томони Дан майдА ўғирлик соDir етилса ҳам, унга нисбатан ўлим жазоси берилиши мумкин еДи.

¹⁴¹ Shuursizlik – kishi o`zini (nima qilayotganligini) bilmaydigan holat.

**Mulkiy
tunosabatlarning
tartibga solinishi**

ВИІ асрдан бошлаб Японияда асрлар мөбайнида ер егалигининг учта шакли: Давлат ерлари, жамоат ерлари ва катта оиласарнинг ерлари мавжуд бўлган.

Давлатнинг чек ер фонди ер-кин кишилар, холоплар, қуллар (еркин кишига берилган чек ернинг 1/3 қисми миқдорида), шунингдек, давлат хонаёнлари ва давлат қулари ўртасида тақ-симланган еди. давлат хонаёнлари ва давлат қуллари, бошқа барча чек ер оловчилардан фарқ қилиб, давлат хазинасига солиқлар тўламасди.

Алоҳида дехқон хўжаликлари ихтиёридаги ерлар (томорқа ёки ер участкаси, суғорилган ёки хайдалган бўз ерлар) оиласарнинг уч авлоди егалигига ўтказилган. Томорқа ёки боғ участкалари ҳажми бўйича «аслзода» ва «аслзода бўлмаган» оиласарда, аъзоларининг сонидан қатъи на-зар, тенг миқдорда еди.

Оила мулки давлат томонидан ҳар томонлама қўриқланган. дехқон хўжалигини сабабсиз бўлиш, оиласадан ўзбошимчалик билан, рухсатсиз ажра-либ чиқиш ва бошқалар тақиқланган. Оиласадан ажралиб чиқишни хоҳловчи шахс беш хонаёндан «қочоқ ёки ёлғончи» бўлмаганлиги ҳақида кафиллик олиши лозим еди. Жамоа мулкига ўрмонлар, тоғлар, бўш ерлар, яйловлар кирган. Улардан ҳар ким фойдаланиши мумкин еди.

Алоҳида муассасаларга мустаҳкамлаб қўйилган ерлардан бошқа давлат ерлари чек ер сифатида тақсимлаб бериш учун мўлжалланган. Улар-нинг орасида ўз ҳажмининг катталиги жиҳатидан амалдорларга мансаблари ва унвонлари учун берилган чек ерлар ажралиб туради. давлат ерларининг маҳсус заҳира фонди мавжуд еди. Улардан давлат олдидағи хизматлари учун «мукофот тарзида» бериларди. Шу мақсадда императорнинг маҳсус фармонлари чиқариларди. «Буюк хизматлари» учун бериладиган ер участкаси чекланмаган тарзида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан, бошқа хизматлари учун - бир ёки икки авлодга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан егалик қилишга ўтказиларди.

Давлат ерлари орасида «сарой» майдонлари ҳам ажралиб турган. Бун-дай ерлар меҳнат мажбуриятлари ўташ тартибида ишланган. Фақат хусусий ерларни сотиш мумкин еди. Лекин давлат ерларини (захирадаги фонддан) ҳам, мансабдорларнинг ерларини ҳам ижара (аренда)га бериш учраб турган. дехқонларнинг чек ерлари фақат бошлиqlарининг розилиги билан жуда камдан-кам ҳолларда ижарага берилиши мумкин еди. боғ участкасини хоҳ-

лаганча муддатга, ҳайдалган ерларни - бир йилга ижарага беришга рухсат етилган. БуДда ибодатхоналариға нафакат майдонларни, балки бое участкаларини ҳам ҳадя қилиш, сотиш қатъиян тақиқланган. Улар билан, ҳатто, ерларни алмаштириш мумкин емас еди. Ер ости ва унинг бойликлари ўз ҳуқуқий мақоми бўйича Давлат ерлариДан фарқ қилмасди. Улар Давлат ҳокимияти томониДан натурал мажбуриятлар ўташ шарти билан хусусий тартибДа мис, темир қазиб олиш учун бериларди.

Ўрта асрлар япон ҳуқуқиДа ашёларнинг кўчадиган ва кўчмас ашёларга бўлиш аниқ ишлаб чиқилмаганди, лекин топиб олинган ашё-нинг алоҳиДа ҳуқуқий мақоми назарДа тутилганди. Бундай ашё топиб олин-ганлиги еълон қилингандан сўнг ўттиз кундан кейин уни топиб олган киши-нинг егалигига ўтган. Бир киши бироннинг ериДан хазина топиб олса, унга нисбатан егалик ҳуқуқи топиб олган киши ва ер егаси ўртасиДа teng ҳисса-ларДа тақсимланган. Чек ер тизими ning тугатилиши ва вассалликленга оид муносабатларнинг ривожланиши билан самурай-жангчининг меросий ерлари ва бенефетсиялари сингари феодал ер егалиги шакллари тобора кенг тарқала бошланди. Кейинчалик самурай-жангчиларга ерлар ўрнига «шоли улуш-лари» бериладиган бўлди.

Товар-пул муносабатларининг кучсиз ривожланиши ўрта асрларДа Япония ҳуқуқиДа мажбурият ҳакиДа аниқ юриДик тасаввур, тушунча шаклланмай қолишига сабаб бўлди. Европача «мажбурият» иборасига япон тилиДаги «гиму» сўзи мос тушади. «Гиму» сўзи ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб қилиши лозим бўлган ёки қилиши тақиқланган нарсани англатади. Ҳамма мажбурият муносабатлари азалий мавжуД Деб тан олинган ва шу тариқа қатъий йўл қўйилган ДоираларДа амалга оширилган.

«Тайхо Ёро рё»Да факат ўнта модда шартномаларга бағишиланган. Олди-сотди, ижара, қарз, гаров шартномалари Давлат томониДан тартибга солинган ва уларнинг бузилиши учун, қоиди бўйича, жиноий жазо берилган.

Хусусий савдо ЯпонияДа ҳатто Дехқон учун еътиборга лойик ҳи-собланмаган. У билан шуғулланиш бешинчи Даражадан бошлаб амалдор-ларга, самурайларга ва будда роҳиблариға тақиқланган еди. Тақиқловчи чораларнинг қўпчилиги ички ва айниқса ташки савдони қамраб олган. Давлатнинг ўзи удел ҳисобланган. Учинчи сёгунат ДавриДа ташки савдо Деярли йўқقا чиқарилган еди, мамлакатнинг ўзини ўзи яккалаб қўйиш сиёсати фаол юритилганди.

Баъзи турДаги товарларни, масалан, қурол-яроF-ларни олиш-сотиш тақиқланган. БозорларДаги савДо устиДан Давлатнинг қаттиқ назорати ўрнатилган еДи. Бу назорат махсус ташкил етилган «бозор иДорара-лари» томониДан амалга ошириларДи. «Бозор иДораралари» ўлчов ва тарози-ларнинг, куллар савДосиДа хужжатларнинг тўГилигини, товарларнинг сифатини, товарларДан пошлиналар олинишини ва бошқаларни юритган. БозорларДаги нархлар ҳам Давлат томониДан тартибга солинган. БаҳоларДаги фарқларДан айниқса амалДорларнинг чайқовчилик йўлиДа фойДаланиши қаттиқ жазолан-ган. Бироқ, бу чеклашлар Давлат билан хусусий шахслар ўртасиДаги битим-ларга тарқатилмаган еДи.

Япон ҳуқуқига уруҒларни, пулларни хусусий тартибДа ва Давлат томо-ниДан қарзга бериш, жумладан, фоизли қарзга бериш маълум еДи. Судхўрлик фақат будДа руҳонийсига тақиқланган еДи. Қарз гаров ва кафиллик билан таъ-минланарДи. ЯпонияДа ҳам, худДи ХинДистон ва бошқа шарқ мамлакат-лариДагидек, кредитор (қарз берувчи)нинг қарз суммасиДан ортиб кетадиган фоизлар олиши мумкин емас еДи. КафилларДан қарзни ундириш, гаровга кў-йилган мулкни ўз ҳолича бошқариш тақиқланганДи. Қарздор қарзи учун ишлаб бериши мумкин еДи, лекин қарз берувчининг қарздорни қарзи учун қулга айлантириши қатъиян тақиқланганДи. ХонаДон оддий аъзоларининг ўз ҳолича битимлар тузишига, жумладан, қарз шартномалари тузишига рухсат етилмаган, чунки фақат оила бошлиғи оила мулкини бошқариш ҳуқуқига ега еДи.

Иш кучини ижарага бериш шартномаси ҳам кенг тарқалмаган. Чун-ки меҳнат мажбуриятлари, кенг тармоқли ишлаб бериш мавжуД еДи. «Тайхо Ёро рё»Да усталар, қурувчилар, тунукачилар, кулолчилар ва бошқаларга нисбатан иш вақтиДан ташқари (меҳнат мажбуриятларига) ишлар бўйича иш кучини ёллаш шартномаси ҳақиДа еслатилади. Шунингдек, Давлат чўпонлар ва «солиқлар кўтариб юрувчилар»ни Доимий ва вақтинча ишга ёлларДи. Шуниси Диққатга сазоворки, бу шартнома иш кучини ёлловчи шахснинг ходимга нисбатан ўзбошимчаликларига қарши қатор кафолатлар белгилайди. Масалан, иш кучини ёллаш муддати ходимнинг розилигисиз еллик кундан ортиши мумкин емас еДи ва ҳоказо (ВПИ қонун 22-модда).

Nikoh-oila
huquqī

Япония никоҳ-оила ҳуқуқи Дин билан боғлиқ анъанавий ҳуқуқ сифатиДа ўрта асрларнинг барча бос-қичлариДа бирон-бир кўзга кўринарли

ўзгаришларни бо-шиДан кечирмади.

Никоҳлар оиласалар томонидан тузиларди. Ота-она ва яқин қариндошлар-нинг розилиги никоҳ ҳақиқийлигининг мажбурий шартларидан бири бўлган. Шу-нингдек, келин ва куёвнинг табақавий жиҳатдан тенглиги, уларнинг никоҳ-гача бўлган муносабатларининг «бадном бўлмаганлиги» талаб қилинган. Никоҳ ёши еркаклар учун - 15 ёш, аёллар учун -13 ёш қилиб белги-ланган еди.

Никоҳ ота-оналарнинг олдиндан келишуви ва унаштириш йўли билан тузиларди. Уни сабабсиз бузиш учун жазолар назарда тутилган еди. Никоҳ, агар куёв бир ой мобайнида келмаса ёки унаштирилгандан кейин уч ой мобайнида тузалмаса, келишув ва унаштириш бекор қилинарди. Куёв ёки келиннинг жиноят содир қилиши ҳам унаштиришнинг бекор қилинишига олиб келарди.

Еркин кишилар ва қуллар ўртасидаги, «аслзода» ва «аслзода бўлма-ганлар» ўртасидаги никоҳларгина емас, балки «аслзода бўлмаганлар»нинг алоҳидаги тоифалари ўртасидаги ўзаро никоҳлар ҳам тақиқланган еди. Бунда ўзига хос кастага оид принсип амалда бўлган. Хитойда риоя қилинадиган фамилиявий ендогамия¹⁴² нинг мажбурийлиги Японияда ўрнатилмаган.

Патриархал оила тартиблари Япония ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топ-ган. Лекин бу оилада аёлларнинг жуда ҳуқуқсиз ҳолати мавжуд бўлган Хи-тойга нисбатан кучсизроқ еди. Никоҳ асосан моногамия кўринишида бўлган, жазманлар ҳисобга олинмаган. Хотин, Хитойдаги сингари, еркаклар: ота, ер, ўғиллар ҳомийлиги остида бўлган. Лекин бу ҳомийлик анча енгил бўлган ва қонун билан тартибга солинган. Ер хотинни жазман билан тенглаштира олмаган, у хотинини жазман учун мажбуран ўтказиб қўя олмаган ва никоҳни бекор қилолмаган. Никоҳнинг сабабсиз бекор қилиниши янги никоҳга киришнинг тақиқланишига олиб келган.

Муайян ҳолатларда ер-хотиннинг розилигисиз ҳам никоҳ бекор қилиниши мумкин еди. Масалан, ота-онасини ва ер ёки хотиннинг бошқа қарин-дошларини ўлдиришга уриниши, уриш-дўппослаш ҳолларида ер-хотиннинг розилигини олмай, никоҳ бекор қилиниши мумкин еди. Никоҳ, худди ажралиш сингари, факат ер-хотиннинг иши емас, балки улар оиласининг иши ҳам бўлган. Ер ёки хотиннинг ташаббуси билан никоҳни бекор қилишда иккаласининг ота-онасининг розилиги талаб қилинган. Бунда ота-оналар «ажралиш

¹⁴² Endogamiya – faqat o`z qabilasidagi, urug`idagi kishiga uyylanish yoki erga tegish adabi.

қоғозини» им-золашлари лозим еди. Ернинг никоҳни бекор қилиш имконияти хотининикига қараганды кенгрөк бўлган. Хотин фақат ери узоқ вақт, беш йил мобайнида дараксиз йўқолганды ёки ернинг отонаси томонидан қаттиқ ҳақорат-ланганида никоҳни бекор қилиши мумкин еди.

Ернинг никоҳни бекор қилишга бўлган қонуний асослари худди Хитой-Дагидек бўлган, лекин бунда ҳамма ҳолатларда ҳам ер ажралишган хотинини уйдан ҳайдаб юбора олмаган. «Бузуклик», «қайнона ёки қайнотасига қулоқ солмаслик», «еси пастлик» Дан ташқари, хотин ер билан ажралишгандан кейин ҳам (масалан, унинг маҳмадоналиги, ўғил бола туғмаганлиги, рашқчилиги, егри қўллиги билан боғлиқ ажралишларда), агар ота-онасининг маросими бўйича мотам либосларини кийиб юрган бўлса, агар унинг ота-оналик оиласи бўлмаса, ерининг уйидан қолиб яшashi мумкин еди. Ер агар хотинининг сеп-сиDirFаси билан бойиб кетган бўлса ҳам, унинг никоҳни бекор қилиш талаби радетилиши мумкин еди.

Япон ҳуқуқи ноқонуний туғилган болаларга ва ота-онасининг ижти-моий мавқеи нотенг бўлган болаларга нисбатан адолатсиз бўлмаган. Кои-да бўйича, ота-оналар ўзларининг ҳақиқий паст мавқеини билмасалар, улар-нинг болалари рёмин бўлиб қолган. Ноқонуний туғилган болалар юқорироқ ижтимоий мавқеини егаллаган ота-оналардан бирининг оиласига тарбия учун берилган, лекин бундай боланинг ота-онаси бир-биридан ажратилган. Хўжайин томонидан қул аёлнинг зўрланиши натижасида туғилган бола ҳам рёмин статусини олган.

Боласиз оилаларга уруғни давом еттириш мақсадида яқин қариндошларидан фарзандликка олиш ҳуқуқи берилган. Бундай болалар қонуний туғилган болалар ега бўлган барча ҳуқуқларни олган. Япон кодексларида қо-нун бўйича мерос институти нисбатан батафсил ишлаб чиқилган еди. Мерос қилиб қолдириладиган нарсалар қаторига холоплар (яъни, қарам кишилар, лекин уруғнинг «аслзода бўлмаган кишилари» тоифасига кирмайдиганлар), майдонлар, қурилишлар, бошқа мулклар кирган. Бунга яна вафот етган оила бошлиғи хотинининг сеп-сиDirFаси ҳам кирган.

Хизматлар учун инъом қилинган майдонлар ва мулклар мерос қилиб қолдирилса, унга нисбатан ўғиллар ва қизларнинг хиссаси teng бўлган. Бош-қа ҳолларда биринчи хотиннинг, шунингдек, катта ўғилнинг (хотинидан бўлган ўғилларининг ҳам, жазманидан бўлган ўғилларининг ҳам) хиссаси икки баравар кўп бўлган. Қизларнинг

ҳиссаси катта ўғилнинг оладиган ҳиссанинг 1/4 қисми миқдорига тенг еди.

Япония ҳуқуқида васият ҳақидағи масала унча батағсил ишлаб чиқилмаган еди, чунки катта оила мулкчилиги устунлик қилган. Васият бўйича фақат шахсан орттирилган ёки шахсан мерос тариқасида олинган мулклар ўтказилиши мумкин еди.

Sud
jarayoni

«Тайхо Ёро рё» нинг «Турмалар ҳақида»ги XXIX қонунига биноан суд жараёни аралаш, айлов-инквизитсион характерида бўлган. Суд иши ё Давлат муассасасининг, ёки алоҳида шахснинг аризаси билан бошланган. «Ошкора» ва «яширинча» чақимчилик кенг тарқалган.

Яқин қариндошларининг ўлдиримиши ҳақида хабар бериш мажбурий бўлган. Агар улар 36 кун ичида одам ўлдирганлиги ҳақида хабар бермаса-лар жиноятда иштирокчилар сифатида жавобгарликка тортилганлар. Агар хабар исён ҳақида, «жаноби олийларининг ҳақорат қилиниши» ҳақида бўлса, хабар берувчи тўғридан-тўғри императорга олиб келинган. Императорнинг яқин қариндошлари ва хизматчиларининг жинояти хабар қилиниши мумкин емас еди.

Тергов маҳсус тайёрланган терговчилар томонидан олиб борилган. Терговчилар жиноятчи билан қариндош бўлсалар ёки у билан алоҳида муносабатда бўлсалар, алмаштирилиши мумкин еди. Оғир жиноят содир етилган ҳолларда чақимчини ҳам, гумондорни ҳам дастлабки қамоқда сақлаш чораси қўлланган. Терговни олиб борувчи амалдор далилларнинг тўла қимматлигига ишонч ҳосил қилиши лозим еди. Оғир жиноятлар содир етилган-да ва далиллар аниқ бўлмаганды қамоқда тергов қилинаётган шахсга нисбатан 20 кун ичида 3 марта қийноқ қўллаш мумкин бўлган. Бунда қийноқлар орасида муайян масофалар бўлиши лозим еди. Исён бўйича тергов ишлари диққат билан уч маротаба ўтказилган.

Суд маъмуриятдан ажралмаган еди. Суд иши жавобгарнинг яшаш жойи бўйича, масалан, уезд бошқармасида ёки унга етиб бориши имконияти бўлмаса, яқин орадаги давлат муассасасида қўзғатилган.

Ишнинг бирор суд идорасига оидлиги жиноят содир етилган жой бўйича, ёки унинг муҳимлик даражаси, ёки берилиши мумкин бўлган жазонинг оғирлиги бўйича белгиланган. Каторга ҳақидағи ва мууддатли сургун ҳақи-даги ишлар провинсия бошқармаларида ҳал қилинган. Оғир жазолар деб назарда тутилган ишлар еса Адлия

министрлиги кўрувига ўтказилган. Бу министрликнинг махсус судялари ва терговчилари нафақат муҳим ишларни тергов қилганлар, балки қуий инстансия томониДан чиқарилган ҳукмларни текширганлар ва қайта қўрганлар, қарзларни ундириш ҳақидаги масалаларни ҳал қилганлар.

Адлия министрлиги қарамоғида иккита бошқарма: жазолар бошқар-маси ва турма бошқармаси мавжуд еди. Жазолар бошқармаси хазина фойда-сига мол-мulkни мусодара қилиш ва жарималар ундириш ишларини юритарди. Турмалар бошқармаси қамоқقا олинганлар ишининг тергов қилинишини, мажбурий ишлатилишини, ҳукмларнинг ижро етилишини назорат қиларди. Адлия министрлигига ўлим жазоси, муддатсиз сургун ёки мансабдорни рўйхатдан ўчириш билан ишдан бўшатишга оид ишлар мажбурий тартибда ўтка-зиларди. Баъзи ишлар кўриб чиқиш учун Давлат кенгашига юбориларди. Давлат кенгаши бундай ишларни махсус қонуншунос-терговчилар ёрда-мида қўшимча тергов қилиши ва бекор қилиши мумкин еди. У ўзининг махсус инспекторлари ёрдамида маҳаллий судлар қарорларининг тўғрилигини текшириб турган. Ўлим жазоси, муддатсиз сургун ва мансабдорларни рўй-хатдан ўчириш билан боғлиқ ишлар императорга Доклад қилинган. Импе-ратор олий апелляцион инстансия сифатида майдонга чиқкан.

XII БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

- *Ўрта асрларДа ҲинДистон Давлатининг ривожланиши хусусиятлари ва Давларга бўлиш масалалари.*
- *ҲинДистон ижтимоий тузумининг хусусиятлари.*
- *ҲинДистонДа ҳокимият ва Давлат бошқарувининг ташкил етилиши.*
- *Ўрта асрларДа ҲинДистон ҳуқуқининг асосий белгилари.*

1. Ўрта асрларДа ҲинДистон Давлатининг ривожланиши хусусиятлари ва Давларга бўлиш масалалари

Ўрта асрларДа ҲинДистон жамиятининг секин ва нотекис ривожланиши ушбу Давлатни Давларга бўлишни анча мураккаблаштираДи. Қадимги ҲинДистон ДавриДаёқ феоДал муносабатларни еслатувчи баъзи институтларни учратиш мумкин еДи. Масалан, ҲинДистонДа йирик хусусий ер егалиги, қа-рам Дехқонларнинг эксплуататсия қилиниши ва ҳоказолар қадимги ДаврДа-ёқ мавжуд бўлган. Қулчилик еса нафақат ўрта асрларДа, балки унДан кейин ҳам йўқолмаган.

В-ВII асрлар ҲинДистон тарихиДа шартли равишДа ўрта асрларнинг бош-ланиш Даври ҳисобланади. Лекин бу вактДа мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тузумиДа тубдан ўзгаришлар юз бермаган еДи. Масалан, қадимги ДаврДа-ги Маурйлар империясига ўхшаган йирик Давлатлар ташкил топмаган еДи. Ўрта асрларДа ҲинДистон сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган. У ИВ асрнинг бошлариДа бир неча ўнлаб майдан ва йирикроқ Давлатлардан иборат бўлиб, бу Давлатлар тепасиДа кичик-кичик подшолар - рожалар туради.

Улар ўртасиДа тинимсиз ўзаро урушлар бўлиб туради. 320 йилда ши-молий ҲинДистоннинг рожалариДан бири Чандрагупта И (320-340 йиллар) тева-рак-атрофДаги подшоларни ўзига бўйсундириб, Ганг Дарёси ҳавзасиДа хийла катта бир Давлат тузди, бу Давлат Гупта Давлати Деб аталиб, ВИ асрнинг бошигача яшади. У В асрдаёқ тушкунликка учрайди, бунинг асосий сабаби меҳнаткаш омма аҳволининг оғирлиги еДи. Гупта подшолигига узил-кесил зарба берган нарса кўчманчи ефтальитлар, яъни оқ гуннларнинг бостириб кириши бўлди, улар В асрнинг охири - ВИ асрнинг бошлариДа шимолий чегарани ёриб ўтиб, Шимолий ҲинДистоннинг

кўпгина шаҳар ва қишлоқ-ларини ниҳоятДа вайрон ва хароб қилиб ташлади. 530 йилДа оқ гуннлар под-шо Гуптанинг вассали рожа Ясодхарма томонидан тор-мор қилинди. Гунн-ларни енггандан кейин, Ясодхарма Гупта сулоласига итоат қилишдан бош тортиб, ўзи маҳарожа унвонини олди. Лекин унга Гупта Давлати ҳудудининг бир қисмигина бўйсунди.

VI асрнинг бошларида Харша (606-647 йиллар) Давлати бурмунча вақтгача юксалиб борди. Харша Канаужа князлигининг рожаси еди, сўнг-ра у бутун Шимолий Ҳиндистонни ўзига бўйсундирди. Харша Давлати Ганг Дарёси водийси бўйлаб Шарқий Панжобдан то Бенгалия қўлтиғигача бўлган ҳудудни ўз ичига олди. Марказий Ҳиндистоннинг князлари ҳам Харшага вассал қарамликида еди. Ҳаммаси бўлиб 40 тача княз унга қа-рам еди. Харша империяси узок умр кўрмади. Унинг ҳокимияти феодал-лашув жараёнининг кучайиши, ўз вассаллари - рожалар қудратининг тобора ортиб бориши натижасида заифлашди; бу рожалар пировардида бутунлай мустақил бўлиб, марказга итоат етмай қўйди. Харша вафотидан кейин унинг Давлати парчаланиб кетди. Узок вақтгача Ҳиндистон чет ел босқинчиларига қаршилик кўрсата олмайдиган тарқоқ бир мамлакат бўлиб келди.

Шиддатли ва шафқатсиз ўзаро урушлар мамлакатни оғир аҳволга со-либ қўйди ҳамда мусулмон истилочиларини Ҳиндистоннинг шимолий қисмини босиб олишини енгиллаштириди. Натижада Ҳиндистоннинг шимолига жуда кўп мусулмонлар - хурросонликлар, турк ва афғонлар бориб ўрнашди. Шимолий-Шарқий Ҳиндистон (ҳозирги Пакистон) аҳолисининг бир қисми ислом динини қабул қилиб, бора-бора истилочилар билан аралashiб кетди.

XII аср охирларида Ҳиндистонга Фазна истилочилари ҳал қилувчи хужум қилди. 1175 йилда Фазна ҳокими Муҳаммад Гурий Панжобга бостириб кириб, уни егаллагач, шарққа қараб силжишни Давом еттириди. 90-йилларда у Жамна билан Ганг Дарёлари ўртасидаги бутун ерларни, сўнгра esa Бенгалияни босиб олди, Гурий вафотидан (1206 йилдан) кейин унинг ноibi КутбиДин Ой-бек Фазнадан ажralиб чиқиб, Ҳиндистоннинг шимолида (ҳозирги Ҳиндистон Республикасининг пойтахти Дехлини марказ қилиб) мустақил давлат тузди. Янги давлат пойтахт шаҳарнинг номи билан Дехли сultonлиги Деб юритила-Диган бўлди. 1206 йилда Фазна сultonларида мустақил бўлиб олган Дехли сultonлиги XII va XIX аср давомида анча катта давлат сифатида яшади.

Дехли султонлиги айниқса ХИИ аср охири ва ХИВ аср бошлариДа кен-гайДи, бу вақтДа унинг таркибига Шимолий ҲинДистонДан ташқари Марказий ҲинДистон вилоятлари ва Декан ясси тоҒлигиДаги кўпчилик Давлатлар ки-рарДи. Декан 1306-1310 йилларДа султон Оловиддин Хилжий томониДан босиб олинДи. НавбатДаги султонларДан бири - Муҳаммад Туғлақ (1325-1351 йиллар) Деярли бутун ҲинДистонни бўйсунДириб, ҳатто Ерон билан Хитойни забт етишни орзу қилган еДи. Аммо султонликнинг кенгайиши мустаҳкам харак-терга ега емас еДи. ХИВ аср ўрталариДа Дехли ажралиб чиқДи, кўп ўтмай ДехлиДан шимолДаги кўргина вилоятлар, шу жумладан, Бенгалия ажралиб кетДи. Дехли султонлиги таркибига кирган кўпчилик вилоятлар ХИВ асрнинг иккинчи ярмиДа мустақил Давлатга айланиб олДи. Султон Дехлининг ўзиДа унча мустаҳкам ҳокимиятга ега емасДи, чунки у ерДа феодалларнинг турли гуруҳлари ўртасиДа ҳокимият учун узлуксиз кураш борарДи.

ХИВ асрДа ҲинДистон тамомила тарқоқ феодал Давлат еДи. Жуда кўп мусулмон ва хинД феодал Давлатлари бир-бирлари билан узлуксиз кураш олиб борарДилар. Шафқатсиз феодал эксплуататсияси ва тўхтовсиз ички феодал урушлари. 70-йилларДа Дехли султони ўз қўлиДа қолган озгина ерларни ҳам ҳимоя қилишга қодир емасДи. Марказий ҳокимиятнинг заифлиги ҲинДистон-ни янги чет ел ҳужумларига қаршилик кўрсата олмайдиган қилиб қўйДи. ХИВ асрнинг охириДа Дехли султонлиги Амир Темур қўшинлари томониДан қақшатқич зарбага учради. Аммо Темур ҲинДистонни бирлаштириш ва ҳатто уни Ўрта ОсиёДаги ўз ерлари билан бирор Даражада мустаҳкам боғ-лаш мақсадини қўймаган еДи. Бошқа юришлар билан банд бўлган Те-мур ҲинДистонни ўз ҳолича ташлаб қўя қолДи. Темур вафотиДан кейин ҲинДистон ўзининг мустақил Давлатини тузиши мумкинДек туюлДи, бироқ бу ерДаги иқтисодий инқироз бунга ҳалақит берган еДи. Тўғри, ХИВ-XV асрларДа ҲинДистоннинг жанубиДа анча йирик Давлатлар - Бахмани ва Вижаяна-гар мавжуД еДи. Лекин улар ҳам узоқ яшамади ва тез орада бир неча майдан князликларга ажралиб кетДи. XVI асрДа ҲинДистонДа европаликлар пайдо бўлди. Португаллар европаликлар ичида ҲинДистонни мустамлакачи-лик эксплуататсиясига биринчи бўлиб Дучор қилДилар. Кейинчалик, XVI аср охири XVII аср бошлариДа уларга голланДлар ва инглизлар келиб қўшилДилар. XV аср мобайниДа Дехли султонлиги буюк

Давлат бўлмай қолган еди. Дехли шаҳри ва унинг атрофиДаги ерлар хукмрони Дехлининг буюк султони Деган ДабДабали унвонга ега бўлса ҳам, Шимолий ХинДистонДаги оДДий Давлат - князликларДан бири еди. Енг йирик Давлат - қўшни Бенгалия князлиги еди, бироқ у ҳам лоақал Шимолий ХинДистон учун гегемоник ролини ўз зиммасига ололмас еди.

1526 йилДа Темурнинг евраси - амир Бобур афғон тоғ йўллари орқа-ли ХинДистонга кириб борди. У Дехлини босиб олиб, ўзини ХинДистон императо-ри (тўғрироғи - шоҳ) Деб еълон қилди. Бобур бу ерда ХинДистон ва Афғонистон ерлариДан иборат катта бир Давлатга асос солди. Бу Давлат кўпгина тарихий, шунингдек, ҳуқуқий-тарихий адабиётларда Буюк мўғуллар им-перияси¹⁴³ Деб нотўғри юритилади. Чунки унинг асосчиси Бобур ўзбек шоири ва ёзувчиси, саркарда ва Давлат арбоби бўлиб, уни мўғуллар авло-Дига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунинг учун Бобур асос солган ушбу сулолани Бобурийлар салтанати Деб аташ ҳақиқатга яқинди. Бундан таш-қари, Бобурнинг авлодлари ўзларини «мўғуллар» Деб емас, «Бобурий мирзолар» Деб аташган¹⁴⁴.

Бобур ва унинг ворислари Даврида ХинДистон ҳар томонлама равнақ топди. Лекин Бобурийларнинг сўнгги вакили Аврангзеб вафотидан сўнг бу салтанат айрим парчаларга бўлиниб кетди ва тез орада Европа мустамла-качилари томонидан асоратга солинди. Шу тариқа, ХинДистоннинг ўрта асрлардаги ривожланиши ҳам ниҳоясига етди.

Умуман, ўрта асрларда ХинДистон Давлати ва ҳуқуқи тарихини қуидаги Давларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) ХинД феодал Давлатининг ташкил топиши Даври (ИВ-Х асрлар); 2) Дехли султонлиги ва Бобурийлар салтанати Даври (Х-XVI асрлар); 3) ХинД феодал Давлатининг инқирози ва Англия хукмронли-гининг ўрнатилиши Даври. Гарчанд, ХинДистоннинг ўрта асрларда Давларга бўлиниши масаласида ягона фикр бўлмаса-да, уни яна қуидагича Даврларга бўлиш ҳам мумкин: 1) илк ўрта асрлар (VI-X асрлар); 2) ривожланган ўрта асрлар (X-XVI асрлар); 3) кечки ўрта асрлар (XVI асрдан кейинги Давр).

¹⁴³ Qarang: История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.-М.:Издательство НОРМА, 1996. – 409-б.; История государства и права зарубежных стран. Т.1,-М., 1963. – 572-, 579-, 581-betlar.

¹⁴⁴ Муқимов З. Chet mamlakatlar davlat va huquqi tarixi. (Qadimgi va o'rta asrlar davlati va huquqi tarixi). – Samarqand, 1992. 154-б.; Азимжонова С. Государства Бабура в Кабуле и в Индии.-М.: Наука, 1979.

2. ҲинДистон ижтимоий тузумининг хусусиятлари

Илк ўрта асрлардан бошлаб Дехқонлар жамоаларини асоратга солиш, уларни солиқса тортиш жараёни кучайган, хусусий ер егалигининг ўсиши билан феодал эксплуатациянинг турли шакллари вужудга келган.

Гупта Даврида ҲинДистоннинг ижтимоий тузуми асосан ҳали қулДорлик характерини сақлаб қолган еди. Қуллар турли ирригатсия ва қурилиш ишларида, қишлоқ хўжалигида ҳамда кўпДан-кўпи хизматкор ва малай сифатида уй-рўзФор ишларида кенг фойдаланиларди. Қуллар бозори кенг йўлга қўйил-гунича Давом етмоқда еди. Қуллар ОсиёДангина емас, ҳаттоқи Африкадан ҳам келтириларди.

ҲинД жамиятида қулДорликка хос аломатларнинг мавжуДлиги аҳолининг касталарга (табақаларга) бўлинишида ҳам намоён бўлган еди, бу бўли-ниш Гупта Даврида ҳам сақланиб, янада ривожланмоқда еди. Қадимий кас-таларнинг тўртта асосий тури - брахманлар (коҳинлар), кшатрийлар (жангчи-лар), вайшийлар (Дехқонлар, хунарманлар, савдогарлар) ва шудралар (собиқ қулларнинг ва ҳар тоифадаги қарам кишиларнинг енг паст табақаси бўлиб, булар «киши ҳазар қиласиган» ишларни бажарувчи кишилар еди) - ҳали жуда қадим замонларда таркиб топган ҳинД жамияти ижтимоий тузилишининг турли босқичларини ифода етарди. Ўрта асрларнинг бошларида ҳинД касталари анча еволюционлашди. Брахманлар ва кшатрийлар коҳин ва ҳарбий табақаларга айланиб кетдилар, давлат ҳокимияти уларнинг қўлида еди, шу билан бирга улар жуда кўп қуллари бўлган енг йирик ер егалари едилар. Иккинчи бир ўртача ва паст Даражадаги касталар вақт ўтиши билан майдалашиб борди. Гупта Даврида касталарнинг миқдори бир неча ўн турдан ошди. Жамият-нинг шудрага оид енг тубан кастаси «ҳазарли кишилар» Деб аталар еди, чун-ки улар олий каста вакилларига яқинлашса, бу олий зотларни гўё ҳаром қиласиган Деб ҳисобланарди.

Енг паст касталарнинг ҳақ-хукуқсизлиги, хўрланиши қулДорлик тузуми мафкурасининг енг ёрқин ифодаси еди, қулДорлик тузуми Даврида кишилар, бир томондан, тўла хукукли, еркин қулДорхукмдорларга, иккинчи томондан, бутунлай ҳақ-хукуқсиз, хўрланган, задаланган қулларга ёки шуларга ўхшаб кетадиган кишиларга бўлинган еди.

Аммо ҲинДистонДаги қулДорлик тузумининг яна бир характерли хусу-сияти шу еДики, ривожланган қулДорчилик ва эксплуатасиянинг қулДорлик тизими билан бир қаторДа Ғоят катта иқтисоДий аҳамиятга ега бўлган жа-моа Дехқончилиги ҳам Доим мавжуД бўлиб, яшаб келмоқДа еДи. Қиш-лоқ жамоаси қулДорлик тузуми ДавриДа ҳам, кейинчалик бориб феоДализм ДавриДа ҳам ҳинД жамиятининг қуи ижтимоий-иктисоДий ячейкаси бўлиб хизмат қилДи, бу жамият шу ячейка устига қурилган еДи. Ҳар бир қишлоқ-нинг маълум миқДорДа екинзор ери ва яйлови бор еДи. Ҳар бир қишлоқнинг тепасиДа оқсоқол ва яна бир неча мансабДор киши турарДи. Қишлоқ жа-моаси бир неча ўн ёки бир неча юз оиласдан иборат бўлиб, ҳунарманД-чиликнинг қишлоқ хўжалиги билан қўшилишига асосланган бошланғич ишлаб чиқариш ячейкасини ташкил қиларДи. Гупта подшоларининг иқтисо-Дий қудрати биринчи навбатДа беҳисоб Дехқон жамоаларини эксплуатасия қилишга асосланган еДи.

Бирок, Гупта Даври қулДорлик тизимининг тушкунликка юз тута бошла-ганлиги билан тавсифланади. ҚулДорлик тузуми замириДа феоДал тузуми еле-ментлари ташкил топаётган еДи. Фарбий Европа ва Араб халифалиги мам-лақатлариДа қўрганимизДек, феоДал жамиятининг негизи бўлган жуда кўп сонли жамоа Дехқончилигининг мавжуДлиги ҳинД жамиятига қулДорлик тузумидан феоДал тузумига ўтишни енгиллаштириДи. Гупта ДавриДа қулДорчилик тугатилиб, феоДализм туғила бошлаганлигини бир қанча фактлардан кўриши-миз мумкин. Қуллар тез-тез еркинликка қўйиб юбориладиган ва муайян хизматларни ўташ шарти билан уларга унча катта бўлмаган ер участка-лари ажратиб бериладиган бўлди. Подшо хўжалигиДаги ерларнинг ҳаммасиДа қуллар ишламас еДи, бу ерларнинг талай қисми ҳосилнинг бир қисмини подшо хўжалигига топшириш шарти билан ижарага бериларДи. Майдан ижарачиликка ўтилишига сабаб, манбаларнинг кўрсатишича, қулларнинг етишмаслиги еДи. Шу билан бир вақтДа қишлоқ жамоасининг ўз ичиДа муҳим жараёнлар юз бермоқДа еДи.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш қуроллари-нинг такомиллашиши натижасиДа кичикроқ оиласнинг кучи билан ҳам хўжалик юритиш мумкин бўлиб қолди. Катта оиласлар майдан-майдан оиласларга бўли-ниб кетди; катта оиласа қарашли чек ерлар ҳам парчаланиб кетди; бунда тўнғич ўғилга укаларига қарагандан қўпроқ ер ажратиб берилар еДи. Од-Дий

жамоачиларнинг бир қисми хонавайрон бўлиб, жамоанинг анча бойроқ аъзоларига қарам бўлиб қоларДи. Жамоа ичиДа эксплуататорлар қатлами бунёДга келар еДи, буларнинг жуда кўп мол-ҳайвонлари ва меҳнат қурол-лари бўлиб, хонавайрон бўлган жамоачиларни эксплуататсия қиласар еДилар. Буларнинг ҳаммаси оқибат-натижада феодал қарамлиги муносабатларининг ўрнатилишига олиб келДи.

XII-XVI асрларда ХинДистонда феодал тузуми ўзига хос тарзда ривож-ланДи. Бир томондан, ХинДистонда мусулмон ер егалиги тизими қарор топиб, шу туфайли бутун ерлар Давлат бошлиғи - сultonнинг мулки ҳисобланарДи. КелгинДи мусулмон феодаллари сultonнинг ҳарбий хизматчиси бўлиб, ундан иқта - вақтинча ва умрбод фойдаланиш учун ер оларДилар. Улар ахолидан (Дехқонлардан) рента ундириб олиш ҳуқуқига ега еДилар. Иккинчи томон-дан, мамлакатда маҳаллий феодаллар - князлар (рожалар) сақланиб қолганДи. Улар ўз вилоятларини амалда мустақил равишда бошқариб, сultonга муай-ян миқдорда бож тўларДилар. Ўрта ва майдан феодаллари - рожапутлар ва бошқалар - қисман мерос бўлиб қолган феодал мулкчилиги ҳуқуқи асосиДа, қисман ҳарбий хизматни ўтаб турган пайтиДа вақтинча бериладиган инъом тариқасидаги ерга егалик қиласарДилар. Вақт ўтиши билан келгинДи иқтадорлар ҳам ернинг меросхўр егаларига айланиб борДилар, аммо бу жараён XIB асрнинг охиригача ҳам тугалланмади. Ерларнинг катта қисми ҳар иккала Дин - маҳаллий ҳинД Дини (ески ибодатхона ер егалиги) ҳамда янги, мусулмон Динидаги (вақф ерлари) рухонийларнинг қўлиДа еДи.

Бу Даврда ХинДистон феодал тузумининг яна бир хусусияти - жамоачи Дехқон ҳўжаликларининг илгаригидек устун бўлиб қолганлигиDir. Маҳаллий ҳинД ва келгинДи турк-мусулмон феодалларининг ўзлари одатда ҳўжалик билан шуғулланмас, балки қарам Дехқонлардан озиқ-овқат рентаси, қисман пул рентасини ундириб оларДилар. Баршина ишлари мавжуд бўлган жойларда асосан қуллар ва паст табақа Дехқонлар меҳнатидан фойдаланиларДи.

XII-XIV асрларда ХинДистон феодал тузумининг характерли хусусияти - шаҳар ҳаётининг анча интенсив ривожланишиDir. Қадимги тарих даврида-ёқ мавжуд бўлган шаҳарлар қаторига сultonлар ва уларнинг набиралари - феодалларнинг резидентсияси сифатиДа вужудга келган кўпгина янги шаҳарлар қўшилДи. Дехли

шахрининг ўзи ана шунДай феоДал-пойтахт шахри учун мисол бўла олади. Бу ерДа жуда кўплаб сарой аҳли ва хизматчилари, аскарлар, амалдорлар ва шу сингарилардан ташқари, кўпгина ҳунарманлар ва савдогарлар яшаб, улар султон саройи ҳамда пойтахтдаги бошқа феоДалларнинг иқтисодий еҳтиёжларини қондирдилар.

Агар муносабатлар илгари Дехли султонлигида қандай ривожланган бўлса, Бобурийлар даврида ҳам худди шундай йўналишда ривожланаверди, аммо уларнинг ХинДистоннинг янги ерларини босиб олиши натижасида ерга давлатнинг феоДал усулида егалик қилиши янада кучайди. Император ҳамма ерларнинг олий егаси Деб ҳисобланарди. Аслида у ерларнинг бир қис-мигагина егалик қиласиди. Императорга тегишли ерлар мамлакатдаги екин екиладиган ҳамма ерларнинг таҳминан саккиздан бир қисмига тенг еди.

Ана шу ерлардан олинадиган Даромад шоҳ саройи ва шоҳ қўшин-лари ҳаражатлари учун асосий манба бўлиб хизмат қиласиди. Колган ерларни император асосан феоДал зодагонларига, кўпроқ мусулмонларга жагирлар сифатида бўлиб берар еди. Жагирнинг маъноси ҳарбий хизмат ўталаётган муддатда бериладиган ва мерос бўлиб қоладиган ер демакдир. Жагир егаси - жагирдор расман ўзига қарашли ерларда яшовчи аҳолидан феоДал рен-таси йиғиш ҳуқуқинигина оларди. Амалда еса жагирдор меҳнаткаш аҳоли устидан ҳукмдорлик қиласи, аҳолига ўзи хоҳлаганича турли соликлар солар ва оддий халқни ҳар хил ишларни бажаришга мажбур қиласи едилар. Жагирларнинг ҳажми ҳар хил бўларди; уларнинг кўпчилик қисми жуда катта бўлиб, уларда бир йўла ўн мингларча Дехқонлар ишлардилар.

ФеоДал ер егалигининг асосий шакли бўлган жагир билан бир қаторда мамлакатдаги ерга егалик қилишнинг илгари таркиб топган ва янгидан ри-вожланаётган бошқа шакллари ҳам бор еди. Жумладан, Бобурийлар давлати-да хинд феоДаллари босиб олувчиларга бўйсуниш ва уларга мунтазам бож тўлаш шарти билан ерга егалик қилишни сақлаб қолган едилар. Маҳаллий беклар ва қабилаларнинг раҳбарлари - заминдорлар келгинди забтчилар учун аҳолидан солик тўплаш ҳуқуқини олган едилар. Заминдорлар вазифаси мерос бўлиб ўтади Деб ёълон қилинганлиги сабабли, заминдорлар вақт ўтиши билан солик йиғиладиган ана шу ерларни ҳам ўз ер мулкларининг бир тури Деб ҳисоблай бошладилар. Ер мулки асосан, мусулмонлар қўлига ўтган бўлса, савдо, судхўрлик

оператсиялари ва айниқса ҳунарманДчилик маҳаллий ҳинД аҳолиси қўлиДа қолДи. Мусулмон савДогарлари қадимДан бери Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ билан савДо алоқалари қилиб келаётганликлари сабабли қуруқликДа ва қисман Денгиз орқали ташқи савДодагина ҳинДларДан устун турадилар.

Аҳолининг асосий қисмини Дехқонлар оммаси ташкил қилиб, феодал зулмнинг бутун оғирлиги шулар зиммасига тушарДи. Қисман натура тарзи-Да, қисман пул рентаси тарзиДа солик тўлайдиган жамоачи Дехқонларнинг ахволи асосан илгариги асрлардагидек қолаверган бўлса ҳам, Бобурийлар давриДа ҳар ҳолДа ХинДистонДа муҳим иқтисодий ўзгаришлар рўй бериб, бу ўзгаришлар ески жамоа тизимишинг бузила бошланганлигиДан далолат берар-Ди. Бунинг асосий сабаби мамлакатДа товар-пул муносабатларининг ривожла-ниши бўлДи. Айни вақДа ХинДистонДа шаҳарлар ривожланДи, саноат ишлаб чиқариши ўсДи; ривожланаётган шаҳарлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тобора кўпроқ еҳтиёж сездилар. Буларнинг ҳаммаси майДа қишлоқларнинг биқиқлигини кўп жиҳатДан йўқотган еДи. Дехқон жамоалари тобора кўпроқ бозор муносабатларига жалб қилинДилар.

Шунинг натижасиДа жамоалар ичиДа Дехқонларнинг турли гуруҳлари ўртасиДа тенгсизлик келиб чиқДи. Жамоа зодагонлари (оқсоқол, мирза, ма-ҳаллий дўкончи ва бошқалар) жамоанинг чек ерларига ега бўлган аъзо-лари билан биргаликДа Дехқон камбағалларига қарама-қарши турадилар. Камбағалларининг катта қисми «моҳов» касталари Деб аталаДиган паст таба-қа вакиллариДан иборат еДи. Бу камбағаллар батраклар сифатиДа эксплуатат-сия қилинадилар. Камбағал Дехқонлар, шунингдек, ип йигириш ва газлама тўкиш билан шуғулланадилар. Патриархал-жамоа тартибларининг емирилиши, товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва феодал эксплуататсиясининг ўсиши шароитиДа ҳинД қишлоғининг қашшоқлашуви кейинчалик қўплаб кенг халқ ҳаракатларини келтириб чиқарДики, бу ҳаракатлар оқибат натижада Бобурийлар давлатини инқирозга олиб келДи.

3. ХинДистонДа ҳокимият ва Давлат бошқарувининг ташкил этилиши

Markaziy boshqaruv Милоднинг ИВ асрлари бошларига қадар ХинДистон бир неча мустақил давлатлардан

иборат бўлиб, хар бир Давлат бошиДа мамлакатини тўла егаллаган подшолар – Махаражалар турган. ИВ асрнинг бошлариДа шимолий ҲинДистон, Ганг ва ҲинД Дарёлари ҳавзасини бирлаштирган жуда катта империя - Гупталар Давлати вужуДга келаДи. Бу бошиДа ҳинДлар турган охирги салтанат бўлиб, ВИ асрларгача ҳукм суради. ҲинДистон ВИ-ХII асрларДа бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган кўп сонли Давлатлар - князликларнинг йиғинДисидан иборат бўлиб, Дастребки ДаврларДа ушбу ДавлатларДа уруғдошлилик муносабат-ларининг кўпгина қолдиклари сақланиб қолган еди. Бу Давлатлар тепасиДа кичик-кичик подшолар-рожалар туради, улар ҳукмрон табақаларга – брах-манлар табақасига (коҳинларга) ва кшатрийлар табақасига (ҳарбий зодагон-ларга) суюнар еди. Вақти-вақти билан бу Давлатлар урушлар натижасиДа ҳукмдорлар томонидан анча йирикроқ Давлатларга бирлаштирилиб туради.

ВII асрДа ривожланган Харша, Чалукилар Давлатлари, ВIII асрдаги Гуджара-Пратихарлар Давлатлари ана шундай Давлатлар бўлган. Лекин улар ҳам қабилавий подшоликлар йиғинДисидан иборат примитив Давлатлар еди. Уларнинг чегаралари доимо ўзгариб туради ҳамда мунтазам маъмурий аппарати ташкил этилмаганди. Бу Давлатлар тепасиДа **махаражалар** - буюк князлар туради. Баъзи майдан подшоликларДа подшолар сайлаб қўйиларди. Махаражаларга маслаҳатчилар ёрдам берарди. Маслаҳатчилар **мантри-паришад** Деб аталувчи маслаҳатчи орган таркибига кирадилар. Давлат аппаратиДа муҳим ўрин ҳарбийларга ва солиқ йиғувчиларга тегишли еди.

Анъанавий сиёсий тарқоқлик, марказий Давлат аппаратининг кучсиз-лиги ўрта асрлар ҲинДистони учун хос бўлган белги еди. Бу ҳинД жамияти жамоавий ташкилотларининг мустаҳкамлиги, барқарор мавжуДлиги ва ўз-ўзиДан ривожланиши билан ҳам тавсифланади.

ҲинДистон мусулмонлар томонидан босиб олингандан сўнг маълум Даражада Давлат бирлигига еришилган. Мусулмонларнинг ҲинДистондаги бос-қинчилик урушлари XII асрдаёқ бошланган еди. Босиб олинган ҳинД ерлари Дастреб Гурийлар Давлати таркибига киритилган, сўнгра esa XIII асрдан Дехли сultonлиги номини олган мустақил Давлатга ажратилган. 1229 йилда Дехли сultonлиги боғдоD халифаси томонидан мустақил Давлат сифатиДа тан олинган. Бироқ Дехли ҳукмдорларининг бошқа мусулмон Дунёси билан мустаҳкам алоқалари узилиб қолмаган. Дехли сultonлари у ёки

бу чет ел ҳукмДорлари-нинг - турклар, тожиклар, форсларнинг гумашталари бўлиб қолаверганлар.

XVI асрнинг бошиДа ҲинДистон Бобур қўшинлари томониДан босиб олинган. ЮқориДа айтганимизДек, тарихДа нотўҒри ном билан юритилаДи-ган «Буюк мўҒуллар империяси» вужуДга келган. Бу аслиДа Бобурийлар салтанати еДи. XVI асрнинг охири - XVII асрДа ушбу Давлат жуДа равнақ топган.

Деҳли сultonлигиДа ҳам, Бобурийлар салтанатиДа ҳам монархия бош-қарув тизимиға асосланган Давлат ҳокимияти органлари мусулмон Давлати-нинг ислом Диний таълимоти асосиДа ташкил етилган еДи. Бу таълимотга асосан Аллоҳга ишонувчи барча мусулмонлар битта бошлиқقا ега бўлиши ке-рак. Мусулмон Давлати бевосита Аллоҳ томониДан бошқарилмайДи. Балки Аллоҳ қонунлари асосиДа унинг ерДаги вакили томониДан ёки кўп ҳолларДа руҳонийлар кенгаши томониДан бошқарилади, бу кенгаш ислом Динининг ўзига хос қоидаларига ега бўлади. Расман мусулмон ҳукмДорларининг ваколатлари ана шу қоидалар асосиДа белгиланади.

Лекин амалДа бу ваколатлар ҳукмДорлар ва зоДагонлар ўртасиДаги ҳокимият учун тинимсиз курашлар натижасиДа белгиланаар еДи. Масалан, Деҳли сultonлигиДа мусулмон зоДагонларининг куч-қудрати НасриДдин Маҳмуд (1246-1265 йиллар) ҳукмронлиги ДавриДа сultonлар мавқеининг мустаҳкамланиши билан алмашган. Муҳаммад ТуҒлок (1325-1351 йиллар) ўз танга пулларига «Султон - худонинг сояси» Деб ёздириб қўй-ган еДи. Бобокалонимиз Бобур еса илоҳий ҳуқуқларга ега бўлган подшоҳ унвонини олган еДи.

Давлат бошлиғи (султон, подшоҳ)нинг ҳокимияти меросий бўлган. У ўзига тахт вориси тайинлаши мумкин еДи. ҚуръонДа ҳукмДорларнинг маж-буриятлари санаб ўтилган. УларДан биринчиси исломни ҳимоя қилиш, жумла-Дан, Диний урф-одатларни қўллаб-куватлаш ва биДъатчиларни таъқиб қилиш ҳисобланган. Мусулмон ҳукмДорлар бу талабларга босиб олинган ҲинДис-тонДа ҳар Доим амал қилавермаганлар. Чунки хаёт кўпинча уларни маъ-лум ён беришлар қилишга, Дин еркинлиги сиёсатини юритишга мажбур қилар-Ди.

Мусулмон ҳукмДорлари олий қонун чиқариш ва суд ҳокимиятига ега еДи. Мусулмон ДавлатиДа Давлат бошлиғиДан кейин иккинчи шахс - олий чиновник - вазир бўлган. У ҳарбий ва

молиявий иДорага раҳбарлик қилган. Унинг асосий мажбурияти султоннинг буйруқларини ҳаётга тадбиқ қилиш еди. Вазирлар кўпинча бутун ҳокимииятни ўз қўлларида тўплардилар.

Деҳли султонлигида ҳам, Буюк Бобурийлар салтанатидан ҳам марказий бошқарувни маҳсус ҳукумат иДоралари - **Девонлар** амалга оширган. Де-вонлар бошқарувнинг турли соҳаларини иДора қилганлар, турли маълумотларни сақловчи маҳсус китоблар юритганлар, умум давлат аҳамиятига ега бўлган статистик маълумотлар тўплаганлар.

Ҳарбий маҳкамам мусулмон Давлати механизмида алоҳидан ўринни егалларди. У ҳарбий кучларни, ёлланма қўшинлар сонини, султон ёки подшоҳнинг шахсий қўриқчиларини, ер ва пул мукофотларини, горизонларнинг жойлашган жойини ҳисобга олиш билан шуғулланарди. Бу маҳкаманинг бош интенданти¹⁴⁵ ва хазиначиси Бобурийлар салтанатидан жагирлар берилишини назорат қилган, қўрикларда қўшинлар ҳисобини, унинг қуролланишини текширган. Молия маҳкамаси Давлат хазинасига соликлар, ўлпонлар ва бошқа тушумларнинг келиб тушишини ва ҳисобга олинишини назорат қилган.

Барча Давлат хизматчиларининг тайинланишини ва уларга Давлат хази-насидан маблағлар ҳамда ерлар берилишини маҳсус маҳкамам амалга оширган. Бу маҳкамам тепасидан XVI асрда **мирсамана** туради. У бир вақт-нинг ўзида подшоҳлик устахоналари ва омборхоналарини ҳам юритарди. Давлатнинг яна бир муҳим маҳкамаси - **Садр-ус-судур** бўлган. У ўзига хос дин ва суд бош бошқармаси ҳисобланган. Унга бевосита подшоҳнинг ўзи ёки унинг томонидан тайинланган маҳсус вакил бошчилик қилган. Қозилар худди шу маҳкамам томонидан тайинланарди.

Деҳли султонлигида ҳам, Бобурийлар салтанатидан ҳам сарой мансаб-дорлари ва Давлат мансабдорлари функциялари ўртасидан аниқ чегаралар йўқ еди. Деҳли султонлигининг саройи мамлакат сиёсий ҳаётининг ва империя бошқарувининг маркази бўлган. Саройда сарой бошқарувчиси - **вакилдор** алоҳидан ўрин тутарди. У султоннинг оиласига ва яқинларига қилинадиган хизматларни уюштирган, уларнинг овқатланишини таъминлаган, султоннинг хизматкорларини бошқарган. Бобурийлар салтанатидан барча сарой хизмат-чилари ҳарбий унвон ва Даражага ега бўлганлар. Улар кўпинча Давлат мансабдорлари фаолияти устидан назорат қилиб

¹⁴⁵ Intendant – armiyada moddiy ta'minot xizmatini bajaruvchi harbiy xodim.

турганлар. Марказий бош-қарув Да подшоҳнинг шахсий котиби катта рол ўйнарди. У подшоҳ фармон-ларини кўриб чиқувчи маҳсус амалдор еди.

Деҳли султонлиги ва Бобурийлар салтанати Давлат механизмининг уму-мий белгилари улар ўртасиДаги фарқларни истисно қилмаган. Ҳар икки Давлат ўз вақтиДа ўзига хос Давлат органлари, мансабдор шахслари ва сиёсий режими билан ажралиб турган. Деҳли султонлигининг ҳукмдорлари босиб олинган мамлакатларДа ўз ҳокимиятини халқ ва исёнчи ҳинД ҳукмдорлари қаршилигини бостиришнинг қаттиқ усуллари билан ўрнатганлар. Султонлар ҳарбий кучларга суюниб, бўйсунмаган кишиларнинг молмулкларини мусодара қилганлар, ўзларини ўлдирганлар. Ислом (суннийлик оқими) Давлат Дини, форс тили еса - суд ишларини юритиш тили бўлиб қолган. Бобурийлар ҳукмронлиги мутлақо бошқача йўлдан борди. Масалан, Бобурнинг невараси шоҳ Акбар ўзидан олдин ўтган шоҳлардан бошқача йўл тутиб, ҳинД феодалларини ўз хизма-тига тортишга харакат қилган еди. Шунингдек, у ҳинД савдогарларига Доим ҳомийлик қилиб келган еди. Индуизмга еътиқод қилувчиларга нисбатан Диний таъқиб ҳам Акбар давриДа тўхтатилди.

ҲинД аҳолиси жузъядан, яъни ҳинДларни камситувчи, жон бошига соли-нағидан оғир солиқлардан озод қилинган еди, бундан олдин еса бу солиқдан фақат мусулмонларгина озод еди. Акбар дин еркинлиги тўғрисиДа фармон чиқариб, авваллари мажбурий равишДа ислом динига киритилган ҳинДларга ўз-ларининг илгариги динларига bemalol қайтишга рухсат етган еди. Акбар подшолик қилган давр ҳар иккала лагер - мусулмон ва ҳинД феодаллари муайян даражада жипслашган давр бўлди. Бу даврда жуда катта миқдордаги ерлар нафақат мусулмон руҳонийларига, балки индусларнинг ибодатхоналарига ҳам берилди. Шаҳарларга нисбатан сиёсатда ҳам баъзи ўзгаришлар юз берди. Масалан, Акбар давридан бошлаб маъмурий ва солиқ аппаратидаги олий ма-нсабларга савдогарлардан, ҳунарманлардан ва паст табақадан шахслар тайинлана бошланди.

Бобурий ҳукмдорлар суннийлик оқимининг ханафийлар мазҳабидан бўлганларни учун бошқарув ва суд ишларини юритишда маҳаллий шароит-ларни ҳисобга олишни талаб қилардилар. Акбарнинг бу йўлдаги сиёсатини унинг ворислари -

ўғли Жаҳонгир (1605-1627 йиллар) ва набираси шоҳ Жаҳон (1627-1658 йиллар) Давом еттириДи.

**Маҳаллий
бошқарув**

Қадимги

бўлинишнинг

ДехқонларДан

ХинДистонДаёқ

жорий қилиниши

солик ва ўлпон-лар

маъмурий

жамоачи

унДириш мақсадига бўйсунДирилган еДи. Масалан, Гупта ва Харша империялари провинсияларга бўлиниб, уларни чегара вилоятларининг бошлиқлари ёки ноиблар бошқараДилар. Провинсиялар округ-ларга бўлинганДи. Енг кичик маъмурий бирлик қишлоқ жамоаси еДи.

Мусулмон ҳукмдорлари янги маъмурий-худуДий бўлинишни жорий қилганлар. Дехли сultonлиги 23 та провинсияга бўлинган. Йирик провинсия-лар **шики** (вилоят)ларга бўлинган еДи. Ундан кейинги маъмурий-худуДий бирлик - **паргана** (туман) бўлган. Унинг таркибига бир қанча қишлоқлар ва **патта** - бир-икки қишлоқ кирган. Бобурийлар салтанати Ақбар подшолиги ДавриДа 15 та вилоятга бўлиниб, ҳар бир вилоятга шоҳ ноibi - ҳакам (губернатор) бошлиқ қилиб қўйилган еДи. ШунингДек, ҳар бир вилоятга **фоужарлар** - ҳарбий бошлиқлар, **гумашталар** - солик йиғувчилар ва **кутволлар** - шаҳар бошлиқлари тайинланарДи.

Дехли сultonлигиДа ҳам, Бобурийлар салтанатиДа ҳам маълум Даражада брахман-кшатрийларнинг юқори табақаси бошчилигиДаги жамоаларнинг ўзини ўзи бошқаруви сақланиб қолган еДи. Мусулмон ҳукмдорлари ҳинД жамоаларини, айниқса йирик жамоаларни тўлиқ бўйсунДира олмаганлар. Маса-лан, Бобурийлар маҳаллий ҳукмрон уруғларнинг егаликларини тан олмаган-лар. Лекин амалДа паргана ва патта сингари маъмурий бирликлар уруғларнинг егаликлари билан мос тушган.

ҲинД жамоалари тепасиДа **муккадамлар**, **чаудхрлар** (Доҳийлар) тур-ган. Улар ҳукмрон бўлган касталарнинг бошлиқлари еДилар. Жамоалар тарки-биДа бир нечта қишлоқлар бўларДи. Қишлоқ тепасиДа **хута** турган. Мукка-Дамлар, чаудхрлар, хуталар марказий аппаратнинг мансабдорлари емас, со-лиқ тўловчиларнинг вакиллари еДи. Жамоа мансаблари мерос бўлиб ўтарДи, шунингДек меросхўрлар ўртасиДа тақсимланарДи. Бу вақтДа жамоа кен-гашлари - панчаятлар ҳам мавжуД еДи. Панчаятлар округДа, қишлоқДа ҳукмрон бўлган касталарнинг вакиллариДан иборат таркибДа бўларДи.

Армия	Мусулмон мусатҳкамлиги	хукмрон унинг	режимининг армиясининг
--------------	---------------------------	------------------	---------------------------

жанговарлигини белгилаган. Мусул-монларДан иборат отлик аскарлар армиянинг асосий қути бўлган. Сарой қўриқчиларига ва бошқа саралаб олинган қўшинларга алоҳиДа ўрин ажратил-ган еДи. Дехли сultonлигининг армияси ўнлик тизими асосиДа ташкил етилган еДи. Ҳарбий ва фуқаролик чини ҳарбийларнинг сонига қараб белгиланган. **Амир** юзта чавандозга, **малик** - мингта чавандозга, **хон** - ўн мингта чавандозга қўмондонлик қиларДи.

Бобурийлар салтанатиДа қўшинлар сони ёлланма аскарлар ҳисобига ан-ча кўпайтирилган еДи. Ёлланма аскарларга бевосита хазинаДан ҳақ тўла-нарДи. Ёлланма аскарлар алоҳиДа имтиёзли мавқега ега еДилар. Улар бево-сита подшоҳга итоат етарДилар. Шуниси Диққатга сазоворки, қудратли ер ега-ликлари ўзларининг ҳарбий қўшинларига ега еДилар. Йирик ҳинД жамоалари ўз худудларини ва ҳуқуқларини қўлга қурол олиб биргаликДа ҳимоя қиларДилар.

Sud Барча мусулмон ДавлатлариДа суд ишларини юритиш Қуръон қоидалари асосиДа амалга оширилган. Бунга кўра, суд маъмуриятДан ажратилган ва Давлат бошлиғи томониДан тайинланган қо-зилар томониДан амалга оширилар еДи. Суд тизимиДа суд мансабдорларининг поғонама-поғона бўйсуниши, фуқаролик ва жиноий суд ишларини юритиш ўртасиДаги фарқ ҳам мавжуД емас еДи. Қозилар ишларни якка ўзлари кўриб ҳал қилганлар. Маҳаллий қишлоқ, кастага оид жамоаларнинг барқарорлиги маҳсус панчаятлар судларининг мавжуДлигини белгилаган. Панчаятлар судлари муҳим ваколатларга ега еДилар. Улар жамоаларнинг ерларини тақсим-лаганлар, касталар ўртасиДаги муносабатларни тартибга солганлар, кастага оид ва оилавий тартиб-коидаларга риоя қилинишини кузатиб турганлар.

4. Ўрта асрларДа ҲинДистон ҳуқуқининг асосий белгилари

Хуқуқ манбалари	хукмронлиги Дхармашастра
----------------------------	-----------------------------

Ўрта асрларДа ҲинДистоннинг ҳуқуқий тизими мусулмон ҳуқуқи таъсири остиДа муҳим ўзгаришларга учради. ҲинДистонДа мусулмон ўрнатил-ганДан кейин маҳаллий ҳуқуқ ва ҳуқуқининг қўлланиши ҳам шахслар Доираси

жихатиДан, ҳам бу ҳуқуқ нормалари билан тартибга соли-наДиган муносабатлар Доираси жихатиДан қисқарДи. Жиноят ишлари мусулмон ҳуқуқи нормалари асосиДа мусулмон судялари - қозилар томониДан ҳал ети-лиши лозим еДи. Мусулмон ҳуқуқи худудий характер касб етиб, босиб олин-ган худудлар ахолисининг барчасига қўлланиларДи. Мусулмон ҳуқуқи нор-малари ўзининг ескирган контсепсиялари, сунъий, кам самарали Далиллар тизими билан 1832 йилДа мустамлакачи Давлат томониДан мусулмон ҳуқуқи нормаларининг барча номусулмонларга нисбатан қўллашнинг бекор қили-ниши ҳақиДаги қонун қабул қилингунча қарор ҳаракатДа бўлДи.

Дин билан боғлиқ ҳисобланган барча муносабатлар - никоҳ-оила муносабатлари, мерос, Диний муассасалар фаолияти алоҳиДа ҳуқукий тизимлар билан, яъни мусулмонлар ҳақиДаги ишлар мусулмон ҳуқуқи билан, инДуизм ДиниДаги кишилар ҳақиДаги ишлар ҳинД ҳуқуқи билан тартибга солинган. Бун-Дан ташқари, мусулмон босқинчилиги каста ва жамоа тартибларига кам таъсир етган. Бу ерДа панчаят, каста судлари ҳаракат қилаверган. Улар жиноий ишларни ҳам маҳаллий одат ҳуқуқи асосиДа кўриб ҳал қиласидилар.

Ўрта асрлар ҲинДистониДа қадимги Ҷхармашстралар ҳуқуқини қайтадан таҳлил қилиш, танқиДий ўрганиш, шарҳлаш, уни янги шароитларга мослаш-тиришга қаратилган жадал жараён бошланган. Кўп сонли ҳуқукий трактатлар (асарлар)нинг, у ёки бу Ҷхармашстраларга шарҳларнинг ёки у ёки бу ҳуқукий масалалар бўйича инДиузм ДиниДа еътибор қозонган кишиларнинг фикрлари тўпламлари (нибанДхлар) нинг пайдо бўлиши ушбу жараённинг натижаси бўлДи. Шарҳлар ва нибанДхлар вақт ўтиши билан ҳинД ҳуқуқининг асосий манбалари сифатиДа майдонга чиқа бошлайди. Дигесталар (нибанДх-лар) муаллифлари ва шарҳловчилари томониДан Ҷхармашстралар ҳуқуқиДаги қарама-қаршиликларни, ноаниқликларни, камчиликларнинг бартараф етилиши шунга олиб келдики, судларДа Ҷхармашстраларни бевосита шарҳлаш оқи-батДа етарлича ишонарли ва нуфузли Деб тан олинмайдиган бўлДи.

Енг Даствабки шарҳловчиларДан бири Асаҳайя (тахминан ВІІ асрДа) бўлиб, у машхур Нарада Ҷхармашстрасини - Нарадаб-хазияни шарҳлаган. Айниқса Ману қонунлари тез-тез қайта ёзилган ва шарҳланган. Бизгача Ману қонунларига ёзилган Бхаруччи (ВІІ аср), Медхатитхи (ІХ аср), ГавинДаражи (ХІІ-ХІІІ асрлар) ва

бошқаларнинг шарҳлари етиб келган. Шунингдек, яна бир бошқа машхур Дхармаштра - Яжна-валка ҳам бир неча марта шарҳланган. Яжнавалкага шарҳлардан бири XI асрда Вижна-нешвара томонидан ёзилган **Митакшара**дир. Вижнанешвара ҲинДистонда кенг тарқалган икки ҳинД ҳуқуқи мактабларидан бирига ана шундай ном берган еди. ҲинД ҳуқуқининг бошқа мактаби - **Даябхачининг** асосчиси Жимутавахан бўлади. У XII асрда нибанда тузган еди. Нибанда мерос ҳуқуқи ва катта ажралмас ҳинД оиласи мулкини тақсимлашнинг баъзи маса-лалари Митакшарага қарагандада бошқачароқ ҳал қилинган.

Ўрта асрлар ҲинДистонидан шарҳлар қадимги Дхармаштралар каби Давлат қонунчилиги томонидан сиқиб қўйилмади. ҲинД ҳуқуқи ривож-ланишининг бу хусусияти бир қатор омиллар билан изоҳланади. Шуни таъкидлаш жоизки, баъзи шарҳлар ҳукмдорлар топшириғи бўйича ёзилган ва уларнинг санксияси билан ҳаракатда еди. Шарҳловчилар орасида юқори мартабали расмий кишилар кўп бўлган.

Ўрта асрлар ҲинДистонидан XIII асрда мусулмон босқинчилари кел-гунга қадар Давлат бирлиги бўлмаган. Бу нарса ҳуқуқнинг хилма-хиллигига сабаб бўлган. Нибандахлар адабиёти - муайян ҳуқуқ институтлари бўйича ситаталарнинг тематик тўпламлари Дхармаштраларнинг турли муаллифлари қои-даларини маълум Даражада ягона ҳолга келтириш, бир-бири билан мослаштиришга ҳаракат натижаси еди. Бунга янги ҳуқуқий асарлар яратиш йўли билан еришиш мумкин еди. Шарҳловчилар Дхармаштраларни тузувчи-лардан кейин ҳуқуқни ҳинД жамиятини бирлаштириш тенденсиясига жавоб берадиган Даражада бирхиллаштиришга ҳаракат қиладилар.

ҲинДистон узок вақт мобайнида индуизмнинг ҳуқуқий, ахлоқий, фалса-фий қарашлар барқарорлиги билан ажралиб туради. Муқаддас Деб ҳисобланган анъанавий ҳуқуқни ривожлантириш йўллари ҳақида ҳам алоҳида қарашлар мавжуғ еди. Шарҳловчиларнинг фаолияти бу қарашларга мос тушган. Чунки улар янги қонунлар яратишга Даъво қилмаганлар, ўз олдилариға фақат Дхармаштралар талабларини шарҳлашни, уларнинг кўрсатмаларини еълон қилишни мақсад қилиб қўйганлар, холос.

Ҳуқуқни бирхиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатларда шарҳлов-чиларнинг фикрлари ҳамма масалаларда мос келиши мумкин емас еди. Чунки улар аввал турли вақтларда одат ҳуқуқига

асосланиб ёзилган еДи. Анча кейинги шархловчилар кўпинча илгариgi шархловчиларни фақат уларни инкор қилиш учун еслаб ўтарДилар. Ўрта асрлар ҲинДистонининг турли қисмлариДа баъзи шархловчиларнинг обрў-еътибори тан олинса, бошқа шархловчиларнинг обрў-еътибори инкор қилинарДи. Бу еса юқориДа қўрсатил-ган икки ҳукукий мактабларнинг вужудга келишига олиб келДи.

Қадимги ДаврДагиДек, ўрта асрлар ҲинДистониДа ҳам оДат ҳукуки анъанавий ҳинД ҳукукининг муҳим манбалариДан бири бўлиб қолаверДи. ОДат ҳукуки нормалариДан кенг фойДаланган шархловчилар назарий жихат-Дан ўзгармас ҳисобланган «муқадДас» Ҷхармаштралар ҳукукини янги шароитларга мослаштириДилар. Кўпинча оДатлар шархловчилар томониДан амалДаги ҳинД ҳукукига киритилган.

ҲинД ҳукуки асрлар мобайниДа кўп тилли, хилма-хил ирқли, тарқоқ ҲинДистонДа маҳаллий оДатларга, кишиларнинг ўзига хос юриш-туришларига мослашиб, ҳукуқни бир бутун қилиб бирлаштиришДа муҳим ўрин тутади. Ҳин-Дистоннинг ҳукуқ тизимиДа оДатларнинг тутган ўрни ҳакиДа Ҷхармашастра-ларнинг муаллифлари тўҒриДан-тўҒри қўрсатиб ўтадилар. Масалан, ВИ асрга оид ҶхармашстраларДан бири - **БрихаспатисмритиДа** ўрнатилишича, қадимги оДатлар уларга асосланган ҳар қандай амалиётни қонунлаштириДи ва суд қарори фақат Ҷхармашстраларнинг кўрсатмалари асосиДагина чақирилиши мумкин емас. Агар Ҷхармашстралар ҳукуқнинг моҳиятига ва қадимги оДатларга зид келса, улар одил судловга зарар келтириши мумкин (II, 26-28). ШунингДек, Медхатитхининг Ману қонунларига ёзган шархлариДа кўрса-тилганиДек, маҳаллий оДатларга жиДдий зид келган Ҷхармашстраларга амал қилмаслик лозим еДи.

ОДатларнинг ўрта асрлар ҳинД ҳукуки манбалари орасиДа тутган ўрни бу вактДа ҲинДистоннинг ривожланиш хусусиятлари билан белгиланаДи. Турли хил сиёсий елиталар ўртасиДаги урушлар, тарқоқлик анъанавий ҳукуқнинг чу-қур Диний-Фоявий илДизларига таъсир етмади ёки жуда кам таъсир етди. Назарий жихатДан ўзгармас бўлган Диний-ҳукукий тизим турли йўллар билан жа-мият еҳтиёжларига мослашди. Агар мусулмон ҳукукиДа бир мазҳаб бошқа мазҳабга мослашишДа қиёсий ҳукуқ усулиДан фойДаланган бўлса, ҳинД ҳукуки жамият еҳтиёжларига оДатларни ўз ҳукукий тизимиға киритиш орқали мослашди.

Анъанавий консепсияларнинг кунДалик амалиёт билан ўзгариб бори-ши маълум Даражада «ҳақиқат принсиплари»ни Дхармаларнинг қўшимча кўрсатмалари сифатидага қўллашга ёрдам берди. Дхармастраларнинг Ди-ний нуфузига, уларнинг анъанавий ҳуқуқий мавзуларига мурожаат қилиш ху-сусий ҳуқуқни, хусусан, никоҳ-оила, мерос, шахс ҳуқуқий ҳолати институтла-рини ишлаб чиқиш бўйича шарҳловчилик фаолиятининг асосий йўналиш-ларини белгилаб берди. Даяхага ҳам, Митакшара ҳам катта бўлинмас ҳинд оиласлари муносабатларини, шунингдек, ушбу оила аъзоларининг бошқа шахслар билан ва Давлат билан муносабатларини тартибга солишга бағишланган.

Катта, бўлинмас (бирлашган) ҳинд оиласи у ёки бу Даражада ўрта аср-лар ҳинд ҳуқуқининг Деярли барча нормалари мазмунини белгилайди. Бу вақтда Хиндистонда ҳам ота линияси бўйича, ҳам она линияси бўйича оилавий, уй жамоалари мавжу́д бўлишда Давом етди. Улар икки асосий бел-гиси: катта оила аъзоларининг биргаликдаги меҳнати ва меҳнат маҳсулотлари-нинг улар ўртасида тенг тақсимланиши билан тавсифланади. Мулкка биргаликда егалик қилиш ва хўжаликни биргаликда юритиш - катта (бўлинмаган) оиланинг асоси, анъанавий ҳуқуқнинг асосий принсиби еса - қўчмас мулк: ер оилада қолиши керак еди.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, оиланинг алоҳидаги аъзолари мулкдор Деб тан олинмайди, оила мулкини тасарруф қилиш чекланади, уни фақат оила бошлиғи, бошқарувчиси тасарруф қилиши мумкин. Оила бошлиғининг ҳоки-мияти катталик обрў еътиборига, унинг авлодлар Диний удумлари билан боғлиқ урф-одатларни бажаришига асосланган. Ота-боболарга хурмат, ибодат қил-иш катта оилавий жамоаларнинг Диний асоси, уни боғлиқ турувчи омил ҳисоб-ланган. Бу билан никоҳ маросими ҳам боғлиқ еди. Никоҳ куёв ва келин ўртасида тузиладиган, уларнинг иттифоқини бузилмас қилиб белгилайдиган муқаддас битим ҳисобланарди.

Никоҳ, фарзандликка олиш, мерос институтларининг асосий мақсади ав-лодларни хурмат қилиш, урф-одатларни, Динга хизмат қилишни аддо етиш ҳисоб-ланган. Зоро, буларга оиланинг моддий ва маънавий бойлигининг асосий шарти сифатидага қаралган. Масалан, Даяхага бўйича катта оиланинг мулки илгари ҳам, ендиликда ҳам отага тегишли еди. Ота оила бошлиғи сифатидага уни ўз хоҳишича тасарруф қилиш: сотиш, гаровга қўйиш, ҳадя қилиш ва бошқа

хуқуқларга ега бўлган. Даябхага бўйича ўҒиллар ота ҳаётли-гиДа оила мулкига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа ега бўлмаганлар; отадан оила мулкини сотганлиги, ҳадя қилганлиги ва бошқа йўллар билан бегона-лаштирганлиги учун ҳисбот талаб қила олмаганлар, шунингдек, ундан оила-вий мулкдан ҳисса ажратиб беришини ҳам талаб қилолмаганлар ва ҳоказо. Ота вафотидан сўнг оила мулки оила бошлиғининг бевосита авлодларига - ўҒил-ларга ўтказилган.

Хозирги ҲинДистонда ҳам кенг тарқалган катта бўлинмас оиланинг ҳуқуқий асосини Митакшара ҳуқуқи бўйича мулк ҳуқуқи институти ва ҳам-ворислик ташкил етади. Бу ота, бобо ва катта бобо томонидан ўз ота-бобо-ларидан мерос қилиб олинган оилавий мулкка нисбатан ўҒил, невара ва евара ҳуқуқларида ўз ифодасини топади. Бундай оиласа фақат ҳамворислар емас, балки уларнинг оналари, ўгай оналари, болалари (ерга теккан қизларидан таш-қари), бевалар, вафот етган ҳамворисларнинг ерга тегмаган қизлари ҳам кир-ган. Шунингдек, бошқа ҳамворисларнинг еътирози бўлмаса, биргаликда я-шаш давомида никоҳсиз туғилган болалар ҳам, агар бошқа фарзандлар бўлмаса, оиланинг аъзоси ҳисобланган. Бироқ, юқорида кўрсатилган оила аъзолари оила мулкидан фақат таъминот олиш ҳуқуқига ега еди. Мулкдорлар-дан биронтаси ҳам оила мулкидан кўпроқ ҳисса олиш ҳуқуқига ега емасди. Ўлган кишиларнинг оилавий мулк ҳуқуқи тирик ҳамворисларга ўтарди.

Митакшара бўйича ҳамворислар томонидан катта оила мулкини оила бошқарувчисининг рухсатисиз, ҳатто бошқа ҳамворис фойдасига якка тартибида бегоналаштирилиши мумкин емас еди. Шунингдек, учинчи шахслар ҳамворис ҳуқуқини олиши мумкин емас еди. Бироқ, ҳамворислар оила мулки-ни бегоналаштириш ҳуқуқига ега бўлмасалар ҳам, оила мулкини фақат ҳам-ворислар томонидан бегоналаштирилишига еътиroz билдириш ҳуқуқига ега едилар. Улар бошқарувчидан оила мулкини тақсимлашни ва тақсимлаш вақтида мулкнинг ҳолати ҳакида ҳисбот беришини талаб қила олганлар. Ҳамворис оила бошлиғи ва шу тариқа оиланинг бўлинмас мулки бошқарувчиси бўлиб қолиши мумкин еди (агар бу ўрин бўш қолган бўлса ва бошқа ҳамво-рислар бунга еътиroz билдирмаса). Барча ҳамворисларнинг ҳуқуқлари teng бўлган. Бироқ, бундай ҳуқуқдан маҳрум етиладиган ҳамворислар ҳам назарда тутилган. Масалан, ақли заиф, еси паст ёки майиб-мажруҳ туғилган кишилар оила мулкидан ўзларига тегишли ҳиссанинг ажратилишини талаб қилиши ёки катта оила ишларини бошқариши мумкин емас еди.

Ўрта асрлар ҲинДистониДа оилавий муносабатлар соҳаси билан ашё ҳу-қуқининг бошқа қатор анъанавий нормалари чамбарчас боғлиқ бўлган. Шуни таъкиДлаш жоизки, кейинчалик мустамлака ўлкаси бўлган ҲинДистон-Да ХИВ асрДа ҳуқук соҳаларининг кодекслаштирилиши ашё ҳуқуқи норма-ларига тааллуқли бўлмаган. Бу ўз аҳамиятини ҳозирги вақтДа ҳам йўқот-маган. Ўрта асрлар ҲинДистониДа ашё ҳуқуқининг муҳим институтлариДан бири «**бенами**» мулкчилиги еди. У инглизларДаги ишониб топширилган мулк институтига жуда ўхшаш бўлган. Бенами - ўз пулларига, лекин бошқа шахс номиДан ёки ўз номиДан сотиб олинган, бироқ бошқа шахсга унинг учун қандайдир фойДа келтириш мақсадини кўзламасДан берилган мулкдир. БенамиДан, бир томонДан, мулк егасининг мулки миқдорини, бой-лигини яшириш воситаси сифатиДа фойДаланилган бўлса, иккинчи томонДан, қариндошларни, умумий меросхўрларни чалғитиш воситаси сифатиДа фойДаланилган.

Оилавий муносабатлар соҳаси билан мустаҳкам боғлиқ бўлган мулк ҳуқуқининг яна бир анъанавий институти «**режия**» еди. У оиланинг бўлинмас мулки ҳисобланган. Бу мулк мерос бўйича оиланинг фақат битта аъзосига ўтказилган. Оиланинг бошқа барча аъзолари ушбу мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқларга ега бўлмаган. Ўрта асрлар ҲинДистониДа хусусий ер егалигининг ўсиши шароитлариДа ривожланган бўлинмас мулк узоқ вақт мобайниДа бошқа, анча қадимий ҳисобланган катта, бўлинмаган оила мулки билан бирга яшаган. Бўлинмаган, катта ҳинД оиласи мулки билан оиланинг бўлинмас мулки ўртасиДаги фарқ асосан шунДан иборатки, бўлин-мас мулк ҳамворислар ўртасиДа тақсимланмаган. Катта оила аъзолари (ҳам-ворислар) уни тақсимланишини, унДан биргаликДа фойДаланишни, унинг яго-на егаси томониДан тасарруф қилинишини тақиқлашни талаб қила олмаганлар. Лекин, катта оилавий тақсимланмаган мулкчилик таъсири остиДа, баъзи каста-ларДаги урф-одатлар кучи билан ҳамворислар баъзан бўлинмас мулкДан таъминот олишни талаб қилиш ҳуқуқига ега бўлганлар. Бу ҳуқуқДан қўпинча бўлинмас мулкни ушлаб турувчиларнинг ўғиллари фойДаланишлари мумкин еди. Бўлинмас мулкни мерос қилиб қолдиришнинг алоҳиДа қоидалари белги-ланганди. У асосан маёрат принсипи бўйича, яъни вафот етган мулк егасининг ўғлига мерос қилиб қолдириларди.

ҲинДистоннинг анъанавий ҳуқуқиДа ривожланган ўзига хос мулкчилик институти - бутлар, санамлар (худолар), Диний ва хайр-

еҳсон муассасалари, ибодатхоналар мулклари бўлган. Бундай мулклар хайр-еҳсон, садақа ва қурбонлик қилиш натижасида вужудга келган. Бунда диний қурбонликлар ва хайр-еҳсон қилиш бир-бирига мос тушган. Чунки Ҳиндистонда мухтожларга ёрдам бериш, хайр-саҳоват кўрсатиш алоҳидан диний иш сифатида қўрилган. Ҳиндистонда диний мулк шаклларининг кенг тарқалишига иерархик ташкил қилинган ҳинд черковининг мавжуд емаслиги, индуизмнинг кўп худолиги, ракобатлашувчи динлар (шайнизм, буддизм ва бошқалар)нинг кенг тар-қалганлиги ёрдам берган. Бу ҳолат ўрта асрлар Ҳиндистонининг диний-ма-даний бирлигининг мустаҳкамланишига ҳалакит бермади. Чунки индуизм табақа-каста ташкилотининг қаттиқ қоидлари билан бир қаторда, маҳсус дин еркинлигига йўл қўйиши, егилувчанлиги, янги шароитларга нисбатан осон мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Диний мазҳаблар, одатда, каста шаклларига ега бўлиб, тўртта варнанинг умумий тизимиға киради.

Юқоридагилар билан бирга, мухтожларга ёрдам бериш мақсадида киритилган диний мулкчиликнинг таъсис етилиши бошқа, амалий мақсадларни ҳам кўзда тутарди. Бундай мулк, бир томондан таъсисчининг вафотидан сўнг унинг авлодларини ва бошқа қариндошларини таъминлаш мақсадига қаратилган бўлса, иккинчи томондан, бойлар мулкининг ҳақиқий мақсадла-рини яшириш мақсадига хизмат қилган ва ҳоказо. Бу институтнинг нонормал характеристи шунда ифодаланадики, бу ерда ишончли мулк таъсис етилмай-ди, балки ўз ҳукуқларини қонуний вакиллари - шебайдар орқали амалга оши-рувчи худо, бут-санам (масалан, оддий «муқаддас» тош) мулкдор бўлиб қолади. Бу мулк абадий, доимий ҳисобланган. Хайр-еҳсон ҳадя қилувчи томонидан қайтариб олиниши мумкин емас еди.

Худога ўтказилган мулк «Деваттарам» (Девата - худо, бут, санам сўзидан) деб аталган. Одатда таъсисчининг ўзи ушбу мулкнинг тасарруф етувчиси бўлган ёки тасарруф етувчи - шебайт тайинлаган. Шебайтнинг вазифаси, одатда, маҳсус таклиф етилган брахман-пужариага топширилган мулкни худо йўлига хизмат қилишини кузатиб туриш еди.

Худолик мулкини бошқарувчиси ёки бошқарувчилари кенг ваколат-ларга ега еди. Агар таъсисчи томонидан тўғридан-тўғри тақиқланмаган бўлса, у бу мулкни гаровга қўйиши, сотиши ва «худоманфаатлари» йўли-да, масалан, ибодатхонани таъмирлаш учун

унинг Даромадларини тасарруф етиши мумкин еди. Бу Даромадларнинг бошқарувчи томонидан ўзлашти-рилиши, агар «худолик манфаатлари» бузилмаган, масалан, Худонинг «фойдасига» хизмат қилишдан воз кечилмаган бўлса, қонуний ҳисобланган. Шебайт ва пужария мансаби меросий бўлиши мумкин еди.

Ўрта асрлар Ҳиндистонида тарқалган Диний мулкчиликнинг яна бир шакли - **матха** (Диний монахлари бўлмаган монастирни еслатувчи ҳинд мактаби) фойдасига қурбонлик қилинган мулк еди. Бундай мулк шаклининг тарқалишига Ҳиндистондаги мазҳабчилик харакати сабаб бўлган. Матхалар у ёки бу таълимотларни тарғиб қилиш, ўз издошларини тўплаш мақсадларида ҳам тузилган. Масалан, ўрта асрлар Ҳиндистонида мазҳаблар ва кас-талар кўпинча бир-бирига мос тушади, кўпинча каста (мазҳаб) бошлиғи ёки унинг панчаяти (ўзини-ўзи бошқариш органи)нинг олий Диний ҳоки-миятга ега бўлган илғор аъзоси-махант, мазҳаб бошқарувчиси, унинг мулкини бошқарувчиси сифатида майдонга чиқади.

Кўпчилик матхаларнинг ўз ибодатхоналари мавжуд еди. Махант бир вақтнинг ўзида ҳам шебайт, бут-санам мулкини бошқарувчиси, ҳам ибо-Датхона хизматчиси бўлиши мумкин еди. Махантларнинг ҳукуқий ҳолати маҳаллий одатлар билан белгиланган. Махант катта ҳукуқларга ега бўлиб, матха бошлиғининг меросхўри бўлиши, ҳатто ўзига ворис тайинлаши, каста (мазҳаб) нинг панчаятига бошлиқ етиб сайланиши мумкин еди. Баъзи йирик матхалар ўзларининг маҳаллий бўлимлари - **питхаларига** ега еди. Матхаларнинг Диний таъсирини сиёсий аҳволдаги ҳеч қандай ўзгаришлар синдира олмаган. Матхалар нафақат индуизмнинг, балки Диний фалсафа, сиёсий фикрларнинг ҳам тарқалишида жуда катта рол ўйнаганлар, бу билан ўрта аср ҳинд жамиятини бирлаштиришда кучли омил бўлган Диний-маданий алоқалар-нинг ривожланишига катта ҳисса қўшадилар.

Ҳиндистонда юз йиллаб Давом етган мусулмон бошқаруви унинг тўлиқ исломлашувига олиб келмади. Лекин бу вақтда Ҳиндистонда мусулмон ҳукуки ва унинг асосий манбай - Қуръон ёйилди. Мусулмонлар ўрта-сидаги ва ҳукуқий муносабатда қатнашаётган томонлардан бири мусулмон бўлганда ишлар мусулмон ҳукуки асосида кўрилган, ҳинду, брахма-низм Динидагиларнинг ишларига Ману қонунлари ва бошқа қонунлар қўлла-нилган. Шунингдек, ҳиндларнинг оила-никоҳ, ворислик

муносабатлариДан ке-либ чиқадиган муносабатлар ҳинД ҳуқуқи билан тартибга солинган. Гупталар салтанати ДавриДаги жиноят ҳуқуқи Давлат жиноятлари, мулкка қарши қара-тилган жиноятлар, шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарликлар ўрнатган еди. Жазонинг асосий тури жарима ва турма қамоғи ҳисобланган. Бобурийлар ДавриДа қатл етиш жазоси фақат император тасдиғи билан берилиши мумкин еди. Аммо шунга қарамай, бу жазо жойлардаги судлар томонидан ҳам бериларди. Бу Даврда тан жазолари ҳам кенг ёйилди. Судлов жараёнида уруғдошлиқ тузумининг қолдиқлари сақланиб қолган еди. Масалан, унда сув, ўт, тарози ва заҳар билан синаб кўрилиб, кўрсатманинг түғри-нотӯғрилиги аниқланарди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
БИРИНШИ БЎЛИМ	
Ўрта асрларДа Европа мамлакатлари Давлати ва ҳуқуқи	6
I боб. Европа мамлакатлариДа ўрта асрлар Давлати ва ҳуқуқи хусусиятлари	6
II боб. Франклар Давлати ва ҳуқуқи (В аср - IX асрнинг биринчи ярми)	10
1. Франклар Давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари	10
2. Франклар Давлатининг ижтимоий тузуми	15
3. Франкларнинг Давлат тузуми	22
4. Франклар ДавлатиДа ҳуқуқнинг асосий белгилари	31
III боб. Франсия Давлати ва ҳуқуқи (IX асрнинг ўртаси - XVIII аср охири)	56
1. Франсия Давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари	56
2. Сенъорлик монархияси (IX-XIII асрлар).....	57
3. Табақа-вакиллик монархияси (XIV-XV асрлар).....	66
4. Мутлақ монархия Даври (XVI-XVIII асрлар)Да ижтимоий ва Давлат тузуми хусусиятлари.....	77
5. ФрансияДа ҳуқуқнинг асосий белгилари	88
IV боб. Германия Давлати ва ҳуқуқи (IX асрнинг ўртаси - XVIII аср)	109
1. Германия Давлатининг ташкил топиши, ривожланиш хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари	109
2. Илк феодал монархияси. “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” (X-XIII асрлар).....	111
3. ГерманияДа курфюристлар олигархияси ва табақа-вакиллик монархияси Даври (XIII-XVII асрлар)Да ижтимоий-сиёсий тузумДа юз берган ўзгаришлар	118
4. "Князлик абсолютизми" ДавриДа (XVII-XVIII асрларДа) Германия.....	126

5. Ўрта асрларДа ГерманияДа ҳуқуқнинг асосий белгилари	136
В боб. Англия Давлати ва ҳуқуқи (В аср-XVII асрнинг ўртаси)	159
1. Англия Давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари	159
2. Инглиз-саксларнинг илк феодал монархияси (IX-XI асрлар)	160
3. АнглияДа марказлашган сенъорлик монархияси (XI-XII асрлар)	169
4. Табақа-вакиллик монархияси (XII асрларнинг II ярми-XV аср)	178
5. Абсолут монархия ДавриДа Англиянинг ижтимоий-сиёсий тузуми (XV асрнинг охири- XVII асрнинг ўртаси)	194
6. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.....	200
ВИ боб. Византия Давлати ва ҳуқуқи (В-XV асрлар).....	230
1. Византия Давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари	230
2. Шарқий Рим империясининг ижтимоий тузуми	231
3. Византия Давлат тузуми.....	235
4. ВизантияДа ҳуқуқнинг асосий белгилари.....	240
VI боб. Россия Давлати ва ҳуқуқи тарихи (IX аср-XIX асрнинг ўрталари)	253
1. Қадимги Рус Давлати ва ҳуқуқи (IX-XII асрлар)	253
2. Сиёсий тарқоқлик ДавриДа РусДа Давлат ва ҳуқуқ (XII-XIV асрлар).....	259
3. Олтин ЎрДа Давлати ва ҳуқуқи (XIII-XV асрлар).....	264
4. Марказлашган Рус Давлатининг ташкил топиши ва ҳуқуқнинг ривожланиши (XIV асрнинг иккинчи ярми-XVII асрнинг биринчи ярми)	266
5. РоссияДа табақа-вакиллик монархияси (XVII асрнинг ўрталари-XVII асрнинг ўрталари)	273
6. РоссияДа мутлақ якка ҳокимликнинг ташкил топиши ва ривожланиши (XVII асрнинг иккинчи ярми-XIX асрнинг ўрталари)	284
7. Абсолут монархия ДавриДа РоссияДа ҳуқуқнинг асосий белгилари.....	295

8. Крепостной тузумининг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг ўсиши ДавриДа Россия Давлати ва ҳуқуқи (ХИХ асрнинг биринчи ярми)	309
---	-----

ИККИНШИ БЎЛИМ

Ўрта асрларДа Шарқ мамлакатлари Давлати ва ҳуқуқи.....	324
ВІІІ боб. Ўрта асрларДа Шарқ мамлакатлари Давлати ва ҳуқуқининг ривожланиш хусусиятлари	324

IX боб Араб халифалиги ва мусулмон ҳуқуқи 334

1. Араб халифалигининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари	334
2. Ижтимоий ва Давлат тузуми хусусиятлари	341
3. Мусулмон ҳуқуқининг асосий белгилари	351
4. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари	360
5. Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи асосларининг тартибга солиниши.....	369
6. Мусулмон ҳуқуқиДа никоҳ-оила ва мерос масалаларининг тартибга солиниши.....	376
7. Шариат бўйича жиноят ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш тартиби	384

X боб. Ўрта асрларДа Хитой Давлати ва ҳуқуқи 393

1. Ўрта асрларДа Хитой Давлатининг ривожланиш босқичлари	393
2. Хитойнинг ижтимоий тузуми	397
3. Хитой Давлат тузумининг хусусиятлари	399
4. Ўрта асрларДа Хитой ҳуқуқининг асосий белгилари	406

XI боб. Ўрта асрларДа Япония Давлати ва ҳуқуқи..... 422

1. Япония Давлатининг ташкил топиши, шарт-шароитлари, хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари	422
2. Япония жамиятининг табақавий тузилиши	425
3. Япониянинг Давлат тузуми ва унинг ўзига хослиги	432
4. Ўрта асрларДа Япония ҳуқуқининг асосий белгилари	441

XII боб. Ўрта асрларДа ҲинДистон Давлати ва ҳуқуқи 457

1. Ўрта асрларДа ҲинДистон Давлатининг ривожланиш хусусиятлари ва Даврларга бўлиш муаммолари	457
2. ҲинДистон ижтимоий тузумининг хусусиятлари.....	460
3. ҲинДистонДа ҳокимият ва Давлат бошқарувининг ташкил этилиши	464
4. Ўрта асрларДа ҲинДистон ҳуқуқининг асосий белгилари	469

ҲайДарали Мұхамедов

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

**(Ўрта асрлар Давлати
ва ҳуқуқи тарихи)**

II қисм

Мұхаррир: Ҳ. Жалолов.

Техник мұхаррир: А. Боймаматов.

КомпьютерДа сахифаловчи: Ф. Нурлибаев.

Босишига рухсат етилДи: 25.08.2003. Босма табоЦи 35,8, 1/16. Бичими
47/65. АДАДи: 1000. Буюртма: № 132. Нархи шартнома асосиДа.

ТДЮИ Нашриёт бўлими, кичик босмахонасиДа босилДи.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.